

МУРОД КАЛОНХОН

КЎНГИЛ НАВОЛАРИ  
ДЕВОН

2



"Муҳаррир" наприёти  
Тошкент-2009

84(59) 6 - йыл, араб.


Калонхонов Мурод, 2-девон. Газаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар, мусадласлар, ҳажвиёт, рубоийлар, туюқлар, фардлар.  
«Мұхаррир» нашриёти - 368 б.

Мурод Калонхоннинг аруз вазнида ёзилган 2-девони ҳам қадим санъатимиз ошуфта мұхлисларига совға. Ижодкор истеъоддининг яна бир киррасини памоён этадиган мазкур түплем көнг китобхонлар, жумладан классик адабиётимиз билан шуғулланадиган олимлар, ундан баҳра олиб ижод қиласынан қоғозларимиз томонидан ҳам кизғин кутиб олиниши шубҳасиз.

ISBN 978-9943-354-20-3

10 40848/2  
2g,

© «Мұхаррир» нашриёти 2009



# ҒАЗАЛЛАР

## ХАЛҚИНГГА ХИЗМАТ ҚИЛМАСА

Кирмасин назм оламига кимки ұйыммат қилмаса.  
Белни маңжам бөглабон ҳар лаңза ғайрат қилмаса.  
Йиртиб отсин ёзғанини, тутмасин ұргиз қалам,  
Гар үқиб шеърини одам зарра роҳат қилмаса.  
Шеърият даргохидан ҳаріз тополмас бошпана,  
Ул үзига мисралардан бир иморат қилмаса.  
Ким үқири, ким ҳам севиб ҳар байтини ёд айлагай,  
Шоир үз ашъорини дилдән иборат қилмаса.  
Дөғ туширгай шеърияттинг шаңнига, рухсорита,  
Қалбини пок айлабон, ҳар дам адолат қилмаса.  
Эл унинг бошин силаб, олқиши этарму ҳеч қачон,  
Барча халқ шоирларин шеърини ҳурмат қилмаса.  
Шеърият муҳлислари рози эмас шоиридан,  
Нұш этиб назм бодасиданким майшат қилмаса.  
Эй Калоний, ёзганингнинг умри боқий бўлмагай,  
То улар олийжаноб халқингта хизмат қилмаса.

## ОТА-ОНАМГА

Таъзимдаман этиб бош ҳар он ота-онамга,  
Мезбон бўлай умрбод меҳмон ота-онамга.  
Хонамта кирсалар гар жисмим этай пойандоз,  
Мен ер мудом, туну кун осмон ота-онамга.  
Ҳар битта сўзлари минг шоҳ амрига баробар,  
Содик руом бўлай мен сulton ота-онамга.  
Панду ўтиларидир ҳикматга тенг, баробар,  
Жонимни этсам арзир қурбон ота-онамга.  
Не муддао этурлар ижроси-чун чекиб жон,  
Мангут опиб берай мен имкон ота-онамга.  
Киприкларимда тортай хор кирса пойларига,  
Бўлгум бало-қазодан қалқон ота-онамга.  
Раҳмат олай элизидан хизмат этиб чиройлик,  
Доим бўлай муносиб ўғлон ота-онамга.  
Минг-минг разал битишлик камлик қилур, Калоний,  
Сон минг этиб ёзай хўб достон ота-онамга.

## ЗОР АЙЛАМА

Эй Худо, эл меҳрига ұргиз мени зор айлама,  
Меҳри йўқ худбинга муҳтоjlар этиб, хор айлама.  
Ким меҳр кўрсатса топгай ул үзи ҳам эътибор,  
Мен меҳр кўргуздим, асло ҳолим афтор айлама.  
Гар ширин жоним керак бўлса этарман армутон,  
Ҳеч қачон тұхмат балосига гирифтор айлама.  
Қўллагин ҳар дам, ҳидоят йўлидан четлатмагин,

Тавқи лаънат тошини шаънимга зуннор айлама  
Ҳимматимдир меҳнатим, ишқим—садоқат ҳосили,  
Юртфуруш, хоин, касофатларга ҳамкор айлама.  
Қалби пок, мақсадлари олижанобни қўллагин,  
Кек, гина-кудрат, ҳасад аҳдини лек бор айлама.  
Ҳар киши севган нигори бирла күчсин баҳтини,  
Бевафо, шилқим, зинокор толейин ёр айлама.  
Эй Калоний, яхшилар мадҳини ёз, бўлгай савоб,  
Лекигин ҳаргиз ёмон аҳлига ашъор айлама.

### ҲИКМАТГА ЎХШАБ КЕТМАСА

Дўст бўлур ким тўғри йўлдан четта бошлиб кетмаса,  
Ногаҳон икки кўзингни жиққа ёшлиб кетмаса.  
Молу дунёнг бўлса бисёр улфату йўлдош, ва лек  
Дўст эзур чин, қай бири йўғингда ташлаб кетмаса.  
Қарз сўраб келгувчиларнинг барини ҳам дўст дема,  
Дўст бўлур қарз сўрганингда бошни қашлаб кетмаса.  
Соғлигингда бирга юрганларни кўр bemор чоринг,  
Кўп садоқатли экан қалбини тошлиб кетмаса.  
Энг катарли чорда ким дўстига бовар қилмаса.  
Баҳтиёр ул кутмаганда кўнгли ғашлаб кетмаса.  
Дўсти носознинг ҳаётি тунга ўхшаш тим қаро,  
Бу жаҳон зулмат, ахир, тоңг отмаса, шаб кетмаса.  
Эй Калоний, ҳеч қаҷон шеърингни зл ёд айламас,  
Ёзганинг бошдан оёқ ҳикматга ўхшаб кетмаса.

### ЭНДИ БОР ИМКОН МЕНГА

Дўйстларим, завқли эзур бундан бўён ҳар он менга,  
Ёр бўлур баҳту-саодат, шуҳрагу ҳам шон менга.  
Мустақиллик байрамингиз бирла қутлайман дебон,  
Эрта тоңдан гул кўториб чиқдилар жонон менга.  
Не учунким бўлган озод серқуёш Республикам,  
Шу гуфайли яйрадим дер таңдаги бу жон менга.  
Энди хурман, энди нурман, энди эркинман, ахир,  
То абад ризқим тўқис, доим бутундир нов менга.  
Ўзгинамга бу Ватаңда неки бўлса барчаси,  
Бору роғу тоғу қир, дарёю ҳамма кон менга.  
Қанча меҳнат қилсан охир роҳати ҳам менгадир,  
Экканимни ўзга ўрмас, бор сомону дон менга.  
Юртта хизмат айлабон раҳмат олойин эрта-кеч,  
Элдан олган ҳар бир олқиш бебаҳо маржон менга.

Үзгалардан рухсат олмам дил сўзимни айттали,  
Муддаони куйламоққа энди бор имкоя менга.  
Эй Калоний, қайнагай бул лаҳза илҳом чашмаси.  
Шеър ёзиш ҳеч гап эмас, ҳеч гап эмас достон менга.

## БЎЛМАСА

Чўққига интилмагин маҳкам қароринг бўлмаса,  
Зўр чидам бирлан ироданг, иқтидоринг бўлмаса.  
Ўйлама йўлим равон деб, учрагай балким довон,  
Сен уни енгигб ўтолмассан мадоринг бўлмаса.  
Дейдилар ёр васлига бошловчиидир соф меҳнатинг,  
Фурсатинг ўттайму хуш ғул юзли ёринг бўлмаса.  
Нур сочар офтоб, шунинг-чун ул қозонмиш эътибор,  
Бахт кулярму гар қозонган зътиборинг бўлмаса.  
Кутмагин назминга олқиши ҳеч қачон ҳам, эй Калон,  
Гар элу юртинига меҳри бешуморинг бўлмаса.

## НА ФОЙДА

Агар жон бўлмаса таңдан на фойда,  
Вале ишқсиз эсам мандан на фойда.  
Кичик ирмоқ эсам ҳам бокқа оқдум,  
Гиёҳсиз қумга оққандан на фойда.  
Киши баҳтини меҳнатдан топарким,  
Ётиб иқболни куттандан на фойда.  
Асил қаслар учун маъқул бўлай мен,  
Разил инсонга ёққандан на фойда.  
Қўлимдан келмаган ишта уринмам,  
Самарсиз бошни суққандан на фойда.  
Дегайларким саловот ўтган ишга,  
Ўтиб бўлганда сўккандан на фойда.  
Амал қилмас эса илмига мулло,  
Унингдек илмни уққандан на фойда.  
Эса одам диёнатсиз, мунофиқ,  
Сира қўл бермагум, андан на фойда.  
Умр ўткинчидир, гафлатда қолмай,  
Кейин кўз ёшни тўккандан на фойда.  
Ўлим барҳақ зрурким, қўрқма, жоним,  
Қочолмассанку, қўрққандан на фойда.  
Калонийдан қолур кўркам ғазаллар  
Демантиз: эл учун саңдан на фойда?

## **АЙЛАМА**

Ким чаёнлик қылса, анга сен илонлик айлама,  
Фөзли кенг бўл, ҳеч ёмонликка ёмонлик айлама.  
Дўстларинг бошига кулфат туписа гар ҳамдард бўл,  
Йирласа йигла ва лекин шодмоилик айлама.  
Сен ўзингни эр десанг гар ўзгаларни шер дегин,  
Қудратингта эрк бериб кенг, нотавонлик айлама.  
Ким ҳидоят аҳли бўлса жонфиоз бўл, жонфиоз,  
Элфуруш сотқинга, аммо жонажонлик айлама.  
Ҳар кишига жон ато қилган Эгам жонин олур,  
Қасд этиб жонига, пок дастингни қонлик айлама.  
Баҳра олсин юз-кўзингдан аҳли имонлар кўриб,  
Гул бўлиб, хуш бўй таратгин, лек тиконлик айлама.  
Эй Калоний, дилдаги боринг қаламга ол, бироқ  
Сохта сўз айтиб қўйиб, ёлғонзабонлик айлама.

## **ИЗМИДА**

Не шарафким, катта дунё митти инсон измида,  
Кошки мутлоқ митти инсон бўлса виждан измида.  
Митти инсон бирла олам жилвасию, ишваси,  
Не учунким тақдири тан доимо жон измида.  
Йўқ, ажабким, мамлакатлар шоҳу султон ҳукмида,  
Бор ажабким, шоҳу султон ёру жонон измида.  
Не буюк ишларга қодир аҳли донолар ҳам, қаранг,  
Гоҳида нафс бандасию гоҳ жиридан измида.  
Кўп қадимдан, ўйласам, нафс асли инсон иллати,  
Лек бу не ҳол, баъзида нафснинг инсон измида.  
Дилгинам кўп чекмагин кам баъзи ношудлик учун,  
Хоҳи ношуд, хоҳи шудлик, билсанг, ул он измида.  
Эй Калоний, фотиҳа торг, ушбу ният сўзин айт:  
Юрмасин ҳеч бир одамзот асло шайтон измида.

## **ЧУСТ БОГИДА**

Яхши ният бирла кезгум доимо Чуст боғида,  
Не учунким ҳосил ўлгай муддао Чуст боғида.  
Бутда осмон энг ҷаророн, бунда равшан ҳамма ёқ,  
Дилни ҳам ёрун этувчи нур-зие Чуст боғида.  
Эрталабдан кечгача сайр этса ҳам тўймас киши,  
Жонга жон баҳш айлагувчи хуш ҳаво Чуст боғида.  
Қайға боқсан кўзларим яшнаб, хуморим ёзилар,  
Дилраболар дил ёзарлар дилрабо Чуст боғида.  
Бир-бирига ишқини изҳор этишдан чарчамас,  
Бўйлан эрса кимки кимга маҳлиё Чуст боғида.

Жисму жон қувнайди көзсанғ бу чаман гулзор аро,  
Әнг муаттар бүй сочар боди сабо Чуст борида.  
Яңгроқи қүшиққа ҳам ҳеч кимса бўлмас мунтазир,  
Андалиблар айлагай шўх-шўх наво Чуст борида.  
Сўфизода бирла Чустий шеър ўқир навбат билан,  
Баҳраманд шеър завқидан ҳар бир расо Чуст борида.  
Бир умр ёдда қолур, жанинната тушгандек бўлиб,  
Чой ичиб, ош дамласак тўрут ошино Чуст борида.

### БУ ЁШЛИК ЧОРИДА

Ким севилмас, севмагай кимлар бу ёшлик чорида,  
Дилрабо кел, бирга ўйнайлик мұхаббат борида.  
Яйрашиб шавқди висол гаштин сурайлик завқ билан,  
Куймасин ҳаргиз юрак ҳижрон деганинг доғида.  
Бахтимиз кучмок ғаниматдир, умр ўтқинчидир,  
Томчи сув мангут эмас, билсанг, дарахт япрогида.  
Келди фурсат, хур диёр бағрида голе қуч, бироқ  
Қовжирап иқбол тули ёт ўлканнинг тупроғида.  
Қувнашиб куйлаб яшаш даркор. Калоний, ҳеч қаочон  
Қиласин афсус кўнгил умрин яшаб ўлморида.

### ОТАМ ОЛАМДАН ЎТГАНДА

Топай тоқатни қайдан, ёр, отам оламдан ўтганда,  
Кўзимга кенг бу олам тор, отам оламдан ўтганда.  
Бутун олам қоронгудир, чироқ ёқсам ёришмайдир,  
Вуждим мунг, дилим бемор, отам оламдан ўтганда.  
Саломатлик, қувонч тарк айлагай, бечораҳодирман,  
Фаридирман, эрурман хор, отам оламдан ўтганда.  
Магарким меҳрибонимсиз яшаш душвор экан, наилай,  
Бу дунёда менга не бор, отам оламдан ўтганда.  
Берурман деб тасалли, эй Калоний, шеър битибдирсан,  
Тасаллилар этарму кор, отам оламдан ўтганда.

### БАЪЗИ БИР ОДАМЛАРДАН

Баъзи бир одамлардан наф ила самар қайдада?  
Нафсизу самарсизга зл солар назар қайдада?  
Фойдасиз булатдек ул беркитар қуёш рўйин,  
На кетиб йўқолмайдир, на ёгин ёғар қайдада?  
Мисли ҳўл ўтиң янглиғ бурқсиниб тутар доим,  
Қанча кўп уринманг’ум лоя этиб ёнар қайдада?  
Берсангиз букиб қаддин таъзиму салом айлар,  
Сўрсангиз қулогини қилмаган у кар қайдада?  
Ҳаммадан олиш кўзлар, лек бериш учун бўзлар,  
Бундайин одамлардан қилмаган ҳазар қайдада?

Үй-жойин безаш мумкин, доимо дур, олтиндан,  
Лек ўша дур, олтиндан шаънини безар қайда?  
Панд ила васиҷатни қисқа қил, Калон, чунким  
Ўзинг айт, бу хилларда ўтитдан асар қайда?

## ШИРИН СЎЗИНГТА

(Чустий разалига назира)

Мен ташнаман ҳамиша, дилбар, ширин сўзингта,  
Шайдо эрурман пари пайкар ширин сўзингта.  
Ширин забонлар ичра доим ўзинг ягона,  
Қийматда тенг келомас гавҳар ширин сўзингта.  
Бордир ширин ва лекин сўзингчалик бўлолмас,  
Лаб болидан қўшибсан ё ҳар ширин сўзингта.  
Гар куйласанг олиб соз таҳсин ўқир ҷаманлар,  
Тош ҳам зриб сув ўлгай шаккар ширин сўзингта.  
Мангу десанг ширин сўз, ҳосил эрур Муродим,  
Мен ташнаман, Калоний, дилбар ширин сўзингта.

## КИМКИ НОДОН БЎЛМАСА

Мента жон даркор эмас, тақдирда иймон бўлмаса,  
Нега даркордир, ахир, тан унда руҳ, жон бўлмаса.  
Эй Худойим, бу омонат жонни олгин, розиман,  
Жаннатингдан жой олишга зарра имкон бўлмаса.  
Бас яратдинг, энди инсоф бирла иймонимни бер,  
Не қилурман бу ҳаётни дилда виждон бўлмаса.  
Мехру ёдингиз яшолмам, эй Эгам, бу лофт эмас.  
Ҳеч ўсолмайдир гиёҳ ҳам нурли осмон бўлмаса.  
Саждагоҳим Каъбатуллоҳ, юзни бургум қиблага,  
Бошқа ёқса юз бурарму кимки нодон бўлмаса.  
Эй Калоний, ёзтанингни ким ўқир, ким ёд олур.  
Гар дилингда иймону дастингда Қуръон бўлмаса.

## ЖУДО ҚИЛМА

Ўлимга рози бўл, аммо имонингдан жудо бўлма,  
Бу дунё деб у дунё лаззатидан мосуво бўлма.  
Бу дунёнгт у дунёга ўтишга битта кўприқдир,  
Ўтолмасдан шу кўприқдан тарин баҳти қаро бўлма.  
Кўмак бермас ўшал дам сенга ҳарғиз мулку арконинг,  
Вафосизга қўйиб кўнгил дили мотамсаро бўлма.  
Умр ўлчаб берилгандир савоб ишларни қилмоққа,  
Ҳавои нафсни деб турли балога мубтало бўлма.

Ҳалолу пок яшашликни Ҳудойим сенга амр этмиш,  
Гуноҳ ишларга кўл урма, ки лойиқи жазо бўлма.  
Фаноликдан бақоликка ўтишга бордир имконинг,  
Калоний, сохта шуҳрат деб, тамом бўлма, адо бўлма.

## ДЕМА

Нокасу ножинсни ҳеч ўртоқ дема,  
Муз бўлур сув, лекигин юмшоқ дема  
Ранг кўру ҳол сўр деганлар яхшилар,  
Сен кўпикни, эй дилим, қаймоқ дема.  
Сиртидан ҳар кимсани англаш қийин,  
Бир бужур тошни кўриб ёнроқ дема.  
Тўғри сўз бўл, бошга тўқмоқ тушса ҳам,  
Ҳар қарони айт қаро деб, оқ дема.  
Дарёдан суссанг аниқ ол мўлжалинг,  
Ногаён кўрсанг қамиш қирғоқ дема.  
Не гапирсанг маънисин ўйлаб тапир,  
Денгизу уммонни беқопқоқ дема.  
Барча ишнинг яхшидир тез бўлгани,  
Лек ўлимни ҳеч қаҷон тезроқ дема.  
Мен агар боғдан десам, тоғдан келиб,  
Сўзларимни, эй Калон, тўмтоқ дема.

## КИТОБ ИЧИНДА

Ёримни кўриб ҳижоб ичинда.  
Айтдимки, куёш ниқоб ичинда!  
Бир зумда, ажаб, йўқолди кўздан,  
Турганими ё сароб ичинда?  
Кўп изладиму топмадим, ёким  
Кўрдимми тушимда, хоб ичинда.  
Севги майига чўмилди жиссим,  
Мастмам, бу таним шароб ичинда.  
Ишқ гулханида ёқдию кетди,  
Қалбим пишадир кабоб ичинда.  
Қай дам назарим тушдики, воҳким,  
Ўртанди дилим азоб ичинда.  
Бас тўхтамаса кўзимдан ашким,  
Қолгай бу жаҳон хуноб ичинда.  
Васлияни насиб этса нигоро,  
Умри ўтадир савоб ичинда.  
Мадҳига Калон ёзди китоблар,  
Ул шўҳ боқадир китоб ичинда.

## **УЧРАТМА**

Мени дилхастани, Тангрим, тағын кулфатта учратма,  
Тили шириң, дили оғу мисол улфатта учратма.  
Оқар сувнинг балосидан, ёнар ўтнинг балосидан  
Ўзинг асраб юриб, ҳаргиз қуруқ тужматта учратма.  
Дилимни қон қиласар таъма, фалокатта дучор айлар.  
Ҳалол ноним топиб ейман, мараз миннатта учратма.  
Менга маңту насиб этсинг камолот, комил инсонлик,  
Фазилатларга дуч келтир, vale иллатта учратма.  
Айирма хуш кечар умрим ҳақиқий олиномлардан,  
Бирорлар гийбатин қилган ғараз сұхбатта учратма.  
Элим бирлан бўлай ҳамдам, диёримдан жудо бўлмай.  
Назардан ҳеч қолиб кетмай, бу хил даҳшатта учратма.  
Калоний вақт етиб ўлсам, бошимдан раҳматинг ёғдир.  
Қабр кенгу чароғ ўласин, қаро зулматта учратма.

## **МОЛУ ДУНЁНГ БЎЛМАСА**

Турмушинг ўтмайди зебо моли дунёнг бўлмаса,  
Молу дунё қўлга кирмас ақл ила онг бўлмаса.  
Бу ҳаётда йўл топиб юрмоққа ёрувлик керак,  
Нур-зиё қайдин келур, тундан кейин тонг бўлмаса.  
Ул ишинг ҳам, бул ишинг ҳам ақчасиз битмайди, бил,  
Бош эгик, қўл калтадир ҳамёнда "соққа"нг бўлмаса.  
Кўршани тортсанг оёғинита, бошингта етмагай,  
Кийтанинг кўйлакму, айт, енг бирла ёқонг бўлмаса.  
Бўлмаса "мурло жиринг" тўйингда қўшиқ на қилур,  
Тўй, ахир, бўлгайму тўй, гижбодаю бонг бўлмаса.  
Камбағалнинг донги чиқмас, чангчи чиққай лекигин,  
Эътибор топгайму кас чанг бўлсаю донг бўлмаса.  
Эй Калоний, ақча топмоқ йўлига бошингни сук,  
Турмушинг ўтмайди зебо молу дунёнг бўлмаса.

## **АЖРАМА**

Бевафодан ажра, лекин бовафодан ажрама,  
Норасодан ажраю, ақли расодан ажрама.  
Ори йўқнинг кўзларига қум тўлиб, бўлсин басир,  
Иймонингдир ўз ҳаёнг, ҳаргиз ҳаёдан ажрама.  
Ёрсиз одам умри нафсиз, мисли нодаркор ҳазон,  
Дилга дил пайванд этувчи дилрабодан ажрама.  
Дўстларинг толмас қанотингдир, злинг - зукко даҳо,  
Гарчи бўлсанг ҳам гадо ҳеч бу даҳодан ажрама.  
Бойлигинг тоя-тоғ бўлиб кетсин, бадавлат бўл, бироқ  
Она юртинг бебаҳодир, бебаҳодан ажрама.

Ажрама шафқат, меҳрдан, ажрама инсофдан,  
Бир-бир айтмасман сенга, ҳар хуш вақодан ажрама,  
Эй Калоний, яхши ниятларни чин йүлдош тут.  
Мақсадинг рүёбга чиқсип, муддаодан ажрама.

### ЗИМИСТОН ФАСЛИДА

Тоғу тошлар бошида паркү зими斯顿 фаслида,  
Чарчамоқдан бир ширин уйқу зими斯顿 фаслида.  
Жилғалар устидаги синами, яхми, ажаб,  
Товланур ял-ял ёниб, инжу зими斯顿 фаслида.  
Бунчалар ошпок эзүр ер, аслы бу қордамми, ё  
Офтобга нур сочар, ёғду зими斯顿 фаслида.  
Қиз-үгіллар яхмалак учтай чиройли саф бўлиб,  
Шодмонлик авж олар, кулгу зими斯顿 фаслида.  
Қушчалар завқи ошиб, айвонда куйлаб ўйнашур,  
Жўл урад қалбларда хұт түйғу зими斯顿 фаслида.  
Эй Калон, илҳом билан тебрат қаламни, тинма ҳеч,  
Қанча кўп ёzsандга кам упibus зими斯顿 фаслида.

### БАҲОР КЕЛДИ ЯНА

Дўстлар, яйраб кетинг, фасли баҳор келди яна,  
Ястаниб, яшнаб, кулиб мисли наҳор келди яна.  
Ҳар фаслнинг зийнатию завқи бордир, лекигин  
Бор фасллар ичра доим номдор келди яна.  
Шаҳру қишлоқлар безантан, унга эл оро берур.  
Бу табиат бағрига нур, эътибор келди яна.  
Торлар бошидаги қор ўрнида гул, аллалар,  
Ям-яшил қирларга еллар берегубор келди яна.  
Қаҳратоннинг ошиғи - шум қарғалар гумдон бўлиб,  
Андалиблар ғунчанинг васлига зор келди яна.  
Жилғаларнинг кўшиғига маст қушлар яйрашиб,  
Хуш ҳаво борлар аро кўзи хумор келди яна.  
Борбону дәхқонлар гайрати чандон ошиб,  
Боғ экинзорларни қумсақ завқи кор келди яна.  
Эй Калон, қозоз, қалам олгин-да ёзғин тинмайин,  
Дилгинам боғига шеърлар бешумор келди яна.

### АРЧА

Тоғ бошидан жой олган эй ям-яшил арча,  
Сенга ҳавас қиулурман мен муттасил, арча.

Ях босса ҳам вужудинг воз кечмадинг ерингдан,  
Бундай садоқатинг күп ўрнак асил, арча.  
Тошни ёриб киролган илдизларинг бақузват,  
Япроғларинг түкилмас ўтса-да йил, арча.  
Юксакда сен нечун деб ўйлар эдим ҳамиша,  
Боис бериб қўйибсан юртингга дил, арча.  
Кучли экан ироданг, кучли экан қалоат,  
Қаноатсизни дерлар бағрини тил, арча.  
Ёз пайтида келиб мен сояигда ўлтирибман,  
Меҳру мурувватингни ҳар лаҳза қил, арча.  
Умрим менинг, Калоний, бокий бўлурму, сендек,  
Тоғ бошидан жой олган, эй ям-яшил арча.

## БЕРМИШ ЗАМОН ЖУРЬАТ МЕНГА

Дил сўзим айтмоқ учун этдинг ўзинг рухсат менга,  
Химматинг бахш этдику меҳру ақл, қудрат менга.  
Бемисл ҳуснингта ўшаб очилур умрим гули,  
Эй гўзал рухсорлигим, ҳар боқишинг зийнат менга.  
Ошигингман, бир нафас ҳам қилма васлингдан жудо,  
Сендан айримоқ, азизим, кам, алам, кулфат менга.  
Истагим қалбингда қолсам ҳеч қаҷон ўчмас бўлиб,  
Эй диёrim, гул қучогинг аслида жанинат менга.  
Мақсадим эрди ҳамиша сенга хизмат айламоқ,  
Келди ижро айламоққа фурсату наъбат менга.  
Қўлларим кўксимда ҳар дам айла фармон, эй Ватан,  
Ки қалам тебраттали бермиш замон журъат менга.

## ХАЛҚИНГ ОЛАРКАН ЁДИГА

(Усмон Носирнинг тушимга кириб деганлари)

Дод солар кўнглим, vale ҳеч кимса етмас додига,  
Еру осмон титрагай чеккан унинг фарёдига.  
Шириним деб ишқида ҳар лаҳза жон чекдим, бироқ  
Не учун раҳм айламас Ширин ўзин Фарҳодига?  
Ул киshan солди оёқ-дастимни маҳкам борлади,  
Бандиликни ким раво кўргай дили озодига?!  
Мен нажот сўрсам, урар бошимга ул тўқмоқ билан,  
Ё Худо, қолмиш куним қайдай замон бедодига?  
Не учун шу куйга содди, билмайин қолдим, нетай,  
Тил тегизган ҳам эмасдим ақрабо, аждодига.  
Эй Калоний, бул Ватан ипиқида ўлсанг ғам ема,  
Бир куни қабринг безаб халқинг, оларкан ёдига.

## ЯНА

Ох, менинг шўрлик бошимда ғам, алам, ташвиш яна,  
Билмадим, недир гуноҳим, эшитаман қаршиш яна.  
Ҳар қадамни етти ўлчаб бир босарман, лекигин  
Қайга бормай шум рақиблар тарқатур миш-миш яна.  
Тун тутаб, ёғдули кундуз келди охир деб эдим,  
Ўт ёқиб қалбимни қилди қоп-қаро чойдиш яна.  
Бу не кўргулик эдиким, кўкка нолам етмади,  
Еттанида ошга оғзим, синди буткул тиш яна.  
Алмашур наяват билан доим фасллар, оҳким,  
Мен фақир бечорага боқий қолибdir қишиш яна.  
Ҳеч кишин ўлгаңда ҳам устига сакраб тепмасин,  
Не учун бошимга тушмиш мусибатли иш яна.  
Эй Калоний, излаган баҳтимни тоғдимму десам,  
Омадим қай бир томонга қайрилиб кетмисп яна.

## ЖАМОЛИНГНИ КЎРИБ

Жамолингни кўриб, эркам, чаманда.  
Бўлибман ихтиёрсиз сенга банда.  
Ўшандан боз хаёлимда висолинг,  
Тилим номингни ҳеч қилмайди канда.  
Эзиб ҳижрон азоби эртаю кеч,  
Ҳаловат долмади жону баданда.  
Киёсингни тополмам Топкентдан,  
Мисолинг йўқ, зрур мулки Яманда.  
Кетибdir таърифинг етти жаҳонга,  
Сенинг маджинг тўла қар бир даҳанда.  
Келиб ҳолимни, эй дилдора, бир кур,  
Бугун бир кўрмасанг, кўргунг кафаңда.  
Ёзиб ишқингда энг дилбар ғазаллар,  
Калоний айтадур ҳар анжуманда.

## САҲНАДА

Кўрсатиб сарв қоматинг, эй шўх дилоро, саҳнада.  
Айладинг жилванг билан қалбимни шайдо, саҳнада.  
Бир кўрай деб боумид ҳар кун театрга тушиб,  
Айлагайман қоматинг, жоним, томошо, саҳнада.  
Кўчада ҳаргиз кўришмоқнинг иложин топмайин,  
Ноилож васлинг килур бўлдим таманно, саҳнада.  
Турфа хил гулгун жилоларни намойиш айлагунг,  
Борлигинги англадим мен ошкоро, саҳнада.  
Рақс тушиб, нозу тағофил бирла кўзларни сузиб,  
Ҳар томон боқмоқларинг, ёр, бунча аъло, саҳнада.

Ногаён ёт кимсага кўзинг сузиб, этдинг имо,  
Ростлигингму ёки бошқа борму маъно саҳнада.  
Саҳнадан тушганда ҳам бирров, Калон, ҳолимни сўр.  
Ё менинг севгим фақат қолгайму илло, саҳнада?

## БЎЛМАСА

Кошки бу олам аро ишқ номли туйгу бўлмаса,  
Бўлса ул туйгу, гариб кўнгилда ҳайгу бўлмаса.  
Бир боқиб соҳибжамол ишқ комига тортди дилим,  
Энди менга не керак умрим агар у бўлмаса.  
Ул муҳаббат риштасидан қўйди қалбимга тузоқ,  
Тушмас эрдим домига гар кўзи жоду бўлмаса.  
Ҳеч қачон севгимни чин деб ишонмайдир санам,  
Мен нетай, дил оламин кўргувчи кўзгу бўлмаса.  
Билмадим қандай кечар бу ҳолда ахволим менинг,  
Кунда бежам хотири туң бўйи уйқу бўлмаса.  
Ҳажри тақдирим биландир, васли орзум билан,  
Ёт бўлур эрди ҳаёт қалбимда орзу бўлмаса.  
Эс-ҳушимдан айрилиб мажиуннамо бўлдим, Калон,  
Қўрқадирман бу дилим эл ичра кулгу бўлмаса.

## ХАТО ҚИЛМА

Фаразгўй, фитначи, нокас кишидан ошино қилма,  
Қозонга кўп яқин бормоқ билан згнинг қаро қилма.  
Асил ёру биродарлар сунгай бир-бировига,  
Суянсанг чўрт сипиб кеттай, қамицдан ҳеч асо қилма.  
Шукр эттин, садоқатли рафиқлар ичра шоддирсан,  
Ўзингни турли хил ҳулфат, балога мубтало қилма.  
Совуқ бўлма, дилингда доимо отац ёниб турсин,  
Бироқ ўт бирла ўйнашма, куйиб жисминг адо қилма.  
Билиб қўй, баъзида янгрок қўшиқдан соз сукунат ҳам,  
Овозим яхши деб мавруди йўқ жойда садо қилма.  
Очар ҳар хонадон эшик, дилингни софу пок тутсанг,  
Мудом яхши ниятли бўл, ёмон ҳеч муддао қилма.  
Киши баъзан адаштгайдир, топиб олгай йўлин, лекин  
Калоний ёру дўст танлаш ишида ҳеч хато қилма.

## НЕГА?

Эй раҳиб, бу телба оламнинг нечун шони сенга?  
Ҳажр армони менгаю, васл дармони сенга?  
Арласин ҳом-пом ўриб қўйтган эмасдим-ку, ахир,  
Менга сарғайган сомону, не учун дони сенга?  
Сен қабодат оламининг шоҳи, мен неклик қули,  
Нега зулмат менгаю, моҳи тобони сента?

Сенда нафсинг татвишию, менда зл-юрт ташвиши,  
Нега саҳро менга бўлгай, бугу бўстони сенга?  
Мен яратмоқ истагайман, сенга вайронлик ният,  
Нега жабрин менга қилгай, меҳру эҳсони сенга?  
Чархи кажрафторни ғалча қилмишидан доғ, Калон,  
Менга фарду тўртлигию, барча достони сенга?

### ЭВОҲКИМ...

Найлайнинг, зй ёронлар, севганим боқмас менга,  
Кўп боқар мен севмаган, лек боққани ёқмас менга.  
Севмасам ҳам ул бирининг ишқи офтоб мислидир,  
Гарчи сеясам ҳам бири ҳеч ишқ ўтин ёқмас менга.  
Севганининг меҳри дарё, тошгани тошган, бироқ  
Севганининг меҳридан ох, томчи ҳам оқмас менга.  
Бу нечук дунё эзурким, бермиши озор фақат,  
Не учун ишқ olandида бахт кулиб боқмас менга?  
Эй Калоний, ҳасратимдан чанг чиқар, тўфон чиқар,  
Блиси севгим йўли ҳеч кент, равон, оқмас менга.

### ЙИГЛАМА

Йиглади ҳолимга маймунлар, бироқ, ёр, йиглама,  
Йигламоқдан энди бизга қанча наф бор, йиглама.  
Йигласанг кўнглим менинг баттар чўкар, ҳолим ҳароб,  
Куймагин, ўрганмагин, ўксингмагин, зор йиглама.  
Нобакор золимни тортмишдир жаҳолат домита,  
Қайдари қаттол қилич, зй кўзи хуммор, йиглама.  
Тоқат айла, дош бериб фарзандларимга бош бўл,  
Қайтадурман бир куни, душман бўлур хор, йиглама.  
Қатъият бордир, асил собитқадам фарзандиман,  
Енгадирман, чунки сен содик, вафодор, йиглама.  
Кел, мудом қаҳ-қаҳ, огиб, кулгин қабоҳат устидан,  
Тонг қолиб йиртсан яқосини ғазабкор, йиглама.  
Букмагум ҳаргиз иродамни, Калоний, мардман,  
Бас рақиб номард экан, сен мард бўлиб, ёр, йиглама.

### ШЕЪРУ ДОСТОН ЭТ МЕНГА

Дейди бойўли гулистонларни вайрон эт менга,  
Сен қилиб вайронни бўстон, элни шодон эт менга.  
Мен қўёшдек нур сочиб, қалбинги ёруғ айлайин,  
Сен мусаффо, бағри кенг кўксингни осмон эт менга.  
Дўсти содиксан дебон дил сирларим очдим, вале  
Тош каби ул чўкса яхши, дилни уммон эт менга.  
Бер десанг жоним берай мен, тўқ десанг қоним тўқай,  
Кел, садоқат кўрсатиб, меҳрингни чандон эт менга.

Бир умр баҳт, таҳт тиларман, ҳеч қачон ғам чекмагин.  
Кўзларингда кўрмайин ёшларни, хандон эт менга.  
Мен сенинг дардинг олай, софдил шифокоринг бўлиб,  
Сен бу юят мушкул ишни ҳарна онсон эт менга.  
Эй Калон, туйгуларимни мен баён айлай сенга,  
Сен ани назм айлагин, шеъру достон эт менга.

### СЕН ЯШАРСАН...

Сен яшарсан ўртамоқлик-чун жудолик даргода.  
Мен яшарман яйратишлик-чун висол ардогида.  
Нега бошлийсан мени саҳрою яйдоқ чўл томон,  
Юр, этайлик сайри гулзор севгининг гулборида.  
Хоҳишим роҳат-фарогат сенга бўлсин ошино,  
Истагингдир тўйразиш жондан, жафо қийногида.  
Бу кўнгил ҳущдин оғиб, мажнунлик айлар ихтиёр,  
Кел, унинг майлини англа, айни соғлик чорида.  
Нега олмайсан хабар, ё дилгинанг тошданмиди,  
Шеър ёзар йилаб. Калоний, қоврилиб ўз ёғида.

### КЕЛМАДИНГ НЕГА?

Менга келмоқни ваъда этдингту, ёр, келмадинг нега?  
Бўлувдим кўп висолингга умидвор, келмадинг нега?  
Агар билсанг эди жоним чекибдир қанчалар озор,  
Берид озор дилимга, зй дилозор келмадинг нега?  
Кутиб ҳар кеча йўлингтда мадорим қолмади, эвоҳ,  
Ҳузурингта ўзим айлайму ё рафттор, келмадинг нега?  
Чидомасдан фиғонимга қуёш ҳам ботдию кетди,  
Қаро зулмат аро ташлаб жафокор, келмадинг нега?  
Қаро бўлди юрак-бағрим, қародир тақдирим, баҳтим,  
Керакму бу қаролик сенга, дилдор, келмадинг нега?  
Куийиб кул бўлди бу жисмим фироқингда париўйим,  
Калонийни этиб хору дилафкор, келмадинг нега?

### АЙЛАМА

Дилрабойинг имтиҳон эт, билмайин ёр айлама.  
Пухта бўлсин аҳду паймон, сўнгра бекор айлама.  
Бевафо ёр бу умринг эгови билсанг агар,  
Чеки йўқ оламни кўзга таниг или тор айлама.  
Кўз сузиб, қошлар қоқиб олгай бутун эркинг сенинг.  
Ўз азиз бошингни, дўстим, ҳеч қачон хор айлама.  
Яшнасин дил боғларинг, зл-юртта нафлар етказиб,  
Гуркираб ҳосилга кирган боғни шудгор айлама.  
Сайрасин қалбинг, азизим, булбулигўё бўлиб,  
Турли хил дарду балоларга гирифтор айлама.


Баъзилар қад-қоматига лол бўлиб тўй бошлашур,  
Сен хатолар қилмагин, шу ишни зинҳор айлама.  
Бу умр савдосида ҳаргиз, Калон, янгишмагин,  
Аслини билмай туриб ёрингни ёр-ёр айлама.

### БЎЛМАГУНЧА

Очмас дилини дилдор хуштор бўлмагунча,  
Шаҳло кўзидан ишқи изҳор бўлмагунча.  
Қилмайди раҳму шафқат, боқмайди қайрилиб ҳам,  
Қалбидаги муҳаббат бедор бўлмагунча.  
Ошиқни севгисин ул ҳаргиз қадрламайдир.  
Ишқ дарди бирла оғриб бемор бўлмагунча.  
Изла, изин топиб ўп, қалбига йўлни топгин,  
Айламагин сабр то аброр бўлмагунча.  
Васлини сўрма, нафсиз беҳуда ёлворишлар.  
Токи куйиб куйида чин ёр бўлмагунча.  
Шоир этар, Калоний, ишқ тушса қайси дилга,  
Қўйма қаламни бир зум ашъор бўлмагунча.

### ЭНДИ БАС-ДА

Нигорим ҳуснига олам ҳавасда,  
Севиб гуллар тутарман даста-даста.  
Нечун олмас гулимни дилрабойим,  
Нетай, кўнгли эрур ё ўзга қасда.  
Унинг ишқи билан кўп баҳтиёрман,  
Бироқ ёрим буни ҳеч пайқамас-да!  
Мени кўрса қўзийди дарди доим,  
Уни мен кўрмасам ҳар лаҳза хаста.  
Хаёлидан бўлак ҳурлик керакмас,  
Яшай ёди билан, майли, қафасда.  
Мен ундан завқ олодирман ва лекин,  
Унингсиз жон берурман бир нафасда.  
Билолман, толейим ё паст эканми,  
Ўтар умрим азоб бирла абасда.  
Гоҳи умид узиб, гоҳи дегайман:  
Мусулмонлик бўлодир аста-аста.  
Кетардим бош олиб саҳрга, аммо  
Букун саҳро ҳам хилват жой эмас-да!  
Келиб жон оғзима йиғлаб сўрарман:  
Калонийни азоблашি энди бас-да!



## ЭТОДИР ШОИР АЛБАТТА

Деди ёрим: келолмас тенг менга ҳеч ким садоқатда,  
Дедим: ошиққа маңышқұ, мос келур оламда одатда.  
Дедиким ул: агар сендан жудо бўлсам абас умрим,  
Дедим: сен-чун фидо бўлмоқда ҳозирман шу соатда.  
Деди: кўнглингни оғритсан ҳаётим кўрмасин шоддик,  
Дедим: сенга жафо қилсан азоб тортай қиёматда.  
Деди: ишқинг улуғлайман, шарафлаб пок сақлайман,  
Дедим: шундай экал, умринг ўтар, жоним, фароратда.  
Деди: меҳрингнинг дарёси оқиб қалбим чаман этди,  
Дедим: гоятда юксаксан назокатда, нафосатда.  
Дедиким: эй Калоний, тунлари ашъор битармисан,  
Дедим: севган кишини ишқ этодир шоир албатта.

## НИГОРИМ

Нигорим, сенга дуч келгач ўшал кунти саёхатла,  
Қолиб кетдим азоб ичра қиёси йўқ қиёматда.  
Гўзал ҳусн жамолингни кўриб лол қолди бу қалбим,  
Агар билсанг, сенга ҳеч ким келолмас тенг малоҳатда.  
Бирорларнинг нигоҳи тушмасин деб зор қақшарман.  
Ишон, жондан азиз севдим сени, жоним, ниҳоятда.  
Муҳаббат ўтига қалбим чидар қандоқ, билолмасман,  
Эриб кеттай эди ҳатто қуёш ҳам бу ҳароратда.  
Азизим, севганим рост, ҳа дегил берган саволимга,  
Ўлиб кетсан ажабмас, йўқ дессанг ҳажрингда- оғатда.  
Сенингсиз ҳеч яшолмасман, Калоний, ишқ қулидирман,  
Висолингни сўраб умрим ўтиб кеттай ибодатда.

## ЭЪЖОЗИГА

Тонг ҳавас қилгай нигоримнинг карашма, нозига,  
Йўқ ажаб ҳеч, ноз ярашса ҳусн элин шаҳбозига.  
Ишқида куйсам не тонгдир, лов этиб ёнсам не тонг,  
Кийдириш хосдир, ёронлар, тўрт фаслнинг ёзига.  
Ҳуснига тушганда, оҳ-оҳ, яшингайдир кўзларим,  
Раҳс тушиб кетсан ярашгай кўнглингнинг шўх созига.  
Мисли жаннат ҳурларининг бўйи анқир зулфидан,  
Яйрагтайман бир гўдақдек меҳрига, эъзозига.  
Тиллари ширин-шакардир, ҳар сўзи ҳикматга тенг,  
Лол қолурман, воажаб деб ақлиниг парвозига.  
Иккимиз маслақдошу ҳамкору ҳамдам, биргамиз,  
Шунча мос келди дилим рози унинг дил розига.  
Бир ўзим эрмас, Калоний, аҳли олам лол қолур,  
Тан берур ҳатто башар - одамзот унинг эъжозига.

Эъжоз- ҳайратта солиш.

## МЕНГА

Ох, кошки насиб қылса құснингни күриш менга,  
Ул лаъли лабингдан, ёр, бир лаҳза сўриш менга.  
Умрим бўйи ҳажрингда чекдим-ку азоб тинмай,  
Тақдири азалданми ҳижронда юриш менга.  
Кўзим ёшидан ҳосил уммонга чўкиб кетдим,  
Холимга кулиш сенга, йирлаб ўкириш менга.  
Ҳар лаҳзада сиймонгни кўз оғдима келтиргум,  
Қилгайми насиб, айтгил, сочингни ўриш менга?  
Не сенга шарафдир деб дилдан сўрасанг, дилдор,  
Чин шону шараф ҳар дам аҳдимда туриш менга.  
Ишқингда Калоний ҳам шеър битди-ку, баҳт, омад  
Мадҳингни ёзишликнинг гаштини суриш менга.

## ЭЙ НИГОРО

Эй нигоро, жилмайиб ишқимни қилма масхара,  
Ўйнашиб севгим билан қалбимни этма ҳеч яра.  
Ишқ деган туйуга енгил-елли ҳис деб боқмагил,  
Ул билаш оғриб адo бўлган вужудимга қара.  
Севги чўр, оташ бўлиб қалбимни тинмай куйдирур.  
Кўз ёпим ҳажринг азобидан ҳамиша шаршара.  
Ошигин сендек хароб этмас жаҳонда ҳеч санам,  
Кез Самарқанду Бухоро, Чусту Попу Данғара.  
Вомиқу Фарҳоду Тоҳир, Қайс ошиқдир, бу рост,  
Лек алар ичра, Калон, ошиқ бўлибдир энг сара.

## ДОСТОН ДИЛИМГА

Сенинг ташвишларинг армон дилимга,  
Куйиб қойишларинг дармон дилимга.  
Нигорим бир томчи кўз ёш тўкссанг,  
Беқиёс, бепоён уммон дилимта.  
Хоҳишинг – хоҳишим, оразийинг – орзум,  
Амринг бўлса олий фармон дилимга.  
Ҳажринг биёбондир, дардинг ажалдир.  
Шоду хуррамлигинг бўстон дилимга.  
Меҳринг, муруватинг – толейим, баҳтим,  
Севгинг зиё, моҳитобон дилимга.  
Кўзим олдиладир висолинг доим,  
Ўзинг жо бўлгансан, жонон дилимга.  
Калоний, шеъларин мазмунидирсан,  
Мадҳинг умри боқий достон дилимга.

## **КҮЧАДА**

Ул дилоро ҳуснини этди намойиш күчада,  
Шул замони ёз ўлди қаҳратон қиши күчада.  
Ҳуснига шайдо күнгиллар ортидан эргашдилар,  
Ошик аҳлин қалбидан орттириди ташвиш күчада.  
Ҳеч қиё боқмай ҳамон кетмоқдаю ўз ийлига,  
Ишқ олови бирла күнгилларни ёқмиш күчада.  
Севгисин изҳор этолмай йирлаганлар күз ёши  
Мисли дарё жүш уриб ҳар лаҳза оқмиш күчада.  
Тез бориб сўз ташласам нозик табассум айлади,  
Бахту толе менга кулагу бирла боқмиси күчада.  
Ўтган ул журми, парими, ёки филмондир, Калон,  
Тарқалиб кетди у ҳақда анча миш-миш күчада.

## **ГУЛ БОЗОРИДА**

Бунчалар бисёр экан гуллар бу гул бозорида,  
Танлаб олмоққа шошай ёнимда ақчам борида.  
Лекигин танлаб олишнинг уддасидан чиқмадим  
Ул бирининг ҳусни ортиқ бул бирин рухсорида.  
Дилрабо анвойи гуллар бир-бираидан бебаҳо  
Арзигай табрик учун олса киши дилдорига.  
Гул ёниб, гулдек жило бергай ажаб соттувчи қиз,  
Ёки гул акси жило бергай анинг рафторида.  
Нарх сўраб шуңдай ширин сўзларга дуч келдим, ажаб,  
Бол ари боли жамулжамми анинг гуфторида.  
Гул тутиб күш бўйларин ҳидлаб туриб ёзмиш ғазал,  
Шул сабаб гул жилваси бордир Калон ашъорида.

## **АСТА-АСТА**

Табассум-ла боқиб, ёр, аста-аста,  
Этиб қўйдинг-ку хуштор аста-аста.  
Сиё зулфинг этиб дом айладинг банд.  
Чиқолмам энди зинҳор аста-аста.  
Олиб қалбим висолингга етишта  
Муқаррар айладинг зор аста-аста.  
Боқиб ҳуснингга күз тўймайди ҳаргиз,  
Бўлибдир ул сеҳрдор аста-аста.  
Ўтингайман, қабул эт энди севгим,  
Адоман этсанг инкор аста-аста.  
Калон севгим туфайли шоир ўлдим,  
Ёзив куйингда ашъор аста-аста.

## **ЗАВҚЛАНМАСА**

Ошик эрмасдир юрак ўз ёридан завқланмаса,  
Мисли йўқ зебо ўшал дилдоридан завқланмаса.  
Богаро энг тоза гулга қайси кўз ташламас.  
Чин эмас борбон агар гулзоридан завқланмаса.  
Бол ари гулшан аро гулдан ширин бол излагай,  
Лаб эмас ул лаб лаби шаҳдборидан завқланмаса.  
Ҳисси йўқ, гуйгуси йўқ дилнинг кесақдан фарқи йўқ,  
Дилми у оҳанг таратган торидан завқланмаса.  
Дилбарим ҳуснинг томошо айламоқдан чарчамам,  
Кўзларим кўрдир, кўзи хуммомридан завқланмаса.  
Эй Калоний, шоир эрмас гарчи даъво қиласа ҳам,  
Эл ўқиб ёзган гўзал ашғоридан завқланмаса.

## **ИШҚИДА**

Дўйстлар, девона бўлдим, дилрабонинг ишқида,  
Эл аро афсона бўлдим ҳурлиқонинг ишқида.  
Бир олов пайдо бўлиб жисмимни тинмай куйдирур,  
Беадад сўзонаман нозик адонинг ишқида.  
Ҳеч келиб ҳолимни сўрмас, оҳларим поёни йўқ,  
Кўзларим гирёнадир ноошинонинг ишқида.  
Мен садоқат риштаси бирлан вафони боғлабон  
Ҳокисор қалбимга солдим бевафонинг ишқида.  
Васлига ҳаргиз етолмай чекканим жабру жафо,  
Беадад ҳажрига кўнглим мубталонинг ишқида.  
Энди мен бошим олиб рихлатта кетсан тонг эмас.  
Кошки жон баҳш этса дебким жонфизонинг ишқида.  
Эй Калоний, жон чекиб ашғор битурсан не учун  
Арзи дил этмоққа ҳам ул норавонинг ишқида.

## **ОДИЛ ФАЗАЛХОНДАН КУРА**

Душмани зийрак гузукдир, дўсти нодондан кўра,  
Бўлса ҳушёр яхшимасму сўнгти армондан кўра.  
Ким Ватан шаънига доғ тушсин деб айтса, мингта ҳайф,  
Йўқ гараз дунёда бундай шилта бўхондан кўра.  
Гар хиёнат айласа ким ўз диёрин рад этиб,  
Ул ёмонлардан ёмон, ҳаттоқи шайтондан кўра.  
Булраса ҳалдан ошиб юртнинг суву тупроқларин,  
Ундайин одам зарар жирканчли ҳайвондан кўра.  
Мен учун гулшан диёrimдан азиз йўқ ҳеч вақо,  
Тан учун борму зарурат бу ширин жондан кўра.  
Гар сомон бўлсан, диёrim дон зуруким бебаҳо,  
Айт, қачон қиммат сомон, нон бўлгучи дондан кўра.

Минг қидир, минг йил қидир ортиқ тополмассан шараф,  
Жонажон эл-юрг учун бахшида ҳар ондан күра.  
Эй Калон, ёэсанг ғазал холис баҳосин бергани,  
Учрамас олий ҳакам, одил ғазалхондан күра.

## ЙҮЛ ТОПДИМ

Ажойиб битта йүл топдим дилимдан, ёр, дилингизга,  
Дилимни боғлаб олдингиз мұаттар кокилингизга.  
Изингиздан юриб излаб висолингизга еттайман,  
Шириң жоним фидо бўлсин шириң сўзли тилингизга.  
Лабингиз бурчида менгdir, бўйингизга бўйим тенгdir,  
Бу не толе эрур, ҳатто йилим тенгdir йилингизга.  
Кўзим яйрайди, кувнайди жамолингизни кўрганда,  
Юрак гуп-гуп уриб кеттai кучоқ очсам белингизга.  
Вафо бирлан садоқатни этиб инъом шоддирман,  
Баҳорий ҳисларим сочгум муқаддас манзилингизга.  
Дилингиз нега мойил бўлса барин айлагум пайдо,  
Калоний, мос келур чунким мойилим ҳам мойилингизга.

## КЎЗЛАРИНГТА

Тасаддуқ жон, нигоро, кўзларингга,  
Бўлиб қолдим чин ошно кўзларингта.  
Қарайверсам сира айб этма, жоним,  
Кўзим ошиғу шайдо кўзларингта.  
Куйиб кўмири бўлибdir қосларинг ҳам,  
У ҳам ошиқмикан ё кўзларингта?  
Қатор киприкларинг доим туриб саф,  
Тасанно дер, тасанно кўзларингта.  
Бу оламда менингдек баҳтиёр йўқ  
Агар бўлсан эди жо кўзларингта.  
Фақат төр оҳусин ёлхиз ўзимас,  
Ҳавас аллайди дунё кўзларингта.  
Яширмай тур уқиб олсин Калоний,  
Тўлиб кетмиш-ку маъно кўзларинита.

## ВИСОЛ ОҚШОМИДА

Мен учун жондан азиз гулрў висол оқшомида,  
Товланиб ял-ял сочар ёғду висол оқшомида.  
Севгимиз шодонаси жонларга роҳат бахш этиб,  
Жўш урар қалбларда ҳис-туйғу висол оқшомида  
Бахтиёр кўнгил қувонч осмонида парвоз қилур.  
Мавж урар лабларда шўх кулагу висол оқшомида.  
Юзларига тортилиб турган ҳарир парда аро.

Нозланар ул кўзлари оқу висол оқшомида.  
Рақс тушшиб рақдосалар, созлар чалиб созандалар,  
Қолмагай дилларда ҳеч қайғу висол оқшомида.  
Ер қизу ўғлонига кўқдан боқиб, айлаб ҳавас,  
Ою юлдузлар сочар инжу висол оқшомида.  
Шеър билан табрик этар бўлса Калоний тонг эмас,  
Ҳамма тенг шоир бўлур ушбу висол оқшомида.

## ЧИРОЙЛИСИЗ НИҲОЯТДА

Кўзим яшнайди боққанда чиройлисиз ниҳоятда,  
Кўриб бир бор жамолингиз севиб қолдим шу соатда.  
Узолмасман кўзимни бир нафас нурли юзингиздан,  
Гулим, таажжубга тушманту тарин қолманг хижолатда.  
Хаёлимда висолингиз, фақат сиз ҳақда ўйларман,  
Хаёлингиз билан юрсам дилу жоним фарогатда.  
Менга ҳижронингиз кулфат, висолиншиз эрур роҳат,  
Багишланг роҳату эзманг сира даҳнатли кулфатда.  
Яшайман бўлсангиз ёрим, ўларман ҳайдасангиз лек,  
Яшай ёки ўлай қолмай умр бўйи аросатда.  
Муродимга етай, рад айламанг ишқин Калонийни,  
Уволимга қолурсиз йўқса, эй жоним, қиёматда.

## МЕНГА

Гуллар аросидан бир термулди ёр менга,  
Наҳотки севди, берди ул эътибор менга.  
Пинхона термулишдан не муддао экандир,  
Кўз солдими ва ёким беихтиёр менга.  
Эй телбаваш дилим, айт, ёр боқди не сабабдан,  
Ёйинки йўллаётир нурли шарор менга.  
Гуллар аросидан гул янглир боқиб турибдир,  
Не баҳтки, дил берибдир кўзи хумор менга.  
Оҳу қарашларидан жоним садоға ўлсин,  
Мехри эканми шунча кўп, бешумор менга.  
Шукронга нега айтмай қодир Эгамга тинмай,  
Ёр боқди, эй Калоний, маstonавор менга.

## ЎЗБЕКИСТОН ИШҚИДА

Эй қалам, ёзгилағазал ҳур Ўзбекистон ишқида,  
Ёзганинг эт элга маңзур, Ўзбекистон ишқида.  
Тўлса деб сердид ўкувчим қалбига шодлик ҳисси,  
Айлагин ҳар сатрини нур, Ўзбекистон ишқида.  
Куйласин жонаңдалар шўх булбулигўё бўлиб,  
Янграсин ҳар дамда мағрур Ўзбекистон ишқида.

Йўқ ажаб ҳар байтлари оламга довруғ ёйса ҳам,  
Боиси ғоятда сернур Ўзбекистон ишқида.  
Жойлашиб дилларга, замку шаңқ берсин доимо,  
Янграсин, ҳар лаҳза давр сур Ўзбекистон ишқида.  
Эй Калоний, арзигай фахр айласанг гар бир умр.  
Шоир ўлдинг энди, машхур Ўзбекистон ишқида.

## МАЙЛИГА

Ул гўзалнинг васлининг мен зори бўлсам майлига,  
Дастида чертки етувчи тори бўлсам майлига.  
Тушмасин бегона каслариниғ нигоҳи унга ҳеч,  
Боқса ёт кўз, ўртада девори бўлсам майлига.  
Васлининг нозик гулига чўзмасин ҳеч ким қўлин,  
Чўзса қўл гар, ул гулининг хори бўлсам майлига.  
Дард уни кўрганда қочсин етти минг газ, лекигин  
Ногаҳон дард юқса дарҳол дори бўлсам майлига.  
Юрса юмшоқ ер бўлай, ўлтиrsa чоғроқ курсича,  
Ювса хушбўй кокилин анжори бўлсам майлига.  
Дўйстларига дўст эрурман, жонажону меҳрибон,  
Шум ният ағёрининг ағёри бўлсам майлига.  
Бошқа ёрлар васлининг меҳмони бўлгандан кўра,  
Дилрабойим ҳажрининг бемори бўлсам майлига.  
Ўртаниб куйида юз йиллар, Калоний, охири  
Бир нафастга бўлса ҳам чин ёри бўлсам майлига.

## ҚЎШНИ ҚИЗНИНГ ИШҚИ БИРЛА...

Ўртамиизда битта девор, ёр у, мен бу ёғида,  
Лек шу девор менга гўё катта Помир тоги-да!  
Кун бўйи ёримга етмоқ режасин минг бор тузиб,  
Тунда девордан ўтолмай, ишлагум тоңг чорида.  
Қўшни ҳовли борида ёр дил ёзар айтиб қўшиқ,  
Мен чекарман нолалар кўп ишқ ўтин қийноғида.  
Бул томонда дарди ҳижрон қалбим айлар олчаранг,  
Ул томонда ёр чеъакка олча тергай борида.  
Бу не кўргулик эрурким, бу не қайтулик эзур,  
Битта девор ортида ёр мен куярман дғида.  
Қўшни қизнинг ишқи бирла гар ғазал битсанг, Калон,  
Тонг эмасдир, негаким ишқ чин ғазал қаймоги-да!

## ҮТМАСА

Кўчамизинг файзи йўқдир кунда жонон ўтмаса,  
Не кечар ҳоли томирнинг муттасил қон ўтмаса.  
Кўрмасин деб шум раҳиблар, кўзлари бежо санам,  
Кошки ёр юрган йўлидан номард инсон ўтмаса.  
Бу ҳаёт дарёси сувсиз қовжираб кетмасми, айт,  
Ит ҳурар деб катта йўлдан энди карвон ўтмаса.  
Уйларинг тўри бозалган эрса ҳам кимхоб билан,  
Қадри йўқ чирк латта янглиғ ёру меҳмон ўтмаса.  
Сенга төр-тор олтину олмос, гуҳардан не самар,  
Оч эсанг, лекин томорингдан сира нон ўтмаса.  
Дилрабо гул ўрнини босгай ҳамила хору ҳас,  
Богта борбонлик ишига яхши борбон ўтмаса.  
Бу тана ўлган бузоқнинг жисмидан не фарқ этар,  
Унга ғойибдан келиб бир мўъжиза жон ўтмаса.  
Даф этиш мумкин агарда келса ҳам минг бир бало,  
Вақтида пайжалса, аммо энг муҳим он ўтмаса.  
Ёзганинг бехуда кетмас, ҳосил ўлгайдир, Калон,  
Ҳеч қачон баҳрингдан, илло, давру даврон ўтмаса.

## АШЬОРИДА

Серзиё офтобни кўрдим дилбарим рухсорида,  
Кўш нафар юлдузни кўрдим кўзлари хумморида.  
Шунчалар зебо эзурким мисли йўқ, менгзови йўқ,  
Ундаги кўрку чирой йўқдир ҳусн бозорида.  
Юзлари беҳиштдаги нақш олмадан аъло эзур,  
Бебаҳо шаккар, асалким лаъли шаҳдборида.  
Зулфида сунбулни(нг) бўйи, қошида анбар ҳиди,  
Минг товуснинг жилаваси бордир гўзал рафторида.  
Ҳар нигоҳидан дилим яйраб кетар, яшнаб кетар,  
Бир жаҳон ҳикмат мужассамдир ширин гуфторида.  
Мисраларда тўлқин отган не экан деб ўйламанг,  
Ишқ деган дарё оқар опиқ Калон ашъорида.

## НОЗ ЭТМА ЭНДИ, ЁРИМ

Ноз этма энди, ёрим, бу қалби доғдора,  
Ҳажрингни(нг) тифи айлар жонимни пора пора.  
Ҳолим хароб, тинимсиз ишқингда ўртанурман,  
Бўлса муруватинг гар айла кулиб назора.  
Ошиқнинг кўнгли ўксик, ранжитма, эй дилоро,  
Боққил, сўлиб борарман тобора бора-бора.  
Нега дариг тутарсан васлингни, боиси не,  
Ё бош олиб кетайми саҳроми, кўжсора?

Севгин, ахир, севилдинг, севган кўнтил-гулистан,  
Беишқ, кўнтилни менизаб янтою шўразора.  
Содиклитим мұқаррар, ишқинт билан ҳаётман,  
Эттум вафо, Калоний, аҳдимга ошкора.

### ҚУЧИБ ТОЛЕ САОДАТДА

Келолмас тенг нигоримга чирой аҳли малоҳатда,  
Гўзалдир у, гўзалдир у, гўзалдир у ниҳоятда.  
Ҳақиқий севгимиз енгувчи куч йўқ бу оламда,  
Нечунким, ишқимиз қавли вафо бирлан садоҳатда.  
Чиниқдик, тобланиб кетдик десам ҳаргиз като бўлмас,  
Муҳаббат ўтидан чиккувчи энг кучли ҳароратда.  
Тополмам заррача журъат ани ранжитгани, чунким  
Ҷўчирман кўй жазосини олурман деб қиёматда.  
Агар рашкимни кўзгаши-чун қиё боқса бировга ул,  
Кўзимдан ёш оқар дарё бўлиб дарҳол шу соатда.  
Мени андан жудо этмоқ учун имкон топилмас ҳеч,  
Кўнгиллар боргланиб кетган ниҳоятда, баюятда.  
Улаб тонгларни тонгларга этармиз яхши суҳбатлар,  
Тарин ҳам ишқимиз маҳкам бўлиб боргай мулокатда.

### ШЕЪРИЙ БАЁН ИЧИНДА

Кўрдиму ой жамолинг ушбу жаҳон ичинда,  
Ишқ ўти бўлди пайдо жиссими жон ичинда.  
Шундан бери ҳаловат нелигини билолмам,  
Ҳижрон азобидан дил оҳу фифон ичинда.  
ёнинита талпинар дил, олисадсан, нигоро,  
Илпқинг ва лек ҳамиша руҳи равон ичинда.  
Юртимни Ўзбекистон, кутлуғ макон дегайлар,  
Кошки эди топишсак шу хур макон ичинда.  
Мен сенга нома ёздим, нега ҳануз жавоб йўқ,  
Қолди бу жисму жоним шубҳа, гумон ичинда.  
Ҳасратларим, Калоний, эддин ниҳон тутолмам,  
Барин инг ифода шеърий баён ичинда.

### ТАСВИРДА АШЬОР БЎЛМАСА

Ҳар киши дунёга келмабдир агар ёр бўлмаса,  
Ёр бўлиб ёрига, аёрига аёр бўлмаса.  
Ўйини севган нигорини мудом ҳамроҳ этиб,  
Ҳажрида шаб то саҳар соҳиби бедор бўлмаса.  
Илтижосин мустажоб айлармикан маъшуқаси,  
Васлининг қутлуғ зиёсига харидор бўлмаса.

Муддаоси ҳосилу қалби зиёта түлмагай,  
Бегубор түйгүсидан ёрнинг хабардор бўлмаса.  
Болмисол васли насиб этмоғи кўп мушкул эзур.  
Хоби ғафлат тарқ этиб, ҳар лаҳза ҳушёр бўлмаса.  
Қанча кучли бўлса ҳам довруғ таратмас, эй Калон,  
Севгисининг тавсифи тасвирида ашъюр бўлмаса.

## СЕВГИЛИМ ҲИЖРОНИ

Севгилим ҳижрони тушди бошима бул кун яна,  
Васлидан шодон дилимга тўлди қайғу, хун яна.  
Ул қуёш нури билан кундуз эди қалбим уйи.  
Найлайин, боттаг қуёш бўлди қоронғу тун яна.  
Кунларим ўтгай эди осуда, хотиржам, нетай.  
Бўлди умрим боғлари, оҳ, остину устун яна.  
Айрилиқдан йўқ экан дунёда оғир тош сира,  
Сангиги осиё каби қалбимни вайлар ун яна.  
Бахтиёр эрдим, эди эрким қўлимда, водариг.  
Эл аро бошимни эгди нега даҳридун яна.  
Эс оғиб, ҳущдан кетиб бўлдим, Калон, девонаваш,  
Айрилиқ дарди этибдир қайтадан мажнун яна.

## УЛ ЭЗУР ЁРҚИН ҚУЁШИМ

Мен ширин жонимни кўрдим дилрабойим жонида,  
Лек ўзимни кўрмадим бир лаҳза дил ошёнида.  
Борлигим армону афғонга тўлиб кетди, нетай,  
Тобакай жой йўқ менга қалбин сўлим бўстонида.  
Не учун меҳримни тортиқ айласам, айлар қаҳр.  
Ё фақат жўш урдиму қаҳру ғазаблар қонида.  
Ёлворурман менга кулгу баҳш этинг деб, боиси  
Қўрқаман гарқ бўлмасин деб кўз ёшими уммонида.  
Ҳажрида олам қоронғудир, ҳақиқий тун мисол,  
Ул эзур ёрқин қуёшим толейим осмонида.  
Тонг эмасдир бу жаҳон айвонидан кетсан, Калон,  
Номини такрор этиб умримни(нг) ҳар бир онида.

## ҚУРУВЧИ ҚЎШИФИ

Билокорман, буюк касбу ҳунар бор ихтиёримда,  
Сурай гаштини касбимниң мұқаддас, ҳур диёримда.  
Буюк юрт ўғлиман, дўстлар, ҳамиша дилда фахрим бор.  
Азиз номимга мансуб иш қиласай дерман қароримда.  
Бериг сайдал этурда ҳушқомату зебо биноларни,  
Чидамли. барқарор этмоқ ҳамиша эътиборимда.

Баланд уйларни қурсам гар етар күккларға бошим ҳам,  
Кувонсам арзигай қасбига содиқлар қаторимда.  
Агар қылсам ҳалом меңнат садоқат бирла юртимга,  
Қозонгайман элу юрт олқышин бу ифтихорим-да!  
Улуг ҳалқым мудом бошлар шарафли, шонли йұлларға,  
Зафар деңгизида сузмоқ, Калон, доим шиоримда.

### ЁРИМ, ҚАЕРДА БҮЛСАНГ...

Ёрим, қаерда бүлсанг, жаннат үшал маконда.  
Харгиз топпилмагайдыр сендең гүзәл жаңонда.  
Бүлсам қаерда тун-кун ёдимдадыр висолинг,  
Ишқинг дилимда жүшгай, сизгай томирда-қонда.  
Хеч сүрмагин хаёлинг қай ёқда деб, нигоро,  
Сен қай томонда бүлсанг, үй ҳам үшал томонда.  
Куйингда куйганимдан девона мислидирман,  
Ақду ҳүшімнін одынг қай пайту қай замонда?  
Холимни күрса бүзлар күрган ачинганидан,  
Куйингда юзларимнинг ранги сарық сомонда.  
Хажринга тоқатим йүқ бир лаңза ҳам, Калоний,  
Кел, келмасанг жаһаннам олам менға шу онда.

### АГАР ИМОН БУТУН БҮЛСА

Менинг күнглимда ғам йүқдир, агар имон бутун бүлса,  
Вале бут бүлса имон, ғам чекар қалбим жунун бүлса.  
Сулуғ ишкім қүёшиң муҳтарам қалбимға жо этсам,  
Отар бир зұмда опоқ тонг ҳаёти бағри тун бүлса.  
Мұхаббат дөв этиб тинмай, улуг гулханға айлансын,  
Буюқ толе бүлур қалбим бу гулханға ўтун бүлса.  
Аннинг васлини(ңг) нуридан умидим узмагум, җатто  
Эзіб ҳижрон тегирмөн, дилим буткүл күкүн бүлса.  
Зиё соғчан висолин йўлида чеккан азоблардан,  
Шараф деб ифтихор этгүм, дилим ҳар лаңза хүн бүлса.  
Калоний, севгисин имонлигин асрар дединг, аммо  
Ечилгай охират ул гар ечилмас бир тутун бүлса.

### БЕВАФОГА

Күнглимни бермам ҳеч бевафога,  
Дүч айлагай ул жабру жафога.  
Эй бағри қаттық, сұзма күзингни.  
Ошиқ бўлиб боз қолмай балога.  
Гар сен билан мен ҳамсоя бўлсам,  
Денор урарман дархол арога.

Юққай қароси албатта бешак,  
Борса яқин ким ул қоп-қарога.  
Хоҳиши бирлан ким ўзни ургай,  
Жаңжал, низога, минг можарога.  
Учратмагил деб ҳаргиз, Калоний,  
Арз айлагайман ҳар дам Ҳудога.

## КҮЗЛАРИНГИЗНИ ОЧИНГЛАР

Күзларингизни очинглар, жүралар, мошдек қилиб,  
Элни эзмоқдағанимлар қалбини тошдек қилиб.  
Гоҳи "ўзбеклар иши" деб, гоҳида "пахта иши",  
Бизни юлвуч халқ демоқда, ўзни ювошдек қилиб.  
Қолмади ҳатто Амерқо, Африқода банди зл,  
Бошингизни ишлатинг, сиз ҳам асил бошдек қилиб.  
Алдаса битта хўроқсантина бериб, алданасиз,  
Тобакай ўзни юрарсиз тўрту-беш ёнцек қилиб?  
Ошингизни ўзгалар ер, сизга юнди-мундилар,  
Ўз ошнингизни ўзингиз енг, ахир, ошдек қилиб.  
Хўб ажисиз: доимо жиққамушт дўстлар билан,  
Шод бўлурсиз шум рақибни яхши сирдошдек қилиб.  
Қош қуяр чорига доим кўёз чиқармоқ сизга хос,  
Қош керак бўлса қўйинг-да, бир қалам қошдек қилиб.  
Жар солиб юрманг Калонийни тағин миллатчи деб,  
Сўзларин тингланг, уни элдошу қондошдек қилиб.

1990 йил

## МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШДИК

Мустақилликка эришдик онгимиз ўткирлашиб,  
Энди асрайлар, азизлар, жам бўлиб ҳам бирлапиб.  
Ҳурриятнинг маънисин чақмоқ керак, англаш зарур,  
Нега лоқайдмиз, юрак кетганни шунча кирлашиб?  
Камбағалинг оғзи ошга етса бурни қон бўлур,  
Бу мақол маънисини таҳдил этайлик сирлапиб.  
Ҳа деган бўлгай мадад ҳаттоқи филга, тевага,  
Ўтмасин бехуда фурсат гап сотиб, вақирлашиб.  
Қўлни кўлга берсақ, айтинг, енга олгай қайси куч?  
Бирлашайлик ўтмасин имкон тағин "хир-хир"лашиб.  
Сўрмагаймиз ҳар юмушига розилик рухсат, вали  
Мустақил ишлар қилайлик, энди биз моҳирлашиб.  
Асраромоқ даркор бу истиқлолни мудом жондан зиёд,  
Токи оч авлод совуқдан юрмасин дир-дирлашиб.  
Эй Калон, эркин ҳаёт гаштини сур ёринг ила,  
Яйрашиб меҳнатни қил Зуҳрою ҳам Тоҳирлашиб.

1991 йил

## АЖАБ

Эй фалак, олам аро донони кам этдинг, ажаб,  
Кам ўшал донони ҳам қалбини ғам этдинг, ажаб.  
Аҳли касларни мурувват баҳридан қылдинг жудо,  
Не сабабдан аҳли нокаста карам этдинг, ажаб.  
Күйдирив аҳли вафони, севгида хор айладинг.  
Бевафо беишкни, лекин муҳтарам этдинг, ажаб.  
Норасоларга бағышлаб шодлыгу оромлар,  
Хұб расолар қаддини бұқдинг-ку, ҳам этдинг, ажаб.  
Мен сүраб меҳрингни қылсам илтижолар, ожым,  
Сен нечүн турфа жафони дам-бадам этдинг, ажаб.  
Дер Калон, одамга одам ёә бу олам ичра, чин  
Шеърият аҳлин, шукрким, яққалам этдинг, ажаб.

## БИЛМАЙ ҚОЛИБ

Қилмагин күнглім сира айбу ҳато, билмай қолиб,  
Кас бүлур минг хил балога мубтало билмай қолиб.  
Қим қаро декка яқын юрса юқармиш қораси,  
Юқтириб олма ўзиянга бир бало, билмай қолиб.  
Билмайин босған тиконнинг тортадир ҳам жабрини,  
Чекмагин ортиқча ғам, жабру жафо, билмай қолиб.  
Нафси деб гүшгай эмиш қопқонга ҳатто тулки ҳам,  
Йұргалаб ҳар күчага бўлма адо, билмай қолиб.  
Дейдилар: күмирни ҳам ёқсанг қизил чўр бўлгуси,  
Итқитиб юрма уни сен деб қаро, билмай қолиб.  
Ҳеч қачон бошинг эгилмайдир, мудом ёруғ юзинг,  
Бўлмасанг ор-номусингдан ҳам жудо, билмай қолиб.  
Дўст қидирсанг доимо марду садоқатлип топ,  
Тутмагин күнгли қарони оғино, билмай қолиб.  
Беркитар гоҳо булат осмондаги офтобни ҳам,  
Камтаринг бўл, қилмагин кибру ҳаво, билмай қолиб.  
Эй Калон, шеърингни ҳам баҳш айлагин ҳалқинг учун,  
Ёзганингни этмагин боз бебақо, билмай қолиб.

## НЕ БАЛО ЭТДИНГ РАҚИБ?

Қаҳрингу заҳринг сочиб, жабру жафо этдинг рақиб,  
Тұхматинг тошин отиб, қалбим яро этдинг, рақиб.  
Күзларингдан нур эмас, оғат, қабоҗат тарқалур.  
Бир боқиб нафрат билаң мотамсаро этдинг, рақиб.  
Ниятинг мисли кўмир, муддаонг бир мўридек.  
Бир ғазаб айлаб юракни қоп-қаро этдинг, рақиб.  
Мен каби бечоранинг минг-мингларин қон қақшатиб,  
Ёндириб, қылдинг адо, айт, не бало этдинг, рақиб?

Пул деса жисмингни ҳам томдан улоқтиргинг келур,  
Иштаңгни мисли бир аждақо этдинг рақиб.  
Үйлама, мансаб сенинг маҳрингга тушмас ҳеч қачон,  
Қўл мараз коринт билан элни адо қилдинг рақиб.  
Дер Калон, пўстакмисол афтингта эл пой артадир,  
Тавқи лаънат тамғасини истило этдинг, рақиб.

1990 йил

### БАХТИМИЗДАН ЭНТИКИБ

Юзларингга гутматин, жоним ниқоб,  
Ҳеч ниқоб тутгайму, айттил, офтоб?  
Бир кўрай ҳуснингни дейдирман тўйиб,  
Завқим орттири, нурни этги беҳисоб.  
Мен каби васлингта зорни кўрмадим,  
Сен каби дунёда йўқ олийжаноб.  
Иккимиз тенгмиз, муносиб, мосмиз,  
Дилбарим, тортина, этма ноз, итоб.  
Севги борида кезайлик шодмон,  
Бахтимиздан энтикиб, айлаб хитоб.  
Ёзса мадҳингга, Калоний, арзигай,  
Қанча шеъру қанча достону китоб.

### СЕВМАСАНГ СУЙКАЛМАСИН

Севса ёр севсин, бироқ жонимга чин маҳрам бўлиб,  
Севмасин ҳаргиз ва лек бегона, номаҳрам бўлиб,  
Севганидан мента не наф, севмасам ҳаргиз уни,  
Севмасам, бас, дил бериб лов ёнмасин кул ҳам бўлиб.  
Дил, ахир, кўзгу эмас, офтоб нурин қайтаргувчи,  
Йўқ иложим, келмасин хонамга ҳамхонам бўлиб.  
Мен томон кўз сузмасин, васлига чорлаб юрмасин.  
Олмасин ақлу ҳушим, мисли товус кўркам бўлиб.  
Отмасин қопин камонидан менга мижгон ўқин,  
Ҳеч қачон роз айтмасин, маъшуқадек ҳамдам бўлиб.  
Эй Калоний, севганинг гар севса кўнгли бут бўур.  
Севмасант суйкалмасин, оввораи олам бўлиб.

### СЕН КЕТАРСАН...

Сен кетарсан, эй дилором, дилгинангни том этиб,  
Мен коларман йўлларингда кўзларимни ёш этиб.  
Дебдиларким, севгини сир сақлагин ёр-ёргача,  
Лек кетар чорингда ишқим мен қўйибман фош этиб.

Иzlарингта термуларман, izларинг – баҳтим йўли,  
Иzlаринг измидаман, одинг дилим йўлдош этиб.  
Сен-ла кеттай ўйларим ҳам ақли ҳути ҳам зрганиб,  
Ошигингни айлабон тарк, якка-ёлғиз биш этиб.  
Ўйлама йўлим узоқдир, ёдидан чиқкум дебон,  
Суратинг дилга чизурман, меҳрими нақдош этиб.  
Кун ботар, аммоқи, эркам, зартаси тоңг ҳам отар-  
Деб йўлингга кўз тутарман, сабр этиб, бардош этиб.  
Сен кетарсан, эй дилором, дилгинангни тош этиб,  
Мен қолодирман, Калоний, кўзларимни ёш этиб.

## ДОНО БЎЛИНГ

(Ўзбекистон мустақиллигининг бир йилмиги байрами  
куни туршаган ўғаш-қизларга).

Улкайинг, яйраб ўсинг, олижаноб мулло бўлинг,  
Сидқидидан хизмат айлаб, эл дилига жо бўлинг.  
Ой бўлинг, офтоб бўлинг, оламга нурлар ёғдириинг,  
Занглаган темир эмас, ял-ял ёнар тилло бўлинг.  
Тарбиятда чин мусулмон ҳам асил ўзбек, вали  
Севгида покиза ишқли Тоҳири Зухро бўлинг.  
Мустақил юрт зурриёди, мустақиллик сизга хос,  
Ўз йўлига эга бўлган оқибу доно бўлинг.  
Дилда бошқа, тилда бошқа, даври ўтди, минг шукр.  
Дилда борин куйлагувчи булбулигё бўлинг.  
Ўзгаларга баш эгишлик, қул бўлишлик энди ёт,  
Хур Ватан-чун Сиз Навоий, Нодира, Сино бўлинг.  
Завқи оптагандан Калоний битди ашъорлар букун,  
Сиз газалхонлиқда моҳир ҳам тили бурро бўлинг.

## УЙГОНИНГ

Мустақиллик келди, эй дўсту қадрдан, уйғонинг,  
Босмасин ғафлат, туринг, шу лаҳза, шу он уйғонинг.  
Турмушингиз доимо мисли қоронгу шаб эди,  
Тун тутаб, тоңг отди, энди яхши инсон, уйғонинг.  
Бу қулай имкониятни бой бериб, сўнг йиргламанг,  
Қалбингизда бўлса номус, ору виждан, уйғонинг.  
Нурга тўлган ҳурриятга етмаганлар беҳисоб,  
Минг шукр, сиз етдингиз, эрк – энг улуғ шон, уйғонинг.  
Ўзлигингизни ҳамиша кенг жадонга кўрсатинг,  
Қадрингизни айламанг ҳеч нархи арzon, уйғонинг.  
Томчилардан жилара пайдо, жилгаалардан Сир, Аму,  
Каттакон арғамчига ҳар тола дармон, уйғонинг.

Шум рақиблар ҳийласига учмангиз, ҳушёр бўлинг,  
Йўлингизга қўйдилар боз қанча қопқон, уйғонинг.  
Бирлигингизни бузиш йўлида ағёр лоф урар.  
Душманингиз сўзлари минг карра ёлғон, уйғонинг.  
Эрк учун жонни фидо қўлмоқ, билинг, эсиз эмас,  
Жонни асраб, эркини бермоқ катта армон, уйғонинг.  
Бандилиқда андалиб ҳам нолаю ағфон чекар,  
Бўлди деб ҳуралик элим ҳам шоду хандон, уйғонинг.  
Уйғонингу уйғонинг деб бонт урар бўлдим, Калон,  
Уйғонинг, эй деҳқону, ишчи, ғазалхон, уйғонинг.

1991 йил

## ХУР ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

Эй Ватан, сенсан мудом қалбимдаги жоним менинг,  
Жон надир, жондан азиз ҳур Ўзбекистоним менинг.  
Эркалаоб, бошим силаб баҳтимни ҳам бердинг ўзинг,  
Шунчалар олийжаноб яхши қадрдоним менинг.  
Улгайиб, тоғдим камол, бағрингда ўсдим яйрабон,  
Доимо бўлгии сон, эй бору бўстоним менинг.  
Шунчалар кўркам диёрсан, хони зар тупроқларинг,  
Мисли йўқ, оламда танҳо гавҳаристоним менинг.  
Арзигай фахр алласам ўзбек элин фарзандиман,  
Шуҳратимга шон қўшар кенг пахта майдоним менинг.  
Завқ билан ёсам, Калон, озод диёрим маджини,  
Шод бўлиб дер ҳалқимиз "раҳмат ғазалхоним менинг".

## ХОР ЎЛМАНГ

Ватандан юз буриб, хорижда, дўстаар, ҳокисор ўлманг,  
Ватанинг бир сиким тупрогига ҳеч қайда зор ўлманг.  
Агар сиз билсангиз асло Ватандан яхши ёр йўқдир,  
Вафоли ёрингиз ташлаб, нафосизларга ёр ўлманг.  
Қуёшли Ўзбекистондир ҳамиша ифтихорингиз.  
Кезиб сарсону саргардон, сира беифтихор ўлманг.  
Ҳамитла сизга чин меҳру муҳаббат кўрсатур бу юрг,  
Кечиб эл эътиборидан, тарин безътибор ўлманг.  
Элингиз сўзлари аччиқ бўлур гоҳ, лекин ул малҳам,  
Рақибларнинг ширин сўзи заҳардир, ҳеч хумор ўлманг.  
Узоқларда кўринган ул саробдир, ҳаргиз алданманг.  
Олар эрк, ихтиёрингиз, сира беихтиёр ўлманг.  
Калонийдек Муродига етар юртига содиқлар,  
Ватанинг меҳридан айру тушиб, бечора, хор ўлманг.

## ДУО АЙЛАНГ

Ёронлар, ҳар ишингизни ҳамиша жо бажо айланг,  
Ниятни нок этинг, күнжил деганни бериё айланг.  
Савоб ишларга құл урган кишидан нур ёғылгайдир,  
Зиёлардан сочиб злага, қозингиз сержило айланг.  
Садоқатни севиб асранг, вафони мұйытабар сақланг,  
Зинога юз буришликка мудом шарму ҳаё айланг.  
Ҳаром ҳаргиз буюрмайдир, ҳалол топганга не етсин,  
Имонли ҳам діёнатли яшапни муддао айланг.  
Бу дунёда тирик юрмоқ, ўзи минг битта ҳикматдир,  
Умр ҳадсіз ғаниматдир, фужурларни аді айланг.  
Агар таскин топар бўлса дилингиз ушбу шेъримдан,  
Очиб қўлни Калонийнинг ҳаққига бир дуо айлант.

## ЯХШИЛИК

Дұппманинг ҳам дўст бўлур чин дилдан эхсон айласант.  
Дўстларинг душман бўлур озор бериб, қон айласант.  
Бу жаҳонда яхшиликдан яхшилик пайдо бўлур.  
Яхшилик қил, яхшилик қил зарра имкон айласант.  
Гар қўлингдан келмаса эхсон, саховат, эй рафиқ,  
Хуш бўлур ширин тақалуф бирла хушхон айласант.  
Яхшилика кўп эрур ҳикмат, яна кўп хосият,  
Арзигайдир яхшиликни таңдаги жон айласант.  
Барча ёвузлик туғилгайдир ёмонликдан, ахир,  
Бехатарсан гар ёмонлик раддин эълон айласант.  
Яхшилик қиласнуга аммо миннат этсанг ҳайф бўлур.  
Кўп саодатлар бўлур ҳимматни пинжон айласант.  
Ҳеч қачон ҳеч бир кишининг қалбини ранжитмагин,  
Каъба бузмоқдан гуноҳ бир дилни вайрон айласант.  
Жўш урар илҳом булоги, завқу шавқ дарё бўлур,  
Эй Калоний, яхшилик мадҳида сайрон айласант.

## ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Ногаҳон ғам босса, бир тўйлаб кўринг,  
Ё оқар дарёни бир бўйлаб кўринг.  
Тоқатингиз тоқ бўлиб кетса агар,  
Яхши ўй, орзуни мўлжаллаб кўринг.  
Гар дилингиз "ёрилиб кеттум" деса,  
Энг яқин маҳрам тосиб, сўйлаб кўринг.  
Ҳеч чекинмас бўлса ғам гар шунда ҳам,  
Сиз гўристонни кезиб, ўйлаб кўринг.

Дилгинанғыз қайғуси боз кетмаса,  
Бир ғарифнинг күнглини овлаб кўринг.  
Эй Калоний, дардингиз бисёр эса,  
Барчасини шеър қилиб кўйлаб кўринг.

## АЙЛАМАНГ

Ишқ ўйлига кирганимни, ёр, таҳқир айламанг.  
Кайтарурман деб бу йўлдан ёки таъсир айламанг.  
Мен мұҳаббат боғидан жонимга роҳат изладим,  
Севгани оғатта менгзаб, макру тазвир айламанг  
Васлингиз қўша қанот бўлсин, учай роҳат сари,  
Бераҳмлик бирла ҳажрингизни занжир айламанг.  
Туш кўрибман, унда бордан менга бир гул уздингиз,  
Бу тушимни эзгулиқдан ўзга таъбир айламанг.  
Аҳали ошиқ муддаоси доимо totли висол,  
Васли онни кўзламоқдан ўзга тадбир айламант.  
Хоҳи кундир, хоҳи тундир биргамиз, йўлдошмиз,  
Иккимизни, эй Калоний, айро тасвир айламанг.

## ЖАМОЛИНГДАН СЕНИНГ

Ўргилай, ёрим, жамолингдан сенинг,  
Лабдаги лаззатли болингдан сенинг.  
Ишқимиз боғи чиройли бўлди хўб.  
Яйраб эккан навниҳолингдан сенинг.  
Бир куни учрашмасак бу бор аро,  
Ранг олур қалбим у холингдан сенинг.  
Гарчи кўнглам қоп-қародир, лекигин  
Нур олур икки ҳилолингдан сенинг.  
Оҳ, кулогим ҳам қизир, билмам нечун,  
Балки ўтдимми хаёлингдан сенинг.  
Қайрилиб боқ, мен эмас, еллар эзур,  
Тортқилаб қочган рўмолингдан сенинг.  
Жонгинам бўлсин тасаддуқ бир умр,  
Ўн саккиз йил синну солингдан сенинг.  
Севги дунёсида танҳойим ўзинг,  
Топмагум ҳаргиз мисолингдан сенинг.  
Олса ўрнак арзигай доим, Калон,  
Севги боғида камолингдан сенинг.

## ДИЛРАБО ЁР БЎЛМАСАНГ

Севмас эрдим дилрабо ёр бўлмассанг,  
Қалбида сидқу вафо бор бўлмассанг.

Сайрамасдим хушовоз булбул мисол,  
Үхашши йўқ зебо гулзор бўлмасанг.  
Маст бўлиб, ҳущдан оғиб қолмас эдим,  
Лаблари бол, кўзи хуммор бўлмасавг.  
Дил бериб, диласиз бўлиб қолмас эдим,  
Дилраболар ичра дилдор бўлмасанг.  
Чўзмас эрдим меҳрибонлик дастини,  
Оlam аро меҳри бисёр бўлмасанг.  
Ошикингман, гул висолинг ҳадя эт,  
Ташлама ҳижронга хунхор бўлмасанг.  
Айлагин севгим қабул жонинг билан,  
Гар, Калоний, асли ағёр бўлмасанг.

## ЎЗИНГ

Кўзларингдан ўргилай, ёрим ўзинг.  
Жондан ортиқ яхши дилдорим ўзинг.  
Кўрмасам бир лаҳза фарёд айларам,  
Эй париваш, оҳиму зорим ўзинг.  
Йўлларингда мўлтираб кутгум сени,  
Дилдаги ҳар йўғиму борим ўзинг.  
Мен бу кун ҳажрингда кўп bemорман,  
Кел, шифо бер, малҳаму дорим ўзинг.  
Сайр этайлик, юр, садоқат боғида,  
Аҳди қатъий, чин вафодорим ўзинг.  
То тирикман ноумид бўлмам, ахир,  
Меҳрибоним, нозли хушторим ўзинг.  
Кўз қорамдай асрагайман бир умр,  
Бор турурим, номусим, орим ўзинг.  
Дер Калоний: завқимам, илҳомимам,  
Кўзларингдан ўргилай, ёрим ўзинг.

## ҲАЙДАМАНГ

Боіп эгиб келдим ҳузурингизга, эй ёр, ҳайдаманг,  
Бу жаҳонда сиздан ўзга менга ким бор, ҳайдамант.  
Лаҳза-лаҳза ҳуснингиздан завқу шавқ, ором олай,  
Ўкситиб бечора ошиқ дилни зинхор ҳайдаманг.  
Кўзларингиз, дилбарим, беозору мунисадир,  
Илтимосим лоақал бир кунга якбор ҳайдамант.  
Ўлтирай бошим эгиб, муштоқу зор нолон кўнгил,  
Айлабон кўз ёшларимни мисли анҳор ҳайдаманг.  
Чин вафо гулзорининг боябонидирман доимо,  
Дилда боримни самимий этдим изҳор, ҳайдамант.  
Таърифингизни Калоний ёзса минг достон бўлур.  
Жўшқин илҳомим ўзингиз, иқтидорим ҳайдаманг.

## ГҮЗАЛСИЗ, ДИЛАБОСИЗ

Гүзалсиз, дилрабосиз, дилбарим, энг.  
Келолмас сизга ҳеч бир маҳлиқ тенг.  
Юзингизга ярашмиш кулгичингиз,  
Қошингиз ўртасида жилвагар менг.  
Кетибдир мағрибу машриқ томонга,  
Чиройингиз довруги тарқалиб кеңт.  
Ярашмиш кийсангиз кимхоб либослар,  
Түшиб мос оқ билакка бурма ул енг.  
Калоний айласам изҳор муҳаббат,  
Севарман сизни ҳам шоир акам денг.

## КЕТМАЙ ТУРИНГ

Эй ота, бир нарса денг, қымланг қазо, кетмай туринг,  
Бу қарип ўғлингизи этманг адo, кетмай туринг.  
Кўзларингиз не учун нурсиз бўлиб бормоқдадир.  
Кўзларингизга бўлай нури-зиё, кетмай туринг.  
Сизни деб қўй гўштию, қўй ёғидан ош дамладик,  
Дардларингизга бўлурму деб шифо, кетмай туринг.  
Жон керак бўлса келиб олсин менинг жоним, мана,  
Тегмасин сизга ажал, дарду бало, кетмай туринг.  
Кўнглингиз хуррам этай, бисёр эзур ниятларим,  
Дилда мўлдир мақсаду, кўп муддао, кетмай туринг.  
Сиз қувончим, толейим, баҳтим, ғурурим – борлирим,  
Борлиримдан этмасин ҳеч ким жудо, кетмай туринг.  
Ўксиниб, қолмай чўкиб, қаддим букик, дол ўлмасин,  
Нуридийдам, ҳазратим, ақдим расо, кетмай туринг.  
Йирлагум шўрлик бошим қаттиқ уриб остонаяга,  
Айламанг ҳаргиз мени баҳти қаро, кетмай туринг.  
Розидирман, бузрутимсиз, қиблагоҳимсиз менинг,  
Деб Калонийдан мано бўлдим ризо, кетмай туринг.

## МАРГ

Икки дунё ўртасида мисли бир девор марг,  
Не қилай, шум қисматимда аввал-охир бор марг.  
Одам авлодига етгай галма-гал нағбат билан,  
Етса вақт жонимни олгин бермайин озор марг.  
Чунки келмоқликни(нг) бир кун бор эзур кетмоғи ҳам,  
Бас экан шундок, сенинг-чун мен мудом тайёр, марг.  
Мен борай қошингта ул яқт юзда ёруғ нур билан,  
Эл аро шарманда этма, этма ҳаргиз хор марг.  
Қатъият, кучли ирода ёр бўлсин ҳар нафас,

Үртама дил ичра жоним, айлама абгор, марг.  
Қийнамай жонимни олгин, тегма имонимга, лек  
Беймон боқийта ёлғыз бормогим бекор, марг.  
Күз юмар бўлсам, Калоний, не кечар ҳолим, нетай.  
Мен кетай, ортимда қолсин далрабо апгъор, марг.

### БЕВАФО ДЕБ ЎЙЛАМАНГ

Севганимни, ошинолар, бевафо деб ўйламанг.  
Севгиси боқий эрур, ҳеч бебақо деб ўйламанг.  
Борлиги нурдан яралганцир, зиёдир жисми ҳам,  
Кўрсангиз офтобми у, ойми ё деб ўйламанг.  
Дардима малҳам, шифодир нозу ширин сўзлари,  
Ишқида беморлигимни бедаво деб ўйламанг.  
Ҳар нигоҳга ҳам нигоҳ бирлан жавоб этмас эса,  
У ҳаёсидан нишон, кибру ҳаво деб ўйламанг.  
Йўқ эрур пардозга ҳожатким, табиий ҳусни ҳам,  
Қошлари асли қаро, сохта қаро деб ўйламанг.  
Меҳнатига, кўркига минг-минг тасанно дер элим,  
Унга севгимдан бўлак туйғу раво деб ўйламанг.

### ЁРДАМЛАПИМАСАНГ

Ҳусн аро оламда, жоним, бунча танҳолашмасанг.  
Бунча ороламмасанг бунча кўркамлашмасанг.  
Бир кўриб зебо жамолинг бу дилим сув бўлди, лек  
Сен нечун сал юмшамайсан, бунчалар тошланмасант.  
Йўқ эрур оғирлиги даркор эса харсангни ҳам,  
Нега мафтун айладинг, ҳеч мен билан таплашмасанг.  
Мен ҳажр уммонига гарқ бўлдим, чиқмогим қийин,  
Гар келиб тортиб қўлимдан жичча ёрдамлашмасанг.  
Ғамларим сиғмас ичимга, кимга ҳасрат айлайнин,  
Дил ёришмас ўлтириб ёнимда бир дардлашмасанг.  
Жонга тегди бу жаҳон айвонида танҳо яшаш,  
Бошларим қайга урай, ёр, менга ҳамдамлашмасанг.  
Энди ҳаргиз чора йўқ, қалбимга нур кирмас сира,  
Дастидан утшлаб Калонинг баҳт сари бошлашмасант.

### ЯХШИ ЙЎЛДОШИМ МЕНИНГ

Найлайин, дунёга сиғмас бу ғариб болим менинг,  
Тинмагай дарёга ўхшаб кўздаги ёшим менинг.  
Кетма-кет келган алам, қайгую ғамдан доғман,  
Тоқатим тоқ, қолмади ҳеч зарра бардошим менинг.

Беҳаловатман куйиб, кечдим ширин жонимданам,  
Дил ёзиб, дардлашгани йўқ битта сирдошим менинг.  
Ҳасратимни айтайн деб уззукун йўл поиласам,  
Келмагай ёнимта ҳаргиз қому қардошим менинг.  
Эй Калоний, яккаман деб чекмагум беҳуда ғам,  
Шеъриятдир кеча-кундуз яхши йўлдошим менинг.

## ҲАЙРОНА ҚИЛИБ КЕТМАНГ

Ял-ял ясаниб, бизни ҳайрона қилиб кетманг,  
Мастона сузиб кўзни, афсона қилиб кетманг.  
Икки кўзимиз ёпиаб, ишқингиз ўтиш ташлаб,  
Бечора юракларни сўзона қилиб кетманг.  
Минг жилва товус янглии, минг тусли хиром айлаб,  
Ақлу ҳушимиздан ҳам бегона қилиб кетманг.  
Қоқ тунда ёниб шамдек, ёғдуни сочиб дилга,  
Ошиқ дилимиз буткул парвона қилиб кетманг.  
Гўёки тушиб кўқдан чақмоқ каби жонона,  
Ишқ тўлди кўнгилларни вайронна қилиб кетманг.  
Бир зумда учиб кўздан ҳижронга дучор айлаб,  
Бечора Калон қалбин ғамхона қилиб кетманг.

## БАХТИ ЁРИНГДАН ДАДАНГ

(Ўғлим Равшанхонга).

Ўргилиб кетсан сенинг ўттиз баҳорингдан даданг,  
Барқарор иймонингу номус ва орингдан даданг.  
Шоддигинг боқий бўлиб, қайғу аламлар кўрмагин,  
Бахтиёр бўл, бахтиёр бўл, бахти ёрингдан даданг.  
Бир-биридан меҳрибону бир-биридан жонажон,  
Аҳдига содик ҳамиша дўсту ёрингдан даданг.  
Ўзбекистон номли бир гулшандა яйраб яшиадинг,  
Сен севиб кўпглингни берган бу диёрингдан даданг.  
Ота-онанг пойининг гардини кўзга суртибон,  
Тўтиё деб номладинг, бу эзгу корингдан даданг.  
Яйрасинлар деб икков, бир боғни бунёд айладинг,  
Бу шарафли ниятинг, этган қарорингдан даданг.  
Бир умр содик бўлиб ўсдинг, камолотни қучиб,  
То абад бўлгин омон, бахтимга борингдан даданг.  
Арзигтай фахр айласам ҳар дам, Калоний, сен билан,  
Мен учун бахш айлаган бор иктиёрингдан даданг.

## НЕГА МАСКАН ҚИЛМАДИНГ

Тим қоронғу дил уйини нега равшан қилмадинг.  
Васлингта етмоқ ишини мен учун фан қилмадинг.  
Дилрабо васлингни бөгітә киришіга, эй санам,  
Менға ружсат этмадинг ҳеч, ўзгата ман қилмадинг.  
Дилдаги ишкім ўтидан битта учқун саұраса,  
Сен уни дархол үчирдинг, нега гулхан қилмадинг?  
Мен чекар бўлсам азоб, сен нега хандонлар этиб,  
Иккимизни то абад бир жону бир тан қилмадинг.  
Севгисиз кўнгил эзур гўёки саҳро қақраган,  
Не учун бу гўшани гул бирла гулшан қилмадинг.  
Ишқ-муҳаббат ҳисларин нурдан иборат этдиму,  
Дилрабойим, айт, ўзинг ҳам нега андан қилмадинг?  
Гар сени қалбим уйига жо этиб қўйдим, Калон,  
Сен эсанг бу манзилингни менга маскан қилмадинг.

## РАҲМ ЭТМАДИНГ

Қудратингни кўрсатиб, ағёр менга раҳм этмадинг,  
Ори йўқ, виждони йўқ, беор менга раҳм этмадинг.  
Беймон осий экансан, беаёв қаҳринг билан  
Соппа-сор қалбим қилиб бемор, менга раҳм этмадинг.  
Чеки йўқ золимлигинг бошимга равғо орттирур.  
Айладинг ҳаддан зиёд безор, менга раҳм этмадинг.  
Маст-аласт ғафлатда пайтон панжасига қўл уриб,  
Қилмишинг фиску фужур, бадкор менга раҳм этмадинг.  
Бегуноҳман, бехуда берма азоб деб бўзладим,  
Билмадинг шафқатни ҳеч, хунхор менга раҳм этмадинг.  
Борлигинг оғат экан, кулафат экан, тұхмат экан,  
Одатинг озор экан, зинхор менга раҳм этмадинг.  
Сен башпар номига иснод келтирувчи зотсан,  
Хайф эзур сента, Калон, ашъор, менга раҳм этмадинг.

## ХОР АЙЛАДИНГ

Ишвао жилванг билан чин ошиқу зор айладинг,  
Куйдириб күйингда, војким, бунчалар хор айладинг.  
Ваъдалар этдинг вафо кўргузурман сизга деб,  
Боиси не бўлди, лек аҳдингни инкор айладинг.  
Мен сенга ошиқ дилимни топшириб қўйган эдим,  
Олдингу анга жабр, зулмингни бисёр айладинг.  
Не учун ширин такаллуфлар қилиб, дил овладинг,  
Ниятинг ношуд эканким, ўзгани ёр айладинг.  
Бегубор севгим аросатда қолиб кетди, Калон,  
Бу жаҳон майдонини кўзимга тант-тор айладинг.

## **БИЛСАНГ**

Хажкингда, эй қалам қош, бўлдим хароб, билсанг,  
Васлинг йўлини излаб йўқ кўзда хоб, билсанг.  
Бир карра шафқат эттил, ҳолимни сўр нигоро,  
Раҳм айласанг ҳамиша бўлгай савоб билсанг.  
Васлингга ташналиқдан қолмади зарра тоқат,  
Ишқинг олови ичра жисмим кабоб билсанг.  
Кўнгли қаро рақибнинг домига эҳтиёт бўл,  
Сен-чун ўзим фидой, эй моҳтоб билсанг.  
Ошифта дилгинамни айла ўзинг мунаввар,  
Сенсиз дилим қоронғу, эй офтоб, билсанг.

## **ДЕМАНГ**

Ишқида кўп йигласам йирлоқ демант,  
Хунграсам бу не учун бундоқ деманг.  
Чўр этибдир бор вужудим ишқ ўти,  
Кўқдаги оҳим ўтинг чақмоқ деманг.  
Гоҳи ҳудман, гоҳи беҳуд, наилайнин,  
Кўрсангиз гар, телбаи мутлоқ деманг.  
Ёр ҳаёли бирла доим жуфтман,  
Укратиб танҳо мени ҳеч ток деманг.  
Мен уни ёрим деб ўллайман нуқула,  
Сиз мени уйланмаган бўйдоқ деманг.  
Йиглагай ҳолимга маймуналар менинг,  
Эй ўзинг ҳолинта ҳам бир боқ деманг.  
Мен унинг ишқи билан бойман, vale  
Ҳеч қачон бечора бир қашшоқ деманг.  
Ишқ юйли ҳавфу хатарли дейдилар,  
Йўлларимни сиз равон, оппоқ деманг.  
Бу Калоний ошиғу девонадир,  
Шеърларин, ҳаргиз, ўқиб тўмтоқ деманг.

## **МЕНГЗАНГ**

Кўзимнинг ётларин дарёга ментзанг,  
Фамимнинг кенглигин дунёга менгзанг.  
Ҳакирман, фақирман, қадримни, дўстлар,  
Наматдан паст турар бўйрога менгзанг.  
Муҳаббат бобида Тоҳирга тенгман,  
Нигорим қисматин Зуҳрга менгзанг.  
Дилимни кун деманг, тундир қародир,  
Букилган ҳоматим дол, ёга менгзанг.  
Бирор бир бораҳм ҳолимни сўрмас,  
Пешонам шўрлигин пўр жога менгзанг.  
Калоний, ҳаётим шеърий баёнин  
Ўқиб, ҳар байтини ижротга менгзанг.

## **БАҲО БЕРМАДИНГ**

Мента дард бердингу даво бермадинг,  
Висол ваъда қилиб, вафа бермадинг.  
Десам, жоним, висол бер ё қазо бер.  
Висол ҳам бермадинг, қазо бермадинг.  
Бўйидим кўп ҳажр тор кулбасида.  
Нигорим, раҳм этиб, ҳаво бермадинг.  
Қалаштиридинг дилимга ғам, аламни  
АЗоблар бердингу сафо бермадинг.  
Ғанимларга мурувват кўрсатиб кўп,  
Мурувват лаззатин манго бермадинг.  
Калоний, сенга деб биттаңда ашъор,  
Ўқиб ҳам кўрмадинг, баҳо бермадинг.

## **АЙЛАДИНГ**

Мента боқмай, ёр, диққат айладинг,  
Фам билан ҳайруни қат-қат айладинг.  
Хонумоним сарф этсам етмади,  
Айт, висолинг бунча ҳиммат айладинг?  
Сой бўйига юз очиб чиқдинг у кун,  
Билмадим, кимларга ҳиммат айладинг.  
Бир кўрай девдим жамолингни, бироқ  
Бош ювай деб сочни чиммат айладинг.  
Бўса сўрсам рад этиб, дил орритиб,  
Бир ширин умримни ғурбат айладинг.  
Бормиди қасдинг ва ё, эй бағритош,  
Мен учун хижранни улфат айладинг.  
Эй Калон, ишқ йўли ҳавфли дердилар,  
Нега кирмоқликка журъат айладинг?

## **БАРҚ УРСИН ИҶБОЛИНГ СЕНИНГ**

Топмадим, эй дилрабо, оламда тимсолинг сенинг,  
Йўқ эрур беҳиштда ҳам лаълингдаги болинг сенинг.  
Кунни ёруғ айлаган нурли чиройингдир, гулим,  
Тунни торик айлаган лаб бурчида холинг сенинг.  
Мен висолинг истасам ҳажрингга қилдинг рўбарў,  
Эҳтимол бу қилмишинг ўз турфа аъмолинг сенинг.  
Сен учун, билсанг, яшарман, сенга олам шодлиги,  
Яйрагин, хўб яшнагин, хуш кечсин аҳволинг сенинг.  
Кетма деб, ёлвораман пойингта бошимни қўйиб,  
Лек кетарсан, йиглатар "хайр, энди хуш қолинг" сенинг.  
Бир мени эрмас, бутун борлиқни ҳажринг ўртагай,  
Бўлди мажнун бос зигиб ҳовлингдаги толинг сенинг.

Майли, дейман, бахт тилайман, мендә севгинг қолса бас,  
Қайда бўлсанг ҳам, Калон, барқ урсин иқболинг сенинг.

## ХУШ НАВО ҚИЛСАНГ

На хуш бўлгайки, эй жонон, дилимни пурзиё қилсанг,  
Кўнгил борим баҳор айлаб, юзимни хуш жило қилсанг.  
Висолинт йўлини излаб фикрлар чалкашиб кетди,  
Бу чалкашган фикрларни ўзинг бир жобажо қилсанг.  
Ажаб, қалбимда ором йўқ, vale гулзорни хушлайдир,  
Нетай, ишқ дардига, эркам, тўсатдан мубтало қилсанг.  
Нечун тақдирга тан бермай, мудаббат таслим айлабдир,  
Фазал айтиб сўрай васлингни, куйингта имо қилсанг.  
Умидим шул, парирухсор, табассум армуғон этсанг,  
Бошим кўкларга етмасму, бу арзимни бажо қилсанг.  
Калоний, қилмагни афсус, нигоринг гар нигоҳ этмас,  
Бўлурсан бир куни манзур агар сен хуш наво қилсанг.

## ЖУДО ҚИЛМАНГ

Висолингиздан, эй дилдор, мени ҳаргиз жудо қилманг,  
Ҳақиқий оширингизман, сира баҳти қаро қилманг.  
Ахир, кўнглимни ром эттан ўшал ойдек жамолингиз,  
Нигорим, илтимосим шу, факат кибру ҳаво қилманг.  
Узун тунларда ҳар доим фироқингизда ўртаңдим,  
Ки ҳижрон дардидир дардим, бу дардим бедаво қилманг.  
Висолсиз севги ошиқнинг бутун умрин ҳазон эттай,  
Бу севгимни, азиз ёрим, бошимга бир бало қилманг.  
Менинг-чул энг гўзадирсиз, vale жонимга жондирсиз,  
Юрак сўзимга шак этмангки, яъни кўп жафо қилманг.  
Келинг ёнимга, эй маҳваш, йўлингизга кўзим мунитоқ,  
Яна келмай Калонийнинг дилин мотамсаро қилманг.

## ХУРРАМ ДЕМАНГ

Севги бирла лиқ тўла қалбимни бердим, кам деманг,  
Алдасам, қалбимда севги бўлмаса одам деманг.  
Чин вафо дунёсиdir мен истаган олам, vale  
Бевафолар оламини ҳеч қачон олам деманг.  
Ишқ биносига садоқат пойdevор бўлмаса,  
Ул омонатдир, гулим, сиз асло мустаҳкам деманг.  
Ким хиёнат айласа ёрига боши ҳам эзур.  
Бу азиз бошим эгилмайдир, уни ҳеч ҳам деманг.  
Васлингиз йўлида тинмай жон чекиб ўлсам агар,  
Каттакон байрам бўлур, ҳеч дил эзар мотам деманг.

Шод эсангиз шодман, баҳтли эсангиз баҳтиёр,  
Фамга ботсангиз, Калонийни сира хуррам деманг.

## ДАРДЛИ АҮГЬОР АЙЛАДИНГ

Ишқ изҳор эттанимда рад этиб, хор айладинг.  
Таънаю дашибомларинг бўйнимга зуннор айладинг.  
Мен бу дардим элга ошкор этмайин зор йигласам,  
Сен кулиб шум тақдиримдан, энди ошкор айладинг.  
Даста-даста гул тутиб, меҳримни этсам армуғон.  
Қаҳр этиб, эй бағритош, қалбимга озор айладинг.  
Ифғихорим, шавкатим, ённим деб айтсам, сангида.  
Шўрпешона ошиғингдан не учун ор айладинг?  
Сен билан поёни йўқ ишқ богида яйрай десам,  
Кент жаҳонни кўзларимга бир умр тор айладинг.  
Дилрабо васлинг, Калоний, завқ билан куйлай десам,  
Ўтли ҳижронинг дилимга дардли аүгъор айладинг.

## ЁЛРОН ДЕМАНГ

Менга сиз жонон десам, ёлрон деманг,  
Ҳеч мени ёлрончи, бевиждан деманг.  
Дилдаги ишқим асиљ, боқий эрур,  
Тез келиб кеттувчи бир меҳмон деманг.  
Сиздан айрилсан адоман, дилбарим,  
Ажрамоқни ҳеч қачоп онсон деманг.  
Туҳфа қилдим тоза кўнглим мулкини,  
Сиз унинг нархини ҳеч арzon деманг.  
Минг синовдан ўтказинг, мен розиман,  
Сиз учун минг жонлиман, бежон деманг.  
Қанчча фармон берсангиз айлай бажо,  
Мен қулингиз, шоҳ деманг, султон деманг.  
Ваъдалар бердим вафоси бор унинг,  
Бевафолик айласам инсон деманг.  
Таърифингиз ўҳшатиб гар ёзмасам,  
Ҳеч Калоний шоири хушхон деманг.

## ЎЙНАБ КЕЛИНГ

*(Ҳабибий ғазалига назира).*

Субҳидам боримга, эй қоши қаро, ўйнаб келинг,  
Чин юрқдан айлагайман илтижо, ўйнаб келинг.  
Фунчалар қиласин ҳавас бош тебратиб, хуш бўй сочиб.  
Мен ғазал айтиб турай, сиз дилрабо ўйнаб келинг.  
Барча дилбарлар қилур рашик тул жамолингиз кўриб,

Офтоб ҳам кўқда бўлгай маҳлиё, ўйнаб келинг.  
Раҳсингиз авжида айланг кўп чиройли кулагулар,  
Ҳар табассум жонга дармон, жонфизо ўйнаб келинг.  
Кўп соғинчдан қанча гол ҳам зғди бош мажнун бўлиб,  
Дил ўйин айлаб чароғон пурзиё, ўйнаб келинг.  
Расмингиз чизсин Калон рассом бўлиб ашъор ила,  
Мавж уриб дентиз қаби, эй маҳлиқо, ўйнаб келинг.

### БИР ЎПТИРИНГ

Илтифот айлаб менга, эй дилрабо, бир ўптиринг.  
Чин юрақдан айлагайман илтижо, бир ўптиринг.  
Бўсангиз ҳажрида қалбим ўртаниб зор йирадим,  
Жонингизга жонгинам бўлсин фидо, бир ўптиринг.  
Сизга ўптиromoқ шириңдир, менга ўпмоқ хуш ёқар,  
Йўлингизни тўсмасин ҳеч бир вақо, бир ўптиринг.  
Ибтидосин бошласак басдир ўпишмоқни, гулим,  
Унда бўлмас ҳеч қачон ҳеч интиҳо, бир ўптиринг.  
Рад жавобингиз эшигсан жон танамини тарқ этар,  
Бўлмасимдан бир балога мубтало, бир ўптиринг.  
Севгимиз умрини бўса айлагай боқий, vale  
Этмасин ҳеч ким бизи ҳаргиз жудо, бир ўптиринг.  
Сизни ўпмоқ орзусида кўзларимнинг хоби йўқ,  
Дер Калоний, ҳосил ўлсин муддао, бир ўптиринг.

### ЭТИБ ҚЎЙДИНГ

Қиё боқдингу гулшандада дилимни шод этиб қўйдинг.  
Азиз қалбимда илк севгимни ҳам бунёд этиб қўйдинг.  
Муҳаббатсиз юрак бир қақраган саҳрора ўхшайдир.  
Бу кўнгил боргини юртим каби обод этиб қўйдинг.  
Кўриб куйсин рақиблар, қоз-қаро кўмирга айлансанн,  
Ўзинг Ширин бўлиб, гўё мени Фарҳод этиб қўйдинг.  
Бошимдан нур сочар энди муҳаббат номли бир офтоб,  
Муруват айлабон ғамдан бутун озод этиб қўйдинг.  
Калоний бир газал ёёсии ҳақиқий севгимиз маҳтаб,  
Бу кўнгил боргини юртим каби обод этиб қўйдинг.

### ИНШО ҚИЛИНГ

Роҳатингиз пайтида Оллоҳни дилга жо қилинг,  
Қайғу чорида дилингизни тарин шайдо қилинг.  
Меҳрингиз асло унугтмай муттасил айланг уни,  
Тўхтамай доим оқиб тургувчи бир дарё қилинг.

Тұнлари тоат-ибодатда бұлингиз, жүралар.  
Үзгаларни ҳам Расулин динига ошно қилинг.  
Кимки осийлік билан тош отса Ислом динига,  
Эл аро шарманда айлаб, тез уни расво қилинг.  
Үтказиб құймас сира сизни Сирот күприғидан,  
Хонанғизни хохи дур, хохи асил тилле қилинг.  
Бу умр үлчовладир, бир лақзада кеттгай үтиб.  
Үзни Оллоқнинг китобини ўқиб мулло қилинг.  
Бошиңизга мусибат тушганды ҳам шукр айлабон,  
Ҳар сўзингизнинг бошин албатта бисмилло қилинг.  
Бу Калоний сўзларини дилга жо айланг, vale  
Маънисин чақмоқ учун ҳар байтини ишо қилинг.

## АТАНГ

Эй Этам, менга насибамнинг ҳалолидан атанг.  
Үлдирап миннатлиси, Сиз бемалолидан атанг.  
Яхши одат, яхши ният, яхши хислат бахш этинг,  
Яхши ахлоқнинг ҳамиша безаволидан атанг.  
Бу умр дарёси ҳарғиз аойқалаб кир босмасин,  
Сиз умр обин менга поку зилолидан атанг.  
Гар гуноҳ иш қылса кас үлгач саволи бор, ахир.  
Менга ҳар қанча юмушнинг бесаволидан атанг.  
Оғу эрмиш дўзахингиз, жаннатингиз болмиш,  
Оғунгиздан қўрқаман, беҳиштгнинг болидан атанг.  
Гар савоб иш қымаса ўтган умр кеттгай увол,  
Бир умринг барчасини беуволидан атанг.  
Тавба айлаб ёлвородир бандай ожиз – Калон,  
Марҳамат айлаб муруватнинг камолидан атанг.

## ҚЎРИНГ

Ишқингиз ўтида ёнган жисми сўзоним кўринг,  
Жисми сўзоним ичинда ўрганур жоним кўринг.  
Ҳажрингизда, эй нигоро, дам-бадам қон йиғлагум,  
Кўз ёшимдан ҳосил ўлғон қонли уммоним кўринг.  
Дилдаги дардим азобига чидолмам, дош қани?  
Ҳасратимдан чиқдан улкан чангу тўзоним кўринг.  
Юзларимдан нур кетиб, дол ўлаи қадду қоматим,  
Ҳолатимдан лол қолган ақли ҳайроним кўринг.  
Бу жаҳонда васлингиз, ёр, бўлди таҳдо мақсадим,  
Етмайин мақсадга сўнган қалби вайроним кўринг.  
Тортаеттган оҳларим ёзсан, Калон, бўлмас адо.  
Мингталаб дафтарга тўлган шеъру достоним кўринг.

## МИРЗО АЙЛАСАНГ

Бошим осмонга етар васлингни пайдо айласанг,  
Күнглім күл бүлгай күйиб җажринг ўтин жо айласант.  
Гар ғаминғ бирлан қулар бўлсам пойандозинг бўлай,  
Таъзим айларман дегум, қаддим эгиб ё айласанг.  
Тош экан қалбинг мұхаббат гуллари ҳеч унмади,  
Мен этай жисмимни тупроқ, ишқни раъно айласанг.  
Маҳвашиму маҳлиқойим, дилрабойим сен ўзинг,  
Не учун ох чекмайин меҳрингни бежо айласанг.  
Рашк ўтидан қоврилиб, жисмим кабоб бўлса не тонг.  
Файр злига хуш боқиб, бир лаҳза парво айласанг.  
Завқиму шавқим ошиб, илҳом булоги жўш урар,  
Гар Калонни дил сўзинг ёзмоқда мирзо айласанг.

## СУЙМАЙ БЎЛУРМУ, АЙТИНГ

Сиздек гўзал парини суймай бўлурму, айтинг,  
Ишқингиз оташида куймай бўлурму, айтинг.  
Нозларингиз чиройли, ишваларингиз гўзал,  
Мафун бўлиб кўнгилни кўймай бўлурму, айтинг.  
Сизни севиш шарафдир, сизни севиш ифтихор.  
Ошиқлигимни элга йўймай бўлурму, айтинг.  
Мисли товус товланиб кўчамдағ ўтсангиз ёр,  
Кўксимга икки қўлни кўймай бўлурму, айтинг.  
Ўзга қасга табассум айласантиз, сузуб кўз,  
Рашкда ёқиб юракни, ўймай бўлурму, айтинг.  
Рад айлабон висолни, ҳижронга ташласангиз,  
Жондан кечиб, ҳаётдан тўймай бўлурму, айтинг.  
Шайдо бўлиб, Калоний, айрилди ақлу ҳуңдан,  
Сиздек гўзал парини суймай бўлурму, айтинг.

## АСЛИН БИЛМАСАНГ

Эй гўзал деб берма дил зинҳор, аслин билмасант,  
Этмагил ҳеч унга ишқ изҳор, аслин билмасанг.  
Бир умр армон билан ўтса ҳаётинг тонг эмас,  
Кўз қисиб, қош қоқкан ул маккор аслин билмасанг.  
Гар вафоси бўлмаса ул ёр эмас авёддир,  
Ўтмагай ҳаргиз ширин рўзгор, аслин билмасант.  
Шарм-ҳаёси бўлмаса жоду кўзига боқма ҳеч,  
Айлагай сеҳри билан аброр, аслин билмасанг.  
Шоипмагил қиласанг харид қимматбаҳо дурдона ҳам,  
Сотсалар гаяҳар бу деб бекор, аслин билмасанг.

Бу умр савдосида янглишма, эй күнгалим менинг,  
Күз ёшинг бўлгай оқиб анҳор, аслин билмасанг.  
Эй Калоний, сиртига боқма, унинг қалбига бок,  
Этмагил ҳаргиз севиб дилдор, аслин билмасанг.

## ЭТМАСАНГ

Не учун севдим сени соҳиби дийдор этмасант,  
Мен сени ёр айласам, сен ҳам мени ёр этмасант.  
Толейим севгим диёрида хандон айлагай,  
Ташлабон ҳажринг аро ҳолимни абгор этмасанг.  
Ўнгда кўрмас гул юзинг хобимда кўргайму эдим,  
Кечалар тонг отгуча ёдинг-ла бедор этмасант.  
Муддаом ҳосил бўлиб, васлингга ҳам етсам бўлур.  
Ўртамизга аҳли ағёrlарни девор этмасант.  
Аҳли ағёrlар аромизга тушиб ров бўлмагай,  
Гар, нигоро, айлаган аҳдингни бекор этмасант.  
Эй Калоний, ёрга ҳам ширин сўзинг мойдек ёқур,  
Ул қабул айларму соф ишқинтни ашъор этмасант.

## НУР ВИСОЛИНГДАН СЕНИНГ

Воз кечолмам, дилрабо, ўю ҳаёлингдан сенинг,  
Кўз узолмайман қўёш янглир жамолингдан сенинг.  
Ўтмадинг ҳаргиз муруват кўчасидан, ожким.  
Тотмадим бир бор, нетай, лаъли болингдан сенинг.  
Кун зиё олса жамолинг партавидан тонг эмас.  
Туи қаро ранг тортадир ул доно холингдан сенинг.  
Сендаидир лутфу тароват, сендаидир кўрку чирой,  
Шеърларим маъно топур ширин мақолингдан сенинг.  
Сочларинг бўйи муттардир, мисоли сунбул ул,  
Кўзларим юлдуз сочар нурли ҳилолингдан сенинг.  
Гарчи кундан кун йироқ кетсанг-да қошимдан, гулим,  
Боумиддирман, Калоний, нур висолингдан сенинг.

## КЎРИНГ

Ёрнинг ҳажрида чеккан нолаю зорин кўринг,  
Сарғайиб ранги сомон бўлмишдир, рухсорин кўринг.  
Қоши қилгай қаддини ёй, сочи рўзгорин қаро,  
Санчиулур қалбига тирадек киприти- хорин кўринг.  
Заррача шафқатни билмас ул раҳмсиз сарвиноз,  
Дард устига яна чипқонму озорин кўринг.  
Суратини ўрнатиб кенг хонасин меҳробига,  
Номини минг бор битиб тақсанда тўморин кўринг.

Соғ-саломат касни йўқлаш ихтиёрийдир, бироқ  
Эй саҳоваткаш, келиб ишқида беморин кўринг.  
Менга бовар қилмасангиз ҳоҳипингиз, лекигин  
Майли, кўксини ёриб қалбидаги борин кўринг.  
Бормикан оламда севги дардидан оғир жазо,  
Минг азобда тулғаниб тунларда бедорин кўринг.  
Дардни чеккан табиб бўлгай Калонингиз каби,  
Шул сабабдан ҳам унинг ёзганда ашъорин кўринг.

## ПАХТА ҚЎШИГИ

Пахтаман, эй ўзбегим, бир ифтихорингман сенинг,  
Кўз қорангдек сақлаким, номус ва орингман сенинг.  
Сен мени эъзоз этиб ҳар йилда эксант тонг эмас,  
Тарихингда мангу борман, барқарорингман сенинг.  
Атрофимда алланиб парвона бўлсанг арзигай,  
Не учунким, злага берган аҳд, қарорингман сенинг.  
Фасли ёз олам эли ҳусним томошо айласин,  
Лолазордан ҳам гўзалроқ пахтазорингман сенинг.  
Кузда очилган чорим ҳам кўши ажидир, ўйлаким,  
Ер юзин бирдай оқарттан гўё қорингман сенинг.  
Сен териб жамғарганингда кўкка етгай бошларим,  
Ризқу рўзинг, бойлигинг ҳам касбу корингман сенинг.  
Бор эканман баркамолсан, мўътабарсан бемисол,  
Шұҳратинг, кўзларда нурингу мадорингман сенинг.  
Ҳар қачон қадримни билгувчи қадрдоним ўзинг,  
Бахтиман, бахтинг учун бўлсам нисорингман сенинг.

## БЎЛДИМ ХАРИДОРИНГ СЕНИНГ

Дилрабо, ҳуснинг кўриб бўлдим харидоринг сенинг,  
Илатимосим, сезмасин бу сирни ағеринг сенинг.  
Ошиғинг бўлмоқдигимдан ифтихорим бекиёс.  
Шул эзурму ошиғим деб келмасин оринг сенинг.  
Ногаҳон боқсам агар кўзим қамашгай, боиси  
Ойданам, офтобданам нурли-ку рухсоринг сенинг.  
Ноз ила этсанг хиром гулшан аро, эй нозанин,  
Лол эгур жилванг гўзал товусни рафторинг сенинг.  
Майлига, ишқинг оловида ёқиб кул айласанг,  
Дардима малжам бўлур жабрингу озоринг сенинг.  
Энг латиф, ширин разал пайдо бўлур эрди, Калон  
Гар ёзиб олса агар бол мисли гуфторинг сенинг.

## ДИЛДАГИ ТОРИМ МЕНИНГ

Хеч кима ҳеч гүшмасин умрим бўйи зорим менинг,  
Кўрмасин олам сира аҳволи ағфорим менинг.  
Мен нечун муҳтож бўлай сўрмоққа ёрдам ўзгадан,  
Ўз-ўзимга етгуси ҳар қандайдир борим менинг.  
Ўчмагум ҳаргиз кўзин сузган санамлар ҳайлига,  
Этмасин ҳажрига дуч ўз ҳурлиқ ёрим менинг.  
Бўлса молим, бўлмаса ширин сўзим эҳсон этай,  
Йўқ эрур элдин ниҳон қалбимда асрорим менинг.  
Эл учун хизмат этиб, топсам шараф, толе кулар,  
Куйса куйсин, ёнса ёнсин бўлса ағёрим менинг.  
Ўзгалар куйини куйлаш мен учун ётдир, Калон,  
Дилрабо этса наво, бас, дилдаги торим менинг.

## КЕЛ ЎЗИНГ

Мен ўлар ҳолатга етдим, меҳрибоним, кел ўзинг.  
Жонга жонлар баҳш этувчи жонажоним, кел ўзинг.  
Софиниб васлингни дилда зарра тоқат қолмади,  
Ҳоли аҳволим сўраб ширин забоним, кел ўзинг.  
Бекиёс хусну жамолингни кўриб завқ-шавқ олай,  
Гул бўлиб, гулгун ёниб, эй гулистоним, кел ўзинг.  
Дарди ҳажрингдан азоб чекмоқлигим бас айлайн,  
Эттали васлинг даво, оромижоним, кел ўзинг.  
Орзулар рўёбга чиқсинлар бўлиб ҳосил мурод,  
Дилда армон қолмасин ҳеч дилистоним, кел ўзинг.  
Тангутор этмай, Калон, жону жаҳонни бир умр,  
Қоматим дол бўлмасин, қоши камоним, кел ўзинг.

## УМИД

Ёр севгим этди рад, мен узмадим аммо умид,  
Иzlаридан қолмадим ҳеч бўлмайин деб ноумид.  
Ўйламант йиллар ўтибдир ёдидан чиққан дебон,  
Бир нафас ҳам узмадим кўнгил, дилимга жо умид.  
Лек ниgoro бир нафас ҳам бермади ҳеч эътибор,  
Найлайнингим, айладимми ёки мен бежо умид.  
Бетиним зулм этанидан чўкса ҳам кўнглим, нетай,  
Бир табассум боисидан бўлди боз пайдо умид.  
Доимо бўлсин умидворлик насиб дейман мудом,  
Не учунким жонга жону дилга чин оро умид.  
Ҳеч қачон айру тушиб мумкин эмасдир, йўқ илож,  
Бебаҳо қалбим уйини айлаган маъво умид.

Ноумидалк күчасига кирса ким нодон эзур.  
Айлагай энг сүнгти дам ҳам оқылу доно умид.  
Бунчалар боқий умид деб, эй Калоний сүрдингиз,  
Үзмас эркан, бўлса чиндаи кимга ким шайдо, умид.

### ЯХШИ ДЕ

Дил олиб, кўнгил узатсам, яхши де,  
Жонга жонингни улатсам, яхши де.  
Гул гўзал ишқимнинг рамзи деб, нигор.  
Йўлларингта гуллар отсам, яхши де.  
Ийманиб кўзингта ёш олсанг агар,  
Эркалаб, сийпаб юпатсам, яхши де.  
Рад этиб севтимни жеркиб ташласанг,  
Ёлвориб пойингта ётсам, яхши де.  
Ҳайдасанг ҳижрон биёбони аро.  
Дил уйин қоянга бўятсам, яхши де.  
Ўзгани севгум десанг, қон йиглагум,  
Кўқда офтоб мисли ботсам, яхши де.  
Келса дуч ағёр йўлимдағов бўлиб,  
Четта чиққил деб йўқотсам, яхши де.  
Дер Калоний, илтижо айлаб сенга,  
Гар хато қиласам, тузатсам, яхши де.

### ДУНЁ

Ҳижронни нечун, дўйстлар, бор этди қадим дунё.  
Тош қалбида кек борму, қасд айладимикан ул ё?  
Мен хаста кўнгил, айтинг. қай тошга урай бошни,  
Ёр васли агар йўқдир, толеим эзур рўё .  
Дунёни севиб, анга бағримни очиб қўйсам,  
Кўксимни яро қилди, ханжарми экан оё.  
Минг турли маломатдан жоним эзилиб кетди.  
Бевақтми келибман бу дунёга, кўзим дарё.  
Юксакка узатсам қўл, кўз солсам баланд ёқда.  
Ёв ерга қалиштириди, мислимни этиб бўрё.  
Нолишни, Калон, бас қил, тақдирга кўник, гарчи  
Бевақтми келибман бу дунёга, кўзим дарё.

### ШУ ДУНЁ

*(Лутфийга назира)*

Давру даврон сурадирган шу дунёдир, шу дунё,  
Неки бўлса кўрадирган шу дунёдир, шу дунё.  
Гоҳи саҳро, гоҳи гулшан, гоҳи юксак тоғ бўлиб  
Бизни чорлаб турадирган шу дунёдир, шу дунё.

Глобусни қўйиб олиб назар солсам оламга,  
Кезид кезиб юрадирган шу дунёдир, шу дунё.  
Бизни(нг) юртда эллар хуррам, аммо қатор юртларда.  
Инсон қонин сўрадирган шу дунёдир, шу дунё.  
Олам ичра ҳамма эркин, ҳамма шодон бўлсин-чун,  
Биз янгитдан қурадирган шу дунёдир, шу дунё.  
Зийрак бўлгин, эй Калоний, ғафлатдан юргил йироқ,  
Ишлаб қандинг урадирган шу дунёдир, шу дунё.

## ДИЛРАБОГА МАҲЛИЁ

Оҳким, бўлдим десам бир дилрабога маҳлиё,  
Дуч келибман билмайин ларду балога мутлақо.  
Дил бериб дилсиз қолиб чекдим жафою жабрини,  
Найлайнин, йўқ мен каби оламда хеч баҳти қаро.  
Аввало севдим дебон сўнг кетди ташлаб бераҳм.  
Мен садоқатли десам, ул бунча эркан бевафо.  
Телба бу дунё ва ё олгайму мендан қасдини,  
Кўп меҳр кўргуздим, аммо ул этар жабру жафо.  
Хўрми у, филмонми у, ёки парилар наслидан,  
Дейдилар, бўлса пари бўлмас одамга ошино.  
Васфига айтсам, Калоний, пок муҳаббатдан сано.  
Мен қолиб ул ўзгага айлайди тинмасдан сафо.

## ТИЛЛОГА БЕРМАСМИЗ

Мустақилликни, ёронлар, бутун дунёга бермасмиз,  
Жавоҳир, олтину олмос, дуру тиллога бермасмиз.  
Агар бир томчи сувга зор эсак ҳам дашту саҳрова.  
Зилол сув мавж уриб турган азим дарёга бермасмиз.  
Қилич гортиб келар бўлса босиб қонхўр жаҳонгирлар,  
Агар тенг бўлса ҳам Чингиз билан Дорога бермасмиз.  
Чин инсоннинг қаноти, кўзларин нури Ватан доим,  
Уни виждони йўқ босқинчию расвога бермасмиз.  
Азиз юртига содиқлик асил имон иши, дўстлар,  
Кечиб ўз юртидан, ёт ўлкага шайдога бермасмиз.  
Муқаддасдир Ватан, доим этармиз тўтиё ҳокин,  
Калон, шулким Мурод, юртни разил рўёга бермасмиз.

## ЭТАЖАКМИЗ

Ҳурлиқда бутун ўлкани обод этажакмиз,  
Ҳар қасрини чин нур била бунёд этажакмиз.  
Қуллик эзибон ғам била кўп айлади дўкки,  
Бул кун элизимз қаддини шамшод этажакмиз.  
Хипчин-ла қувиб дарду алам, қайғу азобни,  
Ял-ял ясаниб, барчани тенг шод этажакмиз.

Бу покиза юрт тупрогини күзлара суртиб,  
Содиқ бўламиз дей қасамёд этажакмиз.  
Ёз пайти келиб, қишида қочар қуш қабимасмиз,  
Севгини азиз юртга умрбод этажакмиз  
Фарзандларимиз тақдирию баҳтини ўйлаб,  
Марҳум боболар руҳини ҳам ёд этажакмиз.  
Халқингинг асил шоири бўл, шунда Калоний,  
Дил бирла севиб, қайғудин озод этажакмиз.

1991 йил

## ТОПОЛМАЙСИЗ

Мен каби вафоларга ошино тополмайсиз,  
Меҳру чин садоқатта жон фидо тополмайсиз.  
Севганим- гўзал юртим ҳуснига дилим шайдо,  
Бекиёс диёримдек дилрабо тополмайсиз.  
Дилрабомни асранг деб илтижо қўлурманким,  
Илтижомдек оламда илтижо тополмайсиз.  
Мендаги мұхаббатнинг чеки йўқ, адоги йўқ,  
Ҳеч қачон анга ҳаргиз интиҳо тополмайсиз.  
Тенги йўқ диёримни бебаҳо десам арзир,  
Ул каби ҳаётдан бир бебаҳо тополмайсиз.  
Покиза бу юртимда заррача риёй йўқдир,  
Ер юзида ҳеч бундек бериё тополмайсиз.  
Қанча бўлса иллатлар ёт зорур диёримга,  
Ноногу ғаразли иш мутлақо тополмайсиз.  
Элу юрт ғами бирла шеър ёзар Калоний ҳам,  
Қалбида унинг ўзга муддао тополмайсиз.

## ЧУСТИМИЗ

Довруғи оламга кетган бир гулистон Чустимиз,  
Бахту иқбол шуъла сочған машъалистон Чустимиз.  
Она ҳалқим қудратидан бўлди обод, пурзиё,  
Дилкүшодир, ҳуашҳаво бу бофу бўстон Чустимиз.  
Боғлари жаннатмакондир, сувлари обиҳаёт,  
Фасли ёз сайр айлаганга роҳатижон Чустимиз.  
Ям-яшил кенг пактазорга боқса кўзлар яшнагай,  
Кузда хирмон кўкка етгай, пактага кон Чустимиз.  
Мевалар шарбатга тўлган, ҳар бири тиљви ётар,  
Ташриф этсангиз ҳамиша яхши мезбон Чустимиз.  
Киймаган армондадир Чуст дўпписин, эй жўралар,  
Шунчалар санъатда моҳир, санъатистон Чустимиз.  
Сайроқи булбул каби мадҳ айлагин ҳар дам Калон,  
Довруғи оламга кетган бир гулистон Чустимиз.

## КАМ БҮЛМАНГИЗ

Дүйстлар, ҳеч бевафога ёру ҳамдам бүлмангиз.  
Ёру ҳамдамлик қилиб, расвойи олам бүлмангиз.  
Қалбингилизни забт этиб олганда ўртар, во дарие,  
Дил билан ўйнашгувчи девона одам бүлмангиз.  
Жониянгизга қасд этишдән муддаонгиз не эзур,  
Бошга оғат ёғдирап ағәрга маҳрам бүлмангиз.  
Васлини күз-күз этиб ўртаб, баололар ёғдирур,  
Беадад ҳижронда баҳтсиз, сохиби ғам бүлмангиз.  
Күз сузиб, қошни қоқиб, сизга түзөқ қўймоқда ул.  
Ёр бўлиш у ёқда турсин, ошино ҳам бўлмангиз.  
Ёр топинг, дўйстлар, садоқатли, вафоли, боадаб,  
Севги бобида, Калоний, ҳеч қачон кам бўлмангиз.

## СЎРАСАНГИЗ

Боним тутаман, мендан агар жон сўрасангиз.  
Қоним бераман, бўлса керак, қон сўрасангиз.  
Мен сизга, гулим, булбули шайдо каби ошиқ,  
Бўстон этаман чўлни, гулистон сўрасангиз.  
Имкон топаман тезда муҳайё қиласурга.  
Шодликка тўла давр ила даврон сўрасангиз.  
Дарҳол этаман сидку вафо бирла муҳайё,  
Севгим йўлида аҳд ила паймоя сўрасангиз.  
Ряд этса агар не қилас ман деб куя кўрманг,  
Жон деб бераман неники чаңдон сўрасангиз.  
Илҳомни(нг) қанотига учиб завқ-ла, Калоний,  
Тинмай ёзаман пеът тўла девон сўрасангиз.

## ШИРИНЗАБОНЛАТУРСИЗ

Келмай уйимга, жонон, юракни қонлатурсиз,  
Ҳаттоқи севгингизга бизни гумонлатурсиз.  
Ёки узоқлатиш-чун тущди арога ағёр,  
Четда туриб ўзингиз, ёвга ёмонлатурсиз.  
Кўрганда юз ўғирмоқ ҳаргиз ярашмагайдир,  
Кулгуларингиз, эй ёр, нега ниҳонлатурсиз.  
Гап бошласам чўкиб тиз эшигитишини хоҳдамасдан,  
Роҳатижон сўзингиз оғатижонлатурсиз.  
Ағёрни шод этурсиз, гуллар тутиб қўлига,  
Бизни паривашим, оҳ, доим фиронлатурсиз.  
Васлингиизга этишнинг тополмадим иложин,  
Бу ишни энди, айтинг, қачон осонлатурсиз.  
Куйингизда куйишданд гутди қалам Калоний.  
Куйлашда андалибек ширинзабонлатурсиз.

## ЭСИЗ

Кимда йўқ меҳр асли, унга илтижо эсиз,  
Тиз чўкиб ялинимоқдан йўқ самар, нидо эсиз.  
Гар калондимоглик кас кўрмаса оёқ остин,  
Этганинг билан кеттай ҳурматин бажо эсиз.  
Кимки беимон ҳаргиз яхшилик раво бўлмас,  
Марҳамат қилиб этсанг мингта жон фидо, эсиз.  
Нияти қаро тундек, мақсади гараз бўлса,  
Барча күш тилак нафсиз, кўл очиб дуо эсиз.  
Дид билан фаросатда бўлса у бойўғидек,  
Унга тул, чаман эсиз, унга күш жило, эсиз.  
Эй Калон, насиҳатни уқмаганта уқтирма,  
Уқмаганга уқтироқ бўлса муддао, эсиз.

## ЁЛГОНМИ ВА Ё...

Ой тўлдими ё нурли юзингиз?  
Юлдузми у қўш, ёки кўзингиз?  
Чорлаб турадир ёнига тинмай,  
Айлабми имо шу юлдузингиз.  
Йўқ, қош эмас у, қўша кундуз,  
Гоҳ-гоҳ учадир шу кундузингиз.  
Борсам қувасиз, ўёламан деб,  
Келмайсиз, ахир, нега ўзингиз?  
Токай юрасиз Калонни қийнаб,  
Ёлонми ва ё барча сўзингиз?

## КУЛСАНГИЗ

Бир эмас, минг жон берай, ёр, кулсангиз,  
Завқ олурман, яйраб, дилдор, кулсангиз.  
Сигмагай кўксимга қалбим, жонгинам,  
Соғ бўлур жон бўлса бемор, кулсангиз.  
Жўр бўлиб кеттай фалак ҳам, ер ҳам,  
Нур сочиб офтоб, эрир қор, кулсангиз.  
Боғда гуллар ғунча очгай яшнабон,  
Дил бўлур боз сизга хуштор кулсангиз.  
Ошинолар шод зрурлар бир жаҳон,  
Шум рақиблар бўлгуси хор, кулсангиз.  
Бахигу иқболлар қуёши нур сочар,  
Ғам, аламлар менга бекор, кулсангиз.  
Март чекингай бу қаро ер қаърига,  
Ўлмагайман энди зинҳор, кулсангиз.  
Қайнаб илҳоми Калоний ёздилар  
Қанча шеъру қанча ашъор, кулсангиз.

## ҚАХРИНГИЗ

Не сабабдан бўлди пайдо қаҳрингиз,  
Қатлима қайрар қилич ё қаҳрингиз.  
Мен меҳрга ташна эрдим, войким,  
Ногаҳон бўлди муҳайё қаҳрингиз.  
Найлайнин, қайдан муруват излайнин,  
Бошима ёғдирди савдо қаҳрингиз.  
Бош урайми тошга ёки бошга тош,  
Қўзғади бир қанча равғо қаҳрингиз.  
Бормикан поёни бу үурбатнинг,  
Ё босилмас энди асло қаҳрингиз.  
Сиз билан гулшани кўнглим хушласа,  
Манзилимни этди саҳро қаҳрингиз.  
Қаҳрингизни меҳрингиз забт айласин,  
Кошки эрди бўлса анқо қаҳрингиз.  
Мен адo бўлдим, Калоний, бу кеча,  
Топса барҳам зора фардо қаҳрингиз.

## КЕСАНГИЗ

Жонимни этай сизга нисор, ёр, кесангиз,  
Толе кучадирман роса дилдор кесангиз.  
Оlam безаниб кетгусидир мисли Эрам боя,  
Қалбимда баҳор, эй гулирухсор кесангиз.  
Шоддикка тўлиб кетса кўнтил асло ажаб йўқ,  
Хонамга тўлур қўшигу алёр кесантиз.  
Сизсиз нетаман маъниси йўқ ушбу ҳаётнинг,  
Қалбимда менинг ҳарна умид бор кесангиз.  
Келмоққа жазм айласангиз еттуси, бўлди,  
Кетмоққа илож йўқ эзур зинҳор кесангиз.  
Илҳом жўшадир завқим ошиб энди, Калоний,  
Тинмай ёзаман сиз учун ашъор кесангиз.

## ЎЗИНГИЗ

Ҳусну чиройда зебо мисли баҳор ўзингиз,  
Қўзларни яшнатувчи кўзи хумор ўзингиз.  
Мен нега тақдиримдан юз карра рози бўлмай,  
Қалбим уйин безаттан баҳтига ёр ўзингиз.  
Севги, муҳаббат излаб беҳуда кезмагай дил,  
Дилларга ишқ солувчи этса гузор ўзингиз.  
Бўлса-да минг санамлар бокмоққа тоқатим йўқ,  
Ақлу ҳушимни олган беихтиёр ўзингиз.

Фасли баҳорда менга лола териш не даркор.  
Ҳар түрт фаслда тайёр лола узор ўзингиз.  
Ўргилсам арзимасму, айлансан арзимасму,  
Толейи ёр Калонга содиқ ниғор ўзингиз.

### ДОСТОНМИСИЗ?

#### *Фарзандларим Акмалхон ва Муаттархоннмарга*

Гулмисиз, гулзормисиз, гулшаммисиз, бўстонмисиз?  
Ёки бўстондан гўзал бир жаннати ризвонмисиз?  
Ўхшашингиз толмадим тарих китобин титкилаб,  
Ҳур дийёрга кўп ярашган соҳиби давронмисиз?  
Қанча ошиқ аҳли асло етмаган баҳт сизда бор,  
Бахтини ўз ақлидан топган суюқ инсонмисиз?  
Бир нафас ҳижронга ҳам тоқат тополмайсиз ҳануз,  
Бир-бираингизга мадору куч-куvvat, дармонмисиз?  
Меҳрингиз ҳар қанча сарф этган билан бўлмас адо,  
Меҳрибонсиз, меҳригўёликда битмас коммисиз?  
Минг шукур дейман, қувончим сиғмагай осмонга ҳам,  
Ажратиб бўлмас ҳечам бир танмисиз, бир жонмисиз?  
Асрасин ҳар икковингиз доимо қодир Этам,  
Кўз тушар жойларга кўзмунчоқ тақиб олганмисиз?  
Таърифингизни ғазалга сиғдиролмайман, Калон,  
Ёёса ҳам ҳаргиз тутаңмас мингу минг достонмисиз?

### КУЗАТМАДИНГИЗ

Кетмоқчи бўлсан, зй ёр, нега кузатмадингиз,  
Гуллар тутиб қўлимга аста узатмадингиз.  
Сизни асил шифокор дер эдилар ва лекин,  
Бемор дилим авайлаб-асраб тузатмадингиз.  
Ҳадя этиб мевинг-чун нурли висолингизни,  
Севгим саройини ҳеч, жоним, безатмадингиз.  
Айлаб умид, мурувват қиласаймусиз деб эрдим,  
Жабру жафо этишни ҳаргиз тутатмадингиз.  
Жонимни берган эрдим садқа, садора айлаб,  
Илмай назарга ул-бул ишга яратмадингиз.  
Таърифи тавсиф айлаб ёёса ғазал Калоний,  
Бир зум ҳам эътиборни унга қаратмадингиз.

### НАЗЗОРА АЙЛАМАЙСИЗ

Не бўлди, зй нигоро, наззора айламайсиз,  
Севги гулобига ҳеч ишора айламайсиз.  
Куйингизда куювчи бечораман дедим-ку,  
Бечора дилга токай бир чора айламайсиз.

Ишқ үтидан сүз очманг, дилим ўйнайды дейсиз,  
Нега, ахир, дилингиз идора айламайсиз.  
Қалбингизга муҳаббат оловидан ёқувдим,  
Наҳотки энди ундан шарора айламайсиз.  
Бизга меҳр зиёсин тинмай сочиб қуёшдек,  
Ағёру шум рақибни минг пора айламайсиз.  
Ёсса разал Калоний, эй ёр, шаъннингизга,  
Қўлга олиб наҳотки наззора айламайсиз.

## ТОЛМАДИНГИЗ

Айди гулим ёнимда нега қололмадингиз,  
Ошиқ бўлиб дилимни ҳаргиз ололмадингиз,  
Кўз кўзга тушган эрди бирдан жадалладингиз,  
Нурли қуёшта балким тикка боқолмадингиз.  
Сизни асиш чорлуучи дер эди-ку ҳалойик,  
Севги куйини, жоним, менга чалолмадингиз.  
Борми эди зарурат васли нигордан ортиқ,  
Қай бир мұхим юмушдан кўзни қиёлмадингиз.  
Ошиғи бекарор деб Сизни атар ёронлар,  
Қалбингиз олғанимни ўзиз тан олмадингиз.  
Жозибаси разални асиру лол этмиш,  
Ҳар дам ёзиб, Калоний, зинҳор толмадингиз.

## ҲАНУЗ

Учрагай кўп беҳаёлардан ҳануз.  
Нияти тундек қаролардан ҳануз.  
Бемисл обод чаманзорлар аро,  
Гоҳ келур бадбўй ҳаволардан ҳануз.  
Сурати одамсифат, аммо нетай,  
Фарқи йўқ ҳеч аждаҳолардан ҳануз.  
Бемуҳаббат ҳиссизу диқсиз яна,  
Кўнгли бўм-бўш бенаволардан ҳануз.  
Найлайнин, чағлан оёғидан ҳасад,  
Дардманду бедаволардан ҳануз.  
Сирти силлиқ аҳли рўёлар, ажаб,  
Ўч олур ақли расолардан ҳануз.  
Бўлса ёргу очилур айбим дебон,  
Беркинар нуру зиёлардан ҳануз.  
Кўргиликдир, баъзни ношуд кимсалар,  
Қасд олур кучли даҳолардан ҳануз.  
Баъзилар туққан оносидан тонар,  
Бор, ахир, бунидай балолардан ҳануз.

Хар кишини арасын доим Этам,  
Қылмиши ноңақ жазолардан ҳануз.  
Эй Калоний, айби йүқ Парвардигор,  
Сенда ҳам бордир хатолардан ҳануз.

## КЕМАМИЗ<sup>1</sup>

Аяж олар бүрөн, мудом қалқиб туродир кемамиз,  
Билмадим, қай бир тараф йүлни буродир кемамиз.  
Ё магар бүрөн тиниб, сокин бүлур уммон юзи,  
Ё магар қыроқ бориб, тоңига уродир кемамиз.  
Гарчи түғон чирлирак айлаб уни итқитса ҳам,  
Еңгаман деб қоялиқиб күп лоф уродир кемамиз.  
Жонимизни бир этиб биз үйламай чиқдик, vale  
Ярми сувга гарк, бўлиб зўрга туродир кемамиз.  
Кемамизу кемамиз деб чирмашиб олганмизу,  
Англамаймиз қанча вақт осмон кўродир кемамиз.  
Эскириб, беҳад чириб кептан экан сузгичлари,  
Айг, Калоний, неча кун даврон суродир кемамиз?

1990 йил

## БЕҚИЁС АРМОННИ ёЗ

Эй кўнгил, виж-виж түрилган бекиёс армонни ёз,  
Бекиёс армон биланким таҳ-батаҳ бул қонни ёз.  
Не азоблар кўрди бу бош, мислига дўзах қиёс,  
Дўзахий қийнов яраттан ғурбату ҳижронни ёз.  
Ғурбату ҳижронга солған аҳли золимдир, негай,  
Аҳли золим айлаган минг тұхмату бўхтошни ёз.  
Боиси тұхмат ва бўхтон бошдадир юз минг бало,  
Бу балолар жабридан хор бу дили вайронни ёз.  
Не қиласким, менга ғамнинг интиҳоси йўқ экан,  
Шунча ғамга дол беролган зўр аламли жонни ёз.  
Эй Калон, чеккан азоблар таърифи достон бўлур,  
Қўлга ол қороз, қаламни, кел, ўшал достонни ёз.

## ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Илтифот айлаб менга, эй дилрабо, хуш келдингиз,  
Бу не баҳтким, ҳосил ўлди муддао, хуш келдингиз.  
Йўлларингизга пойандоз бўлса оз жоним менинг,  
Бошингиздан нур сочар бўлди само, хуш келдингиз.  
Таприфингиздан бошим кўкларга етди, офарин,

<sup>1</sup> Кема - Собиқ СССР маъносида.

Пойингизнинг гарди кўэга тўтиё, хуш келдингиз.  
Омадим юрмай, ишим чаппа кетиб турган эди,  
Эпладингиз ишни этмоқни расо, хуш келдингиз.  
Ўртанаардим ҳажрингизда, кўё ёшим дарё бўлиб,  
Айлабон ҳижрон балосидан жудо, хуш келдингиз.  
Васлингиз орзусида событ қадам ташлар эдим,  
Нурли васлингизга айлаб ошино, хуш келдингиз.  
Бор жаҳон шоирлари ошиқ Калонийдек жўшиб,  
Шаъннингизга айтса соз маджу сано, хуш келдингиз.

## РЎДАПО

Кўрганда лола рангин қалбимга менгзамангиз,  
Ранги сомонни ҳаргиз рўйимга менгзамангиз сиз.  
Жабри рақиби(нг) шаъним айлади ҳокисорким,  
Кўнглимни қат-қагига андуҳи отди илдиз.  
Сўрсам агар адолат юз карра таъзим айлаб,  
Кўзни олайтириб, боз дастини қилди бигиз.  
Қон йигламай нечунким ҳолим ҳароб ўлди,  
Кўнглимни айнитар ул исқири, мисоли тўнгиз.  
Бошинга саҳт уриб мушт, ўзни Худо атайди,  
Қайнаб ётар балолар мисоли гўнгда қўнгиз.  
Қалби тўла жаҳолат, таъмасидир давоси,  
Минг битта сиз ва биздан дер яхши битта "жиз-биз".  
Бу рўдалодан, айтинг, қандоқ ҳолос бўлай мен,  
Йўл кўрсатинг, Калоний, гар бўлса ҳимматингиз.

## БОҚИБ ҚЎЯРСИЗ

Ибо билан, ёр, боқиб қўярсиз,  
Юракларга ўт ёқиб қўярсиз.  
Мижгон ўйнатиб, кўзларни сузиб,  
Қошлиарни тоҳ-тоҳ қоқиб қўярсиз.  
Нозингиз гўзал, ишвангиз ширин,  
Сиз менга роят ёқиб қўярсиз.  
Севиб анвойи гулларни тутсам,  
Олиб чаккага тақиб қўярсиз.  
Багримни очсан дарёлар мисол,  
Зилол сув каби оқиб қўярсиз.  
Дилимни шодлаб, кўнглимни хушлаб,  
Ахёрни мордек чақиб қўярсиз.  
Орзуим ўзиз, дейдир Калоний,  
Сиз менга роят ёқиб қўярсиз.

## ҲАЗИЛ ҚИЛУРСИЗ

Севдим сени деб ҳазил қилурсиз,  
Ёлғоннинг юкини зил қилурсиз.  
Мен бунда куйиб адо бўлурман,  
Сиз кулгу аро сайил қилурсиз.  
Ишқ риштасида тутун йўқолсин,  
Ёр, нега атай чигил қилурсиз?  
Васлингиз эрур даво лесам мен,  
Ҳижроннинг ғамида сил қилурсиз.  
Инграб сўрасам меҳр-муруват,  
Жабрингизни муттасил қилурсиз.  
Ё сизга бирор ўргатурму,  
Ўрташни жуда асил қилурсиз.  
Жонимдан, Калон, жудолар айлаб,  
Севдим сени деб ҳазил қилурсиз.

## НЕГА КЕЛМАЙСИЗ?

Мени ҳижрон эзиз кетди, нигорим, нега келмайсиз?  
Бошимга кўп бало етди, нигорим, нега келмайсиз?  
Ачинмоқдан бу кун дўстлар кўриб ҳолимни куйгайлар,  
Рақиблар таъналар этди, нигорим, нега келмайсиз?  
Бирор борғ сайлига бошлар, бирор тонғ сайлига бошлар,  
Ўгирдим баридан бетти, нигорим, нега келмайсиз?  
Фақат сиз мента даркорсиз, фақат қалбимда сиз борсиз,  
Бўлак ёрни дилим нетди, нигорим, нега келмайсиз?  
Жудолик ҳаддидан ошди, мисоли дарёдек тошди,  
Кўришмоққа вақт етди, нигорим, нега келмайсиз?  
Висолингиз насиб этсин, Калоний, бор умидим шул,  
Мени ҳижрон эзиз кетди, нигорим, нега келмайсиз?

## ОЗ

Дилбарим маҳрига тиксам шуълаи афғонни оз,  
Шуълаи афшон нечукдир, хуршиди тобонни оз.  
Ой билан оғғобни балдоқ айласам каммасмикан,  
Шаънига шавкатни сочсан, пойита осмонни оз.  
Йўлига нурдан пойандоз ёзгани чорлар дилим,  
Сочқига юлдузни сочсан, бўйнига маржонни оз.  
Қалбига қалбим фидодир, жонига жоним нисор,  
Айласам баҳшида унга неки бор имконни оз.  
Шу қадар иззатта лойиқ, шу қадар ҳурматликим,  
Ул учун қулбачча этсан, тождор Султонни оз.  
Эй Калоний, мадҳига сўз мулки етмас, бу тайин,  
Ўргилиб баҳшида этсан минг газал достинни, оз.

## КУТМАДИНГИЗ

Пойлаб ўтирадим, аммо күчамдан ўтмадингиз,  
Астагина салом деб қўлимдан тутмадингиз.  
Сиз келмагач боришга ваъда берувдим, эй ёр,  
Бордим, бироқ минг афсус, бир лаҳза кутмадингиз.  
Не қиласизни билмай нола қилиб, ўкирдим,  
Дил ўксиди ва лекин ҳаргиз овутмадингиз.  
Мастона бир боқар деб қадаҳга май сунувдим,  
На қўлга олмадингиз, на қатра ютмадингиз.  
Балки мени севишга ор қиласизми, дилдор,  
Унда нечун ёнар бу дилни совутмадингиз.  
Севгим баёнин айлаб шеърлар битур Калоний,  
Найлай, наҳот ўқиб ҳам юз-кўзга суртмадингиз.

## АЁ СОҲИБЖАМОЛ

Аё соҳибжамол, эй қоши қундуз,  
Юзинг офтоб, кўзингдир мисли юлдуз.  
Сенга варвонаман рўйи заминда,  
Дариг тутма цигоҳингни, очиб юз.  
Ёнар қалбим муҳаббат оташида,  
Уни зумда ўчирма, бўлмагин муз.  
Садоқатли, вафоли ошиғингман,  
Бўлак шайдоларингдан, ёр, кўнгил уз.  
Дегайларким ҳазояндири – куз, баҳор-гул,  
Дилим борин баҳор эт, этмагин куз.  
Кўзим ёшига йўқидир эҳтиёж ҳеч,  
Балиқ янглиғ дилим уммонида суз.  
Калонийга дедимки, васфин айлаб,  
Гўзалдан ҳам гўзал минглаб разал гуз.

## КЕЧИКМАДИНГИЗ

Таклиф этувдим, эй ёр, ҳаргиз кечикмадингиз,  
Сизга териб қўювдим нарғиз, кечикмадингиз.  
Кўзи қаро, қаро қош, қаро сочи қирқ ўрим,  
Лаъли лаби чиройли қирмиз, кечикмадингиз.  
Ҳаддан зиёд узоқда юрган эдик, соғиник.  
Бундан бўён икковлон бирмиз, кечикмадингиз.  
Бизни қаро деганлар асли ўзи қародир,  
Покляқда мисли оплоқ ширмиз<sup>\*</sup> кечикмадингиз.  
Сизни кутиб, Калоний, кўп интизор эдим-ку,  
Эй лаблари чиройли, қирмиз, кечикмадингиз.

\*ширмиз – сутмиз.

## АСАЛ БҮЛИБ ОЛУРСИЗ

Ёнимга келиб түриб олурсиз,  
Боқсам лабингиз буриб олурсиз.  
Эсим йүқотиб, хәёлга толсам,  
Қах-қаң отибон қулиб олурсиз.  
Маңноли қараш билан сеҳрлаб,  
Қалбимни аста юлиб олурсиз.  
Ноз-ишва билан адолар айлаб,  
Жонимни қулиб түриб олурсиз.  
Оҳ, мунча гүзәл ҳәё, иболар,  
Яйраб, яшариб түлиб олурсиз.  
Түйгүнча ичиб севги шаробин,  
Кайфими суреб-суреб олурсиз.  
Күзим ёшига чўмид, бўлиб ҳўл,  
Қалбим ўтида қуриб олурсиз.  
Ишқ гулханида ёқиб Калонни,  
Ёрим, асалим бўлиб олурсиз.

## КЎРСАНГИЗ

Дилгинамни ёри-жонон кўрсангиз,  
Эртамас, шу лаҳза, шу он кўрсангиз.  
Сизни мен нурли қуёшим деб эдим,  
Тоңг змас қалбимда осмон кўрсангиз.  
Кўзигута боқдан каби бир термулинг,  
Йўқ ажабким, ўзни онсои кўрсангиз.  
Ўтқазиб ишқ гулларин бор айладим,  
Завқ олинг, сунбулми райдон кўрсангиз.  
Унда жам ҳақоният, меҳру вафо,  
Майли, ўлсам зарра ёлрон кўрсангиз.  
Борлиги похлик, садоқат жисми ҳам,  
Ишқ конидир агар кон кўрсангиз.  
Сиздан ўзга йўқдир армоним, Калон,  
Васлингиэ армони армон кўрсангиз.

## ДАҲО ЭКАНСИЗ

Ёрим, жуда бебаҳо экансиз,  
Кўзи тўла шарм, ҳәё экансиз.  
Тенгдошлараро ақдада юксак,  
Қоматлари ҳам расо экансиз.  
Лол этди мени сабоҳатингиз,  
Аҳдига қилур вафо экансиз.  
Мен сизга ўзим раво кўурман,  
Сиз ҳам менга кўп раво экансиз.

Ишқұ дарди бутун дилимни эзи,  
Дардимга асил даво экансиз.  
Сизсиз яшамам лаңза, Калоний,  
Жоним, мен утун даҳо экансиз.

### ЭТУРСИЗ

Үсма биланми, эй ёр, қошни қаро этурсиз,  
Ишва биланми, билмам, дилни яро этурсиз.  
Сөздім десам, ўёлиб, күзни олиб қочурсиз,  
Не муддастн, айтинг, күнгилга жо этурсиз.  
Күйдирди-ку күзингиз, ёндирди-ку күзингиз,  
Күйдирма күзларингиз офтобға жо этурсиз.  
Гап ташласам, этиб ноз илдам юриб кетурсиз,  
Күркү чирой туфайли кибру ҳаво этурсиз.  
Кибру ҳаво ярашмас, күркү чиройингизга.  
Илмай назарға ёким жабру жафо этурсиз.  
Күнгилнинг күчасига юрдим севиб, нетай мен,  
Бу йүлни сиз ўзингиз менән раво этурсиз.  
Таътифи тавсифингиз этса ғазал Калоний,  
Олқышни янгратурсиз, мадду сано этурсиз.

### БҰЛМАНГИЗ

Дүйстлар, гийбат злига лаңза ҳамдам бұлмангиз,  
Лаңза ҳамдамлик қилиб, мангуға пурғам бұлмангиз.  
Дүч келиб қолған маҳалда әнга улфатлик қилиб,  
Эл аро шармандалиқдан хору мулзам бұлмангиз.  
Бұ жаҳон ахли учун гийбат мисоли оғудир,  
Оғы ҳам соҳо шифо деб ошино ҳам бұлмангиз.  
Севгининг күзи басир бүлгай эмиш деб янглишиб,  
Күз сузид турғанда ҳам хуштору маҳрам бұлмангиз.  
Дастидан гийбатчининг чеккан азобия ким десүн,  
Домига баста бўлиб расвойи олам бұлмангиз.  
Билсангиз гийбат, Калон, келтиргуси кулфат мудом,  
Сиз андан олис юриб, омадда ҳеч кам бўлмангиз.

### ИШҚИ ЙҮҚ ИМОНСИЗ

Ёрнинг жабри экан поёңсиз,  
Эзди бағримни мени армонсиз.  
Тинмайин жабру жафосин тортаман,  
Үтмагай ҳеч бир күним афронсиз.  
Кўп ситамлар этса ҳам, зулм этса ҳам  
Майли, умрим ўтса бас ҳижронсиз.

Ул мени девона деб камситса ҳам,  
Мен севиб дейман уни «жононсиз».  
Иккимиз гул бирла булбул мислими.  
Қай яшар булбул, ахир, бўстонсиз.  
Рашкида куйса дилим ҳеч тонг эмас,  
Бўлмагай ҳаргиз уруш қурбонсиз.  
Йирласам айб айламанг, гўдакка ҳам  
Бермагай сут модари тирёнсиз.  
Минг жафолар этса ҳам ёр яхшидир,  
Эй Калоний, ишқи йўқ имонсиз.

### МЕҲРИГИЁ СИЗ

Хусн осмонида гўёки моҳсиз,  
Ажойиб дилнавоз, меҳригиё сиз.  
Куйингизда куйиб юрсан эмас тонг,  
Мени шайдо қилиб қўйдингиз, оҳ, сиз.  
Ахир, ошиқ эрурман, телбасан деб,  
Маломат тошлирин отманг-да гоҳ, сиз.  
Бўлиб тулки каби алдоқчи инсон,  
Қазиб қўйманг йўлимга катта чоҳ, сиз.  
Висолингиз йўлини излагайман,  
АЗИЗИМ, кўрсатинг энг яхши роҳ, сиз.  
Боши берк кўчага гар йўлласангиз,  
Куним ўтмайди ҳеч фарёду оҳсиз.  
Агар ўлсам муҳаббат даридан мен,  
Бу дунёдан ўтарман ҳеч гуноҳсиз.  
Деманг, ваъданг утун даркор гувоҳлар,  
Муҳаббат кори ҳар доим гувоҳсиз.  
Дилим шарҳин баён этсан, Калоний,  
Туганмас у камида ҳафта, моҳсиз.

### АДО ҚИЛУРСИЗ

Боқсан, дилоро, ибо қилурсиз,  
Ишқ ўтига мубтало қилурсиз.  
Кўзни яшнатиб, дилни яйратиб,  
Жамолингиз дилкушо қилурсиз.  
У ойми ва ё қулоқда балдоқ,  
Вой, мунчалар хуш жило қилурсиз.  
Нозингизми у карашма, билмам,  
Ёр, балки кибр-ҳаво қилурсиз.  
Мижгон ўқини кўксима отиб,  
Дардимга мени даво қилурсиз.

Хижронингиз кўп эзди десам, дод,  
Гулшантга томон имо қилурсиз.  
Токай Калонни севгида ўргаб,  
Ёндирасизу, адо қилурсиз?

## ДЕДИНГИЗ

Менга хуш келдингиз меҳмон дедингиз,  
Кўлимта гул тутиб,райхон дедингиз.  
Олиб райхонни кўксимга босувдим,  
Муҳаббат борига боғбон дедингиз.  
Десам энг тозза гул бу ўзингиз,  
Бўлингиз булбули сайрон дедингиз.  
Бугун мезбонингизман, эй баҳодир,  
Этайд жонимни дастурхон дедингиз.  
Кўйиб олдимга сархил нози неъмат,  
Олинг, дил суйган, эй инсон дедингиз.  
Кулиб, мезбон учун садқа десам жон,  
Бу сўзга жонгинам қурбон дедингиз.  
Ўқиб берган эдим шеърим, Калоний,  
Эрурсиз шоири хушхон дедингиз.

## КЎРИНМАЙСИЗ

Софиндим, изладим, ҳарчанд қидирдим, ёр, кўринмайсиз,  
Шаҳар, қишлоғу тор, гулзор аро зинҳор кўринмайсиз.  
Ўтиб ёзу баҳор, куз ҳам, келиб қиш, қанча қор ёғди,  
Изингиздан юриб топмоқ эрур душвор, кўринмайсиз.  
Кўринсангиз сочингизнинг учига жонни боғлардим,  
Кўзимта бу жаҳон бўлди қоронғу, тор, кўринмайсиз.  
Ичиккандан рўмолчангиз олиб минг бора ҳидларман,  
Сабаб недур ва ё мендин бўлиб безор кўринмайсиз.  
Сўрайман кундуз офтобдан, сўрайман тунда ул моҳдан,  
Билолмам, ё чимилдиққа кириб дилдор, кўринмайсиз.  
Кўринмоқда кўзимта ул ажал сиртмогини ушлаб,  
Нечун жон баҳш этиб менга, париухсор, кўринмайсиз.  
Калоний ҳам Муродига этиб юрса на хуш бўлгай,  
Азиз ёрим, мени беҳад этиб сиз зор, кўринмайсиз.

## УҚОЛДИНГИЗ

Ажаб, кўксимни ёрмасдан дилимни қандай олдингиз?  
Азизим, бошима турли маломатларни солдингиз  
Муҳаббат борига кирган киши қайтиб чиқолмас дер,  
Мени бошлиб кўйиб, қайтиб ўзингиз тез чиқолдингиз.

Висолнинг йўли фурбатли, бўлип бардам, толиқманг деб,  
Ўзингиз бўлса кўп юрмай, бу йўллар ичра толдингиз.  
Аро йўлда паришону ўкинган ҳолда йиғларман,  
Вужудим қолдириб бунда хаёлимни олодингиз.  
Сўзингизда сеҳр борму, кўзингизда ва ё жоду,  
Калонийнинг ҳалол ишқин синовсиз ҳам уқолдингиз.

### НЕ ДЕЙСИЗ?

Сизи, жондан азизим, ёқтириб суйганда не дейсиз?  
Бу ишқингиз оловида ёниб, куйганда не дейсиз?  
Юракда ишқ олови лов этиб ёнганда дод айлаб,  
Кўзив ёши мисоли сел бўлиб куйганда не дейсиз?  
Ҳажр саҳросида ёғиз кезиб, сарсон бўлиб, эвоҳ,  
Етолмасдан висолга бағрии ўйганда не дейсиз?  
Мұхаббатни дилингда сақла пинҳона деган гапта,  
Қўшилмай, лага ишқин билдириб кўйганда не дейсиз?  
Агар ишқини рад айлар эсангиз бу Калонийнинг  
Чидомасдан аламдан жонидан тўйганда не дейсиз?

### САЙРИ БОР ЭТАМИЗ

Юр, гўзалим, гулзорга, бир сайри бор этамиз,  
Кўнгилни дилга улаб, димогни чоғ этамиз.  
Дикқинафас шаҳарда юравериб саррайдик,  
Тозза ҳаво бағрида юракни соғ этамиз.  
Гуллар узиб дасталаб қўллариніта гутаман,  
Гаштин суріб висолнинг кўксимиз тоғ этамиз.  
Бахтимиздан кўйлайдимиз, кўл ушлашиб икковлон,  
Рақибларни куйдириб, бағрини доғ этамиз.  
Чуғур-чуғур сайрайди шоҳчаларда қушчалар.  
Улар билан тиллашиб, яқин ўртоғ этамиз.  
Қара, булавул гунчадан бўса олар тоғ маҳал,  
Беркиниб гуллар аро биз ҳам шундор этамиз.  
Биз гулларга ёқамиз, гуллар бизга ёқади,  
Лабинг қизил гунчаю, юзинг япрор этамиз.  
Орзунинг айби борми, дейди бу кун Калоний,  
Юр, гўзалим, гулзорга, бир сайри бор этамиз.

### ЧИРОЙДА ХЎБ ТЎЛИБСИЗ

Нигорим, кўрк, чиройда хўб тўлибсиз,  
Куёпдек кун ва тун ойдек бўлибсиз.  
Яrim туңда тўсатдан тоғ отувди,  
Не боисдан десам, яйраб кулибсиз.

Күвинг мендан бўлак ошиқларингиз,  
Десам ҳам, дилбарим, не жим турибсиз?  
Мени ҳижрон биёбонига ташлаб,  
Ўзингиз ким билан, қайдা юрибсиз?  
Висолингиз сувисиз қонжирар дил,  
Демант ҳаргиз нечун қақшаб қурибсиз?  
Рақибим севгисин буткул этиб рад,  
Муҳаббат боридан ўтни юлибсиз.  
Калоний, оширингизман ҳақиқий,  
Куёшдек кун ва тун ойдек бўлибсиз.

### ЭЪТИБОР ЭТГАЙМУСИЗ

Эй малаксиймо гўзал, сиз бизни ёр этгаймусиз?  
Кўргузиб меҳру вафолар, баҳтиёр этгаймусиз?  
Ҳар қачон боқсан майнин кулиғу зтарсиз армуон,  
Бу улуг инъомни менга барқарор этгаймусиз?  
Бахш этиб гулгун висолингиз баҳорин бир умр,  
Бу дилимнинг бояида доим баҳор этгаймусиз?  
Оlam ахли васлингизга зор зурким ҳар маҳал,  
Воҳ ажабким, шунча кўп ошиқни зор этгаймусиз?  
Айлабон изҳори ишқ, ёёсам Калоний, гар ғазал,  
Эй қамаррухкор, анга сиз эътибор этгаймусиз?

### ХУНАРМАНД ЭТДИНГИЗ

Лабларингизни, нигоро, мунчалар қанд этдингиз,  
Баҳраманд айлаб увингдан, бизни хурсанд этдингиз.  
Ўзга жону ўзга тан эрдик, қилиб бир жону тан.  
Тани танга, жонни жонга гўё пайванд этдингиз.  
Бу ширин жондан ширин васлингизга етказдириб,  
Қалбими сиз домга тушган оҳудек банд этдиниз.  
Ҳамма ҳурлик ҳоҳиш айлар, мен эса бандингизу.  
Шод эрурман, ҳеч демасман менга сиз панд этдингиз.  
Соф малоҳат бобида Лайлого ўҳшашлик қилиб,  
Бизни ошиқлиқда ул Мажнуңга монанд этдингиз.  
Гөҳи ҳижрон заҳмидан кўзимни аччиқ ёшласам.  
Сиз висолдан ватъда айлаб, күш шакарханд этдингиз.  
Меҳрингиз нури билан бемор дилимни соғ этиб,  
Шум рақиблар қалбини ҳадсиз касалванд этдингиз.  
Севдириб, чорлаб ғазал битмоққа ошиқ қалб ила,  
Бекунар бўлган Калонийни хунарманд этдингиз.

## ДИНИМИЗ ДЕБ

Динимиз деб кошки қурбон бўлса танда жонимиз,  
Бу шарафдир, бу шарафдир, бу шарафдир, шонимиз.  
Сақламоқ даркор бу иймонни, ахир, иймон учун,  
Кўз ёши камдир, тўкилса арзигайдир ҳонимиз.  
Ҳақ йўлига топшириб мазкур омонат жонни,  
Жаннатидан жой олишга бор эрур имконимиз.  
Бу умр эркан синов боқий умрнинг йўлида,  
Бас, ўшал боқий умрга сарф бўлсин онимиз.  
Маънисиз ушбу жаҳон мулкида мантиқ на қилур,  
Ул жаҳонда барчамизниң излаган бой конимиз.  
Ҳар саҳоват, ҳар дуо жаннатта йўл очгай эмиш,  
Бир дуюю хайр учун баҳшида бор топлонимиз.  
Эй Калоний, ушбу дунё бир сароб- ўткинчидир,  
Ул жаҳонда биз сурайлик давр ила давронимиз.

## БАХТИЁРСИЗ

Ҳеч змассиз баҳтиёр юз йилча даврон сурсангиз,  
Бахтиёрсиз, бир фақирга бир иморат қурсангиз.  
Ҳар нафаснинг лаззати оламга сирмайдир, агар  
Бир гарибнинг кўнглини олмоқ учун улгурсангиз.  
Мингта шодлик ҳам қувоцдан гашти бисёрлик қилур,  
Жонни ўртаб яхшилик-чун бошни топига урсангиз.  
Сизга қиласайму насиб, ерга уруғ экмай туриб,  
Ўзгалар эккан экиннинг ҳосилини ўрсангиз.  
Ким разолат даштига босса қадам билмай туриб,  
Кўп савобдир, яхшилик борги томонга бурсангиз.  
Одам авлодига асло хос эмас кибру ҳаво,  
Ўзни камтарроқ тутинг гар ёнма-ён ўлтирангиз.  
Кексаларга эътибор бирла мудом ҳурмат керак.  
Боодоблик бўлгусидир хизматида турсангиз.  
Халқидан ким ажраса етмас Муродига, Калон,  
Бахтиёрсиз эл билан гар бирга-бирга юрсангиз.

## ЁЛГИЗ

Бу оламда, деманг, ер биттаю, юксак само ёлғиз,  
Муҳаббатда мену, кўрку чиройда дилрабо ёлғиз.  
Сўраб васини Оллоҳдан, ётарман кўкрагим заҳда,  
Топар бўлсам изин кўзга этарман тўтиё ёлғиз.  
Нигун баҳти қаро тим-тим жаҳон мулкида бир менман,  
Келиб ёруғ этувчи бу жаҳонда ул зиё ёлғиз.  
Анинг танҳолигин акси тушибми ҳоли зоримга,  
Азиз номини такрор тунлари этгум нидо ёлғиз.

Нажот деб аҳли фонийдан мұруватт күтганим нафсиз,  
Забун ҳолим сезиб, шафқат этувчи бир Худо ёлғиз.  
Агар тархى дилим этсанг ниҳон тут аҳли ағердән,  
Ки ҳолим бұлмасин ошкор, есиб борғин сабо ёлғиз.  
Асал васли насиб этмас эса ул шүхи дилбарнинг,  
Топар ўксик ҳаётим ҳам, Калоний, интиҳо ёлғиз.

### БИЛМАСМУСИЗ

Дилрабо, сизни азал суйғанлыгым билмасмусиз?  
Бир күришда дил беріб күйғанлыгым билмасмусиз?  
Ифтихор айлаб бутун олам аро девонаворт,  
Ошиғи шайдолигим йүйғанлыгым билмасмусиз?  
Ихтиёримни беріб мұтлоқ самандарлик қилиб,  
Ишқингизнинг ўтида күйғанлыгым билмасмусиз?  
Васлингизга ташналиқдан жон келиб оғзимгаю,  
Ҳажрингиз оғусига түйғанлыгым билмасмусиз?  
Үзға бирла ёнма-ён күрган маңал оқшар чекиб,  
Рашк этиб бағри-дилим ўйғанлыгым билмасмусиз?  
Не учун боқмай, Калон, ақволима кетмоқдасиз,  
Ишқингизнинг ўтида күйғанлыгым билмасмусиз?

### АЙИРМАНГИЗ

На күйларга солинг, аммо нигоримдан айирмангиз,  
Шомим мангу этиб, нурли нақоримдан айирмангиз.  
Дилим бөгін қароғон этганингиз муборақдир,  
Қишим йүқдір, нурағышон навбаҳоримдан айирмангиз.  
Умр бояим сұлым, күркем чаман гулзорға айланмиш,  
Хазон айлаб ҳаётим гулзоримдан айирмангиз.  
Бугун жону жаҳоним бақыт этиш эзгу қароримдір,  
Жудо айлаб, мени эзгу қароримдан айирмангиз.  
Тұним ўтмишта айланған, бу ёғым әнді кундуздыр,  
Менға ёғуда сочиб турған шароримдан айирмангиз.  
Унингсиз менға бу олам, Калоний, қоп-қоронғудыр,  
Фуруриму сурурим, ифтихоримдан айирмангиз.

### ХУШЖАМОЛ АШЬОРСИЗ

Бир боқыт бирлан дилимни этдингиз хүштор сиз,  
Әнди қалбим онларида бир умрга бор сиз.  
Қайда бұлсам күзларим олдида пайдосиз мудом,  
Бунчалар ҳам дилрабосиз, бунчалар дидор сиз.  
Үшашаңғызны топиб бұлмас жаҳон мұлки аро,  
Андалиб бұлсам, Эрам боги каби гулзор сиз.

Күкдаги офтоб билан ой ҳам ҳавас қылгай зди,  
Гар менинг кулбам аро бир этсангиз рафтор сиз.  
Тинмайин таңсін ўқиб, олқыш этар бўлсам-да кам,  
Этдингиз рафлатнинг хобидан мени бедор сиз.  
Ҳуснингиздан бу дилим илҳом олар яйраб, Калон,  
Кўрмаган аҳли башар энг хушжамол ашъор сиз.

### **БЎЛГАНИ ҲАМХОНА КЕЛИБСИЗ**

Қошимта мени кўргани, жонона, келибсиз,  
Ақлимни олиб, эттани девона келибсиз.  
Юз жилва била нозу карашма эта чандон,  
Кўзларни сузиб, маъшуки мастона келибсиз.  
Ишқ оташида ёндирибон қалбу танимни,  
Айларга асил ошику парвона келибсиз.  
Кўнглимга багишлаб мени оламча қувончни,  
Ағёр дилини эттани вайронна келибсиз.  
Меҳрим зшигин катта очиб, кўз тутар эрдим,  
Қалбим уйида ургани жавлона келибсиз.  
Пешвоз чиқайин күйтани, эй ёри дилоро,  
Бўлмоқда Калоний била ҳамхона, келибсиз.

### **НАВБАҲОР АЙЁМИ**

Навбаҳор айёми, дўйстлар, гул иси, райҳон иси,  
Гул билан райҳондан ортиқ дилрабо жонон иси.  
Мўъжизот дунёсига кирдим десанг, йўқдир ажаб,  
Бекиёс зебо латофатта тўлиқ бўстон иси.  
Фунчалар юз очди, сайраб андалиблар шодмон,  
Ифтихор ошгандан ошиди, эл қозонгган шон иси.  
Бахт деган, толе деган қучган улуғ иқболини,  
Қаҳқаҳа, шодликка тўлган беғубор хандон иси.  
Завқу шавқнинг мавжидан ҳис деган түғён ураг,  
Куй-қўшиқ авжига чиққан, тўрт томон хушкон иси.  
Гар висол базмин қизитса дилрабо мастернавор,  
Оlam узра нур ёрилгай, раззаи ризвон иси.  
Шунчалар серхосият кутлуғ замонким, бул нафас  
Гар ўлик бўлсанг, Калоний, сенга келгай жон иси.

### **БЕЪТИБОР ЭТМАНГ МЕНИ**

Севдиринг, майли, бироқ ҳижронда хор этманг мени,  
Васлингизга зор этиб, мажнуншиор этманг мени.  
Ишқингизнинг ўтида кўйсам куяй, ёнсам ёнай,  
Ихтиёrimни олиб, беихтиёр этманг мени.

Дуч келиб қолганды ҳам ҳаргиз қиё боқмай ўтиб,  
Аҳли ошиклар ичинде дилфигор этманг мени.  
Дилни дилга алмашайлик деб дилим берсам агар  
Ўзгага күніл бериб ғамга дучор этманг мени.  
Келгани ваъда бериб келмай висолнинг бөғига,  
Тоқатим тоқ айлабон, ҳеч бекарор этманг мени.  
Дейдилар ошик киши хилватни айлар ихтиер,  
Эл-улусдан ажратиб, беъзтибор этманг мени.  
Қўзларингизга бўқар бўлсан севинг дер, эй Калон,  
Севдиринг, майли, бироқ ҳижронда хор этманг мени.

## ЁР КЕТДИ, БИРОҚ

Ёр кетди, бироқ ишвалару нозлари қолди,  
Мангуга қулогимдаги овозлари қолди.  
Ул нега кетиб қолди экан, билмадим, аммо  
Қалбимда муҳаббат тўла дил розлари қолди.  
Тез кунда ҳузуримга етиб келгани шаймиши,  
Севгимни(нг) қиши ўтди, баҳор, ёзлари қолди.  
Поёнга етиб айру яшаш онлари буткул.  
Васл боюн аро сарви сарафрозлари қолди.  
Қайгулари, ташвишлари ҳам топдию барҳам,  
Толе кўкида этучи парвозлари қолди.  
Минг карра шукр этса дилим арзиди, чунким  
Носозлари гум бўлди, фақат созлари қолди.  
Куйида куйиб бўлма адо зинди, Калоний,  
Хижронни(нг) кетиб барча кўпи, озлари қолди.

## ҲИММАТГА ЎХШАЙДИ

Бу дунё қанчалар зебо эрур, жанинната ўхшайди.  
Ани кўз бирла кўрмоқнинг ўзи роҳатта ўхшайди.  
Жаҳонга ишқ кўзидан боқса толейин топар одам,  
Ҳамиша яхши ният айламок ҳикматта ўхшайди.  
Ҳаёт ганин суриб, эзгу юмушлар дастидан туттил,  
Умр Оллох бериб қўйган қулай фурсатта ўхшайди.  
Қаҳр душман эрур қаттол, меҳрни дўст тутинг, дўстлар.  
Меҳр бирла боқар бўлсанак нуқул иззатта ўхшайди.  
Садоқат, оқибат қўнгилга малҳамдир, дариг тутманг,  
Вафосизлик, ҳаёсизлик-бало, оғатта ўхшайди.  
Яшаш завқини тўймоқ-чун керак доим ҳалол меҳнат,  
Бу юрт неъматларин олмоқ учун рухсатта ўхшайди.  
Жаҳонга, бас, келибдурсан элингга айла эҳсонлар  
Калон, зебо ғазал ёзсанг бу ҳам ҳимматга ўхшайди.

## ҚАЛБИНГ ЗИЁСИ БИРЛА ЁЗ

Билмаса одам агар ўз жисмида жон қадрини,  
Билмагай у қалбидан жой олса жонон қадрини.  
Сенга бир ҳикмат десам мағзини чак, ёдингда тут.  
Билмагай ер қадрини, ким билмас осмон қадрини.  
Кимсасиз саҳрода сургун бўлгани маҳкум эзур.  
Билмаса кўнгилочар гулхона, бўстон қадрини.  
Оқибат очлик азобига дучор бўлса, не тонт.  
Билмаса оқ сутни(нг) қадрин, билмаса нон қадрини.  
Ул назарлардан қолиб, хор ўлса кам, зор ўлса кам,  
Билмаса элдан қозонган шуҳрату шон қадрини.  
Эй Калон, ёзсанг разал қалбинг зиёси бирла ёз,  
Билмаган шеър қадрини, билмас разалхон қадрини.

## ХУШХОН ҚИЛАСИЗМИ?

Борсам сориниб сиз мени меҳмон қиласизми?  
Ёйинки кувиб, бағри-дилим қон қиласизми?  
Ишқимни(нг) чирогини ёқиб жумла жаҳонни,  
Нури-ла нурафхиону чароғон қиласизми?  
Ҳижрон йўлининг дарвазасин менга қулуфлаб.  
Бахтимга висол йўлини онсон қиласизми?  
Жонини фидо айласа дил жон бўласизми?  
Ишқим йўлида ё мени қурбон қиласизми?  
Афёр эли ишқ борғига гар қўйса қадамлар,  
Кувгинди этиб, янчибу яксон қиласизми?  
Тинмай тошадир завқию шавқи Калоннинг,  
Машраб каби чин шоири хушхон қиласизми?

## КЕЛАСИЗМИ?

Кутсам, гўзалим, борима шу он келасизми?  
Тонг чорида ё шомдами, хуфтон келасизми?  
Кундуз куни оламни ёритгуви қуёшсиз,  
Осмондаги ой бўлса намоён келасизми?  
Гулшанг қаранг, сизни кутар ҳар кечачундуз,  
Гулларга азиз бўлгани меҳмон келасизми?  
Бўстонни нетай бўлмаса гар ёри вафодор,  
Чеҳрангиз эзур менга гулистон, келасизми?  
Ёлғиз сезаман ўзни жаҳон ичра, нигорим,  
Бўлмоққа асил ёру қадрдан келасизми?  
Келсангиз агар жонни этай тезда садоға,  
Севги йўлида этгани қурбон келасизми?  
Гулларни тутиб кўлда, Калоний, кутадирман,  
Ял-ял ясаниб покиза жонон келасизми?

## ҚАРАБ ҚҮЙДИ

Одамларнинг аросидан нигоро бир қараб қўйди,  
Ўшал нозли қарошидан дилимга ўт қалаб қўйди.  
Десам оҳиста, эй дилбар, маконинг қайси гулишаңда,  
Сабо ёйган сочин нозик қўли бирлан силаб қўйди.  
Ани сунбул сочидан тарқаган мушк бирла анбардан,  
Вужудим яшнади, қалбим жойидан ўрмалаб қўйди.  
Хузуридан кетолмам, унга ипсиз боғлазиб қодим,  
Билолмам, дил риштасини қачон дилга улаб қўйди.  
Наҳот илк учрашув бўлди муҳаббат интиҳоси ҳам,  
Мени ё қувлади, ёки бирор боис синааб қўйди.  
Десам сендан жудо бўлмоққа ҳоҳиш йўқ Калонийда,  
Боринг, йўлдан қолиб кетманг дебон оқ йўл тилаб қўйди.

## КОРИ ОЛАМ

Не учунким кори олам то азалдан тескари,  
Ҳайратим ошгай бу ҳолни ўйласам борган сари.  
Телба олам қилмишии ҳеч англаёлмай доғдаман,  
Шод эрур нодон одам, ношод эрур доно бари.  
Во дариг, айт, ким вафо кўрган бу оламдан кўнгил,  
Ҳеч ажаб йўқ омадинг қосча агар сендан яари.  
Кимга қисам бир вафо кўп минг жафоси рўбарў.  
Найлайнин, зулму жабр шум ёвларимнинг раҳбари.  
Ўксима, ҳеч ранжима, шукр айла борингта мудом.  
Бас сени шундоқ яратмиш асли олам сарвари.  
Эй Калоний, ҳақ ёзиб чекдим азоб деб нолима,  
Доимо ошифтаҳол каснинг ҳақиқатпарвари.

## ТУШДИ

Нетайким, ишқ ўти бошимга тушди,  
Ажабким, ўн саккиз ёшимга тушди.  
Жудо эттаг рақиб ул дилрабодан,  
Учиб оғу келиб ошишмага тушди.  
Дилим қайғу, аламга тўлди, войким,  
Синовнинг мушкули дошимга тушди.  
Висол гашти насиб этмас, ғарибман,  
Ҳажр армонлари тошимга тушди.  
Эди беҳад вият поку дилим оқ,  
Куйиб ранги сочу қошимга тушиди.  
Нигорим ишқида Чустдан, Калоний,  
Насибам сочилиб Шошимга тушди.

## АЙТ ЖАВОБНИ

Нигорим, нур юзингдан ол ниқобни,  
Күзим күрсін зиёбахш офтобни.  
Ажаб ўсма қўйиб торик этибсан,  
Кўзинг устида турган межробни.  
Висол жон баҳш этар. ҳижрон азобдир.  
Раво кўрма менга ҳаргиз азобни.  
Келиб бағримга иргиттил ўзингни.  
Йигиштиргин ададсиз ноз-итобни.  
Лабингга лаб босиб бир дам түёйин,  
Сўриб лаъли лабингдан шаккар обни.  
Калоний ўтли кўнгил розин айтдим,  
Кутиб интиқ эруман, айт жавобни.

## АЖАЛ КЕЛИБ

Умр етди поёнига, молу мулким қолиб кетди,  
Кўзим тиниб, босиб айланиб, оёқ-кўлим ғолиб кетди.  
Турай десам туролмайман, юрай десам юролмайман,  
Ҳолим кўриб ёш-яланлар ҳаётдан ҳам нолиб кетди.  
Билолмайман қай манзилда ёттанимни, ёронларим,  
Кексаликнинг жодулари ақли-хушим олиб кетди.  
Булуларнинг аросидан учиб келиб Азроил, ох,  
Юрагимдан жоним олиб, жондонига солиб кетди.  
Эй Калоний, алаандо деб қом-қардошлар видолашди,  
Ажал келиб айрилиқнинг мусиқасин чалиб кетди.

## КЎРДИ

Чаманда кўзларим зебони кўрди,  
Қаро қошли, кўзи шаҳлони кўрди.  
Тилим лолу нафосатда дилим ҳам,  
Ажойиб мўъжизий дунёни кўрди.  
Тараннум айласа тоғлар бўлур сув,  
Нечунким булбулигўени кўрди.  
Дегайлар башарми, малак экан ул,  
Мисоли кўқдаги Зухрони кўрди.  
Етолмай васлига кўнгил ҳам хароб,  
Кўзимдан оққувчи дарёни кўрди.  
Билолмак кўрганим ўнгимми ё туш,  
Вужудим чин ва ё рўёни кўрди.  
Ёронлар, Калоний ёрин кўрибдир,  
Демангиз Вомиқ ул Узрони кўрди.

## ҚАНИ?

Эй сабо, бергил хабар, ул моҳи тобоним қани?  
Дилраболар дилрабоси, шутла афшоним қани?  
Билмадим, қайларда у, кимлар зерур ҳамсүхбати,  
Рашк ўти ўрттар дилим, жонимга жоновим қани?  
Йўлларида кўзларим тўрт бўлдию олмас хабар,  
Найлайнин, ҳолим ҳароб, ул шоҳу султоним қани?  
Фурқатида қон бўлиб, кўкларга ўрлар оҳларим,  
Бемехр, беоқибат ул шўхи Кањоним қани?  
Кўзларим олдида пайдо чекраи оли мудом,  
Бемисл зебо ўшал ҳури ғилмоним қани?  
Е келиб ҳолимни сўрмоқ ул учун ор бўлдими,  
Изларидан боргани бир лаҳза имконим қани?  
Эй Калон, чеккан азоб тасвирига жазм айласам,  
Бермагай тутқич қалам ҳеч, шеъру достоним қани?

## МЕН ЗАМОННИНГ МАЖНУНИ

Кўқдаги чақмоқ эмас, ёнган дилимнинг учқуни,  
Гулдирак ҳам, сизга айтсан, оҳу зоримнинг уни.  
Ул булултлар абр эмас, ёмғир вали ёмғир эмас,  
Ул тутун куйган дилимдан, ёмғирни ашким ҳуни.  
Не учун ҳолинг ҳароб деб сўрмантиз, дўстлар, нетай,  
Мен адо бўлдим рақиблар ёрдан ажратган қуни.  
Ишқ учун жонимни қурбон айласам ҳеч тоңт эмас,  
Не учунким ишқ бисотим, ишқ - ҳаётим устуни.  
Гар Калоний ким, унинг маҳбубаси ким десангиз,  
Ёр замоннинг Лайлисию, мен замоннинг Мажнуни.

## БИРОВГА ЎХШАМАЙДИ

Нигорим соchlарин сийпаб тарайди,  
Тароги қўлларида ялтирайди.  
Билолмайман, бу не ҳолат, ёронлар.  
Дилим кўксим ичиңда қалтирайди.  
Жамолининг қиёсин топмам асло,  
Унинг ҳусни бировга ўхшамайди.  
У мендан юз буриб олган ва лекин,  
Бу кўнгил васлини тинмай сўрайди.  
Десам оинадан бир бор қараб қўй,  
Деди: кўзгудан маъшуқлар қарайди.  
Дедим: чин маъшуқам бўлсанг, Калоний,  
Асила ошиқ бўлишликка ярайди.

## ҚАРҒАШМАЙДИМИ?

Күз сени күрганда зргашмайдими?  
Күзларинг бирланки учрашмайдими?  
Күзларинг қочса нигоҳимдан менинг,  
Дилгинанг боқмоққа ундашмайдими?  
Тұқнашиб қосса нигоҳимиз, гулім,  
Үзаро асрорли гаплашмайдими?  
Ёр чашми бунчалар зебо дебон,  
Термулиштдан, айт, өзарашмайдими?  
Қош посбонлик қилиб, мижғончалар,  
Сағ бўлиб шавқ бирла ўйнашмайдими?  
Иккиси ҳам дуч келиб ишқ ўтига,  
Бир-бирига айбни тўнкашмайдими?  
Қумсатиб қўйсак, Калон, кўзларни гар,  
Ўксиниб, бизларни қарғашмайдими?

## СҮЛИМ БЎСТОН ДЕСАМ СИЗНИ

Ўзим булбул бўлурман, ёр. сўлим бўстон десам сизни.  
Бўлай, майли, қаро ер, гар баланд осмон десам сизни.  
Гўзал юртимни жаннат деб тасаввур айласам, ҳақдир.  
Бу дунёда кўринган бир журуғимон десам сизни.  
Чиройингиз қиёси ҳар етти иқлимдан топилмайдир.  
Бўлурман жон, ниғорим, гар гўзал жонон десам сизни.  
Муҳаббат боиси бердим бутун бор ихтиёримни.  
Садоқатли ғуломингиз бўлай султон десам сизни.  
Агар мезбонлик этсангиз борай жоним этиб совға,  
Этай меҳрим пойандоз, гар азиз меҳмон десам сизни.  
Бирор дам ҳам жудо бўлмай, пойингизга кўзим суртай,  
Багишлайман бутун умрим, агар имон десам сизни.  
Ўқиб ёд айлабон, суртиб кўзимга, дилга жо айлай,  
Калоний, гар ёзилган энг яхши достон десам сизни.

## ИШҚИНИ

қанча сақлай дилда ул нозик адонинг ишқини,  
Ёвга оцно, мен учун кошишининг ишқини.  
Дилни бердим, лекигин ҳеч тўймадим дийдорига,  
Элга ошкор айлайнми беяфонинг ипқини.  
Кечди умрим безиё ҳижрон биёбони аро,  
Бир нафас тарқ этмадим, лек дилрабонинг ишқини.  
Этмади ёр зарра шафқат, гарчи осмон аҳли ҳам  
Кўрса бўзлаб, йиғлагай мен бедавонинг ишқини.

Дашту сақро оқ чекар бечора ҳолимга, бироқ  
Ёр назарга илмади мен бесафонинг ишқини,  
Ҳажрига тоқат тополмасман, агар ўлсам ўлай,  
Кетса жон, жоним дегайман жонфизонинг ишқини.  
Эй Калоний, қанча ўрттар бўлга ҳамки розиман,  
Дилда мангут сақлагайман раҳнамонинг ишқини.

### МУҲАББАТ УЙГОНИБ КЕТДИ

Сени кўрганда, эй жонон, юрак бир тўлғониб кетди,  
Ширин уйқуда ёттан ул муҳаббат уйғониб кетди.  
Кўзингданми, юзингданми олов пурканди жонимга,  
Вужудим чўғга айланди, этиб лов-лов ёниб кетди.  
Рўмолинг бирла рўйинг ёп, куйиб турган дилим ҳозир.  
Ки осмондан қараб турган қуёшдан қизғониб кетди.  
Эсиб гулшан аро еллар, қаро зулфингни тебратса,  
Бўлак кас илки деб қалбим тўсатдан сесканиб кетди.  
Сенга берган сўзим қатъий, билиб қўйгин буни доим.  
Демас ҳеч ким мени асло сўзидан ул тониб кетди.  
Садоқатли нигорим бўл, агар бир кун ўлар бўлсан,  
Десинларким Калоний ёр висолига қониб кетди.

### ЖАҲОН УЗРА ЖАРАНГЛАЙДИ

Қачон ёrim менинг қалбимдаги ишқимни англайди?  
Нечун кўнглим кўтармайди, нечун ҳолимни танглайди?  
Уни кўрсам кўзим яшнайди, аммо ул мени кўрса,  
Тириштирганча мантглайни, асаб торин таранглайди.  
Ҳаётимни сочилик қоп-қаро айлайди, қалбимни  
Лабига менгзатиб, оқим, қизил қон бирла ранглайди.  
Тиним билмас муножотим не боисдан кетар эсиз,  
Кўзимни(нг) ёши қалбини тарин ҳам тошу танглайди.  
Муҳаббат шавқида эстган саболар етказинг унга,  
Жафо-жабри зэиб бағримни, бошимни гаранглайди.  
Куйиб ишқида шеър ёзсан, Калоний, ёрга еттайму,  
Ки ишқ ашъорга айланса жаҳон узра жаранглайди.

### ШУ ЙИЛ ДЕЯПТИ

Севсан, гўзалим ҳазил деяпти,  
Остида ҳазилни зил деяпти.  
Ишқимни нечун назарга илмас,  
Ёинки мени разил деяпти.  
Мен сенга десам фидойидирман,  
Ким бунга бўлур кафил деяпти.

Севги ишигта керак жасорат,  
Бүл мардлараро асил деялти.  
Бошимга солиб турли балолар.  
Енгигб ўтавер дадил деялти.  
Қалбингда сени(нг) борми муҳаббат  
Деб сўрсам, ўзингни бил деялти.  
Айтсамки, мени севгил, азизим,  
Бу ишни қилоди дил деялти.  
Тўй энди қачон десам, Калоний,  
Ноз бирла боқиб шу йил деялти.

## КОШКИ

Ёр билан ҳамхона бўлсан кошки,  
Ёнида парвона бўлсан кошки.  
Ишқининг гулгун шаробидан ичиб,  
Сархушу мастона бўлсан кошки.  
Ул у ёну мен бу ён юрсан, алам,  
Бир умр бир ёна бўлсан кошки.  
Жонажон васлини(нг) боғбони бўлиб,  
Ҳажридан бегона бўлсан кошки.  
Беҳисоб ошиқлари ичра унинг,  
Доимо фарзона бўлсан кошки.  
Фарҳоду Мажнуну Тоҳирлар каби,  
Ишқида мастона бўлсан кошки.  
Дейдилар ошиқни девона, Калон,  
Куйида девона бўлсан кошки.

## ВИСОЛИНИ СЎРАЙДИ

Соринч дарди зўрайгандан зўрайди,  
Дилим тинмай висолингни сўрайди.  
Якироқ кел, муруватли нигорим,  
Кўзим йўлингда йиглаб мўлтирайди.  
Араз қилдингми ёким, ҳеч билолмам,  
Менга меҳринт камайгандан камайди.  
Ишон, содик вафодоринг бўлурман,  
Каминанг ўзгани ёрим демайди.  
Иков кўл ушлашиб дунёни кезсак,  
Ҳавас бирлан жаҳон аҳли қарайди.  
Сабрли деб мени кўп эзма, охир,  
Билиб қўй тоқатим бир кун тутайди.  
Агар ишқимни рад этсанг, нетарман,  
Бўлурман телбаю, дарвешу дайди.  
Узукка кўз мисоли мос эрурмиз,  
Калоний, ёр бўлишликка ярайди.

## КҮРИБ ҲУСНИНГНИ

Кўриб ҳуснингни, ёр, тинчим йўқолди,  
Жамолинг қалбима ишқ ўти солди.  
Дединг вақт етди, энди хайрлашайлик,  
Ўзим кетдим ва лек дил сенди қолди.  
Ўшал кундан жудолик ўз азобин,  
Жаҳаннам қийногига тентлатоди.  
Қувонч ўрнини зам, кулгуни фарёд,  
Ҳаловат ўрнини заҳматлар олди.  
Нетай, оламга сирмасдан кетарман,  
Бу ишқ ҳолимни хорга ўхшатоди.  
Гуллим, нурдек кўриндингу йўқолдинг,  
Калоний на сўз айтди, гул тутолди.

## МЕН ИНТИЗОР ДЕПТИ

Елларга ул париваш мен интизор, депти,  
Бўлди-ку дил бағоят маъшуқи зор, депти.  
Севгим дилимда пинҳон, изҳорга ор қўймас,  
Шаҳло кўзимда, лекин ул ошкор депти.  
Тунларда уйку йўқдир ҳадсиз соғинганимдан,  
Қалбимда ишқин ўти ёнган шарор, депти.  
Бечора ҳоли жоним бўлди хароб, наилай.  
Ҳажрида тоқатим тоқ, дил беқарор, депти.  
Ишқимни гар қадрлаб, асраб авайлар эрса,  
Умрини(нг) тўртта фаслин этгум баҳор, депти.  
Севгим сабаб ҳаётин боғига ёргинамни  
Мехримни кўчат айлаб экдим қатор, депти.  
Юргай узоқда токай безътибору лоқайд,  
Келсин қошимга, айтинг, мардонавор, депти.  
Тез бормасам, Калоний, ургай уволи ёрнинг,  
Чексиз муҳаббатимга йўқдир канор, депти.

## АЙЛАДИ

Ёр васлин май этиб, қалбимни майхўр айлади,  
Майпарастлар ичра, войким, шунча машҳур айлади.  
Ихтиёрим бирла мен бу йўлга ҳеч кирмас эдим,  
Ул боқиб мастона маст бўлмоққа мажбур айлади.  
Ўрганиб қолган дилимни қатра майга зор этиб,  
Ҳолу аҳволим хароб, рангимни бенур айлади.  
Баски қондирмас экан васлига дилдорим, ажаб,  
Баҳраманд айлаб ўшал кун нега масрур айлади?

Ташвалиқдан ўртаниб күйди юрак-бағрим, нетай.  
Мен фақир бечорага ул ўзни мағрур айлади.  
Ёлворурман, тиз чўкиб васлин шаробини сўраб,  
Кетмагайман ҳайдаса, оҳ, бунчалар сур айлади.  
Тоқатим тоқ, бу жаҳон кўзимта торик, эй Калон,  
Дилрабойим косайи паймонани пур айлади.

### СЎРАБ КЕТИБДИ

Бул кун келиб нигорим қолим сўраб кетибди,  
Деворда суратимга бир-бир қараб кетибди.  
Унга атаб камина қалбимни қолдирувдим,  
Қўлга олиб, авайлаб зарга ўраб кетибди.  
Бир лаҳза ўлтириб, ёр, кўзгунинг қаршисида,  
Хушбўй этиб жаҳонни, сочин тараб кетибди.  
Нома ёзиб, китобим устида қолдириб, сўнг  
Бог айланиб ўзига гул дасталаб кетибди.  
Хатни ўқиб қувончим симас ичимга ҳаргиз,  
Энг яхши, зўр тилаклар менга тилаб кетибди.  
Умрим либоси ишқсиз ётган эди кийилмай,  
Бахтимдан айланай, ул севги қадаб кетибди.  
Ҳижрон булуғлари кўп қор ёғдириб қўювди.  
Ёримдан ўргилайким, барин кураб кетибди.  
Севги дараҳги гуллаб яшнаса энди тонг йўқ,  
Пайванд этиб дилига қалбим улаб кетибди.  
Ишқида уйга симай сарсон бўлиб юрувдим,  
Қайда дебон Калоний сўраб- сўраб кетибди.

### БУ НЕЧУК ТАҚДИР

Не учун улфат тутар кулфат мени?  
Не учун зулмат тутар улфат мени?  
Эрта кеч заҳмат билан ўтгай куним,  
Не учун тарқ айламиши роҳат мени?  
Ўртаниб кетдим висол соғинчидан,  
Ҳамнафас, ҳамдам тутар ғурбат мени.  
Ёр билан дийдорлашиб юргим келур.  
Найлайин, жоним олур ҳижрат мени.  
Тинмайин бахту саодат изласам,  
Во ажаб, кувлаб тутар оғат мени.  
Мен десам қумоққа бахтни вақт керак,  
Доимо ташлаб қочар фурсат мени.  
Эй Калоний, бу нечук тақдир эрур.  
Бир умр таъқиб этар даҳшат мени.

## **БҮЛИБ ҚОЛДИ**

Сен кетдинг, юрагим муз бўлиб қолди,  
Пешонам шўр экан, туз бўлиб қолди.  
Келар деб йўлингни пойламоқлиқдан,  
Вужудим интизор кўз бўлиб қолди.  
Умримнинг баҳори келдиму десам,  
Во дариг, сарғайган куз бўлиб қолди.  
Хижронинг айлади ҳолимни забун,  
Ранг-рўйим мисоли бўз бўлиб қолди.  
Қалбимнинг туйғусин қағозга тўксам,  
Калоний, сеҳрли сўз бўлиб қолди.

## **ГУЛ БИРЛА САВФО ҚИЛГАЛИ**

Мустақиллик байрамин чиқдим томошо қилгали,  
Шодиёна завқини қалбимда лайдо қилгали.  
Бир гўзал руҳсорга дуч келдим хиёбонлар аро,  
Муддао этдим дилимга ишқини жо қилгали.  
Мен-ку либайрам завқини тўймоқ учун чиқдан эдим,  
Ул кулиб чиқдан экан қалбимни шайдо қилгали.  
Айласам изҳори ишқ айтди у ҳам ўз шартини,  
Ваъдалар бердим унинг шартин мұхайё қилгали.  
Икки таңда икки жон эрдик, кулиб иқболимиз,  
Бир тану бир жон бўлиб, қайғик дил оро қилгали.  
Ишқ билан тўлган дилим туйғуларин этдим разал,  
Севгилимга, эй Калон, гул бирла савфо қилгали.

## **ҲАҚ ҚИЛДИ**

Ул дилкашу ораста қош қоқди, имо қилди,  
Кўз солди ғавим, шу пайт шарм қилди, ибо қилди.  
Йўлига чиқиб пешвоз таъзим этадур эрдим,  
Қаҳри била ул дилдор қадимини дуто қилди.  
Пойига пойандоз деб жонимни тўшаб қўйсам,  
Ул пошинаси билан янчиб, кўп эзди, адо қилди.  
Бас унга сира манзур бўлмасми эсам пё,  
Ул нега қиё боқди, васлияга гадо қилди?  
Мен анга кўнгил боғлаб ҳақ ишни бажо қилдим,  
Ул менга кўнгил бермай янглишди, хато қилди.  
Хижрони дилу жоним қон этди демам ҳаргиз,  
Не қилса Калонийни Ҳақ қилди, Худо қилди.

## **ЖУДА ЯХШИ**

Ҳуснинг очилиб яшнади бул дам жуда яхши,  
Минг карра ҳавас айлади олам жуда яхши.  
Гар келса баҳор баҳри дилим хўб очиларким,  
Ёз, куз гўзалу қиши яна кўркам жуда яхши.

Жаннатта кириб қолганини ҳис қиладирми,  
Бағрингда яшаб яйради одам жуда яхши.  
Хурликда шараф топганини этди намойиш,  
Дил дилга туташ, бекаму бегам жуда яхши.  
Күксимга уриб, дүшпини осмонга отарман,  
Мехрингта қониб ўғсувчи мен ҳам жуда яхши.  
Толени қучиб баҳтига ёр бунда Калон ҳам  
Мадхинги ёзар заңқ ила илдам жуда яхши.

### КИМ ЎТДИ?

Кулиб, нозли боқиб гулшаң аро, ким ўтди, ким ўтди?  
Юзи оқу күзи, қоши қаро, ким ўтди, ким ўтди?  
Күзимдан уйқулар қочди, йүқолди сабру тоқат ҳам,  
Қилиб ақлу ҳушимдан ҳам жудо ким ўтди, ким ўтди?  
Камов қоши билан мижгон ўқин отиб юргимга,  
Азиз қалбим этиб қонли яро, ким ўтди, ким ўтди?  
Ү-ку чақмоқ каби чақнаб ниҳон ўлди ва лекин, ох,  
Менинг ошиқ дилим мотамсаро, ким ўтди, ким ўтди?  
Мұқабbat оташи ичра ёнар қалбим, бутун жиссім,  
Беріб бундоқ менга олий жазо, ким ўтди, ким ўтди?  
Келиб жон оғзима ҳислар урап түрён, урап түрён,  
Қилиб пайдо дилимда можаро, ким ўтди, ким ўтди?  
Қиё бөкмай ўтиб кетди, аё бир күн деөрмү, айт,  
Калоний ишқида этса қазо, ким ўтди, ким ўтди?

### ПАРВОЗ АЙЛАДИ

Мен висолга таклиф этсам, дилбарим ноз айлади,  
Этмагин ноз деб ялинсан ул қулиб боз айлади.  
Ортириш-чун чеки йўқ севгим тағин ҳамвойким,  
Асли шундоқ ҳам гўзал ҳуснига пардоз айлади.  
Ишқ ўтида куйдиришни не учундир хуш кўрар,  
Жонима ўт ёққали қалбимни қороз айлади.  
Бу азиз бошим менинг шўрлик эканму, билмадим,  
Жабрини кўп қиадиу, меҳрин бироқ оз айлади.  
Сехри борму ёки Фойиб унга куч этмиш ато,  
Қақратон қиши фаслини бирдан келиб ёз айлади.  
Бир ўсимлик ўсмаган саҳрого ўжшаш кас эдим,  
Ишқ гиёҳин ўтқазиб, қалбим сарафroz айлади.  
Эй Калоний, қилмишидан ёрни афсус этма ҳеч,  
Неки қиласа қиади, илхомимни парвозд айлади.

## БАХТИЁР ЭТДИ МЕНИ

Билмадим, нега ҳаёт унга дучор этди мени,  
Ошиги бўлдим, жамоли бекарор этди мени.  
Зўр экан ишқи хаёлимни олиб қўйди тажин,  
Ихтиёrimни олиб, беиктиёр этди мени.  
Кўрмасам бир зум агар қалбимда тоқат қолмагай,  
Одким, васли унинг бунча хумор этди мени.  
Ичмасам ҳам зарра май ишқида мағдирман мудом,  
Маст-аласт айлаб, жаҳонга шармисор этди мени.  
Ёлвориб пойига ётсан бир тепиб ўтди, ахир,  
Йўқми қадрим заррача, оҳ, бунча хор этди мени.  
Йиглама қадримга, аммо бир умр фахр айларам,  
Эй Калоний, ошиқ айлаб бахтиёр этди мени.

## БАҲОР КЕЛДИ

Оламга кулиб баҳор келди,  
Хобдан турибон наҳор келди.  
Гулдай очилиб чамап, чаманд  
Ял-ял ясаниб ниғор келди.  
Борлар берадир ўзига оро,  
Декҳонга қувончу кор келди.  
Гул лола териб йигит ва қизлар,  
Шу лаҳза висолга зор келди.  
Қирларга қараб юрак топингтай,  
Ишхонаси жуда тор келди.  
Кўқда ёпиниб булат ёпинчик,  
Кўз ёшлари шашқатор келди.  
Бошин кўтариб иболи лола,  
Жомида шароби бор келди.  
Кўрмоқча учиб узоқ-узоқдан  
Кушлар тизилиб қатор келди.  
Ногоҳ бўлибон гулдир-гулдирлар,  
Чақмоқ чақибон шарор келди.  
Ер усти оқарди кутимаган чоқ  
Дўл ёғди, деманг-да қор келди.  
Офтоб чиқибон тарин чаракълаб,  
Қошингта, Калоний ёр келди.

## КИМ БИЛДИЮ, КИМ БИЛМАДИ

Бу ҳаёт маъносини ким билдию, ким билмади,  
Турфа хил дунёсини ким билдию, ким билмади.  
Ўйласам бошдан оёқ олам ажойиб мўъжизот,  
Мўъжизот маъносини ким билдию, ким билмади.

Умримиз роҗини, дўстлар, пастию болоси кўп,  
Пастию болосини ким билдию, ким билмади.  
Ҳамма ҳам олий мақом орзулар айлайдир, бироқ  
Кунба-кун ижросини ким билдию, ким билмади.  
Асли инсон ниятини кўзидан билмас уқиб,  
Дил деган ашёсини ким билдию, ким билмади.  
Бир-бирин ҳеч англаёлмай ошигу маъшуқ хуноб,  
Ёри белпарвосини ким билдию, ким билмади.  
Кимсасиз чўлларда ҳатто мўл эрур асрорлар.  
Гулшани зебосини ким билдию, ким билмади.  
Гарчи чопқирдир ҳаётнинг оти доим, дўстлар,  
Жонининг оросини ким билдию, ким билмади.  
Эй Калоний, чекма ташвиш шеър қадр топгайму деб,  
Чун газал аълосини ким билдию, ким билмади.

## ДЕГИЛ ЯХШИ

Аё дўстим, шукур этким келур албат бу йил яхши,  
Бу йилдан сўнг келур йилларга боқсанг муттасил яхши.  
Саховатли бўлиб, иймон билав инсоф тилайвергин,  
Диёрингни суйиб, халқинта жон янглиғ суйил яхши.  
Элинг ҳурдир, ўйлинг нурдир, кутар омад билан иқбол,  
Ишонч бирлан қадам боссанг мудом шаҳдам, дадил, яхши.  
Яшайдиргон замон келгай, спайдиргон замон келгай,  
Ҳалол меҳнат билан топсанг кийин яхши, егил яхши.  
Кишининг баҳти ҳар доим унинг феълига боғлиқдир,  
Ёмон бўлсанг бўлиб яхши, гуноҳ ишдан тийил яхши.  
Агар манман эса инсон қолар эл зътиборидан,  
Бўлиб камтар, одамларга салом айлаб эгил яхши.  
Қара, тоғларда оппоқ қор, қара, боғларда оппоқ қор,  
Шу қорларни босиб ёринг билан этсанг сайил яхши.  
Билурсан, ҳар нечук сўзга дегай омин малоиклар,  
Калоний, шул сабаб қутлуғ ният айлаб дегил яхши.

## ИНСОФИНГ ҚАНИ?

Софиниб ҳажрингда ўлдим, ёр, инсофинг қани?  
Кўз гутиб йўлингда бўлдим зор, инсофинг қани?  
Мижона қоқмай пойлагайман, келмагайсан, эй санам,  
Бир умр ўтгумми, айт, бедор, инсофинг қани?  
Яхши ният бирла кўнгил кўйган эрдим,войким,  
Мен сени севдимми ё бекор, инсофинг қани?  
Гул висолингни сўраб пойингта бош кўйдим, бироқ  
Шафқатинг тутдинг дария, дилдор, инсофинг қани?

Бўлди ишқинг дардиму ҳаргиз давосин тошмадим,  
То абад бўлгумми ё бемор, инсофинг қани?  
Сўргани инсоф Калоний ёssa ашъорлар сенга,  
Оҳ, ўқиб ҳам кўрмадинг бир бор, инсофинг қани?

## КЕЛАСИЗМИ?

Кулбамга мени ёри қадрдон, келасизми?  
Ял-ял ясаниб мисли гулистон, келасизми?  
Шодликда бошим кўкка етгар ташрифингиздан,  
Даврон сурнимиз, соҳиби даврон, келасизми?  
Осмонда булуғлар оралаб аста чиқар ой,  
Сиз ҳам очибон шуълаи афшон, келасизми?  
Пинҳон бўлибон фитначи ағёр элидан сиз,  
Ёнимда қилиб жилваю хандон, келасизми?  
Ўз тенгин агар толса нечун яйрамасин дил,  
Тенгим бўлибон сиз мени, жонон, келасизми?  
Мен шурли йўлингизга қиласай жонни пойандоз,  
Бир-бир босибон хуршиди тобон, келасизми?  
Шеърлар ёзайиш сидку вафо маджини айтиб,  
Эй яхши, Калонийга газалхон, келасизми?

## ЖОН ЭДИ

Ёр ишқин боргининг боябони бўлсан жон эди,  
Васъ уйининг бир нафас меҳмони бўлсан жон эди.  
Ухлаганда бошида паркуси бўлсан кошки,  
Шода-шода бўйнида маржони бўлсан жон эди.  
Боққанимда юзларин мендан яширмай турса бас,  
Кўзларига термулиб, мастона бўлсан жон эди.  
Севгиси оташ мисоли кўйдирив кул айлагай,  
Майлига, кул бўлсаму қурбони бўлсан жон эди.  
Ул қуёшим нур сочиб қалбимни ёруғ эттуси,  
Мен қуёшнинг берубор осмони бўлсан жон эди.  
Эй Калоний, шеърларинг шайдосиман дер, шул сабаб  
Бир умрга шоири хушхони бўлсан жон эди.

## ЧУСТ ҚИЗЛАРИ

Донги бор оламга кеттан бебаҳо Чуст қизлари,  
Шону шуҳратга ҳамиша ошино Чуст қизлари.  
Таърифу тавсифини дунё билар, олам билар,  
Кўрмасингдан айлагайдир маҳлиё Чуст қизлари.  
Энг гўзал ҳам мен гўзал деб беҳуда лофтумасин,  
Ўхшали йўқ маҳлиқодир, дилрабо Чуст қизлари.  
Ҳиммати олий, дили ёруғ эрур ойдан, бироқ

Сочиқ қоши, күзи тундан қаро Чуст қизлари.  
Күзларига ҳеч бөкөлмам мисли йүқ оташми ё,  
Юзлари офтобмисолдир, пурзиң Чуст қизлари.  
Белима белбогни бөглаб, бошга дүйні кийдириб,  
Ишқига бир зұмда қылды мұбтало Чуст қизлари.  
Ишқида күймөк билан қалбим күйиб битса нетай,  
Бир кулиб бөкқандәек қылды адо Чуст қизлари.  
Бир умр содиқ Калоний мадж этар бўлсан не тонг,  
Шоири юртдошидан бўлсин ризо Чуст қизлари.

## МЕНГА ШАФҚАТ ҚИЛМАДИ

Ётта шафқат қиадио ёр, менга шафқат қилмади,  
Ким ҳақиқий ошигу ким сохта ошиқ билмади.  
Шум рақибнинг олдида сирримни ҳеч фоп айламам,  
Дилгинам қон йигладио, күз ёшим тўкилмади.  
Зарни(нг) қалрини билур заргар дедим, эвоҳким,  
Илтижо этдим, бироқ ҳарғиз назарга илмади.  
Ул күёш янглиг висолин менга кўрмасдан раво,  
Оҳ, унинг күшрў жамоли ёв учун беркилмади.  
Бевафо дунёни(нг) бу қилишиларидаи дорман,  
Не учун ишуда рақибнинг пайлари қирқилмади?  
"Бир балоси бўлмаса шудгорда кўйруқ на қилур".  
Ушбу шеърим ҳам, Калоний, бесабаб тўқилмади.

## ОЛҚИШ АЙЛАДИ

қоматини саҳнада, ул ёр, намойиш айлади,  
Дилда ишқ пайдо қилиб ғоят савоб иш айлади.  
Васлининг шавқида тинмай талпинурман ул томон,  
Во ажаб, оҳанграбодек дилини тортиш айлади.  
Севгиския сеҳри билан умрим этибдир навбаҳор,  
Барча ағёrlар дилини қаҳратон қишиш айлади.  
Севганимни билмагандек нега беларво, наҳот  
Дилбарим ё ошигига бир лаҳза тафтиш айлади.  
Рақс этар чогида менга бөқди маъюс юз билан,  
Билмадим, ёр не ҳадиқдан бунча ташвиш айлади.  
Эй Калоний, ногаҳонда залда қарсак янгради,  
Мен дедим: ошиклигимни омма олқишиш айлади.

## СИЗГА, ЖОНИМ

Сизга, жоним, бу жаҳон устодлиги,  
Кўрки ҳам зеболиги, ободлиги.  
Яхшилик, эзгулиги ҳам сизгадир,  
Менгадир бор шумлиги, бедодлиги.  
Куллигига мен бўлойин мұбтало,

Сизга бўлсин тоабад озодлиги.  
Итироб, ташвишлари менга насиб,  
Сизгadir хуррамлигию шодлиги.  
Лабларингиздан табассум кетмасин,  
Менга қолсиг ғам, алам, фарёдлиги.  
Йўқлигига йўғрилай ишқ йўлида,  
Сизга йўлдош бус-бутун бунёдлиги.  
Равнақи ҳам, эй Калоний, сизга дер,  
Менга еттай шеър, газал, ижодлиги.

### БАФРИ-ДИЛИМ ТИЛИНДИ

Ёр кетдию мудаббат чок-чокидан сўкилди,  
Икки кўзимдан аўлаким ёмғир каби тўкилди.  
Бошимни эгмас эрдим, қоматни роз тутардим,  
Бошим эгилди ерга, қаддим тамом букилди.  
Борми жаҳонда қотил ҳижрон балосидан ҳам,  
Не қиласа ҳам ҳаётим барчасини шу қилди.  
Издори ишқим айлаб, шарҳи дилимни айтсан,  
На тинглади нигоро, на бир назарга илди.  
Мехру мурууват истаб сўрган эдим висолив,  
Ҳажрининг тифи бирла бафри-дилимни тиљди.  
Севги оловида дил тобландию, Калоний,  
Вақти аzonда ногоҳ упібу ғазал тўқилди.

### ҚАЛБИМГА ЖОЙЛАНДИ

Ўзингни кўрмасимдан суратинг қалбимга жойланди,  
Кўзингта зеб берибдур, иффатинг қалбимга жойланди.  
Танишмоқда этиб журъат ажойиб ҳат ёзибурсан,  
Анинг ҳар сатрида лим ҳикматинг қалбимга жойланди.  
Кўришдик. Қадди-қоматда парилардан қолишмайсан,  
Келишган, сарв қад-қоматинг қалбимга жойланди.  
Ширин сұхбат қуриб иккөн сўлим гулзорда ултурдик,  
Асалдан ҳам ширин, ҳуш сұхбатинг қалбимга жойланди.  
Ўзингта мос тақинчоқлар, лиbosлар хўб ярашишдир,  
Ҳавастга арзигай, зеб зийнатинг қалбимга жойланди.  
Калоний шеър ёзар эрса анга мавзу берибдирсан,  
Гўзал меҳрингта хос бу ҳимматинг қалбимга жойланди.

### КЕЛСА БЎЯБ ТИРНОФИНИ

Қошига ўсма қўйиб, келса бўяб тирнофини,  
Мушк-анбар ҳидлари қоплар уйим ҳар ёрини.

Нозию ишвасини кўрса дилим қувнаб кетар,  
Ёқтиарман жилмайиб менга қараб боқмогини.  
Доимо ўю-ҳаёли қувлагай қайгуларим,  
Тингласам овозини дил тарқатар чарчогини.  
Кўчасига бу кўнгил чорлайверишидан чарчамас,  
Кўзларим яшнайди кўрсам ҳовлисини, борини.  
Ҳажрида кўймоқда кўнглим босган эрди доғлар,  
Бир келиб кетса, ювиб ташлар дилимнинг доғини.  
Сориниб куттганда интиқ, келса гар қулбам аро,  
Кўзга суртгайман оёгин гардини, тупроғини.  
Эй Калоний, етти ўйлаб бир гапиргил ёрга,  
Негаким, ўлчаб кўрап ул сўзларинг салмогини.

## ЎЙНАДИ

### *Лирик хонанга Мұхриппин Холиқовига бағишиланади*

Мұхриддинжон кўшиқ айтса дил билан жон ўйнади.  
Дил билан жон ўртасида ёри жонон ўйнади.  
Хуш бўйини тарқатиб эсган саболар бағридан  
Силкитиб япроқларини гули райҳон ўйнади.  
Жўр бўлиб қўшиқларини этди такрор төғлар.  
Нур сочиб юлдузларидан кўқда осмон ўйнади.  
Созини қўлга олиб айлар наво, булбулми ул,  
Эл дилидан жой олишга катта имкон ўйнади.  
Толеи порлоқ экан, ёрқин экан иқболи ҳам,  
Бошларида чарх уриб олқиши, шараф, шон ўйнади.  
Санъатининг маджини ёёса Калоний, жўралар,  
Завқланиб, қарсак чалиб ҳар бир разалхон ўйнади.

## ЯХШИ

Бир қизки, шарму-ҳаёли, яхши,  
Қалбида мәдригиёли, яхши.  
Сунбул каби бўй сочиб жаҳонга,  
Қирқ кокили хуш жилоли, яхши.  
Иш қилса бирор ҳавас этарли,  
Бостан қадами зиёли, яхши.  
Рўзгорни этиб сариштаю соз,  
Қутлуғ пойи ҳам сафоли, яхши.  
Кўрганда заҳар чекинди ундан,  
Сўз айтса ҳамиша боли яхши.  
Бир сўзлади у етти бор ўйлаб,  
Аҳдига мудом вафоли, яхши.  
Кўз ташламади ёт ғаламисга,  
Софликда эди сафоли, яхши.

Күркига тусиб одоби ҳам мос,  
Эс-хүшда, Калон, расоли, яхши.

## АЙЛАР МЕНИ

Севганим ишқи билан бахти қаро айлар мени,  
Күйдириб җажрида, күп мотамсаро айлар мени.  
Күйида күйганлигиму җажрида ёнганлигим  
Кам экан, рашик ўтига ҳам мубтало айлар мени.  
Қош камон, мижгон анинг ўқи десам ҳеч лоф эмас,  
Ул отиб мижгиңларин қалбим яро айлар мени.  
Үртаниш, боз үртаниш, қайғу чекиш, охлар уриш.  
Тегди жонимга, нетай, охир адo айлар мени.  
Эс-хүшум бегонадир, ўю хәёлим түмтароқ,  
Кунба-кун ул лайливаш мажнуннамо айлар мени.  
Йўқ эрур ағёrlарим, йўқ қасд олувчи бир кишим.  
Этса не ҳеч ўзгамас, шул дилрабо айлар мени.  
Чархи қажрафторни(нг) шунча кулфатидан додгаман,  
Мен ризо этгум уни, ул норизо айлар мени.  
Ишқ йўлини борса келмас дер эдилар, эй Калон,  
Мен кириб қолдим, бу йўл бир бало айлар мени.

## БОҚМАДИ

Интизор эрдим, бироқ гул юзли дилдор боқмади,  
Ҳар томонга боқдию мен зорга зинҷор боқмади.  
Кўзларига тушса деб қўзимни бетоқат эдим,  
Тоқатим тоқ бўлди ҳамки нета якбор боқмади?  
Қайрилиб ҳам қўймади қўнглимга сал таскин бериб,  
Үртамиизда бўлди гуллар ёки девор, боқмади.  
Бир табассум қилса қалбим нурга йўғрилгай эди,  
Ул кулиб ҳам қўймади, ҳаттоқи бир бор боқмади.  
Оҳ урарман тинмайнин, ҳолимга маймун йиғласин,  
Киёдими ё опигидан дилрабо ор, боқмади.  
Билмадим, не кўргилик, савдо бошимдә бор экан,  
Айлабон шоир Калонийни жуда зор боқмади.

## МАЙЛИМУ

Ёниғизда, дилбарим, бир дам ўтирсам майлими?  
Барча ошиқлар каби ишқдан гапирсам майлими?  
Дилда севгим авж олиб, оламга сигмайдир, ажаб,  
Қалбингиз борига тенг ярмин кўчирсам майлими?  
Даркушо айлаб садоқатни вафодорлик билан,  
Васлингиз даргоҳига оҳиста кирсам майлими?

Сизга айттар гапларимни ёзса қороз етмагай,  
Ушбу сұхбат өнімдегі айтиб битирсам майлими?  
Бир оғиз ширин сүзінгиз менга қылгай жон ато,  
Мехрингизни бодадек буткул симирсам майлими?  
Дүстларингиз күнглини ёруғ згиб кундузмисол,  
Душманингизга аёвсиз ғам едирсам майлими?  
Таърифингизда Калоний зүр ғазал биттан зди,  
Эрта тонг таъзим билан сизга кетирсам майлими?

## НУРЛИ КУН ЧИҚДИ

- Аранг ёр васлиға етдім, десам ул офтоб чиқди,  
Сочиб нурин висол онин күриб қолмоқ учун чиқди.  
Дедим: қайт орқага офтоб, сенинг нуринг керак зрас.  
Кулиб баҳтим, менга ёр васлидан энг нурли кун чиқди.  
Қуёш одатда тонг өнімдегі чиқар эрди, бу не ҳолат,  
Менинг ишқимнинг офтоби, ажабким, кечқурун чиқди.  
- Демак, ҳар тунда офтобинг дилингни нурга түлдиргай.  
- Билолмам, не бўлур доим, бироқ ул шу бугун чиқди.  
Муҳаббатнинг олови ич-ичимдан лов этиб ёнди.  
Дилим оташга айланди, томоримдан тутун чиқди.  
Хаёлимда фақат ёр васли, қоңди ақлу идрок ҳам,  
Сўзимдан маънилар кетди, вужудимдан жунун чиқди.  
Демант, дўстлар, Калонийнинг дили ўксик, яримдир, йўқ,  
Висолнинг боридан яйраб юрак-бағрим бутун чиқди!

## ЖОНОНИНГ ҚАНИ?

Эй күнгил, ёрдин жудо бўлдингми, жононинг қани?  
Кам зрур жонон десам, жисминдаги жононинг қани?  
Саррайиб, ҳолинг забун бўлмиш, нетарсан, войким,  
Қувватинг, кўзларни(нг) нури, дори-дармонинг қани?  
Ўлтирибсан кулбада ёлғиз ўзинг хуфтон бўлиб,  
Ноумидсан не учун, орзуи армонинг қани?  
Ич-ичингда ғам тўла, шодликларингдан йўқ асар,  
Бахту толе ҳадя эттан энг ширин онинг қани?  
Деб эдиким бир умр васлим шароби сен учун,  
Қайда қолди у шароб, эй, аҳди ёлонинг қани?  
Сен унинг ишқини доим нурли офтоб дер эдинг,  
Айт, бу не ҳолким, ўшал офтобли осмонинг қани?  
Ул бутунлай юз буриб кетмиш, бу не бедодлик,  
Қолдиму шоҳсиз бу таҳт, айт, энди султонинг қани?  
Менку сендан ҳол сўрарман, ул қани деб, бул қани,  
Кимса ундин ҳам сўрарму деб Калонхонинг қани?

## БИЛСАНГ-ЧИ

Сенинг ишқингда, эй дилбар, диялим сўзона, билсанг-чи,  
Мудаббат дастидан икки кўзим гирёна, билсанг-чи.  
Наҳотки севги борига бу кун ағёр илиларни билсанг-чи.  
Демак, мен ақлу қалбимдан бутун бегона, билсанг-чи.  
Агар васлингта еткурмай кетар бўлсанг узоқларга,  
Қилурман нолалар бошим уриб ҳар ёна, билсанг-чи.  
Дедингким: нега бўзлайсан, наҳот дардингта йўқ чора?  
Бу ишқингнинг азобини ўзинг-фарзона билсанг-чи.  
Не тонг маъшуқ ҳузуридан кетолмай қолса гар ошиқ,  
Қуёшга еру мен сенга мудом парвона, билсанг-чи.  
Мени ҳар дам умидвор айлагин, кўнглам қувонтиргил,  
Калоний мақсади яхши, буни жонона, билсанг-чи.

## САЙР АЙЛА

Сайр айла нигор борни, юртимда баҳор энди,  
Борлик ясаниб буткул ой васлингта зор энди.  
Гуллар сочиб ўз атрин, ҳуснини қилиб кўз-кўз,  
Кел яйра, нигоҳ эт деб кўзи йўлда чор энди.  
Мадҳингни ўқиб булбул, баҳтингни мудом куйлар,  
Анҳорда оқар сув ҳам жўр унга. Дугор энди.  
Тонг чоги сабо елгач сочингни силаб-сийлаб,  
Йўлингни ёритмоқлик офтобга қарор энди.  
Ноз бирла бу гулшацда шодона хиром этсанг,  
Ҳуснига бино қўйгав гулгунчага ор энди.  
Сайрингда илиб кўзга ҳамроҳинг этар бўлсанг,  
Билгилки Калоний ҳам толеига ёр энди.

## У КАБИ

Айтингиз, борму жаҳонда бир гўзал, оҳ, у каби,  
Сочлари тундек қаро, кўзлари оҳу каби.  
Бир нигоҳ бирлан вужудимни сехрлаб қўйди у,  
Дил уйимни ёруг айлар сўймас ул ёғду каби.  
Васлининг йўлида қанча йиғласам, қон йиғласам,  
Хуш ёқар доим, билингизлар, майин кулгу каби.  
Мен учун ҳажрида куймоқлик азобидан кўра,  
Ишқида ўлмоқ осондир, бир ширин уйқу каби.  
Кетмагай ҳаргиз хаёлимдан висоли ёрнинг,  
Ҳисларим қимматлидир энг бебаҳо инжу каби.  
Васлига етсам Муродимга ҳамиша ёрман,  
Мўътабар борму, Калоний, ишқ деган туйғу каби.

## **ЗАВҚИ ТОШДИ**

Нигорим соchlарин қизлар тарашди,  
Учларига толпоуклар улашди.  
Лабига қирмизи рангларни суртиб,  
Юзларин оқ уполарга белавыди.  
Қошларию кипригини сийпалаб,  
Үсма суртиб, сүңг ҳавас-ла қараңди.  
Айтдилар: пардозу андоз сиз учун,  
Қүйиб қүйган каби ғоyt яраңди.  
Қадам босган зди бир-бир нигорим,  
Иzlарини соchlари ҳам ялаңди.  
Сезиб турдим аният қалби-ла қалбим,  
Мұхаббат риштаси бирлан туташди.  
Ҳавас айлаб боқиб турсам, Калоний,  
Бу ҳолатдан дилимнинг завқи тошди.

## **ЯРАШСАМ-ЧИ**

Араз қылган нигорим-ла бу күн яйраб ярашсам-чи.  
Ярашсак деб згиб бошим, салом айлаб сұрапшсам-чи.  
Саломимга алик олса бориб ёнига, ҳурматдан,  
Юриб үйда юмуш қылса дилим бирлан қараңсам-чи.  
Чүкиб оина ёнига, ўзига зеб берар бўлса,  
Қўниб ёнига оқиста майин сочин тарашсам-чи.  
Соҳоват кўрсатиб, меҳру мурувватлар этиб ошкор,  
Садоқатнинг узилган риштасин қайта улашсам-чи.  
Ўқиб дилкаш разаллардан, Калоний, эҳтиром бирла,  
Сўниб қолган мұхаббатнинг оловини қалаңсам-чи.

## **ОНСОН АЙЛАДИ**

Ул юзи гулгун келиб, кулбам чаророн айлади,  
Кўзларимни яшнатиб, ақдимни ҳайрон айлади.  
Учрашиб суҳбат куриш ишқида эрдим, баҳтима,  
Ўлтириб шундоқ ёнимда аҳди паймон айлади.  
Васлининг орзусида бемор эдим, дардманқ эдим,  
Дардларимга нур нигоҳи бирла дармон айлади.  
Ҳажрида жонлар чекиб, жондан жудо бўлган маҳал,  
Бир табассуми билан меҳрин ширин жон айлади.  
Мен факир бечоранинг етқуртириб кўкка бошин,  
Барча ағёrlарни(нг) бағрин таҳ-батаҳ қон айлади.  
Кўрсатиб ҳусну жамолини Калонийга бу кея,  
Тавсиф этмоқлик ишин бир мунча онсон айлади.

## ДЕРЛАР СЕНИ

Дилбарим, хұснингни беқад дилрабо дерлар сени,  
Күркіга ахли жақон тенг маҳлиә дерлар сени.  
Бу жақон майдонин этдинг жильтыра бирла пурзиё.  
Жисми бұлған нур-зиёдаң хүп жило дерлар сени.  
Богаро көзсанғ атиргул бағри қондир рашиқидан,  
Філмөн аҳлидан гүзарлоқ ҳурылқо дерлар сени.  
Юксак ахлоқыні намойинштік айладынг, эй дилрабо,  
Ақли-идрок бобида зынг бебақо дерлар сени.  
Мен садоқат оламин содиқ асил үтлониман,  
Ақдига содиқ кишиға жон фідо дерлар сени.  
Бунчалар ҳам сен мұкаммал, бунчалар ҳам сержило,  
Бор Эгем барпо этибдир бекшато дерлар сени.  
Майли, ишқинг бирла күйсам, майли, ёнсам күл бўлиб,  
Изларингни кўзларимта тутиё дерлар сени.  
Кел, қабул этгил мухаббат айласам изҳор бу кун.  
Ишқ элин дардига доим ҳам шифо дерлар сени.

## ДИЛИ ПОҚДИР

Садоқатсиз одам ҳарғыз кишиға дўст бўлолмайди,  
Хиёнаткор эса ҳатто ўлай дейди, ўлолмайди.  
Менинг баҳтим садоқат ҳам вафо бирла мурувватда,  
Бу баҳтимни дилимдан ёв қувай дейди, қуволмайди.  
Азиз қалбимга имоним, ёронлар, сут билан кирган,  
Имонсиzlар ани буткул юлай дейди, юлолмайди.  
Кишида гар фаҳм бирла фаросатдан асар бўлмас,  
У куйган ой мисолидир, тўлин ойдек тўломмайди.  
Калонийнинг дили поқдир, мусаффодир, губори йўқ,  
Ғанимлар устидан тинмай кулай дейди, кулолмайди.

## ЎРТАДИ

Дўйстларим, найлай, мени ишқида бир ёр ўртади,  
Айлабон ошифтаҳол ҳажрида бисёр ўртади.  
Мен уни дилдан севиб, меҳрим бериб ардоқласам,  
Воажабким, ул мени айлаб ҳақир, хор, ўртади.  
Жонларингта жон нисор этмоққа ҳозирман десам,  
Жонга жон даркор эмас деб, жонни дилдор ўртади.  
Кўзларимдан ёш эмас, қалбимнинг қони оқди, оҳ,  
Сангидил, деч раҳми йўқ маъшуки хунхор ўртади.  
Эй Калоний, фамларим тавсифин ашъор айласам,  
Бу нечук ҳолким, жақон аҳдини ашъор ўртади.

## НАВО НАВБАТИ

Үтиб кетди, ёрим, жафо навбати,  
Етиб келди кулиб, вафо навбати.  
Азият, машаққат үтмишда қодди,  
Бу күн иккимизга сафо навбати.  
Хижрон юракларни айловди яра,  
Шукрким, бул нафас даво навбати.  
Ризоман кирмоққа висол борига,  
Ризо бўл, сенгадир ризо навбати.  
Дариғ тутма, жоним, зиёли васлинт,  
Саҳо қил, саҳо қил, саҳо навбати.  
Севгимиз жилоси оламни тутсин,  
Ҳақиқий севгига жило навбати.  
Келақол, кўйлайлик жўр бўлиб, эркам,  
Калоний, айни пайт наво навбати.

## ФАЙРАТ ҚИЛОЛСАМ КОШКИ

Севганим-ла бир нафас хилват қилолсам кошки,  
Хилват айлаб диллашиб сұхбат қилолсам кошки.  
Хуш келибсиз, деб кутиб, одига дастурхон тузаб,  
Май билан сийлаб суюб, иззат қилолсам кошки.  
Дастига анвойи гуллардан тутиб, зъозлабон,  
Совғалар инъом этиб, ҳиммат қилолсам кошки.  
Нени ул хушлар эса тез ҳозири нозир этиб,  
Бир гуломидек анга хизмат қилолсам кошки.  
Ҳажрида куйганлигим, ёнганлигим айтиб бериб,  
Кўксига болпим қўйиб ҳасрат қилолсам кошки.  
Васини сўрмок учун ҳаргиз ботинмас эрди тил,  
Май ичиб мастона пайт журуъат қилолсам кошки.  
Эй Калоний, мадҳига шеърлар ёзишдан ҳормайин,  
Жўщди илҳомим дебон тайрат қилолсам кошки.

## ШУЪЛА АФШОН ЎЗЛАРИ

Оҳ, менинг кўнглам ёритган шуъла афшон ўзлари,  
Қайга борсам кўзларимда чув иамоён ўзлари.  
Эрта-кеч ўю хаёлим банд этиб, ўртаб дилим,  
Мисли жаннат ҳури янглиғи нега пинжон ўзлари?  
Юзларин офтоб дегайман, кўзларин юлдуз, vale  
Орзуйим кўкида порлок мохи тобон ўзлари.  
Мен-ку ишқнинг ўти бирла сўхта бўлган телбаман,  
Дилгинам куйган қўёшу мовий осмон ўзлари.  
Эй Калоний, дардларимга дори излаб толмагин,  
Қанча дардим бўлса ҳамки дори-дармон ўзлари.

## ДЕСАНГ-ЧИ

Севдим сени мен, мен сенга хуштор десанг-чи,  
Ошифта дилим ёзгани гуфтор десанг-чи,  
Васлингта етиш ниятида ишқ эли бўлдим,  
Ошиқ кишига меҳр уйи анвор десанг-чи.  
Гар севгинг асил эрса, дединг, садқа бўлойин,  
Бу сўэни, гулим, бир яна тақрор десанг-чи.  
Ҳажрингда десам кўйди менинг жисмиму жоним,  
Йўлимда кўзим тунлари бедор десанг-чи.  
Тоңт чоти ҳузуримга кулиб тақлиф этурда,  
Ёнингта ўзим боргани тайёр десанг-чи.  
Айтсамки сенга мен жону, мен сенга нечукман,  
Сен менга дилу, мен сенга дилдор десанг-чи.  
Куйингда, Калоний, ёзаман шеъру ғазаллар,  
Мадҳимда мени ёз, қани, ашъор десанг-чи.

## СЕНГА ДЕБ

Кўрмадим сендеқ тўзал дилдорни,  
Сўзи ширин бир пари ружсорни.  
Юз гулу соч сунбулу лаб-ғунчадир,  
Қайда, ким кўрган бу хил гулзорни?  
Ғунча ул лаълингта қўйдим лабни, лек  
Сездиму бол, сезмадим ҳеч хорни.  
Боғаро ел соchlарингдан тортадир,  
Рашқ қилурман, ҳайда ул беорни.  
Сен даво қилдинг шифо васлинг билан  
Севгининг дардидаги мен беморни.  
Арзигай бошимга қўйсам, ўрилиб,  
Сендайин содиқ вафодор ёрни.  
Эй нигорим, кимга шеър битдинг дединг,  
Сенга деб ёздим, Калон, ашъорни.

## ЁР КЎЗЛАРИ СУЗИЛЯПТИ

Ёр кўзлари сузиляпти,  
Дил бандидан узиляпти.  
Мастон-мастон қарашлари,  
Кўз лавҳига визиляпти.  
Ҳадикларнинг борларида  
Хаёлотда кезиляпти.  
Сузилишлар ўзгача-ку,  
Менга шундай сезиляпти.  
Рашқ олови авж оладир,  
Киприкка ёш сизиляпти.

Ҳасратимдан чиқар тутун,  
Юрак-бағрим эзиляпти.  
Калонийнинг оҳларидаң,  
Шеър қорозга тизиляпти.

## КҮНМАДИ

Рози бўл ёрим бўлишликка десам, ёр кўнмади,  
Ор қилурму, билмадим, ул кўзи хуммор кўнмади.  
Куйди дил ишқингда, ҳолимни ҳароб этма десам,  
Менга не бўлсанг ҳароб деб, берди озор, кўнмади.  
Тиз чўкиб пойига, ёлнорсам, нетай, ҳор айлади.  
Ҳайдади, тур, кет деди, жаҳл этди бисёр, кўнмади.  
Билмадим не боиси, ё боша ёри бормикан?  
Йигладим, кўз ёшларим кўш бўлди анҳор, кўнмади.  
Эй Калоний, найлайнин, бопимни қай тошга урай,  
Рози бўл ёрим бўлишликка, десам ёр кўнмади.

## ЭТМАДИ

Ўртаниб кетдим, бироқ ёрим мени ёд этмади,  
Хаста кўиглимга муруват этмади, шод этмади.  
Мен мұхаббат ўтида ҳуб қоврилиб, бўлдим адo.  
Қалбиди ишқ ўтини дилдор бунёд этмади.  
Жон чекиб, қайгуга ботдим, айладим фарёд, лек  
Ҳажрининг занжиридан бир лаҳза озод этмади.  
Куйида ҳушдан кетиб, телбаваш бўлдим, нетай.  
Мен каби девоналиқ Мажнуну Фарҳод этмади.  
Ҳажрида куйга дилим, қомат мисоли долдир,  
Бевафо раҳм этмади, қадимни шампиод этмади.  
Бош олиб кетсан бўлур дунёдан энди, эй Калон,  
Васлинин ёрим менга ҳаргиз умрбод этмади.

## СЕНИ

Эл азоби муттасил қалбингни қийноғлар сени,  
Чекса оқу нолалар, доғ устига дорлар сени.  
Ишқ олови ичра ёнган телбаваш девонасан,  
Ранжима қылса мазах ул ишқи йўқ соглар сени.  
Кулса ағёр эҳтиёт бўл, йигласа ҳушерроқ,  
Ул нишон айлар сени, ҳар лаҳзада чоғлар сени.  
Бир қараб қўй, йўлларингдир шиша янглиғ яхмалак,  
Гар ийқилсанг ҳеч суюб қолмас баланд тоглар сени.  
Дўстларим деб жон чекарсан, дўстларинг афсус этай,  
Душманинг макри билан қўл-пойларинг боғлар сени.

Аввало бошингни еб, сўнгра егай оспингни ҳам,  
Қалбида ағёр, тилида яхши ўрторлар сени.  
Эй Калоний, кимсасиз саҳродаман, деб ўйлама.  
Доимо чорлаб турар жаннатмакон боғлар сени.

## РОЗ БҮЛДИ

Сента дил берган эрдим, соз бўлди,  
Ҳаётим ҳам қил эрди, ёз бўлди.  
Тиним билмай меҳр кўргиздим, аммо  
Нигорим, эътиборинг оз бўлди.  
Жабр этма, муруват қил дегандим,  
Жафойинг нега менга боз бўлди?  
Таваккал деб этувдим севги изҳар,  
Назарга илмадинг, ё ноз бўлди.  
Баногоҳ бир табассум совға этдинг,  
Эгик қаддим ўшал ои роз бўлди.  
Калоний, севги ҳақда шеър битувдим,  
Бу сенга чин юракдан роз бўлди.

## ҚОЛМАДИ

Дилрабо кўрсатмаган жабру жафоси қолмади,  
Бошима ёғдирмаган дарду балоси қолмади.  
Ул мени ҳижронга айлар рўбарў, эвоҳким,  
Жоними ўрташдан ортиқ муддаоси қолмади.  
Севгидан ўзга менинг қай бир гуноҳим бор экан,  
Шаънима ёр суртмаган ҳеч бир қароси қолмади.  
Мен билан сўзлашгани фурсат тополмайдир, бироқ  
Ёт раним-ла қилмаган аҳду вафоси қолмади.  
Жабридан беҳад тўйиб кетганилигим айтсан, дегай:  
Дилгинамнинг сен учун меҳру сафоси қолмади.  
Эй Калоний, танда жон чиққунча озор берди ёр,  
Этмаган қалбингни зарра илтижаси қолмади.

## ЎЗИМ ГУЛЗОР ДЕДИ

Дилгинам ул дилрабога мен сенга хуштор деди,  
Дилрабо: севгингни қатъий айладим ивкор деди.  
Этма рад севгингт йўлига жон тикай деса дилим,  
Жон бериш ҳеч гап эмас, кўнгил олиш душвор деди.  
Мен жаноб кутган эдим бор сайрига таклиф этиб,  
Не керакдир гулшанинг менга, ўзим гулзор деди.  
Деб эдим кўрку жамолинг мадҳ, этай тинмай, Калон,  
Кулди-ю ҳар боқишим асли ўзи ашъюр деди.

## ҚҰЛ ТАШЛАМАЙМИЗМИ?

Құвіб ҳижронни, дилдорим, висолни бошламаймизми?  
Кириб бөгларға гүлзорлар аро ёнбошламаймизми?  
Умр ўтқиігчидир, фурсат ғаниматдир, ғаниматдир,  
Қүйіб лабларни лабларга, бўйиндан ушламаймизми?  
Кавокиб сайрини тунлар ва лола сайрини кунлар  
Суриб гаштими, завқидан кўнгилни хушламаймизми?  
Ширин ўю хаёлларни суришлиқдан ҳузур айлаб,  
Гина, кудрат, аразларни бутунлай ташламаймизми?  
Севишганлар аро бизга келолгай қайси тенгдош тенг,  
Сени Ширинга, Фарҳодга менин турдошламаймизми?  
Калоний, чин мұхаббатта садоқат кўрсатишикка  
Беріб ваъда, вафосига суюб қўл ташламаймизми?

## АТО ҚИЛИБДИ

Гар аҳли вафо вафо қилибди,  
Жонига ўзин сафо қилибди.  
Аҳдига вафо қилмаса, аммо  
Оламда буюк хато қилибди.  
Қалбин уйига зиё барышлар,  
Мехрини агар бажо қилибди.  
Ҳар кимки элин дуосин олса,  
Бахтини мудом бақо қилибди.  
Мангугта яшаб қолибди, билсанг,  
Эл-юртига жон фидо қилибди.  
Нафсилии гуломи бўлса ҳар ким,  
Ул ўлмасидан қазо қилибди.  
Фарзандига шоҳ мисоли бўлгай,  
Ким ўз отасин ризо қилибди.  
Юз бурса агар савоб юмушдан,  
Ақлин бошидан жудо қилибди.  
Қўл урса агар зинога ногоҳ,  
Ҳар икки юзин қаро қилибди.  
Ёзгин, ёзавер, Калоний, тинмай,  
Илҳомни Худо ато қилибди.

## МАРҲАБО ДЎСТАЛК ЙИЛИ

Үлкамизга хуш келибдир, марҳабо, дўстлик йили,  
Бахш этибдир бизга шодлик, бебаҳо дўстлик йили.  
Эл кутиб олди севиб, эзгу тилаклар билдириб.  
Барча ўттан йилларидан дилрабо дўстлик йили.  
Бекиёс тинчлик ато этгай диёримга менинг,  
Жанг-жадал кўрмайди ҳаргиз, мутлақо, дўстлик йили.

Хар ойи минг хосият, ҳар бир куни хуш кайфият,  
Тортадир дилни, қарант, оханграбо дўстлик йили.  
Бир-бирингизга мурувват кўрсатинг, эй жўралар,  
Оқибат меҳру вафоларга жило дўстлик йили.  
Одамийлик йўлида юксак камолот кўрсатиб,  
Норасоларни этар ақли расо дўстлик йили.  
Ўзга йилларга яширманг дилдаги асрорни,  
Не юракда бўлса, айтинг, муддао, дўстлик йили.  
Бор муродлар ҳосил ўлгай, режалар рўёбладир,  
Ишларингиз айлагайдир жобажо дўстлик йили.  
Баркамоллик чўққисин қоллар тараққиёт ҳам,  
Фан ривож топтай, ўсар хўб кимиё дўстлик йили.  
Тез қадам босмоқ керак эзгу юмушларга томон,  
Ҳеч адаштирамай етаклар раҳнамо дўстлик йили.  
Хотирингиз жам қилингким, элу киртта етказар  
Тозза сув, покиза еру хуш ҳаво дўстлик йили.  
Эй Калоний, ҳурриятни сақла иймонинг билан,  
Минг асрларга татииди мутлақо дўстлик йили.

## ТОПИЛМАЙДИ

Дилим асрорларин шарқлаш учун маҳрам топилмайди,  
Бирор ҳамкору ҳамрозу, бирор ҳаиҷам топилмайди.  
Менинг кўзимдан оқдан ёпі Амударёю Сирдарё,  
Бироқ қонхўр рақибим кўзида шабнам топилмайди.  
Агар дардим санар бўлсан адогига етиб бўлмас,  
Нетай, малҳамлик этгувчи шифо, марҳам топилмайди.  
Ичим ғамга тўлиб, қалбим адо бўлган, куйиб кетпан,  
Ва лек кўзга кўринингувчи бирор фуррам топилмайди.  
Қариндош, ёр-биродарлар томошога келур, аммо  
Менинг дардимга ҳамдард, ҳамнишин одам топилмайди.  
Алар имонидан маҳрум бўлиб, осийлик эттайлар,  
Калон, имонлиман, мендек дили куррам топилмайди.

## БУЗМА ҚАРҒАБ ГЎРИНИ

Бойвачча гар севиб қолса чўрини,  
Ҳадя этар уйларининг тўрини.  
Қалб олови ёниб турсин ловиллаб,  
Кул бостирма чўғларини, қўрини.  
Тилёрлама мунофиқдан қоч нари,  
Қўйга ҳамроҳ этиб бўлмас бўрини.  
Оқ оқ эзур, қора доим қоп-қора,  
Оппоқ дема кўрмай туриб мўрини.  
Яғир, қўтири от пойгага яролмас,  
Бедов минсанг танлаб мингин зўрини.

Мева деган ҳил-жил пишса бол бўлур,  
Аччиқ бўлур, узма ҳаргиз гўрини.  
Сохта маъшуқ ошиқ излаб дом қўяр,  
Кўзлар доим ишқининг кўзи кўрини.  
Ким синамай бевафога берса дил,  
Тўйдан кейин қурилади шўрини.  
Тиригида айтар гапни айт, Калон,  
Ўлгандан сўнг бузма қарғаб гўрини.

### ЭТМАСАНГ-ЧИ

Гўзал, севгимни инкор этмасанг-чи,  
Куюк қалбимни бемор этмасанг-чи.  
Сенга ишқим қиёси йўқ буюқдир,  
Буюк ишқимни бекор этмасанг-чи.  
Ажаб, ҳажрингда Мажнундир қиёсим,  
Кўриб қолган маҳал ор этмасанг-чи.  
Дилим асрорларини сенга очдим,  
Ани азёрга ошкор этмасанг-чи.  
Суюкли манзил изларман ўзимга,  
Дилингни мен учун тор этмасанг-чи.  
АЗоб ҳажрингда куймаклик, азизим,  
Ҳаётим бунчага абгор этмасанг-чи.  
Рақибларга муруваттаб айлаб эҳсон,  
Менга зулмингни бисёр этмасанг-чи.  
Кел, эй, васлингга еткур, муштоқингман,  
Қилиб ноз, бунчалар зор этмасанг-чи.  
Хароб ўлдим, хароб ўлдим, Калоний,  
Ситамкор, жабру озор этмасанг-чи.

### ЖОНОНИМИЗ БИЛДИ

Шукрким, дардимиз оғир эди жононимиз билди,  
Юраклар дардини ўзга эмас, ўз жонимиз билди.  
Бу кун шодмон бўлиб, осмонга отсак дўпнимиз арзир,  
Хароб бўлган забун аҳволимиз сутонимиз билди.  
Мұҳаббатнинг азобига дучор бўлмоқ туфайлидан,  
Тинимсиз ашқ оқиб турғонлигин мижгонимиз билди.  
Сўлим майдони чек билмас кўнтил бўстонида дўстлар,  
Мұҳаббатнинг қуёши борлигин осмонимиз билди.  
Бу кун мұхтож эди ҳаддан зиёд кўнгил муруватта,  
Кулиб толе, қаҳр зрмас, меҳр қўйғонимиз билди.  
Калоний, имқимиз малҳам экан кўнгилга ҳар доим,  
Вафо бирлан садоқат қадрини виждонимиз билди.

## МЕН УНИ

Севмасам гар тушларимда күрмас эрдим мен уни,  
Дүстларидан ном-нишонин сүрмас эрдим мен уни.  
Эргалабдан кечігача, кеңдан тағын то тонгача,  
Бир күрай деб күчасида юрмас эрдим мен уни.  
Мұттасил ю хәёлини суриб, оқлар чекиб,  
Суратин күз олдима келтурмас эрдим мен уни.  
Хам юрақдан, ҳам жигардан урмаган бұлса агар,  
Рашк қилиб, изчил сүроқлад турмас эрдим мен уни.  
Жону дилдан ҳам сүокли күрмасайдим васлинини,  
Ишқ йўлидан ўзга йўлга бурмас эрдим мен уни.  
Эй Калоний, сүрмагин опиқмисан чиндан дебон,  
Севмасам гар тушларимда күрмас эрдим мен уни.

## БЕЗАНДИ

Жалнатни(нг) ҳури янглиғ бизни нигор безанди,  
Қоши қалам, анор юз, күзи хумор безанди.  
Тун чорида фалакка чиқди күеш демангиз,  
Нурлар сочиб жаҳонга кучли шарор безанди.  
Кўрганда кўз жамолин яйради шундоғамки,  
Фасли баҳорда мисли гул, гулзор безанди.  
Ҳисларга йўғрилиб дил, бозовта бўлса арзир,  
Ташлаб нигоҳ юракка маstonавор безанди.  
Ёнмай десанг агарда кўз ёшни тўқ бадаига,  
Ишқ оташига дилни айлаб дучор безанди.  
Қорозни ол, Калоний, туттил қаламни қўлга,  
Илжом жўшиб, ғазаллар бўлди қатор, безанди.

## ШУНДАН БЕРИ

Кўрдиму шайдо бўлиб қолдим, нигор, шундан бери,  
Қайта кўрмоқлик учун дил интизор шундан бери.  
Бир қиё боқдингу ақлим учди кетди, эй пари,  
Билмадим недир сабаб дил бекарор шундан бери.  
Суратинг дил кўзгуси тасвир этиб қолғон экан,  
Кўзларинг, оҳ, бунчалар маstonавор шундан бери.  
Қуш бўлиб парвоз этиб ёнингга, ёр, учгим келур,  
Жону дил ҳажринг билан кўп ҳокисор шундан бери.  
Мен нетай, қандай жавоб ҳозир этай, эй дилрабо,  
Айтадур қалбим қани рухсори ёр, шундан бери.  
Севгининг дарди жуда оғир экан, ўртайверар,  
Топмадим ҳаргиз, гулим, чора бирор шундан бери.  
Етгали васлинг учун муштоқи зор ҳар дам, Калон,  
Этгали тайёр эзур жонни нисор шундан бери.

## РАББАНО

Раббано, умрим тугаб олсанг омонат жонни,  
Илтимосим: олмагин қалбимдаги имонни.  
Бор бисотимдир менинг шу дидаги иймөнгинам,  
Ажратиб үйгөлатма ундан мен фәкир инсонни.  
Ед этиб айтib турай ёлғыз Расулинг номини.  
Тұрмасин теппамда, құвла шум ният шайтонни.  
Охиратта йўл очар айниқса шу оқигри дам,  
Бой бериб қўймай тарин мен сўнгти бу имконни.  
Жонни ол, майлига, лекин тегма, қолсин иймоним,  
Шунда құтлаур он атарман шу ғанимат онни.  
Дер Калоний, дини йўқ дўзах оловида куяр.  
Қўрқаман, Оллоҳ, узоқ тут ўтли у вулқонни.

## БАХТ ЭРУР

Баҳт эрур фарзандни(нг) қобил ҳам қулогли бўлгани,  
Жонга оғатдир, бироқ манман, димогли бўлгани.  
Хулқу одоби билан ўсса юзинг ёрут қилюр.  
Гар ёмон феъли эса кўнгилини(нг) дорли бўлгани.  
Эгри ўстган ҳар дараҳт чўли яроқсиз, нокерак.  
Тўғри ўстган бўлса шудадир энг яровали бўлгани.  
Эссиз, исрофгар ўқил рўзгорни вайрон айлагай,  
Лек тежамли бўлса бу чўмични(нг) ёғли бўлгани.  
Қақраган саҳрою дашти Карбало кимга керак,  
Бу жаҳоннинг кўркидир, яйловли, боғли бўлгани.  
Қоп-қоронни юзта уйга кирма, кўнглинг яйрамас,  
Соз эрур минг бора бир уйнинг чирогли бўлгани.  
Қайси фарзанд хуш бўйлур деб, эй Калон, сўрдинг, нетай.  
Яхшидир дилли, имонли, қўл-оёғли бўлгани.

## ҚАНИ?

Дард кўп, изҳор этишга куч қани, қудрат қани?  
Бош эгиб тоқат қилишга вақт қани, фурсат қани?  
Бир ўзим малҳам тополмай чорасиз толмоқдаман,  
Ўзгадан ёрдам сўрамлга розилик, рухсат қани?  
Кун бўйи меҳнат, машаққат, зам чекиши, ташвиш чекиши,  
Лоақал туш чоғида уч-тўрт нафас роҳат қани?  
Найлайин, рўзгорни тебратмоққа ҳам ҳол қолмади,  
Хайр қани, эҳсон қани, олийжаноб ҳиммат қани?  
Бу куни дарё змас, ҳаттоқи деңгизлар қурир,  
Кўхна бу очунда, айтинг, шунчалар даҳшат қани?  
Сув ичар бўлсан заҳар, тупроқ заҳар, осмон заҳар,  
Ваҳзи, эл ҳеч кўрмаган бир мусибат, оғат қани?

Яккаю ёлғыз қолиб ўлсам бирор билгаймукин,  
Дил ёзиб, бир дардлашурға дүст қани, улфат қани?  
Соф ҳавога ташналиқдан берди жон қалхат кече,  
Энди юртда булбул эрмас, қаргаю қалхат қани?  
Қоштарий, Беңзод, Навоий үтдиілар шуҳрат топиб,  
Мен бу күн оми әрүрман, ул шараф, шуҳрат қани?  
Ким боболар рұхига тош отса осийлик қылур,  
Бу күфр ишдән қочишига кимсасиз хилват қани?  
Эй Калон, дардинг баён айлаб разал битдинг, vale  
Үқмаса ҳеч ким уни ёзмоққа, айт, қожат қани?

1990 йыл

## ДИЛРАБОНИНГ ИШҚИНИ

Қайданам солдим дилимга дилрабонинг ишқини,  
Дилраболар ичра дилбар махлиқонинг ишқини.  
Дейдилар иші дардини кони азобдир, лекигин  
Мен дедим дардимга дори жонғизонинг ишқини.  
Билмадым дүзак оловидан зиёд куйдургусин,  
Ою кундан ҳам зиёд нуру зиёнинг ишқини.  
Толеимни тим қаро этмоқдигин қайдан билай,  
Кошию сочи, күзи түндек қаронинг ишқини.  
Ақлу ҳупдан мосуво этморини кеч англадим,  
Аҳали доңишшар аро якто, расонинг ишқини.  
Эй Калоний, ҳаммадаң ҳижрон азоби зүр экан,  
Қайданам солдим дилимга дилрабонинг ишқини.

## ЗЕБО КИТОБ КЕЛДИ

Чиқ дил йўлига пешвоз олийжаноб келди,  
Оlamни нурга йўғриб бир офтоб келди.  
Ҳуснига термулиб тўй, ол баҳра бўйларидан,  
Кўркини кўз-кўз айлаб ёр бедижоб келди.  
Товус каби хиромон этмоқда, жилласин кўр,  
Минг ишваси мужассам нози итоб келди.  
Айлаб қулоқ үмжудинг, тингла ширин овозин,  
Софигларингни ёзган ҳатта жавоб келди.  
Бир лаҳза ҳам кечикмай тўйгунча сипқариб ҳол,  
Лаъл лаб деган қадаҳда гулгун шароб келди.  
Ҳажрин азобларидан чекмоқда эрдинг озор,  
Этмоқда жисму жонинг беизтироб келди.  
Илҳом жўшар, Калоний, қўлга қаламни олин,  
Кўркам разал битилган зебо китоб келди.

## ДИЛ ТОРИНИНГ НАВОСИ

Севган нигоримиздир журларнинг ҳурилиқоси,  
Фоятда кўп ярашган кийган қизил либоси.  
Қоматларига қалбу жонлар тасаддуқ ўлсии,  
Нигоҳлари шифобахш, дардларимиз давоси.  
Сумбула сочларин гар ёйса эсиб саболар,  
Хуш бўйга йўғрилар ҳар етти жаҳон ҳавоси.  
Мижгонлари бўлиб саф чашми сиёга посбон,  
Бир холга жой берибдир қопиларининг ароси.  
Лаъл лабларида мавжуд бол сўрса ҳеч тутганимас,  
Андин насиба олмоқ дилларнинг муддаоси.  
Гулзор аро хиромон этса фалак ҳавасда,  
Илму одоблари бор оламни(нг) бебаҳоси.  
Таъриф этай десам гар сўз мулки етмагай ҳеч,  
Бахшидадир, Калоний, дил торининг навоси.

## НЕ УЧУН АСРОР ЭТАЙ

Дейдиларким, ошиқ ўлсанг сақла бу асрорни.  
Мен нечук йўқ деб туриб олгум дилимда борни.  
Тарс этиб минг бир бўлакка айланиб кетмасми дил,  
Этмасам огоҳ агар андан севимли ёрни.  
Айласам гул бирла булбулга қиёс, булбул мудом  
Ишқидан огоҳ этар сайраб туриб гулзорни.  
Сирларим ҳалқимнинг асрори билан як хил зрур,  
Бир-биридан не учун асрор этай ошкорни.  
Дилдаги боримни ошкор айлатай илҳом, Калон,  
Дил сиримдан ўзга деб айттолмагум ашъорни.

## ТЎНКАЙДИ

Килиб расво ишин, ул кас бўлак инсонга тўнкайди.  
На инсон қушлару куртлар билан ҳайвонга тўвкайди.  
Уни ундоқ, буни бундоқ қилурман дер ва лек асли  
Ёпиб томин омонат, нуқсини бўронга тўнкайди.  
Ҳаёт йўлида гар пайдо эса турли муаммолар,  
Этотмасдан, ажаб, ҳал, тиржайиб имконга тўнкайди.  
Бошига не бало келса ўзидан кўрмагай нокас,  
Ёмон нафсин тиёлмай, қисматин қопқонга тўнкайди.  
Таомни кўп емоқлиқдан мабодо ул бўжиб ўлса,  
Мента бисёр таом қўйди дебон мезбонга тўнкайди.  
Қуёшнинг нурини ердан тўсиб турган булут янгли,  
Нечун афтинг қаро деб сўрсангиз қўмғонга тўнкайди.  
Агар дўппи келиб тор, ноилож қолса, не даҳшатким,  
Қочиб жонли садамдан, бегуноҳ ўлонга тўнкайди.

Калоний, эл билан ҳамкор бўлиб ҳар лаҳза ҳушёр тур.  
Бу хил имони йўқ айбин, нуқул давронга тўнкайди.

## КЎРМАЙДИ

Унинг паймонаси тўлган экан, оғатни кўрмайди,  
Ҳаётида бошига тушгучи кулфатни кўрмайди.  
Кўзи гўё сўқир, фарқ этмагай зулмат билан нурни,  
Асил душманга ёнбосганикан, улфатни кўрмайди.  
Разил ағёр очик кўйгани тузоқда бопи суқар, аммо  
Садоқатли рафиқлар этган ул ҳимматни кўрмайди.  
Дегай: ҳар нарсага таъқиқ этурлар, менга хурлик йўқ,  
Вале баҳту садоқат йўлига рухсатни кўрмайди.  
Мудом бекуда ташвишлар билан умрин адо қилгай,  
Бироқ наф бермайин ўтган азиз фурсатни кўрмайди.  
Қадам ташлар мудом тошбақа янглиғ, бу не сустлик?  
Замона суръатида мавж урап суръатни кўрмайди.  
Калоний, вақтида кўзни очиб олмас экан ножинс,  
Ўтар умри разолатда, сира роҳатни кўрмайди.

## ТУШУНМАЙДИ

*Дингор ниқобидағи бир ақидапараст ногон ҳусусида*

Ҳақиқатни тушунтиранг, у ҳомкалла тушунмайди,  
Тушунмасди бурун, нега у бу палла тушунмайди?  
Фақат онги эмас, кийган либоси ҳам эрур антиқ,  
Оёғида қалиш, офтобаси малла, тушунмайди.  
Анга айттан таппинг сувта отидган тошга ўхладайдир.  
Соқоли бир қарич, ҳум бошида салла, тушунмайди.  
Десанг ҳикматли сўзларни агар жон-танни хўб ўртаб,  
Юмиб кўзни, отар хуррак, сўзинг алла, тушунмайди.  
Калоний, шеър билан ул нусхага таъсир Мурод этма,  
Кўйиб ёзганларинг уқмас, этиб ялла, тушунмайди.

## ЗЕБО РИСОЛА ТУТДИ

Кўк чой қуиб дилоро зарҳал пиёла тутди,  
Зарҳал пиёлани ул гул юзли Лола тутди.  
Баҳона бир пиёла, аслида нозаниним,  
Бокира қалбин айлаб шайдою вола тутди.  
Шунчаки чой эмас ул зарҳал пиёла ичра,  
Ишқини менга аста айлаб ҳавола тутди.  
Мастона кўзларига оҳиста боқсан эрдим,  
Иффатли ёр экан ул шарму ўёла тутди.

Чойни олиб муҳаббат завқига тўади кўнгил,  
Мента қувонч, рақибга оҳ ила нола тутди.  
Илҳом жўшар, Калоний, пиёлада нигора,  
Севгиси мадҳ этилган зебо рисола тутди.

## БЎЛИБ ОЛДИ

Ой кўрди сени, ошигу шайдо бўлиб олди,  
Ўтрунгда бутун тун бўйи пайдо бўлиб олди.  
Етсамми дея зора қуловига, нигорнинг,  
Мис сирга бўлиб, ёқуту тилло бўлиб олди.  
Соч ювган эдинг сойга муаттар бўйи тарқаб,  
Кўл ювган эдинг суви мусаффо бўлиб олди.  
Пойингга сенинг тандаги жон бўлди пойандоз,  
Қошингда, ажаб, қад эгилиб, ё бўлиб олди.  
Ишқингга дучор бўлган эдим мен ҳам дилоро,  
Ул оташ экан, дил уйига жо бўлиб олди.  
Жонингга, тулум, етти жаҳон мулки садоға,  
Ҳажрингда кўзим ёшлари дарё бўлиб олди.  
Кўрганда гўзал кўрку жамолингни, Калоний,  
Маджингда сенинг тиллари бурро бўлиб олди.

## ДЎСТ АЗИЗ...

Дўст азиз мен-чун азиз умримдаги ҳар он каби,  
Дўст азиз мен-чун азиз жиссимидаги шу жон каби.  
Бўлмаса дўст ўйиму умримда маъно қолмагай,  
Дўстларим меҳри мұқаддасдир менга виждан каби.  
Соф кўнгили дўстларимга дилда ишқ дунёчадир,  
Ҳар дақиқа ишқи дўстларнинг лазиздир нон каби.  
Не ажаб, дўстлар қошига таллинар бўлса юрак,  
Дўст ахир, юксак эрур юксакдаги осмон каби.  
Дўстларим баҳтим менинг, баҳтсиз жаҳонни найлайин,  
Мен улар баҳтин кўриқлайман мудом посбон каби.  
Ушбу шеърим дўстларимниң кайфини чор айласа,  
Дилгинам бори, Калоний, яшнагай бўстон каби.

## ҚОЛМАГАЙ

Севги айру тушса дилдан таңда жоним қолмагай,  
Жон надир, жондан азиз ҳеч жонажоним қолмагай.  
Борлигимни дарди ҳижрон куйдириб кул қиласа оз,  
Қолмагай дилдан асар ҳам устихоним қолмагай.  
Бўлмаса ишқроҳати гар ўзга роҳатлар абас,  
Заррача ҳис, зарра туйғу дилда пинҳон қолмагай.  
Ёй-хаёл ҳам, орзулар ҳам, хуш бирор таъсир йўқ.

На қувончу на аламли нола, афғон қолмагай.  
Ишқи йүқ күнгил қүёшсиз зим-зимистон осмон,  
Ойи ҳам ҳеч қолмагайдир, кавкабистон қолмагай.  
Бемуҳаббат бўлса олам асли йўқ, гўё сароб,  
На бирор он, на замону давру даврон қолмагай.  
Эй Калоний, ишқи йўқ күнгилда ашъор на қилур,  
Баски шундоқ, шеъру достон ҳам ғазалхон қолмагай.

### ЖОН ИПИН МАҲКАМ УЛАЙ

Ишқ дардин юқтириб қўй, мен азобидан ўлай,  
Майли, ёр васлига етмай, телба бир мажнун бўлай.  
Чин муҳаббат гулларига кўз ёшимдан сув қуяй,  
Сўлса ишқим гуллари, мен ҳам очилмасдан сўлай.  
Берма, майли, тожу тахт, бер мен учун покиза ишқ,  
Гар йўқотсан севгини жоним бағишлаб хун тўлай.  
Севгининг хуш бўйни зебо гули барқ урса бас,  
Бир умр ишқ бояидан бегона ўтларни юлай.  
Сўрдингиз: жондан кечиш онсонми ё ишқдан кечиш?  
Нокулай ишқдан кечиш, жондан кечиш юят қулай.  
Жон или бирлан муҳаббат риштаси айру эмас,  
Деб Калон, ишқ риштасига жон ипин маҳкам улай.

### СЎРАБ ҚЎЙ

Зебо малагим, нозу ибо бирла қараб қўй,  
Хуш бўй таратиб сунбула сочингни тараб қўй.  
Бир лаҳза тўйиб термулайн нурли юзинита,  
Кўнглимга муҳаббат ўтини зумда қалаб қўй.  
Орзую ният, мақсадимиз бир бўлаверсин,  
Жонингни менинг жонима оҳиста улаб қўй.  
Гул севги учун покиза бир яхши рамздир,  
Зулфингга, гулим, гул берайин олу қадаб қўй.  
Ҳажрингда куйиб бўлди-ку кул жон ила жисмим,  
Тонг чоги келиб ҳолими бир бора сўраб қўй.  
Ёрингни, Калон, элчи бўлиб номаси кеди,  
Ол, хатни ўпид, кўзга суру битта ялаб қўй.

### НЕТАЙ?

Дўстлар, муҳаббат дардида беморман, нетай?  
Тун-кечалар ёр ёдида бедорман, нетай?  
Ҳижрон азобидан бу кун рангим сомон эзур,  
Ҳолим забун, қадим дуто, абгорман, нетай?  
Ул-ку ҳусн шоҳи зрур оламда баҳтиёр,

Мен ой жамолин күргани зорман, нетай?  
Ул күрса ҳам бөкмай қиё, мағрур ўтиб кетар.  
Мен ойжамолин күргани зорман, нетай?  
Шояд ўқиб ёрим дилин құлфини очса деб,  
Дардым ғазалда айладим изҳор ман, нетай?

### ЗЕБО ҒАЗАЛЛАРНИ БИТАЙ

Кечали кеча демай, күндузни ҳам күндуз демай,  
Эй шакаргүфтөрлигим, лаъли лабингиздан ўпай.  
Қирқ ўрам зулфингизи бўйнимга қирқ бора ўраб,  
Узмайин лабдан лабим, нозик белингиздан қучай.  
Иккимиз бир жон здик, бир танга бирлашсак, нетар,  
Шодлигимдан толеим осмонида парвоз этай.  
Жон десам, жоним дебон нозли табассум этдингиз,  
Айланай, минг ўргилай, юз минг садоғангиз кетай.  
Энг гўзал орзум висолингизга, ёр, етмоқ эди.  
Айламанг рад, шу гўзал орзуима шул дам етай.  
Ёр висолидан ширин оламда не бордир, Калов,  
Мен висолни мадҳ этиб, зебо ғазалларни битай.

### ВАФОСИ БЎЛМАГАЙ

Ёр вафодор бўлса ошиқ ҳам вафосиз бўлмагай,  
Иккиси бўлса вафодор кўз ёши тўкилмагай.  
Мехрибонлик ўрнига ким ҳам жафолар кўрсатур,  
Қолдириб дехқон алафларни, экинни юлмагай.  
Ёз ўтиб, куз ҳам келиб, сўлгай чаманлар ичра гул,  
Бу муҳаббатнинг гули бўлса умрбод сўлмагай.  
Неки бу оламда бор бир кун келиб умри тутар,  
Лекигин чин ошиқ аҳлин ишқи ҳеч вақт ўлмагай.  
Аслида севги мисоли бир либос янглиғ эрур,  
Сен садоқат бирла тиксанг чокидан сўклилмагай.  
Гар хиёнат бўлмаса ҳаргиз йиқилмас қасри ишқ,  
Келмаса куз фасли япроқлар, ахир, тўкилмагай.  
Эй Калоний, бўл вафодорким вафосизлик ёмон,  
Бевафолар омади оламда ҳаргиз кулмагай.

### СЕНГА ҚАЛБИМНИ ТУТАЙ

Сенга қалбимни тутай, ол, ўргилай,  
Олмасанг қалбимни, хуш қол, ўргилай.  
Юзларинг нурли қүёшга менгзатай,  
Лабларингнинг мислидир бол, ўргилай.  
Кўзларинг гўё кавокиб, жилвагар,

Қошларингнинг ўртаси ҳол, ўргилай.  
Қўл узатсам қўлларингни чўз менга,  
Тутқазарман баҳту иқбол, ўргилай.  
Севгиси ростми ва ё ёлғон дебон  
Шубҳа қилма, очма ҳеч фол, ўргилай.  
Эй Калон, ҳолинг қалай деб сўрмадинг,  
Энди сўргил ҳолу аҳвол, ўргилай.

## АФЁРЛИГИН БИЛМАЙ

Дилимдан жой берибман бевафо дилдорлигин билмай,  
Қиурман энди афсуслар, унинг беорлигин билмай.  
Кўзим қай ёқда эркан, хўб адашганман, адашганман,  
Суюбман, гул деб ўйлабман, заарали хорлигин билмай.  
Ўраб зулфини гарданга, миёнидан қучибман, оҳ,  
Сочи бўйнимга сиртмоқ, қомати ҳам дорлитин билмай.  
Силаб бошини бағримга олибман эркалаб, ҳайхот!  
Анинг сирти сиалиқ, қалби заҳарли морлигин билмай.  
Мұҳаббат дардида оғриқ дилимга чора излабман,  
Садоқат бобидан қалби азал беморлигин билмай.  
Қилибман илтижо нафсиз, муруватсиз экан бисёр,  
Борибман бош згиб, жоҳила, тагин хунхорлигин билмай.  
Калоний, бошни чанглаб, не қилғайман, билолмасман,  
Берибман қўл асила дўст деб, асила афёрлигин билмай.

## ЭЙ ЁРОНЛАР

Эй ёронлар, ошиқ ўлдим, бир қаро кўзга, нетай?  
Бўлди олам энди ўзга, бўлдим мен ўзга, нетай?  
Мен сени севдим десам, ул бир оғиз сўз айтмади,  
Во ажабким, зор бўлдим бир оғиз сўзга, нетай?  
Ҳажрида умрим күёшли, нурли бир кун кўрмади,  
Дош берай қандоқ қилиб сочдек қаро рўзга, нетай?  
Йўлида қатнайвериб йиртдим пойабзал неча юз,  
Пойяланг юрмай дебон бердим этиқдўзга, нетай?  
Боғаро, эй ошиғим, оқшомда боргум деб эди,  
Келмади, кутсам бориб, чўп ташлади кўзга, нетай?  
Меҳрини айлаб либос ўзни безатгум деб эдим,  
Бўлмади, колди куним сўнгти либос-бўзга, нетай?  
Эй Калоний, яхши шеърлар бирла кўнглимни кўтар,  
Не учунким, ташнадирман меҳру дил сўзга, нетай?

## ИШҚ ДЕГАН ТҮЙГУ БҮЛАЙ

Эй гүзәл, қалбингдаги севги деган түйгү бүлай,  
Күзларимда күр ўзингни, мен сенга күзгү бүлай.  
Мақсадим ёринг бўлиш мангутга, эй қоши қаро,  
Кимни сен ёrim десант, ҳеч шубҳасиз мен у бўлай.  
Бу мусаффо қалбима ишқ ўтиш ёқдинг, офарин!  
Мен ҳаёт йўлингни ёргу этали ёғду бўлай.  
Сурмасо, шўй кўзларингда ҳеч қачон ёш кўрмайин,  
Лабларингда мавж уриб турган тиник култу бўлай.  
Куйлаб ўтгин бир умрга баҳтиёрлик қўшигин,  
Қўшикинга жўр бўлувчи хушовоз чолку бўлай.  
Мен яралдим чин вафодан, чин вафодир борлигим,  
Эй гүзәл, қалбингдаги севги деган түйгү бўлай.

## ҚАЧОН ЛУТФУ ҚАРАМ БҮЛГАЙ

Азиз ёrim, менга сендан қачон лутфу қарам бўлгай,  
Ки ошиқда қарам қилган ҳамиша мухтарам бўлгай.  
Гўзалсан бекиёс, ҳеч кўз узолмам қошу кўзингдан.  
Намунча кўзларинг шаҳло, қошинг мисли қалам бўлгай.  
Ўзим таклиф этармац, севги борига, нигорим, кел,  
Сенинг ишқ оламига кирмогинг қутлуғ қадам бўлгай.  
Қиёс этсам агар севгимни Мажнун ишқига, эркам,  
Менинг ишқим қамар, Мажнуннинг ишқи гўё шам бўлгай.  
Агар севгим қабул этсанг очар баҳт эшигин бизга,  
На менда зарра андуху, на сенда қатра ғам бўлгай.  
Балиқ сув бирла бўлгандек Калоний бирла ёр бўлсанг,  
Қувонгай дўстлару, аммо рақибларда алам бўлгай.

## ЁҚИМТОЙ

Сўлим ишқинг дилимдан, ёр, олиб жой,  
Вужудим яшнади, қалбим бўлиб бой.  
Сени ўн тўрт ёшимдан севганим рост,  
Нечунким хур эдинг, ғоят ёқимтой.  
Хаёлингсиз зимишондир бу олам,  
Сабаб кундуз қўёшсан, тун тўлин ой.  
Эрур хушбўй шаҳар сойин зилоли,  
Муаттар соchlаринг ювдингми шу ой?  
Висолинг бахш этар доим табассум,  
Фироқингда ғариб кўзим бўлур сой.  
Келиб ажволини сўргин Калонни,  
Ярим тунда хабар олгин бўлиб ой.

## ЙИГМАГАЙ

Яхши инсон ёнига бебаҳра улфат йиғмагай,  
Юқмасин ҳаргиз балоси дея кулфат йиғмагай.  
Яхши дўсту яхши ёр топгай суйиб, обрў қучиб,  
Шармисорлик дорини шаънига қат-қат йиғмагай.  
Хосиятли, файзи бор ишларга қўл ургай, бироқ,  
Нобакор ношуд бўлиб, нуқсону иллат йиғмагай.  
Танлагин ҳар доимо эҳсон, ҳидоят йўлини,  
Таъмагирлик айлаганлар қадру ҳиммат йиғмагай.  
Тер тўкиб, ишлаб ҳалол нонини еб юрган киши  
Ўзгалардан ҳеч қачон, билсанг, маломат йиғмагай.  
Яхши шеър ёзгин, Калон, эл-юрт севиб олқиш этур,  
Яхши ёзган шоир элдан ҳеч маломат йиғмагай.

## БУ ДУНЁ ИККИДИР

Бу дунё иккидир, кўнглим, бири боқий, бири фоний,  
Ки инсон умри ҳам икки - бири мангур, бири оний,  
Чароғон икки офтоб бор - бири юлдуз, бири ишқдир,  
Тақи ишқ асли ҳам икки - заминий ҳамда осмоний.  
Жаҳонда икки хил одам - бири нодон, бири доно,  
Ажабким, икки хил турмуш, у ёлғон ҳамда ҳаққоний.  
Ҳаётда икки хил иш бор - савоблию гуноҳликим,  
Гуноҳ қылсанг жазо икки - бири аввал, бири соний.  
Ёзар ҳар икки елкангда гуноҳингу савобингни,  
Одамнинг нафси ҳам икки - жигилдонию шаҳвоний.  
Кишида икки хил дўст бор - мунофиқ ё садоқатли,  
Қиулур кас икки хил меҳнат - қусурли ёки вижданний.  
Калоний хобида икки киши қилди насиҳатлар,  
Юзин кўрдим, бири ёшу бири оқсочли нуроний.

## АРМОН БЎЛМАГАЙ

Салласи бўлган билан ҳар ким мусулмон бўлмагай,  
Пухта илм олғон билан шайтон ҳам инсон бўлмагай.  
Тип-тиниқ сув остида юлдуз намоён бўлса ҳам,  
Сув эзур у, ҳеч қачон юлдузли осмон бўлмагай.  
Шаклию рангин кўриб берманг баҳо ҳар кимсага,  
Гар қизил олча суни, инсон учун қон бўлмагай.  
Билсангиз ҳар кимсанинг ўз касби бор, ўз кори бор,  
Қушбоқар қушбоз бўлур, ҳеч вақтда чўлон бўлмагай.  
Хайру эҳсон айласангиз беғарағ бўлсин мудом,  
Сал гаразли бўлса ҳам у хайру эҳсон бўлмагай.  
Эй Калон, сўзларга сайқаллар бериб ёзгил ғазал,  
Эл ўқиб раҳмат дегай, қалбингда армон бўлмагай.

## ҮРТАГАЙ

Бер хабар ул дилрабога бизни ҳижрон үртагай,  
Дил уйини қоплаб оғон таҳ-батаҳ қон үртагай.  
Бир нафас ҳам танда ором қолмади ҳаргиз, ахир,  
Етмадим деб васлига ҳар лаҳза армон үртагай.  
Меҳру шафқат ҳам муруват зорланиб кутмоқдаман,  
Мен гуломини бу кун ул шоҳи сulton үртагай.  
Ич-ичимдан ийеглайман, ғоҳида дод ҳам солиб,  
Гоҳида ошкора, аммо ғоҳи пинҳон үртагай.  
Чин юрақдан севганимдан мен уни жоним дедим,  
Во ажабким, жонни танмас, тании ул жон үртагай.  
Дош берурга сабру тоқат қолмади бир зарра ҳам,  
Унчалик ё бунчаликмас анча шоён үртагай.  
Бир келиб ҳолимни сўрмас эрса бехудман, Калон,  
Кеча ё бул кун эмас, ҳар лаҳза, ҳар он үртагай.

## ҮЛСАМ ҮЛАЙ

Етмасам васлингта, ёр, беном-нишон үлсам үлай,  
Қолмасин ортимда из, бехонумон үлсам үлай.  
Гар сўлим ишқинг сизиб юрмас экан қоним аро,  
Оғзи-бурнимдан оқиб шул лаҳза қон, үлсам үлай.  
Қадрига етмас эсам покиза ишқингни, тулим,  
Хор бўлай олам аро, эсиз бу жон, үлсам үлай.  
Меҳри ёдинг дил уйига этмасам мантугта жо,  
Сигмайн оламга ҳея, беошиён үлсам үлай.  
Чин вафо бўстони-чун гар бўлмаса баҳшида жон,  
Эрта ё индин эмас, дарҳол, шу ов үлсам үлай.  
Муддаом қолсин ниҳон ҳеч ошкоро бўлмасин,  
Эй Калоний, дил сўзим этмай баён үлсам үлай.

## ХОР БЎЛМАГАЙ

Эй Эгам, фарзанд сўраб ҳеч бир одам хор бўлмагай,  
Бер ўтил-қизлар анга, то ер юзи тор бўлмагай.  
Ота-она аҳли-чун жондан азиздир зурриёд,  
Қил муруннатлар ўзинг, тирниқда ҳам зор бўлмагай.  
Эт ато фарзанд, бироқ номусу иисофи билан,  
Нобакор фарзанд сабаб ҳар кимсага ор бўлмагай.  
Баъзилар фарзандга зору, баъзилар фарзандга хор,  
Бу каби бир хору зор олам аро бор бўлмагай.  
Гар киши фарзандига меҳрин пойандоз айласа,  
Кексайиб қолган маҳал андух-ла абгор бўлмагай.

Жон чекиб фарзандларин ким тарбият этмас экан,  
Эл бўлур шоҳид, ўзи толеига ёр бўлмагай.  
Эй Калоний, ақли бут фарзандларингдан рози бўл,  
Сен эсанг рози, алар кам бўлмагай, кор бўлмагай.

## АРЗИГАЙ

Ул малакнинг ишқида девона бўлсам арзигай,  
Куйида лов-лов ёниб, сўзона бўлсам арзигай.  
Кўргузиб меҳру муруват келса яшнаб, тонг эмас,  
Ўргилиб ҳам айланиб парвона бўлсам арзигай.  
Васлига етказмайин ҳажрига ташлаб кетса гар,  
Бошлирим тошга уриб, гирёна бўлсам арзигай.  
Тарк этиб шахримни кетсан дашту саҳролар томон,  
Телбагаш Мажнун каби афсона бўлсам арзигай.  
Эй Калоний, дилдаги туйғуларим турён уриб,  
Андалибдек шоири гўёна бўлсам арзигай.

## ҚАРАБ ТҮЙ

Ёр очди юзин, яйра кулиб, жон қараб тўй,  
Нур сочди тўлиб хуршиди тобон қараб тўй.  
Сочларга қаро тунми келиб ўрнашиб олмиш,  
Чашмида зиё, шуълаи афсон, қараб тўй.  
Бошингга келиб қўнди ҳумо, энди учирма,  
Нур бирла тўлиб кетдику осмон, қараб тўй.  
Омадни кулиб боққанига айла шукрким,  
Борида, ахир, фурсату имкон, қараб тўй.  
Хушбўй сочадир борда майин тонигти саболар,  
Оро берадир сумбулу райҳон, қараб тўй.  
Ёр васли ғанимат, дилижон, қувна, ҳузур қил,  
Фам солмасидан кўнглима ҳижрон, қараб тўй.  
Баҳринг очилиб, завқинг ошиб, ҳис урадир мавж,  
Келгацда кулиб давр ила даврон, қараб тўй.  
Гулдек очилиб товланадир шўхи паризод,  
Кўз узма, Калон, булбули хушхон, қараб тўй.

## НА ҚИЛГАЙ

Ватансиз кимсада имон на қилгай,  
Ки мезбон бўлмаса меҳмон на қилгай.  
Ватан бу мисли йўқ жонон зурким,  
У жонон бўлмаса бу жон на қилгай.  
Ватан қалблардаги жондир, билингким,  
Ширин жон бўлмаса мижгон на қилгай.

Садоқат кутманг асло беватандан,  
Алафнинг илдизида дон на қилгай.  
Қуруқ, сохта мұҳаббат бу саробдир,  
Ховузнинг остида осмон на қилгай.  
Диёри йўқ кишида баҳт бўлурму,  
Агар ер бўлмаса декон на қилгай.  
Муродим ҳосили юртимдир, аммо  
Йўқ эрса ҳосилим кирмов на қилгай.  
Сўзимдан изламанг беҳуда ёлони,  
Калоний сўзида ёлон на қилгай.

## ҚОЙИЛ ИФОДА ҚИЛГАЙ

Чин ошиқ эрса ҳар ким ёр дея нола қилгай,  
Ҳажрида икки кўзин ёшини жола қилгай.  
Мен сени севганим бас, дея елиб юргумай,  
Ёрининг қалбини ҳам ишқига вола қилгай.  
Севгиси бўлса чиндан ёрга ситам этолмас,  
Не хоҳиш этса барин дилга ҳавола қилгай.  
Гул ҳам тиконсиз эрмас дея ақида қилмай,  
Ишқин мисолини ул хори йўқ лола қилгай.  
Чин шоир бўлса ҳар ким қалбининг ҳиссиётин,  
Шеъру ғазал шаклида қойил ифода қилгай.

## КЎРМАГАЙ

Яхшилик қилган одам ҳаргиз ёмонлик кўрмагай,  
Лек ёмонлик айланган одам омоналик кўрмагай.  
Гар вафо киласа киши албатта топгайдир вафо,  
Бевафо хор, зор бўлиб, дориломонлик кўрмагай.  
Ким хиёнат айласа сидку вафодан воз кечиб,  
Обрўйидан ажralиб, умрида шонлик кўрмагай.  
ўзгалар молига баднафслик билан қилса ружу,  
Боридан ҳам ажralиб, ҳеч хонумонлик кўрмагай.  
Ерга дон-дун сочса, аммо парвариш қилмас эса,  
Оз сомонлик бўлса бўлгай, дона донлик бўлмагай.  
Эй Калоний, бу жаҳонни дейдилар қайтар жаҳон,  
Элга наф берган одам ҳаргиз зиёнлик кўрмагай.

## ҚАЙГА БОРАЙ?

Кўргани ҳусну жамолингни, нигор, қайта борай?  
Сориниб, қалбим сени кўрмоққа зор, қайга борай?  
Бизни кўрса ёнма-ён арёэр эли жоним олур,  
Ёт нигоҳлардан ниҳон жой қайда бор, қайга борай?  
Нур чиройингга боқиб тўймас эсам ҳолим забун.  
Кўзларим ёшини этма шашқатор, қайта борай?

Тоққами ё боджами, саҳроми ё чұл, барибир.  
Сен қадам боссанғ жағаннам гулузор, қайга борай?  
Қаҳратон қиши фаслими, күзми ҳазоврез, фарқи йүк,  
Не учунким, сен билан доим баҳор, қайга борай?  
Қолмади бир зарра қаргиз сабру тоқат, маҳвашим,  
Этмагил ҳаддан зиёда интизор, қайга борай?  
Сиғмагум оламта васлингдан йироқ бўлсам, Калон,  
Этмагил дунёни кўзга танигу тор, қайга борай?

## ОЛТИН ТҮЙИНГ МУБОРАК!

Эй ҳуррият, бу йилги олтин түйинг муборак,  
Кўзларни яшнатувчи рангу рўйинг муборак.  
Сен бирла тенг ўғиллар ўн ёшга тўлдиларким,  
Ўн ийла шунча ўғсан қадди-бўйинг муборак.  
Гуллар билан безалган қад-қоматингга балли,  
Хуширўйлигинг муборак, хушбўйлигинг муборак.  
Ҳурлик куйидан ортиқ бўлмас жаҳонда зўр куй,  
Чалганда янграгувчи дилбар куйинг муборак.  
Ҳар кимсанинг ҳаёти феълу хуйига боғлиқ,  
Бизларга баҳт кетирган феълу хуйинг муборак.  
Толе олиб келувдинг, иқбол бўлиб қолурсан,  
Шавкатли Ўзбекистон – куттуғ уйинг муборак.  
Минг-минг ғазал ёзурман мадҳинг битиб, Калоний,  
Эй ҳуррият, бу йилги олтин түйинг муборак!

2001 йил 1  
сентябрь

## ИЛДАМ СУЗАЙЛИК

### Дўстларимга

Ҳаёт уммонида илдам сузайлик,  
Бутун ҳалқни оёққа турғазайлик.  
Бўлиб бир тан ва бир жон, эй ёронлар,  
Жаҳонда пойғада доим ўзайлик.  
Ҳамиша ўзаро қўллаб-қувватлаб,  
Йикилагани авайлаб турғазайлик.  
Йўқотмасдан аҳилликни умрбод,  
Буюк ҳалқларга ибрат кўрсатайлик.  
Арога тушмасин мудҳиш нифоқлар,  
Келинглар, қўлни қўлларга чўзайлик.  
Сира қайтмайди тарих энди ортта,  
Унинг поездин олга юргизайлик.

Қуриб янги иморатлар бугунлай,  
Яроқсиз эскисин буткүл бузайлик.  
Адашса аслидан баъзи бирорлар,  
Қулогидан уни қаттиқ чўзайлик.  
Қуритмай, яшнатиб ҳурлик дараҳтин,  
Асалдек мевасини ҳам узайлик.  
Ёзид дилкаш ғазалларни, Калоний,  
Элимга якши девонлар тузайлик.

### ЭТМАК КЕРАК

Рўбарў келгаида ҳар одам салом этмак керак,  
Инсон инсонга ҳамиша эҳтиром этмак керак.  
Тонг маҳал турганда ҳам, кундуз ва тун кўргаида ҳам,  
Бир-бири бирлан киши ширин қалом этмак керак.  
Не ният қилса киши етгуси албат, бегумон,  
Яхши ниятни ҳамиша дилда ком этмак керак.  
Бўлмагай севмоқ севишмоқдан буюкроқ хосият,  
Хулқу одоби билан дилларни ром этмак керак.  
Үлчантур сидқу вафо меҳру садоқатлар билан,  
Севса инсон ёритга ўзни гулом этмак керак.  
Муттасил ҳурмат қилур одам мудом ҳурмат кўрур.  
Ҳурмату иззатни ҳам доим давом этмак керак.  
Ўйлама олмоқ савоб-чун бир юмуш етгай дебон,  
Хуш юмушни иккапланмасдан мудом этмак керак.  
Эй Калоний, болни(нг) ҳам ози шириндири дейдилар,  
Чўзмайин ушбу насиҳатни тамом этмак керак.

### ГУЛ ЮЗЛИ ЁР ЧИРОЙЛИК

Жаннатнинг ҳурларидан гул юзли ёр чиройлик,  
Қиши фаслидан, билингким, фасли баҳор чиройлик.  
Жам этса минг пари ҳам ҳуснини тенг келолмас,  
Чун шўразор макондан бир лолазор чиройлик.  
Гулдири гўзал нигорим, хордир бўлак гўзаллар,  
Қай пайтда гулдан, айтинг, чанталда хор чиройлик?  
Юлдуз десам кўзини, дейман қошин ҳилоли,  
Қаҳр этса, осса ҳатто сиртмогу дор чиройлик.  
Қадди гўзал саридан, лаблари лаъла дегандан,  
Бир-бир санаб ўтирамай, не эса бор чиройлик.  
Шод этса-ку, Калоний, кўркига кўрк қўшилгай,  
Ҳажрида этса ҳам гар минг дилфиғор, чиройлик.

### АЙЛАДИ АШЬОРЛИК

Войким, забт айлади тунлар кўзим бедорлик,  
Боиси қалбимда пайдо бўлди чин хушторлик.

Не қилурни билмагайман, ўртанур ошиқ дилим,  
Улфагимдир йўлларида ингизорлик, зорлик.  
Ихтиёрим ўзда эрди, ҳур эдим, озод эдим.  
Энди, пайлай, ишқ қулиман, тақдиримда ҳорлик.  
Ҳажрида қалбим куйиб, дардманд бўлиб қодим, нетай,  
Тобакай менга азоб бергай бу хил беморлик?  
Ёрни(нг) пойига ётайми, меҳрибонликлар сўраб,  
Севгининг касби эрурми ё нуқул озорлик?  
Оҳ уриб, ҳущдан кетурман, телбаман, девонаман,  
Касбу корим кечा-кундуз васлига хумморлик.  
Ишқ мени девсна қилди деб, Калон, оҳ урмагил,  
Ул сени чин шоир этди, айлади ашъорлик.

## БОГЛАНИБ ҚОЛДИ

Богланиб қолди дилингта бу юрак,  
Энди ҳеч кимса этолмайди бўлак.  
Сен мени кўрмакка қўзинг йўқ сира.  
Мен сени кўрмак учун жоним ҳалак.  
Йўлларингта даста-даста гул сочай,  
Бу менини ишқимдан бергувчи дарак.  
Қай йўсин кўнглингта, айттил, йўл топай,  
Борми истак, муддао ё бир тилак.  
Не тилассан, нени совро айлайнин,  
Ой билан офтобни айлайму зирак?  
Ишқ шаробини ичиб бехушман,  
Айланур бошим мисоли ҷархпалак.  
Тунлари чашмимга уйқу келмагай,  
Кўзларим ўнгидадирсан, эй малак.  
Бор Муродимни ғазал айлай, Калон,  
Сен ғазал шайдоси ҳам бўлсанг керак.

## СУЮК

Мен кўнгил қўйган санам қалбимда жонимдан суюк,  
Жон надир, жонга қўшиб бор ҳонумонимдан суюк.  
Не суюк бўлса жаҳонда баридан ҳам ул суюк,  
Йўқ эрур оламда ҳеч қопи камонимдан суюк.  
Ул суюкли шаъниму шоним, ғурурим, баридац,  
Гар эсам подшоҳ, билинг, тахти равонимдан суюк.  
Бу умр ўткинчитир, ҳар лаҳзаси олтинга тент  
Бўлса ҳам шундай, ўшал ҳар лаҳза, онимдан суюк.  
Изладим ҳар ён боқиб борму суюклироқ, дебон,  
Топмадим, ул ости-уст, ҳар тўртта ёнимдан суюк.  
Борлигим бир-бир санаб ўтсамда ҳаргиз етмагай,  
Эй Калон, ўлсам агар ному нишонимдан суюк.

## ТОПСАМ КЕРАК

Эй биродарлар, сафо топсам керак.  
Бекиёс баҳти бақо топсам керак.  
Бевафолик құчасидан ўтмадим,  
Мен вафо қилдим, вафо топсам керак.  
Бир умр бўлдим гўзаллик ошиғи,  
Мисли ҳурдек дилрабо топсам керак.  
Ниятимда заррача йўқдир риё.  
Шунга мос ақли расо топсам керак.  
Ул учун жоним нисор эттум, сабаб  
Жонажондан жонфизо топсам керак.  
Ул учун жоним нисор эттум, сабаб  
Жонажондан жонфизо топсам керак.  
Ишқининг дардига дуч келдим, бироқ  
Васлидан буткул даво топсам керак.  
Тим қоронгү кўчадек зулмат аро  
Изласам нури зиё топсам керак.  
Эй Калоний, экканингни ўр дебон,  
Неки топсам бериё топсам керак.

## НАЙЛАЙИН

Найлайин, бўлди насиб оламда мента хорлик,  
Шу қадар чексиз жаҳон айлайди танту торлик.  
Дилдаги орзуларим рӯёбга чиқмас, пуч экан,  
Мен тўкинлик истасам, тақдирда шум начорлик.  
Меҳр уйин кенг очдим, аммо бўлмади бегона дўст,  
Ул рақиблар бераҳм, тун-кун этар хунхорлик.  
Қай томон боқсам фано қаами ҳаёсизлик қилур,  
Билмадим, қайдан бино бўлди бу хил бадкорлик.  
Ёт эли ётдир, рақиблик айлагай доим рақиб,  
Мен нетай, чин дўстларим ҳам этсалар ағёлик?  
Беомон ҳайли жаҳолатдан қабоҳатлар келур,  
Тобакай аҳли дийнат этмагай ҳушёрик.  
Не учун бонг урмагай ҳеч кимса золим жабридан,  
Қайда колди мардлигу ҳақлиқ учув шунхорлик.  
Эй Калон, гафлатдан уйғон, кўзни оч мөшдек қилиб,  
Олмасин қалбингни забт айлаб қабиқ мурдорлик.

1990 йил

## МЕҲМОН БЎЛИБ КЕЛДИК

Бу ўткинчи жаҳон айвонита меҳмон бўлиб келдик,  
Шукрким, ўзга маҳлуқмас, азиз инсон бўлиб келдик.  
Азиз инсон бўлиб келдик дебон бонг урсан арзийдир,  
Нечукким мўътабар ишларга бир имкон бўлиб келдик.

Қариндошлиқ, қадрдошлиқ, биродарлик фазилатдир.  
Ҳамиша ҳамқадам, ҳамкору ҳам дармон бўлиб келдик.  
Етармиз одамийлик қадрига, ношуд бўлиш ётдир.  
Яшаб инсонсифат, олий мақомли шон бўлиб келдик.  
Мехр-шафқат, муҳаббат, оқибат бизларга қурдатдир,  
Ҳамиятта, ҳидоятта мисоли кон бўлиб келдик.  
Буюк ишларга қодирмиз, улуғ ишларга қўл урдик.  
Калоний, фахр этармиз, соҳиби даърон бўлиб келдик.

## ЭЙ МАЛАК

Хуснингизга маҳдиёман, эй малак,  
Лек етолмай васлингизга жон ҳалак.  
Ишқингиз йўлига кирдим ох деб,  
Энди бу йўлда ўлиб кетсан керак.  
Ишқингиз шамзири кўп ўткир экан,  
Тилка-тилка бўлди бечора юрак.  
Ёғди ёмғир деб тасаввур айламанг,  
Холима кўз ёт тўкур, ийғлаб фалак.  
Бу жаҳонда борму ҳеч сиздек гўзал,  
Кўзлари оҳую ҳам оппоқ билак.  
Юзларингиз нур сочар офтобмисол,  
Сочларингиз син-сиё тундан дарак.  
Сизни кўрсам бosh эгай таъзим қилиб,  
Пойингизга тиз чўкиш олий тилак.  
Эй Калоний, шеър нечук деб жеркиманг,  
Шон-шарафдир мадҳишлизни куйламак.

## НЕ КЕРАК?

Менга нодон бирла сұхбат не керак?  
Анга сарф этмоққа фурсат не керак?  
Сұхбати нодонни қайғу келтирад,  
Бу азиз бошимга кулфат не керак?  
Умримизнинг онлари қиммат эзур,  
Анга етказмоқда заҳмат не керак?  
Тингламасман сұхбатин ҳеч, алҳазар,  
Қисқа умримга хиёнат не керак?  
Сўзларини тиңглассанг дўзахдасан,  
Кутмагин ҳаргиз, қиёмат не керак?  
Ҳар нафас фурсат ғаниматдир, бироқ  
Бефаросат касга фурсат не керак?  
Дилкушолар сұхбатига ташна дил,  
Дилбузар жабрига тоқат не керак?  
Бўлма оввора, Калон, нодон ҳечам  
Тингламас, панду насиҳат не керак?

## **КЕРАК**

Кимсасиз саҳрода сув, ион, ош керак,  
Ташналик, очлик учун бардош керак.  
Олтину кумуш қаро тош мислидир,  
Тош эмас, жон сақламоқда мөш керак.  
Жон фидо бўлсин садоқат ахлига,  
Оқибатли, меҳрибон йўлдош керак.  
Хупламас танҳо яшашни бу ҳаёт,  
Ҳар кишига маҳраму сирдош керак.  
Маҳрамингта бўл яқин кўз, қош каби,  
Не учунким кастга кўзу қош керак.  
Етти ёт бегона, ёт ётлиқ қилур,  
Бир-бирин кўллашга қом-қардош керак.  
Эй Калоний, не керак деб сўрма, боз  
Гарчи оғир, бўлса даркор тош керак.

## **БЕМАЪНИЛИК**

Дўстга ёлғон сўзламоқ бемаънилик,  
Офати жон кўзламоқ бемаънилик.  
Ошиноман деб туриб, кенг даврада  
Танқид айлаб, тузламоқ бемаънилик.  
Энг қабиҳ иллат зору қилмоқ ҳасад,  
Дўст баҳорин кузламоқ бемаънилик.  
Гар йўқотсанг қайга боргунг актариб,  
Бой бериб сўнг бўзламоқ бемаънилик.  
Бир майизин тенг бўлиб ер яхши дўст,  
Топганин кўз-кўзламоқ бемаънилик.  
Истарангни иссиқ эт, сочсин зиё,  
Афт совищдан музламоқ бемаънилик.  
Дўстларинг қадрига етгил, эй Калон,  
Бой бериб сўнг бўзламоқ бемаънилик.

## **ОЛИЙ ТИЛАК**

Гар мени севмас эсанг, нозу карашманг не керак?  
Не учун кўзлар сузиб, оҳиста тутқаздинг билак?  
Жилвалар айлаб говусдек зумда тарқ этдинг мени,  
Эргашиб қалбим кетувди шул замони бедарак.  
Ё чўчиб бўлдинг йироқ ҳуркак беозор оҳудек,  
Ишқ-муҳаббат борига кирмоқ эсанг бўл довюрак.  
Ишқ деган туйру агар шаънинг безаб турмас экан,  
Кўзларинг алдоқчиидир, қалбинг мисоли бир кесак.

Севги бу жондан шириң ҳам бекубордир тонг каби,  
Ошиқ ўлғон дил түзәлдир, мисли юмшоқ бир ипак.  
Эй Калоний, севги бу оламнинг күрки, лаззати,  
Ҳар юрак севсин, севилсин дея эт олий тилак.

### ИШҚИДА УЛ ДИЛРАБОНИНГ

Ишқида ул дилрабонинг қалбим ўлмиш ғамнок,  
Воз кечолмам ишқидан, лек гарчи бўлсан ҳам ҳалок.  
Ёр учун жондан кечиш мен-чун шарафдир, шондир,  
Севгисиз жон - маънисиз шеър, менга ул жондан не бок?  
Васлидан нур ёғса, қалбим хонаси нурхонадир,  
Ҳажри қон эттираса, дерман мен учун май берди ток.  
Ишқ тўла қалбимни тутдим, ёр олиб иргитди, дил  
Елда бандидан узилган ерда ёттан худди нок.  
Ёр биланким ўртамиизда бўлди пайдо шум рақиб,  
Зулмидан қалбим бўлибдир, мисли дардманд, хавфнок.  
Гоҳи шод бўлгум хаёлнинг бир шириң оғушида,  
Гоҳи ташвиш, заҳматидан чеки йўқ дил чок-чок.  
Эй Калоний, ёр ёронлар ичра мажлис қурдилар,  
Қанча дардинг бўлса айтгин шунда айлаб иштирок.

### УСТОЗ

Этса гар, жоним болам, доно одам устозлик,  
Сен анта ҳурматда кўрсат бир умр жонбозлик.  
Кўрмаса устоз киши минг бир мақомга йўргалар,  
Кўрса гар устоз аният умри ўтар пайдозлик.  
Танлагин ақли расо, оқил ўзинигта раҳнамо,  
Дер эсанг толе қушим бўлсан баландпарвозлик.  
Ким сенга илму одоб ўргатса қутлув ранж чекиб,  
Арзигай у то абад ҳам бўлса кўп эъзозлик.  
Эй Калоний, айла қуллук, доимо устозга,  
Бўлса ким устозга содик кўрмагай носозлик.

### ТУЗУК

Дўсти нодондан, ёронлар, душмани хушёр тузук,  
Бевафо бўлса агар, дилдордан ағёр тузук.  
Мингта ваъда берсаю ижрони таъмин этмаса,  
Бу қуруқ минг ваъдалардан берса ёв озор тузук.  
Гап гапирсанг уқмаса, қилсанг насиҳат тингламай,  
Бундайин эссиҳ одамдан тош тузук. девор тузук.

Қош қарою күз қаро, зулфи қаро ҳам бўлса соз,  
Лекигин кўнгли қародан тошкўмир минг бор тузук.  
Асрароқ-чун жонни доим жонғизо малҳам керак,  
Заҳри қотил ғунчадан албат шифобаҳаш хор тузук.  
Яхши сўзу, яхши дорию шифо ош бермасанг,  
Ўз-ўзидаи бўлмагайдир ҳеч қачон бемор тузук.  
Эй Калоний, эл аро обрўнг ошар, ёzsант агар  
Бир-биридан дилрабсю беғубор ашъор тузук.

## НОРАВОЛИК

Ёронлар, бўлди одат беҳаёлик,  
Аёллар эрга айлар бевафолик.  
Вафолар йўқ бўлиб, қочди садоқат,  
Нетайлик, бу не оғат, не балолик.  
Эди иффат билан номус баҳосиз,  
Бозорга чиқдию бўлди баҳолик.  
Гиёҳвандлик ва майхўрлик олиб авж,  
Ҳаётдан дил тополмас рўшнолик.  
Фахш ишларга қўймоқдан ружулар,  
Вужудга келди дардлар бедаволик.  
Қанотин кенг ёзар доим ғанимлик,  
Қаёқда оқибат ҳам ошинолик?  
Билолмам, бу замон аҳлига қайдан  
Раво бўлди бутунлай кораволик.  
Калоний, оқибат қай ёққа бошлар  
Гуноҳ ишларга бўлган мубталолик?

## КЕЛМАСА ЁРИМ АГАР...

Келмаса ёrim агар кошона менга не керак?  
Тақмаса бўйнига гар дурдова менга не керак?  
Ёр кулиб боқса агар бошим менинг осмондадир,  
Боқмаса бегона ул, бегона менга не керак?  
Ишқининг кайфи билан мастман, ҳушимдан айрилиб,  
Бемисл афсонаман, афсона менга не керак?  
Беадад қуймоқ билан девонаман Мажнун мисол,  
Бемисл сўзонаман, сўзона менга не керак?  
Кўз узолмам кўзларидан, кўзларидан ўргилай,  
Мен анга парвонаман, парвона менга не керак?  
Васлига етсам қувонч ҳамхонасиман, эй Калон,  
Ҳажрида ғамхонаман, ғамхона менга не керак?

## АЙЛАГАН ЭРДИМ УМИД

Айлаган эрдим умид, ёрим қилур деб ёрлик,  
Найлайнеким, ул мудом этди нуқул ағёрлик.  
Күргизар бўлсам меҳр, қаҳрига айлар рўбарў.  
Ёр қилурму, дўстларим, айтинг, бу хил бадкорлик.  
ёвларим алдаб юриб, охир шу куйга солдиму.  
ё эканму касб ила кори унинг озорлик.  
Бу не кўргулик зуруким, бу нечук бедодлик.  
Тобакай этгай хароб ишқи била беморлик.  
Бу жафокор даҳри дуннинг қиласишидан дорман,  
Тақдиримда бор эканми шунчалар ҳам хорлик.  
Ишқ шаробини ичиб бўлдим ҳамиша маст-аласт.  
Восдиму фафлат, насиб ҳеч этмади хушёрлик.  
Солса ҳам не куйга ҳаргиз чекмагум афсус, сабаб  
Куйига дуч келганим этди, Калон, ашъорлик.

## ЁРНИ СИЙЛАБ...

Ёрни сийлаб, овутмоқлик керак,  
Келса гар гулдасталар тутмоқ керак.  
Ўксиган, қайғуга тўлган кўнглини,  
Офтоб янглир ёрутмоқлик керак.  
Бахш зигб шодлик улуғ уммонини,  
Ғуссасин наҳрин қурутмоқлик керак.  
Чекмасам жон қайдадир жонон дебон,  
Ҳажрида қонларни ютмоқлик керак.  
Жўштириб сидку вафо туйғусини,  
Бахридан рашкини ўтмоқлик керак.  
Ноумид бўлмай, Калоний, ҳеч қачон,  
Кек, ғаразларни унутмоқлик керак.

## ХУШ НАВО ТОПСАМ КЕРАК

Ишқида беморману аммо шифо топсам керак,  
Дилрабойим васлига етсан даво топсам керак.  
Ўнглиёлмам ҳеч ўзим ҳижрон азобидан, бироқ  
Тундаман гўёки, тонг оттағ зиё топсам керак.  
Айланаб, минг ўргилиб кўнглини овлолсам агар.  
Меҳрибонимдан жаҳон меҳрин бажо топсам керак.  
Ҳар киши не экса албетта шуни ўргай, ахир,  
Мен вафо этсан агар қутлуғ сафо топсам керак.  
Кенгта кенг деб бу жаҳонни аҳли доно айтидур,  
Дилни кенг қилсам ҳақиқий ошино топсам керак.  
Гар дилимнинг розига мангут қулоқ солсам, Калон,  
Жўш уриб илҳом, ҳамиша хуш наво топсам керак.

## КЕЧИРГИЛ

Худоваңдо, гуноқорман, кечиргил,  
Висолингтә мудом зорман, кечиргил.  
Адаштиреди гоҳи шайтон йүлингдан,  
Харобдирман, vale хорман, кечиргил.  
Гуноқ ишлар қилиб, қитдай уялмай,  
Уэр сұргувчи беорман, кечиргил.  
Хузурингтә борай беайд бўлиб ман,  
Бу кун айбимга иқрорман, кечиргил.  
Ўтиб кеттай бу дунё бир нафасда,  
У дунёдан умидворман, кечиргил.  
Қўзим юмсан кейин наф йўқ, бўлур кеч,  
Бу оламда бу кун борман, кечиргил.  
Гуноҳимни ювиш бўлса, буоргил,  
Ўзим ҳукмингга тайёрман, кечиргил.  
Жамолингга мушарраф эт, Илоҳим,  
Калоний, кўп миннатдорман, кечиргил.

## ШОИРИ ШУНҚОР ҚИЛ

Эй Худойим, баңдаларта шавқатингни бор қил,  
Раҳматингдан, ҳимматингдан эл учун бисёр қил.  
Шунча йиллар кечди эсиз, хаста, динсизлик билан,  
Энди кўнгилларга нур бер, барчани диндор қил.  
Ўтди умрим қанчаси, рафлатда қолдим, Раффано,  
Оч менинг мудроқ қўзимни, уйютиб бедор қил.  
Тавбалар этдим йўлингда, иола ағионлар чекиб,  
Кеч гувоҳимдан, хатойимни мени бекор қил.  
Бу омонат жонни олгач Ҳасти Азроил келиб,  
Жаннатингдан бигта жойни мен учун тайёр қил.  
Ҳақ йўлинга бахш этар баңданг Калоний шеърини,  
Сен уни юртга таништир, шоири шунқор қил.

## ДОНОГА ЁЗДИМ

Сенга, эй назмим, шудир арзим: мудом озода бўл,  
Бўл заҳар эл душманига, дўстларига бода бўл.  
Билки, вактинча макондир ушбу қороз юзлари,  
Чин одажлар қалби деб ном олган бир дунёда бўл.  
Қайда севги ҳам садоқат бор экан шу жойни топ,  
Дилда ишқи гунча очган кўзлари шахлода бўл.  
Шеърият қадрини билган қадрдон-ла висол қил,  
Турфа ҳиссизлар қошида нози истиғнода бўл.

Бу ҳаёт түлқинлари доим ўзингни арасасин,  
Норасодан сақласин, ақли расо донода бўл.  
Эй дилимнинг парчаси бўлмиш азиз назмим, сени  
Эл учун ёздим, Калоний, сен ўшал донода бўл.

### ВАЪДА ЁЛГОН БЎЛМАСИН

Гар висолингдан ёнарман, тухфа ҳижрон қилмагил,  
Нурга тўлган бу дилимни қип-ҳизил доим қилмагил.  
Ул қуёш янглиғ юзингта термулиб ёнмоқдаман,  
Ёнмагил деб кўз ёшимни мисди уммон қилмагил.  
Минг нафар жондан ҳам оргикроқ висолинг йўлини  
Менга мушкул айлаб, ағёларга онсон қилмагил.  
Шундоғам васлинг йўли олис бўлиб кетмоқдадир,  
Нозу истиғноларинг, ёр, энди чаңдоң қилмагил.  
Бегубор ишқинг дилим тўрида, жонимда ўзинг,  
Севгилик бўлмоқлигингдан зарра армон қилмагил.  
Аҳдима содиқ, Калоний, илтимосим шул, фақат  
Неки қилсанг қилки, аммо ваъда ёлғон қилмагил.

### БИР НЕ ДЕГИЛ

Мен сенга изҳори ишқ этдим, нигор, бир не дегил,  
Сўзларингга бул нафас дил интизор, бир не дегил.  
Сен агар севгим қабул этсанг дилу жонинг билан,  
Мен бўлай ҳаддағ зиёда баҳтиёр, бир не дегил.  
Рад этар бўлсанг, гулим, жоним сира даркор эмас,  
Кўзларимнинг ёшларидир шашқатор, бир не дегил.  
Тинмайин булбул каби мадҳишни куйлаб толмагум,  
Яшнагин, гул-гул очил, эй гул узор, бир не дегил.  
Бўлмасин умид кўзим асло басир дилоромим,  
Қолмасин дил сўзларим беътибор, бир не дегил.  
Мен жавобингни кутиб, тоқатларим тоқ бўлди-ку,  
Этмагин ҳаргиз ширин сўзингта зор, бир не дегил.  
Борми олам-да, Калоний, севгидан юксак шараф.  
Мен сенга шеърлар ёзиб келдим қатор, бир не дегил.

### ЁЗ ФАСЛИ КЕЛ

Сайри бор айларга бир, қоши қалам, ёз фасли кел,  
Ёзгали хуммори дил қутлуғқадам ёз фасли кел.  
Иккимиз тулшан аро кезсак жаҳон олдиш этар,  
Дилда шодлик авж олиб, қолмас алам, ёз фасли кел.  
Куйлашиб, шеърлар ўқиб, завқин сурайлик яйрапиб,  
Чекмасин ҳаргиз дилим ҳажрингда кам, ёз фасли кел.

Куйи дардинг бирла оғриб қолмади ҳеч тоқатим,  
Интизорингдир мудом жону танам, ёз фасли кел.  
Келмайин ўтқаздинг, афсус, қиши, баҳор айёмаарин.  
Англатил, ғоят ғаниматдир бу дам, ёз фасли кел.  
Бу ҳаёт ўтқинчидир, ҳар дам ғанимат, бебаҳо,  
Бўлмасидан менда жон мулки адам ёз фасли кел.  
Дер Калон, жабру жафо, дарду ситамлар беҳисоб,  
Айлабон радди азоб, эй муҳтарам, ёз фасли кел.

## СЕВГИЛИМ ЁНИМГА КЕЛ

Фасли қиши қиплоқда не бор, севгилим ёнимга кел,  
Интизор ғоят гўзал шаҳри азим, ёнимга кел.  
Кўкка бўй чўзган бино бир қасрида сұхбат қуриб,  
Дил ёзиб кўнгил очай хилватда жим ёнимга кел.  
Ҳеч висол айёмидан ортиқ саодат бўлмагай,  
Бу саодатга, ахир, етгуси ким, ёнимга кел.  
Фурқатингда ғам чекиб бўладим адо, эй маҳлиқо,  
Бекиёс соғинчга тўлган бу дилим, ёнимга кел.  
Не умидлар айлабон йўлингга кўз тикмоқдаман,  
Тўлмасин ҳаргиз дилим қайфуга лим, ёнимга кел.  
Қанча кўп ёzsам-да мадҳингни, Калоний, шунча кам,  
Қош қаро, шаҳло кўзу тун кокилим, ёнимга кел.

## ЖУДОЛИК ҚИЛМАГИН

Илтимосим шул, дилоро, ҳеч жудолик қилмагил,  
Неки қылсанг қилгил, аммо бевафолик қилмагил.  
Майлига, васлинг билан ўлдир, ўлишга розиман,  
Дардига ҳижронни ҳаргиз мубталолик қилмагил  
Бошима минг хил бало ёдир, чидайман, лекигин  
Бағритош ағёр элита жонфизолик қилмагил.  
Мен учун жабру ситам, қайгуни айлаб рўбарў,  
Бевафо ошиқларингта дилкушолик қилмагил.  
Бир кулиб, жилванг билан ишқ дардига этдинг дучор,  
Эт ўзинг энди давою бедаволик қилмагил.  
Ишқимиз йўлида жон қурбон этиш лозим эса,  
Мен фидо бўлсан шараф, сен ҳеч фидолик қилмагил.  
Ибтидоси севгининг дўстлик, қадронлик, Калон,  
Ошинолиқдан жечиб, ношинолик қилмагил.

## ЭЙ КЎНГИЛ

Ёр сени севмайди ҳаргиз, билмагайсан, эй кўнгил,  
Билсанг эрди ишқида ёқилмагайсан, эй кўнгил.  
Ул бирорвинг лаҳзалик ишқига айлар жон фидо,  
Васлининг орзусини ҳеч қилмагайсан, эй кўнгил.

Арзигайму, тобакай қонлар ютарсан җажрида.  
Куйида бағрингни асло тилмагайсан, эй күнгил.  
Мевасиз гумроқ дарахтнинг сояси бош оғритур,  
Чокларингдан беҳуда сўклимагайсан, эй күнгил.  
Жон чекиб тинмай, Калоний, айтса ҳам дил сўзини,  
Не учун, билмам, назарга илмагайсан, эй күнгил.

### РОЗИ БҮЛ

Ёр, бугун совчи жўнатсам, рози бўл,  
Васл айёмин сўратсам, рози бўл.  
Йўқ десанг, дарвозани гар очмасаш,  
Бош қўйиб пойингга ётсам, рози бўл.  
Хайдасанг, дарвозани маҳкам ёниб,  
Бош-оёқ қонларга ботсам, рози бўла.  
Келтирур деб қонни ёргуллик, гулим,  
Ноумид дилни юпатсам, рози бўл.  
Атрофингда айланиб юрган ўшал,  
Сохта ошиқни йўқотсам, рози бўл.  
Қизғаниб ёт кимсалардан, ёр, сени  
Эрта-кеч тинмай кузатсам, рози бўл.  
Дилдаги севгим, Калон, изҳор этиб  
Шеър ёзиб сенга узатсам, рози бўл.

### КУТМАГИЛ

Эй дилим, кўнгли қародан ошнолик кутмагил,  
Тим қаро тун бағридан ҳеч рўшнолик кутмагил.  
Ҳар киши не экса ўргай, шолидан буғдой эмас,  
Беҳаё ўстган у ўлондан расолик кутмагил.  
Онадан олий одам йўқ, саждагоҳингдир сенинг,  
Оқ сутини оқдамай ундан ризолик кутмагил.  
Нафси бадлардан йироқ юр, ямламай ютгай сени,  
Захри қотил аждаҳодан дилкушлик кутмагил.  
Ҳеч қачон тирноғидан кир излама, эй шум рақиб,  
Тўғри сўз, соғдил Калонийдан хатолик кутмагил.

### ЛАЗЗАТ ОЛИБ ҚОЛ

Ниторим тилларидан берсалар бол,  
Сўриб, яйраб яшарман шоду хушхол  
Салом, деб кирсалар кошки эшиқдан,  
Чиқар жон куттали таъзим-ла дарҳол,

Чаманда ушлашиб қўл бирга юрсак,  
Сиғарму таърифу тавсифга бу ҳол?  
Висол гаштиң сурай фурсатни бермай,  
Ки ҳижрон тушмасин бошимга алҳол.  
Ўтарман дунёдан армонсиз, аммо  
Қотиб қолсан лабида мен бўлиб ҳол.  
Бутун ташвиш юкиш елкамга ортиб,  
Бўлай, майли, умрбод ёрга ҳаммол.  
Калоний кетмасингдан бу жаҳондан,  
Нигоринг васлидан лаззат олиб қол.

## ЎЗБЕКИСТОНИМДА БЎЛ

Эй гўзал, севсанг мени ҳар лаҳза, кел, ёнимда бўл.  
Дил дебон эзгу ном олган қутлуғ ошёнимда бўл.  
Ўйласам ўнгимда ҳам, хобимда ҳам сен бирла мен,  
Жонима жон бўлгуси, жонажон, жонимда бўл.  
Энг гўзал гулларга тавсиф айладим хушрўгинам,  
Севгимиздек яшнаган зебо гулистонимда бўл.  
Сен ўзингсан толейимнинг энг чаророн юлдузи,  
Тақдирим тақдим этилган нурли осмонимда бўл.  
Ою офтоб сингари бир-бирни излаш не керак,  
Кўзга кўз турсин тушиб, ҳур Ўзбекистонимда бўл.  
Завқиму шавқим, Калоний, жўшқин илҳомим ўзинг,  
Ўргилай, эй меҳрибоним, шеъру достонимда бўл.

## КЕЛ

Софиниб васлингни бўлдим интизор, дилдор, кел,  
Муттасил келмас эсанг, майли, кулиб бир бор кел.  
Сен ўзинг-ку, бу жаҳон сатҳини ёруғ эттувчи,  
Кўзларимга бўлди олам тим қоронгу, тор, кел.  
Мен сенинг севгиги қабул этдим дедингу, алдадинг,  
Эй менинг ёлғончиму айёргинам, маккор, кел.  
Ўртаниб ҳажрингда танмай беадад қон йирладим,  
Тошюрак, шафқатсизу ҳам золиму ҳунхор, кел.  
Йўлларингда мижжа қоқмай йирладим девонавор,  
Кўзларимдан ёди ёмғир, бошга қўнди қор, кел.  
Бир келиб жонимни олсанг ҳам, нигорим, шодман,  
Қийналиб кетдим-ку, жон бермоққа мен тайёр, кел.  
Қолмади ҳаргиз, Калоний, сенга етмоқдан умид,  
Бахти йўқ ошиқни этма бунчалар ҳам зор, кел.

## ПОК ҚИЛ

Эй Рафиқ, күнглингни модар оқ сутидек пок қил,  
Бүл ҳалол поклик йўлида, майли, жисминг ҳок қил.  
Бу ҳаёт бир бор берилгав, қайтаролмас ҳеч киши,  
Тўғри тик умринг либосин, беямоқ, бечок қил.  
Ҳеч буюрмас мулк агар жамланса нопоклик билан,  
Бой бўлиш-чун ишла, тадбиркор бўлиб, идрок қил.  
Токни ҳам ортиқча баргин уздилар хомток дебон,  
Софлигу поклик учун сен ҳам дилинг хомток қил.  
Эй Калон, ёғонни сўзлаб курсанд этмоқдан кўра,  
Фойдали рост гапни айтиб, розиман, ғамнок қил.

## ЁНИМГА КЕЛ

Кўп соғинидим, эй гулим, кел, бир нафас ёнимга кел,  
Диллашиб отамлашпайлик, қутлауғ ошёнимга кел.  
Йўлларинтга кўзларимнинг нури пойандоз, бил,  
Дилгинамдан жой олибдирсан, ширин жонимга кел.  
Мен сени юксакда кўрмиоқ истагайман, жонгинам,  
Ой бўлиб, офтоб бўлиб феруза осмонимга кел.  
Андалиб янглиғ куйингда нолалар чекмоқдаман,  
Товланиб, ял-ял ёниб, нурли афшонимга кел.  
Ҳеч қачон дардимга шерик айламоқни истамам,  
Шодлигим, баҳтимгаю ҳам шуҳратим, шонимга кел.  
Таърифинг битмоқни истайман, Калоний, бир умр  
Завқ бўлиб, илҳом бўлиб, энг яхши достонимга кел.

## ЎЗ ЁРИ-ЛА ҚУЧСИН ВИСОЛ

Дўйстлар ҳар ким менингдек ёри-ла қучсин висол,  
Севгидаи иқбол топиб, ҳар лаҳзаси гўёки бол.  
Ҳам назокат, ҳам нафосат, ҳам латофатли нигор.  
Қалбida ишқ беҳисобу ҳусни зўр, соҳибжамол.  
Севги дунёсига тинмай нур сочиб турсин мудом,  
Кундузи офтоб мисолу тунда энг тўлган ҳилол.  
Толею иқбули баҳт дарбозасини кенг очиб,  
Севгининг гул борида сайр айласинлар bemalol.  
Бир-бирига мәҳрибону қадрдону ошино,  
Ишқларин омухта айлаб, давр сурсин безавол.  
Эй Калоний, баҳти ёринг элга ошкор айлабон  
Шум раҳиблар баргини қон қилдинг bemalol.

## НОМА ЭРМАС

Ёрдан келмиш менга мактуб, күнгүл,  
Ким они мактуб демиш, бир гул-ку ул.  
Не учун юз-күзларимга суртмайин,  
Нүктаси жон баҳш этар, сўзи тутул.  
Қалғинам ҳар сатридан ором топур,  
Ҳарфлари лаззат бағишлийдир нуқул.  
Ҳар куни минг бор ўқиб тур күзларим,  
Қилмасанг такрор агар, эй тил, тутул.  
Йўқ ажаб, тумор этиб юрсам тақиб,  
Этгали эъзоз бу энг олий усул.  
Шодлигимдан тарс ёридим, эй Калон.  
Нома эрмас, чин муҳаббатдир-ку бул.

## КЕЛ

Дардимга мени даво бўлиб кел,  
Энг яхши муддао бўлиб кел.  
Ошиқ юрагим розини тинглаб,  
Иқболи бўлиб, сафо бўлиб кел.  
Армонда қолиб бўзламайин ҳеч,  
Розимга ўзинг ризо бўлиб кел.  
Қалбимнинг уйи шабистон ўлди,  
Офтоб каби бир зиё бўлиб кел.  
Жоним чиқадир, ўрнига жон бўл,  
Коримга нуқул раво бўлиб кел.  
Аҳдига садоқатли, Калоний,  
Ваъдангга, гулим, вафо бўлиб кел.

## ОШКОРА КУЛ

Эй нигора, мен томонга қайрилиб бир бора кул,  
Не учунким, бу дилим жун, тун каби қоп-қора, кул.  
Сен кулар бўлсанг дилимга нур тўлар, ёғду тўлар,  
Кулдирай деб кеча-кундуз бўлмайин оввора, кул.  
Минг чирок ёқсан ёришмас, бу ғариб кўнглим менинг,  
Тунд бўлиб кеттан вужудга бўлса зора чора, кул.  
Нега кулмайсан, сенинг қисматинг ғам бўлдиму,  
Нега ўксийсан, дилинг ё мингта пора-пора, кул.  
Қўй, яширма юзларингни, кўзларингни тўсмасин,  
Бир тўйиб ихлос билан мен айлайин наззора, кул.  
Ҳисларинг, туйгуларингдек бўлмасин пинҷон тағин,  
Фойибона кулмагин, кел, бу сафар ошкора кул.  
Лабларинг шодона кулгу бирла бўлсин ҳамнафас,  
Дер Калоний: мен томонга қайрилиб бир бора кул.

## **БИЛГИЛ**

Дилоромим, менинг қалбимни ҳар доим ватан билгил,  
Сени жоним дедим, сен ҳам ўзингни менга тан билгил.  
Иковлон бир тану бир жон эсак куйгай рақиблар ҳам,  
Мұхаббат боридир сидқу вафо бирлаш чаман, билгил.  
Сенинг хүшрўлигингдек бу жаҳонга келмаган зебо,  
Менинг ишқим каби ишқ ҳам бу олам күрмаган, билгил.  
Висол борига таклиф эт, йироқ тут ҳажри саҳродан,  
Висол қат-қат чечак, жоним, ҳажр қат-қат тикан, билгил.  
Асил соҳиби ишқ бўлсак, ҳақиқий маҳдиё бўлсак,  
Севиб, ардоқлагай бизни муқаддас бу Ватан, билгил.  
Калоний ишқининг нури билан қутлуғ ғазал битмиш,  
Анинг бошдан оёғи қалбидан чиққан сухан, билгил.

## **ОДАМ МИСОЛ**

Ҳолима тақдос тополмассиз, жаҳонда кам мисол,  
Тўғри келмайдир, санаб ҳар қанча келтирсан мисол.  
Ўхшашимни бу жаҳондан изламангиз бежуда,  
Дил эриб ёнмоқда ёрнинг ишқида бир шам мисол.  
Мен етолмай наслига фасли қазонга ўхшагум,  
Ул эса парвосизу яшинар кулиб кўклам мисол.  
Ҳажрида шўрлиқ бошимни ургани ҳарсанг қани,  
Кўз ёшим дунёни нам айлар, кўринг шабнам мисол.  
Аҳли ишқ ичра топилмас мен каби баҳтсиз, вале  
Ул каби толеи кулган бўлди бир олам мисол.  
Телба ошиқ деб кулувчи дўстларидан доғман,  
Телба ошиқ бўлганимга топмадим ҳеч ҳам мисол.  
Ишқига умримни баҳш этдим, Калоний, жон деб,  
Балки шу боис яшарман дунёда одам мисол.

## **ТОМОШО ҚИЛ**

Қуёш, порлаб ғигорим ҳуснини бир дам томошо қил,  
Юзин нурини вурингта этибсан жам, томошо қил.  
Ажаб йўқдир агар куйсанг анинг ишқин оловида,  
Қочиб уфқ ортига, айлаб бошингни ҳам томошо қил.  
Қаро тун бағридан ой ҳам боқиб гар бағри доғ ўлса,  
Кавокиблар қараб куйсин, бўлиб ўқтам, томошо қил.  
Гўзал ҳуснини тақдоси топилмас икки оламда,  
Малакдан ҳам, башардан ҳам эрур кўркам, томошо қил.  
Борурман деб бериб ватъда висолга, нега келмайдир,  
Агар келса зиёларга гўллар кулбам, томошо қил.  
Калоний, ою офтоб ҳам куйиб доғ ўлди боққанда,  
Агар тоқат тополсанг бир нафас сен ҳам томошо қил.

## СОХИБИ АШЬОР БҮЛ

Яхшига қул бўлмасанг ҳам мисли хизматкор бўл,  
Нокерақ бўлма, аянинг-чун доимо даркор бўл.  
Ҳамнафас эт, яхши сұхбатдош бўлишга топ илож.  
Ошинолар ортириу, лекинда беағёр бўл.  
Асрасия Ҳолиқ Ҳудо ҳаргиз ёмонлик қилмагин,  
Яхшилик ижросини этмоқ учун тайёр бўл.  
Бу жаҳонга эзгулик корига келгайдир одам,  
Этмагил жабру ситам, ҳар лаҳза беозор бўл.  
Қаҳри жўш урган ғазабкорларга инсофлар тилаб,  
Қалби соғ, меҳри бажолар ячра доим бор бўл.  
Ҳар қадамда беимон маккор қабоҳат аҳли кўп,  
Тушма домита аларнинг ҳар нафас ҳушёр бўл.  
Эй Калоний, шеърият некликка хизмат айлагай,  
Элга хизмат истасанг гар соҳиби ашъор бўл.

## ШОИСТА ҚИЛ

Дилрабо, васлингта зордирман, мени шоиста қил,  
Қилмасанг шоиста бағримни ўйиб, минг тусда тил.  
Деб здинг: "мендан бўлак жононага кўнглингни бер",  
Не қиласай, сендан бўлакни хушламас бўлса бу дил.  
Етти оламни кезиб ҳам топмадим сендеқ пари,  
Сен каби гулрўю зебо йўқ эзур, жоно асиљ,  
Ишқ тўла қалбимни бердим, истасанг жонимни ол,  
Не сўрар бўлсанг муҳайёй айлагайман муттасил.  
Мен бўлай умрим бўйи жондан азиз ёстиқдошинг,  
Илтимосим, бесаноқ ошиқларинг бегона қил.  
Ошиқ ўлмоқлик шараф деб, Калон, чекдим азоб,  
Дилрабо васлингта зордирман, мени шоиста қил.

## ЭЙ ҚАЛАМ

Эй қалам, ёзғил дадил, ёзганларинг жону таним,  
Тезда қорозга туширгил, дилда боримни маним.  
Қўлласин устоз Навоий руҳи мен куйлаб ўтай,  
Масканим, ҳалқим, замонимдир мудом куйлаганим.  
Қўшиғимни ишқи борлар тингласа дил шид бўлур,  
Солмасин асло қулоқ ким севигига бўлса раним.  
Шонли меҳнат ҳар дақиқа улфатимдир меҳрибон,  
Бир умрга сайр этарга шеъриятдир чаманим.  
Ҳеч қачон дунёга устун бўлмагай одам, Калон,  
Маҳсадим оламда қолсин ҳарна айттап суханим.

## **ТОПИБ ОЛДИМ**

Не баҳтқи, бу күн жонима жонон топиб олдим,  
Үмримни безаб тургучи ғилмөн топиб олдим.  
Қалбимни мұнаввар этаман деб чиқиб офтоб,  
Шағнимінга фалак амри ила шон топиб олдим.  
Мен әнди висол борида сайрон этадирман,  
Бахтимни қучиб олғани имкөн топиб олдим.  
Ғамлар чекиниб, үрніга шодлик келаверсін,  
Ёр мәхри деган құтты улуғ кон топиб олдим.  
Үткінчи умр үтгусидір, ҳарна ғанымат,  
Гаштіни сурай давр ила даврон топиб олдим.  
Маджига ғазалларни ёзиб, яйра, Калоний,  
Илхом күзінін очмоқ учун он топиб олдим.

## **ҚАЛАМ**

Кече-куңдұз үлфатимдир, яхши йүлдошим қалам,  
Йүқ, фақат йүлдоп әмас, құлловчи қүлдошим қалам.  
Ул утун дил қонини мен бир умр этдім сиёх.  
Қонимиз бирлашды, бүлди қому қардошим қалам.  
Дардларим, ҳасратларим ул мұттасил айлар баён,  
Шарқираб тиңмасдан оққан күздаги ёшим қалам.  
Бу жақондан якка, ёлғыз топғаним содиққынам,  
Сирларим сирлашғани покиза сирдошим қалам.  
Бир нағас улсиз яшолмам, ул ҳаётим машъали,  
Айрилиқ – үмрим якуни, жону жондошим қалам.  
Недесам барин ифода айлади ашъор этиб,  
Ҳамқадам, ҳамдард юрайлық бирга ёндошим қалам.  
Дер Калоний, үтмасин ғамғин бу фурсат фойдасиз,  
Ез юрак амрини тиңмай, шону шондошим қалам.

## **КҮЙЛА, КҮЙЛА**

Күйла, күйла, эй менинг күнгил аталған булбулим,  
Күйларинг ҳалқимта ёқса, мангү ёруғдир йүлім.  
Күйламоққыл бахти ҳам қар кимга бүлмайдыр насиб,  
Ким құшиқ қамроғи бұлса унта асло йүқ ўлім.  
Яхшилар-ла бор овоз-ла құшиқ айтким тиңмайин,  
Күшириңгіта акс садо берсін мудом ўнғу сұлім.  
Күйламоққа завқ билан сен әзгулукни танлагин,  
Күйларинг айтсін одамлар қалби бүлди манзилим.  
Күйла, күйла, эй менинг күнгил аталған булбулим,  
Күйларинг ҳалқимта ёқса мангү ёруғдир йүлім.

## **ЗУККО ОТАМ**

Эй улурлардан улуг, зукко отам,  
Аҳди донишлар аро якто отам.  
Оқ соқолу оқ сочы оппоқ юрак,  
Сүзларингиз мунча сермаъно, отам.  
Юзларингиз нуридан тонглар отар,  
Сиз туфайли умримиз рўшно, отам.  
Тўй қиласак бўлсак эрурсиз тўй боши,  
Маслаҳатгўй оқибу доно отам.  
Бошга бир иш тушса доим бўлдингиз,  
Ўргилиб қопимда тез пайдо отам.  
Бахтимизга доимо бардам бўлинг,  
Айрилиқни кўрмайин асло, отам.  
Жонажоним, кенг жаҳоним, бузрутим,  
Мехрингиз сермавж оқар дарё, отам.  
Пойингизга тиз чўкиб хизмат этай,  
Сиз билан ҳолим бўлур аъло, отам.  
Эй Калоний, ёз ғазал илдом билан,  
Не учунким шеърга ҳам шайдо, отам.

## **ЖОНИМ ДАДАМ**

Қадрингизга етмадим, эвоҳ, отам,  
Айладим хизматни сизга анча кам.  
Дейдилар дунёни, ёраб, бевафо,  
Қадри йўқ олдингдан оққан сувни ҳам.  
Сувратингизга боқиб дод айлагум.  
Дилда ғам кўп, кўзларим ҳам жиққа нам.  
Бор эдингиз қадди-қомат ғоз эди,  
Энди йўқсиз, бел букик, бош бўлди ҳам.  
Руҳингизга тиз чўкиб ёлвораман,  
Қўлласин, айтинг, мени жоним дадам.  
Пандларингиз доимо ёдимдадир,  
“Эл учун жон чекмаган эрмас одам”.  
Ота пацдин дилга жо ким қилмаса,  
Шум қадамдир, шум қадамдир, шум қадам.  
Маҳсадимга ҳеч етолмасман, Калон,  
Сиз яшаб ўтган Ватанин севмасам.

## **ЎЗИМ**

Соддадил, покиза кўнгил, тўғрисўз инсон ўзим,  
Қилмишимга лол қолурман, во ажаб, ҳайрон ўзим.  
Ўз ҳаётим, турмушим бир четда ноchor қолса ҳам,  
Ўзгаларинг дарди бирла кўзлари гирён ўзим.  
Хожати чиқсин бировнинг деб савобга қўл уриб.

Кўча-кўйда кеча-кундуз дайди, саргардон ўзим.  
Етти ёт бегона қадрин айлабон осмон қадар,  
Оқибат ўз манзилимни айлаган зипдан ўзим.  
Ёру дўст туйгуларин хўб иззату ҳурмат қилиб,  
Дилдаги орзулярим кўп айлаган вайрон ўзим.  
Ўз ғаму ташвишларим тоғ бўлса ҳам, боз устига,  
Ўзгалар ташвишларин ҳам қўш сотиб олғон ўзим.  
Айлагайман ошинолар роҳатига жон фидо,  
Лек ўзимнинг роҳатим ийқ, хору зор, нолон ўзим.  
Давр суринг, эй жўралар, даврон келиб қолмииш дебон,  
Бой бериб фурсатниким, ҳеч сурмаган даврон ўзим.  
Эй Калоний, эл-улус деб жон чекарман то абад,  
Ҳақ ҳакам, боқийда бўлгум шуғулийи афшон ўзим.

## ЎҒЛИМГА

Сенга ёлвораман, қодир Худойим,  
Ўзинг асра ўғлонимни илойим.  
У қалбим кўрию кўзим зиёси,  
Унингсиз тўрида дўзажни(нг) жойим.  
Анга бўлсин фидолар танды жоним,  
Шукр, ул ҳам менинг мангуш фидойим.  
Саломат юрса бас, кўкларда бошпим,  
Агарда бўлса ҳам қиёмат қойим.  
Очиб икки қўлим, оғзим дуода,  
Тиниб қолмас эса токи садойим.  
Боши тошдан, Калоний, қалби лекин  
Мусаффо пахтадек бўлсин мулоим.

## СИНГЛАИМ

### *Мувашшаҳ*

Менга сен бунчалар ҳам эрурсан меҳрибон, синглим,  
Шунинг-чун балки номинг ҳам экандир **Меҳрихон**,  
синглим.  
Ётимлик бирла ўссанг ҳам ўқиб зуқко бўлиб олдинг,  
Саришта ҳам пазанда, чевару соҳиби шон, синглим.  
Ҳунар ахлини лол этдинг, ажойиб дўшидўз бўлдинг,  
Чокинг тозза, қатимларга берурсан худди жон, синглим.  
Раҳм-шафқатлисан, қалбинг ҳамиша поку беозор,  
Тилингдан бол томар доим, сўзинг оромижон, синглим.  
Илоҳим сор бўлу толе қучоридан жудо бўлма,  
Мудом омад кулиб боқсин, кулиб юр ҳар қачон, синглим.  
Хотин-қизлар аро юрсанг аларга файз баринтайсан,  
Ки умринг даврида ҳаргиз кўрар бўлма зиён, синглим.

Омон бўлгин, осойишта яшаб қалбингни яшнаттин,  
Сени солиҳо комила қиз дер эл, аёни, синглим.  
Нечун шаънинта шеър битмай, нечун мадҳу сано айтмай,  
Оранг бўлмиш Калонийга ҳамиша жонажон, синглим.

1976 йил

### ЎҲШАБ ТУРСА ҲАМ

Ёз бўлолмас қаҳратон қиши, ёзга ўҳшаб турса ҳам,  
Барибир бўлгай совуқ, офтоб чарақлаб турса ҳам.  
Бевафо оғушига таллинма кўнглим ҳеч ҳачон,  
Мен шакарлаб деб, кулиб ноз бирла имлаб турса ҳам.  
Минг синовдан ўтмаган тулпорга асло минмагин,  
Гарчи у бедов ясанган ҳолда кишинаб турса ҳам.  
Қўрқадирман душманим айтса ширин сўзлар, вали  
Сесканур дил гар қилич доим ярақлаб турса ҳам.  
Ўзага инъом этар бўлсанг ғараздан ҳоли тур,  
Ичма миннатли таом нафсинг тарақлаб турса ҳам.  
Ёз разал, тинмай қалам тебрат, Калоний, баҳт экан,  
Доимо қалбинг жўшиб қайнаб, вараклаб турса ҳам.

### БЎЛСА ҲАМ

Кўп совуқдир упласанг қор, гарчи юмшоқ бўлса ҳам,  
Бевафо ёр ёр бўлолмас, сирти оппоқ бўлса ҳам.  
Хуснига пардоз бўлур турли тақинчоқлар, вали  
Пок этолмас шаънини бўйнида муничоқ бўлса ҳам.  
Бу жаҳон айвонида жуфти ҳалолинг топмасанг,  
Покиза умрингни ўтказ яккаю тоқ бўлса ҳам.  
Охирни шармандали йўлларга юрма ҳеч қачон,  
Такла обрў келтирувчи йўлни ботқоқ бўлса ҳам.  
Доимо юргил узоқ бой бўлса ҳам ёлрончидан,  
Тўғрисўзга бўл яқин, ул гар қурумсоқ бўлса ҳам.  
Баъзилар дер камтарин бўлсанг жойинг пойгаждадир,  
Камтарин бўлгии ҳамиша тоғи шундоқ бўлса ҳам.  
Кимсанинг миннатли ошини емасдан, эй рафиқ,  
Супрақоқингдан пишир, майли, бўйирсоқ бўлса ҳам.  
Ўзганинг раъий учун умрингни сарф этма, бироқ  
Қайтмагин ҳеч эътиқоддин, чўнтагинг қоқ бўлса ҳам.  
Эй Калоний, шеър паловин яхшилаб сен дам едир,  
Шошмагин ҳеч, гар хўранданг оч ва муштоқ бўлса ҳам.

## ЭТСА КИМ

Минг савоб олгай кишининг кўнглини шод этса ким,  
Минг гуноқ олгай, бироқ шод дилни ношод этса ким.  
Борни ҳам йўқ айлаганнинг қисмати энг талх бўлур,  
Дил уйи яшиаб очилгай йўқни бунёд этса ким.  
Хайру эъсон истаган мұхтож кипига айласин.  
Хизматидир бебаҳо, вайронни обод этса ким.  
Эътибор топгай мудом эзгу юмушга урса қўл,  
Эл аро шарманда бўлгай кори иснод этса ким.  
Ишқ биноси эскимайдир, кўрк, жилоси бекиёс,  
Одам эрмас бул бинони дилда барбод этса ким.  
Ёдланур боқийта рихлат айлагач ҳам то абад.  
Ўтган авлодини ҳурмат этса ҳам ёд этса ким.  
Эй Калоний, оғритар бўлса агар ёр кўнглини,  
Арзигайдир бир умр дод устига дод этса ким.

## БУ ДУНЁНИНГ АСРОРЛАРИН

Бу дунёнинг асрорларин ҳаргиз англаб етолмадим,  
Етолмам деб қўлни силтаб, бош олиб ҳам кетолмадим.  
Ўйлайвериб бошим қотди, олам иши жумбоқ экан,  
Чигалларин ечай дебон куондиму ечолмадим.  
Ойнинг ўн беен куни ёруг, ўн беш куни қоронгудир.  
Қоронгусин ёруг этай дедим, бироқ этолмадим.  
Камбаралнинг оғзи ошга егса, бурни қонар нечун,  
Олмоқ бўлиб алар дардин уриндиму ололмадим.  
Айтдиларким, бехудага жон чекмагани, самар йўқдир.  
Қатъий эди ниятларим бир лаҳза воз кечолмадим.  
Имони бут одамларнинг бурчи бисёр эл олдида,  
Бирмунчасин ўтаб бўлдим, наилай, барин ўтолмадим.  
Эй Калоний, умр деган бир нафасда ўтар-кетар,  
Ҳасратларим мингдан бирин атгъор этиб битолмадим.

## ДОСТОНИ КАМ

Бебаҳо инсон учун бу ҳур ҳаёт уммони кам,  
Ҳур ҳаёт уммонида дур, марварид, маржони кам.  
Она юрт-чун жон Ватан деб садқа этмиш жонини,  
Жон фидо айловчи зотта бир берилган жони кам.  
Қанча эъзоз бўлса камдир, қанча ҳурмат бўлса оз,  
Бошидан сочган нурафшон хуршиди тобони кам.  
Ер юзин обод этибдир бору бўстон айламиш,  
Дасти гул қутгут башарга бор жаҳоннинг шони кам.

Хилма-хил неъмат яратмиш тер тўкиб, жонлар чекиб,  
Бас экан шундоқ, унинг-чун ёзган дастурхони кам.  
Барча жоизотлар аро энг мўътабар инсон учун,  
Эй Калоний, шоир ажлии шеъри кам, достони кам.

## КИМДА ОМАД ЙЎҚ ЭКАН

Кимда омад йўқ экан, ул ғам чекар роҳатда ҳам.  
Кимга омад боқса, лекин баҳт топар оғатда ҳам.  
Келса омад ғам-аламлар ўрнин олгай шодлик,  
Кетса омад ғам чекар кас ҳурмату иззатда ҳам.  
Кимки омадсиз экандир ўз диёрида гариб.  
Кимда омад бўлса, албат, дўст топар гурбатда ҳам.  
Кимдан омад юз ўтиргай бори ҳам тез йўқ бўлур.  
Кимга омад кулса гавҳар бор бўлур хилватда ҳам.  
Омади йўқ, касни(нг) ҳаргиз боши чиқмас қайғудан,  
Заррача лаззат тополмас кайф-сафо, ишратда ҳам.  
Эй Калоний, омадинг йўқ, шул сабабдан хорсан,  
Тинмайин ташвиш чекарсан шу қулаг фурсатда ҳам.

## ТОПМАДИМ

Жабридан ёвнинг бошимни ургани тош топмадим,  
Тоқатим тоқ бўлди, зарра сабру бардош топмадим.  
Ёндирап ул кетма-кетким зулму зўрлик сангини,  
Йирлагайдир кўнгил, аммо кўзда ҳеч ёш топмадим.  
Дардларим дарёга айтсан, сесканиб саҳт муз бўлур,  
Ҳасратим айтмоққа, оҳқим, ёру йўлдош топмадим.  
Не бало деб қоғди буткул барча хешу ақрабо,  
Кўллагувчи битта қўлдош, битта қардош топмадим.  
Қалба қайғу тошқини шеър бирла изҳор айладим,  
Не учунким чизгани бир яхши наққош топмадим.

## ТОПДИМ

Худойим баҳш этиб ногоҳ ширин жон бирла тан топдим,  
Кўришта кўз, эшилмоққа қулоқ, сўзга даҳан топдим.  
Қувонгайман қадамни жо-бажо босдим шу боисдан,  
Сочиб қўйган насибамни ҳалолу покидан топдим.  
Азизлар, зўр ҳаловатдир савоб ишлар бу оламда,  
Қолиб гафлатда кегмай деб рафиқнинг мардидан топдим.  
Фалакнинг жабри ҳам бисёр, бироқ шон-шавкатим кўпдир,  
Менга равшан бўлур, жабри эмас зўр шонидан топдим.

Тилим бирла дилим доим мувофиқ келгани хўбдир.  
Дейин ҳар лаҳза не топдим, ахир, иймон билан топдим.  
Йигай деб молу-мулк олтину кумуш ўртамам жонни,  
Вале жоним чиқиб тандан фақат тандан кафсан топдим..  
Нетай, армондаман, дўстлар, умр бир лаҳзалик эркан,  
Ўзимга жим гўристондан зиёли бир Ватан топдим..  
Муродимга етай дердим, Калоний, иполалар айлаб,  
Шукр, халқимга хизматта ҳалол назмий сухан топдим.

## БАХТИМ

Не зрур дединг бахтинг, айтайин, санам, бахтим,  
Завқданиб кетурман гар сенга сўзласам бахтим.  
Мўл зрур менинг бахтим, қай бирин сенга сўзлай,  
Арзигай жўшиб, қувнаб элга сўзласам бахтим.  
Аявало чин ўғлонман гулшаним-диёримга,  
Шул сабабми оламда бўлмагуси кам бахтим.  
Мисли йўқ гўзал бир юрт бағрида туғилганман,  
Хур замоним бахш этган лутф ила карам бахтим.  
Ўйлама фақат шодлик толеи унинг дея,  
Эл учун чекар бўлсам, қайгую алам бахтим.  
Бир улут бино-чун эл тер гўкиб қилур меҳнат,  
Мен анга бирор гиштни қўёлсам у ҳам бахтим.  
Кечалар бўлиб бедор шеър, разал тўқиидирман,  
Гулшанимни мадҳ этган қўлдаги қалам бахтим.

## ХАЛҚИМ БИЛАН ЮРТИМ

Ҳаётим маъниси жисмим аро, халқим билан юртим,  
Дилимда сақлаган ул бебаҳо, халқим билан юртим.  
Муқаддас бу жаҳонда неки бор, баридан аъло,  
Азизу муҳтарам, энг дилрабо халқим билан юртим.  
Қарайверсам кўзим яшиаб, дилим яйраб кетар ҳар он.  
Ажойиб хосиятли, гержило халқим билан юртим.  
Кучоридан жудо бўлмоққа бир дам тоқатим йўқдир,  
Ки ишқим боғида эсган сабо халқим билан юртим.  
Ғурурим, шавкатим, шоним тарин иззат ва икромим,  
Кулар иқболиму баҳти бақо халқим билан юртим.  
Калоний, бу ҳаётдан мақсадимни сўрдингиз, айтай,  
Менга ҳар дам яшашдан муддао халқим билан юртим.

## БУ ЖАҲОН ЗУЛМАТ

Туркистон жалқининг Чор Россияси ҳукмдорлари томонидан  
ваҳшиёна эзилишига тоқат қила олмаган бир шоир Қўқон  
шахридаги маҳаллий ҳукмдорга шундай деган экан:  
Беринг сўзлар учун руқсат, афандим,  
Қилай мен сиз билан сұхбат, афандим.  
Бало саҳросида ёлғиз кезарман,  
Бўлинг бир лаҳзага улфат, афандим.  
Нетай, қалбимдаги армонларим мўл,  
Кўзимга бу жаҳон зулмат, афандим.  
Бошимда айланурсанги тегирмон,  
Эзиг ҳок айлади қисмат, афандим.  
Менга айтинг, бу оламда нечун ҳам  
Жафою мусибат қат-қат, афандим.  
Қаро зич-зич булат янглии бу олам,  
Аёвсиз ёғдирап кулфат, афандим.  
Қаранг, қандай олибдир авж разолат,  
Толиб бўлмайди ҳеч шафқат, афандим.  
Ғазаб отига қамчинни урарлар,  
Қиломаслар сира ҳиммат, афандим.  
Маҳаллий халқни ҳеч одам демаслар,  
Бу-қонхўрлик, мараз иллат, афандим.  
Разил келгиндилар кайфин сурарлар,  
Вале туб халқ учун гурбат, афандим.  
Ахир, бордир сабрнинг ҳам канори,  
Топиб айтмоқдаман журъат, афандим.  
Туташса ўт чиқар севгим ва қаҳрим,  
Бири манғий, бири мусбат, афандим.  
Олов тушсин аёвсизлар уйига,  
Насиб этсин биза шуқрат, афандим.

## КУЛФАТИМДАН ЭЛ ҚУВОНМАС

Розиман, жоҳил агар ўлдирса ҳам,  
Бор умидим гулларин сўлдирса ҳам.  
Устихоним синдириб, терим шилиб,  
Мўйларимни битталаб юлдирса ҳам.  
Тош билан бошим эзиг, ўтта ёқиб,  
Дард бериб, юз хил бало бўлдирса ҳам.  
Ёдриб ирвою бўхтон ёмғирин,  
Дилсиёҳ арёларим кулдирса ҳам.  
Дорга оссин, сўнг таниамга термулиб  
Ёвларим яйраб қараб ўлтирса ҳам.  
Қаҳқаҳам олами тутса тонг эмас,  
Ғам билан қалбим уйин гўлдирса ҳам,  
Кулфатимдан эл қувонмас, эй Калон,  
Ёвларим яйраб қараб ўлтирса ҳам.

## БОШ БЕРСА ҲАМ

Олма нокас қўши сенга бир ошам ош берса ҳам,  
Бир куни миннат қилодир ош эмас, тош берса ҳам.  
Ўйлама меҳру муруватни қилур деб беғараз,  
Ҳеч қачон кўзга яқин бўлмайди у қош берса ҳам.  
Маслаҳат берса кулоқ солма, ўзинг бил, қилмишинг,  
Кирмасин ҳовлинг супурмоқликка фаррош берса ҳам.  
Ёнига ҳаргиз яқинлашма, узоқ юр яхиси,  
Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл, йўлга йўлдош берса ҳам.  
Мақсади тоҳға йиқитмоқдир, зарарли ҳар иши,  
Суратинг аксин чизур, албатта, наққош берса ҳам.  
Бемисл қашшоқ зсанг ҳам учмагил эҳсонига,  
Ҳеч уялмай тилла дейдир гарчи у мosh берса ҳам.  
То ҳаётинг бор экан номардга муҳтоҷ бўлмагил,  
Хун талаб қилгай агар эҳсон учун бош берса ҳам.  
Эй Калон, миннат ёмон, ундан бўлолмайсан халос,  
Етмагай умринг, сенга минг йил зиёд ёш берса ҳам.

## КЎРМАДИМ

Ёримдан ўзга маҳраму хуштор кўрмадим,  
Жонимдан бўлак анга гирифтгор кўрмадим.  
Ҳажрида жаҳаннам ўтида ёндию жисмим,  
Васлига етиб, заррача озор кўрмадим.  
Меҳрини бериб сидку вафо айлади тортиқ,  
Севгимга бўлак кимса сазовор кўрмадим.  
Ҳай-ҳай, очилиб гунчай хандон бўла қолди,  
Бундай чаману гулшану гулзор кўрмадим.  
Дилларни бериб қанча гўзал ошигу шайдо,  
Лек мен асалим мислида дилдор кўрмадим.  
Ёрингни, Калон, айла қадр, севгини мўл эт,  
Андек гўзалу сенга вафодор кўрмадим.

## АДО БЎЛДИМ

Гуноҳим не эди, ишқинг ўтига мубтало бўлдим,  
Куйиб ҳажрингда, эй дилбар, адo бўлдим, адo бўлдим.  
Муҳаббат йўлинни ғоят хатарли дердилар, оҳким,  
Кириб бу йўлга янгишдим, балога мубтало бўлдим.  
Сенингиз менга мақсад, йўқ, куйиб ҳижратга юзландим,  
Биёбонларда оҳулар билан чин ошино бўлдим.  
Сени қалбим дедим сўйдим, сени жоним дедим сўйдим,  
Наҳот қалбим билан жондан бу кун мутлоқ жудо бўлдим.  
Калоний, баҳтиёр эрдим, ғурурим эрди юксакда,  
Севиб ҳажрингда, эй дилбар, висолингга гадо бўлдим.

## **ШАҲРИМ АРО ҚЎЙСАНГ ҚАДАМ**

Шаҳрим аро қўйсанг қадам кулбамга келгин, эй санам,  
Мен интизорман ушбу дам, этгил ўзиғ лутфу қарам.  
Ҳажрингда кўп чекдим азоб, кўзларда йўқ бир лаҳза хоб,  
Кўнглим олиб, топгил савоб, нозик адо, эй муҳтарам.  
Йўлингда зордирман кутиб, четлаб мени кетма ўтиб,  
Қолмай тагин қонлар ютиб, тортирганин дарду алам.  
Учрашмадик бир неча йил, ўрганди кўп ҳижронда дил,  
Айлаб висол шафқатни қил, боз этмагил жабру ситам.  
Васлинг учув бўлдим гадо, гар келмасанг бўлгум адо,  
Кел марҳабо, кел марҳабо, дил богин эт Бори эрам.  
Келгил уйимга нур сочиб, пешвоз чиқай бағрим очиб,  
Кетсин бутун дардим қочиб, чекмай, Калон, ҳажрингда кам.

## **НОЛА ҚИЛДИМ**

Гулим, ҳуснингта дилни вола қилдим,  
Дилим рангин куйингда аола қилдим.  
Висол деб ҳажрингта бўлдим дучору,  
Кўзим ёшини ҳадсиз жола қилдим,  
Юзимнинг рангини менгзаб сомонга,  
Белим мислини куйган тола қилдим.  
Кўмиб ерга араз, кудрат ва кинни,  
Йўқол деб устидан бир мола қилдим.  
Муҳаббат ўтида куйгаңдан, эй ёр.  
Калоний эртаю кеч нола қилдим.

## **СЕВМАСАМ**

Дилни топширмас эдим, ёр, севмасам,  
Бўлмас эрдим васлинита зор, севмасам.  
Севмайин изҳори ишқ этмоқ гуноҳ,  
Мен бўлур эрдим гуноҳкор, севмасам.  
Бу жадонда юз аср кўрсам умр,  
Файзи йўқдир, бари бекор, севмасам.  
Кўз сени кўрмоқни истаб, тил эса  
Ишқ сўзин этмасди такрор севмасам.  
Тунлари ўйинг суриб йиглармидим  
Хун бўлиб, куйингда абгор, севмасам.  
Булбулигўё бўлиб сайрармидим,  
Гулбадан, хушрўю гулзор, севмасам.  
Тунни кунларга улаб доим Калон,  
Дил сўзим этмасдим такрор севмасам.

## **ИШҚИ**

Ишқи сингиб жойланибдири дилдан ортиб жонга ҳам.  
Забт этиб бўлгач бутун жисмим, ўтибдири қонга ҳам.  
Жон билан тан йўғилиб бўлгач муҳаббат ўтига,  
Мутлақо ҳоким бўлибдири энг улуғ имонга ҳам.  
Банд этибдири фикру ёдим ҳам хаёлу ўйларим,  
Кўзларим ишқин кўрар боқсан сарим осмонга ҳам.  
Қанча бор эрса макон бари лиммо-лим ишқи-ла,  
Севгиси ортиб макондан жо бўлибдири онга ҳам.  
Эй Калон, ёзсанг разал бошдан оёри ишқ экан,  
Не ажаб бундан буён кўчса агар достонга ҳам.

## **ИШҚ БИЛАН**

Ишқ билан шодон кўнгил, гар ғам билан тўлдирса ҳам,  
Бўлмаса ишқ, розидирман, майлига ўлдирса ҳам.  
Ихтиёrim ишқадир, не хоҳласа ул шуа қилур,  
Ўз иши кўз ёшларим тўқтириса ҳам, кулдирса ҳам.  
Хоҳласа завқим оширгай, куйлатиб, хуррам қилиб,  
Хоҳиши: қаддим букиб синдирса ҳам, сўлдирса ҳам.  
Ишқ билан очдим кўзимни, ишқ билан юмгум, vale  
Воз кечолмам бошима минг хил бало бўлдирса ҳам.  
Эй Калон, умрим китобин маъниси шу ишқ эрур,  
Бўлмаса ишқ, розидирман, майлига, ўлдирса ҳам.

## **УШБУ ДАМ**

Ёр билан гулшандадирмиз ушбу дам,  
Бир жону бир тандадирмиз ушбу дам.  
Ишқ олови қалбимизни ёндирап,  
Энг баланд гулхандадирмиз ушбу дам.  
Васл борин, дейдилар, жаннатмисол,  
Иккимиз ҳам андадирмиз ушбу дам.  
Бегубор осмонга юлдузлар тўлиб,  
Офтоб ботгандадирмиз ушбу дам.  
Дилда ҳис уммонлари тўлқин отиб,  
Эҳгирос жўшгандаадирмиз ушбу дам.  
Дўлпимиз осмонга отсак тонг эмас,  
Бахти кулган бандадирмиз ушбу дам.  
Бахтимиздан энтикиб, дил яйрагай,  
Лаблари пур ҳандадирмиз ушбу дам.  
Эй Калоний, қайдасан деб сўрмагил,  
Жонажон Тошкандаадирмиз ушбу дам.

## НЕГА БОҚМАЙ ЎТДИНГ?

Сени севаман, ниғорим, ўзингсан менинг баҳорим,  
Жонима лайли наҳорим, нега менга боқмай ўтдинг?  
Менга ҳеч араз қилма, гинаю ғараз қилма,  
Юрагимни ҳеч тилма, нега менга боқмай ўтдинг?  
Майли, яна имтиҳон қил, майли, ҳисларинг ниҳон қил,  
Майли, ошифта жон қил, нега менга боқмай ўтдинг?  
Тарин қанча йил кутай мен, тарин қанча қон ютай мен,  
Қўлларингта гул тутай мен, нега менга боқмай ўтдинг?  
Очиқ айт, не муддаоинг, мунича кўп, ахир, жафойинг.  
Калоний сенинг фидойинг, нега менга боқмай ўтдинг?

## ДИЛБАРИМ

Кўз ёшимдан бўлди пайдо тўртта уммон, дилбарим,  
Оҳларимдан бўлди пайдо катта тўфон, дилбарим.  
Дилгинамни қилди пора тиги ҳижронинг сенинг,  
Қони сачраб бўлди уфқ ҳам қип-қизил қон, дилбарим.  
Гар эшитсанг нолалар ҳеч андалиб деб ўйлама.  
Ҳасратимга акс садо бермоқда ҳар ён, дилбарим.  
Сен учун жоним фидо этганлигимни билмадинг,  
Бу ғарив жиссими қолибdir энди бежон, дилбарим.  
Ёр бўлиб келмоқни лозим кўрмадинг, ёдимдасан,  
Кўзларим олдида доим сен намоён, дилбарим.  
Эй Калоний, шеърларингиз бунчалар маҳзун дема,  
Ҳажр саҳросида илҳом урди тутён, дилбарим.

## ЖОНОНАГА ЕТСАМ

Жонимни берай, жон деса, жононага етсам,  
Умримдан азиз бўлгуси ҳамхонага етсам.  
Ул шоҳи ҳусн олдида мен қул кабидирман,  
Тахт унга насиб, баҳт менга остона етсам.  
Май мисли унинг васлию, майхонадир ишқи,  
Тўйгунча ичай васлинни майхонага етсам.  
Кулманг менга бу масти аласт кимни кутар деб,  
Мастона боқай кўзлари мастонага етсам.  
Зулфини ўраб бўйнимга зуннор этадирман,  
Ишқида мени этгувчи девонага етсам.  
Ёримга, Калон, айтгали ашъор битадирман,  
Сайраб кетаман сужбати шоҳонага етсам.

## АГАР СЕНДАН ЖУДО БҮЛСАМ

Бу оламда менга не бор, агар сендан жудо бүлсам,  
Увол қалбим, ҳаётим хор, агар сендан жудо бүлсам.  
Жудо бўлмоқни, ёр, сендан тасаввур ҳам этолмасман,  
Вале бошимда нам бисёр, агар сендан жудо бүлсам.  
Қуёшидан жудо бўлган замин янглиғ бўлурманким,  
Бутун дунё зимишон, тор, агар сендан жудо бўлсам.  
Нафас олмам ҳаводан, ўрнига доим заҳар ютгум,  
Менинг бахтилигим бекор, агар сендан жудо бўлсам.  
Бугун соз тебраниб турган қаламнинг ҳам учи сингай,  
Вужудга келмас ҳеч ашъор, агар сендан жудо бўлсам.  
Етолмасдан Муродимга, Калон, армонда қолгайман,  
Юмарман кўзни чор-ночор, агар сендан жудо бўлсам.

## БУ ДАМ

Дилбарим, ноз этма, энди васл этар дамдир бу дам,  
Тун тугаб, кундуз келиб, қайғу кетар дамдир бу дам.  
Боқ бу кун оламга яйраб, завқ билан, ихлос билан,  
Сен ўзинг, жоним, тушунтайсан, нетар дамдир бу дам.  
Ёр висолин йўлини олис деб асло ўйлама,  
Бўлса гар кўнгил яқин, йўқ ҳеч хатар дамдир бу дам.  
Орзулар ёэсин қанот, кўкларга парвоз айласин,  
Дилдаги армон, пушаймонлар битар дамдир бу дам.  
Сўнмасин асло ҳаёт борида шодлик, эй Калон,  
Қиласа аҳд мақсад, Муродларга етар дамдир бу дам.

## СУБҲИДАМ

Бунчалар ҳам беғубордир, бунча зеба субҳидам,  
Бунчалар ҳам дилкушодир, кўнгил оро субҳидам.  
Тунда юлдуз сайри яхши, кунда кундуз сайри соз,  
Иккиси ҳам файзли, аммо ўзга дунё субҳидам.  
Хуш ёқар гул бўйларию дил очар булбул куйи,  
Кел, кезайлик бирга гулзор, эй дилоро субҳидам.  
Ою офтоб кулбасига беркиниб олган маҳал,  
Сен ўзинг, ёр, иккисидан менга аъло субҳидам.  
Тун тугаб, кун келмасидан чиқ ўзинг ороланиб,  
Диллашиб бир яирашайлик боғда танҳо субҳидам.  
Эй Калоний, бахтиёрсан ёр билан қилсанг висол,  
Хотирангдан ўчмас асло бу мусаффо субҳидам.

## ДҮСТИМ

Синфдош дүстим Рауфхон Муртазаевга

Кел, эй, дил дардларим сенга этай бир-бир баён, дүстим,  
Эди пинжон, бутун барин этай аста аёй, дүстим.  
Дилимнинг уйларин дўстлик зиёси-ла мунаввар қил,  
Нечунким, сен шу уйларни этибдурсан макон, дўстим.  
Агар дўстлик или ҳаргиз узилмас бўлса толедир.  
Анинг довругини ёйтай муборак бу замон, дўстим.  
Менга оламда дўстликдан муқаддас ҳеч жавоҳир йўқ,  
Агар шубҳа этур бўлсанг қилиб кўр имтиҳон, дўстим.  
Яrim аср яшаб ўтдик ҳакиқий ошнолика,  
Тагин шундай яшайдурмиз, агар бўлсан омон, дўстим.  
Садоқат риштасин узмас киши еттай муродига,  
Етармиз иккимиз шаксиз муродга бегумон, дўстим.  
Ҳалол лўқма емоқлик хосияти бисёр эзур мангу,  
Ҳалол еб биз, ҳалол ичдик, бу берди кўп нишон, дўстим.  
АЗИЗ ЭЛ-ЮРТ учун қиласак тарин хизмат улурлиқ шу,  
Бу ҳикмат маънисин чакқан киши кўрмас зиён, дўстим.  
Бино бўлган шу дўстлик ҳеч тутаиммас мулк бўлиб қолсин,  
Ани фарзанди комиллар давом этгирса шон, дўстим.  
Бу кун дўстликни мадҳ айлаб разал ёэди Калоний ҳам  
Ани асрраб разалхонларга етказ жонажон дўстим.

## СИЗНИ ИЗЛАБ ҚОЛМАСИН ДЕБ

Ҳар нигоҳингиз юракни ёқди жононим маним,  
Шул сабабдан ўртанур жисмимдаги жоним маним.  
Ихтиёрикни олибсиз қайси фурсат, билмадим,  
Ўзгага дил бергани кўймайди виждоним маним.  
Васлингиз орзуси бирла ҳар кеча бедорман,  
Гар муруувват айласантгиз қолмас армоним маним.  
Оразингиз олдида гўёки офтоб ҳам хира,  
Қалби кўнглимдек мусаффо, чаюми фаттоним маним.  
Бир келинг ёнимга энди лабда хандонлар билан,  
Завқ олиб бир япинасинким бу дилистоним маним.  
Таърифингизни, Калоний, қисқа айларман, яна  
Сизни излаб қолмасин деб ҳар газалхоним маним.

## ЧЎР ДИЛИМ

Чўр дилим тафтит босай деб пулладим,  
Ёнди баттар, изтиробдан уфладим.  
Кетди зое ҳамма иш, ўт оди авж,  
Гарчи ашким тўқдиму кўп туфладим.

Билмадим ё севгида сув ҳам ёнур,  
Ишқида бекад күйиб орифладим.  
Рад жавобин ёзмасин деб дилбарим,  
Номама дамлар солиб, куф-суфладим.  
Ҳеч Зулайходаң қолишмас севгилим,  
Унга мос айлаб үзим Юсуфладим.  
Мен дедиким: оч дилингнинг эшигин,  
Ул дедиким: ийүк иложим, кулфладим.  
Эй Калоний, сўзни кўтоқ қил дема,  
Арзима оғизими энди жуфтладим.

## АЛАМ

Мен билан ёр кетдилар, баҳти қароларга алам,  
Ишқидан бўлган жудо қалби яроларга алам.  
Оргимиздан зор қақшаб, алвидо деб йиглаган,  
Кўнгли ўксик, чорасиз ул бенаволарга алам.  
Дарли ҳаддан ошгану, лекин шифокорсиз, ажаб  
Беадад қайгули, шўрлик бедаволарга алам.  
Ёр уларни севмайин, бизга қулиб боққач, ахир,  
Васли дилдор ҳеч қачов ҳам нораволарга алам.  
Дилрабо дер: севгимиз ўткинчимас, боқий эрур,  
Бу хабардан ишқи бўлган бебақоларга алам.  
Эй Калоний, севгидан баҳтинг қулиб боққан экан,  
Ишқидан боши эгик, сарв қадди ёларга алам.

## ЎЗИНГДАН ҲАМ

ўзим минг ўргилай, жоним, сенинг ўтли кўзингдан ҳам,  
Кўзим тушганда лов ёнган ёнорингдан, юзингдан ҳам.  
Сочингни бўйнима боғлай, юз айланса адо бўлмас,  
Бўлур жоним тасаддуқ, эй қошингдан, қундузингдан ҳам.  
Жаҳонга нур багишлиайди ҷароғси, ой рухсоринг,  
Ажаб, қалбим зиё олгай, муҳаббат юлдузингдан ҳам.  
Жамолингни кўриб қантдек эриб кетдим, адо бўлдим,  
Агар топи бўлса ҳам жисмим эрир эрди сўзингдан ҳам.  
Ёнорингдан олиб бўса бошим кўкларга етганди,  
Қани, эй ёр, татиб кўрсам лабингдан-қирмизингдан ҳам.  
Бе не жумбогу чистондир. тополмасман, Калоний, айт,  
Нечук минг бор зиёд кўрдинг, нигорингни ўзингдан ҳам?

## **КҮРМАДИМ**

Дилбарим, оламда сендең дилрабони күрмадим,  
Покиза ишқингіта мендек мұбталони күрмадим.  
Турфа жононларни күрдим, лек уларнинг чашмида  
Күзларингда мавж уриб турған ҳәёни күрмадим.  
Қай йұсинаң қалбиму үйимни олдинг, билмадим,  
Дилни торғтувчи бу хил оқантрабони күрмадим.  
Ишқ, билан боқсанғ дилим равшан бўлур, умрим гули,  
Бунчалик мўъжизакор нуру зиёни күрмадим.  
Бир висолга аҳд билан синтан дилимни бутладинг,  
Во ажаб, умримда бундай мўмиёни күрмадим.  
Ҳар табассуминг экан юз турли дарднинг дориси,  
Дардларимга бундан ортиқроқ давони күрмадим.  
Дер Калоний: бу жаҳон айвонида, ёр, сен каби  
Бокира, оқилау ақли расони күрмадим.

## **БОШ МУҲАРРИР АЙЛАДИМ**

Ол лабингни ғунча деб шеъримда тасвир айладим,  
Қошларинг меҳроб билиб, пойнингда такбир айладим.  
Күзларинг юлдузға менгзаб, козларинг офтоб дебон,  
Сочларингни, дилбарим, бўйнимга занжир айладим.  
Икки дастинг ҳам ипак янглиғ мулоим, боқ, дедим,  
Ҳам забонинг тотини тасвирида ўткир айладим.  
Тишларинг олиоқ садафдек гул даҳанда товланур,  
Барчасин тасвирини нағбат-ла бир-бир айладим.  
Сарвқад, бошдан оёғинг таисифин этгач, Калон,  
Гар хато айтсам тузат деб бош муҳаррир айладим.

## **СЕВГАНИМ СЕВГАН**

Севганим севган, агар ҳижронга ташлаб қўйса ҳам,  
Душманим воз кеч дебон аңдан, пичоқлаб, сўйса ҳам.  
Эрта-кеч нозу фироқин олдириб авж тинмайин,  
Шундогам куйтан дилимни хеч аёвсиз үйса ҳам.  
Чарчамам севдим детан бир сўзни тақрор айласам,  
Чин сўзим бу, ёвларим ёлғонга ҳар дам йўйса ҳам.  
Гул тутиб, остонасидан кетмагайман бир умр,  
Таъналардан тўймагум жоним ҳаётдан гўйса ҳам.  
Эй Калоний, севги битта, севганим ҳам биттадир,  
Воз кечолмам ул агар ёт касга кўнгил қўйса ҳам.

## **КҮРМАСАМ**

Йүқ ҳаёт, хушрү жамолинг күрмасам,  
Икки юлдуз, қүш ҳилолинг күрмасам.  
Күргани ҳуснингни офтоб нур сочар,  
Мен ёниб кетгум висолинг күрмасам.  
Менга онг бирлан шуурим не керак,  
Унда гар ширин хаёлинг күрмасам.  
Тим қаро тусни тополмам дейди тун,  
Икки лаб бурчида холинг күрмасам.  
Мушку анбар бўйи қайдан, билмагум,  
Қирқ ўрам зулфи шалолинг күрмасам.  
Қоматим шамшод бўлурму эрди ҳеч,  
Сарвмисол қадди ниҳолинг күрмасам.  
Сенга деб жоним фидо этмас эдим,  
Барқарор лафзи ҳалолинг күрмасам.  
Шеърларим тотли бўлолмас дер Калон,  
Гар сенинг ширин мақолинг күрмасам.

## **ЖУДО БЎЛМАСАМ**

Нигорим ишқидан жудо бўлмасам,  
Жудо бўлиб, баҳти қаро бўлмасам.  
Не утун севибман, кўнгил қўйибман,  
Агар минг дардига даво бўлмасам.  
Муҳаббат борига кирадим қандоқ,  
Садоқат рамзига жило бўлмасам.  
Ўзимни қўярга жой топай қайдан,  
Нафас олай деса ҳаво бўлмасам.  
Табассум армуғон этарми менга  
Навобахш, ҳузурли садо бўлмасам.  
Қандай ҳалоскори бўлурман, ахир,  
Амёрин жонига жазо бўлмасам.  
Калоний бул ёрни севармидим, айт,  
Ҳаётбахш васлига гадо бўлмасам.

## **ОҲЛАРИМ**

Дўйстларим, бўрон эмас, ул оҳларим,  
Оҳларимдан сиз бўлинг огоҳларим.  
Ғам, алам, андуҳ чекиб, қондир дилим,  
Бунчалар мудҳиш экандир роҳларим.  
Нур сочолмас қоп-қаро қалбимга ҳеч,  
На кавокиб, на қўёшу моҳларим.  
Оқса ҳам кўз ёшлиарим дарё бўлиб,  
Қайрилиб боқмас, нетай, дилҳоҳларим.

Изласам бир меҳрибон содиқ киши,  
Кўнглими боз оғритар ҳамроҳларим.  
Арзигай минг тошга урсам бошни,  
Не учунким, жабр этар додхоҳларим.  
Эй Калоний, қисматим шу бўлдими,  
Этди безор ҳаммани оҳ-воҳларим.

## НИГОРИМ

Ишқинг юрагимга жо, нигорим,  
Олганда вафас ҳаво, нигорим.  
Гар бўлмаса у дилим қоронғу,  
Қалбимга эрур эйё, нигорим.  
Бир лаҳза усиз тирик қололмам,  
Дардимга мудом даво, нигорим.  
Жонимни фидо этай ўзингта,  
Ваъдамга қилиб вафо, нигорим.  
Сенсиз нетаман ушбу жаҳонни,  
Жонимга ўзинг сафо, нигорим.  
Севгимни ғазал этур Калоний,  
Бер энди ўқиб баҳо, нигорим.

## БЎЛУР КИМ?

Ҳажр саҳросида хуррам бўлур ким  
Висол бўстонида пурғам бўлур ким?  
Иаразгўй, фитначи, ношуд одамга,  
Ёронлар, айтингиз, ҳамдам бўлур ким?  
Ўзини кам деса камтарлик айлаб,  
Жамият бағрида бир кам бўлур ким?  
Ширинсўй доимо жонларга малҳам,  
Ёмонсўй кимсага малҳам бўлур ким?  
Субутсиз, бурди йўқ, имонсиз эрса  
Садоқат бобида маҳкам бўлур ким?  
Илмли бўлса ҳам бадавлат, агар  
Ватанини севмаса одам бўлур ким?  
Саховат, ҳидоят кўчнатин экмай,  
Калоний, сўз билан ҳотам бўлур ким?

## ОЮ ҚАМАРДАН ҲАМ

Юзинг нурли эрур, ёрим, гўзал нурли қамардан ҳам,  
Унинг ишқида қайтмасман ўзим дорга осардан ҳам.  
Висолинг лаzzати totali эрур, жаннатнинг болидан,  
Бироқ ҳажринг менга аччиқ бўлур қотил заҳардан ҳам.  
Агар сўз сўзласанг тош ҳам эриб бир қатра сув бўлгай,

Тилинг шириң эрүр, жоним, асаңдан ҳам, шакардан ҳам.  
Түшиб қолса күзинг нури күзимга жон ато қылгай,  
Нитохинг деб кечарман воз инон, кони самардан ҳам.  
Сочинг сунбул эрүр, қаддинг күриб сарв ҳам хижолатда,  
Тишинг өоят гўзал олтин, садаф, ёкут, гуҳардан ҳам.  
Мұҳаббатнинг шаробига, Калоний, гарқ бўлибдирман,  
Нуқул севги ҳиди келгай ёзиб турсам асардан ҳам.

### ЕТМАЙДИ ҲАРГИЗ ЖУРЬАТИМ

Найлайин, дардлашгани йўқ бир муносиб улфатим,  
Анга изҳор эттали тинмай ошар ҳасратларим.  
Изтироб, ташвишларим ортгаңда ортар, водариг,  
Бунчалар мудҳиш экан тақдирда мунгли кулфатим.  
Етти қат осмон қадар юксак кўтартум, лекигин  
Йўқ эрүр қадрим, тагин йўқдир зигирдек хурматим.  
Энди мен қай кимсадан кутсам бўлур, айтинг, нажот,  
Енгиг ўтмоқликка кулфатларни етмас қудратим.  
Мехрибонлик айласам қаҳру ғазабни пеш қилур,  
Боисин сўрмоқ учун етмас, Калоний, журъатим.

### ЮРТИМДА ДОВРУҒ ОТДИМ

Кўрганда, ёр, жамолинг эсу ҳушим йўқотдим,  
Ишқ оташига, найлай, қалбимни шартта отдим.  
Дўзах оловидан ҳам кучли экан муҳаббат,  
Қандоқ азобга қолдим, қандоқ аламга ботдим.  
Бир ёнда ошиғингман, бир ёнда ҳажринг ўттар,  
Қолдим аросат ичра, офтоб мисоли ботдим.  
Йўқ энди зарра журъат, йўқ энди зарра суръат,  
Васлинга етмоқ, истаб ору ғурурни сотдим.  
Ўтма телиб, уволим тутса кейин бўлур кеч,  
Тиз чўқдиму эгиб бош аста пойингта ётдим.  
Шарҳи дилим ёзай деб тутсам қалам қўлимга,  
Шоир бўлиб, Калоний, юртимда довруғ отдим.

### СЕВДИМ ДЕСАМ

Нега боқмай ошиғу ҳуштор эсам,  
Сен қабул айлармусан, севдим десам.  
Кетди қалбим эргашиб, ёр, сен билан,  
Майлиму ёнингта борсам мен шу дам.  
Нур висолинг ҳажрида дил хору зор,  
Эт муруват, бўлма, жоним, бекарам.  
Бир факир бечораман, ҳолимтавой,

Сен улугедирсан, азизу мұхтарам.  
Бекиес ишқим мусаффо, беназир,  
Тарк этиб кетмас мени бир лаңза ҳам.  
Бевафо олам нечун даркор менің,  
Гар садоқат бөғидан узсам қадам.  
Сенға мүштоқ, ўн саккиз олам, Калон,  
Қанча күп мадҳу сано айтсам-да, кам.

## КҮНГАЛИМ

Нетайким, ўздамас, Лайлода күнглим,  
Қаро қоши, күзи шаҳлода күнглим.  
Деди: осмондаги юлдуз зруман,  
Кавокиб сайдида Зухрода күнглим.  
Сиролмай, ўртаниб қуидим жаҳонда,  
Нигорим яйраган маъвода күнглим.  
Жүшиб күй куйласа булбул дейинму,  
Ёронлар, булбули гүёда күнглим.  
Товуслар лол қолур ороларига,  
Боқиб күз яшнасин, орода күнглим.  
Калоний, күнглини кеттан демангиз,  
Назокат қамраган донода күнглим.

## ҚАЛБИМНИ ЁҚДИ

Дилоро қайрилиб мен ёққа бокди,  
Күзидан ўт чиқиб, жонимни ёқди.  
Чиройли ҳұснига завқ бирла боксам,  
Мұҳаббат ҳислари қалбимга оқди.  
Мұҳаббат рамзи деб гүлғұнча тутсам,  
Олиб ул ноз била күксига тақди.  
Сабо сочин силаб ўтғанда аста,  
Олов рашик злечиси дарвоза қоқди.  
Висолин борига эттанды таклиф,  
Ҳаётбахаш таклифи ғоятда ёқди.  
На қылса қылдию ул шұх, Калоний,  
Мұҳаббат ўтида қалбимни ёқди.

## ШИРИН ЗАБОНИМ

Асалсиз, шаккарим, шириң забоним,  
Үзингисиз мениңг оромижоним.  
Күзингиздан мудом ўргилсам арзир,  
Қадрлисиз, қадрлы меҳрибоним.  
Келур сиздан ҳамипә хүтпхабарлар,

Бўлур ёруғ бутун жону жаҳоним.  
Нуқул мамнун этар ҳимматларингиз,  
Багишлайман эгиг бош, хонумоним.  
Азиз қалбимда сиз мангут яшарсиз  
Дилингиздир менинг ҳам чин маконим.  
Ишонганман умрбоду баоят,  
Топилмас заррача ҳаргиз гумоним.  
Висол гаштиң сурайлик бирга-бирга,  
Муборакбод этар кутлуг замоним.  
Муродимсиз Калоний деб эдингиз,  
Сўзингизга фида рухи равоним.

## ДИЛНИ ЁРДИМ

Ўқиб ёзган хатингни дод девордим,  
Бўлиб диқкат, ғам узра ғам евордим.  
Мени ағёр элига банди дебсан,  
Қачон, қай пайт рақиб олдига бордим?  
Йўқотдимми ишончингни ва ё ёр.  
Сенинг васлингта ҳар лаҳза хуморим.  
Дилингдан қувлагин рашикнг балосин,  
Уни мен илдизи бирла қўпордим.  
Ширин бўлсин дебон турмушни(нг) нони,  
Садоқатнинг хамирин тоза қордим.  
Этиб меҳрим билан ишдим мужассам,  
Жавобнома ёзиб дарҳол юбордим.  
Дема оламга жар солдинг, Калоний,  
Фақат ёлғиз ўзингта дилни ёрдим.

## АЙРИЛИҚ

Сенга қўнгил берган эрдим, эй санам,  
Айладингму ўзга бир касга карам.  
Яшарди кўз кўриб зебо гулингни,  
Ўзга юлмиш боққа кирсам субҳидам.  
Мен умид қиласан эдим, фарёдким,  
Үзди ўзга, менга қилди кўп алам.  
Бўлди пайҳон хўб гўзал гулзор, ахир,  
Энди ҳеч кўзга кўринмайдир шинам.  
Тоқатим тоқ, ҳапқирап дил тинмайин,  
Жой тополмам ўзни қўймоққа бу дам.  
Шўр экан, ювмоқ қийин пешонани,  
Бошгинамни тошга урсам қанча кам.

Бу мураккаб севги кори күп ажаб,  
Эй азизим, ҳеч гуноқ йўқ сенда ҳам.  
Айрилиқ қалбим яролар айлади,  
Бир умр битмас, Калоний, бу ярам!

## ГУЛОЙИМ

Шириң сўзли, қамар юзли Гулойим,  
Яқинроқ кел, сенга бордир саволим.  
Дилимни-ку ўзим тутдим кўлингга,  
Олиб қочдинг нечун ўю хаёлим?  
Юзингни кўрса ким кўзин узолмас,  
Ёмон кўздан, дедим, асра Худойим.  
Ахир Тоҳирга Зухродан гўзал йўқ,  
Менга зебо ўзинг соҳибжамолим.  
Кўзинг шахло, сочинг сунбул, лабинг гул,  
Қўлим тегса кўлинг бунча мулойим?  
Менга даркор эмас ортиқ ширинлик,  
Ўзинг қантим, ўзинг новвоту болим.  
Жудо қиласанг жамолингни кўришдан,  
Билиб кўйгил, тутар қаттиқ уволим.  
Кўзингнинг нуридан қувват олурман,  
Агар боқмас эсант қолмас мажолим.  
Бировларга табассум ҳадя этма,  
Келур рашким, келур қаттиқ малолим.  
Сенга етмоқ Муродим дер Калоний,  
Муродингта етиб юргин илойим.

## КЕЧИРСИН ёР

Эмасму айб ниғоримни безатсан,  
Дилимни унга савро деб узатсан.  
Кўзим яшинар, ошар завқим ҳамиша,  
Гўзал ҳуснин ҳавас бирла кузатсан.  
Дедим: жондан азиз севгум, бошимга  
Қилич келсин сўзимдан зарра қайтсан.  
Унга айтган гапим бари юракдан,  
Ўлай андак пичинг қиласам, кесатсан.  
Олиб кўсовни қувмасму кучукдек,  
Дилимда борини мардана айтсан.  
Келарму у илиб бизни назарга,  
Йўлини пойлаб, уйимни хўб ясатсан.  
Кутиб олсан кирав жоним ва лекин  
Чиқар жоним, у кетгандা кузатсан.  
Хато қилмас фақат Оллоҳ, Калоний,  
Кечирсии ёр хатойимни тузатсан.

## ҮЙИДА БАНДМАН

Үйида бандман унинг ҳар лаҳза ҳам,  
Ишиқида турдим бутун ҳам субҳидам.  
Нур сочиб чиқмоқдами офтоб ва ё,  
Мен томон келмоқдами ул муҳгарам.  
Келса-ку бошим шу он күкка етар,  
Келмаса, аммо роса қилгай алам.  
Ё ўзим борсаммиқан излаб уни,  
"Авлиёга икки дунё бир қадам".  
Мен унга шодлик гулин инъом этай,  
Ул менга тутқазса ҳам қайғую ғам.  
Ёр десам, ағёр дегай, найтай, ахир,  
Жон десам, ташлаб қочар этмай карам.  
Ҳажрида қалбим яродир, эй Калон,  
Етмасам васлига ҳеч битмас ярам.

## ЗҮР ҒАЗАЛХОН АЙЛАСАМ

Кошкى эрди васлингиз боғида жавлон айласам,  
Яйратшиб, чақчақлашиб сиз бирла хандон айласам.  
Үргилиб ҳам айланиб, сийлаб, ширин сўзларни деб,  
Мехрибонлик кўрсатиш корини чандон айласам.  
Севгидан топган буюк баҳтиими кўз-кўзлар этиб,  
Куйдирив рашик ўтида ағёр дилин қон айласам.  
Не учун хуррамлигимдан етмасин кўкка бошим,  
Чин садоқат, чин вафони беҳисоб қон айласам.  
Сиз учундир хонумоним, сиз учундир борлигим,  
Бекиёс шону шараф жонимни қурбон айласам.  
Мадхингизда бир-биридан дилрабо шеърлар ёзиб,  
Ошиқ аҳлини, Калоний, зўр ғазалхон айласам.

## ЖАМОЛИНГНИ КЎРИБ

Жамолингни кўриб, жонон, мисоли том қотиб қолдим,  
Отиб эсу ҳушим буткул, сёғингта ётиб қолдим.  
Бўлиб лоқайду бепарво, ёнимдан айланиб ўтдинг,  
Муҳаббатнинг азобини шу лаҳза мен тотиб қолдим.  
Бу фожедан ёниб кетдим, куйиб кетдим, адо бўлдим,  
Вале, дилдор, умид узмай, кетингдан гул отиб қолдим.  
Висол айёмига ҳаргиз етолмай доддаман, жоним,  
Ҳажр ботқогига, найтай, вужудим-ла ботиб қолдим.  
Ўқиб кўргин, Калоний, деб китобим сенга тутқаздим,  
Ўқиб чиқдинг, демак, ишқим дилингда уйготиб қолдим.

## ҲАМОН СЕВГУМ

Юзинг ёргүр эзур, жоним, қүёшу ою нурдан ҳам,  
Висолинг лаzzати шириң фароратдан, ҳузурдан ҳам.  
Сулувларни сулуу әрмас, севилгани сулуу дерлар,  
Гүзәл ёрим, ўзинг зебо менга миң биттә хурдан ҳам.  
Бу дүнёда нима қимматли деб сүрсантагар, жоним,  
Менга қимматлидири васлинг гүхар зар, тилла, дурдан ҳам.  
Келинг ёнимга деб бир бор мени имлаб чақыртиранг.  
Ҳузурингта ўтиб боргум баланддан ҳам, чуқурдан ҳам.  
Сенга жоним фидо этсан садоқатдан нишон бўлгай,  
Оёғингдан ўпай миң бор, кечиб ҳатто фуурдан ҳам.  
Сени ўн тўртда севгандим, Калоний, ощдим эзлиқдан,  
Ҳамон севгум дедим асло уялмай тенгу қурдан ҳам.

## МЕН СЕНИ НЕГА СЕВДИМ?

Эсимдадир ўшал кун, мен сени нега севдим?  
Этдинг-ку зумда мажнун, мен сени нега севдим?  
Ўйимдадир намоён шундан бери жамолинг,  
Қалбим бўлиби маҳзун, мен сени нега севдим?  
Кутган эдимми, ё раб, ишқингда ўрганишни,  
Чашмим мисоли Жайхун, мен сени нега севдим?  
Келсанг кулиб күёшдек, қалбимда тонг отарди,  
Қомасди ҳеч қаро тун, мен сени нега севдим?  
Васлинг уйига таклиф этсанг учуб борардим.  
Ҳажрингдадир дилим кун, мен сени нега севдим?  
Токай қуйиб-ёнарман дейди Калон, нигорим,  
Кўнгулни айла мамнун, мен сени нега севдим?

## АЙЛАРГА ҲАМ

Йўқ эзур журъат сенга дардим аён айларга ҳам.  
Қолмади тоқат яна энди пиҳон айларга ҳам.  
Йўқ сира имконият васлингта етмоққа гўзал,  
Етмагай бардош жудоликни шу он айларга ҳам.  
Истамам тул, лола сайлинг бўлмасанг сен, жонгинам,  
Дил чидолмайдир, ажаб, хилват макон айларга ҳам.  
Эрта-кеч ўю хаёлинг кўп азоблайдир мени,  
Хоҳишм йўқ, лек усиз ҳеч шодиён айларга ҳам.  
Тақдиримдир сенга борлик, истасанг ғамга ботир,  
Лек ўзинг қодирсан, эркам, шодмон айларга ҳам.  
Топмадим сенга етишмоқ йўлини ҳаргиз, Калон,  
Чора йўқ, лек дил узиш ҳатто гумон айларга ҳам.

## ДИЛОРОМИМ

Гүзаллардан гүзәл җар дам күзи шаҳло дилоромим,  
Киёси йўқ, чирой ичра ўзи танҳо дилоромим.  
Баҳор чори чаманларга саёжат айлаган чөвлар,  
Киёс эттум чаманлардан эзур зебо дилоромим.  
Күёш дейму висолини, зиёд дейму нигоҳини,  
Күёш бирлан зиёд янглиғ эзур аъло дилоромим.  
Кезиб җар субҳу шом ёрнинг висолин йўлин изларман,  
Кўзим ўнгидә җар доим бўлур пайдо дилоромим.  
Кўриб ҳусну жамолини узолмай кўз, Калон, айтдим:  
Сенинг хушрӯ жамолинтта дилим шайдо дилоромим.

## КЕЧИР СЕН ҲАМ

Сени, зй ёри жононим, кечирдим ман, кечир сен ҳам,  
Куйиб кул бўлмасин жоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Севиб рашк ўтида ёндим, нетай, җар лаҳза қизғондим,  
Кўнгил мулкида сultonим, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Не нафdir бу аразлардан, бу кеку бу баразлардан,  
Эзур илҳак уй-ошёним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Бу дунёнинг иши бир кам, сароб эркан гумон, шубҳам,  
Ўзингсан ёлғиз армоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Худо рози яраштандан, меҳр бирла қарааштандан,  
Асиш покиза инсоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Хатойимни тан олдим-ку, хаёлинг бирла толдим-ку,  
Ҳаётим, шуҳратим, шоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Сенингиз мента ком йўқдир, на тун-кун, субҳу шом йўқдир,  
Тиниқ покиза осмоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.  
Кулиб боққил Калонийга, кулоқ солгин ниҳойимга,  
Фазал боғида бўстоним, кечирдим ман, кечир сен ҳам.

## ГУЛИМ

Гар мени севмас экансиз, юзни кўрсатманг, гулим,  
Юзни кўрсатмай туриб ҳам дилни ўйнатманг, гулим.  
Кокилингизнинг муаттар бўйи бирла масти қилиб,  
Севиги туйгусин юракда аста қўзғатманг, гулим.  
Қалб ўзи нозик эзур, зебо зрур, кўркам эзур.  
Ҳисси йўқ, туйгуси йўқ, тошга ўхшатманг, гулим.  
Орзуйим боғлаб қанот учди висолингиз сари.  
Тез етиб олсин, ярим йўлларда тўхтатманг, гулим.  
Ўзга кас бирлан чаманзор ичра сухбатлар қуриб,  
Рашк ўтида ўртаманг, кўнглимни йиғлатманг, гулим.  
Севги изҳори битилган шеърни савю айладим.  
Дер Калоний: тез ўқиб, ҳеч кимга кўрсатманг, гулим.

## ДЕВОНАСАН ДЕДИНГИЗ

Девонасан дедингиз, ёр, ақлым бўлса сурмидим?  
Ишқ ўтига ўзни отиб ёнармидим, куярмидим?  
Уйингизга борсам агар итдек қувиб ҳайдасангиз,  
Остонангиз қучиб ўтиб, бошгинамни қўярмидим?  
Сизни кўрсам калимага келмас тилим, соқов мисол,  
Изҳори ишқ этолмайин юрак-багрим тилармидим?  
Ҳижрон азобига чидаш беролмайин, эсим оғиб.  
Кўчалару гўшаларда ётиб, жондан тўярмидим?  
Гар бўлмасам девона ман ишқингизда шоир бўлиб,  
Мижжа қоқмай туилар, Калон, оқ қорозни бўярмидим?

## БИР УМРГА СОҒЛАДИМ

Мен дилимнинг риштасия кўнглинг илига боғладим,  
Сен учун жон ҳам нисор этмоққа ўзни чоғладим.  
Ишқи йўқнинг қалби хаста, ногирон, опифтаҳол,  
Мен севиб хаста дилимни бир умрга совладим.  
Гар қадам боссанг вояндоғодир кўзимнинг нурлари,  
Кел, муҳаббат хонасини оқ ювиб, оппоғладим.  
Йўлларингта дона-дона гул сочиш озлик қилур,  
Даста-даста гул териб, бор-бор қилиб ҳам боғладим.  
Келмасингни билганимда бўлди жон ортиқча юқ,  
Йигланбон қон, депсиниб ер, юзларим тирногладим.  
Мингта ёрнинг васлидан минг карра соз ҳажринг сенинг,  
Ўй-хаёлингни ўзимга бир умр ўртоғладим.  
Мижжа қоқмай тун бўйи фарёд чекиб, йиглаб, Калон,  
Тонг чори ашъор битиб, кўнглимни жиндак чорладим.

## СЕВГИМ

Ўзинг қалбимга билдиримай кириб олдинг ниҳон, севгим.  
Кейин қалбим уйини айладинг бир ошиён, севгим.  
Сени тан олмадим аввалда, икror бўлмадим асло,  
Ва лекин эл ичра тез бўлдинг аён, севгим.  
Сени енгмоқ бўлиб қўлга қурол олди ғурурим ҳам,  
Уни бир ҳамлада енгдинг, баҳодир, паҳлавон севгим.  
Олиб бор ижтиёrimни ўзингта қул қилиб олдинг,  
Қулинг содик эрур сенга, инон севгим, илон севгим.  
Ўшал келган чорингда мен ёш эдим, энди улгайдим.  
Ўтиб йиллар қарирман, сен ҳамиша навқирон, севгим.  
Қадам қўйган жойингдан гул унди, обод чаман бўлди,  
Тасанио айтаман бу хислатинга қаҳрамон севгим.

Мисоли бир кўзойнаксан, жаҳон сен билан боқдим,  
Ҳаёт кўркам эрур, олам асил жаннатмакон, севгим.  
Яралдим сен туфайлидан, ўзинг бирла тирикдирман,  
Мени ташлаб йироқ кетма, азизу жонажон севгим.

### БОҚМАДИ ОМАД МЕНГА

Боқмади омад менга, ҳеч боқмагач жонона ҳам,  
Гарчи бўлсан ҳам туну кун ўргилиб парвона ҳам.  
Қанча кўп севсам уни, ул шунча кўп ётлик қилур,  
Дўйстларим йирвлар кўриб ҳолимни, кўп бегона ҳам.  
Мусибатлар қатма-қатдир, қай бирига дош берай,  
Сигмагайман ҳеч қаён, торлик қилур кошона ҳам.  
Жабридан дарё бўлиб ашким оқур уммон томон,  
Қолмади сабрим саногидан, ахир, бир дона ҳам.  
Йўқ эрур оламда мендек шўрпешона, войким,  
Ҳажрида девонаман, савдосида афсона ҳам.  
Эй Калоний, қисматим гар тошга айтсан қон бўлур,  
Билмадим, тўлган эканими оқибат паймона ҳам.

### МИНГ ШУКУР БОРИНГГА ҲАМ

Мингта жон бўлсин фидо, лаълингта, рухсорингта ҳам,  
Боз фидо бўлсин ярим миллионта рафтордингта ҳам.  
Кўзларингта кўзларимнинг нури тўлсин, жонгинам,  
Кукрэгим бўлсин ишон киприкларинг-хорингта ҳам.  
Дилгинам бойланди маҳкам дилгинингта, дилбарим,  
Ҳисларингта ҳисларим мос бўлди, гуфторингта ҳам.  
Розиман кул бўлса жисмим ҳам куйиб куйинг билан,  
Менга роҳатдир осилсан жон олар дорингта ҳам.  
Имтиҳон қил, имтиҳон қил, имтиҳон қил, майлига,  
Тоғу тоғ бардош топарман берган озорингта ҳам.  
Сен менинг ёруг жаҳоним, ўрта, қийна, бер азоб,  
Минг шукур дейман, Калоний, минг шукур борингга ҳам.

### ЭТМАНГ ГУЛИМ

Васлингизни ҳеч қаҷон мендан ниҳон этманг, гулум,  
Кўзларимнинг ёшини оби равон этманг, гулум.  
Ҳажрингизда куйдириб қон йиғлатиб, қон ютдириб,  
Мен фақир бечорани қаддин камон этманг, гулум.  
Бир қиё боқмоқ билан жаннат томон йўл очдингиз,  
Беркитиб бу йўлни ҳеч бехонумон этманг, гулум.  
Қалбингизнинг хонасин кутлуғ дебон қилдим макон,

Бу макондан ҳайдамант, бешиен этманг, гулым.  
Мехрибонсиз меҳринизни ошкор айланг, vale  
Жабрингиздан зарра ҳам бизга аён этманг гулым.  
Сиздан айрилсам керакмасдир бу аччиқ жон, билинг,  
Ҳеч қачон, ҳеч лаҳзада, ҳеч қасди жон этманг, гулым.  
Қанча шеър ёёсам, Калоний, ишқ йўлида сиз учун,  
Ўзгага бахшида деб ҳаргиз гумон этманг, гулым.

## СЕВИБ ҚОЛДИМ

Шўх, дилбари жононни Тошканда севиб қолдим,  
Тошканда бино бўлган гулшанда севиб қолдим.  
Гуллар била ул сұҳбат айлар эдиму ширин,  
Қалбимга жўшиб завқим келганда севиб қолдим.  
Бир менга қиё боқмоқ чогида имо қилди,  
Дил ёнганида лов-лов гулханда севиб қолдим.  
Васлини мудом күмсар бечора дилим тинмай,  
Номини тилим қиласа ҳеч ҳанда, севиб қолдим.  
Айтдимики, иложим йўқ мен энди кетолмайман,  
Ноз этма, тараҳҳум қил, эт ҳанда, севиб қолдим.  
Ул айтдики: бечора ўргат нетасан жонинг,  
Мен ҳам сени илк бора кўрганда севиб қолдим.  
Юз мингта разал ёёсам ишқида, Калоний, кам.  
Илҳом булоги қайнаб тошганда севиб қолдим.

## ДИЛБАРИМ

Ишқ билан ғоят гўзал бир уй қурайлик, дилбарим,  
Сўнг бу уйда яйрашиб даврон сурайлик, дилбарим.  
Жўш уриб дилда вафо бирлан садоқат доимо,  
Юзма-юз сұҳбат қуриб бир ўлтирайлик, дилбарим.  
Бирга чертиб севгининг торини завқу шавқ билан,  
Қандимизни иккимиз бирга урайлик, дилбарим.  
Ўтказиб файзли висол оқшомларини муттасил,  
Субҳидам севги билан бирга турайлик, дилбарим.  
Бу ҳаёт бизга раво кўрмас жудолик жабрини,  
Умримиз етгунча то бирга юрайлик, дилбарим.  
Кўнглишимиз яшнаб яшайверсин, Калоний, бир умр,  
Ишқ уйида яйрашиб даврон сурайлик, дилбарим.

## АНЧА ЁШ ЭРДИМ

Сени севаганда, эй ёрим, ҳали мен анча ёш эрдим,  
Бироқ севги йўлида бир қанча ошиқларга бош эрдим.  
Киё боқмай ўтар эрдинг, бўларди дил уйи хуфтон,

Вале ўзга түз алларга ҳамиша мен талош эрдим.  
Агар ҳижрон оёги бирла ээса ҳеч эзилмасман,  
Сабот бирлан қидар эрдим, мисоли катта тош эрдим.  
Сени доим қадрдану яқин билгүм эди, жоним,  
Күзим бўлсанг, сента посбон бўлай деб мисли қош эрдим.  
Менинг касбимни ёқтиримай қочар эрдинг, чопиб келгин,  
Бу кун шоир Калонийман, ўшанда сартарош эрдим.

## ДЕДИМ

Кўрганимда гул юзингни бунча зебосан дедим,  
Ё хусн осмонида нурли Сурайёсан дедим.  
Гулшан ичра юрганингда яйрагайман термулиб,  
Жон физосан, жон физосан, кўнгил оросан дедим.  
Кўзларинг юлдузга ўхаш, кўзларинг порлоқ қуёш,  
Бегубор осмон каби роят мусаффосан дедим.  
Дам ғанимат деб билиб, қалбимни(нг) қулфин очдиму,  
Сенга мен шайдо эрурман, кимга сен ошно дедим.  
Ўйлама ҳозир кетар бўлсам кўролмайсан дебон.  
Қайта борсам кўзларим олдида пайдосан дедим.  
Деб эди аслингни айт, қайдин эрурсан, эй йигит,  
Мен асиш Чустлик, ўзинг насли Бухоросан дедим.  
Деб эди боиси не, этдинг муҳаббат ошкор.  
Япнаган юртимдаги энг тоза раъносан дедим.  
Ул деди: – раънони узмоқму Муродинг, эй Калон,  
Мен эсам: – Мажнунманду сен нурли Лайлосан дедим.

## СИЗ БИЛАН ЮРСАМ

Чаманда рапик этар гуллар, нигорим, сиз билан юрсам,  
Дилим равшан, босилгайдир хуморим сиз билан юрсам.  
Кўролмай баҳтимиз ҳаргиз рақиблар қон бўлиб йиirlар,  
Ёронлар хўб ҳавас қилгай, нигорим, сиз билан юрсам.  
Сабо сийпаб сочингииздан муаттар бўй олиб қочгай,  
Висолингиз куйин куйлар дуторим, сиз билан юрсам.  
Унугтайман бутун қайгу билан аччиқ аламларни,  
Кулар баҳтим, гурурим ифтихорим сиз билан юрсам.  
Боқиб кўқдан қуёшгу ой сочар навбат–банавбат нур,  
Муборакбод этар қутлаб диёрим сиз билан юрсам.  
Калоний, таклиф этганман, келинг, бор сайрига эркам,  
Ният қилдим, эрур қатъий қарорим сиз билан юрсам.

## КАМ

Фурқатингда, эй ниғор, чашмим мепинг намланса кам,  
Ашкларим дув-дув оқиб, оби замзамланса кам.  
Бекиёс ҳуснинг кўриб кўз гавҳарим нурга тўлар,  
Дилларим яйраб кетиб минг йилча байрамланса кам.  
Бир оғиз ширин сўзинг бошимни кўкка етказиб,  
Орзуманд умид қушим шоду курралманса кам.  
Бир қадам боссанг агар кулбам мисоли Каъбадир,  
Пастидан шифти қадар бир зумда кўркамланса кам.  
Дилдаги ишқим ўти оламга тафтин бахш этиб,  
Қаҳратон қиш фасли ҳам шул дамда кўркамланса кам.  
Ҳар нафас ўю хаёлинг бахш этиб илҳом менга,  
Шеър, ғазаллар ҳам, Қалон, токчам тўлиб, ғамланса кам.

## СЎРАЙДИРМАН ХУДОДАН ҲАМ

Юзинг нурли эрур, эркам, қуёш сочган зиёдан ҳам,  
Сочинг тундан қародирким, қародир ул қародан ҳам.  
Юзингнинг шуъласи тушса ёришгай етти қат осмон,  
Расо қоматларинг юз минг расодан ҳам, расодан ҳам.  
Нетай, кетмайди гул васлинг кўзимнинг олдидан ҳаргиз,  
Дилимга ўрнашиб олдинг боқиб бир зум қиёдан ҳам.  
Табассуминг дариг тутмай, ҳузуримга этиб келгин,  
Гадо бўлдим висолинита гадодан ҳам, гадодан ҳам.  
Агар келсанг изингни кўзларимга тўтиё айлай,  
Менга кўнглинг бериб қўйгин, сўрайдирман Худодан ҳам.  
Бу оламда суюкли, энг қадрлидан қадрлисан,  
Азиз севгинг улуғдир энг улут, энг муддаодан ҳам.  
Жудо бўлмоққа бир зум ҳам, Қалоний, тоқатим йўқдир,  
Сенга жоним фидо бўлсин, фидодан ҳам фидодан ҳам.

## АЙРИЛИБ ҚОЛСАМ

Фигоним кўкка ўрлар гулбадандан айрилиб қолсам,  
Менам шўрида бир булбул чамандан айрилиб қолсам.  
Оғиб ҳушидан, алифдек қоматим дол бўлса арзийдир.  
Коши ёй, кокили мушки Ҳутандан айрилиб қолсам.  
Агар мен Қайс эсам ул Лайли янглиғ кўркаму зебо,  
Бўлурман шу замони Мажнуни андан айрилиб қолсам.  
Ани ширин сўзига ошиғу шайдо эмаслар йўқ,  
Соқов бўлгум бу энг ширин сухандан айрилиб қолсам.  
Кейин излаб қаён боргум, иложим йўқ, тополмасман,  
Қиёси йўқ жаҳонда гулдаҳандан айрилиб қолсам.  
Унингсиз менга йўқ орем, унингсиз менга йўқ ҳеч ком,  
Ширин жонимга манзил йўқ, бадандан айрилиб қолсам.  
Бу оламда менга ҳаргиз гўзаллик йўқ, нафосат йўқ,

Лаби лаълу кўзи шаҳло, сумандан айрилиб қолсам.  
Чиқиб ҳасратларимдан чанг, кулар ҳолимга маймунлар,  
Қўёшдек юзлари шаккар шикандан айрилиб қолсам.  
Калоний, мен каби хору тагин зор учрамас асло,  
Жаҳон кўзимга тор шундай Ватандан айрилиб қолсам.

### ШУНЧА ҲАМ

Эй дилоро, бўлмасанг-чи бунча зебо шунча ҳам,  
Оlam ичра энг азизсан, мұхтарамдан мұхтарам.  
Кўзларингда мавж уриб турган меҳр уммон қадар,  
Чин юракдан қанча севсам ҳам тагин ҳам шунча кам.  
Айлабон севгимни изҳор пойларингга тиз чўкай,  
Гул тутарман кўлларинта даста-даста, бир ғарам.  
Дилгинам боғига борбон бўлганинг қутлуг менга  
Бор экансан, йўқ менга ҳеч қайму бирла ғам - алам.  
Жон десант жоним берай мен, шон десант шоним берай,  
Кўп садоқат кўрсатурман хотирингни айла жам.  
Кел, ҳаётим обод эт, баҳшида эт толе, Калон,  
Йўларингга кўз тутарман, интизорман ушбу дам.

### ДИЛ БЕРДИМ

Гўзаллардан гўзал бир маҳлиқо дилбарга дил бердим.  
Узиб бўлмас кўнгил ҳаргиз, пари-пайкарга дил бердим.  
Бу ишқ корин, аё дўстлар, тушуммок кўп экан мушкул,  
Ўзим жез мисли бўлсам ҳам асил гавҳарга дил бердим.  
Билолмайман, насиб эттайдик васлига етмоқлик,  
Боқиб ер сатдидан, найлай, моҳи анварга дил бердим.  
Муҳаббат қийматин гар бебаҳо бир зарга менгзарлар,  
Дебон зар қадрини билган асил заргарга дил бердим.  
Ҳаётим тоти ҳам бундан бўён ўзгарса ҳеч тоңгмас.  
Сўзи болдан ширин, лаъли лаби шаккарга дил бердим.  
Калоний, кимга дил бердинг дебон сўрган экан, айтай,  
Гўзаллардан гўзал бир маҳлиқо дилбарга дил бердим.

### БИЛМАДИМ

Васлининг йўли анинг душворлигини билмадим,  
Ҳар қадамда минг жафо тайёрлигини билмадим.  
Мен ани ёрим дебон айтмоққа журъят айладим,  
Лекигин ул ўзгага хушторлигини билмадим.  
Севгилим деб кўнглига жоликни орзу этдиму.  
Қалбининг қасрида ўзга борлигини билмадим.  
Ишқидан оғриқ дилим дардига малҳам сўрдиму,  
ўз дилин ҳаддан зиёд беморлигини билмадим.  
Ишқининг ўтида ўтиндек ёниб кетдим, бироқ

Шунчалар ёнганилгим бекорлигини билмадим.  
Қоматига садқа деб жонимни тиккандим, ўшал  
Қомати жисмим осарға дорлигини билмадим.  
Эй Калоний, бөш қотиб, бўлдим ақла, ҳушдан жудо,  
Севганим ағёр кишига ёрлигини билмадим.

### ШАЙДО ЭРУР ШАЙДОДАНАМ

Қоматин зебо десам, зебо эрур зебоданам,  
Гар десам оро ани, оро эрур ороданам.  
Эркалаб бошин силаб, шириллигидан сўз очиб  
Жонфизо жоно десам жоно эрур жоноданам.  
Бу жаҳон айвонида ҳусну малоҳат бобида  
Бир ўзин якто десам, якто эрур яктоданам.  
Аҳди зукколар аро саркорлигидан шодман,  
Ул ўзи доно вазур, оламда энг доноданам.  
Куйласа одам дили таш бўлса ҳам сув бўлгуси,  
Боиси гўё эрур, гўё эрур гўёданам.  
Эй кўнгил, нутк сўзламоқ бўлсанг анинг шогирди бўл.  
Негаким бурро тили бурро эрур бурроданам.  
Не фазилат бўлса бари анга жо бўлмиш, Калон,  
Шул сабаб ошиқ дилим шайдо эрур шайдоданам.

### МЕН ТАНЛАДИМ

Бу азиз юртим аро бир дилрабо мен танладим,  
Мехрибон мунисгина ақли расо мен танладим.  
Бунчалар олийжаноб давримдаги жононалар,  
Жонима жон бўлгучи қоши қаро мен танладим.  
Ёр билан олам гўзал, дилдор билан ширин ҳаёт.  
Бир умрлик жонажонини мутглақо мен танладим.  
Ҳар қачон ошиқ кишининг мақсади ёр васлидир.  
Доимо интилгани бир муддао мен танладим.  
Дейдилар ёр ҳуснидан олгай чирой мангур ҳаёт,  
Гул диёрим кўркини ҳар доимо мен танладим.  
Мақсадим олий, улур, лекин йўлим олис эрур,  
Камтарин, яхши фазилат ошино мен танладим.  
Ёру дўст кўнглини шод этмоқ учун доим, Калон,  
Мақсади олийжанобу, дилкушо мен танладим.

### ВАТАН РАМЗИ- БАЙРОФИМ

Не баҳтки, БМТда бор бугун ўзбекча байроқ ҳам,  
Шу байроққа қилур таъзим ватандош, дўсту ўртоқ ҳам.  
Уни пок сақламоқ энг муқаддас бурчимиз, дўстлар,  
Сира гард юқмасин, ҳеч тушмасин бир зарра доғ ҳам.  
Агар у ҳиллираб турса турар бошимда Чуст дўипим,

Чопоним ҳам ярашгайдир, белимга чорси белбог ҳам.  
Ватанда неки бор бўлса шу байроқда мужассамдир,  
Унда топмиш ифода сою дарё, боғ ила тоғ ҳам.  
Ҳамиша тут баланд кўлда, жаҳонга айлагин кўз-кўз,  
У бор эркан бўлур номус, бўлур чўмич тўла ёғ ҳам.  
Чаман юргингда юрганда боқиб қўйгин гуур бирлан,  
Мудом ёдингда тутил сен уни гурбатдаги чоғ ҳам.  
Калоний, чўккараб тиз чўқ, ўпид юз-кўзларингта сур,  
Ватанинг борлиги-ю хурлигин рамзи шу байроқ ҳам.

### ШАККАРФИШОНИМГА САЛОМ

Эй сабо, мендан дегил сарви равонимга салом,  
Жон десам жондай зиёд ул жонажонимга салом.  
Сочларин аста силаб, хуш бўй диморига сочиб,  
Яйратиб жонини, айт, руҳи равонимга салом.  
Ул фалак Зухросига етмоққа имкон менда йўқ,  
Сен ўзинг еткур эсив нурли жаҳонимга салом.  
Ҳажрининг саҳросида афтодаҳол афгорман,  
Васли қудрат баҳш этар, ширин забонимга салом.  
Айрилиқдан жон чиқар ҳолатга етгайман, Калон,  
Жонфизодан жон физо шаккарфишонимга салом.

### ЖОН ВАТАНИМСАН

Озод Ватаним, мен севаман, жон Ватанимсан,  
Қалбимдасану, эй гўзалим, жон ва танимсан.  
Жисмингдан униб ўсдиму жисмингта қўшилгум,  
Мен мангу санингдирману, сан мангу манимсан.  
Мехрингни туйиб шод бўламан ҳар кеча кундуз,  
Яшнайди кўзим боқсам агар зўр чаманимсан.  
Шундоқ Ватаним бор мени деб мақтанавергум,  
Ҳар лаҳза жаҳон аҳлига ҳам сўйлаганим сан.  
Ишқингда сенга жонни фидо айлаганим кам,  
Умрим буйича биргаману ўйлаганимсан.  
Мадҳингни, Калоний, ёзаман деб қалам олдим,  
Иллодим ўзингсан Ватаним, чин суханимсан.

### ОЛАМГА ЙЎЙМАГАЙМАН

Нурли юзингга, дилбар, боқсам-да тўймагайман,  
Бас тўймагач боқишни бир лаҳза қўймагайман.  
Завқ бирла термулишдан олам сафо олурман,  
Оташмисол кўзингдан ёнсам-да куймагайман.  
Васлингдан айрилишга йўқ зарра тоқатим, ёр,

Сендан бўлакни ҳаргиз ўлсам-да сўймагайман.  
Севгим шароби қанча бор бўлса сенга торғиқ,  
Ўзга малакка, жоним, бир томчи қўймагайман.  
Лаъли лабингнинг боли жонга ҳузур баришлар,  
Бундоқ ҳузурни ҳатто жаннатда туймагайман.  
Ҳамроҳ бўлип, Калоний, менга насиб этибдир,  
Бахтимга тегмасин кўз, оламга йўймагайман.

## ШАЙДОСИМАН

Дилбарим, ҳуснингни(нг) чин шайдосиман,  
Ошиқ аҳли ичра зиг аълосиман.  
Бекиёс севгинг туфайлидан, санам,  
Ўй-хәёлингнинг мудом ошиносиман.  
Мен муҳаббат бобида Тоҳир десам,  
Сен дединг, Тоҳирини(нг) мен Зуҳросиман.  
Кўп куйиб куйингда мажнууман десам,  
Сен дединг, Мажнуунни(нг) чин Лайлосиман.  
Мен десам баринданам барнио ўзинг,  
Сен дединг, доно элини доносиман.  
Ўргилай барною донодан ўзим,  
Сен сабаб толеи зиг болосиман.  
Эй Калоний, дида ишқим зўр учун,  
Шеъриятнинг булбулигўёсиман.

## ГЎЗАЛ ЖОНОН БИЛАН

Дил уйи кўркам бўлиб кетди. гўзал жонон билан.  
Хонадан нурга тўлар келган азиз меҳмон билан.  
Аҳли дониш дейди меҳмонинг азиз отангданам,  
Мен уни таъкосладим жиссимидаги шу жон билан.  
Гар азиз севгим қабул этса гўзал рухсорлигим,  
Ой, қуёш совра этай юлдуз тўла осмон билан.  
Ул менга бовар этиб, содиқ ҳалоскорим деса,  
Бир умр асрраб-авайлайман шараф, виждан билан.  
Эттириб парвоз бошига қўндирай голе кушин,  
Айласа фармон ани ижро этай имон билан.  
Гар насиб этмас эса зебо висолига етиш,  
Йўқ ажаб, ўтсам бу оламдан тўла армон билан.  
Айлабон изҳори ишқ гулдаста тутсам олмади,  
Бешумор севгим баён эттум разал, достон билан.

## КЕЧҚУРУН

Гулшан ичра этса жонон сайри гулзор кечқурун,  
Анга ҳамроҳ бўлгани жон таңда тайёр, кечқурун.  
Ушлашиб қўл бирга кезсак иккимиз сұжбат қуриб,  
Бундан ортиқ қайдা голе, қайдা баҳт бор, кечқурун.  
Кундуз эддан ийманиб боқмас эса дил берганинг,  
Кўзларингта боқса тонгмас, кўзи хумморм кечқурун.  
Тонг саҳарда бирга бўлмоқликка имкон топмагунг,  
Хуш бўлур гар биргалиқда этсанг ифтор кечқурун.  
Кўқда ой бирлан кавокиб шуъла сочтай бир гўзал,  
Амрини севгингни ҳаргиз этма инкор кечқурун.  
Кун ўтар, юмсанг кўзингни очгунингча тонг отар.  
Кундуз эт кўнгилни, хуфтон этма зинҳор кечқурун.  
Аста зебо гул тутиб гулшанда эт изҳори ишқ,  
Не учунким дилкушодир дилрабо ёр кечқурун.  
Эй Калоний, ёр-ла ўтган дамларинг таъриф этиб,  
Бекиёс туйғуларингни айла ашъор кечқурун.

## БЎЛМАГАН

Етти иқлим саҳнида сендеқ дилоро бўлмаган,  
Етти иқлим не экан, бедишт аро жо бўлмаган.  
Ишқи йўқ ҳам кўрса ҳуснинг лол қолур, ҳайров бўлур,  
Бормикан кўрса чиройинг қалби бежо бўлмаган.  
Шунчалар якто эрурсанким, ҳуснда тенги йўқ,  
Сенчалик зебо Зулайҳо, Лайли, Зухро бўлмаган.  
Икки қошинг ўртасида дилрабо холинг гўзал,  
Кўзларингдек серзиё ҳеч қайдা пайдо бўлмаган.  
Маҳлиёлар кўп эрур гўёки юлдузлар каби,  
Менчалик лек ҳеч бири ошигу шайдо бўлмаган.  
Ўйлама тентим топилгайдир жаҳондан деб, гулим,  
Бўлмаган ҳозиргача, ҳеч қайдা асло бўлмаган.  
Таърифи ҳуснинг баёнида ғазал битдим, Калон,  
Етти иқлим саҳнида сендеқ дилоро бўлмаган.

## ҮЙФОТСАММИКАН

Эрталаб уйқусидан ёрни уйфотсаммикан,  
Эркалаб, анвойи гуллар устига отсаммикан.  
Сочию қошин силяб, еллиб турайми бошида,  
Эсган ул боди сабо рашкин қўзотсаммикан.  
Турмаса кўксимни ёстиқ айлайнму бошига,  
Маст бўлиб хуш бўйларига ёнида ётсаммикан.

Ёрни(нг) уйқуси ғалимат деб ёнига ўлтириб.  
Фунчадек лаъли либининг тотидан totсаммикан.  
Уйрониб аччиқ сўзи бирлан яро этса дилим,  
Келганидан хўрлигим ғам-вуссага ботсаммикан.  
Эй Калоний, ҳуснини айлаб томошо тўймадим,  
Маст бўлиб күш бўйларига ёнида ётсаммикан.

## ҚОЛМАСИН

Эй ёронлар, одамизод ҳеч тилидан қолмасин,  
Пойидан ё дастидан, ёким белидан қолмасин.  
Мункайиб қолганда ҳам қалби сира қартаймасин,  
Қолса қолсин ҳарнадан, лекин дилидан қолмасин.  
Кўз сузуб турган санамлар ёпига таллинмайин,  
Бир умр севган ниғори-қобилидан қолмасин.  
Бу жаҳонда хору зорлик домига тортмай унинг.  
Умрининг эккан дарахтин ҳосилидан қолмасин.  
Бўлмайин мұхтож деса юртин ҳовуч тупрогита,  
Айрилиб ҳаргиз туғилган манзилидан қолмасин.  
Эл билан ҳамдам бўлишилиқдан зиёд баҳт бўлмагай,  
Эй Калоний, ҳеч киши шонли элидан қолмасин.

## АРМОНМИКАН!

Юзми у, ё қип-қизиша ширмонмикан?  
Кўзми у, ё кўқдаги Чўлпонымикан?  
Кўкрагига соя ташлар киприги,  
Соябоюми ёки чин мижгонмикан?  
Товланар балдок қулоғида, ажаб,  
Бўйнига таққанлари маржонмикан?  
Сочлари ерга тегиб судроладир.  
Куйида ё зргашиб сарсонмикан?  
Қоматин кўрган киши лол қолгуси,  
Ул парими ё гўзал жононмикан?  
Ҳуснига боқсан қамашди кўзларим,  
Кўқдан ё офтоб тушиб қоллонмикан?  
Кўрса ким беихтиёр таъзим этар,  
Ё ҳусн дунёсида султонмикан?  
Бир нима кўксим ёриб чиқмоқ бўлар.  
Бу фидо бўлмоқчи унга жонмикан?  
Бир боқиб нозик табассум қилди ёр,  
Менга у бир мартами, ҳар онмикан?  
Қалбига ҳалбимни таклиф айлади,  
Мезбонми ё дилим меҳмонмикан?

Ваъдалар айлаб висолга келмади,  
Билмадим, ё сўзлари ёлронмикан?  
Кўзларимдан томчи-томчи сув оқар,  
Ул аламми ё, Калон, армоемикан?

## КЎРСАТМАСИН

Дўстларимга бир умр дарду бало кўрсатмасин.  
Ранж, машаққат, кулфату зам мутлақо кўрсатмасин.  
Яхши дўстдан ажralиш жондан жудо бўлмоққа тенг.  
Ошинолардан мени ҳаргиз жудо кўрсатмасин.  
Ҳар киши ошин ошаб, ёшин яшаб ўтсин мудом.  
Ёшми ё пир бўлса ҳам бевақт қазо кўрсатмасин.  
Ким эса лойиқ жазо олсин жазосини, бироқ  
Ҳеч қачон, ҳеч кимсага ноҳақ жазо кўрсатмасин.  
Туҳмату ифво илону аждаҳодир, билсангиз,  
Кўзимизга ҳеч илону аждаҳо кўрсатмасин.  
Қоп қоқиб, дилни бузиб, дўзахга бошлар бехаё,  
Сиз билан бизга уни ҳатто қиё кўрсатмасин.  
Бахтиёрлар даврасида шод яшай доим, Калон,  
Толесизлик оғатин мутлоқ Худо кўрсатмасин.

## СЕВГИ БИЛАН

Ишқли юрак-атиргул, севгиси йўри-юлгун,  
Севги билан гўзал дил, севги билан-да гулгун.  
Бўлмаса севги дунё қулааб тушарди буткул,  
Ушлаб турад жаҳонни севги мисоли устун.  
Севги ақла-ҳушимни бирдан чунон ошириди,  
Ошиқ кишини нега дерлар телбаю мажнун?  
Севги ҳамиша ўлган кўнгилга жон баришлар,  
Бўлмаса ишқ яшолмам бир ҳафта, ҳатто бир кун.  
Севгини менгзатишга оламда ҳеч қиёс йўқ,  
Висоли яшнатар дил, ҳижрони айлагай жун,  
Ишқ нури қаршисида офтоб хира шағамдек,  
Ишқ ўти қаршисида дўзах мисоли учқун.  
Ёзсанг разал, Калоний, ишқ нури бирла ёзгил,  
Шунда севиб ўқир эл, шунда бўлоди мамнун.

## СЎЗ ТОПОЛМАЙМАН

Висолингга туну кун интилиб, жоним, етолмайман,  
Узиб кўнгил кетай дерман, бироқ ҳаргиз кетолмайман.  
Қочарсан қувласам, оҳу каби чақону чопқирсан,  
Тутай дейман, иложим йўқ, тутолмайман, тутолмайман.  
Бўлак ёрлар чиқиб пешвоз имо айлар висолинга.

Нетай, ҳеч қайсисин сенга туну күн ўхшатолмайман.  
Дилим ишқинг билан лиқ-лиқ түлиб тошган, иштолмайсан,  
Алам қилгай, ёриб кўксимни борин кўрсатолмайман.  
Ичикканман, жамолингни соғингандан дилоромим,  
Кўзим юмсам хаёлинг қўймагач, ҳаргиз ётолмайман.  
Ёқиб ишқ ўтида жисмингни кул айлагум дерсан,  
Бу сўзинг менга ёққайдир, билиб қўй, қаттиқ олмайман.  
Сенинг мадхинита минг-минглаб разал ёёсам қилур камлик,  
Ва лек ожиз қалам, лойиқ, Калоний, сўз тополмайман.

## АЖАБ ДУНЁ ЭКАН

Ўйласам бошдан оёқ дунё ажаб дунё экан,  
Кимгадир исқирт, ҳунук, кимлар учун зебо экан.  
Кутмаган чорда оёғинг остидан чиқай бало,  
Ҳар қадамда минг тасодиф, мўъжизот пайдо экан.  
Бир гўзални мен севиб қалбимга жо эттан эдим,  
Найлайинким, ул бўлакнинг кўнгли ичра жо экан.  
Шум рақибим баҳти кулаган, ёр висоли унга ёр.  
Шўр пешона мента доим дард, азоб ошино экан.  
Камтарин, олийжаноб иносон забони қалтаю,  
Худбину қаллоб ва юлгичнинг тили бурро экан.  
Ишламасдан тишлаганинг қадди гўё симёроҷ,  
Бир умр меҳнаткаш одам қомати ҳам, ё экан.  
Бағри тошлар бор экан то бағрикент дунёни ҳам,  
Лекигин ким тошда гул ундириса у доно экан.  
Эй Калоний, кўҳна дунё бевафо деб ўйлама,  
Бевафодан ҳам вафо топмоқда кўп маъно экан.

## ҲАМСОЯДАН

Парвариш тошгай гўдак дунёда аввал доядан,  
Тутмагил меҳринг дариг, кўнглим, сира ҳамсоядан.  
Яхши қўйни бўлса ундан ол сабогу тарбият,  
Эл қочиб, нафратланар ҳар беақл, бевоядан.  
Бўлса қўшнинг оч, ялангоч, сенга тўқлик нораво,  
Баҳраманд эттил уни ҳар ойда бир сармоядан.  
Каттакон бўлса дараҳти, соясидан ранжима,  
Баҳра олгайсан, акир, ёз пайтида шу соядан.  
Ноаҳилдир кимки ўз ҳамсояси бирлан, ҳароб,  
Турса тўфон не умид танҳо эса сеноядан.  
Ҳеч қачон эсли одам торларга тош отмайди-ку,  
Отса ўз бошин ёрар ҳарсант тушиб тош қоядан.  
Эй Калоний, шеърларинг бўлсин муқаддас ғояли,  
Шеърият мухлислари олгай сафолар ғоядан.

## ПАДАРКУШ НОЛАСИ

Ёронлар, мен жудо бўлдим банинг шаҳсуворимдан,  
Бутун олам чекар қайгу фифону оху зоримдан.  
Отам пушти паноҳим, қиблагоҳим эрдилар, найлай,  
Етимман, энди қон йирлаб чиқарманму хуморимдан.  
Тўкилдим мисли япроқдек ва ё келганни куз фасли,  
Наҳотким айрилиб бўлдим сўлим ёзу баҳоримдан.  
Нетай, қолдим дилим ўксис, гарид бечораҳодирман,  
Отамдек ҳеч киши олмас хабар очу наҳоримдан.  
Отам ёруғ жаҳоним, меҳрибоним, жонга жоидирлар,  
Отамни соғиниб ўласам фифон чиқдай мозоримдан.  
Кириб шайтон сўзига, оҳ, падаркуш, оқладар бўлдим,  
Умрбод лаънат эштурман элим, ҳалқим, диёримдан.  
Калоний, шеъридан ҳикмат узилса энди тонг йўқдир.  
Кетар файзу, кетар қут ҳам, биродарлар, бозоримдан.

## ЁР МЕНИ СЕВМАС ЭСАНГ...

Ёр, мени севмас эсанг, кибру ҳаво ҳам қилмагин,  
Ўкситиб кўнглимни ҳеч мотамсаро ҳам қилмагин.  
Топмасанг меҳру мурувват этгани ҳаргиз илож,  
Қасд этиб жонимтаким, жабру жафо ҳам қилмагин.  
Дилгинам асрорларин опкор этиб олам аро,  
Таъналардан бошима минг хил бало ҳам қилмагин.  
Гар ётар бўлсан висол истаб йўлингда хору зор,  
Тепкилаб жисмимни, қалбимни яро ҳам қилмагин.  
Сайр этиб ағер ила гулбогаро оқшомлари,  
Куйдиришни рашк ўтида муддао ҳам қилмагин.  
Бир умр саҳросига ҳижронни сургун айлабон,  
Мен факир бечорани баҳти қаро ҳам қилмагин.  
Севгисия таъриф этиб ёзса Калоний гар ғазал,  
Сен уни йиртиб отиб, мудҳиш хато қилмагин.

## КУТГИЛ ЖАВОБ ФАРЗОНДАН

Ишқ ўти саҷраб менга ул далрабо жононадан,  
Йўқ зрур фарқим, ажаб, бир телбаи девонадан.  
Мен унинг пойига тиз чўқмоққа ҳозирман, бироқ  
Ул ҳабар олмайди ҳеч мен куйида сўзонадан.  
Үйда ул сочин тараб ҳуснига хуш оро берар,  
Мен эсам бир зум ўтолмайман нари остонодан.  
Бекиёс севгим баён этсам кулиб дейдир, ажаб,  
Сўзлама бу турфа хил эртакнамо афсонадан.

Васли май, майхонадир менга гўзал васлхонаси,  
Тобакай бўлгум йироқ бу май или майхонадан?  
Эй Калон, севгинг баён айлаб бу кун туздинг разал,  
Энди сабр айлаб, кутиб турғил жавоб фарзонадан.

## АМРИ МАЪРУФ

Ўзганинг обрўсини тўқса киши тұжмат билан,  
Бошига тушгай балолар кетма-кет наебат билан.  
Яхшини(нг) ошини енг, ҳаргиз емангиз бошини,  
Этса ҳиммат қайтаринг сиз ҳам жавоб ҳиммат билан.  
Қаңча қўлдан келса шунча яхшилик қилган ютар,  
Яхшиликка яхшилик қайтар, ахир, фурсат билан.  
Билсангиз, дунё ўзи ўхшайди бир тўйхонага,  
Кирса ким иззат билан, чиқсин тарин ҳурмат билан.  
Не савобу не гувоқ бўлгай, буни англаш зарур,  
Фарқини билмоқ керак винони хуш шарбат билан.  
Қисқадир умри одамнинг ўтмасин беҳудага,  
Барчага келгай ажал вақт-бемаҳал наебат билан.  
Бу жаҳоннинг ишлари шатранж ўйинга ўхшагай,  
Кимки ўирром ўйнаса ўйин тутгайди мот билан.  
Мехрибон, шафқатлию дину диёнатли одам,  
Юз кўришгай охиратда шубҳасиз жаннат билан.  
Дилда борини, Калоний, амри маъруф айладим,  
Фойдалидир, фойдалидир уқса ким диққат билан.

## МУДДАО ҲАМ БЎЛМАСИН

Тил билан дил бир эмас ул ошино ҳам бўлмасин,  
Бўлмасин тобе ва ёким раҳнамо ҳам бўлмасин.  
Етти ёт бегонадан ҳам бўлсин у бегонароқ,  
Бўлмасин оғо, ини, почча, таро ҳам бўлмасин.  
Ул билан дўст бўлганимдан ўлганим минг марта соз,  
Етти ёт ёт бўлганим ҳаргиз хато ҳам бўлмасин.  
Юрсин ул ҳар дам узоқ, ҳеч келмасин асло яқин,  
Сал яқин келмоқ билан бошга бало ҳам бўлмасин.  
Ул билан ҳамдам бўлишликдан мудом асраб Худо,  
Бир нафас ҳамдам юришлик муддо ҳам бўлмасин.  
Хосиятсиз, баднамо бундай мунофиқ не керак,  
Майлига кек сақласа, майли, ризо ҳам бўлмасин.  
Эй Калоний, бундайин имони йўқ юртим аро  
Бир йил ё минг йил эмас, ҳар доимо ҳам бўлмасин.

## ЮРТИДАН ҲАЙДАЛСА...

Ҳар киши ўз юртидан ҳайдалса у бор ўлмасин,  
Гарчи ул бор ўлса ҳам ҳеч ким анга ёр ўлмасин.  
Дарбадар кезсин, агар ўлса қабр ҳам топмасин,  
Баднамо бул кимсага ҳеч зот харидор ўлмасин.  
Бир умр қарриш олиб бўлсин жувонмаргу басир,  
Унга ҳеч кимдан муҳаббат ҳисси изҳор ўлмасин.  
Чеккани қайғу алам, торттағлари дард бўлсину,  
Ул каби оламда ҳеч бир жонли бемор бўлмасин.  
Борми элнинг нафратидан ҳам буюқ оғир жазо,  
Боқса боқсан ҳар бало, боққанда инкор ўлмасин.  
Еттай элнинг қарзиши, қаҳру разаб даркор эмас.  
Доимо зор ўлсину унга бирор зор ўлмасин.  
Эй Калон, ҳар кимсага этсиң насиб эл севгиси,  
Учрабон эл нафратига ҳеч қачон хор ўлмасин.

## НЕЧУН?

Дилрабо, не исмингиз деб ҳеч сўролмайман нечун?  
Бир тўйиб ҳусну жамолингиз кўролмайман нечун?  
Севгидан сўзлай десам асло тилим айланмагай,  
Тобакай сиз бирла бир сужбат қуролмайман нечун?  
Ёнма-ён юрмоққа-ку журъат тололмайман, бироқ  
Соянгизга эргашиб ҳам, ёр, юролмайман нечун?  
Қўрқаман бормоқ учун ҳатто маҳаллангизга ҳам,  
Лоақал останангизга кўз суролмайман нечун?  
Телбавор ишқимни элга ошкор этмай дебон,  
Токатим тоқ бўлса ҳамки оҳ уролмайман нечун?  
Ишқингиз ўти юракни мисли чўр ёндиrsa ҳам,  
Ундан айру ҳолда хотиржам юролмайман нечун?  
Эй Калоний, баҳтидан шод барча ошиқлар каби  
Севганим лаъти лабидан ҳам сўролмайман нечун?

## СЕВГАНИМ СЕВГАН

Сени, жондан азиз озод диёрим, севганим севган,  
Ҳаётим гулшани, мангу баҳорим, севганим севган.  
Қаро тун бағрида ойсан, чароғон кундузи офтоб,  
Фурурим, шавкатим, номус ва орим, севганим севган.  
Боқиб ҳуснингта тўймайман, дилим япнаб кетар доим,  
Яшай мадҳинг билан бишлаб наҳорим, севганим севган.  
Кучорингдан жудо бўлсан, ғариб бечораҳодирман,  
Ёзилгайдир сени кўрсан хуморим, севганим севган.  
Балиққа сув, менга юртим керак, усиз яшолмайман.

Дилимнинг қўри, зй нурли шарорим, севганим севган.  
Калоний, битта фарзандинг эрурман, жон нисор эттум,  
Сенга баҳшида куч, қудрат, мадорим, севганим севган.

## ТОЛМАЙМАН

Аё, ёрим, қуёш янглиғ йироқдирсан, етолмайман,  
Етолмайман ва лек кўнгил узиб ҳам ҳеч кетолмайман.  
Висолинг кимга баҳш айлаб ажиб тилсум этибдирсан,  
Очил сим-сим дегайман ҳеч очилмайдир, очолмайман.  
Агар офтоб зиё сочмас экан гул ҳам қуриб қақшар,  
Сенинг меҳри гиёҳингиз умолмайман, ўсолмайман.  
Қаро қўмири эди қалбим, ёқиб оташ этиб қўйдинг,  
Бу не офат эрурким, мен дилингни ҳеч ёқолмайман.  
Бутун олам эди торик, уни сен нурга тўлдирдинг,  
Кўзимда уйқу йўқ, тунлар сира ухлаб ётолмайман.  
Нигун ҳолимга қайғурсанг, мени ҳеч телба деб айтма,  
Сенинг ишқингда мажнунлик қилинцдан ҳеч уялмайман.  
Висолинг йўлини излаб, Калоний, кезганим кезган,  
Муродим ҳосил ўлгунча, билиб қўй, асло толмайман.

## САЙРАГАН БЕДОНАМАН

Нозанин, ишқинг оловида куярман, ёнаман,  
Согиниб васлингни туналар ўртаниб, тўлғонаман.  
Бекиёс нурли жамолингни бирвлар кўрмасин,  
Тунда юлдуз, кундузи офтобданам қизғонаман.  
Бўлмасанг ёнимда гар мислим қуёшсиз осмон,  
Айт-чи, сендеқ гулбадандан тобакай бегонаман?  
Ошиқ ўлмоқдик қийин эркан, нетай мен, жонгинам,  
Йўқ эрур фарқим жаҳонда мисли йўқ ғамхонаман.  
Қанча бўлса имтиҳон эт, майлига бош устига,  
Барчасидан ҳам ўтарман бегуноҳ, мардонаман.  
Эй Калоний, тобакай ҳижронда ёнгайсан дема,  
Жуфтидан айру қафасда сайраган бедонаман.

## ФИДО БЎЛСИН

Ёронлар, хизматингиздан ҳамиша эл ризо бўлсин,  
Изингиздан униб гуллар, диёрим дилрабо бўлсин.  
Киши дунёга келгаңдан кейин эзгу юмуш қиласин,  
Хидоят йўлидан тоймай, мудом меҳри бажо бўлсин.  
Дилингизга муҳаббат баҳш этиб турсин чиройини,  
Вафо бирлан садоқат ҳам ҳамиша ошино бўлсин.  
Юринг илдам, бўлинг бардам камолот чўққисин кўзлаб,

Үғил-қызлар ўқиб, мулло бўлиб, ақди расо бўлсин.  
Сафингизга фазилат баҳш этиб турсин қадрдонлар,  
Бири содик ини бўлса, бири содик оро бўлсин.  
Ширин сұхбатларингиз яйратиб турсин кўнгилларни,  
Юзингиздан тарағувчи шифобаҳш турзиё бўлсин.  
Бутун эзгу ният қилди Калоний, эй азиз дўстлар,  
Анинг ижроси-чун доим ширин жоним фидо бўлсин.

## БЎЛМАСИН

Эй кўнгил, оламда ҳаргиз элда жорлик бўлмасин,  
Янграсин шоддик ва лекин оҳу зорлик бўлмасин.  
Барқарор бўлсин фаровонлик, омонлик муттасил,  
Ҳамма күч-қудратта тўлсин, бемадорлик бўлмасин.  
Кулсин омад, баҳт қуши инсонни ҳеч тарқ этмасин,  
Ҳар юмуш келсин барордан, бебарорлик бўлмасин.  
Доимо осмон чаровон, хуш ҳаво бўлсин жаҳон,  
Дил уйи покиза бўлсин, гард губорлик бўлмасин.  
Дейдиларbekорчидан безор эрур ҳатто Эгам,  
Барча корлик бўлсину ҳеч бир bekорлик бўлмасин.  
Борига қиссин қаноат, ношукурликдир куфр,  
Тўймагай кўз бу жаҳонда, нафси горлик бўлмасин.  
Яхши хислатдир ҳамиша феъли кенглик, эй Калон,  
Ховлилар тор бўлса бўлсин, кўнгли торлик бўлмасин.

## МОТАМЛАНМАСИН

Бу жаҳонда бут бўлиб юрсин киши, камланмасин,  
Айласин шоддик насиб, кўнгли сира ғамланмасин.  
Лабларида барқ уриб турсин табассум доимо,  
Кўзидан ёшлар оқиб, киприклари намланмасин.  
Кўл чўзар бўлса агар етсин фалакка муттасил,  
Қомати шамшод бўлиб турсин, боши ҳамланмасин.  
Бахту омад тахланиб кетсин гўзal тақдирига,  
Кулфату қайру, аламлар қалбига жамланмасин.  
Дўстларин кўзига ёруғ юз билан боқсин, бироқ  
Ҳеч қачон доно улус олдида мулзамланмасин.  
Асрасин ҳар дам Эгам ношинолар жабридан,  
Бемаҳал қон йиғлатиб, ағёри хуррамланмасин.  
Дейдилар ушбу жаҳонда камтаринларга камол,  
Этмасин манманлик асло, элга тамтамланмасин.  
Эй Калоний, яхши кас ошин, ёмон бошин егай,  
Яхшилар бор бўлсину цок кўнгли мотамланмасин.

## БҮЛМАСИН

Майли, ўлдиргигин висолинг бирла, ҳижрон бўлмасин.  
Бўлса гар ҳижрон мабодо, жисм аро жон бўлмасин.  
Мен ўлай васлинг қучогида фақат баҳтим қучиб,  
Ҳажр дардин чеккали умримда бир он бўлмасин.  
Нўш этиб васлинг шаробидан бўлай маству аласт,  
Токи ҳажринг нелигин англашга имкон бўлмасин.  
Шавқи васлингдан мунавварлик насиб этсин, бироқ  
Дарди ҳажрингдан ҳаётимда шабистон бўлмасин.  
Ваъда бер, васлинг хиёбонин этай мангум макон,  
То гариб кўнглим ҳажр даштида вайрон бўлмасин.  
Гул висолинг гар ҳаёт, ҳажринг мамот эркан, гулим,  
Айла шафқатким, Калон, ҳажрингда қурбон бўлмасин.

## СОЗ СЎЗЛАГИН

Гар эсанг оқил киши, оз сўзлагин,  
Оз, бироқ ҳар доимо соз сўзлагин.  
Сўз олурда шошимагин ҳаддан ошиб,  
Илтимослар қиласалар боз сўзлагин.  
Суҳбатинга бўлса гар муштоқ залинг,  
Зиқна бўлмай, этмайни ноз, сўзлагин.  
Кўчасига кирма манманликни, лек  
Қадди-қоматни тутиб юз, сўзлагин.  
Кўпчиликка ёқмаган гапни дема,  
Ҳамнафас, ҳамкор бўлиб роз сўзлагин.  
Ўзгалар қалбини ҳеч қишилама,  
Бўлса ҳам қиши сен этиб ёз, сўзлагин.  
Эй Калоний, қанча кўп гапдоң эсанг,  
Шунчалик озу, бироқ соз сўзлагин.

## ЭЙ ХУДО

Эй Худо, ҳеч кимсадан кам қилмагин,  
Ашк обидан кўзим нам қилмагин.  
Лаҳза-лаҳза шодмонлик баҳш этиб,  
Умр вақтин қайгули дам қилмагин.  
Бошим узра минг балони ёғдирив,  
Муттаҳам ағёрни хуррам қилмагин.  
Доимо имони буг инсон бўлай,  
Ориятсиз, ҳаёсиз ҳам қилмагин.  
Элга ҳиммат айламоқ комим эрур,  
Ёлворурман, зиқна одам қилмагин.  
Мен севарман юртни жонимдан азиз,  
Юртфурууш хонинни ҳамдам қилмагин.  
Шеърлари ошиқ Калонийнинг мудом,  
Таъми ошсин, асло бетаъм қилмагин.

## КҮЙДИРМАСИН

Дүйстлар, ҳеч кимсани ҳеч бир одам күйдирмасин,  
Нокасу худбин, ғаразди мутташам күйдирмасин.  
Бу жаңоң айвонлари шодликка тұлсын муттасил,  
Ногаңоң ташвиш солиб қайғу, алам күйдирмасин.  
Меҳридан йұллар қуриб, бир-бирларин құчсин суйиб,  
Күз ёшин чак-чак тұқиб, гүеки шам күйдирмасик.  
Ярасин ишқ, боғида, севасин, севилсин, қувнасин,  
Васлига етсін, бирок әжридағам күйдирмасин.  
Бегубор орзу билан үйлатса гар ўғлонини,  
Келини күйдирмасин, фарзанди ҳам күйдирмасин.  
Бир-бировин мұйғабар билсин, күтарсан бошига,  
Этмасин ҳартыз азиз бердини ҳам, күйдирмасин.  
Асрасин тұхмат балосидан кишини, зй Калон,  
Элсевар шеър аҳлини оташ қалам күйдирмасин.

## ВАФОСИ БҰЛСИН

Ёр бұлса асил сафоси бұлсин,  
Ахдига мудом нафоси бұлсин.  
Мос бұлса агар забони дилга,  
Минг жоним анинг фидоси бұлсин.  
Хар боқипшидан зиё тарапса,  
Күнглам тұла мұбталоси бұлсин.  
Хижроннинг тиконшарини санчмай,  
Дардимга висол давоси бұлсин.  
Қирқ қокилидан айланадырман,  
Икки күзіда ҳәеси бұлсин.  
Камтарға камол десін ва лекін  
Қыздар ичіда сароси бұлсин.  
Умримни безар бұлса, Калоний,  
Оллоғым анинг ризоси бұлсин.

## РАҲМИНГ БИЛАН

Таҳ-батаң қон айладынг күксимни, ёр, заҳминг билан,  
Күркітишни бас қыл зиди, ҳажр детан вахминг билан.  
Мен қучорым катта очсам бир етайды васлингга деб.  
Үртамизни сен тұсарсан ноз-фироқ – даҳминг билан.  
Үртанурман эрта-кеч чексиз жудолик дардода,  
Заррача ҳолимни сўрмайсан нечун ақлинг билан?  
Гар үлар бұлсам үлиб бұлдым алам саҳросида,  
Кел, күнгилни шод эттил меҳрингу раҳминг билан.  
Ҳажрида дардинг, Калоний, бедаво деб йиглама,  
Васлидир малжам, унинг йұлинни топ фаҳминг билан.

## ЭЙ ҚАЛАМ

Эй қалам, мадҳ айласанг, ақли расони айлагин,  
Бордию ҳажа әйласанғ ҳам норасони айлагин.  
Оқилю доно кишини элга қуалғу этма ҳеч,  
Айласанғ ҳам шармисор ул бесафони айлагин.  
Элга хизмат күрсатуячи камтарин, ҳоккорнимас,  
Бўйнини юздек чўзувчи бадиамони айлагин.  
Гоҳи савху қасд ила зуккони этма ғийбатин,  
Эй азизим, неки қилсанғ беҳаёни айлагин.  
Кўнгли ўксик, бекусур инсонга бергин куч-мадор.  
Бўлса бемор ул мабодо сев давони айлагин.  
Ўзгаларга яхшиликни беҳараз қил, беҳараз,  
Доимо чин дил билан хуш муддаони айлагин.  
Эй Калоний, илгида ғайратлиларни куйлабон,  
Бир умрга эзгуликка хос навони айлагин.

## ХАТОСИ БОРМИКАН?

Ёрнинг мендан бўлак ҳам бир гадоси бормикан?  
Васлининг ёди билан юрган адоси бормикан?  
Рашк ўтида дил ёнар дийдорига боқдан сарим,  
Мен каби ошифтаҳол баҳти қароси бормикан?  
Дейдилар хуси аҳлиниңг сидқу вафоси бўлмагай,  
Бевафонинг ишқида мотамсароси бормикан?  
Чиқмасанг тоққа агар дўлона қайда деб, мудом  
Жон чекувчи ёр учун қалби яроси бормикан?  
Кўзлари шумликни кўзлар, диллари маккорлик,  
Аҳли ишқиқа қўззатувчи можароси бормикан?  
Тобакай мен телбага зулм ўтказар хунхор, вали  
Ошиқ ўлон қас учун ёлғиз жафоси бормикан?  
Эй Калоний, илтифот бирла сўраб кўр, бир умр  
Куйида ёзган ғазалларнинг хатоси бормикан?

## ВАТАН

Тақдиримни тақдирингга боғладим озод Ватан.  
Не учунким сенда пайдо бўлди менда жону тан.  
Сен онам бўлсанғ агар бағрингдаги фарзандку мен,  
Мен онамнинг меҳрибон содиқ, асил фарзандиман.  
Мақсадингга мақсадим ҳам бир умрга мос эрур.  
Шул сабабли қисматингга қисматим боғлиқ экан.  
Соф ҳақиқат, соф табиат, соф нияти ҳам ўзинг,  
Сендаги софликни тарих ҳеч қачон ҳам кўрмаган.  
Кўз қорамдай сақламоқча не учун жазм этмайин,  
Толейим ҳам, бойлигим ҳам, борлигим ҳам сен Ватан.

## ПАНОХИМСАН

Гулым, пойингта тиз чўқдим, муқаддас саждагоҳимсан,  
Чароғон кундузи офтобу тунда нурли моҳимсан.  
Сенинг ишқинг билан, жоним, ҳаётим йўғрилиб кетди,  
Қувонсам гар қувончим, йигласам фарёду оҳимсан.  
Мудом амрингта бўйсундим, итоаттўй қулингдирман,  
Севиб асра гуломингни, ахир, қудратли шоҳимсан.  
Адашмаслик учун боқий кафолат бор эзур, чунким  
Кечиб умримданам юрсам бўлур, энг тўғри роҳимсан.  
Қачон, қай пайтда, билмайман, етарманму висолингта,  
Менга ошкора эт, ёрим, ўзинг ёлрига гувоҳимсан.  
Сира кўрқмай яшайман зарлидан, ҳар турли зўрдан ҳам  
Бу дунё хавфлари ҳечдир, ишонган зўр паноҳимсан.  
Бу тоңг илҳом биланг ёздим, Калоний, қанча ашъюлар,  
Ёмон кўздан уни асра, текизмай кўз илоҳим сан.

## ЎЗИНГСАН

Менинг хушқоматим, ёрим, ўзингсан,  
Садоқатли, вафдорим ўзингсан.  
Тўлибдирсан чиройда, бўй етибсан,  
Бўйингдан ўргилай, борим ўзингсан.  
Юзингдан нур олур офтобу ой ҳам,  
Фариштам ҳам зиёкорим ўзингсан.  
Қошинг, шаҳжалоларинг кўркам намунча,  
Лаби шаҳду шакарбоним ўзингсан.  
Бўлур хутибўй ҳидингдан мушку анбар,  
Ҳаёли, тоза рухсорим ўзингсан.  
Сени жонимданам ортиқ севурман,  
Азизим, дилдаги борим ўзингсан.  
Ва ё илҳом париси сен эдингму,  
Калоний дейди ашъюрим ўзингсан.

## ОДАМ БЎЛОЛМАЙСАН

Агар юртдан қувилсанг ҳеч қачон одам бўлолмайсан,  
Куярсан ҳудди офтобдек, тўлин ойдек тўлолмайсан.  
Ватанга жон ишинг боялиқ эзур, билгил, уни узма,  
Узилгач жон ишинг ҳарчанд уринсанг ҳам улолмайсан.  
Кўзингнинг ёши ҳеч тинмай, ютарсан қон ва лекин ҳеч,  
Умр бўйи куляй дерсан ва лекин ҳеч кулолмайсан.  
Бошингта ғам, алам, қайтую мотамлар келар қат-қат,  
Сўлай дейсан сўлолмайсан, ўлай дейсан ўлолмайсан.  
Диёрингта вужудинг бирла пайянд бўл, Калонийдек,  
Агар юртдан қувилсанг ҳеч қачон одам бўлолмайсан.

## **БҮЛИБ ЮРГИН**

Дилбарим, ғууримсан, менга шон бўлиб юргин,  
Жон ширин ва лекин сен жонга жон бўлиб юргин.  
Мен қаро замин янглиғ ҳокисор бўлай, аммо  
Сен қўёшлию, ойли осмон бўлиб юргин.  
Бу ҳаёт эрур гулшан, сўлмасин бирор гул ҳам,  
Яшнатиб дилим боргин борғон бўлиб юргин.  
Йиғласам агар қисмат дастидан чекиб озор,  
Ташрифинг дариг тутмай, меҳрибон бўлиб юргин.  
Сенга, ёр, ҳаётимни топшириб қўёдирман,  
Ол уни, ўзинг асраб побон бўлиб юргин.  
Шеър учун дилу жонин бергучи Калонийман,  
Гуллаган ижодимда достон бўлиб юргин.

## **ЭЙ НИГОРО**

Эй ногоро, тобакай ҳам тоқсан,  
Жуфтлашайлик, мен-ла бўл ўртоқ сан.  
Юзларингта термулиб яшнар кўзим,  
Мунчалар ҳам сен гўзал, оппоқсан.  
Рози бўл, ишқими инкор этмагин,  
Айлама қалбим ярою доғсан.  
Дейдилар, бир яхшига бир яхшимас,  
Телбадирман, сен ҳамиша соғсан.  
Ҳеч мени ер бирла тенг деб хўрлама,  
Сен билан доим баландман, тоғсан.  
Тунлари ишқинг билан бедорман,  
Сен нечун то тонгтacha уйгоқсан?  
Ё менинг аҳволима кўнглинг ачир,  
Ё бироннинг васлига муштоқсан.  
Иккимизни ажратолмас ҳеч киши,  
Мисли этман, мисли сен тирноқсан.  
Булбулигўё бўлиб куйлар Калон,  
Сен атиргул бирла тўлган боғсан.

## **ЧИН ЮРАҚДАН**

Ниторим менга афзал минг малақдан,  
Севарман жондан ортиқ, чин юрақдан.  
Сочи райҳону сунбулага берар бўй,  
Лаби ширин асалдан, ҳандалақдан.  
Тиниқликда зилол сувдан мусаффо,  
Вужуди тоззадир, тозза палақдан.  
Ўзин мендан олиб қочгай ва лекин  
Керақдир ул менга юз минг керақдан.  
Юриб меҳру висолидан умидвор,

Сочим оппоқ, бүйим оңди терақдан.  
Најот васлига етказмас раҳмисиз,  
Унга инсоф тилайдирман фалақдан.  
Бошим кўкларга етмасму, агар мен  
Тутиб юрсам ўшал оппоқ билакдан.  
Ярим давлат эрур яхши ният деб,  
Калоний, тўхтамам эзгу тилақдан.

### ЎЗИНГ ИҚРОРИСАН

Дилбарим, сен дилгинамнинг дилрабо дилдорисан,  
Лек нечун оҳ урмайинким ошиғинг хунжорисан.  
Бир қараб нозла, мени бемори ишқ этдинг, нетай,  
Эй шифокорим, ўзинг минг дардима минг дорисан.  
Мен севиб жоним дедим, жонимданам ортиқ ўзинг,  
Қанча умрим бўлса барин маънисисан, борисан.  
Кечакундуз васлинг истаб тўлонар бўлсан, не тонг,  
Дилгинамни ром этган кўзлари хумморисан.  
Яхши тасбеҳдар тополмай қотди бошим, воажаб,  
Энг муносиб гапни айтсан сен каминанг ёрисан.  
Севгидан қочмоқ бўлиб ҳеч бехуда талпинмагин,  
Эй Калоний, ошиқ ўлғонинг ўзинг иқорисан.

### ЭЙ КЎНГИЛ

Эй кўнгил, умрингни ўтказ қавли маҷкамлар билан,  
Аҳду паймон тузма нокас, аҳли беяамлар билан.  
Ори йўқдар даврасида кўнгил очмоқдан кўра,  
Майли, ғам даштини кез номусли одамлар билан.  
Яхши сўз дилларни ёруғ айлагувчи бир қуёш,  
Офтобсиз тонг отарму ҳеч қачон шамлар билан?  
Гар дилинг пок бўлмаса ҳар доимо бир сафдасан,  
Халқаро шармандалиқдан бошлари ҳамлар билан.  
Яхшилар кўнглин ўзингта гар этар бўлсанг макон,  
Билки умринг ўтгай албат энг ширин дамлар билан.  
Эй Калон, ҳак сўзлаким ростгўй десинлар элу юрт,  
Шунда сен ҳамдам бўлурсан қалби кўркамлар билан.

### МУБТАЛОЛАРДАН

Ёронлар, сўрдингиз, айтай, бу дардим бедаволардан,  
Нечунким дилгинам ёр ишқига кўп мубталолардан.  
Софинтирмоқ билан қалбимни ул минг поралар этди,  
Бу хил қийноқ нечун даркор? Эканму бевафолардан?  
Нажот истаб кечакундуз тинимсиз илтижо қилдим,

Билолмайман, хабарсизму нигорим илтижолардан.  
Висоли ёндирап келса ва кетса җажри куйдиргай,  
Вужудим ўртаниб кетди, нетай, бу хил жафолардан.  
Мени-ку бўлганим бўлди, адо бўлдим, тамом бўлдим,  
Умидим, ёр узок бўлсин балолар, рўдаполардан.  
Дилимининг энг нафис туйгуларин кушрў ғазал айлаб,  
Жўнатдим ёр учун тумор қилиб чин ошинолардан.  
Калоний, севгида балким адашдим, инглишиб қолдим,  
Ва лекин асрасин Оллоҳ изходимда хатолардан.

## ДИЛБАНДИДАН

Ўргилай мен дилрабойим лабларининг қандидан,  
Гоҳи қанд, гоҳи шакар, гоҳи асал монандидан.  
Лабларин ширин десам ундан ширинцdir тиллари,  
Кошки сўрсам эрди мен ширинзабон нўшҳандидан.  
Ҳеч етолмай шу ширинларга мудом bemorman,  
Ёр хабар олмайди, лекин мен каби дардманидан.  
Ҳажрида ҷеккан фиғоним кўкка етди, найлайнин,  
Ишқида қалбим узилди барча банди бандидан.  
Мен висол сўрсам нигорим рад этиб дер "алвидо".  
Воз кечолгайму киши ҳеч дилга дил пайвандидан.?  
Бора-бора ҳажрига тоқат топар деб ўйламанг.  
Дил узолмайдир, Калоний, ҳеч асил дилбандидан.

## АФЁР ЭКАН

Ваҳқим, биз дўст деган ул кимсалар афёр экан,  
Соддадил, олийжаноб деб юрсак ул маккор экан.  
Қоматин шамшод дедик, сарв ҳам дедик ошиқ бўлиб.  
Кўргиллик, ул сарву шамшод бўйнимизга дор экан.  
Бир умр сўйсак куйиб бўлгай вафоли ёр дебон,  
Бу не фоже эрдиким, ул ўзгаларга ёр экан.  
Доимо оқ пахтадек оппоқ билиб қўйисак меҳр,  
Ул юракни музлатувчи ях экан, оқ қор экан.  
Кўйнимизни тўлдириб бир қанча пуч ёнғоқ билан,  
Аждаҳо нафсин дегувчи беозу беор экан.  
Кўзимиз меҳроб кўриб таллинса унга руҳимиз,  
Ул олиб дўзахга солди, иблису бадкор экан.  
Бу қаср майдони кенг, яйраб униб-ўссак десак,  
Ул қабрдек ҳам қоронгу, ҳам заху, ҳам тор экан.  
Эй Калон, дод солмагин, дўст билганим душманму деб,  
Кил шукр, бардошли бўл, тақдирда шул ҳам бор экан.

## ҚОН БҮЛМАСИН

Эй ниғоро, бўлмасанг сен мен учун шон бўлмасин,  
Шон нечун даркор эрурким, шони йўқ жон бўлмасин.  
Изларингдан эргашиб зулфинг каби баҳтим қаро,  
Бўлмасанг сен дил уйида шуъла афшон бўлмасин.  
Деб эмишсан имтиҳон этмоқ учун бергум азоб,  
Минг азоблар бўлса бўлсив, доги ҳижрон бўлмасин.  
Мен сенга ишқимни бердим бу жаҳонда тенги йўқ,  
Ўзга ошиқ ишқига қалбингда ошён бўлмасин.  
Бир умр ваъдам вафосига садоқат айлагум,  
Ўйларингдан бошқа ўй ўйимда бир он бўлмасин.  
Эй Калоний, васли ёрингнинг насиб айлар ва лек  
Оғзинг ошга етса бурнинг ҳеч қачон қон бўлмасин.

## ВАТАН

Фалак, ажратмагил ҳаргиз менинг қутлуг маконимдан,  
Агар айру тушар бўлсам жудоман жон жаҳонимдан.  
Ватан севмоқни имондан деган зот ҳақ гап айтмишлар,  
Жудо эт, майли, жонимдан, жудо этма имонимдан.  
Ватан фахрим, гурурим, кўзларим нури, ҳаётимdir.  
Баногоҳ айрилар бўлсам асар қолмайди шонимдан.  
АЗиз юргимга, бас, содик эканман, одамийдирман.  
Унинг меҳри жўшиб оққай муқаддас дилга қонимдан.  
Диёрим ишқи қалбимга бағишлайди зиё доим,  
Жаранглайди Ватан меҳри, Калоний, достонимдан.

## ЁМОН

Не ёмон деб сўрдинг, айтай, ҳаммадан тужмат ёмон,  
Ул ёмонлардан ёмондир, мисли бир офат ёмон.  
Дўст билан ёв жанг қилурда бетараф қолмоқ уят,  
Дўст қолиб, душман томонга айлаган хизмат ёмон.  
Баҳтиёр чорингда сенга соя янглиғ зргашиб,  
Тўssa баҳтингни булувлар қочган ул улфат ёмон.  
Яхшилик қилсанг магарким беғараз қил, беғараз,  
Заррача миннатли бўлса беҳисоб ҳиммат ёмон.  
Майли хор бўл, майли зор бўл, бўл мудом ҳалқинг билан,  
Эл сотиб, ёвдан қозонган шон ёмон, шуҳрат ёмон.  
Эй Калоний, ҳамнафас бўл жонажон ҳалқинг билан.  
Эл-улусдан ажралиб сўнг айласанг рихлат ёмон.

## **КЕЛМАСИН**

Сүхбатимга суммати муз келмасин,  
Лабзи йўқ, сурбету беюз келмасин,  
Юлдузимга юлдузи мос бўлсину.  
Мос эмас ҳеч ўзга юлдуз келмасин.  
Сўзни(нг) бетуз бўлгани ҳаддан ёмон,  
Лекигин манглайта ҳеч туз келмасиз.  
Улфати чор жам эсак чойхонада,  
Нафси бад, худбину очкўз келмасин.  
Етти ўлчаб, пухта қургин, соз этиб,  
Қурки шундай, қайта буз-буз келмасин.  
Ҳар фаслнинг ўз келур хуш они бор,  
Ҳеч қачон ёз ўрнига куз келмасин.  
Эй Калон, илҳом жўшиб турсин, бироқ  
Дил қолиб, тиðан дуруғ сўз келмасин.

## **СЕВАР ЁРИМ КЕТАР БЎЛДИ**

Севар ёrim кетар бўлди, дилим қон,  
Уфқ алвон бўлур офтоб ботар он.  
Тириклиқдан нишон қолмайди ҳаргиз,  
Қолур тан бунда, ул бирла кетар жон.  
Умид сўнгай, сароб янглиғ ниятлар,  
Вужудимни ўйиб ташлайди ҳижрон.  
Сомондек саргаяр бир зумда рангим,  
Бошоқдирман мисоли, энди бедон.  
Кўринмайдир кўзимга кўрку зебо,  
Гулистон ҳам туюлгай мисли вайрон.  
Оқур ашким мисоли икки дарё,  
Чекарман тинмайин фарёду афюон.  
Этиб ҳисоб босиб ўтган йўлимни,  
Қилурман тинмайин, наилай, пушаймон.  
Сўниб илдом, Калоний, шеър битолмам,  
Тутинг маъзур мени сердид ғазалхон.

## **САБО КЕЛТИР ХАБАР ЁРДАН**

Сабо, келтир хабар менга бу кун ахволи ёримдан,  
Дилим ўксик, хавотирман, вафодор ул нигоримдан.  
Оёғин гардини кўзга этарман тўтиё етсан,  
Нетай, токай йироқдирман кўзи мастанаворимдан.  
Фам-андужалар тўлиб кетмиш, дилимни қопламиш зулмат.  
Қувонч келтир, зиё келтир висоли нур шароримдан.  
Совук миш-миш тўлиб кетмиш, ҳаётимнинг қиёси қишиш.  
Илиқ ҳис-туйгулар келтир қуёшли наавбаҳоримдан.  
Нигорим шодмон бўлсин, қуёшдек порласин, кулсин,  
Ўтингайман, хабар берма ҳароб ахволи хоримдан.

Само даҳшатда оҳ урсам, висол сайдида беҳудман,  
Ўқингай ёр дарак топса барори йўқ шикоримдан.  
Калоний, ишқида битдим ғазаллар ўтли қалбимдан.  
Дилига завқу-шавқ тўлсин, ўқиб бер атъоримдан.

### САОДАТ АҲЛИДАН

Ўргилай, минг ўргилай, меҳру мұжаббат аҳлидан,  
Айланай, минг айланай, ҳиммат, саҳоват аҳлидан.  
Ҳурриятнинг еллари қувди зулмнинг абрини,  
Эл-улус бўлмиш халос оғнат, қабоҳат аҳлидан.  
Эрк қуёши нур сочиб, бўлди нурафшон қалбимиз,  
Энди қалқим баҳраманд шафқат, шафоат аҳлидан.  
Ҳар томон кетмис тўзиб бузгунчию босқинчилар,  
Юрт бу кун обод бўлур, ғайрат-шижоат аҳлидан.  
Қур, ярат дер энди миllat, дер Ватан бу шонимиз,  
Мўъжизот пайдо бўлур соғдиили қудрат аҳлидан.  
Эй Калоний, деб тасаддуқ бошидан гуллар сочай,  
Айланай ҳам ўргилай баҳту саодат аҳлидан.

### ЯЙРАЙМАН

Аё ёrim, табассум эт, кўзим кўрганда яйрайман,  
Вужудингдан қувонч нури чиқиб турганда яйрайман.  
Илож бўлса яқинроқ кел ва ё бормоққа рухсат бер,  
Этиб изҳори ишқ сухбат ўзим қурганда яйрайман.  
Муҳаббат танламас манзил, хиёбонми, биёбонми,  
қўлинг ушлаб, сенинг бирлан кезиб юрганда яйрайман.  
Ажиб сокин макон бўлса, дилимга завқу-шавқ тўлса,  
Асал васлингни гаштин, ёр, қониб сўрганда яйрайман.  
Нетай, бу даشتни ҳижронда таниш зот ўтса карвонда,  
Калоний, ҳоли аҳволинг бориб сўрганда яйрайман.

### ҲУРЛИГИМ

Ҳурагим, сен нур бўлиб, дил шуълаи афшони сен,  
Ҳам ҳаётим машғалию, хуршиди тобони сен.  
Дилга оқсин нурларингдан, эй қуёшу моҳтоб,  
Равшан ўлсин, руҳи поким беғубор осмони сен.  
Кетмагил ҳаргиз гурурим синмасин, топталмасин,  
Турмушнимнинг зийнати сен, шавкати сен, шони сен.  
Сен туфайли эркиёрман, баҳтиёрман, инчунун,  
Этмагин тарқ, хонумоним, давлати сен, кони сен.  
Сенсиз олам тим қоронгу, сенсиз умрим зоедир,  
Сен ҳаётим устуни ҳам, сен ҳаётим жонисан.  
Дер Калоний, ҳурагим бу нурлигимдир бекиёс,  
Ҳурагим, кел, нур бўлиб, дил шуълаи афшони сен.

## МИНГ ЎРГИЛАЙ

Минг ўргилай, нигорим, сиздаги қошу күздан,  
Нурли зерур юзингиз күкдаги ой, қүёшдан.  
Келганды гоҳи тұқнаш нозли қараб құярсиз,  
Жоним тасаддуқ үлсия сирли, майни қараңдан.  
Дунёда барча ошык сизни талош этаркан,  
Айтинг-чи, қандай олгум, бу хил талош-талошдан?  
Зарга ўраб қуборсам бошдан оёқ яраштай,  
Лек бунга қолатим ийүқ, күн күраман маошдан.  
Маҳрима деб мабедо башым сүрар эсанғиз,  
Мен нега воз кечмай, бу арзимайди бошдан.  
Айлаб висолга ватъда, борғанда рад этурсиз,  
Еттанаңа орзим ошга тиши синмасин-да тошдан.  
Жабру ситам этишдан ҳар дамда чарчамайсиз,  
Қолмади менда ҳарғыз тоқату сабру дошдан.  
Ял-ял ёниб "Матиз" да кулиб ўтиб кетурсиз,  
Хижрон юкини орттан мендек аробакашдан.  
Замона мажнуни деб күлса, Калон, нетай мен,  
Башым олиб кетайми шаҳри азим-бу Шошдан?

## ТОРТАМАН

Мен севиб қолдым, азоби ишқ шу ондан тортаман,  
Кимса билмас дардларимни, ох, никондан тортаман.  
Ишқи ийүқ номеҳрибининг жабри жондан ўтди, воҳ,  
Бекиёс хижроннинг дардин жисму жондан тортаман.  
Ул қуёшим нурларин абрунинг ортига олур,  
Мен зиёсиз тун ҳәётим тор жаҳоңдан тортаман.  
Иккимизнинг ийүлимизни бу фалак бир этмади,  
Ёр у томон тортадир, эх, мен бу томон тортаман.  
Ҳолима кулмайдиган оламда бир зот қолмади,  
Таъналарин кетма-кет яхши-ёмондан тортаман.  
Эй Калоний, сабр этиб, кўрсат садоқат ёрга,  
Чин вафо бўстонига шуҳратли шондан тортаман.

## ЭЗГУЛИКНИ КУЙЛАГИН

Дўсти содик кўп бўлиб, оламда душман бўлмасин,  
Баҳт кулиб турсин, бироқ паймона ҳарғиз тўлмасин.  
Севгимиз дилларда жўш урсин, вафо тарқ этмасин,  
Одамилик гуллари яшнаб туриб, ҳеч сўлмасин.  
Бу жадон айвонида касни ёмондан асрасин,  
Яхшилик раҳидонларин қаҳру қабодат юлмасин.  
Оқибатли кимсага омад кулиб боқсин, бироқ  
Оқибатсиз бўлса ким толеи асло кулмасин.  
Эй Калоний, кечакундуз эзгуликни куйлагин,  
Эзгуликни тинглаган тингловчи ҳеч ҳам ўлмасин.

## СОХИВ ДУО БҮЛГИН

Болам, комил эсанг, умринг бүйи ақли расо бүлгин.  
Қарип қолдим, мадорим қолмади, меҳри бажо бүлгин.  
Менинг сендан бұлак, айттін, киммі бордир, киммі бордир,  
Суяңған төриму жоним учун күтлүг сафо бүлгин.  
Билиб қүй, кексалик дарди ёмон дарддир, ёмон дарддир,  
Бу дардимга үзинг, ўрлым, мудом доришифо бүлгин.  
Күзимдән нур-зиё кетди, дилим армон билан гүлди,  
Агар ёнбошласам ёстиқ, юрар бұлсам асо бүлгин.  
Элизминг олқишин олгин, қадрда бебаҳолик эт,  
Илоҳим соғ-омов юргин, азиз, меҳриги ё бүлгин.  
Буюк ишларга қодирлік Калонийга фазилатдир,  
Муносиб бўл, улуғ наслингтаю, соҳиб дуо бўлгин.

## ҚАЛАМНИ ИШГА СОЛ

Дўстларим, найлай, ҳаёт бир бағритош жаллод экан,  
Зулмидан дил қўшларин чекмоги ғам, фарёд экан.  
Тўҳмату фисқу фужур бошимга ёмғирдек ёғар,  
Чархи дуннинг қилмиши жабру ситам, бедод экан.  
Не умид, орзу билан йиғсанг кўнгилнинг ганжини,  
Бир буюк тўфон билан ул сарбасар барбод экан.  
Бевафо дунё иши тентакнамою тескари,  
Шод экан аҳали жунун, идрок эли ношод экан.  
Бир умр ўтсанг агар армон билан ҳеч тонг эмас,  
Жисму тил банди, фақат ўю хаёл озод экан.  
Эй Калоний, тапилама ҳарғиз қаламни, ишга сол,  
Бас сенинг қалбинг тўлиқ илҳому истедод экан.

## НАЙЛАЙИН

Оқким, ул дилрабо бегона бўлди, найлайнин,  
Бир умр севганлиги афсона бўлди, найлайнин.  
Мен сенинг содиқ вафодоринг бўлурман деб туриб,  
Етти ёт бегонага жонона бўлди, найлайнин.  
Васлидан уммид қилиб юрган эдим, хуррам бўлиб,  
Ҳажрида икки қўзим гирёна бўлди, найлайнин.  
Ишқ билан қалбим менинг яшнаб кетарди дер эдим,  
Бевафо ёр жабридан вайронга бўлди, найлайнин.  
Севгининг чўчи тушиб лов-лов ёнардим, лекигин  
Севганим муз диллита парвона бўлди, найлайнин.  
Не бўлиб ўтса ўтиб кетди ва лекин, жўралар,  
Куйида куйган Калон девона бўлди, найлайнин.

## БОДА СУН

Сокиё, ёр кетди ташлаб, бода сун,  
Мен ичай күзимни ёшлаб, бода сун.  
Васл уйи вайрона бўлди, войким,  
Энди сен майхона бошлаб, бода сун.  
Ёр алам, қайгуга этди рўбарў,  
Сен менинг кўнглимни хушлаб, бода сун.  
Эл аро қолдим маломатта, ажаб,  
Дод солай кўксимни ушлаб, бода сун.  
Тўйди ҳижрондан, Калоний, жонидан,  
Сокиё, ёр кетди ташлаб, бода сун.

## ҚАЧОН СУЯРСАН?

Жонона, қараб-қараб қўярсан,  
Мижгон ўқи-ла дилни ўярсан.  
Ҳажрингда десам бўлди юрак қон,  
Лаълингни қизил тусга бўярсан.  
Холингни қаросига тикилсам,  
Бахтимни қаро қилиб қўярсан,  
Севдим сени деб дилимни очсам,  
Бу гапни ҳазил гапга йўярсан.  
Мехрингни кутиб ўтиб борарман,  
Кийнашга мени қачон тўярсан?  
Бир кўрдиму, Калоний, ошиқ ўлдим,  
Айт, сен асалим, қачон суярсан?

## МАҲЗУР БЎЛМАСИН

Дўйстлар, ҳеч бир киши муҳтожу маҳзур бўлмасин,  
Бу ўтар дунёда хор-зорлиқда машхур бўлмасин.  
Келдими дунёга, бас, ўз ризқини терсин, бироқ  
Ўзгалар ризқин теришлиқ бирла мағрур бўлмасин.  
Кўнгли төгдек беугубору нияти пок бўлсину,  
Қалбини чирк қоплаган жирканчли манфур бўлмасин.  
Хуш фазилатли, саховатли эса дил яйрагай,  
Беимон, инсофи йўқнинг қалбида нур бўлмасин.  
Етти ўлчаб бир кесинг, армонга ҳожат қолмагай,  
Ўйламай босманг қадам ҳеч сўнти қуртур бўлмасин.  
Эй Калоний, ҳақ ёзиб, оламга боқ мардонавор,  
Майли, нодонлар учун ул зарра манзур бўлмасин.

## **БИЛМАСИН**

Бошима савдо тушиб, бўлдим нисор, ёр билмасин,  
Чекмасин ҳеч изтироблар, шуъладор ёр билмасин.  
Шодлигим бор бўласа айлай барчасин тент армуғон,  
Бўлмасин қайрумга шерик, ғамғусор ёр билмасин.  
Ғамларим ёлгиз ўзим чекмоққа қодирман, бироқ  
Бермасин дардимга ҳаргиз эътибор, ёр билмасин.  
Ул кулиб юрсин мудом толейининг оғушида,  
Бахтига ёр бўлганидир ифтихор, ёр билмасин.  
Келмоғида жон кирап қалбимга, кетса жон чиқар,  
Энди кетмоқликни зинҳор дилафкор ёр билмасин.  
Эй Калоний, асраганни асрагай дерлар Худо,  
ҳажрида мен беадоқ бўлдим-ку хор, ёр билмасин.

## **КЕТМАСИН**

Эй сабо, дилрабо айлаб мени хор, кетмасин,  
Васлига умрим бўйи бўлмай сира зор, кетмасин.  
Аҳдига бўлсин вафодор, васлидан бўлмай жудо,  
Кетса жоним кетсину гул юзли дилдор кетмасин.  
Ул билан бахтим бутун, қалбим уйи нурхонадир,  
Айлабон ҳолим ҳароб, жонимни абгор, кетмасин.  
Янграсин толе куйи, олам эли қиисин ҳавас,  
Синмасин куй авжига чиқсанда бул тор, кетмасин.  
Бу жаҳон зебо зур ҳар дам муҳаббат завқидан,  
Чекмасин ишқ боғлари ҳажрида озор, кетмасин.  
Эй Калон, ёр васлисиз асло ёзолмайман разал,  
Қалб уйини тарк этиб мангута ашъор кетмасин.

## **БИР БАЛО БЎЛМАЙ БУРУН**

Ҳар одамнинг тақдирни ҳал бўлғуси ўлмай бурун,  
Ҳал этиб ол тақдирингни, бир бало бўлмай бурун.  
Дрейдилар, иштони йўқ қулгай ямоқ лозимлига,  
Сен ўзингта бир боқиб ол ўзгага қулмай бурун.  
Бор мақол: доим метални лахча-чўғ бўлганда бос,  
Гулга боқ, хушрўй бўлур у қовжираб сўлмай бурун.  
Қил ибодат, қил тиловат, рўза тут, инсофла бўл.  
Косай паймонанг аввал лиммо-лим тўлмай бурун.  
Луқмаи покизани чайнайверицдан не Мурод,  
Вақтида юттил, ажал боринг, Калон, ютмай бурун.

## ДОСТОН БҮЛИБ ТУРГИН

Жон берар эсам, ўелим, жонажон бўлиб тургин,  
Сув тутиб пиёламда меҳрибон бўлиб тургин.  
Аста-аста чўккайман бир губав жой қаърига,  
Сен бошимда нур сочган осмон бўлиб тургин.  
Мен ошаб бўлиб ошим, ҳам яшаб бўлиб ёшим,  
Сен эсанг, жигарбаидим, нақирион бўлиб тургин.  
Жон оларга Аэроил келсалар ҳузуримга,  
Сен ўзинг тутиб бардам, қаҳрамон бўлиб тургин.  
Йиглама, кўзинг ёши дилга тош бўлиб ботгай,  
Розилик бериб албат, шодумон бўлиб тургин.  
Бу умр саноқлидир, мен уни яшаб бўлдим,  
Бахтима фароғатли, соғ-омони бўлиб тургин.  
Бир қақир биёбонни сенга боғ қилиб кетдим,  
Сен уни яшартиргин, боғон бўлиб тургин.  
Ул куни мозоримга жойлагач, этиб иззат,  
Эл аро Калонийдек дастон бўлиб тургин.

## БОРМИКАН?

Дўйстларим, мендек жаҳонда хор бўлган бормикан?  
Итироб гирдобида абгор бўлган бормикан?  
Қалбига ғам бирла ташвишлар, тагин ҳасрат тўлиб,  
Кўз ёшидан ҳосили анҳор бўлган бормикан?  
Тинмайин эзгач ситам, жабру-жафою ғам, алам,  
Хаста ҳол, ошифта дил, бемор бўлган бормикан?  
Ўзгалар толейи-чун баҳтии нисор айлаб, ўзи  
Меҳрибон бир қўлчага зор бўлган бормикан?  
Фигначи, тұхматчилар қылган маломатдан куйиб,  
Бесафо ўз жонидан безор бўлган бормикан?  
Эй Калоний, оқидан бўрон туриб, тоғлар қулаб,  
Нолаю афғонидан ашъор бўлган бормикан?

## РАНЖИМАС

Қайтаролмас ҳеч киши қалбимни қутлуг роҳидан,  
Ажратолмас бир умр ҳам ишқ деган ҳамроҳидан.  
Мен учун ёр севгиси шондан азиз, жондан азиз.  
Гарчи оташ чиқса ҳам кўйган дилимнинг оқидан.  
Тавсифин сизга баён этсам тасаввур айлангиз,  
Ул зиёлироқ эрур ҳатто фалакнинг моҳидан.  
Кўзлари юлдузга монанд, қоплари мисли қалам,  
Эгнига кийган либос тоҳатасу, тоҳ шоҳидан.  
Ул зурур гўё шаҳаншоҳ, мен унинг содик қули,  
Қувса ҳам ҳаргиз кетолмам қиблай даргоҳидан.

То ҳануз меҳрия қозонмам, менга ётлик айлагай,  
Ё ҳазар эттаймикан ул мен фақир гумроҳидан.  
Ёр менинг дардимдан огоҳ бўлмагай деб ўксима,  
Эй Калоний, ранжимас ошиқ киши дилҳоҳидан.

### ТИЛИМ АЙТГИЛ ДИЛИМГА...

Тилим, айттил дилимга, ул элу юртни ризо қиласин,  
Ризо қиласин эса элни адо бўлсин, қазо қиласин.  
Агар чин дил эса Чўлпон дилидек поку соф бўлсин,  
Фаразли бўлса виждан деб аталган шод жазо қиласин.  
Қаро ниятлилар умри бақо гулзорига кирмас,  
Агар ўлмай деса оқил бўлиб, хуш муддао қиласин.  
Ҳаёт ширин, замон кўркак ҳамиша завқда тўлсингим,  
Наво қиласа Навоийдек, Низомийдек наво қиласин.  
Калоний, айт, дилимга ул буни қатъий Мурод эттай,  
Ватанинг мақсадин англаб, уни қалбига жо қиласин.

### ЮЛДУЗУ ОЙНИ СОЧАЙ ДЕЙМАН...

Дили торик кишини(нг) афтига чойни сочай дейман,  
Ювилсин тозза деб энг каттакон сойни сочай дейман.  
Ичи ифлос, бироқ сирти силлиқ, гўё илон янглия,  
Ичига мос этишга бошидан лойни сочай дейман.  
Ҳалолу пок одамларни кўролмайдир нечун, исқирт  
Басир бўлсин дебон кўзига носвойни сочай дейман.  
Қадам босган жойидан гул эмас, янтоқ ўсиб чиққай,  
Йўқолсин деб изи тушган ўшал жойни сочай дейман.  
Агар инсофга келса ул, Калоний, шодумондириман,  
Ёришсин деб дилига юлдузу ойни сочай дейман.

### МАРДУМИ ФАРГОНАМАН

*Мулки Ҳингу Марғдин келсан топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.*

Муқимиий

Мунчалар ширин замонам, баҳтиёр мардонаман,  
Улфатим шодик ҳамиша, қайғудан бегонаман.  
Ёру дўстлар даврасида яшнади гул ёшлигим,  
Эй ёронлар, ҳеч демасман кўзлари гирёнаман.  
Хур диёрим оғушида энди одамлар азиз,  
Шу азизлардек азизу баҳтидек хандонаман.  
Яхши-яхши раҷнамолар бўлди устозим менинг,  
Гулшанимга лаҳза-лаҳза ошиғу парвонаман.

Хурлигим берган ўзингсан жонажон республикам,  
Доимо халқим мисоли сен билан ҳамхонаман.  
Балки хору зор кезардим ўзга юртларда эсам,  
Она юртимда элизмек хурраму шодонаман.  
Мардуми Фарғонаман, айбим шу деб эрди Муқим,  
Мен дедим баҳтим, Калоний, мардуми Фарғонаман.

### СЕНГА СОДИҚМАН ДИЁРИМ

Сенга содиқман диёрим, дилда ишқим бир жаҳон,  
Яшнатар васлингут, ҳажринг айлагай умрим ҳазон.  
Не учунким сен шарафсан, номусу шаъну руур,  
Шул сабабли мени севиб доим дегайман жонажон.  
Қанча йиллар кутди халқим нурли истиқдол кунин,  
Минг шукрким, келди охир порлаган қутлуғ замон.  
Элсеварлар елкасиға тегда офтоб, кун туғиб,  
Хоину сотқинга, лекин энди бўлгай кўп ёмон.  
Хоҳишингга бўйсунувчи ҳаммага бағринг очиқ,  
Йўқса, майли, кетса кетсин, унга қибла тўрт томон.  
Ҳур Ватан деб танди жоним бўлса қурбон розиман,  
Эл-улус-чун сарф этарман қанча бўлса хонумон.  
Эй Калоний, юртни куйлаб завқ билан ёзгил ғазал,  
Шеърларинг манзур бўлур халқингга шунда бегумон.

### ДИЛНИ ХУШХОН АЙЛАГИН

Эй кўнтил, гар юртни севсанг, кўксинг осмон айлагин,  
Куида икки кўзингни қавқабистон айлагин.  
Сўзда севдим деб юришилик шунчалик бир гап ҳолос,  
Хонумонинг унга баҳш эт, жонни қурбон айлагин.  
Қанча меҳринг бор экан, энг аввало халқингга бер,  
Бир умрга элни мәдмон, ўзни мезбон айлагин.  
Бу умр ўткинчиидир, ул ўтмасин зое сира,  
Ҳар бир оннинг хизматини зала эҳсон айлагин.  
Энг муқаддас шу Ватан, кўзларга сур тупрогини,  
Куч-қувватни яшнатишга яхши имкон айлагин.  
Аслида бир жону тан, бир руҳсану, битта кўнтил,  
Кулса қулгин, чекса аффон бирга аффон айлагин.  
Шеър ёзишни бас, Калоний, қасб этиб олдинг сано,  
Мадҳига халқингни доим дилни хушхон айлагин.

### ҒАМ КЎРМАЙИН

Эй ёронлар, яхшиларнинг кўзида нам кўрмайин,  
Кулгиси оламни тутсин, қалбида ғам кўрмайин.  
Умрини яйраб яшаб ўтсин фарновонлик билан,  
Рўзгори бут бўлиб бир заррача кам кўрмайин.

Беҳисоб давлатли бўлсин барча ээту диллilar.  
Ҳеч қачон, ҳеч қайда манман бирла там-там кўрмайин.  
Баҳт қуши доим қўниб турсин бошига, лекигин  
Омадининг кетганин оламда ҳар дам кўрмайин.  
Умирида ҳеч чекмасинким мусибат, қайфуғ ғам  
Ўнда кўрмай ҳозири бундан кейин ҳам кўрмайин.  
Тушмасин ҳаргиз жудо имоилилар имонидан,  
Хотирини жам кўрай, ҳеч лаҳза бежам кўрмайин.  
Яхшиларга жўшқин илҳом бирла яхши ёз Калон,  
Хом разаллар ёзганинг, мен сенга айтсан, кўрмайин.

## ЭЙ БОЛАМ

Эй болам, мушфиқ онангти қийнама, куйдирмагин.  
Берма озор, бир нафас ҳам жонидан тўйдирмагин.  
Дейдилар модар ризо бўлса Худо ҳам розидир,  
Жисму жонингни жаҳаннам ўтида куйдирмагин.  
Битта ёш тўкса она дунёни сув босгай эмиш,  
Йиғлатиб, кўз ёшларини сел қилиб куйдирмагин.  
Оқ сутини оқласанг ойдин бўлур доим йўлинг,  
Ҳеч қачон оқда қаро рангларни ҳеч тўйдирмагин.  
Яхшиликни ўлгунингча қанча қилсанг, шунчак оз,  
Таъна тоғини ва лекин шаънига қўйдирмагин.  
Ўз онангга гар муносиб бўлмасанг фарзандмисан,  
Келтириб қайгуру ташвиши бағрини ўйдирмагин.  
Волиданг шод айласанг, шоддир Калоний ҳам мудом,  
Эй болам, мушфиқ онангти қийнама, куйдирмагин.

## МЕҲРИ БАЖОЛИҚДАН

Вафодорга жафо қилмоқ ҳақиқий бевафоликдан,  
Вафо аҳли азиятлар чекар бу бесафоликдан.  
Бериб ваъда вафосини унугтгандан ҳазар дерлар,  
Яқин юрмас қозонга ҳар киши қўрқиб қароликдан.  
Ҳаёсизда вафо йўқдир, вафосизда ҳаё йўқдир.  
Кишини арасасин малигу ибосиз, беҳаёлиқдан.  
Муҳаббатда садоқат доимо бирламичи бойлиқдир,  
Ҳазар қилгин, ҳазар қилгин садоқатда хатоликдан.  
Вафодорнивг сафоси бор, вафосизнинг жафоси бор,  
Худовандо йироқ тутсин муҳаббатда жафоликдан.  
Чиройи бор, вафоси йўқ, гўзаллар мисли дўзахдир.  
Йигит ҳоли хароб бўлгай аларга мубталоликдан.  
Калоний, ҳеч адашма, танлаган ёринг вафо қилсин,  
Насиб этсин сенга жононаи меҳри бажоликдан.

## **ЭТМОҚЧИМАН**

Дилрабо, мен сиз билан бир сайри бөг этмоқчиман,  
Хамнафас, ҳамдам бўлиб кўксимни төғ этмоқчиман.  
Ишқ, аро менга рақиб-ошиқларингиз барчасин,  
Куйдириб рашк ўтида чашмин булоқ этмоқчиман.  
Гоҳ висол ҳамроҳи бўйдим, гоҳ ҳажр йўлдоши ҳам,  
Васл ила ҳижронни энди икки ёқ этмоқчиман.  
Кўрсатиб меҳру вафодорлик намуна, шевасин,  
Фаҳр этиб олам аро кўнглимни төғ этмоқчиман.  
Майлига, жоним фидо бўлсин, ўлай, лек нур сочиб,  
Ишқ иўлини ёритгани дилни чироқ этмоқчиман.  
Шубҳалар қилманг сира, ростдир сўзим, ростдир Калони,  
Бир умр нияти пок, кўнгилни оқ этмоқчиман.

## **УМИД АЙЛАБ...**

Сепингиз мен гарибман, чорасиз бечораларданман,  
Сенинг бирланку ҳар дардга топарман чораларданман.  
Юрарсан шоду хуррам сан, бироқ бир бор назар ташла,  
Севиб, ҳажрингда қон йиглаб, кўзи фаввораларданман.  
Висолинг гар насиб этса қувончим кўкка сигтайму,  
Вале ҳажрингда, эй ёрим, ки баҳти қораларданман.  
Майин кулгуларинг дардимга малҳамдир, шифо бўлгай,  
Табассуминг дариг тутсанг дили садпораларданман.  
Ўзинг айтгил, дилоромим, куйингда тобакай куйгум,  
Наҳотки, бир умр ўттум бўлиб оввораларданман.  
Калоний, зора йўл топсан ва зора қалбингта кирсан.  
Умид айлаб яшайдирман шу зора-зораларданман.

## **ЁҚИШ МУМКИНМИ ЯНГИДАН?**

Иложи бор, метални тозалаш мумкинку зангидан,  
Бироқ сўнган муҳаббатни ёқиши мумкинми янгидан?  
Агар қайси кўнгилга севги меҳмон бўлса ул дилда,  
Асар қолмас бу оламнинг губори, гарди, чангидан.  
Муҳаббат барқ уриб яшнар экан ул дил чароғондир,  
Жудо бўлса ким ишқдан кул ёлар лаҳза рангидан.  
Кучи ёр севгисин ҳар дам вафо бирла садоқатда,  
Киши ишқин билиб бўлмас кўёси, қошлиар тарангидан.  
Ўчирмоққа муҳаббатнинг оловин ким этар журъат?  
Бу иш келгай, азиз ёрим, фақат кўнгимни(нг) сангидан.  
Севиб қолдим, ҳузурингдан кетишга йўқ эрур тоқат,  
Хуморингман, менга бахши эт табассуминг жарангидан.  
Ажаб йўқдир кечакундуз, Калоний, энди шеър битсан,  
Бу қалбимга кириб олмиш муҳаббатнинг зарангидан.

## САВОБИ БОР ЭКАН

Найлайнин, ишк дардининг ҳадсиз азоби бор экан,  
Жону дилни ўртагувчи изтироби бор экан.  
Оташида беаёв лов-лов этиб ёндиурса ҳам  
Ифтихор этсин, парирў моҳтоби бор экан.  
Васли роҳат бўлса ҳам ҳажрига дуч келса агар,  
Қалбида на сабру на кўзларда хоби бор экан.  
Гарчи кўнгил риштаси боғланса ҳам маҳкам, бироқ  
Дилни қийнаб ўртагувчи ноз, итоби бор экан.  
Кўзларига тушса кўз ёрнинг юрак завқда тўлар  
Маст этувчи лаъли лабларда шароби бор экан.  
Ўллама мушкул билиб олмоқ дебон асрорларин.  
Эй Калоний, гарчи ишқининг ибтидоси уҷубат,  
Кечмагил воз интиҳосида савоби бор экан.

## ОШИҚЛИГИМ БИЛМАСМИКАН!

Нега келмас дилрабо, ошиқлигим билмасмикан?  
Кўзлари шўх, сурмасо, ошиқлигим билмасмикан?  
Севги дунёсида кезгум излабон ёр васлини,  
Ишк йўлида раҳнамо ошиқлигим билмасмикан?  
Қанча кўп йўлини пойлаб ўтса умрим, не ажаб  
Бир умр қалбимга жо, ошиқлигим билмасмикан?  
Гул Ватанда мўл эзур жононалар юлдуз мисол,  
Мен учун энг пурзиё ошиқлигим билмасмикан?  
Эй Калон, севгимни куйлай энди ошкор айлабон,  
Ёрдин чиқмас садо, ошиқлигим билмасмикан?

## ХУМСОНДА

Саъй этиб борган эдим дам олгани Хумсонга мен,  
Деч келиб қолдим тўсат бир дилрабо жононга мен.  
Иккимиз бир зумда бўлдик бир-бировга жонажон,  
Не учунким жонини боғлаб олувдим жонга мен.  
Юзлари офтоб экан, икки кўзи юлдуз мисол,  
Тун маҳал аксини кўрдим термулиб осмонга мен.  
Ундаги хусну чирой инсонда ийӯқ, бўлган эмас,  
Дил бериб қўйдиммикан ҳуру пари, гилмонга мен.  
Бир нафас кўрмас эсам, тоқатларим тоқдир мудом,  
Бетиним излар эдим ташлаб назар ҳар ёнга мен.  
Ул билан ўтган маҳал ҳеч мисли ийӯқ зебо эзур.  
То абад таъзимдаман шундай гўзал зўр онга мен.  
Бир умр содиқ бўлурман ишқимизга деб, Калон,  
Ул учун ичдим қасам қўлни қўйиб Куръонга мен.

## БИЛАРМИКАН

Хажрида чекдим беадад қайғу, билармикан,  
Икки күзи жон олгучи жоду, билармикан?  
Нолу карашмаси билан боққанда бир қиё,  
Қалбимни забт этибди бир түйғу, билармикан?  
Күзимдан оқдан ашкларим уммонга тенглашур,  
Хеч кимса билмаганды ҳам ҳеч, у билармикан?  
Қаҳру ғазабни күрсатыб қылди адo мени,  
Айтинг-чи, ул гүзэл иедир кулгу, билармикан?  
Бир бор табассум этса гар меҳри билан боқиб,  
Қалбим уйига сочганин ёдду, билармикан?  
Гар билмаса ўзим бориб айтайми ё, Калон,  
Ишқи дилимга малҳаму инжу, билармикан?

## БОШЛАГУМ ҚҰТЛУҒ ТҮЙИН

Кел ҳузуримга кулиб, ёр, ё ўзим борсаммикин?  
Бунчалик кутдирмас зердинг, севганинг гар бұлса чин.  
Севганинг ростими ва ё севдим дебон қылдинг ҳазил?  
Севги бу оташ зрур, ҳеч ўт билан үйнашмагын.  
Ваъдалар бердингү, лекин олмадынг ҳолдан хабар,  
Қанча пуч ёңюққа тұлды бу ғарип бизнинг қүйин.  
Айт, бугун қатый жавобинг, ҳа деб айт, ё йўқ деб айт.  
Йўқ дессанг бошимни олғын, мен тутыб бергум бўйин.  
Эй Калоний, тақдиримни боғладим ёрим билан,  
Рози бўлса кулди баҳтим, бошлагум қутлур тўйин.

## ЧАРАҚЛАБ ЧИҚСА КУН

Ақлым олган дилрабо ишқида ҳолимдир забун,  
Хажрига тоқат тополмай, йирлатаіман уззукун.  
Мен унинг ўйи билан тун-кечалар бедорман,  
Ул бироннинг ишқида ёш ўрнида тўқмоқда хун.  
Бунда зорман не учун мен, унда зордир нега ёр,  
Не учун ҳар иккимизнинг кўнглимиз бўлмас бутун?  
Бу нечук дунё зурким кори бўлмиш тескари,  
Бевафолик унга қасбму, этмиши доим жунун.  
Дилгинам куймогиданми соchlарим ранги қаро,  
Оҳларим кўкларга ўрлар муттасил гўё тутун.  
Бунчалар қаттиқ чигал бўлмиш муҳаббат риштаси,  
Айтингиз, дўстлар, ечилгай қай тарафдан бу тутун?  
Эй Калоний, ноумид бўлма, ишончинг сўнмасин,  
Зора баҳтинг оламида бир чараклаб чиқса кун.

## ДЕЙМАН

Бу тун ёр васлига етдим, сира тонг отмасин дейман,  
Чиқиб офтоб нигорим уйқудан уйғотмасин дейман.  
Висол гаштин суриб, жаннатда юргандек бўлар жоним,  
У ҳижроннинг азобин тотини ҳеч тотмасин дейман.  
Ширин жоним тўшак, қалбимни ёстиқ айладим, зоро  
Нигорим ҳеч қачон оддий матода ётмасин дейман.  
Дилоромим чиройини яширгум дил сирим янглир,  
Сабаб: кўрган одам ҳущдан оғиб, лол қотмасин дейман.  
Парирухсор нигоримни дуру гавҳарга буркатмам,  
У сийм танга совуқ тошлар тегиб саҳт ботмасин дейман.  
Маликам бирла чашму ҳам дилимдан сўзлошодирман.  
Бирор тинглаб гапимни, ул рақибга сотмасин дейман.  
Калоний, баҳтиёрдирман, буни лек айтма шеърингда,  
Кўролмасдан у ножинслар тагин тош отмасин дейман.

## УНУТМАЙМАН

Ҳаёт бўлсам агар, ҳеч вақт сени барно, унутмайман,  
Унугтай деб гумон этма, сира Лайло унутмайман.  
Узоқларга кетар бўлдим, Ватан оддида бурчим деб,  
Ва лекин қалбима мангу эрурсан жо, унутмайман.  
Бутун умрим бўйи севгим ҳаётимни безаб турсин,  
Вафо кошонасин барпо этиб жоно, унутмайман  
Мұжаббат бобида менга келолгай қайси ошиқ тенг,  
Садоқат боғида жавлон уриб асло унутмайман.  
Вафодек мўътабардирсан, улурсан, меҳри дарёсан,  
Латиф севгимни[иг] бурчин айлабон ижро унутмайман.  
Хаёлинг бахш этар илҳом кеча-кундуз Калонийга,  
Шу боис янги ашъорим бўлур пайдо, унутмайман.

## АЙЛАРМИКАН

Ул гўзал жонон менга, айтинг, вафо айлармикан.  
Куйдириб куйида ё охир адo айлармикан.  
Гар анга севгим баён этсам жавоб бермас, нетай,  
Айтгали дил розии ёки ҳаёй айлармикан.  
Кўзлари шаҳло, қалам қошли пари руҳсоранинг  
Кўнглига йўл изласам қалбига жо айлармикан.  
Ёндирап бу дилгинамни ишқ олови, найларам,  
Шунчалар куйган дилимни ёр ризо айлармикан.  
Мен уни ёрим дедим девоналик айлаб бу кун,  
Лекин ул девонани чин ошино айлармикан.  
Доимо ёр куйида ёздим Калон, шеъру ғазал,  
Орзуйим штудир ўқиб муҳлис дуо айлармикан.

## СҮЗ ТОПОЛМАЙМАН

Үзингдан бошкага, жондан азиз ёрим, боқолмайман,  
Бүлак ёр ишкени қалбим ўчорида ёқолмайман.  
Бутун оламни кезсам ҳам тополмасман қиёсингни,  
Ўшал нурдек жамолингни қуёшга менгзатолмайман.  
Күнгил ҳар лаҳза қумсайди, нечун ёр сенга таллинмай.  
Висолинг йўлидан ўзга томонга деч кетолмайман.  
Сенга қай пайтда борландим, ўзинг айт мисали йўқ зебо,  
Кезиб куйингда юрмоқдан бўлак бир иш қилолмайман.  
Улуғ мадҳингни, эй гулрў, Навоий ёёса арзидир,  
Сени куйлаш учун ҳаргиз, Калоний, сўз тополмайман.

## ШОДМАН

Шаҳраро, эй дилбарим, зеболигингдан шодман,  
Богаро қўйсанг қадам раънолигингдан шодман.  
Бўйларингдан ўргилай, хуш бўйларинг дил яиратар,  
Қош қалам ҳам қўзлари шаҳолигингдан шодман.  
Меҳрибондан меҳрибонсан, дил очардан дил очар,  
Энг аслилар ичра ҳам аъзолигингдан шодман.  
Ўн саккиз минг олам ичра йўқ сенингдек дилрабо,  
Аҳли комиллар аро яктолигингдан шодман.  
Сен утун қалб оламин тердим висолин гулларин,  
Ол уни, гул-гул ёниб оролигингдан шодман.  
Иккимиз ишқ бояғида сайрондамиз чак-чақлашиб,  
Мен агар Тоҳир засам Зуҳролигингдан шодман.  
Анжуман чори назокат бирла сўз олсанг агар,  
Лабзи ширин, лутфлари донолигингдан шодман.  
Завқу-шавқ бирлан, Калоний, куйласанг ёр мадҳини,  
Хуш овоз булбул каби гўёлигингдан шодман.

## ДУШМАН ҚИЛМАСИН

Оlam ахли дўстни душман қилмасин,  
Душманин дўст бўлмогин ман қилмасин.  
Ошинолик дилда бўлсин доимо,  
Дўстла содиқликни тилдан қиамасин.  
Бир тану бир жон бўлиб кетсин, бироқ  
Ўзга жону ўзга бир тан қилмасин.  
Бир-бирига меҳри бўлсин чеки йўқ,  
Қаҳрини аммоки улкан қилмасин.  
Кемасин дўстликни маҳкам айласин,  
Унга қофозданми елкан қилмасин.  
Ошинолик қасри мустаҳкам бўлур,  
Хийла-ла бу уйни қумдан қилмасин.

Дүйстни тарқ этмоқ осон, топмоқ қийин,  
Бошини бу жабха хұмдан қилмасин.  
Эй Калоний, дүсти содиқман дебон,  
Хар ёмонликин тұсатдан қилмасин.

## БҮЮРСИН

Ёримга мени сафо буюрсин,  
Хар лаңза буюк вафо буюрсин.  
Жонига құшиб бераймы жоним,  
Умрига унинг бақо буюрсин.  
Шодликка дилин хонаси тұлсан,  
Омад күйидан расо буюрсин.  
Хеч анга раво эмас жазо, ғам,  
Бахт анга мудом раво буюрсин.  
Гар боқса ҳасад бирла мунофиқ,  
Бошига фалон бало буюрсин.  
Покиза дили, ҳәёси бисёр,  
Элнинг тилидан duo буюрсин.  
Мадхига қалам тутса Калоний,  
Илҳоми жұшиб, нағо буюрсин.

## КЕЛИБ ТУРГИН

Дилбарим ұзуримга шодмөн келиб тургин,  
Гоҳ-гоҳ эмас ҳар дам, ҳамма ои келиб тургин.  
Күрмасам агар бир зум күзларимга тор дунё,  
Очилиб, кулиб, яйраб бир жаҳон келиб тургия.  
Ер учун керак осмон, осмон учун ер ҳам,  
Гарчи мен заминдерман, осмон келиб тургин.  
Йұлларингни лойлашдаң үртаниб кетодирмав,  
Қийнамай мени ұргыз онсон келиб тургин.  
Холи не кечар бөгнинг бўлмаса агар бөгбон,  
Дилгинамни{нг} бөгига бөгбон келиб тургин.  
Бўлмасанг бу оламда мен учун ҳаёт йўқдир.  
Жонфизо, ҳаётбахшим, мисли жон келиб тургин.  
Келморинг эрур завқим, қайнатувчи илҳомим,  
Эй менинг асиш шеърим, достон келиб тургин.

## ИБТИДОСИ БОРМИКАН!

Бу ҳажр саҳросининг ҳам интиҳоси бормикан?  
Кирдиму чиқмоқ қийиндир, бир балоси бормикан?  
Борса келмас деб ва ёким шу маконни дейдилар,  
Е ютар домига йиртқич аждахоси бормикан?

Мингта дашти Карбалодан каттадир, поёни йўқ,  
Менда ё арёр зилининг бир жазоси бормикан?  
Севгими йўлида ҳаргиз нурли жойни кўрмадим,  
Толейимнинг ёр сочилик ё қароси бормикан?  
Қанчадан боз, найлайин, етмай висолга хорман,  
Сориниш дардини(нг) мендек мубталоси бормикан?  
Эй Калоний, илтико қил қодир Оллоҳга бу кун,  
Васлига етмоқни ёрнинг ибтидоси бормикан?

## ЖАҲОН МУЛКИГА СОТМАЙМАН

Қуёш боттай ва лекин, ёр, сенинг ишқингда ботмайман,  
Мұхаббат иур сочиб турса адашмам, йўл йўқотмайман.  
Сўлим севгинг шаробидан ичиб сархуш бўлиб юргум,  
Бўлак ёр ишқи оғудир, унинг тотин тотолмайман.  
Қадам босган ерингни қўзларимга тўтиё айлай,  
Пойингнинг гардини ҳатто жаҳон мулкига сотмайман.  
Сенинг номинг билан тургум, сенинг номинг билан юргум,  
Сенинг номингни айтмасдан бирор бир тунда ётмасман.  
Мұхаббатнинг оловида, ёниб турган шағам янглиғ  
Ёниб битсам-да, ҳеч лекин учиб тош мисли қотмайман.  
Куйиб куйингда юз минглаб, Калоний, ёздим ашъорлар.  
Агар севгимни рад айлар эсанг ҳам йиртиб отмайман.

## СИЗГА БАХШ ЭТГУМ

Қопларингиз, дилбарим, гўё камон,  
Ишқлараст қалбим анга бўламиш нишон.  
Кипригингиз ўқ қилиб, ёр, отдингиз,  
Тегди у айни нишонига шу он.  
Сайдингизман, энди шафқатлар қилинг,  
Ўртанодир тўлғаниб қалбимда жон.  
Бағритош сайёдга асло ўҳшаманг.  
Сиз муруввагли эрурсиз бегумон.  
Севгидан бўлмоқни озод хоҳламам,  
Қалбингиз гўё қафас-менга макон.  
Шул қафасда бир умр банди эсам  
Ҳар нафас, ҳар он бўлур қутлуғ замон.  
Тоабад содик асирингиз бўлиб,  
Сизга бахш этгум, Калоний, бахту шон.

## МАСТОНАДАН

Ўргилай мен қўзлари мастонадан,  
Одига ҳатлашиб ўттай остононадан.  
Тутқазай аввойи гуллар дастига,  
Бўйнига шода тақай дурдонадан.

Эгнига сархил либослар кийдирай,  
Модаси ҳам энг чиройли модадан.  
Кет, йўқол деб қувмасин лекин мени,  
Жой олойин ул ўтирган хонадан.  
Яйрашиб сұхбат курайлик бир нафас,  
Маст бўлайлик ҳам шаробу бодадан.  
Айланай атрофида таъзим қилиб.  
Этмасин ор мен каби парвонадан.  
Боқмасин оинасидан кўчага,  
Рашк қилурман етти ёт бегонадан.  
Эй Калоний, бермасин ҳеч ким ҳалал,  
Мен висол сўрсам агар жононадан.

### БУЛБУЛМИКАН

Гулшан ичра нозланиб турган ниғорми, гулмикан?  
Бунчалар күшбўй зрур, ё соchlари сунбулмикан?  
Қўлда кўзгу, қошига ўсма қўярму, билмадим,  
Хуснига мафтун этишлик бирла у машғулмикан?  
Одам авлодида шунча кўрк, латофат қайдা бор.  
Балки жанинат ҳурларининг подпоҳи шулемикан?  
Сафсару, раъно, атиргул барчаси таъзимдадир,  
Айтингиз, гуллар бу ҳурлар шоҳига ё қулмикан?  
Боққанимда кўз қамаштай, ёндирап борсам яқин,  
Ёки кўқда ул қуёшу, ерда офтоб шулемикан?  
Бир кўриб қолган одамнинг севгиси уммон қадар,  
Ҳажрида куйган юракларнинг мисоли қулмикан?  
Маджини куйлар Калоний чарчамасдан тоабад,  
Ишқида куйган садоқатли асил булбулмикан?

### ПОКИЗА КЎНГИЛДАНМИКАН?

Дилбаримнинг севгиси покиза кўнгилданмикан?  
Ё кўнгилда ҳеч вақо йўқ бўлса ҳам тидданмикан?  
Деб эди, эй ошигим, васлиини(нг) меҳмони бўлинг,  
Боргунимча кутмади, сабри унинг қилданмикан?  
Чарчамайди ўтказиб минг-минг синоялардан, ажаб,  
Дермикан ёки мени тоқатлари фидданмикан?  
Ҳеч қачон қадримга етмас, менсимасму, билмадим,  
Ёки нозик дидли ёрнинг зоти сархиlldанмикан?  
Исмига жисми ҳамоҳанг, кийганига кўрки ҳам.  
Толеимнинг ранги ҳам тим қора кокилданмикан?  
Эй Калоний, бир кабутар янома келтирди менга,  
Кимдан ул, ёрданми, айтинг, ёки сингилданмикан?

## **СИЗ БИЛАН**

Кошкى хилват лолазорда бирга бўлсан сиз билан,  
Яйрасам, яшнаб-яшарсам, завққа тўлсан сиз билан.  
Ўзга бирла очилиб юрмоққа хоҳиш қайдадир,  
Бахтиман, эй жонгинам, ҳаттоқи сўлсан сиз билан.  
Бўлмасангиз роҳату фахру ғурур бегонадир,  
Фамми, меҳнат домига бирга тутилсан сиз билан.  
Айрилиқ қийноқлари қийма қиулур қалбимни ҳам,  
Оразуйим ҳижрон азобидан қутуссан сиз билан.  
Бир ўзим минг йил умр кўрсан, Калоний, файзи йўқ,  
Файзлидир қўл ушлашиб бир дамда ўлсан сиз билан

## **ШАЙДО ҚИЛИБСАН**

Хуснингни, дилбар, зебо қилибсан,  
Хулқингни ундан аъло қилибсан.  
Кўзу қошингни тим қора айлаб,  
Сиймонгни нурли сиймо қилибсан.  
Кўрган одамлар лол қолди ғоят,  
Оlam элинин шайдо қилибсан.  
Дўстларни айлаб жондан яқинроқ,  
Жоним, ўзингни Лайло қилибсан.  
Ошиқ Калоний, шоир бўлинг деб,  
Шеърга муҳаббат пайдо қилибсан?

## **ИМОНИ БЎЛСА МУСТАҲКАМ...**

Кишининг қалбу кўзида ҳаё бўлса, диёнатдан,  
Диёнат борлиги, билсанг, ҳамиша соф муҳаббатдан.  
Муҳаббатдан юракнинг баҳрида неклик урап мавжин,  
Вале неклик олур қувват вафо бирла садоқатдан.  
Вафо бирла садоқат айлаган одамда ният соф,  
Дилин бир лаҳза ҳам узмас саҳоватдан, ҳидоятдан.  
Саҳоват ҳам ҳидоят асррагай турли жафолардан,  
Азият чекмагай ҳаргиз курук тухматли оғатдан.  
Дилозорлик, ҳасадгўйлик, ғараз мақсад ҳароб этпай,  
Яқин борма, узоқ юргил зино номли қасофатдан.  
Агар олса падар-модар дуосини ҳаёт чори,  
У ўлгандан кейин ҳам чиқмагай боши фарогатдан.  
Калоний, кимни(нг) қалбида имони бўлса мустаҳкам,  
Гуноҳ ишларга қул урмайди у кўрқандан қиёматдан.

## КИШИН

Бормаса айтилса түйга, ҳурмати йўқдир кишин,  
Борса гар айтилмаса, иззати йўқдир кишин.  
Олсаю тўёналар қайтармаса маврудида,  
Зиқнаю пасту ҳасису ҳиммати йўқдир кипин.  
Тошни бир урганда ун қилмокқа қодир бўлса ҳам  
Нафсини енголмаса куч-қудрати йўқдир кишин.  
Юртинг неъматларин еб ичсаю, лекин ўзи  
Халқига наф бермаса ҳеч қиммати йўқдир кишин.  
Гар замона боқмаса ул анга боқсин ҳар нафас,  
Ортда қолса сал замондан суръати йўқдир кишин.  
Сен ўзинг жон чекмасанг жонона қайдаде дейдилар,  
Қўймаса меҳнатта ихлос, роҳати йўқдир кишин.  
Эй Калоний, кимда йўқ шарму ҳаё, имони йўқ,  
Бўлмаса имони ҳаргиз жаннати йўқдир кишин.

## НЕ УЧУН

Кўз сузиб, ақлимни олдинг севмасанг, ёр, не учун?  
Дилга ишқ ўтини ёқдинг ойрухсор не учун?  
Бас, бўлак ошиққа кўнгил берганинг рост эрса гар,  
Мен факир бечорани кўп айладинг зор не учун?  
Дарди ҳижронингта тоқат топмайин олам аро,  
Тобакай қон йиглагайман, ҳолим аброр не учун?  
Бир замонлар меҳрибонлик бирла боқдан жилвагар,  
Оҳу кўзлар бўлдилар даҳшатли хунхор не учун?  
Сўз берувдинг бир умрлик ёри содикман дебон,  
Аҳду паймонинг этдинг энди бекор не учун?  
Гар ҳақиқий севигига ёр бўлмас эркансан, Калон,  
Айланон изҳори ишқинг ёздинг ашъор не учун?

## ОРЗУЛАРИМ УШАЛСИН

Ишқинг ўтини солгин, қалбим аланга олсин,  
Аланга авж олиб бир умрга манда қолсин.  
Севги деган муқаддас туйғу безаттай умрим,  
Бошимга, майли, минг-минг жабру жафони солсин.  
Мехру муҳаббатимнинг барини сенга бергум,  
Базми висол олиб кел, ҳижрон деган йўқолсин.  
Рақста тушур муҳаббат, қўшиғидир садоқат,  
Кўнгил дутори тинмай сидқу вафони чалсин.  
Ошиқ киши ҳамиша шоир бўлиб қоларкан,  
Илҳомнинг қистовидан қўллар ёзища толсин.  
Мен баҳтиёр, Калон, деб бонг ургум, энди севгин,  
Ҳосил бўлиб Муродим, орзуларим ушалсин.

## **ИШҚИННИНГ САВДОСИДАН**

Ўргилай, дерман, нигоримнинг кўзи шаҳдосидаң,  
Жон-дилим яйраб кетар ҳар жилвао просидан.  
Мен оларман завқу шавқлар дилрабо рухсоридан.  
Нур олур ой бирла офтоб нур тўла сиймосидан.  
Қилса гар нозик табассумлар жаҳон яшнаб кетар,  
Кўз узолмасман ажойиб хилқати раъносидан.  
Жонима жонлар бағишлар меҳрининг эҳсонлари.  
Лек ўлар бўлгум намойиш этса истириносидан.  
Ишқининг бўстонида гултун висолига етай,  
Асрасин дейман анинг ҳижронининг саҳросидан.  
Минг шукр этсам Яраттанга, Калоний, тонг эмас,  
Не учунким менга бермиш ишқининг савдосидан.

## **МИНГ ИМТИҲОНГА ОЛСИН**

Фамза ўқин нигорим ишқи камонга олсин,  
Қалбимни сўнгра чорлаб, жоним нишонга олсин.  
Кўз-кўз этиб чиройин этса агар хиромон,  
Севгим оловин авжи мұлки жаҳонга олсин.  
Рашкимни қўзғатиш-чуп қасд айлаганда еллар,  
Кокилларини сийлаб у ён, бу ёнга олсин.  
Ошиқларин нитоҳи озор берурда доим,  
Қочмоқ учун алардан қалбим маконга олсин.  
Ишқим дилимга сизмай этсам агарда изҳор,  
Асраб-авайламоқ-чун руҳи равонга олсин.  
Севгимнинг поклигига этмаса зарра бовар,  
Майли, синааб кўурурга минг имтиҳонга олсин.  
Таърифу тавсифин тар этсам ғазал, Калоний,  
Такрор этарга ёдлаб, ширии забонга олсин.

## **АЙТСАМ БЎЛАРМИКАН?**

Севдим деган сўзни жўшиб айтсам бўлармикан?  
Айтсам агар ёрдан жавоб "мен ҳам" бўлармикан?  
Севгимни(нг) сир эканлиги қалбимни қиши этар.  
Мен элга ошкор айласам кўклам бўлармикан?  
Ҳижрои азобидан дилим вайронадир, ҳароб,  
Васли бу кун ғунча очиб, кўркам бўлармикан?  
Тақдирда не борин, ахир, қандоқ билдиб олай,  
Лўйли топиб, фол очдириб кўрсан бўлармикан?  
Ёзсам агар мадҳин, Калон, зўр завқу шавқ билан,  
Ёр меҳрию мурузввати ҳар дам бўлармикан?

## **ОЛИЙ БАҲОИНГИЗДАН**

Минг жон тасаддуқ ўлсин эттан вафоингиздан,  
Дилларни яйратувчи қутлуғ сафоингиздан.  
Оlamга нур бағишилар ҳар бир табассумингиз,  
Боққанды яйрагай кўз ҳусну жамолингиздан.  
Этса талаб фидолик толеи кулганингиз,  
Жисмимдаги бу жоним тайёр фидойингиздан.  
Ишқингиз оташига бўлган эдим мубтало.  
Тутманг дариг мурувват бу мубталойингиздан.  
Майлига ўртасангиз, майлига қийнасангиз,  
Баттар олиб кетар авж севгим жафоингиздан.  
Таклиф этиб кетибсиз висол хиёбонига.  
Қўкларга етди бошим лутғу иноятингиздан.  
Ёзса разал Калоний олий баҳо қўйибсиз,  
Боз жўнди завқу илҳом бу зўр баҳоингиздан.

## **СЕВГИ ДУНЁСИДА**

Севги дунёсида, дўстлар, телбаваш сарсонман,  
Топмайин ёримни тинмай йирлагайман қон ман.  
То ҳануз ҳижрон азобидан ҳалос бўлмам, нетай,  
Етмасам ёримта бир тандирману бежонман.  
Бефахири ифтихорсизман, сароб орзуларим,  
Тинмайин қилгум пушаймонлар, этиб армон мав.  
Не учун афрон чекиб, оҳ урмайин, бечора дил,  
Давр сурмоқ пайтию, лек сурмадим даврон ман.  
Эй Калоний, қўл очиб айлаб дуо, оқ йўл тиланг,  
Васлига етмоқнинг йўлин излагум ҳар он ман.

## **ЁРИ ТАШЛАБ КЕТМАСИН**

Дўстлар, ҳеч кимсани дилдори ташлаб кетмасин,  
Фам-аламга тўлдириб, кўнглини ғашлаб кетмасин.  
Мехрибоним шул дебон қалбини очса муттасил,  
Қайрилиб ҳам боқмайин, бағрини тошлаб кетмасин.  
Ўзгага кўнгил бериб қўйдим, кечиргайсиз дебон,  
Дил бериб, талпинганин кўзини ёшлаб кетмасин.  
Ҳайдаб ул бошига қўнгган баҳт қушини беаёв,  
Бевафо хушторини ноз бирла бошлаб кетмасин.  
Алданиб бир бевафоянинг ваъдаи ёлронига,  
Юз буриб толеидан, сиррини фошлаб кетмасин.  
Эй Калоний, севгини айлаб ҳаробу хокисор,  
Ҳеч кипини ҳеч қаҷон, ҳеч ёри ташлаб кетмасин.

## ҚАЙТАДАН

Оразин ким күрсә гар күрмөкни истар қайтадан,  
Лек иложин топмайин ох бирла воҳлар қайтадан.  
Гар дилига йўл топиб етдим висолига десам,  
Ногаҳон пайдо бўйур ғов бирла чоҳлар қайтадан.  
Бир табассум этид деб кўнгилни равшан айласам,  
Боз тагин аччиқ сўз айтиб, дил сиёҳлар қайтадан.  
Беғубор гуллар экиб, ишқ боғин обод айласам,  
Ўрида пайдо қилур ёт хил гиёҳлар қайтадан.  
Бўлмади ҳосил Муродим деб умид узсан, Калон,  
Ўт олур ишқ дилда тўқнашгач нигоҳлар қайтадан.

## НИМА ҚИЛСАМ ЁҚАРМАН?

Айб айламанг, нигоро, сизга тўйиб боқарман,  
Кўрганда ҳуснингизни сувдек эриб оқарман.  
Тўйиб-тўйиб кўрай деб таллинаман, на чора,  
Сиз пурзиё қўёшу мен бир кунгабоқарман.  
Суратингизни хонам тўрига ўрнатибким,  
Исмингизни ёзиб мен тумор этиб тақарман.  
Ишга олинг, қул мисол хизматингиз қилойин,  
Иш бўлмаса муносиб, итингизни боқарман.  
Майлига қийнасангиз, майлига ўртасангиз,  
Бир куни қалбингизга ишқ ўтини ёқарман  
Манзур бўлишни(нг) йўлини тополмадим, Калоний,  
Айтинг-чи сизга, жоним, нима қилсам ёқарман?

## АСИЛ ОШИҚ ЭСАНГ

Асил ошиқ эсанг севдим дебон ошкор садо қилгин,  
Ани шоҳ деб билиб, ўзни висолига гадо қилгин.  
Севибсан, бас, ғурур, кибру ҳаволарни қувиб дилдан,  
Ўзингни ер этиб, нурли нигоринг оймомо қилгин.  
Меҳр изҳор этиб, меҳрин қозонгин токи бор имкои,  
Анинг-чун хонумоингдан кечиб, жонни фидо қиласин.  
Кўтар кўчларга, шаънини улуғлаб, тухфа эт шодик,  
Алам, қайғую ғамлардан бутунлай мосуво қилгин.  
Дилингни топпирашиб анга, бериб бор ихтиёрингни,  
Алифдек қоматинг нундек зигиб, майли, дуто қилгин.  
Нигоринг васлисиз сенга қулиб боқмайди ҳеч толе,  
Бисотингни тикиб маҳрига, жон-дилдан ризо қиласин.  
Этиб иззат, мудом сидку вафони армуғон айлаб,  
Калоний, мадҳини шеъринг аро ҳам жобажо қиласин.

## ЭСЛАЙМАН

Сенинг васлингни, эй дилбар, ҳамиша зор эслайман,  
Күйингда ўртаниб шаб то саҳар бедор, эслайман.  
Туппимда кўрсам эрди деб умид айлайману хоб йўқ,  
Чекарман нолалар қайлардасан деб, ёр, эслайман.  
Арога тушди деб ҳижрон балоси зор йирласам камдир,  
Кўзимнинг ёшини айлаб туриб хунбор, эслайман.  
Соғингандан жамолинг сирмайин жонамга, эй жоно,  
Кезиб тор кўчалар, тоҳо кезиб бозор, эслайман.  
Кўнгиллар талпинур, аммо кўришмоқда илож қайдা,  
Висол они нечун бизларга деб душвор, эслайман.  
Унутмоқнинг висолингни, Калоний, чораси бўлмас,  
Ичиккандан, соғинчимни этиб ашъор, эслайман.

## ГЎЗАЛ АШЬОР БИЛАН

Бегубор умрингни ўтказ дилрабо дилдор билан,  
Сен анга хуштор бўлиб, ул ҳам сенга хуштор билан.  
Боғлаб ол жонига жонинг, бўлмасин ҳеч ажратиб,  
Ўртанигиздан ўтмасин қил, тўсма сим девор билан.  
Ошинолар даврасида дилкүши суҳбатда бўла,  
Бўлмагин ҳамкору ҳамдам нобакор ағёр билан.  
Бўлмаса неклик, назокат дил уйи вайрон бўлур.  
Хуш кечар булбул ҳаёти дилрабо гулзор билан.  
Дейдиларким толе ёрдир интилиб яшарларга,  
Кавкабу само сайри тунда ҳам бедор билан.  
Эй Калон, шеър аҳлининг толеи бут бўлгай мудом,  
Жўш уриб тургувчи илҳому гўзал ашъор билан.

## ЭЛСЕВАРЛИК

Юрти деб ҳар ким менинг янглиғ куйиб, ёнганимикан,  
Меҳрига ҳалқини жон-диладан тўйиб қонганимикан.  
Номини айтиб туриб уйқуга кетса тун маҳал,  
Тонг маҳал помини деб уйқудан уйғонганимикан.  
Ўзлигини бахзи этиб, қутлуг диёру ҳалқига,  
Топгани шуҳрат, шараф, олқиши билан шонданмикан.  
Ҳам элим деб, ҳам диёrim жонни жабборга бериб,  
Ёвларининг жабридан чекканлари ағонмикан.  
Не жафою не жабр бошига ағёр солса ҳам,  
Эл учун асқотганидан чекмаган армонмикан.  
Сут билан кирган муҳаббат жон билан чиққусидир,  
Элсеварлик хислати ё мен учун қонданмикан.  
Эй Калоний, юрт учун ёздим ғазал деб ўксимам,  
Бу ғазалният матъниси қудратли достонданмикан.

## ЁРНИНГ КУЙИДА

Ёрнинг куйида саргардонман,  
Үртаниб ҳар лаҳза бедармонман.  
Савлатимдан баҳтиёр деб ўйламанг,  
Борману лек аслида бежонман.  
Ҳажрининг дардига тоқат топмайин,  
Нола айлаб, чеккучи афронман.  
Севдиму аммо, ёронлар, то ҳануз,  
Бир нафас ҳам бўлмадим шодмонман.  
Ҳоли ахволимга шафқат изладим,  
Соясиdek эргашиб ҳар он ман.  
Чиқмасам тоққа дўлона қайда деб,  
Қучмагайман толеим онсонман.  
Васлига етсам нигоримнинг, Калон,  
Икки дунёимда беармонман.

## ДУШВОР ЭТМАСИН

Васлига еткурмайин ёрим мени зор этмасин,  
Ҳажрининг дарди билан қалбимни бемор этмасин.  
Мен ани севгум дебон оламга жар соглум, бироқ  
Ул мени севдим дебон айтмоқ учун ор этмасин.  
Севгисин асрашга жон бермоққа тайёрман мудом,  
Жон мисол васлин дариг айлаб дилим хор этмасин.  
Шундоғам қилди адо бир карра боқмасдан ўтиб,  
Минг балою минг жафога боз гирифтор этмасин.  
Кун бўйи куйи билан куйдиргани етмайдиму,  
Бегубор ёди билан тунларда бедор этмасин.  
Бўлмасин умрим харобу, бўлмасин орзум сароб,  
Мен қолиб бегонага ишқини изҳор этмасин.  
Мадҳини ёёсам, Калон, ёд айласин куй басталаб,  
Лекигин йиртиб отиб, коримни душвор этмасин.

## ШУБҲА

Тонг отди, келди ёрим, берди дарак вафодан,  
Гулзор аро бекиндим гулшанда дилрабодан.  
Гуллар аро қидирди кун нуридек нигорим,  
Пинҳон бўлиб бўлурму шундай улур зиёдан.  
Гулларда бор эди ноз маррур гўзалигига,  
Кўрдию дилбаримни эгди бошин ҳаёдан.  
Боғ ичра нарғизимнинг кўзи кўзимга тушиди,  
Бу эрди менга ортиқ минг дорию даводаи.  
Тоқат килолмадим ҳеч, ёрдан тарин бекиндим,  
Бир имтиҳон этай деб боқдим унга қиёдан.

Қайсим дебон чақирди ул лайливаш нигорим,  
Бир умр фахр этарман бу ўхшатити, баҳодан.  
Қалбим аро, Калоний, бор эди бир гумоним,  
Чин ёр экан, қутулдим шубҳа деган балодан.

## ЕР ЮТСИН

Ватан сотқини бўлган ҳар дили бежони ер ютсин,  
Кечиб ўз ютидан ёт ўлкага шайдони ер ютсин.  
Сотиб Оллоҳ қаломини куфр ишларга қўл урган,  
Диёнатсиз, ғаразгўй, фитначи расвони ер ютсин.  
Амалда ютидан юзни буриб ўзга маконларга,  
Оғизда жон фидо деб, қуруқ даъвони ер ютсин.  
Билимсиз бўлса ҳам ҳар кас меҳр қўйсин диёрига,  
Дарир тутса Ватандан меҳрини муллони ер ютсин.  
У бир майса эсин, майли, чирой берсин диёрига,  
Замини ишқида очилмаган раъонни ер ютсин.  
Яраб ҳалқини[нг] корига ҳалол топмоқ савобдир, лек  
Сотиб юртн топилган молу дунёни ер ютсин.  
Агар асқотса юртига сира оғир эмас тош ҳам,  
Бироқ асқотмаса дур, гавҳару тиллони ер юрсин.  
Калоний, маънисиз ҳеч қайси авлодга ғазал битма,  
Бироқ юртга зарар берса, у шум маънони ер ютсин.

## МАНГЛАЙИ ШЎРТАНГ ЭКАН

Найлайнинг, бу Ватаннинг манглайи шўртанг экан,  
Кенг экан бегоналарга, ўз элига танг экан.  
Вақтида қадрига етмай бой бериб доноларин,  
Сўнг бошин чанталлабон қилган иши аттанг экан.  
Қизғаниб ўз касларидан олтину гавжарларин,  
Ўзгаларга икки қўллаб "тез олинг, манг-манг" экан.  
Тер тўкишдан мардумин ҳеч косаси оқ бўлмагай,  
Бу улус аҳволига олам эли ҳанг-манг экан.  
Ҳеч киши айтмас бу меҳнат роҳатини ҳам кўриниг,  
"Тинмайин ишлайверингу ҳеч қачон ҳорманг" экан.  
Кўрсатилган бу жафога қай одам бардош берур.  
Танлари темир бу элнииг бошлиари ҳам санг экан.  
Бошқалар ҳалвони ер, калтакни бўлса бул етим,  
Ичгани заққум эруру ютгани ҳам чанг экан.  
Бир ёқодан бош чиқориб барча эл эркин топур.  
Ўз ёқосидан олур бу элда доим жант экан.  
Эй Калоний, тўқма кўз ёш, ийӯқ дебон бахтим менинг,  
Доимо пўуринг қуритган ўзаро ғалванг экан.

1990 йил

## **ВАТАН СЕВГИСИ**

Ҳеч ким мени ҳеч ажрата олмас Ватанимдан,  
То жони шириң чиқунича қалбу танимдан.  
Севгиси ани сингиди боңдан оёғимга,  
Ишқини(нг) бўйи тарқаладир бор баданимдан.  
Жаннатда яшаб жону дилим яйраса, билким,  
Ҳажрини(нг) ани, толе кулиб, кўрмаганимдан.  
Ёв тифи билан кесса бошимни кесиб олсин,  
Ажратани, лек куч тоңа олмас чаманимдан.  
Чин дил била куйлашга, Калон, аҳд қилиб эрдим,  
Тушмайди мудом мадҳи умрбод даҳанимдан.

## **СИҒМАСМАН**

Сенинг қалбингта, ёр, сигмас эсам дунёга сигмасман,  
Олиб бошим кетар бўлсан азим саҳрога сигмасман.  
Дема бир дилга сигмас кас наҳот кенг жойта жо бўлмас,  
На бўстон, на гулистону на кенг маъвога сигмасман.  
Қочиб ҳажрингни(нг) дардидан борарага жой тополмасман,  
Жаҳон мулки ў ёқда турсину рўёга сигмасман.  
Тополмай жой бу дунёдан кетар бўлсан у дунёга,  
Бу не оғат, тушумайман, ки арш аълога сигмасман.  
Шакллар олами ичра, Калоний, зарраман, лекин  
Ақл бовар қиломайдир, ҳечам маънога сигмасман.

## **КЎРСАТМАСИН**

Ҳажрининг дардини менга, дилрабо, кўрсатмасин,  
Нурга йўғрилган жаҳонни тим қаро кўрсатмасин.  
Бевафолик айлабон мен сишиғи бечорага,  
Шум ниyat ахёрга ҳеч сидқу вафо кўрсатмасин.  
Рўбарў айлаб мени жабру жафога муттасил,  
Қув рақиблар аҳлига кутгулёт сафо кўрсатмасин.  
Ўзга опикларга кўз ташлаб, табассумлар қилиб,  
Рашк балосин кўзғатиб, минг можаро кўрсатмасин.  
Севгилим деб дилдаги меҳримни бир дарё қиласай,  
Айтингиз, меҳрини ул ҳам нораво кўрсатмасин.  
Хуш бўлар маъво этолсан гар висолин боргии,  
Айрилиқ дардин, Калоний, ҳеч Худо кўрсатмасин.

## **АРМОН БОРМИКАН?**

Ёрининг васлига етрон бормикан,  
Чекмаган ҳажрида афрон бормикан.  
Айрилиқ гирдобига дуч келса гар,  
Қалбида қон бору лек жон бормикан.

Мехрини тутса дария маъшуқаси,  
Умрида шодон бирор он бормикан.  
Васлига етсамму деб жононасин,  
Ошик ахли бир умр сарсонмикан.  
Ишқига қул бўлмаган олам аро  
Кудрати зўр шоҳи сulton бормикан.  
Бевафо ёр жабрини даф эттани,  
Чархи дун бағрида имкон бормикан.  
Гар вафо топса, Калон, дилдоридан.  
Қалб уйида зарра армон бормикан.

### САБРУ БАРДОШДА ЭКАН

Дил чекиб турган азоблар ул қалам қошдан экан,  
Топса гар дарё суви тинмовчи кўз ёшдан экан.  
Ҳажрининг тиги билан қалбимни этди минг тилим,  
Ўлмадим, лекин, ёронлар, жон таним тошдан экан.  
Босганида дилни гафлат истило этганди ишқ,  
Кеч очилган кўзларим таққослари мoshдан экан.  
Қай шаҳардан севганинг деб сўрсангиз дўстлар агар,  
Ул гўзал асли қадимий дилрабо Шошдан экан.  
Эй Калоний, топмадим васлин йўлини деб ўксима,  
Бошланиш йўли висолнинг сабру бардошдан экан.

### ТИЛ БИЛАН ДИЛ

Дилда бори тилга чиқсин, марҳабо,  
Тил билан дил бирга бўлсин доимо.  
Бир-биридан сўзлари фарқ қиласин,  
Шунда бўлгай одамийлик жо-бажо.  
Кимга даркор кек, қабоҷат, шум ният,  
Яхши ният, яхши бўлсин муддао.  
Неки айтсанг дилда пишиб сўнгра айт,  
Тил учидан сўзламоқлиқдир риё.  
Айби борнинг тиззаси тез қалтирас,  
Тил тутилмас дил эса гар бериё.  
Бўлса орзулас мусаффо, бегубор,  
Дил билан тил шунча бўлгай дилрабо.  
Эй Калоний, дилда борин эт ғазал,  
Гар наво бўлсин десанг соз мутлақо.

### ЖУДА ЗЕБО

Ошик кишининг кўзига олам жуда зебо,  
Оламни гўзал этгувчи одам жуда зебо.  
Ҳар тўртта фасл ўзгача файз бахш этадир, лек  
Гулларга тўлиб, яшнаса кўклам жуда зебо.

Дунёда гўзал шаҳру диёр кўп эрур, аммо  
Толе улашиб тургувчи ўлкам жуда зебо.  
Шодона кўнгилларда қўшиқ янграса яхши,  
Эл юрса кулиб, чекмаса ҳеч гам жуда зебо.  
Карнай ҷағиниб элни томошога чакирса,  
Тўйлар гўзалу тантана, байрам жуда зебо.  
Тинчликда, тотувликда хаёт ўтса фаровон,  
Хурлиқда яшаб тургани бул дам жуда зебо.  
Покиза мұхаббатни газал этса Калоний,  
Халқим дилини айласа хуррам жуда зебо.

### БУ НЕЧУК БЕДОДЛИК

Кутмагандим ғам-аламга бўлди қалбим мубтало,  
Айлади ҳолим ҳароб ул, айлади буткул адo.  
Тунлари ҳам, кунлари ҳам жон чекар тингмай азоб,  
Йиглагай ҳолимга маймун, дил эрур мотамсаро.  
Билмайин босдим думин мен қайси бир маккорнинг,  
Не учун бу таъна, дашном, не учундир бу жазо?  
Бу нечук қулфатки, найлай, бу нечук бедодлик,  
Мен гарибнинг бошида айланди тоши осиё.  
Эй Калоний, ўқсима, мардана туттил бошини,  
Ҳақ кипин ўнглар Ҳудо, ноҳақ кипин ургай Ҳудо.

### АҚЛИМНИ ОЛДИНГ ДИЛРАБО

Бир киё бокмок билан ақлимни олдинг дилрабо,  
Айламок эрдими ё ишқингда мажиун муддао?  
Лахза-лахза ўқ отиб ғамзанг камонидан нигор,  
Дил кунини ҳар нафас этдинг вужудин минг яро.  
Бормиди қасдинг ва ё ағёр сенга фармон берур,  
Не учун дўзах азобига этурсан мубтало?  
Этгали изҳори ишқ чиксан йўлингга бош эгиб,  
Айлабон кибру ҳаво бокмай ўтарсан доимо.  
Хадди йўқ, поёни йўқ ҳажринг азобидан, нетай,  
Жон гомокка келса ҳам уммид узолмам мутлақо.  
Изтиробинг зарбидан калбимда дармон қолмади,  
Айт, Калон, кайдан топай бу дардга энди бир даво?

### КЎЗ ТУТАРМАН ДИЛРАБО

Кел, йўлингда кўз гутарман, дилрабо,  
Орзикиб ҳар дам кутарман, дилрабо.  
Гар келиб ёнимла бўлсанг сенга деб,  
Дилда боримни тўкарман, дилрабо.

Сенга севгим мавж урар, ишк бобида  
Мингта Фарходдан ўтарман, дилрабо.  
Севгимиздек яшиасин деб барча чўл,  
Кечакуандуз чўл куварман, дилрабо.  
Жонажон халкимни деб бу Кашиба  
Богу-роғ бунёд этарман, дилрабо.  
Эй Калоний, муддаомиз бир десанг.  
Мен Муродимга старман, дилрабо.

### ИШҚИМНИ МАДҲ ЭТДИМ

Сени менга дучор айлаб, шукур минг бор, Ҳудовандо,  
Ўзи толе этиб инъом, ўзи этди асили шайдо.  
Мухаббат нелигин ахли жаҳон бир бора кўрсинг деб,  
Мени Мажнун этиб, этди сенин чин маъшуки Лайло.  
Бунингдек севгини олам кўриб ултurmаган эрди,  
Ҳавас айлаб бокар истга фалакдан оймомо ҳатто.  
Дилим кўри десам оздири, кўзим нури десам оздири,  
Қаён боксам ўшал жойла, ўшал онда ўзинг пайдо.  
Овозингни эшитсан гар хаётим нурга йўргилгай,  
Кўзим тушса жамолингта бутун умрим топар оро.  
Ўзи берган мухаббатни ўзи асрар Ҳудойим деб  
Калон, ишқимни мадҳ этдим газал тарзида ошкоро.

### БУ ЎЛИМ

Бу ўлим этди мени ота ва онамдан жудо,  
Қанча дўсту улфату йўлдошу ҳамдамдан жудо.  
Коридир хижрон азобига дучор этмок кишин,  
Айлади дўстлар билан ўттай гўзал дамдан жудо.  
Мехрини тутса дариг халқим, ажал гуттай мени,  
Қовжирап, бўлгай ҳазон гар бўлса гул намдан жудо.  
Бор экан жисмимда жон парвонаман юртимга мен,  
Этмасин парвонани бевакт ўлим шамдан жудо.  
Ногаҳон қаҳри билан тутса ёкамдан, во дариг,  
Айлагай дўсту қадрдонни ўзимдан ҳам жудо.  
Гар ширин жонимга чанг солса, Калон, наъбат етиб,  
Она юртимга кўминглар, бўлмай ўлкамдан жудо.

### ТОП

Айтгали дил розини ёрингта бир қудрат топ,  
Ийманиб ўлтирма ин, шерларга хос журъат топ.  
Дилгиннангнинг кулфини очмоққа катъийлик билан,  
Бермаса рухсат, иложини килиб рухсат топ.  
Йўқ эрур вактим дебон ортига кайрилмас эса,

Айланиб хам ўргилиб изхор учун фурсат топ.  
Менсимасдан кетса, йиғлаб юрмагин ёш боладек,  
Күрсатиб қатый шижоат кадр ила қиймат топ.  
Имтиҳон этмай туриб ишқинг кабул этмас, аниқ,  
Үтгани минг хил синовлардан құлай гайрат топ.  
Малхини ёзмок учун илхом кетидан юр қувиб,  
Эй Калоний, тұхтамай мекнат билан ҳиммат топ.

## АФСОНА КҮП

Найлайнин, орзуларимда чин каму афсона күп.  
Жону жисмим борлигіда айш каму ғамхона күп.  
Лахза-лакза излагайман шоду ҳуррамлик, vale  
Еам билан тұлған дилимда нур каму сұзона күп.  
Үрганиб тұлғонадирман якка күлфагхонада.  
Дүст каму диллашғаны, ёвлашғани бегона күп.  
Телбаваш ушбу жаһоннинг ішевасидан дөғман,  
Не учун оқил каму, доно каму, девона күп?  
Чүккәли манзил тополмам, бир нағас ором учун,  
Ургани шүрлік башимни тош каму остана күп.  
Эй Калоний, май ичиб сархушлик айлайму десам,  
Воажаб, бир қатра май йўқ, лекигин майхона күп.

## КҮП ЭКАН

Эй ниғор, мендан бўлак ҳушторларингиз бунча күп,  
Күйингизда куйян дил ағфорларингиз бунча күп.  
Дилрабо ҳушрў жамолингизга зор бир мен эмас,  
Найлайнин, муштоқи дия, зорларингиз бунча күп.  
Мен дучор бўлдим десам ишқ лардига, эвоҳим,  
Сизга ошиқ бўлган ул беморларингиз бунча күп.  
Васлингизга етгани ҳарғиз илож топмам, нетай.  
Үртамиизда хосил ул деворларингиз бунча күп.  
Бир менга эрмас экан ширин сўзингиз, англасам  
Барчага айтар ширин гуфтотларингиз бунча күп.  
Қоврилиб ишқ оташида кул бўлиб кетдим, vale  
Мен каби хижронда куйған ҳорларингиз бунча күп.  
Бир ғазал ёзсан, Калон, олмай чимирдингиз-ку қом,  
Боиси, ширирасиз, ашъорларингиз бунча күп.

## МУСТАҚИЛЛИК КЕЛДИ...

Мустакиллик келди, дўстлар, уйқудан турсак бўлур,  
Бир ёқодан бош чикориб тинч, аҳил юрсак бўлур.  
Юртни обод, элни дилшод этгани кўркар эдик,  
Етди имкон, барига бу лахза ултурсак бўлур.  
Ким кайишса ҳалкига "халқ душмани" бўлгай эди.

Юзни ёрг айлаб, энди эл томон бурсак бўлур.  
Ҳар киши арабани ҳар ёқка торгса - фожна,  
Юртимиз эрки йўлида бирга кайтурсак бўлур.  
Яхшилик, тентлик, яна химмат уругини экиб,  
Ҳосилин тезлик билан тез кунда тез ўрсак бўлур.  
Тўғри, ҳозир бор эрур бир мунча огирилик, бирок  
Очлан ўлмаймиз, Ҳудодан яхши кун сўрсак бўлур.  
Асрасин инсофи йўқ кўздан, фаровонлик аник,  
Бахтимиз қўргонини боқий этиб қурсак бўлур.  
Йил кетидан йил ўтар, ҳамма Муродига етиб,  
Эй Калон, офтобмисол тақдирдагин курсак бўлур.

1991 йил

## УСТИВОР

Борму оламда, азизим, ҳурриятдан устивор,  
Ўзбекистон номли бир жумхуриятдан устивор.  
Ҳур Ватанин севса ким кўллар уни руҳлар мудом,  
Кўллаугувчи куч топилмас рухиятдан устивор.  
Ўлкани жаннатмакон этмоқска бор имконият,  
Ким қачон курган бу хил имкониятдан устивор.  
Элдан ажраб колмагайдир кимда бор инсоният,  
Қайси бир жонзот бўлур инсониятдан устивор?  
Кирма нафс йўлига сенда бўлса гар нафсоният.  
Нафс қачон бўлмиш, ахир, нафсониятдан устивор?  
Ниятинг покиза эт, бўлсанг агар чин одамий,  
Қайда кўрдинг, қайси пайтда нек ниятдан устивор?  
Эй Калоний, охиратни ўла, элни рози қил,  
Топмагай кеч ким буюк иш охиратдан устивор.

## ҚУЛАЙ ИМКОНИДИР

Бир бало мендан йирокдир, ул Ватан хижронидир,  
Ҳур диёримдан узоқ ўтган умрнинг онидир.  
Гулшаним ишқи вужудимни олибдир забт этиб,  
Севганим - юртим мисоли тангнамнинг жонидир.  
Васидан бир дам йирок бўлсан гарибман чорасиз,  
Масканим меҳру муҳаббатнинг буюк бир конидир.  
Мен уни айлай қиёс офтобга нурли ўлка деб,  
Негаким ул етти иклимининг шараф ҳам шонидир.  
Бу азиз жисмим каби асраб, севар бўлсан не тонг,  
Ул дилимининг кўрию, фахри, улуғ имонидир.  
Эй Калоний, бул қаламни эҳтиёт қил, синмасин,  
Ул Ватанга хизмат этмоқнинг қулай имонидир.

## ИЗХОРИДИР

Дўстларим, ёзганларим калбимнинг сир-асоридир.  
Гоҳи шодлик, гоҳи кайту, гоҳи оху зоридир.  
Ёзганимни мен қаводан олмагайман ҳеч қачон,  
Нени ёссаам барчаси қалбим уйида боридир.  
Мақсадим шу: газалконлар кўнглини чоғ айламок,  
Завку роҳат баҳш этишик шеърларимнинг коридир.  
Яхши ияят бирла ҳар дам нағз тузмок одатим,  
Элга бўлған хурматимнинг энг қулай изхоридир.  
Хур ҳаётим маънисини шеърларимдан излангиз,  
Шоир аҳлини умриининг мазмуни ўз ашъоридир.

## ЁТУР

Кел Ватан тупрогин ўп, покиза инсонлар ётур.  
Эл учун жонини берган қанча бежонлар ётур.  
Кувмагин мансаб кетидан жонни жабборга бериб.  
Кўзлари тупрокка тўлған шоҳлару ҳонлар ётур.  
Молу дунё бевафодир, кўйма хирс, нафсингни тий,  
Бўйнига маржонни таккан дурли жононлар ётур.  
Олиму зукко, машойх, шоиру ҳофиз, тагин  
Елкаси ер хиддламас қудратли полвонлар ётур.  
Довруги оламга кеттган авлиёю анбиё,  
Умрида минглаб козонган шукрату шонлар ётур.  
Эй Калоний, толмагин тупрокка айтмоқдан сано,  
Не учунким бағрида сердид газалконлар ётур.

## ЭТАР

Ул ҳуқук сўзини бурро тўтидек тақрор этар,  
Лекигин бурч сўзини айтмоқка, юэзиз ор этар.  
Истаги ҳар дам жамият унга бўлсин меҳрибон,  
Меҳрибон ҳар касга, аммо борлигини мор этар.  
Ҳаммадан тинглашинистар яхши сўз - жон озигин.  
Барчага қотил забонини ўзи хунхор этар.  
Дейди: инсондея яшай мен, катта имконлар беринг,  
Берсалар имкон, мунофик қадр этмай, хор этар.  
Йўқ нуфуз босгани изидан, ношукур боз кўрнамак,  
Не юмушга кўлни урга доимо бадкор этар.  
Унда севги йўқ Ватанга, йўқ муҳаббат ҳалкига.  
Ўз-ўзига ошик ўлғод, ўз-ўзини ёр этар.  
Эй Калоний, бундайин хулбининг ур ҳажва ханжарин,  
Не учунким, ул жамият ҳалини ағбор этар.

## **ОНАМДИР**

Азиз қалбимда иймоним онамдир,  
Ҳаётим, тандаги жоним онамдир.  
Мени жисмида ул пайдо этибдир.  
Мукаддас кутлуг ошиённим онамдир.  
Унингиз қаракаган чўл мислидирман,  
Қиёси йўқ гулистоним онамдир.  
Менга бахш айлади гайрат, шижоат,  
Шафоатли қадрдоним онамдир.  
Унинг меҳри эрур уммонча доим.  
Кўзимнинг нури, дармоним онамдир.  
Оёгин остига жаннат тўшалган,  
Гўзал орзуя армоним онамдир.  
Ўқир ёзганларимни кузга суртиб,  
Асил устоз, газалхоним онамдир.  
Узай қандоқ килиб қарзимни ундан,  
Садоқатли посбоним онамдир.  
Бўлай дейман. Калоний, яхши фарзанд,  
Чиройли шеъру достоним онамдир.

## **ХУДОЙИМ МЕНГА БАРДОШ БЕР**

Онам мангуга этмиш хоб, Худойим менга бардош бер,  
Умрబод ботди бир офтоб, Худойим менга бардош бер.  
Кўзимнинг нуридан бўлдим жудо, қалбим тамом ўксик.  
Вужудимдан кочибдир тоб, Худойим менга бардош бер.  
Чекарман нолалар, оқим тутвар оламни, фарёдким,  
Эрур чашмим бу кун сероб, Худойим менга бардош бер.  
Фариб бошимга тушиган бу жудоликдан кочай қайга,  
Тасаллилар берур аҳбоб, Худойим менга бардош бер.  
Шукр, кеш-акраболар бор, меҳрлар кўргузур, аммо  
Онам меҳри эрур ноёб, Худойим менга бардош бер.  
Азизлардан азиз эрди, гўзаллардан гўзал, унга  
Келолмас тенг бирор моҳтоб, Худойим менга бардош бер.  
Етимлик даштида, звоҳ, Калоний, ўргагай хижрон,  
Алам қалбимда зўр гирдоб, Худойим менга бардош бер.

## **СЕВИНМАЙДИР**

Гунохи йўқ одам элдан кочиб асло бекинмайдир,  
Паноҳ истаб бўлар-бўлмас одамларга ялинмайдир.  
Агар марду садоқатли эса номардга бўйсунмас,  
Қилич келганда ҳам бошга ҳалол йўлдан чекинмайдир.  
Адолатли юмушлар-чун бериб юр жонни жабборга,

Билиб қўйгин, эгилса ҳам ҳакиқат асло синмайдир.  
Дибрим деб, элим деб ким ёниб юрган зса доим,  
Яшаб ўтган умр бари эмас эсиз, ачинмайдир.  
Топар баҳт ҳар киши тушса элининг зътиборига,  
Агар қолса назардан ҳеч кўзининг ёши тинмайдир.  
Ғазал ёзсанг, Калоний, эл ўқийдирғон қилиб ёзгил,  
Элига ёюмаса шеъри, ахир, шоир севинмайдир.

## БУЛБУЛИГЎЁ ДЕЙДИЛАР

Кимки зету, юрг учун ошиғу шайдо дейдилар,  
Покиза дил мулкида шул лаҳза пайдо лейдилар.  
Ким азијат чекса ҳам танлар зса неклик йўлин,  
Оlam аро ул одам оқиту доно дейдилар.  
Дўсти жон чекканда ул ҳам жон чекар бўлса агар,  
Бундайин одамни дўстлар меҳри дарё дейдилар.  
Гар садокат кўрсатиб аҳдида маҳкам турса ким,  
Эл аро ҳам обрўсин мантуга боло дейдилар.  
Кас ҳасад зрмас, ҳавас айлаб яшар бўлса мудом,  
Бегараз дил аҳлидир, омадга ошино дейдилар.  
Ошиги маъшук киши покиза тутса ишкани,  
Иккобин ишк боғида Вомик яв Узро дейдилар.  
Эй Калоний, ёса ким шеърини чин кўнгил билан,  
Ундайин шоирни эл булбулигўё дейдилар.

## БЎЛОЛМАЙДИР

Бу оламга, азиз дўстим, киши устун бўлолмайдир,  
Ўтар бир лаҳзада, ҳеч бокиу очун бўлолмайдир.  
Куёшли кун бўлишикни ҳавас қизлгай эмиш тун, лек  
Коронгу тун зрур тун, нурга тўлган кун бўлолмайдир.  
Гўзал бўлгум дебон маймун туну кун этса ҳам пардоз,  
У маймундир, гўзал жонон каби гулгун бўлолмайдир.  
Агар ошиқ билан маъшук садокат бирла севмаскан,  
Мухаббатнинг шаробидан юзи майгун бўлолмайдир.  
Одам зотини сиртига бокиб асло билиб бўлмас,  
Кизилдир олича оби ва лекин хун бўлолмайдир.  
Асил бугдойни янчганда тегирмонда бўлодир ун,  
Бирок тош бирла мош янчилса ҳаргиз ун бўлолмайдир.  
Калоний, элга гап айтсанг, ҳамиша рост дегил, чунким  
Ки ёлғон сўз омонатдир, сира тургун бўлолмайдир.

## АХТАРАР

Доимо яхши йигит яхши кадрдан ахтарар,  
Бир умрлик меҳрибон покиза жонон ахтарар.  
Ҳар качон ўйлаб кадам босмок керак зин аввало,  
Эл аро ҳар ким агар мангу шараф-шон ахтарар.  
Баҳт ўзи меҳнатдадир, мардликдадир, соғликдадир,  
Ипламай омадни, дүстлар, кайси нодон ахтарар.  
Кимга қылсанг яхшиликтин бегараз қил, бегараз,  
Яхши ниятда сени ҳам барча инсон ахтарар.  
Ўз ҳаёт йўлини тўтири белгилаб олган кипи,  
Эл дилин чоғ этили ҳар лахза имкон ахтарар.  
Эй Калон, ҳар бир ишишгини бехато қилтин бажо,  
Душманинг килган ишингдан айбу нуқсон ахтарар.

## САБР

Кўхна олам ичра инсон зоти-чун бордир сабр,  
Ким учун бегона, лекин ким учун ёрдир сабр.  
Зарни(нг) кадрини билур заргар дегайлар, во ажаб,  
Кимсага олий мақому кимсада хордир сабр.  
Дейдилар олтин сабрнинг ости, лекин мен учун  
Усти ҳам гавҳардору ёнбоши зардордир сабр.  
Бесабрнинг косаси ҳаргиз оқармайдир, бирок  
Косасин оппок этодир кимга дилдордир сабр.  
Бой бериб кўйдим онамни кўкка ўрлар оҳларим,  
Лек яшаб колдим ҳаётда, боис ҳамкордир сабр.  
Бесабрлик кўчасига кирса ким бўлгай хароб,  
Эй Калоний, доимо, бил, дилга даркордир сабр.

## БАҲО КЕРАҚДИР

Умримга мени вафо керакдир,  
Номус ила ор, ҳаёв керакдир.  
Иш бирла гўзал дилим биноси,  
Қалбимга чирой, жило керакдир.  
Эзгулик учун дуо килурлар,  
Шаънимга маним дуо керакдир.  
Йўқ лахза ҳаёт имонсиз, илло  
Олмокка нафас ҳаво керакдир.  
Номардга бошим эгилмасинким,  
Мард кас сўраса фило керакдир.  
Нафс дарди билан оғримасин дил,  
Бу дард ярамас, даво керакдир.

Аҳдимга вафо садоқатимдир,  
Тикмоққа либос мато керакдир.  
Хуш кечса умр ёқимли, аммо  
Халқымдан анга ризо керакдир.  
Шеърим ёзилған битди, Калоний,  
Холислик ила баҳо керакдир.

## ЙИГИТ БИЗЛАР

Мехрибон гүзәл юртта меҳрибон йигит бизлар,  
Жонажон улуг зэгә жонажон йигит бизлар.  
Хуррият қүёшининг нуридан чиниқсанмиз,  
Эрк учун шижаоти посбон йигит бизлар.  
Бизга юрт ишонгандир, касбимиз яратмоқлик,  
Чўлни боғ этиб бўлган боғбон йигит бизлар.  
Юртимиз ҷарогондир, халқимиз фаровондир,  
Бахтидан мудом кўкси осмон йигит бизлар.  
Аҳдимизга содиқмиз, чин вафо, ҳидоятли,  
Қадримизга еттанга қадрдан йигит бизлар.

## АҲЛИ ЗАМОННИНГ ЖАБРИДАН

Тортаман аҳли замоннинг жабридан кўп оҳлар,  
Тобакай озор берурлар беради гумроҳлар.  
Тинмайин жабру жафолар айлаюр аҳли зулм,  
Не учун мендан қочарлар дилкушо дилхозлар.  
Айласам даф битта ғамни ўзгаси пайдо бўлур,  
На қувончу на табассум бўлмагай ҳамроҳлар.  
Тим қаро зулматда қолмиш ҳокисор кўнглим менинг,  
Заррача нур сочмагайдир ул қуёшу моҳлар.  
Хом ўриб қўйдимми, билмам, бағритошлар арбасин,  
Кўзларимдан қон оқур ёш ўрнига тоғ-тоғлар.  
Қолмагай ҳаргиз умидим рўшинолик баҳридан,  
Бегуноҳ жоним баногоҳ тарки дунё хоҳлар.  
Эй Калоний, ғам-алам сахросида бўлдим ҳароб,  
Кетма-кет тужмат қилурлар этмайин огоҳлар.

1990 йил

## ҚЎШНИЛАР

Мен учун дўсту қадрдан қўшнилар,  
Қўш қанотимдир мудом ён қўшнилар.  
Гар мурунват сўрсалар тайёрман,  
Мушкулимни айлар онсон қўшнилар.  
Мен агар дардимга малҳам изласам,  
Бўлдилар дардимга дармон қўшнилар.

Эрта тонг қаймоқ билан сийлар эсам,  
Кечки пайт йүқлар бериб ион құшнилар.  
Хеч қачон ҳолим менинг бұлмас забун,  
Бохабарлар чунки ҳар он құшнилар.  
Эй Калоний, ҳовли олма, құшни ол,  
Не учунким жонга жон ён құшнилар.

### **ОЛҚИШЛАБ ТУРАР**

Мард йигитни халқи олқишлиб турар,  
Меҳрини ҳар лаңза хохишлиб турар.  
Танласа ҳар ким қидоятнинг йүлин,  
Ул ўзига очколар ишлаб турар.  
Эл-улус бошин силаб турса, қүриб  
Файр эли бармогини тишлаб турар.  
Ит ҳуарар, карвон ўтар, дерлар, бу ҳақ,  
Қай кипи карвонни, айт, ушлаб турар?  
Яхшилик қылған одам ўз коридан  
Шод бўлиб, кўнтилларин хушлаб турар.  
Эй Калоний, оқибатли кимсани,  
Бил, ҳамиша халқи олқишлиб турар.

### **АЙЛАДИ БЕЗОРЛАР**

Войким, ҳаддан ошири жабрини ағёрлар.  
Золиму ваҳший, құтурған феъли бад хунхорлар.  
Афтию қылмишлари исқиқт чаёңдан фарқи йўқ,  
Муттасил бўғмоқ бўлур турқи совуқ ул морлар.  
Кўз очиб юммоқда ҳам ҳеч ижтиёrim қолмади.  
Энг азиз ҳурлики олди берадм беорлар.  
Фам, алам, ташвиш юкин елкамга ортиб, найлайнин,  
Зулмининг оғусидан шўрлик дилим беморлар.  
Қаҳрининг шамишилларин соат сайин ўтқирлатиб,  
Нафсининг оғзин очиб, ҳаддан зиёд бир ғорлар.  
Эй Калоний, кўргани кўз, оттани ўқ қолмади.  
Беадад зулми билан ёв айлади безорлар.

1990 йил

### **ДЎСТЛАРИМ**

Дўстларим шод бўлса, ҳалбим шоддир,  
Тўкса кўз ёшин агар фарёддир.  
Бошларига тушмасин ҳеч мусибат,  
Тушса минг дод устига боз доддир.  
Маслаҳаттўю қадрдон ҳаммаси,  
Ҳамфикр, шогирд ва ё устоддир.

Үртамиздан ўтмагай қил, дил яқин,  
Шул сабабдан шум рақиб барбоддир.  
Дүстларимсиз биш эгик, қад дол бўлур.  
Дүстларим бор қоматим шампидир.  
Оқибатдири ҳар бирига армуғон,  
Оқибат бор бўлса дил ободдир.  
Эй Калон, омадлари чопсин кулиб,  
Дүстларим шод бўлса, қалбим шоддир.

## КЎНГЛИМ ИЧРА

Кўнглим ичра залу юртнинг меҳри бор, ашъори бор.  
Она қалқимнинг мисоли бир чаман гулзори бор.  
Бу жаҳон майдонида бундай чаманлар беҳисоб,  
Лек бу гулзорлар, ажабким, на ҳазон, на хори бор.  
Ушбу гулзорларда, ҳалқим, сайр этинг, ялло қилинг.  
Бу чаманларнинг бўлакча кўрки бор, асрори бор.  
Бундайин гулзор одамнинг қалбида пайдо бўлур.  
Қайси дилда бўлса пайдо унда номус, ори бор.  
Бу чамансиз дил змас кўнглим менинг, эй дўстларим,  
Шу чаман-ла дилгинамнинг баҳти бор, дилдори бор.  
Бу дилим гулзорини тобора обод этмасам,  
Жисму қалбимнинг, Калон, оламда не даркори бор?

## ТОПАР

Бахтин агар изласа ҳар ёш топар,  
Ҳамда вафодори қаламқош топар.  
Энг аввало соғлигу соғлик керак,  
Бўлса омон дўлтини ҳар бош топар.  
Кимки ҳалол ишласа ғайрат билан,  
Бахту шараф ҳамда ҳалол ош топар.  
Кўнгли қаро дўстини ҳам бездирур,  
Ақли расо ҳамдаму йўлдош топар.  
Ёзса Калон яхши газал ҳар қачон,  
Жонига жон, қалбига қондош топар.

## ЁЗГАНИ ТЎМТОҚДИР

Ким дили нопок эзур, жуфтсиз ўтодир, тоқдир.  
Дўст тополмас ул одам, иблис билан ўртоқдир.  
Нияти бўлса қаро йўли равон эрмас унинг,  
Қай томон босса қадам исқирт, ҳунук, ботқоқдир.  
Покиза бўлса дили ҳар дам юзидан нур ёғур,  
Ҳеч зиё чиқмас ёмондан, гарчи сирт оппоқдир.  
Қор мудом юмшогу, лекин унда унмас ҳеч гиёҳ,

Қалби нопок кимсалар ҳам қормисол, шундоқдир.  
Бекараз эк эзгуликнинг күчатин, гулзор бўлур.  
Кас ғаразгўй бўлса гулзори аниңг ўтлоқдир.  
Яхшига кенгу ёмонларга эрур тор бу жаҳон.  
Гар ёмон бўлса жаҳаннам ул учун мутлоқдир.  
Паст, хасис бирлан бахилнинг боғи ҳаргиз яшнамас,  
Ким қурумсок бўлса доим супраси ҳам қоқдир.  
Эй Калоний, яхши ният бирла доим ростни ёз,  
Шум ният ёлғончиларнинг ёзгани тўмтоқдир.

### ГУЛШАН ҚИЛУР

Севгинг умрим борини бир бекиёс гулшан қилур.  
Ҳамда барча яхшилар-ла мисли жону тан қилур.  
Сенга ошиқ бўлмас эрдим одам ўтли бўлмасам,  
Севганим одамлигимни ошкор, равшан қилур.  
Кўркаму ҳушрўлигинг қалбимга завқ-шавқ бахш этур.  
Ҳар хитобинг, чақириғинг ҳушшёру меҳнатчан қилур.  
Бир змас минг-минг умрни бахш этай куйингда мен.  
Бу садоқатларни сенга кўнглини берган қилур.  
Орзийимсан, истагимсан, мақсадимсан масканим,  
Ишқинг ўти дилгинамни бекиёс гулхан қилур.  
Ҳақ сўзим шуладир мудом, эй мўътабар юртим, сенга  
Бахтини топган Калоний меҳрини улкан қилур.

### ҚОЙИЛ БЎЛУР

Ким зли бирлан мудом яқдил бўлур.  
Яхши кўп хислатлари хил-хил бўлур.  
Ким злига ошигу шайдо эса,  
Бахтиёрdir ул, ишонч комил эрур.  
Эй диллим, зл-юргита меҳринг эт зиёд,  
Элни(нг) меҳри сенга ҳам сархил бўлур.  
Элни деб ранж чекса жон ҳеч ранжима,  
Негаким меҳнат билан ҳосил бўлур.  
Яйраса ҳалқим вужудим яшнагай,  
Чекса ғам дил шишиаси чил-чил бўлур.  
Ёлғиз отнинг донғи чиқмас ҳеч қачон,  
Эл билан ҳар бир ютуқ ташкил бўлур.  
Ҳар киши юртида подшоҳдик қилур.  
Ажраса юртдан мабодо сил бўлур.  
Батъзи нодон деб элингдан ажрама,  
Билсанг инсон насли ҳам ҳар хил бўлур.  
Шум ракиблар қошида бу тилини тий,  
Эл сирини очтувчи шу тил бўлур.

Эй Калоний, ёзганим эл хупласа,  
Шодумонман, мисли йүқ қойил бўлур.

## ВАТАН ИШҚИ

Ватан ишқи дилим кўрки, кўзим нури, ҳаётимдир.  
Бу ишқдан гар жудо бўлсан, билинг дўстлар, мамотимдир.  
Мудом булбулдайин куйлаб жўшарман гулшану баҳтим.  
Диёrim масканим бўлса, азиз ҳалқим қанотимдир.  
Ватан тупроғини кўзга етарман тўтиё, чунким  
У ўтган қавму қардошим, улуғвор наслу зотимдир.  
Толиқмас, қаҳрамон, доно, муқаддас ҳалқимиз бирлан.  
Улуғ мақсад томон елгум, ижодим тулпор отимдир.  
Буюк ҳалқим менга устоз, етарман ўз Муродимга,  
Зафар қучмоқ учун имкон, Калоний, зўр саботимдир.

## ҲЕЧ ҚАЧОН ЧИҚМАЙДИ ЭСДАН...

Ҳеч қачон чиқмайди эсдан Чустдаги гулбоялар,  
Бирга ўсан, бирга юрган жўралар, ўрторлар.  
Гарчи жисмим Шошдадир, ўйимдадир Чустим мудом,  
Беадад дарди соғинч қалбимни кўп қийноглар.  
Кўз билан киприк каби кўнгил яқиндир доимо,  
Чуст билан Тошкент аро бор бўлса ҳам зўр торлар.  
Киндигим қони тўкилган ўлкага меҳрим зиёд,  
Бегубор қалбим мусаффодир, топилмас добрлар.  
Кам келодирсиз дебон этманг гина аҳбоблар,  
Сиз томон еломоқни бу кўнгил ҳамиша чоғлар.  
Бир пиёла чой ичиб гулбоғда ўлтиргим келур,  
Лек бу турмуш ташвиши дасту оёқни боғлар.  
Юртини ташлаб кетиб қолган деб айб этманг мени,  
Бир Ватандир икки дарё ўртаси, қирғоғлар.  
Ўйламанг, шоир Калон бизни унутгандир дебон,  
Ажралиб кетмайди ҳаргиз эт билан тиркоғлар.

## ВИСОЛИНИ КЎРОЛМАЙДИР

Кишининг бўлса иймони сира бегам юролмайдир,  
Адолатсиз юмупларга қараб бефарқ туролмайдир.  
Агар бошида шамшир тутса ҳам ростин гапиргайдир,  
Йўлини Ҳак йўлидан бошқа йўлларга буролмайдир.  
Разил шайтон уни минг хил мақомга бошлагай, лекин  
Худонинг қаҳридан қўрқиб ҳаромга қўл уролмайдир.  
Фаноликда гуноҳкорлик йўлига ким кириб кетса,  
Боқолик ҳосилини ҳеч қачон, ҳеч вақт ўролмайдир.

Ҳаром давлат, ҳаром ишрат, ҳаром лаззат эрур офат,  
Анга дил берса ким жанинат юзин ҳаргиз кўролмайдир.  
Бу дунёда бироннинг ёрига ким кўз олайтиrsa,  
Қиёмат кун у Оллоҳнинг висолини кўролмайдир.  
Кўнгил гулзорига ишқининг гулин эксин Калонийдек,  
Агар гул экмаса боғ сайрининг гаптин суролмайдир.

## ҚАЛБ ЭРУР КЎЗГУ, БИРОҚ

Қалб эрур кўзгу, бироқ хуфёна бир сир ҳам бўлур,  
Сирни билмоқдик учун даҳшатли таъсир ҳам бўлур.  
Не учун кўнгилни(нг) қулфин бузмоқ истар баъзилар,  
Ул экан, ё бул экан деб турли таъбир ҳам бўлур.  
Хеч киши қалбидаги маҳфий тутунни очмасин,  
Очса гар пой-дастини боғловчи занжир ҳам бўлур.  
Содда дил, хеч алданиб фош этма нозик сирларинг,  
Ниятинг англаб олишга ҳийла тадбир ҳам бўлур.  
Ўйлама дунёни бари боғу-роғ, гулзор дебон,  
Дашту саҳро чўл билан қақраган қир ҳам бўлур.  
Ўзга қўлга сирларинг таҳдирини тутқазмаким,  
Асли қўл озода, лекин баъзиси кир ҳам бўлур.  
Тўгри деб ҳар кимга сирринг этма дастурхон, Калон,  
Тузни еб, туэлиққа тоҳзи таъна, таҳқир ҳам бўлур.

## ИЗЛАБ КЕЛУР

Эй кўнгил, турли ният бирлан сени излаб келур,  
“Сен” дегувчи баъзилар ҳам тоҳида “сиз”лаб келур.  
Нур сочар оташ, бироқ тутсанг қўлинг куйдиргуси,  
Хеч дема душман қўлин албагта бигизлаб келур.  
Нияти бўлса агар қотил заҳарни ютдириш,  
Заҳрини қўшмоқ учун у буни “жиз-биз”лаб келур.  
Ишлари биттунча то тўнғизни ҳам дерлар ағо,  
Ниятин ижроси-тун кампирни ҳам қизлаб келур.  
Аслида номинг эшитса етти йўл қочгай нари,  
Лекин ул номинг қўшиб, тил бурчида “биз”лаб келур.  
Эй Калоний, сиртидан одамни англаб бўлмагтай,  
“Сен” дегувчи баъзилар ҳам тоҳида “сиз”лаб келур.

## ФАЙРАТ ҚИЛУР

Ким диёру ҳалқига содиқ, ҳалол хизмат қилур,  
Ҳалқи ҳам ардоқлагай, ҳар дам уни ҳурмат қилур.  
Қалб уйи равшан бўлур меҳру мурувват нуридан,  
Гар ўзи Ҳотамтойи янглир мудом ҳиммат қилур.  
Гар садоқатли киши этса вафо, тоғлай вафо,

Бевафо бўлса агар ўз бошига кулфат қилур.  
Кимлигин англаб бўлур, дўстнинг қадрдонин кўриб,  
Яхшилар яхшини, бад одам ёмон улфат қилур.  
Ким элининг қаҳрамон машҳури бўлмоқ истаса,  
Бекиёс ишларга кўл урмоқ учун журъат қилур.  
Қолдирай деб халқига энг дилрабо апгъорлар,  
Эрта-кеч шоир Калон ҳеч тинмайин ғайрат қилур.

## ЎТДИЛАР

Кўчамиздан тоңг сахар ёр ўтдилар.  
Гул тутиб, ул кўзи ҳуммор ўтдилар.  
Кўзларида шарм-ҳаёу ҳам ҳадик,  
Кўрк-тароват айлаб ошкор ўтдилар.  
Қайрилиб, ҳеч кимга боқмай беписанд,  
Дилни айлаб ошиқу зор ўтдилар.  
Кўз тутардим боқса деб оинадан,  
Ташламай кўз бизга якбор, ўтдилар.  
Йўлларига хат битиб отган эдим.  
Қўлга олмай, айлабон хор ўтдилар.  
Кўп фахр этган эдим жоним дебон,  
Жонгинам мендан қилиб ор ўтдилар.  
Зорланиб қадримга йигълайман, Калон,  
Кўчамиздан боқмайин ёр ўтдилар.

## ОЛҚИШ ҚИЛДИЛАР

Ташласам гад севганимга нега қаршиш қилдилар?  
Ё мени шилқим деб ўйлаб, ҳайғу, ташвиш қилдилар.  
Ниятимнинг поклигини ошкор айлай дебон,  
Пойларига чўкка тушсан, четта силжиш қилдилар.  
Гул жамолингиз мени(нг) қалбимни ёз этди десам,  
Бир сўз айтмай, юз буриб, ёз дилни ҳам қишиш қилдилар.  
Журъат айлаб, тиз чўкиб ишқимни изҳор айласам,  
Рад этиб севгимни, жоно, кўп ҳунук иш қилдилар.  
Бу не фожею тасодиф бўлдиким, аҳбоблар.  
Мен ҳакимда ё рақиблар катта миш-миш қилдилар.  
Бошим айланди тиниб кўз, ғамга тоқат қолмади,  
Кўзга илмай бизни, ёв васлини хоҳиш қилдилар.  
Пурзиё эрди, дилимда порлаган эрди қуёш,  
Куйдириб ғам оташида мисли чойдиш қилдилар.  
Кўнгил узмам, лек, Калоний, бор умидим ёрдан,  
Не учунким шеърларимни мақтаб, олқишиш қилдилар.

## НУРЛИ ОФТОБ ДЕЙДИЛАР

Юзларингизни, нигоро, нурли офтоб дейдилар,  
Ким ядн борса куяр, ҳеч бермайин тоб дейдилар.  
Чиқса офтоб кўзга уйқу келмагай ётган билан,  
Ёдинтиз-ла аҳли ишқ ҳар лаҳза бехоб дейдилар.  
Катта харсанг тошин ҳам ширин сўзингиз сув килур,  
Куйласангиз ҳар кўнгилнинг мислидир об, дейдилар.  
Бир нигоҳ айланг кўриб дардманди ишқ бўлгим келур,  
Қоматингиз кўруса ким ишқ бирла бетоб дейдилар.  
Сиз каби зебони инсон топмагай олам аро,  
Хуснингизни, эй парирў, асли ноёб дейдилар.  
Таърифингизни, Калоний, ёзса бир боб деб эдим,  
Не бўлур бир боб анга, етмайди минг боб дейдилар.

## ОРТИҚЧАДИР

Бўлмасанг оламда гар жисмимда жон ортиқчадир,  
Жон надир, тандан чиқар, рухи равон ортиқчадир.  
Гар безаб турмас эсанг ушбу жаҳонни дилбарим,  
Қанчалар потли эса зебо жаҳон ортиқчадир.  
Бемакон ўтсам ажаб йўқдир, сира таажжуб эмас.  
Сен агар файз бермасанг хос ошиён ортиқчадир.  
Борлигим ҳам, бойлигим ҳам сен ўзингсан, сен фақат.  
Сенсизин, билсанг, бутун бор хонумон ортиқчадир.  
Сен учун сарф бўлмаса бойлик нечун даркор эрур,  
Гарчи муҳтоҷ бўлсамам, улгуржи кон ортиқчадир.  
Сенсизин бечораман, хорман, забун ахволимам,  
Нокерак шуҳрат, шараф, олқиши ва шон ортиқчадир.  
Таърифинг куйлаб мудом ўтсам, Калоний, тонг эмас.  
Этмаса зикринг агар ширин забон ортиқчадир.

## ТЕГСА АМАЛ

Яхши инсонга агар тегса амал шон орттирас,  
Эл аро обрёю дўсту ҳам қадрдан орттирас.  
Ўйламай кайфу сафони, қилмайин кибру ҳаво,  
Элга хизмат айламак-чун бир қулай он орттирас.  
Бўлгай эрмиш тўрт фасл ҳам шоҳу сulton йил аро,  
Шулки эзгу, навбаҳор минглаб гулистон орттирас.  
Хуш фазилат бўлса ким мансабга мансуб иш қилиб,  
Бир умрга еттуси эл меҳридан кон орттирас.  
Қолманг асло, эй ёронлар, уйкудек гафлат босиб,  
Ёз ганимат деб бошоқ ҳам эл учун дон орттирас.  
Эй Калоний, ёзса ким элнинг нафини ўйлабон,  
Ул ўзига шубҳасиз минглаб разалхон орттирас.

## ТАЛАБА ТАРОНАСИ

Үқувчиман, илм олмоқ дилим, жоним, шиоримдир,  
Фақат ёлғиз шиор әрмас, менинг қатый қароримдир.  
Бу мақсад завқу шавқим орттирап ҳар лаҳза, ҳар лаҳза,  
Бу йүлга йүллаган халқим, замоним ҳам диёrimдир.  
Силаб бошимни ардоқлаб, мудом мардана үстирган,  
Элу-юрт хизматин қымоқ ҳамиша касбу коримдир.  
Ҳали ёшман, насибам мүл, вазифам ундан ортиқдир.  
Замонам хұб, әсегим ҳур ҳамиша нағбаҳоримдир.  
Камолот денгизим мавж урар устозлар илми,  
Қүшолсам лоақал бир томчи унга ифтихоримдир.  
Сафарбар айладим идроку ақлу қалбу виждоним,  
Умидимнинг йўлида баҳту толе дўсту ёrimдир.  
Калоний, чин Муродим юргу халқимни ризо қымоқ,  
Муқаддас йўлдаман, минг-минг зафарлар интизоримдир.

## ҲАЛОЛ ЭКАНДУР

Дардимга даво висол экандур,  
Лек унга етиш маҳол экандур.  
Шу мұйъжизакор давони излаб,  
Дил қосисору увол экандур.  
Күрганда киши чиройингизни  
Ҳайратда қолиб, лол экандур.  
Күндуз қуёшту тунлари ой ҳам,  
Дер сизни соҳибжамол экандур.  
Пойингиз олиб күзимга суртсан,  
Ағёр злига малол экандур.  
Ёр ишва билан даст узатибсиз,  
Чўзсан қўлимни хаёл экандур.  
Севгингни, Калон, яширма элдан,  
Ич кўчада оши, ҳалол экандур.

## АШКИМ КЕЛУР

Ноз ила гулшан аро, зимдан қаранглар, ким келур,  
Ул агар дилдор эса оҳиста гаплашгим келур.  
Тушмасин бегона кўзларми дебон иймонадир,  
Бас экан шундоқ, гапирмасданми имлашгим келур.  
Гул аросидан чиройли тул каби босгай қадам,  
Кўз кўриб, дил яйраб, аста дастин ушлашгим келур.  
Очтали дил розини фурсат қидирмоқда эдим,  
Аҳли ағёрдан йироқ жойларда учрашгим келур.  
Қизванурман соchlарин сийлаб эсар бўлса сабо,  
Ўзгалар кўз ташласа ҳуд-бехуда раشكим келур.  
Эй Калоний, бўлса нелар бўлсин, ҳижрон бўлмасин,  
Ҳажрида икки кўзимдан шарқираф ашким келур.

## ШАЙДОЛАРИНГ КҮПДИР

Жаҳон аҳли аро, жоно, сенинг шайдоларинг күпдир,  
Қаён борсанг йўлингда доимо пайдоларинг күпдир.  
Дилим рашкинг оловида куйиб кул бўлса арзийдир.  
Нечунким ёт кишилардан бирам ошноларинг күпдир.  
Висолинг йўлида чеккан азиятлар менга роҳат,  
Бошимга сочларингдан ҳам зиёд савдоларинг күпдир.  
Нечун севмай, нечун кўнгил ипини боғламай маҳкам,  
Назокатда, нафосатда чаман ороларинг күпдир.  
Менга ўтқир саволларни бериб ҳайрону лол этдинг,  
Сенга сўз ўргатувчи оқибу доноларинг күпдир.  
Қиё боқмай ўтиб кетсанг ёнимдан ҳеч таажжуб йўқ,  
Бу оламда Калонийдек тили гўёларинг күпдир.

## ДИЛ ҚОНИДАН ҚЎЙДИМ МУҲР

Мен томон гоҳ-гоҳ боқиб ноз бирла жонон куйдирур,  
Куйдирур деб айтса бўлмас, не учунким суйдирур.  
Суйганим-чун куйтанимдан дилда ҳеч армон йўқ.  
Боиси шу чин муҳаббат дилга бахш айлар хузур.  
Ишк қуёши бир эмас, минг бир қуёшга тенг экан,  
Кимга, айтинг, маъқул зрмас қалб уйига кирса нур.  
Нега дерлар ишқ азобу дарди мутлоқ бедаво,  
Ҳажри дарди бўлса, ясли дарди-чун малҳам бўлур.  
Эй Калоний, нома ёздим ёрга содикман дебон,  
Этмасин ҳаргиз гумон, дил қонидан қўйдим муҳр.

## НОЗАНИН КЎКСИМГА БОҚ

Нозанин кўксимга боқ, порлаб чиқар сержилва нур,  
Дил мисоли чўр эрур, унда кабоб пишса бўлур.  
Не учун ишқ ўтини ёқдинг юракка, сея масанг,  
Ё мени қийнаб қўйиб айлар мусан роҳат, ҳузур?  
Эт десанг бошим эгай, тиз чўк десанг тиз ҳам чўкай,  
Севгининг йўлида менда қолмади зарра гуур.  
Хоҳишингта бўйсуниб, амрингта ҳозирман мудом,  
Кет десанг саҳрого кетгум, лек ўзинг ҳам мен-ла юр.  
Не учунким сен билан чеккан азоб роҳат менга,  
Бўлмасанг ёнимда роҳат ғам, алам, кулфатдур.  
Эй Калоний, ишқ ўти мажнун ётодир дердилар,  
Билмадим, ташлаб кетурму энди бор ақлу шуур.

## ҚАРАЙВЕР

Ухлаб ётадир ноз ила жонона, қарайвер,  
Васлига унинг қонаю қона қарайвер.  
Бармоқда узук, икки зирак икки қулоқда,  
Тишлар садафу бўйнида дурдона, қарайвер.  
Лаб-гунча, атиргул-ёноғи, киприги-хори,  
Бошдан оёғи боғдаги гулхона, қарайвер.  
Оппок билаги сочидаю зулфи паришон,  
Мехринг била тулрона-тулрона қарайвер.  
Бир лаҳзаси минг йилга етар бу гўзал оннинг,  
Ишқин ўтида ёнаю ёна қарайвер.  
Орзуминг эди ул била ҳамхона бўлишилик,  
Бу лаҳза эрур сен била ҳамхона, қарайвер.  
Кўз очса, қувиб ҳайдаса кўп ғам чекасан, оҳ,  
То бўлмасидан мирт яна бегона қарайвер.  
Ишқизизни кесак деб атадинг, зиди, Калоний,  
Кўз тушса қилур ошиғу девона, қарайвер.

## БАҲОСИДАН ГАЛИР

Сўзламагил имосидан ёрни, вафосидан гапир,  
Кўзида мавжланиб турур шарму ҳаёсидан гапир.  
Таърифу тавсифин этиб ҳуснини мақтадинг, етар,  
Одобу хулқидан, тарин акли расосидан гапир.  
Лабга қизил ярошади, кўлга хино ярошади,  
Дилни(нг) қаросини йўқот, қошни(нг) қаросидан гапир.  
Ёмонни(нг) умри қисқадир, яхшини(нг) умридир дароз,  
Ўтсаю кетса не ажаб, умри баҳосидан гапир.  
Қаро ниятли бўлса ким қарғили олур умр бўйи.  
Қарғиш олувчини қўю, злни(нг) дуосидан гапир.  
Шунча ғазални ёзи деб, мақтама бизни, эй Калон,  
Халқим ўқиб чиқиб, кейин берган баҳосидан гапир.

## БЕҲУДА РАШК ҚИЛМА

Мени беҳуда рашк қилма жаҳон зеболаридан ёр,  
Ўзинг жонимга жондирсан, ўзинг ёрсан-ку тал-тайёр.  
Ишонганиман, ишон сев ҳам, гўзал севгим эрур бокий,  
Гумон айлаб, синовлар айлагайсан не учун бекор.  
Сени қалбимда сақлайман, бўлак ёр унга сигмайдир,  
Ахир, қалбим келиб кептүвчи одамлар эмас бозор.  
Мени ҳажрингда куйдирмай, висолинг армутон этил,  
Агар юз йил узоқ юрсанг, кутарман кун ва тун бедор.  
Тикон тилгунча пойингни, менинг қалбимга тиғ кирсин.

Бутун жисмим тилинсин минг, сенга бергуңча сал озор.  
Мұҳаббат дардида, әркам, хароб бўлдим, Калон, ўлдим,  
Куйингда қўп куиб ҳолим забун, қалбим эрур бемор.

## КЕТДИЛАР

Эй кўнгил, қон йиғласант арзийди жонон кетдилар.  
Боисини билмадим, оқиста пинҷон кетдилар.  
Ҳеч тасаввур этмагандим севгилиминг ҳажрини,  
Бу не фоже, айлабон ҳижронни эҳсон, кетдилар.  
Жонажонимиз дебон жонимни тиксам, воажаб,  
Айламай шафқат, этиб жонимни қурбон, кетдилар.  
Энди қалбим олами билмайди кундуз кун надир,  
Толеимнинг кўқидан офтобли осмон кетдилар.  
Аҳду паймонар этиб кирган здик ишқ боғига,  
Найлайин, ёр аҳдларин айлабми ёлғон кетдилар.  
Эй Калоний, севгилим илҳом париси деб эдим,  
Бир йўла шеъру ғазаллар бирла достон кетдилар.

## СИЗДАН БЎЛАК ЭМАСДИР

Севганим, эй ниgoro, сиздан бўлак эмасдир,  
Негаки энг дилоро сиздан бўлак эмасдир.  
Кўрганда лол қолурман ҳусну жамолингизни,  
Кўркам, чиройли, зебо сиздан бўлак эмасдир.  
Кўзини мактаб оҳу бехуда урмасин лоф,  
Кўзи қарою шаҳло сиздан бўлак эмасдир.  
Ишқингизда куиб кўп, бўлдим телбай Мажнун,  
Менга севимли Лайло сиздан бўлак эмасдир.  
Офтоб каби дилимга ҳар лаҳза нур сочурсиз,  
Содик, ҳақиқий ошно сиздан бўлак эмасдир.  
Васлимга етган опиқ энг баҳтиёр дедингиз,  
Сўзи азизу тилло сиздан бўлак эмасдир.  
Ҳар киши етсин, илло, мақсадига илоё,  
Калонийга муддао сиздан бўлак эмасдир.

## СЕВГИ ОЛОВИ ЁҚСА

Севги олови ёқса, билгилки, менга баҳтдир.  
Шу баҳтни менга Оллоҳ айласа яхши тақдир.  
Кўрганда нур жамолин опиқу зор бўлдим.  
Не қиларимни билмай, жисму дилим карахтдир.  
Бир лаҳза ҳам жудолик жабрини тортмайин ҳеч,  
Менга азиз ҳаёли мисоли тожу таҳтдир.  
Маъниси йўқ ҳаётнинг бўлмаса ишқи дилда.

Үсиз менинг мисолим меваси йүқ дарахтдир.  
Майли, башимта солса қанча азобу кулфат,  
Барчасига берай дош, бу танда жон саҳтдир.  
Айлама дод, Калоний, наслига етмадим деб,  
Күнглига йўл тополсанг сенга висоли нақдир.

### ЁЛГОН ЭМАСДИР

Ёримга аҳдим ёлғон эмасдир,  
Ёлғон деган кас бегона касдир.  
Аҳдимда дунё тургунча тургум,  
Қилсам хиёнат умрим абасдир.  
Севгим мисоли гулларга ўхшар,  
Сидқу вафосиз ҳор ила ҳасдир.  
Хушрӯ жамолии кўрсам учарман,  
Бегона васли гўё қафасдир.  
Олмай нафас кас бир зум яшолмас,  
Покиза ишқи менга нафасдир.  
Девонасан деб қилманг маломат,  
Ишқида қалбим масти аластдир.  
Шеъримга мавзу излаб истарман,  
Мадҳи, Калоний, еттувси, басдир.

### БЕБАҲО УЛФАТ КЕЛУР

Ёрни(иг) васлин кўргани дилдан қуюқ журъат келур,  
Диллашиб ўлтиргани, айтинг, қачон фурсат келур?  
Бир савол берган эдим ёнингга ўлтирсамму деб,  
Бу саволимга, ажаб, қай лаҳзада рухсат келур?  
Ҳа демас ё йўқ, демас ҳоли паришон негадир,  
Ер чизиб кулмоғидан қалбимга бир ҳайрат келур.  
Севги йўлита бутун умрим пойандоз айласам,  
Ўргилай дейман қудумидан, кулиб ҳиммат келур.  
Қўзларининг нуридан қалбим туни тонг отгуси,  
Сўзларининг баридан маъни тоғла ҳикмат келур.  
Эй Калоний, ишқида ёрнинг қалам тутсам агар,  
Мента илҳом деб аталган бебаҳо улфат келур.

### БАХТИМА ШУКРОНАДИР

Қалбим унинг ишқи билан ёнадир,  
Ҳар кечаси ҳажрида тўлонадир.  
Нозлари ҳам мунча ширин, хуш ёқар,  
Негаки ул жонима жононадир.  
Ҳар қараши маст қиласдир, во ажаб.

Күзими ё май тұла майхонадир?  
Нега лабин бурди, ўтириди юзин,  
Балки ҳамон мен унга бегонадир.  
Боқса кулиб иккى жақон нурлию.  
Боқмаса гар тұлгуси паймонадир.  
Мен-ку уни севгима гарқа айлагум.  
Ул мени, лек севмоги афсонадир.  
Ишқи билан жаннат эрүр бу жақон,  
Бұлмаса у жаннатам вайронадир.  
Дейди Калон: севгисидир толеим,  
Ушбу ғазал баҳтима шукронадир.

### ИЧИКМА, ДИЛДОР

Мен кеттганимда ҳаргиз құмсаб, ичикма дилдор.  
Келсам чиқишиға пешвөз лақза кечикма дилдор.  
Нозинг шириң ва лекин меъёри бўлса яхши,  
Меъёрдан ортиқ ишта зинҳор иликма дилдор.  
Ял-ял ёниб кўринган аслида ул саробдир.  
Сирти силлиққа учма, боқма, зликма дилдор.  
Худбин, қаро юракнинг доим қаро иши ҳам,  
Қилмас сира муруват, кўз тикма, тикма дилдор.  
Тушгач арога ағёр ишқ чоклари сўкилгай,  
Дил риштасидан ўзга ип бирла тикма дилдор.  
Куйинг билан Калоний ёзи қатор ғазаллар.  
Мехринг билан ўқища мутглоқ зерикма дилдор.

### КҮП ЯХШИДИР

Гулпан ичра сайр этиб юрса ниғор кўп яхшидир.  
Кимса йўқ деб бемалол очса узор кўп яхшидир.  
Кетмаса кўздан нари, бир дам жамолига боқиб,  
Ошиғи шайдо дилим бўл баҳтиёр, кўп яхшидир.  
Ҳажрида чекканларим бир лаҳзада бўлгай унут.  
Қолмагай қалбимда ҳеч дарду ғубор, кўп яхшидир.  
Бекиёс ҳусну жамолидан олиб завқу ҳузур,  
Қолса дил ҳушдан оғиб беихтиёр кўп яхшидир.  
Эй сабо, тезроқ бориб айттил, юзин ёшурмасин,  
Қолмасин кўнгилда ҳижрондан фигор, кўп яхшидир.  
Имласа ёнига ногоҳ, борсаму шул он, Калон,  
Мен анга севгимни этсан ошкор, кўп яхшидир.

## КЕЛДИ НАВРҮЗ, ЖҮРАЛАР

Келди наvrүз, жүралар, бир сайри боғ этсак нетар,  
Сайри боғ айлаб күнгилларни фарор этсак нетар.  
Шаҳр аро ўлтирумайын қирлар қучорига кириб,  
Қутлабон бир-бирни, ахволин сүрөт этсак нетар.  
Гул териб, гулгун ёниб тоzza табиат бағрида.  
Күй-күшиқлар айтишиб күнгилни чоғ этсак нетар.  
Дилда пинҳон севтимизни ошкоро айлабон,  
Рашк-аламдан лолалар күксини дөғ этсак нетар.  
Офтобнинг нури ҳамда тоzza иқдим мавжидан,  
Яйрашиб, бемор баданни сола-сор этсак нетар.  
Ям-яшил ўтларга боксак яйрагай кўз ҳам күнгил,  
Даста-даста лолалардан бир кучоғ этсак нетар.  
Изласанг илҳом, Калоний, гул табиат бағрида,  
Тинглабон зебо ғазаллар, дилни чоғ этсак нетар.

## СЕНИНГ ИШҚИНГ...

Юзингтнинг шуъласи, ёр, беназирдир.  
Унинг одиди ой нурга фақирдир.  
Дилим таллинса не боис зиёга,  
Жамолингга, нигорим, ул асиридир.  
Менинг ишқим жаҳонга ошкор ўлди,  
Сенинг ишқинг ҳамон хуфёна, сирдир.  
Қиё боксанг ҳушимдан айрилурман,  
Ўзинг айт, дил нечун титрайди дир-дир.  
Рақибларга испонма, эй жаҳоним,  
Вафосиздир, уларнинг бари бирдир.  
Ўзим содиқ бўлишга онт ичарман,  
Садоқат, ёр, висолингта замирдир.  
Итоаттўй қулиңгирман, Калоний,  
Сенинг ишқинг менга шоҳдир, амирдир.

## ДОСТОН КЕЛИБДИР

Бу кун кулбамга бир меҳмон келибдир,  
Бўлиб меҳмон, гўзал жонон келибдир.  
Этай йўлига жонимни пойандоз,  
Ҳақиқий покиза инсон келибдир.  
Кўзим яшнар, дилим қувнар, бу не ҳол?  
Мисоли чўлга гул, райҳон келибдир.  
Кетиб қолган эди онсон араёлаб,  
Бу не баҳтким, ўзи онсон келибдир.  
Жаҳон зулмат эди гўё кўзимга,  
Қуёшини олиб осмон келибдир.

Бўлиб хаста мажолдан айру эрдим,  
Шифо бўлмок учун дармон келибдир.  
Омон бўлсин, етиб орзуларига,  
Кулиб, яшиаб Мукамбархон келибдир.  
Қалам ҳақшаб ёзолмасдим, Калоний,  
Муродимга етиб, достон келибдир.

## МУҲАББАТ

Муҳаббат бўлмаса одам нечундир.  
На одам, балки бу олам нечундир.  
Муҳаббатсиз кишида йўқ латофат.  
Муҳаббатли одам кўркам нечундир.  
Муҳаббат танламас манзил, макон ҳам,  
Унга фурсат нечундир, дам нечундир.  
Бу дунёни мудом биркам дегайлар,  
Асиш ишқ бўлса у бекам нечундир.  
Муҳаббатсиз кишин қалби зимиштон,  
Усиз бўлмайди ёз, кўклам нечундир.  
Муҳаббат дард демант зинҳор, ёронлар,  
У дорудир, бўлак маҳдам нечундир.  
Муҳаббат бу мисоли йўқ оловдир.  
Қуёш ҳам олдида бир шам нечундир.  
Кўролмасдан туролмасман нигорим,  
Дилим ўйнаб кетар кўрсан нечундир.  
Агар ишқ йўлида ўлсам, Калоний,  
Менга байрам бўлур, мотам нечундир.

## ҲАР ЛАҲЗА ГҮЁДИР

Гулим, меҳринг менинг ташна дилимга мисли дарёдир.  
Табассуминг, азиз ёrim, тутаимас мулку дунёдир.  
Сочингдан ел олиб келган муаттар бўй ҳаёт тоти,  
Ширин сўзинг эса жону жаҳонимга дилородир.  
Хаёлимни туну кун забт этиб олмиш хаёлотинг,  
Гўзал ишқинг учун қалбим умрбод яхши маъводир.  
Гумон айлаб менинг севгимни, эй дилдор, синов этма,  
Менга ҳајринг бўлак ёр васлидан минг карра аълодир.  
Агар икков севиб мангур, кўнгилни алмасиб олсак,  
Менинг мислим бўлур Тоҳир, сенам монанди Зуҳродир.  
Жаҳон ошиқлари ҳамроҳ бўлиб, қалбинга йўл излар,  
Асиш содик қадрдан дўстларингга доим ошнодир.  
Калонийнинг дилу жони фидо бўлсин қудумингта,  
Тили маджинг билан булбул каби ҳар лаҳза гўёдир.

## ЧИН МУДДАОДИР

Кўркинг, нигорим, айтсам расодир.  
Ҳар бир нигоҳинг дардга даводир.  
Термулган эрдим, сен ерга боқдимт,  
Шаҳло кўзингда шарму ҳаёдир.  
Гулгун ёноғинг – нақшинкор олма,  
Холинг бу икки қошинг ародир.  
Оқдир қаро тун зулфинг қошида,  
Қошу кўзинг ҳам, ёрим, қародир.  
Қалбимни бердим танҳо ўзингга,  
Сендан бўлакка ул нораводир.  
Ишқимни инкор этсанг мабодо,  
Қадим дутою, кўлда асадир.  
Кел, ҳосил айла ёлғиз Муродим,  
Васлинг, Калоний, чин муддаодир.

## ОЙЖАМОЛИМ БИЛСАЛАР

Кошки кўнглим хоҳишини ойжамолим билсалар.  
Гулбадан, ширин забон, ул шаҳду болим билсалар.  
Билмайин қалбимда борин менга боқмай ўтдилар.  
Шул сабаб ҳаддан зиёд чеккан азобим, билсалар.  
Оlam ичра севги бўлсин ҳар дақиқа чин вафо.  
Бу юракнингдир хитоби, баркамолим билсалар.  
Ишқ-муҳаббатнинг ҳақиқида бу дилим ашъор тўкир,  
Куйга соглай қалбим ашъорин рубобим, билсалар.  
Мен қалам тебратмоқ истайман муҳаббат аҳли-чун,  
Севги толибига дарслайдир китобим, билсалар.  
Ўзга ёр ишқи менга ҳаргиз керакмасдир, Калон,  
Ўзларида эрта-кеч ўю хаёлим, билсалар.

## ҒАЗАЛХОН БЎЛСАЛАР

Кошки кулбам ичра ул дилдор намоён бўлсалар,  
Эртамас, индин эмас, шул лаҳза, шу он бўлсалар.  
Гар қўёшим бўлсалар мен кундузи, ҳеч тун эмас,  
Сайроқи булбул бўлай зебо гулистон бўлсалар.  
Нур-зиёлар эрсалар мен ул аро сингиб кетай,  
Тез бўлай сўзсиз мұяссар гар шараф-шон бўлсалар.  
Мен учун ёт бўлсалар жоним бериб, ошно этай,  
Ўргилай, минг айланай содик қадрдан бўлсалар.  
Сув париси бўлсалар дентизга ташлайман ўзим,  
Соҳиби жаннат бўлурман, ҳуруғилмон бўлсалар.

Иккимизни ажратишнинг бўлмасин ҳеч чораси,  
Тан бўлиб қалбимда сақтайман ширин жон бўлсалар.  
Эрта-кеч тинмай, Калон, ўткир қаламни тебратиб,  
Энг гўзал шеърлар битай сердид разалхон бўлсалар.

## КОРИ КЎПДИР

Баланд тоғ чўққисининг қори кўпдир,  
Нигоримнинг менга озори кўпдир.  
Висолини сўраб борсам, нетайким,  
Ўзини соглани бозори кўпдир.  
Десам: ҳажрингни(нг), ёр, саҳроси бисёр,  
Дегай: васлимни(нг) ҳам гулзори кўпдир.  
Менинг гул юзлигим ёлғиз ўзиdir.  
Унинг ишқида ёнтан ёри кўпдир.  
Кетай дейман олиб бошим ва лекин  
Кўнгилнинг унга айтар зори кўпдир.  
Ўқинма, эй юрак, бағрини тош деб,  
Атиргулнинг ҳамиша хори кўпдир.  
Калоний, сабр эту мардана турғил,  
Муҳаббатнинг жафоли кори кўпдир.

## ДИЛРАБОЙИМ

Дилрабойим қоплари тоқ-тоқ учар,  
Бу муҳаббатданни менга хушхабар.  
Кўзларим яшнаб кетур, яйраб кетур,  
Юзларига завқданниб солсан назар.  
Боққанимда кўзларин ёшурсалар,  
Боисин билмайману менга ёқар.  
Дилгинам дук-дук этиб ўйнар нечун,  
Тўқнашиб қолса нигоҳимиз агар.  
Жильвагардир нозлари, имолари,  
Кулсалар кулгичлари қалбим ёқар.  
Рашқ ўтида ўртаниб, тўлғонаман,  
Офтоб кўқдан туриб нега боқар?  
Вактларин беҳуда олмай деб, Калон,  
Гарчи кўпдир, шеърни қилдим мухтасар.

## ОЛ, ЁР

Ишқ тўла қалбимни тутдим ол, ёр,  
Бўлма ҳайрон, қолмайин ҳеч лол, ёр  
Ул муҳаббат йўлига нурлар сочиб,  
Бахши этар оламча истиқбол, ёр.  
Ғам, аламлар лашкарин ҳайдаб солиб,

Айлагин кўнглимни энг хушқол, ёр.  
Гар висол сўрсам, гулим, рад этмагин,  
Лабларингдан сипқарай бир бол, ёр.  
Нега сескандинг, бўйингдан ўргилай,  
Тегдику елканга мажнунтол, ёр.  
Берубор севгим баён айлаб, Калон,  
Мен газал айтсан қулоқ сол, ёр.

### КОШОНА КЕРАҚДИР

Қалбим тутаман, олгани жонона керакдир,  
Қош, кўзи қора, лаблари хандона керакдир.  
Қайғуни чекиб, ғамни ичиб қолмади сабрим,  
Умримга азиз ҳамдаму ҳамхона керакдир.  
Кўнглим қуши дер: нўші этаман севги шаробин,  
Ишқ бодасидан ичгани майхона керакдир.  
Лов-лов ёнаман, чўр бўламан, қип-қизил оташ,  
Тафтимда исиб олгани парвона керакдир.  
Ишқида десам мажнуни девонса бўлай мен,  
Айтдики анга ошиги мардона керакдир.  
Муклисларимам анча бўлиб қолди, Калоний,  
Шеъримни ўқиб бергани кошона керакдир.

### МАДҲИНИ КУЙЛАШ ЭРУР

Оҳқим, ул дилрабо хупрў зрур, дилкаш зрур,  
Оlam ичра тенги йўқ бир бемисл маҳваш зрур.  
Ишқининг ўтида куйсам қилмагайдир эътибор,  
Мен фақир бечоранинг кори уни қумсаш зрур.  
Ортига бир қайрилиб боқмаслигидан дорман,  
Кокилига диглинам боғалиқ зрур, чирмаш зрур.  
Ўзгалар унга боқар бўлса ёнарман қизғониб,  
Ул бўлакка қайрилиб боқса дилимда ғаш зрур.  
Таклиф этсан соҳилига сойни(нг), найлай, келмади.  
Ниятим қалбимда борин ёр учун сўйлаш зрур.  
Бебаҳо таърифига умримни баҳш айлай, Калон,  
Ушбу шеърдан муддао ҳам мадҳини куйлаш зрур.

### УМР ОЗЛИК ҚИЛУР

Дилбарим ҳусн оламин кўжида парвоэлик қилур,  
Дилраболар ичра доим шўжи шоввозлик қилур.  
Ҳуснини кўз-кўзлабон яйраб хиромонлар этар,  
Васлини сўрсам ва лекин ўзни кўп нозлик қилур.  
Бир нафас ҳажрининг саҳросига сургун айласа,

Кўз ёшим киприкларим остида дорбозлик қилур.  
Мен унга манту баҳорим бўл десам, найлайки, ул  
Гоҳ совиб қишилик қилодир, гоҳ исиб ёзлик қилур.  
Севгимиз куйини ижро эттани соз изласам,  
Жонгинамнинг қўллари қарсак чалиб созлик қилур.  
Чин садоқат боғида жавлон уродир эрта-кеч,  
Чин вафо бобида менга яхши устозлик қилур.  
Эй Калоний, мадхини ёзмоқни ният айласам,  
Етмагай қоғоз, қалам, минг-минг умр озлик қилур.

### СЎРАМАЙДИР

Васлингни сўрар дил, сендан осмон сўрамайдир,  
Осмонни қучолмас, уни ҳеч он сўрамайдир.  
Ишқинг-ку асиш мақсади, ишқ бўлмаса - армон,  
Мақсадга етиргил, сира армон сўрамайдир.  
Ҳажрингда эзив, ўртаганинг неки, балодир.  
Войдодки, ахир, ул сира ҳижрон сўрамайдир.  
Жонингми керак ёки тўзал ёр десалар гар,  
Ёримни беринг дейди, бироқ жон сўрамайдир.  
Ёлончи бу дунёда яшаш камми, ўзинг айт,  
Рост сўзни дегил, ватъдан ёлрон сўрамайдир.  
Жаҳлинг-ла Калонийни дема ошиги қонхўр,  
Латлингни бўёри етадир, қон сўрамайдир.

### ШОДМАН ЖУДА ҲАМ

Шодман жуда ҳам, ёр, мени ҳам кўзга илибдир.  
Расмимни олиб дастига, бир зум тикилибдир.  
Ёзган хатини олдиму юз-кўзима суртдим,  
Мен ҳақдаги ҳар шубҳа-гумондан қутулибдир.  
Шайдо бу кўнгил севгини изҳор этавер дер,  
Кўрганда, бироқ сўз демайн тил тутилибдир.  
Не бўлгай экан совчи қўйиб, баҳтими кутсам,  
Қалбимдаги соф севгини ёр энди билибдир.  
Рашк ўти мени қийнаса қон йиглаганим дам.  
Бўғзимга келиб нега бу жоним тиқилибдир.  
Мен ерману осмонда қуёшим ўша дилбар,  
Нуридан унинг ерга ёрулик тўкилибдир.  
Ишқ амри билан зумда қулар тордаги тош ҳам,  
Пойига турурим чўккалаб, сўнг йиқилибдир.  
Боримни, Калоний, этаман ёrima түхфа,  
Ушбу ғазалим ҳам гўзалим-чун битилибдир.

## ТАШЛАБ КЕТАР

Боқмагин, қалбим, сени ташлаб кетар.  
Икки қўзимни(нг) мени ёшлаб кетар.  
Сув қилиб бағрим хусн офтобида,  
Бемуҳаббат кўнглини тошлаб кетар.  
Кўйдирив жисмимни ишқ ўти билан,  
Оҳларимдан кўнглини хушлаб кетар.  
Ихтиёримдан жудо айлаб, ионн,  
Ўзга ёрнинг дастидай ушлаб кетар.  
Бемеҳр нозик ярамга туз сепиб,  
Етти қат терим шилиб, ошлаб кетар.  
Тиз чўкай деб йўлига йўл пойласам,  
Чап бериг ул йўлин алмашлаб кетар.  
Бевафога берма дил ҳеч ҳам, Калон,  
Хору зор айлаб сени ташлаб кетар.

## ШЕЪРНИ ЭТ ИШҚҚА МУНОСИБ

Қаро сочингни қўзғитди саболар,  
Муаттар бўйга йўғрилди ҳаволар.  
Овозингта ширин жоним тасаддуқ,  
Нитоҳинг мингта дардимни даволар.  
Ишондим севигига, бердим дилимни,  
Сени четлаб ўтар бўлсин балолар.  
Висолингдан бошим осмонда, шодман,  
Вале ҳажринг алиф қадимни ёлар.  
Садоқат бобида бўлдим улуғвор,  
Вафосизни Яратган зот жазолар.  
Калоний, шеърни эт ишққа муносиб,  
Элим шеърга қараб ишқинг баҳолар.

## БАЁН АЙЛАР

Сенинг ишқинг, малак сиймо, қўзим ёшин равон айлар,  
Нечун ҳам ортиқ ўйлатгай, бу ҳолимни ёмов айлар.  
Ажаб савдо экан эркам чиройингта боқишилик ҳам,  
Жамолинг партави қалбим муҳаббатга макон айлар.  
Гўзалликда гулим, гўё азизликда дилимдирсан,  
Ахир, жоним, фидойингман, нечун қалбинг гумон айлар?  
Сўлим боғларда кезгандা сўраб гулрў висолингни,  
Ажабким, рашик этиб гуллар сени мендан ниҳон айлар.  
Кўзинг қўзимга туғланда юзинг ранти анор бўлди,  
Бу кўркингдан дарак бергай, ҳаёнгдан ҳам нишон айлар.  
Қилурсан балки кўнглимни мунаввар деб шаҳаншоҳим,  
Қалам бирла Калон сенга юрак дардин баён айлар.

## ЙИФЛАГАЙМАН ЗОР-ЗОР...

Соғинганда, дилбарим, дилим йиғлар зор-зор.  
Дилим йиғлар ва лекин раҳм қилмас ёр-ёр.  
Сулув ёрни севдим деб, қувончим зўр, кўксим тор,  
Нетай, аммо сулувим қилур мендан ор, ор.  
Узатсам қўл нечундир олиб қочгай қўлин ул,  
Сигмагайман оламга, дунё қўзга тор, тор.  
Ёлвораман чўкиб тиз, чексиз оҳу нолалар,  
Оҳ бунчалар ўзимни айладим кўп хор, хор.  
Кутавериб интизор қоматларим букилди,  
Сочларимга ёғилди ошиқона қор, қор.  
Ёрсиз ҳаёт ҳаётмас, жонга тегди яшаш ҳам,  
Осай дейман ўзимни гоҳи қуриб дор, дор.  
Шеърий мактуб узатсам олиб ўқиб кулибди,  
Кўнгил узмам, Калоний, демак умид бор, бор.

## САБОГИ КЎПДИР

Ёримни(нг) менга берган дарсу сабори кўпдир,  
Дарсу саборидан ҳам берган сўроғи кўпдир.  
Севгимни(нг) чиплигига шубҳа қилурми, билмам,  
Эттан синовларининг сону саноги кўпдир.  
Ёди билан ҳамиша бир зум зерикмагайман,  
Кўнглим кезиб юришта кўнглиниң бори кўпдир.  
Баҳона лола сайли, висолга таклиф этсам,  
Рад айлагай ҳамиша нозу фирори кўпдир.  
Ўртанди жон-жаҳоним, арзимни кимга айтай,  
Ҳажрида ўртанишдан қалбимни(нг) дори кўпдир.  
Ғам чекмагум, Калоний, кўнглимни тун этар деб,  
Ҳар лаҳза нур берувчи ишқин чироги кўпдир.

## БЕЧОРАДИР

Ваҳ, гариб, шўрлик дилим, ёр ишқида овворадир.  
Пойига бошин эгиб, васлин сўраб ёлворадир.  
Қанча кўп ёлворса у, ўртанса у, ўксинса у,  
Шунча кўп ёр ноз этиб, ҳижрон йўлидан борадир.  
Ҳажрининг йўлида, аммо рам, алам оғуси кўп.  
Ишқида куйган дилим мажбур бўлиб сипқорадир.  
Мен анга меҳрим булоридан шароб тутсам, vale  
Ул маломат тоши бирлан дилни қаитиқ ёрадир.  
Бир иложини қилиб сұхбатта таклиф айласам,  
Розиман деб келмади, оҳ, бунчалар маккорадир.  
Ишқ ҳаётнинг лаззатидир дер здилар, зй Калон,  
Не учун қалбим мени ишқ дардидан бечорадир.

## ЁРИМ КЕТУР

Ох, нетай, ташлаб мени ёрим кетур,  
Қолдириб йүгимни, бор борим кетур.  
Күзларим күрмас, қолиб зулмат аро,  
Мен адо бўлдим-ку, нурдорим кетур.  
Дашт мисол, саҳро мисол шўрлик дилим,  
Яшнаган обод гулузорим кетур.  
Эл аро, найлай, гурурим синдириб,  
Шаъну шаякат, номусу орим кетур.  
Не учун апиким равондир, боиси  
Бахтиму тахтимга даркорим кетур.  
Эй Калоний, энди не даркор қалам,  
Дилдати бокира ашъорим кетур.

## ЗУФУНУНДИР

Ҳаётим борича ёрим учундир,  
Шу ёрим бор экан бахтим бутундир.  
Ва лекин ул нечун ҳажрида қийнар,  
Дилимнинг ич-ичи вайронা, хундир.  
Деманг, осмонни қоплабдир булатлар,  
У қалбим ёнса, чиққан бир тутундир.  
Кўнгил беҳад яқин, аммо висолга  
Етолмайман, йўли беҳад узундир.  
Дилим лолу ўзим ҳайрон эрурган,  
Муҳаббат риштаси кўп сертугундир.  
Вафо бирла садоқат ҳикматига  
Амал қилгая, Калоний, зуфунундир.

## ОДАМ ОЛУР

Дейдилар: тафтини одамни фақат одам олур,  
Лекитин нодон кишидан аҳли доно ғам олур.  
Жабридан кўнгли қаро улфатларингният дөвсан,  
Қил тасаввур, кўл яқин бўлса иморат нам олур.  
Қалбидан нурлар сочувчи ошинога бўл яқин,  
Не учунким нур-зиёдан дил қувват ҳар дам олур.  
Ҳамнафас бўл доимо ақди расолар ҳайлита,  
Суҳбатидан дилгинанг ҳам завқу шавқ, малҳам олур.  
Етмагай дасти ҳечам олисдаги улфатни ҳеч,  
Кўл узатсанг гар уни ёнингдаги ҳамдам олур.  
Эй Калоний, яхши ҳамроҳлар билан ўтказ умр,  
Ким қоронғу тунда юрса қўлга албат шам олур.

## ҒАМЛАРДАН ГАПИРМАНГЛАР

Ёронлар, шод бўлиб доим, аламлардан гапирманглар,  
Бу олам шундоғам ўткинчи, ғамлардан гапирманглар.  
Бу кун омад кулиб, толе қўёши нур сочар тинмай,  
Фалакдан ғам ёғиб турган у дамлардан гапирманглар.  
Кулиб, яйраб яшаш баҳтига ҳар инсон эришсинким,  
Шафоат аҳли бор бўлсин, ситамлардан гапирманглар.  
Сўзи бирла дили бир кимсалар сұхбатта мавзудир,  
Хиёнаткор, раҳмисиз бекарамлардан гапирманглар.  
Фаровон бўлсину ҳалқим, улансан тўйга тўйлар ҳам,  
Вафоси йўқ, садоқатсиз одамлардан гапирманглар.  
Калон, мадҳу сано айтсан диёнат аҳлига доим,  
Бу олам шундоғам ўткинчи, ғамлардан гапирманглар.

## ГУЛРУХСОР

Қадам ранжида кил кулбам аро оҳиста, эй дилдор.  
На хуш бўлгай қулоқ очиб кўришсак иккимиз дийдор.  
Сенга интиқ дилим токай ҳажр зулмида ўртангай,  
Билурсан-ку, ахир, ўн тўрут ёшимдан сенга мен ҳунгтор.  
Келиб, жоним, жамол кўрсат, висол йўли равон бўлсин,  
Нетай, токай рақиблар ўртамиз бўйлаб қурадевор.  
Куйиб кеттай рақиблар, ошинолар шоду хуррамдир,  
Ширин сұхбат куриб бир дам этишсак иккимиз гуфтор.  
Муҳаббатдан, садоқатдан, Калоний, завқ билан куйлаб,  
Ўқиб ўтли ғазаллар овлайн кўнглингни гулрухсор.

## ДУНЁ БИЛИБДИР

Менинг шайдолигим жоно билибдир,  
Кўзимдан ё, сўзимдан ё билибдир.  
Ёниб оташга айланган дилимга,  
Муҳаббатнинг олови жо, билибдир.  
Мисоли Вомиқин ишқини яққол  
Вафодори тўзал Узро билибдир.  
Ўзим айтмоқ учун журъат тополмам,  
Нигоҳимдан ўқиб, доно, билибдир.  
Бўлак ёр севгисин дилга йўлатмам,  
Унинг ишқи эрур якто, билибдир.  
Калоний, севгидан бонг урсанг арзир,  
Асила ошиқлигим дунё билибдир.

## НИДО ҚИЛИБДИР

Ҳар кимки агар вафо қилибдир,  
Жонига ўзин сафо қилибдир.  
Ёлронни қийиб ташласа, амма  
Билгилки, у кўп хато қилибдир.  
Чанг солса бирор ризқига очкўз,  
Ботига бутоқ бало қилибдир.  
Имони анинг тутал экандир,  
Гар дилда киши ҳаё қилибдир.  
Нафсига учиг зинога юрса,  
Шаънини қуюқ қаро қилибдир.  
Фарзанди азиз билур муқаррар,  
Кимлар отасин ризо қилибдир.  
Ҳар дам онасин кўтарса бошга,  
Жаннатда макон бино қилибдир.  
Гар элга ситам этса зулмкор,  
Умрия ўзин жафо қилибдир.  
Дилдан куюниб дардли Калоний.  
Ёшларга қараб нидо қилибдир.

## ВАСЛИ БИЛАН ДАВО ҚИЛУР

Ўйлама, ёр ўзи келиб, васли билан даво қилур,  
Нози билан куйдирадир, ёндирадир, адo қилур.  
Қиз бола ишқи дилладир, қалбига кўзни ташлагин,  
Севдим демоққа ийманур, ҳаё қилур, ибо қилур.  
Меҳру мурувват айлатгин, сийла ширин сўзинг билан,  
Рози дилингни сўзлассанг, рози бўлиб, ризо қилур.  
Кўнглини гар оломлассанг тоққа чиқиб тошингни тер,  
Қалбига йўл топсанг агар васли томон имо қилур.  
Севса агар кўзларидан зиё сочиб, меҳр сочиб,  
Ҳажрида оғрисанг агар васли билан даво қилур.  
Вафони хоҳлассанг, Калон, анга хиёнат этмагин,  
Бўлса асил садоқатинг, яхши кўриб вафо қилур.

## БЎСТОН БЎЛИБДИР

Нигорим ҳусни бир бўстон бўлибдир.  
Чиройига улус ҳайрон бўлибдир.  
Қаро тундек қаро зулфи анингким,  
Муаттарлиқда гул,райхон бўлибдир.  
Қўлига соз олиб қилса наволар,  
Мисоли андалиб сайрон бўлибдир.  
Дилидан жой оломмай доғдадирман,  
Менинг қалбим анга ошён бўлибдир.  
Келиб ишқининг ўтига дилим дуچ,

Нетай, лов-лов ёниб сўзон бўлибдир.  
Висолига етолмай оҳ чекищдан,  
Чароғон толейим вайрон бўлибдир.  
Калоний маджини ёзган экан, бир  
Жилоли, бекиёс достон бўлибдир.

### ШЕЪР БИТУРМАН БЕШУМОР

Мента, кел, эй дилрабо, бер эътибор,  
Қил қадам ранжида, этма интизор.  
Қўзларим йўлингда тўрт, тоқ тоқатим,  
Ўртаниб кетган дилим кўп беқарор.  
Кўрсатиб меҳринг, саҳоватпеша бўл,  
Бу азобдан қутқариб, эт баҳтиёр.  
Баҳраманд қилгил висолингдан, валие  
Етмасам васлингта дунё тангутор.  
Дилдати ишқим оқар дарё мисол,  
Ҳам мусафро, ҳам тиниқдир, бенубор.  
Софлигин қалбим биларму деб, Калон,  
Сен учун шеърлар битурман бешумор.

### НИГОРИМ

Нигорим мисли йўқ зебо, гузалдир,  
Юзидан нур ёғар, сўзи асалдир.  
Кетар яшина бўзига тушса чашмим,  
Дилим ишқи билан оғриб, касалдир.  
Бирор дам ҳам, ахир, биз ажрамасмиз,  
Хаёлимда висоли ҳар маҳалдир.  
Унинг бирла ажойиб жуфт эрурмиз,  
Қиёсимиз сўлим бир байт газалдир.  
Ёмон ният билан ким боқса, ҳайҳот.  
Унинг ўйнашгани қотил ажалдир.  
Калоний шеърига маъно берувчи,  
Нигорим сўзлари ҳикмат, маталдир.

### ЁРИМ ЎТАР

Кўчамиздан тонг маҳал ёrim ўтар,  
Аҳдига содик, вафодорим ўтар.  
Чор тарафга хуш муаттар бўй сочиб,  
Товланиб ял-ял гулузорим ўтар.  
Термулиб турсам кўзим яшнайди хўб,  
Қалбида ишқ, меҳри бисёrim ўтар.  
Не учун завқим тошиб кетмас, ахир,  
Яйратиб дил яхши гулёrim ўтар.

Хосиятли Лайлатулқадр каби,  
Хосиятли, файзали дилдорим ўтар.  
Ол қалам, қоғоз құлингта, эй Калон,  
Энг сұлым достону ашъорим ўтар.

## ОВВОРАДИР

Войки, қалбим берақм ёр ҳажрида минг ёрадир.  
Ёра бұлса кошки зиди, балки пора-порадир.  
Пора-пора дилга дори васлидан деб, то ҳануз  
Васлиға етмоқни истаб, дилгинам овворадир.  
Ҳажрида ўлған эсам меҳри тирилтиргай мени,  
Билмадим, қай пайт висол боғига бошлаб борадир?  
Мен најжот истаб анинг, шириң сүзига зорман,  
Ул газаб бирлан бокар, ох, бунчалар бадкорадир.  
Эй Калоний, қисматим ҳижронда күл бўлмоқми ё,  
Нега шўрлик толейим қалбим уйидек ҳорадир?

## БИЛМАСАНГ, БИЛ

Сени деб куяман, билмасанг бил, ёр,  
Қайғуга уяман, билмасанг бил, ёр.  
Ишқ корин сўрама, жонгинам, не деб.  
Жойига қўяман, билмасанг бил, ёр.  
Муҳаббат оташин туйдиму куйдим,  
Бир қозонкуяман, билмасанг бил, ёр.  
Оч дилим васлингу жилоларингта  
Қачон мен тўяман, билмасанг бил, ёр.  
Тутаган сабр ҳам, тутаган тоқат,  
Ҳаётдан тўяман, билмасанг бил, ёр.  
Бир кулиб қарасанг, топаман ором,  
Муруват туюман, билмасанг бил, ёр.

## ЭЙ ХУДОЁ...

Эй Худоё, бор экансан, менга не даркор ёр.  
Не қилурман ёр истаб, сен ўзинг тайёр ёр.  
Ошириңман беқиёс содик, ўзингсан севганим,  
Беадад ҳажрингда қақшаб йиғлагайман зор, ёр.  
Энг гўзал ҳам сен ўзингту энг сұлым ҳам сен ўзинг,  
Шул сабабдан бўлди кўнглим то абад хуштор, ёр.  
Бу жадон зеболариндан кўзни юмдим воҳ деб,  
Кўзни очсан сев турарсан доимо дилдор, ёр.  
Менга бу ўткинчи олам ҳурлари, айт, не керак,  
Сен ўзингсан мутлақо қалбим уйида бор, ёр.  
Еру кўк подпоҳидирсан, ожизингман, бир қулинг,

Айлама ожиз қулингни ҳеч умидсиз, хор, ёр.  
Яшнасин ишқинг, Калоний, ўзга ишқни найлайин,  
Ул қүёш васлингдан ўзга мента бахт бекор, ёр.

### ИНСОФ БЕР

Эй Худо, ҳар баңдага имон билан инсоф бер,  
Мехрибонсан, бу умрни тозаю шаффоф бер.  
Ҳеч киши шайтон лаъйиннинг йўлига юз бурмасин,  
Бўлсин ҳар мақсад адолатли, ниятни соф бер.  
Кексалар диндан кочиб ҳар хил маҳомга йўргалар,  
Пок этиш-чун бу жаҳонни тўғрисўз кашшоф бер.  
Нафси бадлар кўзлари ҳеч тўймагай олам аро,  
Сен уни тўлдиргани қумдан гарам бир ҳоф бер.  
Хур сўрарман, нур сўрарман, иззату икром яна,  
Лофи бирлан мен сўрарман, майли, сея белофт бер.  
Дер Калоний: бу замон аҳлида тавфиқ қолмади,  
Эй Худо, ҳар баңдага имон билан инсоф бер.

### СОНУ САНОГИ КЎПДИР

Мехримни(нг) сенга, ёрим, қайнар булоги кўпдир.  
Қалбинг этарга ёруғ қалбим чирони кўпдир.  
Кўнгил яқинлигини таърифга сўз тополмам,  
Васлингни(нг) йўлини лек нега йирори кўпдир.  
Ўзга макон равомас, қалбим эрур маконинг,  
Ҳаргиз зерикмагайсан ишқ тўла бори кўпдир.  
Қалбимни олу аммо термулма ҳаддан ортиқ,  
Ҳажрингда куйганидан жисмида доғи кўпдир.  
Боқмай ўтиб кетурсан, ўксинса кўнглим айтур:  
Севгили ёрнинг гўзал нози фирори кўпдир.  
Жон чекмасанг, детайлар, жонона сенга қайда,  
Ҳижрон кетидан висол келса фарори кўпдир.  
Хуснингни таъриф этсам бўлмас адо, Калоний,  
Мадҳингда ёёсам разал сони-саноги кўпдир.

### ТИЛАГИМ БОР

Покиза, мусаффою, гўзал, соф юрагим бор,  
Бас шундоқ экан, юртима ҳар дам керагим бор.  
Завқ бирла боқиб, баҳра олиб ўнту сўлидан,  
Тупроғу тошин кўзга сурисиб ҳам силагим бор.  
Севгимни(нг) зиёсини сочиб ҳар кеча-кундуз,  
Бошдан оёғин зар била ҳар дам ўрагим бор.  
Мехрини(нг) жилосини кўриб яйради қалбим,

Жонига ширин жоними мангу улагим бор.  
Ишқини макон эттани-чун дил уйи қутлуг.  
Корини этишликка бақувват билагим бор.  
Амрини бажо эттани тайёр Калоний,  
Гуллаб яшасин, ҳур бўлибон деб тилагим бор.

## НЕ БАХТКИМ...

Жаҳонга келдиму энди кетишга хоҳишим йўқдир,  
Ширин жондан кечишлиқка асосли ташвишим йўқдир.  
Не бахтким, эркиёрдирман, ажойиб ҳур дие́рим бор,  
Ҳаётим фасли ёз доим, ҳазонрез куз, қишим йўқдир.  
Ҳалол ишлаб яшайдирман, хиёнат менга бегона,  
Юзим ёруғ эрур манту, пушаймонлик ишшим йўқдир.  
Қаторим яхши инсонлар учун қутлуг макон бўлмиш,  
Вафо аҳлига йўлдошман, вафоси йўқ қишим йўқдир.  
Дили покиза инсонни Этам саҶлар балолардан,  
Дилим поку муродим соғ, менинг ҳеч қўрқишим йўқдир.  
Каловий, боқ ҳаётимга, ҳавас қилмоққа арзийди,  
Жаҳонга келдиму ҳаргиз кетишга хоҳишим йўқдир.

## ЎЛИМ БАРҲАҚ

Ўлим барҳақ экан, бир кун келиб нашъу намо айлар,  
Тирикликнинг жилосин йўқ қилур, буткул адo айлар.  
Умр поёнига еттач келиб қошингга Азоид,  
Ширин жонингни олмоқни ўзига муддао айлар,  
Қолиб кеттагай уйинг, жойинг, қолиб кеттагай бору рогинг.  
Қаро тупроқ қучорига азиз жисмингни жо айлар.  
Йигиб олтину гавқарлар, йигиб сўм бирла долларлар,  
Етолмас ҳеч киши мақсадга, вақтида қазо айлар.  
Ишонма кучу қудратта, ишонма дўсту улфатга,  
Алар ожиз, ўлим шаксиз бериб дард, баднамо айлар.  
Қачон келгай, бироқ ҳеч ким билолмайдир, муаммодир,  
Умр бўлсин зиёд деб кас туну кун илтижо айлар.  
Ширин фарзандларинг, кому қариндош, дўсту ёрлар ҳам  
Этолмайдир халос, ўлсанг фақат йиғлаб азо айлар.  
Ғаниматдир умр, ҳаргиз уни бефойда ўтказма,  
Савоб ишларга қўл урсанг одамлар хўб дуо айлар.  
Ўлим даҳшат эрур, ундан қочиб кргай балолар ҳам,  
Ва лекин юрт талаб қиласа киши жонин фидо айлар.  
Қўлингдан қанча келса шунча қилгин яхшилик, шунда  
Ўшал эзгу ишинг бир кун мозоринг турсиё айлар.  
Калоний, гар дили бўлса диёнатлию, инсофли,  
Ўлим келмай туриб албат элу юртии ризо айлар.

## ОРТАДИР

Бевафо дунё экан, тобора ғамлар ортадир,  
Мусибат, фожиаю қайғу, аламлар ортадир.  
Нур кетиб гул чехралардан, дил уйи хуфтон мудом,  
Лабда күлгү йүк бўлиб, кўзларда намлар ортадир.  
Кунба кун баҳтим қарою толеим бўлгай забун.  
Мехрибонлик истасам жабру ситетмлар ортадир.  
Даҳри дуннинг шевасидан не учун доғ ўлмайин,  
Аҳли доно оз бўлиб, энг муттаҳамлар ортадир.  
Йўқ умид сўнгав кўнгиллар бағрида орзуларам,  
Қадди роз ғойиб, бу дамлар боши ҳамлар ортадир.  
Юргани йўл, ётгани жой, тургани манзил қани.  
Туҳмату иғвою бўхтоңдан ғарамлар ортадир.  
Эй Калоний, бевафо оламга не бўлган ўзи?  
Айт, қачон ғамлар кетиб, лутфу қарамлар ортадир?

1990 йил

## КЕЧАЛАР

Дилрабо, афғон чекарман сендан айру кечалар.  
Қоп-қаро айлар дилимни тим қоронру кечалар.  
Не учун шодлик ҳиссин тарқ этди қалбингиз дема,  
Тортаман оҳлар, чекиб ҳажрингда қайғу кечалар.  
Үйларим кўзгусида ҳар дам намоён гул юзинг,  
Кўзларим тарқ айлагай мангуга уйқу кечалар.  
Уйқусизлиқдан азоб чексам ўқинмам, боиси  
Үйларингдан бебаҳо қалбимда инжу кечалар.  
Мен гарibu нотавон ҳажрингда қон йирлайману,  
Сен рақибнинг базмида этдингми кулгу кечалар.  
Эй Калоний, гар дилинг ишқ бирла зебо айласанг,  
То абад умрингга ул сочгуси ёғду кечалар.

## ҚАНЧА СЕВСАМ ШУНЧА ОЗ

Дилрабойим кулсалар қалбим шу дам хуррам бўлур,  
Кўз ёшини тўксалар шодлик кетиб, пургам бўлур.  
Чексалар бир дард агар, минг бир азобин тортаман,  
Дил уйим абгору дийдам ашки бирла нам бўлур.  
Бир эрур орзуимиз, ҳам, бир эрур тақдиримиз,  
Не аларга бўлса пайдо, менга ҳам шул дам бўлур.  
Юзларивинг нуридан тун бўлса олам тонг отур,  
Пойлари етган макон озодаю кўркам бўлур.

Гар дилимда мавж ураг севитимни эъзоз этсалар,  
Дардларимга малжаму, умримга толе ҳам бўлур.  
Эй Калоний, дилрабойим қанча севсам шунча оз,  
Не учунким ул каби дунёда хушрў кам бўлур.

### ЗАВҚИНИ ЧИН ДИЛДАН СУРУР

Дод десам озлик қилур, войдод десам қамлик қилур,  
Ёр рақибим ёр этиб, мен ҳастани ёт деб билур.  
Оҳ уриб, фарёд этиб тиямай чекарман нолалар,  
Ҳажрининг тиги билан қалбимни минг жойдан тилур.  
Юз буриб нурли қўёшидан, бутунлай воз кечиб,  
Ваҳки, зулмат қатрига бағрин очиб кенг интилур.  
Гар десам меҳримни(нг) нурин сенга савю айлайин,  
Рад этар, боиси не, ёқмайди, айтинг, нега нур?  
Мен куйиб тақдирига жонлар чекарман, лекигин  
Шум рақиб банди этиб қалбини, айлайди ҳузур.  
Гоҳ десам зебо тақинчоқлар бериб қўнглини олай,  
Дастига тилло узук, бўйнига ҳеч тақмайди дур.  
Чорасиз қолгац, Калоний, дастима тутдим қалам,  
Зора деб зебо ғазал завқини чин дилдан сурур.

### ИНТИЛСА БЎЛУР

Ёр дардимга шифо чорасини қилса бўлур.  
Васлининг дори эконини тўлиқ билса бўлур.  
Ул менинг жонимга жон бўлмоқда тайёрдир мудом,  
Ҳажрининг тиги билан гарчи дилим тилса бўлур.  
Мен билан айру тушиш имкони йўқ олам аро,  
Шум рақиб бирла ва лек мангугта айрилса бўлур.  
Бекиёс васли унинг ойдан баланд, кундан баланд,  
Лек етиб олмоқ учун ҳар лаҳза интилса бўлур.  
Ноумидлик кўчасига кирмагин ҳаргиз, Калон,  
Жабрининг йўли нигорнинг менга беркилса бўлур.

### ҚАРАТИБДИР

Ҳуснига жаҳон аҳлинин жоно қаратибдир,  
Қалбидан этиб севгини пайдо қаратибдир.  
Ул зоти башар эрдимикан, билмадим, гўё  
Ер аҳлинин ул кўқдаги Зуҳро қаратибдир.  
Зукколар эли ичра сароси экан улми,  
Ақлу ҳушига барчани доно қаратибдир.  
Ҳар кимса агар боқса дили анда кетибдир,  
Дил муликини дилоро қаратибдир.

Кўркию муаттар бўйини армугон айлаб,  
Булбулни ўзига гули раъно қаратибдир.  
Маджини, Калон, куйла бўлиб сайроқи булбул,  
Гулни ўзига булбулигё ќаратибдир.

## ЭЙ УЛУФ ЗОТ

*Устоз Навоийнинг 550 ўиллик тўйлари муносабати билан*

Эй улур зот, шеърларингиз сочадир оламга нур.  
Мисраларнинг завқига ҳам аҳли шеър қойил зрур.  
Ким ўқиркан назмингизни шодланиб, роҳат қилиб,  
Шу замон дил дафтариға суратингизни солур.  
Ёзганингиз барчаси ҳам элсеварлик дарслиги,  
Дарслитингизни ўқиб албатта кўп ўстай шуур.  
Шеъриятнинг шоҳи дерлар Сизни бу ҳеч лоф эмас,  
Бўлса ҳозир Бойқаро ҳам пойингизга тиз чўкур.  
Бир баланд соф чўққисизким, сизга ким тоши отса гар.  
Бир тоши минг-минг бўлиб қайтиб бошини янчадур.  
Бу жаҳонда злингиздек барҳаётсиз, барҳаёт,  
Барҳаётлик бобида сизга бўлак ким тенг келур?  
Кимки кирса Калонийдек шеърият бўстонига,  
Хайкалингиз пойида бошин этиб, таъзим этур.

## ЎШАНДАНДИР

Кипи нени ният қиласа, ижобат ҳам ўшандандир.  
Бўлур ижроси ҳар доим, инобат ҳам ўшандандир.  
Агар қалби мусаффо, бўлса ёринг диёнатли.  
Бутун неклик ўшандандир, ҳидоят ҳам ўшандандир.  
Кўзин шаҳлосида шарму ҳәёси мавж уриб турса,  
Назокат ҳам, нафосат ҳам, латофат ҳам ўшандандир.  
Саховатли, ҳамиша аҳдига содиқ, нигор бўлса,  
Ҳақиқий соф муҳаббат ҳам, садоқат ҳам ўшандандир.  
Олов қалбида қатъият ҳукмрон, оқилин топгин,  
Билиб қўйким, матонат ҳам, жасорат ҳам ўшандандир.  
Калоний, худбину сирти силлиққа маҳлиё бўлма,  
Қабодат ҳам, разолат ҳам, надомат ҳам ўшандандир.

## ЭЙ ХУДОЙИМ

Эй Худойим, қудратингдир бекиёс,  
Сенга мендан битта катта илтимос.

Юртимизга ҳуррият бердинг, шукур,  
Энди турмуш шунга бўлсин мосу ҳос.  
Аввало иймонимиз бўлсин бутун,  
Қолмасин ҳеч рўзасизу беномоз.  
Тўю байрамлар олиб миллый тусин,  
Доимо шарқона бўлсин иктинос.  
Йирасин эл яхши раҳбарлар билан,  
Ҳар ёмондан сен ўзинг олгин қасос.  
Оналарни асрар доим, сор тут,  
Қизларимиз яшнасин, кўзи чарос.  
Феъли кенг бўлсин одамларнинг, vale  
Мехрин уммонарга айлайлик қиёс.  
Ҳар юмуш бўлсин мудом меъёрида.  
Ҳадидан ошганга айт: "ўпкангии бос".  
Ўери-каззобларга ҳам инсоф бериб,  
Порахўрдан элни айла тез ҳалос.  
Тозза бўлсин заҳри қотилдан ер ҳам,  
Сув, ҳаво ҳам соғ бўлсин шунга мос.  
Озиқ-оқат, мева-чева мўл бўлиб.  
Нархи арzon бўлсин ҳар қандай либос.  
Мисли жанинат обод ўлсин мамлакат,  
Юртга сайдал бер, мудом эт пардоz.  
Элсеварларга этиб жаннатни жой,  
Юртфурушини дўзах устунига ос.  
Кимки бу юрт нафига зид ишласа,  
Оғизига мум кўй, кўзига пурка нос.  
Боқмасин босқинчи кўзин кўр қил,  
Боқса гар шарманда бўлсин, алқасос!  
Ҳосил ўлсин ҳар дақиқа шул, Калон,  
Эй Худойим, курдатингдир бекиёс.

1991 йил

## БЎЛАК ЭРМАС

Этам ишқинг билан кўймас юрак бўлса юрак эрмас,  
Бунингдек парча эт менга, азизим, ҳеч керак эрмас.  
Ахир, ишқиз эшак, дардсиз кесак деб тўғри айтмишлар,  
Менинг ишқим эрур бисёру қалбим ҳам кесак эрмас.  
Агар севсанг яшарман мен, қаҳр қиласанг ўларман ҳам,  
Азиз меҳринг билан жоним менинг ҳаргиз бўлак эрмас.  
Ўзингдан ўзлагага кўнгил кўйиб ким баҳт топай деса,  
Бу гап беъмианию пучдир, билурман, ҳеч сарак эрмас.  
Сенга кўйиган мұхаббатта садоқат ҳам етарлидир.  
Бу зиг олий тилақ доим, ҳечам оддий тилақ эрмас.  
Бажармоққа сенинг коринг менда икки билак бордир,  
Ишингни қилмаса икки билак ҳаргиз билак эрмас.

Агар лозим эса жоним фиido қылгум Калонийдек.  
Деса ёғон, бу сўз асло ҳақиқатдан дарак зрмас.

### ИТОАТ ҚИЛМАСАМ БЎЛМАС

Худойим амрига доим итоат қилмасам бўлмас.  
Унинг измида чин дилдан ибодат қилмасам бўлмас.  
Умр довонидан ошдим, гаҳи ғафлатда ҳам қотдим,  
Очиб кўзни, бўлиб күшёр, ҳидоят қилмасам бўлмас.  
Бу дунё фоний эркандир, у дунё боқий эркандир,  
У дунё деб бу дунёда жасорат қилмасам бўлмас.  
Умрни бизга Оллоҳим савоб ишларга бергандир.  
Савоб айлаб, ҳәётимни ҳаловат қилмасам бўлмас.  
Бутун давлат омонатдир, анга кўп кирс киёнатдир,  
Этиб хайру, фитр, эҳсон, саховат қилмасам бўлмас.  
Калоний, дилда армоним, етишга борми имконим,  
Бориб Каъба Расулини зиёрат қилмасам бўлмас.

### ДАВР ЭМАС, ДАВРОН ЭМАС

Чин муҳаббат ҳиссини инсон турар, ҳайвон эмас,  
Туймаса бу ҳисни у, ҳайвон эрур, инсон эмас.  
Севгида бордир меҳр, бордир қадр, бор оқибат,  
Мехру қадру оқибатсиз ёр асил жонон эмас  
Севгисиз бўлса юрак оддий кесақдан фарқи йўқ,  
Ишқ учун бўлмас экан курбон бу жон ҳам жон эмас.  
Ишқ олови куйдирап жисмингни кул бўлгунча то,  
Лек ани тан олгану ҳеч кимса ҳеч тонғон эмас.  
Чўл эрур чўл, дашт эрур дашт, саҳро эрур саҳро мудом,  
Ҳеч бири ишқ амрисиз бўстон бўлиб қолғон эмас.  
Эй Калоний, севгининг қадрин йўқотса аҳли илїк,  
Бул учун айбдор ўзи, ҳеч давр эмас, даврон эмас.

### БЕСАМАРЛАРДАН ЭМАС

Севгилим кийган либоси гарчи зарлардан эмас,  
Лек тили боддан ширин, оддий шакарлардан эмас.  
Васлининг гулгун шаробидан ичиб, сархуш бўлай,  
Ишқ майи оромижон, қотил заҳарлардан эмас.  
Мен уни жондан севиб қалбим дедим, рост сўзладим.  
Негаким ул бемеҳр, ноштуд жигарлардан эмас.  
Кечаси ҳам кундузи ҳамдам ва йўлдошлиқлик қилур,  
Кун боқиб, тунда қочиб қолган қамарлардан эмас.  
Мевасию соясин қўшнига берган олчадек,  
Оқибатсиз ёр эмас, ул бесамарлардан эмас.

Қадрига еттил, Калоний, ҳам вафо күрсат мудом,  
Дилбаринг алдағ қочувчи дарбадарлардан эмас.

## КҮРИНМАС

Нигоримсиз дилим хуррам күринмас,  
Күзимга ўн сақкыз олам күринмас.  
Хаёлімдә жамолин партавидир,  
Уннингсиз хотирим әч жам күринмас.  
Күнгилга сиғмагай интичка қыл ҳам,  
Бироқ ҳамдарду бир ҳамдам күринмас.  
Хаётимниң биноси, оқ, ёронлар,  
Омонатдир, сира мақкам күринмас.  
Уни эсдан чиқарған деб ким айтса,  
У инсон мен учун одам күринмас.  
Бу күн ҳажрида бемори эрурман,  
Ва лекин дорию малжам күринмас.  
Деманг, нега разал ёзмас, Калоний,  
Нигоримсиз менга шеър ҳам күринмас.

## ЁЗИБ УЛГУРМАСАМ БҮЛМАС

Күриб күшрү жамолингни жойимдан турмасам бүлмас,  
Бориб ённингга, дилдорим, ўзим ўтириласам бүлмас.  
Агар сайду томошога қадам ранжидалар қылсанг,  
Күлингдан ушлапшиб ҳар дам ённингда юрмасам бүлмас.  
Қилиб орми, этиб хорми құвар бүлсанг ұзурунгдан,  
Гүзәл, ширин хаёлингни тинимсиз сурмасам бүлмас.  
Жаҳонга довругинг кеттағ, узоқ излаб юриб топдим,  
Садоқатнинг биносини дилимдә құрмасам бүлмас.  
Сенингсиз бу жаҳонга келдиму сенсиз яшолмаймаи,  
Висолингта қараб ухрим йүлини бурмасам бүлмас.  
Калоний, сүз бериб эрдим сўлим ашъор битурман деб,  
Тонг отгувча уни тинмай ёзиг үлгурмасам бүлмас.

## ҲАЙРОН ЭТСА БҮЛМАС

Севиш-чун дилга фармон этса бүлмас,  
Севилмай сўнг пушаймон этса бүлмас.  
Севилмоқ-чун севиш даркор юрақдан,  
Вале севмасдан армоя этса бүлмас.  
Күнгил күнгилга мос келмай, илож йўқ,  
Куйиб күнгилни вайрон этса бүлмас.  
Тикон сассиқ зур,райхон муаттар,  
Ахир, янтоқни райхон этса бүлмас.

Ҳечам фарқ этмаса гулни алафдан,  
Юрак борига боғбон этса бўлмас.  
Севилмасдан севарман деб солиб жар,  
Замон аҳлини ҳайрон этса бўлмас.  
Агар икки юрак тенг севмас зркан,  
Калоний, ишқни достон этса бўлмас.

### ТОНГ ЭМАС

Келса сал инсофга золим, этса ҳиммат тонг эмас.  
Яхшиларга кун чиқувчи келса фурсат тонг эмас.  
Баҳт кулиб, толе кулиб меҳру саховат аҳдига,  
Роҳату ором, фароғат бўлса улфат тонг эмас.  
Беадад тундай қаро кўк бағридан тарқаб булат,  
Бу жаҳон майдонидан тез кетса зулмат тонг эмас.  
Қайтса боз одил замон, юлиб чиқиб ҳаққоният,  
Бегуноҳ, пок кимсаларни этса иззат тонг эмас.  
Зулмидан шодон рақиблар қон ютиб, афғон чекиб,  
Жабридан хор қанча маҳкум топса шуҳрат тонг эмас.  
Эй Калоний, йиглама, кўзингни ёшин артиб ол,  
Шеърларинг ҳақлика илдам этса хизмат тонг эмас.

1990 йил

### АРЖУМАНД ЭТМАС

Нигорим ўз сұхбатига менни ҳеч аржуманд этмас,  
Билолмам, не сабаб, балки назар этмас, писанд этмас.  
Изидан термулиб, йиғлаб нигоҳига зурман зор,  
Меҳр бирлан боқиб, ҳар бир сўзини иўшқондан этмас.  
Менинг қалбим ширкор айлаб, ўзига банди айлабдир,  
Ва лек ишқим билан қалбин уйини нега банд этмас?  
Висолин борига сайру саёҳат мен учун орзу,  
Куяр қалбим, нечунким ул бу борни орзуманд этмас.  
Наҳот дўсту рақиб фарқини англашга эзур ожиз,  
Менга панд айлабон, ағер элига нега панд этмас?  
Замия йиғлаб фифонимдан, фалак кўз ёш тўкар, аммо  
Ҳаётимни, Калоний, ёр висоли бирла қанд этмас.

### ИШҚ САВДОСИ ТУШИБ...

Жаҳондан мен каби ошиқ топиб бўлмас,  
Ривож топгай гўзал ишқим гули, сўлмас.  
Дилим борига боқданнинг кўзи яшнар,  
Ки ишқ кирган юрак гулзор эрур, сўлмас.  
Вале ҳижрон азобидан кўзим гирён,  
Тўқилган ёшларим уммон, кичик кўлмас.  
Нечун қалбингда армон деб сўрайверманг,  
Висолига етишмасдан дилим тўлмас.

Шифо бўлгай мұхаббатнинг олови ҳам,  
Севиб қолган юрак куйтайди, бироқ ўлмас.  
Гўзал ёрим жафосидан билиб олдим,  
Ҳақиқий севгининг йўли равон бўлмас.  
Калоний, шеър ёзишни машқ қилиб қолдинг,  
Дилингга севги савдоси тушшиб хуллас.

### ЁЛГОН ДЕЙИЛМАС

Мұхаббатсиз гўзал жонон дейилмас,  
Вафоси бўлмаса инсон дейилмас.  
Фидо бўлмоққа гар тайёр эмасдир,  
У жон ошиқ учун чин жон дейилмас.  
Сўрайверма бўлак ёрлар висолин,  
Тиламчи ҳеч қаҷон меҳмон дейилмас.  
Сарой шифтига минг қандил осилсин,  
Дейилгай шифт, бироқ осмон дейилмас.  
Кипи жон чекмаса жонон топарму,  
Етишимоқ ёрга ҳеч онсон дейилмас.  
Кишининг қалбида бўлсин диёнат,  
Калоний, сўзлари ёлғон дейилмас.

### БЕҚИЁС

Хуснингиз оламда, ёрим, бекиёс,  
Кийсангиз кўт ярашмишдир либос.  
Лабларингиз боғдаги гулғунчадек,  
Рант олибдир кўзларингиздан чарос.  
Ўзгадан кўнгил узиб, менга боқинг,  
Бўйларингиз, жонгинам, бўйимга мос.  
Таллинур қалбим дилингизга шошиб,  
Мен дегайман чоп, юргургил, олга бос.  
Тўлғониб жоним фидо бўлмоқ бўлур,  
Арзигай қурбон эса, бордир асос.  
Сиз учун иқбол тилайдирман, Калон,  
Бўлса гар душман олай андин қасос.

### БЎЛСА БАС

Менга олам ичра ёримнинг висоли бўлса бас,  
Кунда офтоб, тунлари ҳуснин ҳилоли бўлса бас.  
Ўзга ҳеч кимдан нажот кутмоққа йўқдир эҳтиёж,  
Севганимнинг ишқи, меҳри бемалоли бўлса бас.  
Бу жаҳондан истамам ҳаргиз шириниллар, vale  
Ул шакарлаб дилбаримнинг лабда боли бўлса бас.  
Васлига етсам жамолига боқиб завқим ошар,  
Ҳажрида қон йиғлагум, ўю хаёли бўлса бас.

Хеч қаңон жүшкін мұхаббат завқига зор бўлмагум,  
Севгилімнинг бегубор ишқин зилоли бўлса бас.  
Эй Калоний, жон чекиб ҳеч ёзмагил шеъру разал,  
Менга ёримнинг ширин-шаккар мақоли бўлса бас.

## БЎЛМАС

Менинг дардимга дунё тор, жақон сатҳига жо бўлмас,  
Анингдек бедаво дардга бўлак кас мубтало бўлмас.  
Ададсиз жабридан ёрнинг дилим қон, чок-чок, найлай,  
Куйиб чекканларим янглиғ ситам, жабру жағо бўлмас.  
Кавокиблар фалақда қанча кўп бўлса, ундан кўп  
Десам ҳижрон азобини, ёронлар, ҳеч хато бўлмас.  
Кеча-кундуз фигон айлаб, муруват истасам,войким,  
Бу не фожиадир, анда муруват муддоғ бўлмас.  
Топилмас ҳеч дилимдек ишқ отапида лов-лов ёнган,  
Сўраб кўргин, мұхаббат дардидек ҳеч бедаво бўлмас.  
Калон, ҳасратларим шарҳин разалга жо этиш мушкул,  
Нечунким, ёзганим бирлан алар ҳаргиз адо бўлмас.

## МУҲАББАТ БОҒИ

Мұхаббат бори бир боғким, ҳазон билмас,  
Гулида хори йўқ, ҳаргиз дилинг тилмас.  
Муаттар бўйидан кўнглинг кетар яйраб,  
Бу боқча кирмаган диллар сира дилмас.  
Унинг бағрида лаҳза йилга тенгдир,  
Усиз йиллар ўтар бўлганда ҳам йилмас.  
Кўнгил боғланса узмоқлик эрур мушкул,  
Мұхаббат риштаси ипмас ва ё қилмас.  
Вафо бўлса шиори ошиқ аҳдин,  
Садоқат курсисидан четта жилмас.  
Тилингдан тушмасин мадҳи, Калоний,  
Ани мадҳ этмаган шоир тили тилмас.

## КЎРА ОЛМАС

Бахтимни мени нияти бежо кўра олмас,  
Қалбида ғараз, фитналари жо кўра олмас.  
Этмоққа ҳавас арзиса-да номи нишоним,  
Айлади ҳасад, қилимиши иғво кўра олмас.  
Кўр кўзга, ахир, нури куёш наф берадирму,  
Дарё сувини дашт ила сахро кўра олмас.  
Тенг тенги билан тиллападир ушбу жақонда,  
Аъло ишини ишлари бежо кўра олмас.

Дунёни(нг) жунун корига лол қолмай илож йўқ,  
Ёв ёв-ку, бироқ гоҳида ошно кўра олмас.  
Сўзига ани боқма, Калон, қалбига боққил,  
Табрик этадир, қалбидা аммо кўра олмас.

## АРМОНМАС

Мұҳаббат йўлига кирмөқ, ёронлар, кори онсонмас.  
Кириб анга, азобига чидолмас кимса инсонмас.  
Бу йўл андоғ равон йўлмас, хатарли манзили кўпдир,  
Ани енгиб ўтолмас бўлса ошиқ аҳли мардонмас.  
Мұҳаббат комига тушган бўлур айру ақл-хушдан.  
Жудо бўлгай ғуруридан, жунунлик асло пинҳонмас.  
Кириб олгач юракларга қиёси йўқ олов ёққай,  
Анинг олдида дўзах сўзони ҳам зарра сўзонмас.  
Ҳажр саҳросига сургун этиб қўйса агар,войким,  
Анинг бергай азобини башар оламда кўрганмас.  
Басе шундоқ, башар зоти мудом ишқ йўлига киргай,  
Одам Атосидан бошлиб у ишқдан айру тушронмас.  
Агар инсон бўлиб қолмоқ эсанг ишқ ихтиёр эттил,  
Калоний, севгили ўтган кишининг умри армонмас.

## СЎЗЛАРИНГ ГАРЧИ ГЎЗАЛДИР...

Ишқи йўқ, кўнгил хароб, вайронадир, гулзор эмас,  
Анда сас этгай бойўғли, андалиблар бор эмас.  
Ошиқ ўлонлар азиздирлар, улуғлар, муҳгарам,  
Ёрларин пойида ётган чотда ҳам ҳеч ҳор эмас.  
Кўкрагин захга бериб оҳ-воҳ чекиб ёттанда ҳам,  
Ишқ ишин айлар бажо, ул лаҳза ҳам бекор эмас.  
Севги дилдан орому кўздан олар уйқуни ҳам,  
Ошиқ эрмас ул агар тун-кечалар бедор эмас.  
Севги деб бонг урса ҳам ошиқ бўлолмас одами,  
Гар суюк ёри учун жон бергани тайёр эмас.  
Эй Калоний, сўзларинг гарчи гўзалдир, лекигин  
Севгининг нури анга тушмас эса ашъор эмас.

## ЁЛГОН ДЎСТ

Мен бу кун баҳтимни топсам, бўлмади шодмон дўст.  
Ич-ичин тирнаб, нетайким, бўлди бағри қон дўст.  
Үртсанур баҳтим кўролмай, оҳ, бу не бедодлик,

Бекиёс меҳрини кутсан, этди дил вайрон дүст.  
Даҳри дуннинг шевасидан не учун дөр ўлмайин,  
Қилмишидан ақлу ҳушни айлади ҳайрон дүст.  
Душманим қутлаб турар қаршимда, ё Раб, жилмайиб,  
Минг таассуф, ўртаниб зимидан чекар афрон дүст.  
Бу замон не айламоқлик энди хос, айтинг, ахир,  
Мен бугун бир ёну нега бўлди ўзга ён дўст?  
Бор умидим, бор ишончим орзуим дўстим десам,  
Найлайин, ғафлатда қотдим, ёв экан пинҳон дўст.  
Эй Калоний, кимни(нг) ким эрканлигини англадим,  
Ул десам чин дўст менга, афсус экан ёлғон дўст.

## СЕВГАНИМ СЕВГАН

Нигорим чашмида мил-мил малоҳат,  
Ки бошдан то оёғида латофат.  
Анинг васлига зордир аҳли олам,  
Нечунким ҳар нигоҳида нафосат.  
Севиб васлига етсан роҳатижон,  
Нетай, ҳажри солур бошимга кулфат.  
Менга кулфатлари ҳам ором ўлгай,  
Куйиб ишқида ўлмоқ чин фарогат.  
Шу боис севганим севган, Калоний,  
Мени мажнуни деб қилманг маломат.

## МИНГ РАҲМАТ

Бу дунёда ҳалол ишлаб, ҳалол юрганга минг раҳмат,  
Ҳалоллиқдан топиб баҳт, қандини урганга минг раҳмат.  
Олур лаънат агар ҳар кас диёнат измидан чиқса,  
Юриб иймонни(нг) йўлидан давр сурғанга минг раҳмат,  
Саховат ортидан доим қувишилик кўп савоблидир.  
Гуноҳ ишдан юмиб кўзни. юзин бурганга минг раҳмат.  
Сиҳат чоғингда парвона эса дўстлар ажаб йўқдир,  
Бўлиб бемор ётиб қолсанг, келиб кўрганга минг раҳмат.  
Кипи тўйига айтганда боришилик қарз зур. аммо  
Бошига мусибат тушса кўнгил сўрганга минг раҳмат.  
Бирор қургай, бирор бузгай, бирор таъмир этар тинмай  
Ки эзгулия биносини бақо қурганга минг раҳмат.  
Калоний, яхши шеър ёзган азиз ҳалқдин олур олқиши,  
Элининг олқишин ҳар дам олиб турганга минг раҳмат.

## ХУШХОН БЎЛИБ КЕТ

Аё, эй гулчеҳра, бир меҳмон бўлиб кет,  
Куруқ жонсиз танамга жон бўлиб кет.

Хароб бўлди соғинчдан жисму жоним,  
Дилим равшан этиб, дармон бўлиб кет.  
Агар шарм айласант ёт кимсалардан,  
Келиб пинҳон, тагин пинҳон бўлиб кет.  
Бўлиб бир зум намоён гулшанимда,  
Муаттар бўй сочиб,райхон бўлиб кет.  
Пойингта тиз чўкиб таъзим этай мен,  
Дилим осмонида тобон бўлиб кет.  
Камина ишқ қулиман, содигингман,  
Гулом айлаб мени, султон бўлиб кет.  
Калоний, куттаним бўлсин нуфузли,  
Олиб ваъдамни, ёр, хушхон бўлиб кет.

## ҒАНИМАТ

Ўткинчи умр ўтгуси, ҳар они ғанимат,  
Инсонга омонат танида жони ғанимат.  
Жон кетса кетар зумда қутулгуси одамзот,  
Даҳшатли шуки, жонига жонони ғанимат.  
Ўрнин бўшатур ёзу баҳор куз ила қишига,  
Булбулга жаҳон боргида бўстони ғанимат.  
Тўсгуси қуёш рўйини ҳам абри қаролар,  
Бу турфа жаҳон хуршиди тобони ғанимат.  
Давр келса, азизим, анинг сен гаштини сургин.  
Фонийнинг, ахир, давр ила даврони ғанимат.  
Кўзингта ёшинт келса тўкиб, дилни бўшаттил,  
Кўк гумбазининг вақтида борони ғанимат.  
Жон кетса қолиб кеттусидир мулку бисот ҳам,  
Эл-юргта қилиб қўйини эҳсони ғанимат.  
Ҳар бир кишининг касби азиз бўлса, Калоний,  
Шоир элига шеър ила достони ғанимат.

## АЙТ

Ишқида қалби зиёли кунми, айт?  
Ёки ҳижронида торик тунми, айт?  
Севмаганинг ортидан қолмас сира,  
Севганин ҳеч хушламас, мажнунми, айт?  
Тушганида қузи, бўлди лоларанг,  
Ёр ёноши шуничалар майгунми, айт?  
Ёр висолига етолмай ўртаниб,  
Чашимидан оқкан об эрмас, кунми, айт?  
Кўл чўзар ойга, бироқ егмас киши,  
Ҳеч етолмас, ёки у мафгунми, айт?  
Ёнига борганди қувди, ҳайдади,

Нозми бу, ё севгида сургумни айт?  
Ёзганингни ёд олибдири, Эй Калон,  
Шеърларинг ё шунча сермазмумни, айт?

## БЎЛСА ГАР ҲАҚҚОНИЯТ

Интизор эрдим, ниҳоят, келди ёрим, хайрият.  
Бўлди диллашмоқ учун бизга қулай имконият.  
Қўлларим титрайди, қалбим нега ўйнар, воажаб,  
Хосият борму ва ё, билмам, бу ҳол бехосият?  
Дилдаги ишқимни унга қандай изҳор айлайнин.  
Ёр, сени севдим десам бўлмасми, айтингиз, уят.  
Мен-ку севдим деб бу он ишқимни изҳор айлагум,  
Йўл қўярму унга айтмоқликка ҳеч вақт орият?  
Ўйламай ёрим девордим, розими у ёки йўқ,  
Рози бўлгай, бўлса бу оламда гар ҳаққоният.  
Ул этар севгим қабул деб айлагайман орзу,  
Не учунким ёрти давлат, эй Калон, яхши ният.

## ОЛИБ КЕТ

### *Дўстим Муҳаммадхонга*

Енгилсанг агар жангда, демам, жонни олиб кет.  
Жоп кетса кетар, майлига, имонни олиб кет.  
Ё қонинг дегил, ёки шараф-шонни деб айтса,  
Қонингни тўку барча шараф-шонни олиб кет.  
Бир зумда ёниб ўчгувчи бу қисқа ҳаётда,  
Чақмоқни сўраб юрмаю осмонни олиб кет.  
Саҳрода сенга нега керак олтину гавҳар,  
Ортиқча юкинг қўйгину сув, ионни олиб кет.  
Ҳар кимсага қош қоққувчи жазманга ишонма,  
Умрингни безаб тургувчи жонокни олиб кет.  
Қирларга чиқар бўлсанг агар лола теримга,  
Ҳидлаб юрасан ёнингда райҳонни олиб кет.  
Даврингдан ажраб қолмагин, эй бандай мўъмин,  
Қай ёқда кетар бўлсанг-да давронни олиб кет.  
Дўстсиз яшаган кимсада йўқ матъно, Калоний.  
Қолдирма асил дўстинг Муродхонни олиб кет.

## СЕН БЎЛМАСАНГ МУҲАББАТ

Ҳаётни мен нетарман, сен бўлмасанг муҳаббат,  
Бу дунёдан кетарман, сен бўлмасанг муҳаббат.  
Умримиз осмонининг күёшисан, ойисан,

Бахти қандай топарман, сен бўлмасанг муҳаббат.  
Бандаларинг-ку бизлар, сен-ку, акир, тангримиз,  
Нени тангри этарман, сен бўлмасанг муҳаббат.  
Жонинг не деб сўрсалар, жонона жоним дедим,  
Кимни жон деб атарман, сен бўлмасанг муҳаббат.  
Қалам тутиб бўларму бўлмаса севги дилда.  
Ғазал ёзиб нетарман, сен бўлмасанг муҳаббат.

### СЕВИБ ҚОЛГАН КЎНГИЛ...

Кўзим ёш тўкмаса дарё бўлурму?  
Оқар дарёси йўқ уммон тўлурму?  
Висолига етолмай қон эрурман,  
Ки ҳижрон даштида инсон кулурму?  
Муҳаббат гуллари яшнар дилимда,  
Бу гуллар, дўстларим, айтинг сўлурму?  
Юзи сочтан зиёдан кўз ҳамаштай,  
Куёш нури анинг олдида нурму?  
Деюрлар: не керак ишқ дарди сенга,  
Киши дил боғидан гулни юлурму?  
Калон, ўлмай дегай ошиқ бу кўнгил,  
Севиб қолган кўнгил ҳам ҳеч ўлурму?

### БИТТА МЕНМАС-КУ

Асири ишқингиз бўлган, ниғоро, битта менмас-ку.  
Бошлига ортириб олган муаммо, битта менмас-ку.  
Муҳаббатнинг зиёсидан дилингиз ёруғ айлай деб,  
Ўзи оташларига мубтало битта менмас-ку.  
Ёқиб ишқингиз ўтида дилини кул қилиб, шундоқ  
Етолмасдан муродга хору расво, битта менмас-ку.  
Чиройингизга парвона ҳисобсиз аҳли ошиқлар,  
Висолингиз этувчи муддао битта менмас-ку.  
Куйингизда куйиб мажнунсифат саҳрого йўл олган  
Халойиқ ичра кулгую томошо битта менмас-ку.  
Калоний ҳаммадан яхши этай таъриф дегай, чунким  
Ёзар мадҳингизи аҳли шуаро, битта менмас-ку.

### АНВОР ЭТИБ БЎЛУРМУ!

Ноз уйқунгиздан, эй ёр, бедор этиб бўлурму?  
Кўнглимга кўнглингизни хуштор этиб бўлурму?  
Мехру умид ғулидан кўчат қилиб, нигорим,  
Қалбингиз оламини гулзор этиб бўлурму?

Күнгил асириңгиз, лек айтмоққа журъатим йўқ.  
Айтинг-чи, сизга севгим изҳор этиб бўлурму?  
Пинҷон жавоб беринг сиз, маҳфий сўроқларимга.  
Ошиқлигимни элга асрор этиб бўлурму?  
Таъриғу тавсифингиз ёзмоқ бўлур Калоний,  
Офтобга зарралардан анвор этиб бўлурму?

## УЙҚУ

Ёр ўйини ўйлащдан ёт этди тамом уйқу,  
Ҳижронда, ахир, менга минг карра ҳаром уйқу.  
Тун бўйи қочар кўздан, кун бўйи қочар кўздан,  
Бегона бўлиб кетмиш, наилайки, мудом уйқу.  
Фам тори босиб келгай қалбимга тиним билмай,  
Бир дамга қутулсан деб ҳар лаҳзада ком уйқу.  
Ҳажрида адо қилди, васлига гадо қилди,  
Кошкийди келиб кўзда бир этса хиром уйқу.  
Тонг чори эллиттанди ой юзлини туш кўрдим,  
Шу тарзда тутанмасдан этсайди давом уйқу.  
Ўнгимда машаққатдан қочмоққа илож тошмам,  
Шуңдан-да, Калон, қалбим айлабди-ку ром уйқу.

## ДОСТОН БЎЛДИ-КУ

Ҳажрида ашким қизил қон бўлди-ку.  
Фам-аламга қалбим ошиён бўлди-ку.  
Жон дилимни тарк этиб бўғзимдадир,  
Эс-хушим, наилайки, пинҷон бўлди-ку.  
Бошларим минг тошга урсам тонг змас,  
Ёр висоли занди армон бўлди-ку.  
Бевафонинг ишқида куйдим, менга  
Кенг бу олам ғурбатистон бўлди-ку.  
Хонумоним ёнди-кетди, кул бўлиб,  
Аҳли дунё лолу ҳайрон бўлди-ку.  
Оҳларимдан ларзага келди фалак,  
Нолишимидан чашми гирён бўлди-ку.  
Дардларим, армонларим этсам баён,  
Эй Калоний, катта достон бўлди-ку.

## БЎСТОН ЭТИБ БЎЛУРМУ?

Севинг деб сизга, гулрӯ, фармон этиб бўлурму?  
Фармон этомагач кўп армон этиб бўлурму?  
Сизку жону жаҳоним, сизку оҳу фироним,  
Жонимга жонингизни жонон этиб бўлурму?

Айру яшашга тоқат бир лаңза ҳам тополмам,  
Күйингизда құнғылни құрбон этиб бўлурму?  
Ошиқдигим яширсам, ошкора айлагай дил,  
Ёнган оловни, айтинг, шинжон этиб бўлурму?  
Оҳ бунчалар экандир роҳи висол мاشаққат,  
Фоят қийин бу ишни онсон этиб бўлурму?  
Менга отиб маломат тошини тиймагайсиз,  
Шіода этиб аларни маржон этиб бўлурму?  
Севгиси йўқ юракни дейди, Калон, биёбон,  
Қалбингиз оламини бўстон этиб бўлурму?

### БУЗАРМУ

Оқил киши масжида ибодатни бузарму?  
Ўзига керак уйни, иморатни бузарму?  
Ухлаб қолибон вақти номоз ўтказиворса,  
Айбдор санабон қўлдаги соатни бузарму?  
Мақсадга етиш нуқтаси кўп бўлса узоқда,  
Руҳин тушириб, ишдаги суръатни бузарму?  
Гар унга атаб қўймаса Ҳақ ўтли жаҳаннам,  
Бошига ўраб салла, шариатни бузарму?  
Бидъатни, хурофотни қилиб таррибу ташвиқ,  
Коғир эмаса ҳалқию миллатни бузарму?  
Эсин емаган бўлса Таолога ишонмай,  
Бир лаҳзани деб бокий у роҳатни бузарму?  
Ҳар кимсада гар бўлса, ахир, заррача имон,  
Ҳақ Қуръонида биттан насиҳатни бузарму?  
Шоир эли ҳам эрса диёнатли, Калоний,  
Елонни ёзиб, злни, жамиятни бузарму?

### МУШТОҚ БЎЛУРМУ?

Киши тол экса ҳам ёнроқ бўлурму?  
Ёмон қасларга дил муштоқ бўлурму?  
Бўлиб оппоқ, отар тонглар ва лекин  
Қаро тун бағри ҳеч оппоқ бўлурму?  
Кучук итдир, одам-инсон билиб қўй,  
Улар ҳеч вақт уруғ-аймоқ бўлурму?  
Сигир терисидан чиқдай пойабзал,  
Азиз бошга, бироқ қалпок бўлурму?  
Уруғ сепма, гиёқ унмайди тошда,  
Ахир, том серунум тупроқ бўлурму?  
Разолатли одамнинг қаҳри қаттиқ,  
Насиҳат бирла уюшоқ бўлурму?

Қовоқ уйма, очиб чеҳранг, кулиб юр,  
Дили торик киши қувноқ бўлурму?  
Ният иопок эса, ҳай-ҳай, Калоний,  
У шоирнинг сўзи қаймоқ бўлурму?

## БЎЛУРМУ?

Агар сув бўлмаса дарё бўлурму?  
Сариқ мис ҳеч қачон тилло бўлурму?  
Одам арпа экиб буғдой ўролмас,  
Лимон ҳам ҳеч қачон хурмо бўлурму?  
Солиб сувга уну туз, ёғ пиширсанг,  
Шакар солмас эсанг ҳалво бўлурму?  
Агар минг йил умр кўрганда ҳам ҳеч  
Чувалчанг катта аждарҳо бўлурму?  
Хукм этган билан маймун одам деб,  
Бу мантиқсиз хукм ижро бўлурму?  
Киши йигған билан минг-минг китоблар,  
Ўқиб ўрганмаса мулло бўлурму?  
Ҳасадгўю наразгўй бўлса улфат,  
Садоқатли рафиқ, ошно бўлурму?  
Ҳаёсизу вафосиз нозанинлар  
Назокатли асил жоно бўлурму?  
Калоний, шеърларинг ҳикматга тўлмас  
Экан, дилга ёқиб, оро бўлурму?

## БОУМИД БЎЛ

Омадинг гоҳ чопмаса умринг ҳароб бўлмайди-ку.  
Толе ҳам ноз айлагай, бирдай, ахир, кулмайди-ку.  
Мусибат тушса агар бўлдим адо деб ўйлама.  
Кўкка боқ, осмонга ҳам ҳар дам будуут тўлмайди-ку.  
Бу ҳаётда гоҳи худсан, гоҳи бехудсан, чида,  
Оғритан бирлан, ахир, ҳар бир одам ўлмайди-ку.  
Гар ният бўлса яшаш қалбининг севги жойлагин,  
Барча гуллар сўлса ҳам ишқинг гули сўлмайди-ку.  
Боумид бўл, бўлма тушкун, ноумид иблис, Калон,  
Тақдирингда борини ағёр тутиб юлмайди-ку.

## ГУЛШАНДА ЭКАН-КУ

Жоним, асалим, ёр, ана, гулшанда экан-ку.  
Гуллар очилиб, ҳуснига монанда экан-ку.  
Гулларни(нг) асилодаси мен дерди атиргул,  
Ёримни кўриб ҳуснига ул банда экан-ку.

Хорсиз ва гўзал якка ўзим дер эди лола,  
Ёлғон сўзидан ул ўзи шарманда экан-ку.  
Ел аста эсиб барча чаман гулни учирди,  
Рашқ бирла ёниб, барча пароканда экан-ку.  
Гуллар тизилиб, таъзим этар баҳрини очса,  
Чашмида ҳаёу, лабида ҳаёнда экан-ку.  
Гуллар ичида шоҳи эзур севгили ёрим,  
Мадҳида Калоний ани хонанда экан-ку.

## ЛАБЛАРИНГГА БОСДИМУ ЛАБ

Ёр, лабинг ишқ қандиму ё жону дил нўшҳандиму?  
Ёки бекишт ҳурларининг лаълисин монандиму?  
Лабларингта босдиму лаб, топди роҳат жон, дилим,  
Ёр, лабингдан малҳам олгач дардларим согландиму?  
Лабларингга босдиму лаб, тортиб олмоқ, беилож,  
Ишқ ипи-ла лабларингга лабларим борландиму?  
Нега лабга лаб босилса тортиб олмоқ беилож,  
Ёки дилнинг оташида бирга пайвандландиму?  
Лабларингдан лабни тортсан жон үзилгай бандидан,  
Билмадим, ё латъи лаблар жон ишин бир бандиму?  
Лабларимдан лабларин ёр тортди ногоҳ, эй Калон,  
Этгани жонимга қасд ё була нафас чорландиму?

## КЎЗ СУЗМАСАНГ

### Маснавий

Кўз сузмасанг боқмас эдим-ку,  
Севги бўлиб оқмас эдим-ку.  
Ишваларинг ақдимни олди,  
Юрагимта алана солди.  
Айт, жонгинам, энди нетарман,  
Бутунлайин ёниб кетарман.  
Не кунларга қолдим мен суйиб,  
Наҳот адо бўлурман куйиб.  
Келгил, гулим, нозларингни қўй,  
Рози бўлу бошлай энди тўй.  
Кўз сузмасанг боқмас эдим-ку,  
Юрагимни ёқмас эдим-ку.

## КЎНГЛИМ ЭЗИЛМАСМУТ

Менинг ишқим ёниб турган кўзимдан ҳам сезилмасму?  
Сезиб ёрим уни сезмам деса кўнглим эзилмасму?  
Куйиб илқида кул бўлдим ва лек меҳру мурувват йўқ,  
Бу аҳволдан қатор киприкларимга ёш тизилмасму?

Билолмайман, сабаб нэдир, нечун жонимни қийнайдыр.  
Ва ё мей чорасиз бечорани ул күзтә илласму?  
Таваккал деб кириб борсам уйига гул тутыб құлда,  
Очиғаймы дилин дарвозаси ёким очиласму?  
Агар шириң табассум айласа, мәмнүн бўлиб қалбим,  
Чиқиб кўксим аросидан оёрига йиқилласму?  
Калоний машқини айлаб қабул, кўнглимни шод этса,  
Унинг мадди бўлиб минг-минг ғазал, достон битиласму?

### МАЙЛИМУ?

Ақли расо қиз, сўйсам майлиму?  
Ишқинг ўтида куйсам майлиму?  
Давримга лойиқ жононадирсан,  
Мен ошигинг деб йўйсам майлиму?  
Кўрку камолинг мафтуни бўлдим,  
Қалбим кўлингга кўйсам майлиму?  
Мастман, ичиб мен ишқнинг шаробин,  
Айт, сенга ҳам, ёр, қўйсам майличу?  
Мендан бўлакни севдим десанг гар,  
Жондан, ҳаётдан тўйсам майлиму?  
Сендан гўзал деб боқса биронга,  
Икки кўзимни ўйсам майлиму?  
Ушибу сўзимдан қайтсан, Калоний,  
Шу он ўзимни сўйсам майлиму?

### ТАЪСИР БЎЛДИМУ?

Ёргинам кулбамга ташриф этди, таъсир бўлдиму?  
Ё бу ташриф менга маълум бўлмаган сир бўлдиму?  
Келмогидан лаҳза-лаҳза беадад шодмонман,  
Кеча кўрган тушларимга яхши таъбир бўлдиму?  
Дил уйим ўхшаб қолувди бемисл вайронага,  
Яшнатиш-чун бу маконни балки таъмир бўлдиму?  
Бердиму эккан садоқат гулларим ҳосил, ва ё,  
Шум рақиблар режаси-чун пухта тадбир бўлдиму?  
Борганимда қувлаган эрди, рақиби шод этиб,  
Кулдиму баҳтим, билолмам, ҳийла, тазвир бўлдиму?  
Эй Калоний, келмори меҳру муруватданмикан,  
Англаёлмам, шаънима даҳшатли таҳқир бўлдиму?

### ОЛДИНГМУ, ОЛМАДИНГМУ?

Бир хат ёзуудим, эй ёр, олдингму, олмадингму?  
Жондан азиз вафодор, олдингму, олмадингму?  
Конвертни аста-аста асрраб-авайлаб очгили.

Үнда менинг дилим бор, олдингму олмадингму?  
Чексиз муҳаббатимга күй басталаб юбордим,  
Куйлар мисоли сегор, олдингму, олмадингму?  
Хар сатрин оқ қоғозга күз шури бирла ёздим,  
Айлар дилингни нурдор, олдингму, олмадингму?  
Күнглингдаги мужассам ҳар бир савонни, эркам,  
Ойдин жавоби тайёр, олдингму, олмадингму?  
Меҳру садоқатимни буткул ифода этдим,  
Арзиди этса түмөр, олдингму, олмадингму?  
Севги кишини даим шоир этур, Калоний.  
Номамни(нг) шакли ашъор, олдингму, олмадингму?

### ИЙМОН ДЕДИМ-КУ

Үзимни ер, сизни осмон дедим-ку.  
Боқиб осмонга мен ҳайрон дедим-ку.  
Кавокиб-күзларингиз, ой-юзингиз,  
Қүёш қалбингиз, эй жонон, дедим-ку.  
Чүзисб қўл, талиниб ҳаргиз етоамай,  
Дилим оввораю сарсон дедим-ку.  
Маломат тошларин ёғдирманг асло,  
Вужудим шундоҳам вайрон, дедим-ку.  
Куйингизда куйицдан жон чекарман,  
Кўзим ёши эрур уммон, дедим-ку.  
Яшай олмайди ер осмонсиз, эркам,  
Менга тутмантиз ҳеч онсон дедим-ку.  
Насиб айлант жамолингиз, Калоний,  
Висолингиз менга иймон, дедим-ку.

### ЖЕРКИЛМАЙДИМУ?

Севганимни ул ниgoro то ҳануз билмайдиму?  
Ошиғи содигини ё кўзга ҳеч илмайдиму?  
Эртадан то кечгача, кечдан тарин то тонгтacha  
Куйида куймоқдаман-ку сал раҳм қилмайдиму?  
Икки кўллаб қалбими тутсам ипакдек дастига,  
Ул ҳажр тиги билан тузлар сепиб тилмайдиму?  
Айни тун бирдан чароғон бўлди олам, во ажаб,  
Лайлатулқадр ўтдиму ёки ниgor жилмайдиму?  
Ой юзига бир боқай деб борсам очди эшигин,  
Қалбининг дарбозаси ҳам бизга беркилмайдиму?  
Сўз қотар бўлсан танишмоқ ниятида ёрга,  
Ишқида ёнган, Калоний, айтинг, жеркилмайдиму?

## БИР КЕЛИБ КЕТМАЙДИМУ?

Мен томонга ул нигою бир келиб кетмайдиму?  
Ёки келмоқшыкка бир дам фурсати етмайдиму?  
Бунда мен ҳажрида йиглаб, қон ютарман эрта-кеч,  
Лоақал ҳолимни сүрмас, сал раҳм этмайдиму?  
Ул-ку келмас, наилайин, мен ёнига борсам нетар,  
Нега келдинг, кет, йўқол деб эшик беркитмайдиму?  
Бор таваккал деб, этиб журъат висол сўрсам агар,  
Ул маломат шохларин бошимда силкитмайдиму?  
Ишқида кўймоқ билан рангим сомон, холим забун,  
Ишқ яроси, ошинолар, бир умр битмайдиму?  
Эй Калоний, шеър битиб дастига тутдинг ёрнинг,  
Менсимай, йиртиб, рижимлаб йўлга иргитмайдиму?

## ШЕЪРИНГА ЁР ЭКАН-КУ

Гул юзлигимни, билсан, қалби баҳор экан-ку,  
Покизаликда мисли вақти наҳор экан-ку.  
Ол лабларин табассум бир гунчадек безайди,  
Гулшан диёрим ичра бир гулбузор экан-ку.  
Рухсорига боқолмам, гўё қуёшга ўхшар,  
Кўзни қамаштирувчи кучли шарор экан-ку.  
Ҳар лаҳза интилурман, етсам висолига деб,  
Етмоқ машакқнат эркан, кўн пурвиқор экан-ку.  
Меҳрим куроли бирла ишқим ўқини отсан,  
Тегмайди ҳеч нишонга кўп бекарор экан-ку.  
Тебрат қалам, Калоний, ёзғил ҳамиша маджин,  
Мақсадингга етарсан, шеърингита ёр экан-ку.

## МАШҚИ РАСО ЭМАСМУ?

Қалбими куйдиришлик жабру жафо эмасму?  
Етсан висола охир баҳти бақо эмасму?  
Аста кулиб қўярсиз учрашса гар нигоҳлар.  
Кулги самимий бўлса, бу муддао эмасму?  
Қирмизи лабларингиз бурчини хол безабдир,  
Бу жонфизо ҳуснга минг жон фидо эмасму?  
Кирмоққа қалбингизга йўл топмадим на чора.  
Ёр дилидан жой олмок бизга раво эмасму?  
Биздан гумон этарсиз, балхим ишончингиз йўқ,  
Юз тури имтиҳонлар энди адо эмасму?  
Ёзди ғазал Калоний, эй ёр, шаъннингизга,  
Манзур бўлурму, ёким, машқи расо эмасму?

## **КУТАСИЗМУ?**

Ҳар дам мени, эй яхши нигорим, кутасизму?  
Ҳижронга чидаб, күзи хуморим кутасизму?  
Ешликда севиб, ваъдалашиб олған эдик-ку.  
Рост дея ўшал аҳду қарорим кутасизму?  
Сиз бирла диллим хуши кечадир сарви равоним,  
Ҳар лаҳза вафо бўлса шиорим кутасизму?  
Ўю хаёлим сизда эрур ҳар кеча-кундуз,  
Ишқингиз эрур қасб ила корим, кутасизму?  
Олисга бу кун кетсан, Калоний, келаман деб,  
Келгунча мени покиза ёрим кутасизму?

## **ФАСЛИ БАҲОРИМ КЕДИМУ?**

Тонг отиб, олам чароғон бўлди, ёрим кедиму?  
Пурзиёй айлаб жаҳонни, пуршарорим кедиму?  
Бекиёс бўлмиш чаманким очилиб гулғунчалар,  
Ноз билав гулшан аро фасли баҳорим кедиму?  
Ўйларим, туйғуларим ҳам бунгалар дилбар эрур,  
Айлабон кўнглимни равшан Зулхуморим кедиму?  
Зўр қувончлар оламида жавлон ургайман бўкун,  
Менга толе баҳш этиб, ул баҳти борим кедиму?  
Эй Калон, гафлатда қолмай, ол ҳабар тезроқ бориб,  
Интизорман йўлида лола узорим кедиму?

## **КЎРМАДИНГМУ?**

Ошиқлигимни ишқида ёнгандада кўрмадингму?  
Бахтимни-чи, висолга қонгандада кўрмадингму?  
Севгимни рамзин этдим покизалик ҳамиша,  
Садоқату вафони ҳам манда кўрмадингму?  
Қалбим ўзимда йўқдир, лек айтма қалби йўқ деб,  
Ўз кўлларим-ла тутдим, ул санда кўрмадингму?  
Заррача ғамни чексанг, бағримни қайгу босгай,  
Кулган чоғингда манда, айт, ҳанда кўрмадингму?  
Душманларингга қаҳрим қалбимда жўп урибдир,  
Сенга, Ватанга меҳрим жон, танда кўрмадингму?  
Ваъдам вафосини, ёр, ижро этай, Калоний,  
Номардни ўз сўзидан тонгандада кўрмадингму?

## **КЕЛМАДИНГ-КУ**

Мен кугдиму йўлингда, эй ёр, келмадинг-ку,  
Ўртанса ҳамки кўнглим зинҳор келмадинг-ку.  
Гулдасталар терувдим, келсанг агар берурга,

Гуллар күлимда сүлди, дилдор келмадинг-ку.  
Хар дам умид қылурман, этгайму деб муруват.  
Ҳажрингда жисму жоним абгор, келмадинг-ку.  
Кулмоқда шум рақиблар ақволима, нигорим,  
Бўлдингми ёки мендан бозор, келмадинг-ку.  
Эй жилвагар қуёпим, васлинг эзур Муродим,  
Чекдим, Калон, йўлингда озор, келмадинг-ку.

### КУЙЛАТДИ-КУ

Ишқ ғеган туйғу келиб, беҳад мени ўйнатди-ку.  
Бошима турли балоларни солиб, ўйлатди-ку.  
Васлини ёрни(нг) ҳамиша мисли жаннатдек қилиб,  
Ҳажрининг ўтини дўзах ўтига менгзатди-ку.  
Ул висол гулборидан қувринди айлаб, ногаҳон  
Мен ғарип бечорани ғам даштида йиғлатди-ку.  
Дер эдим ѡч кимсага ҳолимдан арз этмам, бироқ  
Эларо ўз арзи ҳолимдан мени сўйлатди-ку.  
Қанча-қанча имтиҳонлар айлади, ўтдим мано,  
Чин садоқат, чин матонатга дилим ўргатди-ку.  
Эй Калоний, севгининг сөхрига қойил қол, ахир,  
Булбулигўё қилиб сайратди-ку, куйлатди-ку.

### КУЯЙМУ ё ёНАЙМУ?

Ишқингда, эй париваш, куяйму ё ёнайму?  
Йўқ дилда зарра яйраш, куяйму ё ёнайму?  
Эртаю кеч, туну кун ҳажрингда ўртаниурман,  
Корим ҳамиша кумсаш, куяйму ё ёнайму?  
Ғам даштида паришон ёлғиз ўзим кезарман,  
Йўқ нега битта дардкаш, куяйму ё ёнайму?  
Мендан юзинг яширдинг, ағёрга гул оширдинг,  
Қалбимни айладинг ғаш, куяйму ё ёнайму?  
Боргум дединг висолга, лек келмадинг нечун, айт,  
Касбинг эканми аддаш, куяйму ё ёнайму?  
Сендан бўлакни севсан умрим адо, Калоний,  
Ёлғиз ўтайму яккаш, куяйму ё ёнайму?

### МАҶЛУМ ЭРУР-КУ

Менинг ошиқлигим маълум эзур-ку.  
Уни рад айламоқ машъум эзур-ку.

Ётиб ёлворганим беҳуда кетгай,  
Нечунким, дилрабойим шум эзур-ку.  
Унинг маккору ҳам айёргидан  
Бу қалбим васлидан маҳрум эзур-ку.  
Дедим: сен бирла мен мангу ҳаётман,  
Деди: жонсиз дилинг марҳум эзур-ку.  
Унингдек ҳурлиқолар шоҳ кабидир,  
Менингдек аҳди ишқ мазлум эзур-ку.  
Оёқости қилиб, хор этмасин лек,  
Калоний ҳам, ахир, мардум эзур-ку.

## СЕВГИ БУ

Оlam ичра кимга баҳту кимга армон севги бу,  
Кимнидир жонини олгай, кимгадир жон севги бу.  
Ушбу туйғу сирларига фикру қалбим лол қолур,  
Гоҳ қувончила васлу гоҳи ғамли ҳижрон севги бу.  
Гоҳи бўса тотидан қалбимга лавзат баҳш этиб,  
Гоҳи кўз ёшимни қиласан мисли вулқон севги бу.  
Севигига қул бўлмаган оламда инсон қодиму,  
Барчадан курратли бўлган шоҳи султон севги бу.  
Севги деб Қайс бўлди мажнун, севги деб жон берди у,  
Арзигай жон берса, чунки жонга жонон севги бу.  
Гоҳи чексанг изтиробин, эй дилим, воз кечмагин,  
Ўн саккиз ёнда танишган бир қадрдан севги бу.  
Меҳмон отангдан азиз деб аҳли доно айтадир,  
Дил уйига бир умрлик яхши меҳмон севги бу.  
Ўлама мен севигига ёздим разал деб, эй Калон,  
Ёш дилингни айлаган ҳам шўқ ғазалхон севги бу.

## ШУНЧАЛАР ХУШХОНМИ У?

Дилбарим бунча гўзал ҳурми у, ғилмоими у,  
Юзлари нақп олмами ё кулчаи ширмоими у?  
Ҳуснига боққан маҳал кўзлар қамашса тонг эмас,  
Нурми у, нурданми у, ё шуълаи афшонми у?  
Сочларин сумбул десам, лаъли лаби гулгунчадир,  
Гулми у, гулзорми у, ё бус-бутун бўстопми у?  
Бир нафас гар ажрасам, шул он ҳаётим тўхтагай,  
Бориму йўғимми у, ё таңда ширин жонми у?  
Қошларин меҳроб десам, саждагоҳимдир ўзи,  
Бош эгиб таъзим этай, шоҳми у, султонми у?

Эй Калон, ёзсам ғазал ёдлаб қўшиқ айлабди ул,  
Шунчалар ширин овозу шунчалар жушхонми у?

## СЕВГАН – СЕВИЛГАНИМНИ

Севган – севилганимни асрор этиб бўлурму?  
Элдан ниҳон тутишни зиндор этиб бўлурму?  
Дил амрини ифода этмоқда хоҳишм им йўқ,  
Кўнгил буторганин, лек бекор этиб бўлурму?  
Севмоқ билан севилмоқ – олийжаноб фазилат,  
Шундок шарафли ишдан ҳеч ор этиб бўлурму?  
Севса, севилса инсон қўша қарир умрбод,  
Севилсао севмаса дилдор этиб бўлурму?  
Севмагангча суйкалиб хору адo бўлмагум,  
Дил бермаса дил бериб алёр этиб бўлурму?  
Севган кўнгил ҳамиши боғи Эрамга ўхшар,  
Ишқ бўлмаса жаҳонни гулзор этиб бўлурму?  
Шеъру ғазал, Калоний, пайдо бўлур юрақдан,  
Севгиси йўқ кўнгилдан апгъор этиб бўлурму?

## ҲАЙФ

Ишқи йўқ, аммо ўзин одам санар инсонга ҳайф.  
Жисмида беҳуда оққан қону, дида жонга ҳайф.  
Ул яшаб тургум деса бовар қилишдир, телбаллик.  
Умрида бефойда ўтган ҳар дақиқа онга ҳайф.  
Дил билан тил доимо бир бўлса қандай яхшидир.  
Рост дегандан ўргилай, ҳар айтилур ёлғонта ҳайф.  
Кўрмаса меҳру мурувват нурларин кўз кўр бўлиб,  
Эзгуликнинг корига сарф бўлмаса дармонга ҳайф.  
Баҳраманд бўл сухбатидан оқилу дониш элин,  
Аҳли донодан йироқ юрган ғалат нодонга ҳайф.  
Гар саковатли эса қашшоққа ҳам минг офарин,  
Зиқналик бирлан бойиб кептан хону султонга ҳайф.  
Бой бериб имконни асқотмоқлик угун эл корига,  
Сўнг кўйиб, қилган пушаймону гарам армонга ҳайф.  
Боз тагин кимларга ҳайф? Сўрсанг жавобим шул, Калон,  
Бесадоқат, бевафо ҳар бир қизу ўғлонга ҳайф.

## УФ!

Бевафо ёр жабридан қалбимга армон тўлди, уф!  
Чапла кетди ипларим, ҳолим паришон бўлди, уф!

Нега "үф"лаб нола қылдинг деб савол берманг менга,  
Очилиб турған гулим ҳам ногахонда сүди, үф!  
Мен уни ёрим дебон йўлида жон этсам нисор,  
Юз буриб мендан, рақибдан айланаб ўргилди, үф!  
Кечалар ҳажрида тинмай йигласам девонавор,  
Ул ачинмай ҳолима, қаҳ-қаҳ этиб кўп кулди, үф!  
Ҳеч менга шафқат этиб, кўнглим кўтарманг, дўстларим,  
Ёридан айру, Калоний, энди буткул ўлди, үф!

### ҚАЙРИЛИБ БОҚҚАЙМУ?

Қайрилиб боққайму, айтинг, ҳусн мулкида зариф,  
Ёки қувлаб ҳайдагайму, деб мени қашшоқ, ҳариф?  
Бошларимни тошга ургум, дардима ҳеч чора йўқ,  
Не қилайким севганим олдиадирман кўп заиф.  
Ул изазарга илмайин боқмас қиё, лекин мудом,  
Мен учун пойининг ҳоки ҳам муқаддасдир, шариф.  
Дил узай дейман, бироқ ҳаргиз узолмайман, нетай,  
Севмайин ҳам ҳеч бўлурму бўлса у шунча латиф?  
Лайливаш ҳеч сўз демас юзлаб ғазал битсан, Калон,  
Бахт кулиб, бир сўз деса шеъримга айлайман радиф.

### СОЧ

Дилбарим бошига чиқди, бўлди беармон соч,  
Мен дедим: бўлсин муборак сен учун бу шон, соч.  
Ўртаниб кўйди ва лекин жилмади, дилдорни  
Асрди офтоб тигидан мисли бир қалқон соч.  
Кўрмоқ истаб ногахон ёр ҳуснига боққан эдим,  
Рашк этиб, тўсди юзини тим қаро чачвон соч.  
Дилрабо фармонни берса дорга оссин деб мени,  
Бирлашиб сиртмоқда бўлди бир қалин арқон соч.  
Лоақал бир толасидек топмадим ҳеч эътибор,  
Мен учун орзу бўлибдири, мен учун армон соч.  
Эй Калон, ёр изларига юзларимни суртайин,  
Майли, элдек қолса ҳам лол, бўлса ҳам ҳайрон соч.

### МЕНГА ИМКОН АЙЛАГАЧ

Қадри ортар ёрни, севгим дилда түрён айлагач,  
Меҳрим ортар васли бирла яхши меҳмон айлагач.  
Дейдилар туз тотганингта бир умр таъзимда бўл.  
Кул бўлай шаккар лабидан бўса эжсон айлагач.  
То етар осмонга бошим, гар оёғим ердадир.  
Меҳрининг нури билан қалбим чаророн айлагач.  
Сайри гулзор айламоқда мен нечун азм этмайин,  
Дилрабойим севгининг борин хиёбон айлагач.

Севганимга севгининг офтобидан нурлар ёғур,  
Ул мурувват нурларин сочмоқни ҳар он айлагач.  
Шодлигимдан кенг жаёнга сиямасам ҳеч тонг эмас,  
Күчгали баҳтизни ёрим менга имкон айлагач.  
Эй Калоний, ве учун тутмай қалам, ёзмай ғазал,  
Завқу илҳом баҳш этиш корини жонон айлагач.

## ДУЧ

Келмасин доно киши нодонга дуч,  
Келса дуч доно бўлур армонга дуч.  
Эрса ул нодон тарин тұхматчи ҳам,  
Бўлди дил дард устига чишқонга дуч.  
Рўбарў бўлса агар аҳли фужур,  
Кеди денг дил кемаси тўфонга дуч.  
Дейдилар ростлик билан олам гўзал,  
Қон бўлур дил келса гар ёлонга дуч.  
Кўз сузиб, имлаб чақиргай беҳаё,  
Кўрикамай қедимми деб шайтонга дуч.  
Етмасам ёр васлига умрим абас,  
Этмасин ҳаргиз азоб ҳижронга дуч.  
Эй Калон, Ҳақдан сўраб, қил илтижо,  
Айласин имони бут инсонга дуч.

## ОШКОРО ЭТМА ҲЕЧ

Оқибатли, эй ниgoro, дилни афкор этма ҳеч,  
Айлаган аҳау вафони зумда бекор этма ҳеч.  
Мен каби содиқ кишингдан юзни юз чаандон буриб,  
Бевафо арёни зинҳор ошири зор этма ҳеч.  
Фарқламоқ даркор ахир гул нею, янтоқ не зерур.  
Ётни дўст англаб, ҳақиқий дўстни афёр этма ҳеч.  
Кўнглини берган ҳақиқий ошияинг ўрганмасин,  
Бемуруват аҳлига меҳрингни бисёр этма ҳеч.  
Бекиёс ошиқ Калоний кўнглини чок-чок этиб,  
Бесадоқат зерканинги, ёрим, ошкор этма ҳеч.

## РАҲНАМОСИМУ ҚУЁШ?

Дилбарим, порлоқ жамолингиз жилосиму қуёш?  
Ёки чақмоқ кўзларингизнинг зиёсиму қуёш?  
Ётсангиз тунда ётар, турсангиз кунда чиқар,  
Билмадимким, ҳуснингизнинг маҳлиёсиму қуёш?  
Термулиб боқсан вужудида ёнар оташ мудом,  
Ишқингиз ўтини мендек мубталосиму қуёш?  
Ногаҳон бағри қаро бўлди, тутилди, куйди ул,  
Шўрлик ошиқ аҳлининг баҳтиқаросиму қуёш?

Гоҳ қаро абрў ичига беркиниб, зор йиғлагай,  
Беадад ҳижрон азобининг адосиму қуёш?  
Тенгини топса сулув ҳеч ошигин хор айламас,  
Васлингизнинг мен каби содик гадосиму қуёш?  
Севгимиз йўлини ёриттайд нур сошиб доим, Калон,  
Қалбимиз дунёсининг зўр раҳнамосиму қуёш?

## БОР ЭМИШ

Ёр дилида яхши-яхши муддаоси бор эмиш,  
Дардларимга дори топмишdir, давоси бор эмиш.  
Кўзларин ногоҳ яшириди кўзларим тушган замон,  
Куттанимдан ҳам зиёд шарму ҳаёси бор эмиш.  
Ишқ уйи баъзан қоронғу бўлса, дўстлар, мен учун,  
Ёр ўзи айлар чарогон, нур, зиёси бор эмиш.  
Не учун шод бўлмайинким, чунки дилдорим келиб,  
Бир умр ҳамдам бўлишликка ризоси бор эмиш.  
Мен вафо йўлида юрмоқни Мурод этдим, Калон,  
Дилбаримнинг бевафоларга жазоси бор эмиш.

## ДИЛДАГИ ИШҚИМ

Дилдаги ишқим менинг мисли қуёш,  
Эй ниgoro, bўlma бунча бағри тош.  
Айла севгимни қабул, жононгинам,  
Ёавориб келдим, эгиб пойингта бош.  
Қайрилиб боқмай кетишни айла бас,  
Дилрабойим, сен эмас-ку энди ёш.  
Йўқ эрур Лайлода ҳам, Зухрода ҳам,  
Сендаги ғоят сулув кўз бирла қosh.  
Жисму жоним ўртаниб ёнмоқдадир.  
Кўзларимдан тўкилур ҳар лаҳза ёш.  
Сенга севгим сир эди, ҳуфён эди,  
Бир ғазал бирлан Калоний этди фопи.

## МЕНИНГ ОШИФТА КЎНГЛИМ

Менинг ошифта кўнглим ошиқ бўлмиш,  
Вужудига муҳаббат ўти тўлмиш.  
Ёниб турган оловнинг таъсиридан,  
Нетай, рангу рўйим бир зумда сўлмиш.  
Нигоримнинг берар озорларидаи,  
Кўзимдан оқдан ёшим мисли кўлмилп.  
Анда жабру ситамлар бўлса сероб,  
Менда сабру қаноат шунча мўлмиш.

Висоли яшнаган гулзорга ўхшар,  
Ки ҳижрони биёбон, гоҳи чўлмиш.  
Садоқатга қоришган чин вафолар  
Висолига олиб боргувчи йўлмиш.  
Агар бопкә бирорга боқса, оҳқим,  
Калоний раёнк ўтида энди ўлмиш.

### ОШИҚ ЎЛМИШ

Менинг бечора қалбим ошиқ ўлмиш,  
Вужуди ишқ олови бирла тўлмиш.  
Ёнар лов-лов этиб гулхан мисоли,  
АЗобидан кўзимнинг ёши кўлмиш.  
Нечун аҳдимга бовар айламас ёр.  
Машаққатли синови менга мўлмиш.  
Муҳаббатда висол жаннатмакону,  
Ва лекин ҳажри сахро, мисли чўлмиш.  
Вафо гулзоридан гуллар терарман,  
Садоқат васлига элтгувчи йўлмиш.  
Етолмай васлига толсам, Калоний,  
Адо бўлгум, тамом паймона тўлмиш.

### ЎЗИНГ ШОШ

Хаёлимни олиб қочди қаламқош,  
Қараб қолдим изидан, кўз тўла ёш.  
Согинч дарди эзар бағримни тинмай,  
АЗобига беролмас ҳеч кипши дош.  
Фиронимга өрир муз ҳам ва лекин  
Нигорим қалби миқ этмас, экан том.  
Кўзимдан сув сепиб йўлин супурсам,  
Демасму ул мени бегона фаррош.  
Дилимнинг нуридан расмин чизурман,  
Чизолмас мен каби ҳеч қайси нақдош.  
Эдим синфдош у бирлан бир маҷаллар,  
Бутун ошиқ бўлиб, бўлдим-ку жондош.  
Хаёлига кетирмас ул, Калоний,  
Висолига етишмоқда ўзинг шош.

### НИЯТИМ ИШҚИМНИ ОЛҚАШ

Ёнимдан ўтса гар боқмай париваш,  
Кўзимдан ёш оқур, кўнглим бўлур ғаш.

Дилим ишқида ёнган катта гулхан,  
Наҳот шундоқ қийин гулхани пайқаш.  
Ачинмайман оловда күйганимдан,  
Ахир, ишқ кори-ку оташга ташилаш.  
Хажр саҳросида сарсон кезарман,  
Нигоро этмади наслига чорлап.  
Кетидан эргашурман соя янглиғ,  
Ва лек ёр сояға бўлмайди дардкаш.  
Фирону ҳасратим тинглашта, наилай,  
Топилмас бу жаҳон аҳлида дилкам.  
Дилим туйгуларин ашъор этурман.  
Калоний, ниятим ишқимни олқаш.

## АЙЛАМИШ

Ваҳки, маҳвати ноз ила қалбим қушин ром айламиш,  
Банди этмоқлик учун зулф торини дом айламиш.  
Зулфи торидан бино дом тарқатиб беҳишт ҳидин,  
Барча атроф мулкини күш бўйли гулфом айламиш.  
Завқ олай деб бўйларидан жону тан парвонадир,  
Бу не ҳолким, домини ҳам ёр ором айламиш.  
Зулфининг ҳар толасидан қўйса минг дом розиман,  
Бу не баҳтким, зулфи торин дом бу оқилом айламиш.  
Фикри ёдим ҳам паришон эрди ҳажрин доғида,  
Банди айлаб фикру ёдим ҳам саранжом айламиш.  
Эй Калопий, дил куплига тори зулфи дом эмас.  
Ком эрур ул, дом атаб қай кимса бадиом айламиш.

## БУ БОШ

Телбааваш бу дунёга бир раво бўлсин бу бош,  
Лек ёмон ниятлита иораво бўлсин бу бош.  
Бир қуёш бўлиб доим юртга нур сочиб турсин,  
Безиё экандир, бас, тез адo бўлсин бу бош.  
Қанча-қанча донолар ҳикматин гутиб дилга,  
Неча-неча зуккотга маҳлиё бўлсин бу бош.  
Илму фанга кон бўлсин, маърифатта жон бўлсин,  
Қиймату улурикда бебаҳо бўлсин бу бош.  
Дейдилар ҳаёт қаста бебаҳо берилгандир,  
Бебаҳо бу дунёда бобаҳо бўлсин бу бош.  
Чеки йўқ бу оламда чеки йўқ эрур диллар,  
Бегубору бепоён дилга жо бўлсин бу бош.  
Кас уни улуғ айлаб елкада кўтаргайким,  
Бу улуғ шарафга мос мутлақо бўлсин бу бош.

Эй Калон, күттар ҳар дам этмагин гуноқ айлаб,  
Күрмасин жафо ҳаргиз, бебаҳо бўлсин бу бош.

### УЛ РАҚИБНИНГ

(1985- 1990 йиллар воқеаларига оид).

Ул рақибнинг зулмидан эл қон эмиш, зор-зор эмиш,  
Не учунким, ул рақиб кўп беради хунхор эмиш.  
Аждаҳомиш, нафси баднинг тил учи оғули мор,  
Захрини сочмоқ усули, во ажаб, асрор эмиш.  
Айласа қасд қайси зотта домига тортгай эмиш,  
Домига тушган одамнинг кўз ёши анҳор эмиш.  
Кетма-кет келган жафодан эл йўқотмиш тинчини,  
Мижжа қоқмай хавф-хатардан тунлари бедор эмиш.  
Чекса ҳамки шунча озор, лек чидармиш барита,  
Сеҳри бормиш, ул жафокор тулқидек айёр эмиш.  
Эй Калоний, эҳтиёт бўй, очма танқидга оғиз,  
Серважоҳат шум рақибнинг ҳийласи бисёр эмиш.

### АЙЛАР ЭМИШ

Ул пари ишқин ўтин дилда шарор айлар эмиш.  
Куйдириб куйида кул қилмоқ қарор айлар эмиш.  
Хуснини кўз-кўз этиб, ақлу ҳушингдан ажратиб,  
Кўча куйда дарбадар мажнуншиор айлар эмиш.  
Синдириб ҳар қанча бор бўлса гуруринг шишин,  
Ихтиёргингни олиб, беихтиёр айлар эмиш.  
Қалбидан роҳат, фароғат, шодмонликни олиб,  
Фам, алам, қайгуларин бешумор айлар эмиш.  
Севдириб сўнг ташлабон ҳижрон биёбони аро,  
Толдириб ҳолдан бутунлай бемадор айлар эмиш.  
Гар анинг васлин сўраб борса ҳузурига киши,  
Сочини сиртмоқ этиб, қаддини дор айлар эмиш.  
Лек ҳавас бирлан боқар бўлса сочиб нуру зиё,  
Ким ҳасад ўқини отса рўсиё айлар эмиш.  
Жўштириб илҳом булогини, Калон, шоир этиб,  
Бекиёс зебо разалларни қатор айлар эмиш.

### АПГЬОРИ ИШҚ

Эрта тонгдан йўлга чиқдим этгали изҳори ишқ,  
Не учунким тунда ўртаб чиқди шум озори ишқ

Эрта тонгдан балки йўлга чиқмас эрдим, лекигин,  
Ёр васли лаззатига дил бўлур куммори ишқ.  
Эс-ҳушимдан айрилиб қолган эсам ҳам не ажаб,  
Қайсни мажнун айлаган ҳам шул жафокор кори ишқ.  
Оҳ урарман, оҳ урарман дод солиб олам аро,  
Дилгинамга мисли ҳанжар ботди ҳижрон -хори ишқ.  
Ҳажри доим йирлатур қон, васли шодон айлагай,  
Англәёлмай лол қолурман, не зрур асрори ишқ.  
Эй Калоний, дилда ишқинг шеъриятта сол мудом,  
Энг гўзал, энг дилрабодир бебаҳо ашъори ишқ.

## ЁРДАН АЙРИЛГАН КУНИМ

Ёрдан айрилган куним рангим сомондир, ҳони йўқ  
Бир ўтиң янглиғ танам қақшар, бутунлай жони йўқ.  
Ранги ўтган, қони қочган, жони йўқ жисмим, нетай,  
Тим қорону кечадир қалбим, моҳи тобони йўқ.  
Жони йўқ жисмим қаро тупроққа менгзанг, жўралар.  
Қақраган саҳро мисолимдир, гулирайхони йўқ.  
Ҳар нафас олсан заҳар ютсан, ёронлар, тонг эмас,  
Бошима ёқсан балоларнинг ҳудуди, сони йўқ.  
Ҳажридан озор чекарманким, жаҳанинам ичраман,  
Ёр висолидир халоскорим, бўлак имкони йўқ.  
Эй Калоний, ёрсиз ўтган бу ҳаёт қулфат зкаи,  
Ёр билан қўша қариб ўтган кишини армони йўқ.

## ДИЛБАРИМ

Дилбарим, ҳусн оламида сен каби фарзона йўқ,  
Гул юзинг янглиғ чиройли ҳеч гулу гулхона йўқ.  
Аслида "олтин" ижод этгувчи олтин қўллисан,  
Пахтаой ишқида ёнгувиши сендеқ сўзона йўқ.  
Пахтазорда қанча қўсак бўлса шунча оширинг,  
Лекин атрофинингда ҳаргиз мен каби парвона йўқ.  
Дебдиларким ошиқ бўлмоқ телбаликдир бекиёс,  
Рост зса гар ушбу сўз, мендек асила девона йўқ.  
Лайли-Мажнун қиссаси афсонадир, жоним, бироқ  
Ишқ аро сендеқ вафоли, мен каби мардона йўқ.  
Мўл эзур юлдуз ва лекин ер учун офтобчамас,  
Мен учун офтоб ўзинг, сендан бўлак нурхона йўқ.  
Бўлмаса ишқинг ўлармая, бу, Калон, даҳшат эмас.  
Шул зрур даҳшатки, сенсиз шеър деган дурдона йўқ.

## ҚАЛБИН ОЧИВ БОҚ

Кетмагин, нигорим, мендан әеч үирок,  
Айлама ҳаттоки бир лаҳза фирок.  
Гар кетсанг, зимистон дил үйим мангу,  
Ёришмас ёқса-да минг битта чирок.  
Күзларим ёшлари тинмайди сира,  
Қайнагай бетиним мисоли булоқ.  
Иштиёк зўр эзур мөхрингга дилдор.  
Сўнмагай то абад бул зўр иштиёк.  
Ҳеч дариг тутмагин васслингни нигор,  
Айрилиқ зарбидан ўлим яхшироқ.  
Ўйлама аҳдини унугтай дебон,  
Унутмам, унутмам, қолурман шундоқ.  
Калоний сўзига қилмасанг бовар,  
Кўксини ёргину қалбин очиб боқ.

## ЯХШИРОҚ

Сен дединг: оламда, айттил, борми маңдан яхшироқ?  
Мен дедим: ҳаргиз, нигорим, йўқ-ку сандан яхшироқ.  
Сен менга жон бирла тансан, дея айтсан оз эзур.  
Яхшилардан яхшироқсан, жону тандан яхшироқ.  
Яхши деб нелар аталиш барчасин жам этса ҳам,  
Барибир ҳеч тенг келолмас, сан-ку андан яхшироқ.  
Кўзларинг янглиғ зиёла йўқ қавоқиб кўқда ҳам,  
Юзларинг зебо эзур, юз минг чамандан яхшироқ.  
Сен менга нурли жаҳону, сен манга шаъни дер эдим,  
Найлайин, сен итур жаҳондан, нурли шаъндан яхшироқ.  
Не ажаб ўпсан, Калоний, изларинг кўзга сурис.  
Сен, ахир, борсан, шу боис йўқ Ватаандан яхшироқ.

## КЕТ ЭРТАРОҚ

Сўрмагил ҳолимни ҳеч, эй бевафо, кет эртароқ,  
Жон-жаҳонимни мени қилдинг адo, кет эргароқ.  
Сендан айру ҳолатим ёрдуга тўлса тоңг змас,  
Этмагил бошимни ҳам, қадим дуто, кет эртароқ.  
Марҳабо деб очган эрдим дил үйин дарбозасин,  
Сен анга кирдинг бўлиб мисли вабо, кет эртароқ.  
Рўбарў этдинг нечун минг дардни, ҳаргиз йўқ даво.  
Этмагин боз янги-янги дард, бало, кет эртароқ.  
Сувдаги офтобга кўл чўзган эканиман, найлайин,  
Мен сафо топдим дебон қилдим хато, кет эртароқ.  
Юқтириб олдим яқин боргач қозоннинг қаросин.  
Энди покланмоқ эзур чин муддао, кет эртароқ.

Шунча күп берган азобиніта чидай қандок, Калон,  
Зарра тоқат қолмади, эй бевафо, кет әртароқ.

### СЕНДЕК ГҮЗАЛ ЖОНОНА ЙҮҚ

Бу жаңон айвонида сендең гүзал жонона йүқ.  
Етти иқлім ичра мендек ошиғи парвона йүқ.  
Лабларингдек лаъл топилмас, юзларингдек офтоб,  
Излама, ҳеч тишиларингдек бебаҳо дурдана йүқ.  
Тим қаро зулғинг бүйідан, айт, муаттар қайда бор,  
Күзларингдек менға зебо боққуци мастана йүқ.  
Қайға құл чүзсанғ биңебон бұлса ҳам бұстон бўлур,  
Гар қадам боссанғ мұқаддас бўлмаган остана йүқ.  
Эй садоқат оламининг хурлиқоси, дилбарим,  
Бил, вафо бўстонида мендек асил мардана йүқ.  
Үйлама, ҳажримда ўзга ёр топған деб, Калон,  
Менга ҳамдамдир қалам, шеър, бошқа ҳеч ҳамхона йүқ.

### ОЛАМДА ЙҮҚ

Сендағи хуснү чирой одамда йүқ,  
Йүқ, фақат одам эмас, оламда йүқ.  
Тўрт фасл ичра баҳор зебо, бироқ  
Гул юзинг янглиғ чаман кўкламда йүқ.  
Лабларинг тотли зур, ундан ширин  
Бўлмагаш ўтмища ҳам, бул дамда йүқ.  
Бўйларингдан айланай, парвонаман,  
Бу қадар дарвона ҳеч бир шамда йүқ.  
Бўлмаса ўйинг мудом шабдир дилим,  
Келмасанг иуру зиё кулбамда йүқ.  
Мўътабар ишқинг билан қудратлимани,  
Бу қадар қудрат бирор ўқтамда йүқ.  
Таърифининг битса, Калон, толе бўлур,  
Бундайин толе бирор ҳамдамда йүқ.

### БУ ДУНЁНИНГ ВАФОСИ ЙҮҚ

Бу дунё корини уқсам, зигирдек ҳам сафоси йүқ,  
Ани дерлар вафосиз, чинданам сидқу вафоси йүқ.  
Агар анда нафо бўлса Улуғбекни улуғларди,  
Фақат зулму жаҳолатдан бўлақ бир муддоси йүқ.  
Нечун Чўллонни қатла этди, нечун Усмонни ўлдириди,  
Алардек чин шаҳидларинг бу дунёдан ризоси йүқ.  
Ғазаб, қаҳри эзур сероб, жабр, зумми эзур бисёр,  
Жафоси тоғ, бироқ ғам дардига мутлоқ давоси йүқ.

Нетай, олам иши расю бўлиб, қон қақшар одамлар,  
Вафо аҳли жазо топгай, вафосизнинг жазоси йўқ.  
Муруватт аҳлига кулфат, саҳоват аҳлига тұхмат,  
Жаҳолат аҳлига лозим кўрилган ҳеч балоси йўқ.  
Басе золим экан дунё, басе хунхор экан дунё,  
Калонийнинг анга ҳаргиз этар мадҳу саноси йўқ.

1990 йил

## САВОБНИНГ ИНТИҲОСИ ЙЎҚ

Фуурланма, кибр этма, бу дунёнинг вафоси йўқ.  
Вале ҳоксору камтарга жабр бирлан жафоси йўқ.  
Агар тоғ бўлса ҳам мулкинг ажал олдида ожизсан,  
Чиройиніта бино қўйма, аниг ҳаргиз баҳоси йўқ.  
Фақат иймон йўли бошлиб борар беҳиштта, эй ғофил,  
Билиб қўйтганик, нафс йўлни бирор чимдим сафоси йўқ.  
Умр поенига етгаҳ ажал оғусини тутгай,  
Ани нўш айлагандан сўнг ҳаётбахш ҳеч давоси йўқ.  
Қазо майдонига киргач киши жонидан айрилгай,  
Ўлимдан сўнг тананг топган маконининг ҳеч зиёси йўқ.  
Басе қисмат экан шундоқ, нечун зулму қабоҳатдир.  
Бу дунёда меҳр бирлан муруватнинг баҳоси йўқ.  
Ёмонлиқдан ҳазар қиласин, Калоний, яхшилик айла,  
Нечунким яхшилик этсанг савобнинг интиҳоси йўқ.

## СЕНИНГ ҲАЖРИНГДА...

Сенинг ҳажрингда, эй ёрим, кўзимнинг кори ёш тўқмоқ,  
Бу ҳолатда, боқиб қўйким, оёрим остидир ботқоқ.  
Йўлингта кўз тикиб, ҳайкал мисоли тош қотиб қолдим,  
Келурмусан, умр бўйи ўтиб кетгумму ё шундоқ?  
Агар куйингда жонимни фидо қиласам ажаб йўқдир,  
Шараф жисмим пойингнинг остида бўлса ҳаро тупроқ,  
Дилим кўкрак қафасда вуқаби ёнингга учгаңдир,  
Уни қайтиб тутолмайман, ўзинг айттил, тутай қандоқ?  
Муродимга етурман деб ниyat қалган эдим, эвоҳ,  
Нетай, васлинита етмоқда Калонийда гумон кўпроқ.  
Аро йўлда қолиб танҳо, қаён боргум билолмасман,  
Тугаб сабрим, қарорим ҳам адo бўлди тутаб мутлоқ.

## **КУЛИБ БОҚ**

Кел, эй азиз нигорим, меңр билан кулиб боқ,  
Сенга этай, яраштай ою қүёшни балдоқ.  
Түнни қаро шу зулфинг айлади қоп-қароким,  
Нұрлай, гүзәл жамолинг күддүзни қилди порлөк.  
Севгисің борниң(нг) доим имони бут дегайлар,  
Майли, ёниб кетай мен, ишк үтінің үзинг ёқ.  
Бүлдім асири васлинг, җажринің тәсдатим йўқ,  
Сүрсаң ағар дилимни, жоним бераймы шундок?  
Кетдинг нечүн йироқлааб, соғинганимда бүзлаб,  
Күз ёшларим оқиб, ёр, сақрони этди ботқоқ.  
Мен-чун үзинг умидим, Сен демасант Муродим,  
Тарқ этаман, Калоний, ёруғ жақонни мұтақ.

## **ИМКОНИ ЙҮҚ**

Учратиб ёлғыз үзин сұхбат қилиш имкони йўқ,  
Рози дил айтмоқ учун хилват қилиш имкони йўқ.  
Күрганимда ҳуш оғиб, дүк-дүк этиб үйнар юрак.  
Васлиниң сұрмөқ учун журъат қилиш имкони йўқ.  
Жон нисор этмоқ учун таклиф этиб күлбам аро,  
Пойита гуллар сочиб, иззат қилиш имкони йўқ.  
Қанча күп борсам яқин, қочтагай узокроққа тарин,  
Ноилож күнгил үзіб, ният қилиш имкони йўқ.  
Күнгалини олмоқ учун совға-саломлар йўлласам,  
Олмагай, рад айлагай, ҳиммат қилиш имкони йўқ.  
Не этарни билмайин бошим қотиб, лолман, Калон,  
Васлига етмоқ дайин, ҳижрат қилиш имкони йўқ.

## **АЗИЗ ДҮСТИМ**

Азиз дүстім, белингдә бүлса белбөр,  
Яратғин зал учун доим сүлім бор.  
Босиб үттан йұлингдан гуллар унсия,  
Юлиб ташшар одамдар ўсса янтор.  
Хаёт йўлида йўлдошдан адашма,  
Дили пок мард одамдан айла ўртоғ.  
Хиёнат күчасига кирма ҳаргиз,  
Тушар шаъннинг беүхшов бўлиб дор.  
Тубанлик қаърига тортиб кетолмас  
Ҳалоллиқда агар бўлсанг буюк тоғ.  
Элинг-ла ҳамнағас бўлгин умрбод,  
Ахир, ажралмагай эт бирла тирног.  
Калоний, шеър сутига қўшмагин сув,  
Ки байтлар тоти бўлсин мисли қаймог.

## САВОЛИНГГА ЖАВОБ ЯНГЛИФ

Юзинг нурли эзур, ёрим зиёли сәфтоб янглиф,  
Ани курган эриб кеттәй мисоли томчы об янглиф.  
Жамолингни күриб бир дам түйиб олмоқда имкон йүк,  
Хәе түсмөңдами ёким юзингни бир ниқоб янглиф.  
Сорингаңдаң соринганман, куярман кошың күрсам деб,  
Күриб турсам-да етмайман, қиёсинг бир сароб янглиф.  
Күзингита гүлес гар күзим вужудим ўт олиб кеттәй.  
Висолинг маст этар доим мени, гүё шароб янглиф.  
Забун ҳолим күриб, дилдор, таажжуб қылмаган зиндор.  
Мұхаббат үтида күйтән дилим мисли кабоб янглиф.  
Чиқар ҳасратларымдан чант, фироним күкка ўрлайдыр.  
Боқиб қүйгін, оқиб турған күзим ёши хуноб янглиф.  
Калоний ишқи ҳаққоний эзурму деб савол бердинг.  
Ёзилған ушбу шеърим, ёр, саволингга жавоб янглиф.

## ВОДАРИФ

Күйди дил ишқин үтида, чекдим афрон, водариф,  
Сигматай оламга дардим, йигладим қон, водариф.  
Күз ёшым дарё бўлиб оламни уммон айлади,  
Оҳларимдан даҳри дунни босди тўфон, водариф.  
Сен етиб орзунгга, ошиқ орушин жа айладинг,  
Мен гарип ҳолига күйди еру осмон, водариф.  
Телбалардек тўлониб, бoshимни деворга уриб,  
Чекди заҳмат жисмиму тарқ этмади жон, водариф.  
Кўп азоб чекдим муқаррар мушкулим ҳаддан ошиб,  
Этмади мушкулни онсон мулку аркон, водариф.  
Бевафо дунёни тарқ этсан, Калоний, севги деб,  
Қоплади қалбим уйин мангута ҳижрон, водариф.

## НОГОХ

Менга шаҳрим хиёбони аро ёр учради ногоҳ.  
Этишта дилдаги ишқимни изҳор, учради ногоҳ.  
Қоронғу тун эди борлик, ёришди худди кундуздек.  
Вужудидан зиё сочгувчи дилдор учради ногоҳ.  
Кўзим теккайму деб қўрқиб боқишига журъат этмасдим,  
Қиёси йўқ чиройли феълу автор учради ногоҳ.  
Гўзал хислат, фазилатлар намоён бўлди бир зумда,  
Назокат ҳам латофат, номусу ор учради ногоҳ.  
Очиб баҳримни, хуш бўйларин келтирди шаббода.  
Диморимга, не баҳтким, мушкин тотор учради ногоҳ.  
Қочиб илҳом купи ҳаргиз, Калоний, шеър ёзолмасдим,  
Кулиб толе, разалхон дилда ашъор учради ногоҳ.

## МУСТАЗОДЛАР

### ОЛАМ АРО ДОСТОН

Давр келди элим ўзлигини этди намоён,  
то борича имков,  
Тенглар ичида тенту ҳамма дүстү қадрдон,  
яйрайди күриб жон.  
Қиплогу шаҳар барчаси хүб бўлди гулистон,  
аввал эди вайрон,  
Минг бора зафарларга тўлиб кетди-ку бул он,  
шон устига боз шон.  
Хурлиқда элим доврути кўп тарқади ҳар ён,  
олам аро достон.

Қизлар ясаниб товланадир, эрлари ўқтам,  
котирлари ҳам жам.  
Қалбимда губор қолмади ҳеч заррача бул дам,  
дил уйи бекам.  
Кўксимга уриб мақтаниман зўр дея ўлкам,  
йўқ сира ҳам ғам.  
Гуллаб кетадир энди бирам, юрт жуда кўркам,  
йил бўйи кўклам.  
Хурлиқда элим доврути кўп тарқади ҳар ён,  
олам аро достон.

Олтинга тўла бунда Зарафшону Намонгон,  
тупроги тўлиқ кон.  
Тоғлар тоши чин зарми ва ё лаъли бадахшон,  
бойликлари шоён.  
Ғайрат била меҳнат қиласидир борбону дедқон,  
хосил тўла хирмон.  
Толени қучиб завқланади дил, жуда шодон,  
йўқ сира армон,  
Хурлиқда элим доврути кўп тарқади ҳар ён,  
олам аро достон.

Этгум Ватаним айлагани боз яна обод,  
кўп янгилик ижод.  
Хизмат этайин сидқу вафо бирла умрбод,  
қалбимни этиб шод,  
Авжимни кўриб қиласа ҳавас тонг эмас Фарҳод,  
номимни этиб ёд.  
Бас энди экан мен каби мўл энг сара зурёд  
юрт мантуга озод.  
Хурлиқда элим доврути кўп тарқади ҳар ён,  
олам аро достон.

Тун бағрини кундуз этадир нур тұла осмон,  
жартылай жарынан шашынан.  
Юрт бағри чароғон экани яйраттур инсон,  
түрмуші фаровон.  
Раққосалари рақс тұппадир заңқ-ла беармон,  
хофизлари хупихон.  
Мадхини ёзиш этди Калонийни ғазалхон,  
булбул каби сайдрон,  
Хұрлықда злим довруги күп тарқади ҳар ён,  
олам аро достон.

1992 йыл

### ШҰХИ СИТАМКОР

Үт ёқди мұжаббат уйига шүхи ситамкор,  
дил бұзлади зор-зор.  
Хажрига солиб зэди юрак бағрими хұнхор,  
ғам бирла этиб хор.  
Мен нега фиғонлар чекибон йирламай ошкор,  
жон җолати афкор,  
Ошиқ эканимни аниқ билса-да ул ёр,  
рахм этмади зинхор.  
Қай пайтда қилиб қўйди бу оташга гирифтор,  
лек этмади рафтор.  
Хеч менга раво айламади күргани дийдор,  
дил васлиға хұммөр.  
Улсиз яшамам, ушбу жақон сағни эзур тор,  
боз қанча зулм бор?  
Токай этадир жабрини күп менга дилозор,  
жонимга жафокор.  
Ҳар лаңза, Калон, номини тил айласа тақрор,  
дил ёз деди ашъюр.  
Гар бўлса-да ул шунчага жафокору ситамкор,  
ашъюр мана, тайёр!



## МУРАББАЪЛАР

### АЙЛАДИНГ

Хуснинг, жоно, бунча зебо айладинг,  
Юзингни ой, офтобми ё айладинг,  
Боқданларни зумда шайдо айладинг,  
Қалбим олиб, қалбингга жо айладинг.

Оlam аро сендеk гўзal қайда бор.  
Оҳ, бунчалар шаҳло кўзларинг хумор.  
Кўз тегмасин, тақиb олгин кўз тумор.  
Еру кўкни тенг маҳлиё айладинг.

Чиройингта олам аҳли лол, ҳайрон,  
Паримисан ё ҳурмисан ё ғилмон,  
Сенга ошиқ бўлса бўларми инсон,  
Висолингта элни гадо айладинг.

Ол лабларинг асалмидир ё шакар,  
Шириналиқда ул жон билан баробар,  
Тота олсам тотни тотин мен агар,  
Толеим бут, баҳтим бақо айладинг.

Хушбўй сочинграйхонми у, ё сумбул,  
Асири бўлиб қоди жону дил буткул,  
Калон, тинмай мадхинг ёзиш-ла машғул,  
Шоир дилин энг хуш наво айладинг.

### СИЗ ЁНИМДА БЎЛСАНГИЗ

Олам нурга тўлади,  
Тун ҳам кундуз бўлади,  
Қалб олами кулади,  
Сиз ёнимда бўлсангиз.

Алам тарқаб кетади,  
Дилим яйраб кетади,  
Тилим сайраб кетади  
Сиз ёнимда бўлсангиз.

Ҳислар зиё сочади,  
Гуллар тунча очади,  
Баҳри-дилим очади,  
Сиз ёнимда бўлсангиз.

Қалбимни ишқ ёқади,  
Толе кулиб боқади.  
Менга жуда ёқади,  
Сиз ёнимда бўлсангиз.

Илҳом жўшар бегумон,  
Мисралар бўлур равон,  
Калон, байрамдир ҳар он,  
Сиз ёнимда бўлсангиз.

### ЁРОНЛАР

Ул гулжамолни хобимда кўрдим,  
Номинг надир деб оҳиста сўрдим.  
Шакар лабидан бир карра сўрдим,  
Ўнгимда кўрмоқ борму, ёронлар?

Излаб Самарқанд ҳам Бухорони,  
Тинмай чекарман жабру жафони.  
Ҳаргиз тополмам ул дилрабони,  
Топмоқ иложи борму, ёронлар?

Булбул мисоли афрон этарман.  
Гоҳ ақлу ҳушдан ажраб кетарман.  
Васлига, айтинг, қандай етарман?  
Етмоқда имкон борму, ёронлар?

Васлига қай кун бўлсам мұяссар,  
Сочтум бошидан сийму гуҳар, зар.  
Лекин умрбод етмас эсам гар,  
Қандай яшарман улсиз, ёронлар?

Ўткинчи дунё бир лаҳза, фоний,  
Аммо муҳаббат бўлмайди оний.  
Ёрим унуттам ҳаргиз, Калоний,  
Ёрсиз фароғат борму, ёронлар?

### ЭЙ СОҲИБИ ДАВРОНИМ

Эй соҳиби давроним,  
Жонимга жон жононим,  
Мен ер эсам осмоним,  
Чин ошиги шайдоман.

Ой, офтобдек тўлсангиз,  
Жон тасаддуқ кулсангиз,  
Сиз қаерда бўлсангиз,  
Мен ҳам шунда пайдоман.

Жон дессангиз жон берай,  
Қон дессангиз қон берай,  
Хеч тутанмас шон берай,  
Қалбингизга мен жоман.

Ошиқларым қаңдай соз,  
Юрак-бағрим ишқибоз.  
Қиши ұам сизга бұлсиян ёз,  
Чанқасангиз дарёман.

Сизсиз ҳаёт ҳаётмас,  
Калон, азоб қар нафас,  
Кент дүнә мисли қафас,  
Сиздан бұлмай жудо ман.

### **СУЮК СЕВГИНГИЗ БҮЮК**

Ұзим олисадаман, жоним сиз билан,  
Томирларда көзган қоним сиз билан,  
Умриимда қар нафас оним сиз билан,  
Севар ёрим, суюк севгингиз буюк.

Хәэлим сиз билан бирга кезади,  
Қалбим шириң-шириң қислар сезади,  
Ҳаётимни бақту омад безади,  
Севар ёрим, суюк севгингиз буюк..

Осмонга ой чиқса юзингиз дейман,  
Юлдузлар порласа күзингиз дейман,  
Жаннатнинг ҳури ұам ўзингиз дейман,  
Севар ёрим суюк севгингиз буюк.

Сочингиз ёйсангиз олам түн бұлар,  
Бир куалиб боқсангиз түн ұам күн бұлар,  
Ҳажрингизда лекин дилим күн бұлар,  
Севар ёрим суюк севгингиз буюк.

Калоний ұам битта шайдонгиз зрур,  
Йүлингизда доим пайдонгиз зрур,  
Шеърлари мадхингиз, санонгиз зрур,  
Севар ёрим суюк севгингиз буюк.

### **НЕ САБАБ!**

Боқмай ўтдинг мента нега дилрабо,  
Күзларингда ҳадикми у, ё ҳаё?  
Аразми у, ғазабми ё экан жо,  
Нигодингдан этдинг жудо, не сабаб?

Күкдаги нур ойми ва ё ҳилодинг,  
Эртаю кеч суриб толмам хаёлинг.  
Наҳот мендан түгдинг дариг висолинг,  
Кетди-қолди меҳру вафо, не сабаб?

Ақлу ҳушим олдингу лол айладинг,  
Мұхаббатим дилда малол айладинг,  
Билмай қолдым қандай савол айладинг,  
Қад-қоматим этдинг дуто, не сабаб?

Юксакдасан, жоним етиш осонмас,  
Сенсиз, Калон, дил дил эмас, жон жонмас,  
Қай бир юрак ишқинг ўтида ёнмас,  
Менга васлинг этдинг адo, не сабаб?

### ЁР БҮЛСАНГ БҮЛДИ

Сенсиз ширин ҳаёт керакмас,  
Үтмоқ учун Сирот керакмас,  
Хонумону бисот керакмас,  
Фақат ўзинг бор бўлсанг бўлди.

Майли, гулдек сўлиб қолсам ҳам,  
Ғам-рассага тўлиб қолсам ҳам,  
Вақт-бемаҳал ўлиб қолсам ҳам,  
Сен баҳтингта ёр бўлсанг бўлди.

Умрим мангудиши бўлса бўлсин,  
Машаққатли иш бўлса бўлсин,  
Шаънимга қарғиш бўлса бўлсин,  
Сен менга хуштор бўлсанг бўлди.

Ошиқ бўлиб, боқиб турсам бас,  
Меҳр бўлиб оқиб турсам бас,  
Сенга, жоним, ёқиб турсам бас,  
Садоқатли ёр бўлсанг бўлди.



## МУХАММАСЛАР

### ИШҚИДА

Ўртандурман, оҳ урарман дилрабонинг ишқида,  
Еру кўқда барча бўлган маҳлиёнинг ишқида,  
Борлигидан нур ёғилган пурзиёниг ишқида,  
Оlam аҳлига муқаррар раҳнамонинг ишқида.  
Яккаю-ёлриз муқаррам Раббанонинг ишқида.

Арзигай ҳалбимдаги ишқимни қас қисса ҳавас,  
Севгиси Мажнунни ишқим олдида учқунчамас,  
Бунчалик оташ муҳаббатни киши кўрган эмас,  
Эй дилим, куймоқлигингни қилма ҳеч оламда бас,  
Яккаю ёлриз муқаррам Раббанонинг ишқида.

Билмадим, токай қуярман, ҳажрида, ҳижрондаман,  
Васлига етмоқни истаб муттасил армондаман,  
Нолишим кўкларга ўрлар, нолаю афроидаман,  
Қайга бошимни урай, айт, тўлошиб шу онда ман,  
Яккаю ёлриз муқаррам Раббанонинг ишқида.

Ўйласам бошдан-оёқ, дунё экан байтул ҳазан<sup>1</sup>,  
Кас эса бир зум ёниб учгувчи бир шамдек экан,  
Бас экан шундоқ, ҳалол ишлаб, бўлай ширинсухан,  
Яхшилик ҳилган киши мақсадига етгай экан,  
Яккаю ёлриз муқаррам Раббанонинг ишқида.

### АЙЛАМА

Бу ҳаётдан колима, ҳеч ўзни шўрлик айлама,  
Ишлатиб кўр каллани сал, ақли гўрлик айлама,  
Бегубор осмонга термул, кўзи кўрлик айлама,  
Ношукур шайтон зрур, сен ношукурлик айлама,  
Ким ҳасадгўй, ақли ағёлтарга жўрлик айлама.

Нозу неъматларга сероб ҳур диёринг бор сенинг,  
Ота-онанг ҳам ҳакиқий дўсту ёринг бор сенинг,  
Дилда иймон бирла қатъий намус, оринг бор сенинг,  
Одам авлодига хосликка қароринг бор сенинг,  
Бекусур бўл, bekusur bўl, лек қусурлик айлама.

Бир боқиб қўй, сен яшар юрт боялари қаңдай гўзал,  
Қирлари, яйловлари, чорборлари қаңдай гўзал,  
Кўллари, дарёларию тоялари қаңдай гўзал,  
Кунлари, оқшомлари, тоңг чоғлари қаңдай гўзал,  
Гаштини сур бу ҳаётнинг, аммо сурлик айлама.

<sup>1</sup> Ғам-андуҳ уйи.

Сенга бағрани очибдир, бунда ўнгу сұлларинг,  
Ниятинг покиза бұлса түсмагай кас йұлларинг,  
Ишламоқ бұлсанг агар ушлаб туролмас құлларинг.  
Бас, ҳалол ипілар эсант бүлгай зиёда пулларинг.  
Қил ҳузур, яйраб яшайвер, бесқузырик айлама.

Ұзгалар ҳам сенга ўхшаш одам авлоди, ахир,  
Ким Навойй, Темуру Чүлпонни(нг) зурриёди, ахир,  
Доимо құтлуг, мұқаддасдир улар ёди, ахир,  
Чиқмасин оғзингданам боди кириб, шоди, ахир,  
Камтарин бўл, ҳеч кишига зарра зўрлик айлама.

Эл билан бўл, злдан ажрар кимса мутлоқ хор бўлур,  
Бу мұқаддас юртни қатра тупроғига зор бўлур,  
Кўзларига лаҳза-лаҳза икки дунё тор бўлур,  
Юртни севган ҳар киши обрў аро шунқор бўлур.  
Эй Калоний, ҳеч қачон оламда хўрлик айлама.

### БАС ҚИЛМА

Биродар, сен кўнгилни молу дунёга қафас қилма,  
Шириң жонингти талх айлаб, уни ҳаргиз абас қилма.  
Қадрсиз пулни(нг) кетидан қувишини ҳар нафас қилма,  
Тириклик катта бойлиқдир, зиёд орзу ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.

Киши дунёдан ўтганда бутун мулки қолиб кеттайдай,  
Унинг жисмими ёлғиз бир кафан ичра солиб кеттайдай,  
Бироқ қилган савобларни ўзи бирлан олиб кеттайдай,  
Тириклик катта бойлиқдир, зиёд орзу ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.

Керак ҳар кимсага бойлик ва лекин соғ ҳалолидан,  
Тобиб ол, майлига, олтин, ҳамиша бемалолидан,  
Зиёда мулк учун қўрққин азиз онлар уволидан,  
Тириклик катта бойлиқдир, зиёд орзу ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.

Топар мулк баъзилар, аммо ақл-идрок тополмаслар,  
Ғанимат ушибу оламда савоблардан ололмаслар,  
Тушунмаслар, бу оламда сира боқий қололмаслар,  
Тириклик катта бойлиқдир, зиёд орзу-ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сўрашни энди бас қилма.

Бировлар мулк учун жондан кечиб, ўзни гадо қилгай,  
Ҳаётнинг нелигин билмай, бутун умрин адo қилгай,  
Худовандо кўзинг очгин дебон ҳар дам садо қилгай,

Тириклийк катта бойлиқдир, зиёд орзу ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сүрашни энди бас қилма.

Калоний, мұлак толиб, яхши яшашиңи яхши одат қил.  
Ҳалол тоғтан пулнан бўлса, уни баҳту саодат қил,  
Қўлингдан келса эҳсон қил, фитр қил ҳам саҳоват қил,  
Тириклийк катта бойлиқдир, зиёд орзу, ҳавас қилма,  
Саломатлик ва иймонни сүрашни энди бас қилма.

### ГУЛ ЙОЗЛИ ЖОНОН БЎЛМАСА

Бу ҳаётнинг файзи йўқ гул юзли жонон бўлмаса,  
Пурзиё васлига етмоқлийка имкон бўлмаса,  
Не кечар тан ҳолати гар жисим аро жон бўлмаса,  
Дил уйи бўлмас нурафшон шуъла афшон бўлмаса,  
Найлайин жаннатни анда хуру ғилмон бўлмаса.

Бошима ёққай бало ҳажрида ҳаргиз тинмайин,  
Тунлари бедор ўтарман кўзга уйқу инмайин,  
Ғам-алам излаб тоғар қай бир томон беркинимайин,  
Севгилим дардида бевақт шиша янтири синмайин,  
Васлига мангуд етолмам дилда иймон бўлмаса.

Тобакай ҳажрин раво кўргуси дилдорим менинг,  
Қон бўлиб оқди вужудимда йўту борим менинг,  
Бир нафас ҳам тинмади ҳеч оҳ ила зорим менинг,  
Ул менга шону-шараф, номус ила орим менинг,  
Қайдә орому фароғат дилда имкон бўлмаса.

Қанча севсам ҳам нечун мен ёр учун бетонаман,  
Кўнгли вайрон, қалби сўзон, кўзлари гирёнаман,  
Ақлу ҳущдан ажралиб, зл-юрт аро афсонаман,  
Ишқи ийққа масхара, шайдойи бир девонаман,  
Не қилай бор сайрини сарви хиромон бўлмаса.

Эй Калоний, ҳажри ёрнинг бекиёс оғат экан,  
Васлига етсанг ҳаётнинг онлари роҳат экан,  
Ўйи ҳам ҳатто дилу жонинг учун кудрат экан,  
Мадҳими битсанг агар анга улуғ ҳиммат экан,  
Ёзганинг манзур змас, тилларда достон бўлмаса.

### БҮЛБУЛИГҮЁ БЎЛУР

Не учун ёғди балолар бошима, дўстлар, менинг,  
Ким заҳар солди, не боис, ошима, дўстлар, менинг,  
Қочалир бир зум келолмай қошима дўстлар менинг,  
Ё рақиб муҳтоҷ экан кўз ёшима, дўстлар, менинг,  
Ё синов берди Худойим дошима, дўстлар, менинг.  
Мен бирорвлар дардига ҳамдам бўлганданмикан?

Шиддатидан норасо пурғам бўлганданмикан?  
Эл-улус ҳар қилимишмдан хуррам бўлганданмикан?  
Пок дилим ҳаддан зиёд кўркам бўлганданмикан?  
Ёки қалб гафлатда хотиржам бўлганданмикан?

Не учун олди нишонга беимон ағёрлар,  
Теп-текин эллининг ошига доимо тайёрлар.  
Халқ аро обрўни тўккан юзису беорлар.  
Қалби чўлтоқ, онги тўмтоқ, зулмкор беорлар.  
Қасд олиб ҳеч ютмади, ютқазди ул хунхорлар.  
Найлайнин, турбатта ташлаб ёв роҳат айлади.  
Беимону беҳаё касларга улфат айлади.  
Бошима фисқу-фужур, ирвони қат-қат айлади,  
Жонима турли бало, оғатни кулфат айлади,  
Муддаога етди, ғоят дилни дикқат айлади.

Энди ким ғолиб деган муддао пайдо бўлур,  
Ким ҳалол бўлса улус қалбига мангу жо бўлур,  
Ким нараз ниятда бўлса ул адo, расю бўлур,  
Эл меҳр қўйгач Калонийнинг тили бурро бўлур.  
Куйлагай ҳақлиkn тинмай булбулигўё бўлур.

### ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон деб аталган юртта олам ишқибоз,  
Не учунким алл йигитлар бунда, қизлар сарвиноз.  
Қанча қувнаб, қанча яйраб куйласак ҳам шунча оз,  
Эй замон булбуллари, биз бирла бўлгин жўровоз,  
Бизга шу юрт тинч бўлиб, ҳеч кўрмасин ғам, инқироз.

Бунда дўстлик, ошинолик бўлди доим барқарор.  
Бунда меҳру оқибат бор, хосиятлар бешумор.  
Бунда инсон баҳтиёрдир, бўлмагай ҳеч кору зор.  
Мадхини куйлайверайлик завқ билан мардонавор.  
Бизга шу юрт тинч бўлиб, ҳеч кўрмасин ғам, инқироз.

Йилдаги ҳар тўрт фасл ҳар лаҳза бунда навбаҳор,  
Боғлари жаннатмакондир, қирлари кенг лолазор.  
Сувлари обиҳаётдир, иқлими хўб берубор.  
Кенг жаҳон майдонида бундай диёр қай ерда бор.  
Бизга шу юрт тинч бўлиб, ҳеч кўрмасин ғам, инқироз.

Бунчалар ҳам, бунчалар ҳам кўркаму зебо эрур.  
Барча эл аҳдига қойил, хуснига шайдо эрур.  
Ҳар нафасда олам-олам мўъжизот пайдо эрур.  
Бағрига милён Калонийдек ғазалхон жо эрур.  
Бизга шу юрт тинч бўлиб, ҳеч кўрмасин ғам, инқироз.

## ФАЗАЛХОН ЭТДИНГИЗ

Эрта тонгда боғаро, дилдор, жавлон этдингиз,  
Мисли товус товланиб сайри гулистон этдингиз,  
Пурзиё офтоб мисол дилни нурафшон этдингиз,  
Ҳисларим жүш урдириб, қалбимни бүстон этдингиз,  
Сизни күрсам деб эдим, мушкулни осон этдингиз.

Сизга боқсам юзларингиз күзларимга нур сочур,  
Сизга боқсам борлихимдан ҳам, алам, ташвиш қочур,  
Сизга боқсам қалбинам шодликка баррин кенг очур,  
Ҳисларим, туйгуларим ҳам зулфиянгизга чирмашур,  
Бу не баҳтким, сиз мени(нг) күксимни осмон этдингиз.

Ногаҳон зебо юзингизда табассум порлади,  
Ҳүснингиз боз опцио, гулларни ҳам хушторлади,  
Күзгалиб рашким, чунонам ёнингизга чорлади,  
Дилдаги мавжуд түмөнларинг барин бекорлади,  
Ёр, умидим томчи эрди, катта уммөн айлади.

Сиз нигоҳ солған маҳал янтоқ, тикон ҳам гүл бўлур,  
Сиз нигоҳ солған маҳал боййули ҳам булбул бўлур,  
Сиз нигоҳ солған киши ишқ ўтидан кул-кул бўлур,  
Сиз нигоҳ солған маҳал шоҳ бўлса ҳам кас қул бўлур,  
Севгингиз бирлан Калонийни ғазалхон этдингиз.

## ИЛТИЖО

Худойим, тинглагин хаста қулингнинг илтижосини,  
Ўзингдан бошқага айтмам дилимнинг муддаосини,  
Чекарман тобакай ношуд рақиб жабру жафосини,  
Юзимга суртамоқ истар ўзин шаънин қаросини,  
Отар ҳар дам камонидав бошимга марг балосини.

Нечун имови йўқ аёр менга муддиш рақиб бўлмиш,  
Не боисдан, билолмайман, дилига ғаш, қаҳр тўамиш,  
Нега мента равонимас йўл, анга доим равон йўлмиш,  
Анинг бахтин гули яшнаб, менинг бахтин гули сўлмиш,  
Ўзинг одил ҳукмдорсан, ўзинг бергил баҳосини.

Нечун ёвим қутургандан қутурмоқда, қани инсоф?  
Ғазаб номли балосини уюб ташлар мисоли қоф,  
Ўзин мутлоқ ҳукмдор деб ҳисоблайдир, уриб кўп лоф.  
Емоги бол эрур доим, либоси мутлақо зарбоф.  
Ўзингдан бошқа қодирмас, сўрарман, бер жазосини.  
Ўтингчим шу: бу олам корида бўлсин ҳақиқатлар,

Разолатлар тутаб, ҳокимлик этсиылар адолатлар,  
Қанот ёзсин, Калоний, эътиқод, битсин жаҳолатлар.  
Кишин қалбин безаб турсин саковатлар, саодатлар.  
Қуёш янгалир сочиб турсин ҳидоятлар зиёсими.

1990 йыл

## АЙЛАДИ

Бу Этам құдрат билан осмонни пайдо айлади,  
Ер, олов бирлан шамол, уммонни пайдо айлади,  
Хул күриб оташнафас инсонни пайдо айлади,  
Сүңг ўшал инсон танида жонни пайдо айлади.  
Имтиҳон этмоқ учун иймонни пайдо айлади.

Имтиҳондан қанча каслар беш баҳога ўтдилар,  
Бебақолиқдан кетиб, дорилябақога ўтдилар,  
Бевағодан юз буриб үл бовағога ўтдилар,  
Ғам, аламдан хос бўлиб, кайфу сағога ўтдилар.  
Бу азизларга Этам жаннатни пайдо айлади.

Баъзилар юрди жаҳонда дилларини шод этиб,  
Ишларин гумроҳу доим ўз-ўзин бедод этиб,  
Оқибат ўтмай синовдан кетдилар фарёд этиб,  
Қўйсалар бўлмасмудиқим охиратни ёд этиб,  
Ул ранимларни жаҳаннамга тиқиб, жо айлади.

Эй ёронлар, бу жаҳон ўткинчидир, ҳушёр бўлинг.  
Сиз Эгамнинг ёдида тун-кечалар бедор бўлинг,  
Бедиёнатдан қочинг, динлига доим ёр бўлинг,  
Кўп савоб ишлар қилинг, иймонни доим бор этинг,  
Дини борнинг тилларин Оллоҳ бурро айлади.

Ким диёнатли эса ҳалқин мудом куррам қилур,  
Йигласа кўз ёш тўкур, байрам эса байрам қилур,  
Бу саковатли юмуш, билсанг, Калоний ҳам қилур,  
Доимо таъзим бажо айлаб, бошини ҳам қилур,  
Кимки ҳалқпарвар Худо бахтини боло айлади.

## ҚОЛМАДИ

Даҳри дуннинг менга етказмас жафоси қолмади,  
Бермаган озорию, оғриқ, жазоси қолмади,  
Қасди жоним этмаган ҳеч муддаоси қолмади,  
Дил уйимга солмаган мотамсароси қолмади,  
Бошима ёғдирмаган дарду балоси қолмади.

Толеим гүмдөн бўлиб кеттан, ани излай нечун,  
Кўрмагай дунёни кундуз кўзларим, ҳар лаҳза тун,  
Не эрур ханда, билолмам, дилгинамнинг бағри хун,  
Этди кўнглим пора-пора, эй рақибим, кўр, суюн,  
Жисму жоним бўлмаган ғам мубталоси қолмади.

Мехрини арёрга берди, менга сочди қаҳрини,  
Май тутиб ажёрга, менга кўп ичирди заҳрини,  
Кўз ёшидан тўлдириб тошдириб доим наҳрини,  
Зулм этиб менга ўзининг оғди мангубағрини,  
Бахш этарга зарра янглиғ ҳам сафоси қолмади.

Отди гўхмат тошини гўё тегирмон тошидек,  
Гуссалар солди тинимсиз аждаҳонинг бошидек,  
Қоматим дол, қайрилиб кетди нигоро қошидек,  
Бормикан, айтинг, чидамлироқ дилим бардошидек,  
Шаънима суртилмаган ҳеч бир қароси қолмади.

Дарди йўқлар куладилар дардимни(нг) бисёрин билиб,  
Сепдилар туз этларимнинг терисин буткул шилиб,  
Этдилар байрам мудом, қончиюрак-бағрим тилиб,  
Фаҳр этарлар бевафолар шунча ваҳшийлик қилиб,  
Эй Калоний, бу жаҳоннинг ҳеч вафоси қолмади.

## МЕНИ

Эй Худо, бебаҳра этма қисқа фурсатдан мени,  
Доимо тезкор ўтар онларда ғайратдан мени,  
Элни шодон эттаки ҳар лаҳза ҳимматдан мени,  
Белни маҳкам боғлабон этмоққа кизматдан мени,  
Жон талаб этса, фидо айларга журъатдан мени.

Эл назардан қолдирап зулму жаҳолат аҳлини,  
Бошига инсонни ёғдиргувчи кулфат аҳлини,  
Тилда дўсту дилда ағер беҳамият аҳлини,  
Муттасил сийлаб сурял сидку ҳидоят аҳлини,  
Кетмасин четлаб ўтиб умримда хўш одат мени.

Кеддими оламга одам содир этсин эзгулик,  
Эзгуликдек йўқ жаҳонда гавҳаристон инжулик,  
Покиза қалби ҳамиша ҳисли бўлсин, туйгулик,  
Обрў топсин, ҳеч қачон зал ичра бўлмай кулгулик,  
Айласин ҳар дам йироқ кек, гина, кудратдан мени.

Ҳар кишининг толейи феълига боғлиқ дейдилар,  
Феъли бад одамни(нг) доим бағри доғлиқ дейдилар.  
Нияти соғ кимсаларнинг вақти чорлиқ дейдилар,  
Вақти чорлиқдан бино жон, танда соглиқ дейдилар,  
Этмасин тарк ҳеч қачон, ҳеч қайда куч-кудрат мени.

Оқибат, меҳру ҳидоятдан чароғон бу жаҳон,  
Одамизот бир-бираға меҳрибону жонажон,  
Йўқ эрур мағлубият, ғолибиятдан дилда шон,  
Покиза кўнгил, Калоний, жаннатийликдан нипон,  
Қисмасин ҳеч чархи дун дину диёнатдан мени.

### ЕЛДИ ОЗОДЛИК ШАМОЛИ

Елди озодлик шамоли, дил, ўзингни шод қил,  
Хушхабар элтиб элингта, барчани дилшод қил,  
Қайгую ғам лашкарини даф этиб, барбод қил,  
Шоду ҳандонлик уйини барқарор бунёд ҳил,  
Ҳур диеринг ўз уйингдир, сен уни обод қил.

Босмасин гафлат дилингни, доимо хушёр бўл,  
Эрк учун посбон бўлишликка мудом тайёр бўл,  
Бир умрга эрки ёрсан, шерюрак шунқор бўл,  
Эркесвар дўстлар сафида доимо ҳам бор бўл,  
Бандилиқдан энди дилни то абад озод қил.

Бу нечук омад эзур, толе қуёши сочди нур,  
Нур кириб кўнгилга топдик бекиёс завқу кузур,  
Кўнглимиз уммонида мавж урди кудратли йурур,  
Эл дебон бўлди омонлик, дер дилимда завқ ҳузур,  
Шу шукуҳли лаҳзада ўтмишни ҳам бир ёд қил.

Ҳуррият деб бу Ватанда қанчалар бонг урдилар,  
Лек етолмай, охиратга йўлни почор бурдилар,  
Ўзларига за-улус қалбидя ҳайкал қурдилар,  
Минг шукур, кутлуғ замонда энди гаштиң сурдилар,  
Элсенарлик бобида сен ҳам ўзинг Фарҳод қил.

Эй Калоний, ҳурриятнинг қадрига еттин мудом,  
Бошлаган ул мўътабар ишларни эттиргин давом,  
Энг улуғ мақсадлару орзуни айла зэгу ком,  
Дилда ишқинг жўш уриб, юрtingни сев, хуллас қалом,  
Бир умрга за муносибдир, элинг устод қил.

### ИСТАЙДИ ДИЛ

Дўстларим, ҳижроидаман, гул юзли ёр истайди дил,  
Сочлари тундек қаро, кўзи хумор истайди дил,  
Май ичиб гулшан аро мастанавор истайди дил,  
Шунчаки эрмаккамас ҳеч, зор-зор истайди дил,  
Васлининг маҳри учун милиг жон нисор истайди дил.

Яйрашиб гулгун висол завқини сурсак икки тан,  
Бизни кутлаб ғунчалар, бағрин очиб кулса чаман,  
Шаънимизга мадҳ-санолар айтса қушлар сайраган,  
Кўйка бошим етказиб, яйраганман яйраган,  
Қиши эмас, ё куз эмас, фасли баҳор истайди дил.

Сал босай дерман күмор, күзи күмөридан ўпид,  
Қоп-қаро холидану сүнг икки норидан ўпид,  
Гоҳ сүриб лаълидану, гоҳи аноридан ўпид,  
Эркалаб сочин силай ҳар иеки боридан ўпид.  
Кўксига бошим кўйиб турган нигор истайди дил.

Ёр билан ўтган дамим жаннатдаги хуш он каби,  
Мен ани сийлай севиб олижаноб меҳмон каби,  
Беҳисоб меҳрим жўшиб турсин мудом уммон каби,  
Асрайнин, ардоқлайин жисимидаги шу жон каби,  
Куйлайин бўлбул каби, бир гулузор истайди дил.

Истатим рўёбга чиқмас эрса вайрон борлигим,  
Қолмагай зарра мадорим, қип-қизил қон борлигим,  
Нолаю фарёд билан кўп оху афғон борлигим,  
Сарғайиб қақшаб сўларкан, худди бежон борлигим,  
Тарк этай жон, эй Калоний, бир мозор истайди дил.

### ЭТ ҲАМИША МУҲТАРАМ

Оч кўзим, ё Раб, разолат сори гар кўйсам қадам,  
Йўлдан оздирсанг мабодо бир умр қилгай алам,  
Мен гарибу нотавон, осийта қил лутфу карам,  
Ёлворармал жойнамоз устида доим дам-бадам,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам,

Хизматинг айлай бажо ҳар длимо жоним билан,  
Бахш этай сенга ҳётимни шараф-шоним билан,  
Бор гуноҳимни ювай жисимидаги қоним билан,  
Розиман ўлсам агар қалбимда иймоним билан,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам.

Бир мусулмон ўғлидирман, бу шарафни оқлагум,  
Нурли номинг дилгинам тўрида асраб, сақлагум,  
Уммати эрман, Расулинг сўзларин ардоқлагум,  
Нега дайъват эттан эрса барчасини ёқлагум,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам.

Тоғанимни элу юртга сарф этай, тўйлар қиласай,  
Камбараж, ночор, етимларнинг мудом бошин силай,  
Эрта тонгдан уйғониб иймону инсофиги тилай,  
Доимо, Оллоҳ, жамолингни кўришга интилай,  
Ҳам у дунё, ҳам бу дунё эт ҳамиша муҳтарам.  
Кирмасин шайтон йўлига, асра ҳар бир баңдани,  
Не учунким, ўз йўлинг бор иккиланмай юргани,  
Шу йўлингита баҳшида бўлсин Калоний жон-тани,

Тинмайин шеърлар ёзиб, доим улувлайман сани,  
Хам у дунё, хам бу дунё эт ҳамиша мұхтарам.

### **КАМЛИК БҮЛМАСИН**

Юртда сероблик бўлиб, ҳеч киизда камлик бўлмасин,  
Шодумонлик авж олиб, қайгуо ғамлик бўлмасин,  
Ҳамма тенг лутф қиссин, аммо бекарамлик бўлмасин,  
Мустақиллик яшиасин, асло қарамлик бўлмасин.  
Қадди роз юрсин одамлар, боши ҳамлик бўлмасин.

Ҳар кишининг рўзори бут бўлиб, топсин ҳамол,  
Остидан доим ўтиб турсин ажиб кутлуғ шамол,  
Турмуши болдек ширин, соат сайин очсин жамол,  
Мустақиллик яшиасин асло қарамлик бўлмасин,  
Қадди роз юрсин одамлар, боши ҳамлик бўлмасин.

Минг шукрим, лаҳза-лаҳза меҳру ҳиммат ортадир,  
Поклануб, чиндан кўнгилларда диёнат ортадир,  
Оқибат, миллий туурур бирлан саодат ортадир,  
Мустақиллик яшиасин, асло қарамлик бўлмасин,  
Қадди роз юрсин одамлар, боши ҳамлик бўлмасин.

Шу Ватандир бизга қутлуғ дилдаги иймонимиз,  
Бахт эрур баҳшида бўлса унга жисму жонимиз,  
Сарф этайлик умримиз, ҳар неки бор имконимиз,  
Мустақиллик яшиасин, асло қарамлик бўлмасин,  
Қадди роз юрсин одамлар, боши ҳамлик бўлмасин.

Эй Калоний, яхши шеърлар бирла қил ҳалқингни шод,  
Яхши инсонларга чин дилдан сўра мушқулкушод,  
Охират кеттган боболар рудини бот айла ёд,  
Мустақиллик яшиасин, асло қарамлик бўлмасин,  
Қадди роз юрсин одамлар, боши ҳамлик бўлмасин.

1991 йил

### **МУСУЛМОН ДИНИДАН**

Хуш фазилат ёнилур ҳар дам мусулмон динидан,  
Одоб-ахлоқ ўрганур одам мусулмон динидан,  
Топди ҳалқим дардига малҳам мусулмон динидан,  
Розидур ҳалқим билан ўлқам мусулмон динидан,  
Арзигай ўргилса гар олам мусулмон динидан.  
Кимки бу дин йўлига кирса унинг ақли расо,  
Мекрибону хуш фазилат айлагай Холиқ Худо.

Охират ҳар баңдасини эттәй у жанинната жо,  
Жисми оташ ичра куймас ҳам емайдир аждаҳо,  
Арзигай ўргилса гар олам мусулмон динидан.

Илм олишта чорлагайдир, маътиратпаряар бу дин,  
Пок юрицига ундағайдир, тан сиҳатпарвар бу дин.  
Оқибатта даъват алларким, одампарвар бу дин,  
Бошлагай иймонаға доим, охиратпарвар бу дин.  
Арзигай ўргилса гар олам мусулмон динидан.  
Биз мусулмон аҳли доим бу жаҳонда баҳтиёр,  
Эл аро обру топармиз ҳам толармиз эътибор,  
Чунки кимда бўлса иймон ҳеч қачон бўлмайди хор,  
Елриз Оллоҳни Калонийдек кўтаррга интизор.  
Арзигай ўргилса гар олам мусулмон динидан.

### ЭТМАГИЛ СЕВГИМНИ РАД

Этмагил севгимни рад мангуга армон бўлмасин,  
Ишқ билан тўлган дилим бағри тўлиқ қон бўлмасин,  
Кўзларимнинг ёши тинмай кавқабистон бўлмасин,  
Берубор орзулаrimнинг бари ёлрон бўлмасин,  
Кулгали ҳолимга ағёлларга имкон бўлмасин.

Севги бу меҳру мурувват, дилни айлар дилрабо,  
Ул гўзаллик, ул нафосат, ул латофат, нур-зиё,  
Севгиси бор кимсаларнинг умри ўттай бериё,  
Тарки ишқ этмай кўнгиллар унга бўлсин ошино,  
Севгисиз оламда ҳатто битта инсон бўлмасин.

Севгининг куч-кудратидан чўл кўнгиллар лолазор,  
Севгининг куч-кудратидан барча диллар берубор,  
Севгивинг куч-кудратидан меҳрибонлик бешумор,  
Севгининг куч-кудратидан бор эрүр иномус ва ор,  
Севгисиз оламда, дўстлар, лаҳза ҳам он бўлмасин.

Севгининг васли шифою, ҳажри дарддири бедаво,  
Дардидан ким оғриса ранги сомондири, қаҳрабо,  
Жонида ороми йўқдир, қалби ҳам мотамсаро,  
Васлига етса ва лекия шу замон топгай даво,  
Ҳажридан ҳеч кимса ҳеч давронда қурбон бўлмасин.

Дилгинам, кел, майлига, куй, майлига, ён севгидаи,  
Бу жаҳонда кастга мангуд шуҳрату шон севгидаи,  
Шуҳрату шон дер эсам кам, бекиёс жои севгидаи,  
Берубор ушбу мухаммас ҳам намоён севгидаи,  
Эй Калоний, ишқи йўқ, ҳеч бир ғазалхон бўлмасин.

## ЭЛСЕВАРЛАР

Элсеварлар юртига чин ошиғу шайдо бўлур,  
Этса даъват ҳар юмушга шул замон пайдо бўлур,  
Дилга завқ, кўнгилга шаңқ, жонларга дил оро бўлур.  
Халқига татъим этиб, тик қомати ҳам ё бўлур.  
Оқилю доно, вали, камтар улуғ сиймо бўлур.

Ул Ватанниң зарга тенг тупрогини кўзга сурар,  
Қалбида ишқи учун осмонўпар уйлар қуарар,  
Гар қилич келганда ҳам бошига, аҳдида туарар,  
Кўп садоқат кўрсатиб, содик бўлиб қандин урар.  
Кетмагай ҳижратта ҳаргиз, корт асила маъво бўлур.

Элу юртини шаъну шонин бир умр ардоқлагай,  
Ёвларини ёв билиб, ошипларин ўртоқлагай,  
Неки фармон этса ҳалқи жон-дилидан ёқлагай,  
Бурчини аъло бажо айлаб, тузини оқлагай,  
Қиймати ошгаңдан ошгай, бебаҳо аъло бўлур.

Муддаоси доимо қурмоқ, яратмоқлик мудом,  
Бегубор орзулари, эзгу ниятлар унга ком,  
Севгиси боқий эзур, гўё кўёшдек бардавом,  
Бекиёс толе сўраб, иқбол тилашдир муддаом,  
Унга эл қалби муқаддас энг табаррук жо бўлур.

Мен анга қойил дебон, жонига жонимни берай,  
Севганимдан босгани покиза бағримни керай,  
Қўлларига туттани аввойи гуллардан терай,  
Хурматини жойига қўйсан, Калоний, ўргилай,  
Бешумор мадҳи учун дил булбулигўё бўлур.

## БУ ЖАҲОНГА

Бу жаҳонга барча инсон мисли меҳмон, дўстлар,  
Яхши меҳмонни улурлар, яхши мезбон, дўстлар.  
Иззатини билса меҳмон яхши инсон, дўстлар.  
Яхшиликка кўл урайлик, бор-ку имкон, дўстлар.  
Бегубор дилларда қолмас доту армон, дўстлар.

Не учунким, ҳамма кетпай оқибат наебат билан,  
Азроил жонни олур келса ажал фурсат билан,  
Кирса чиқмас уйга тиққайлар сени курмат билан,  
Ушбу уй нурли бўлур кимки яшар ҳиммат билан,  
Беҳамият қасга йўлдош дарду ҳижрон, дўстлар.

Билмадим, ўлсан аза кимга ва кимга тўй бўлур,  
Хотирам кимга унугт, кимга умрбод ўй бўлур.

Иzlарим қолған уйғын кимларга, айтинг, уй бўлур,  
Богларим мендан кейин ҳам кўркamu хушбўй бўлур.  
Кошки руҳим яхшиларни кўрса шодон, дўстлар.

Ниятим мендан кейин ҳам бор бўлсин яхшилар,  
Эрклию имонлию диндор бўлсин яхшилар,  
Ҳамжиҳат ҳам ҳамфир, ҳамкор бўлсин яхшилар,  
Эзгулик голиб мудом, икror бўлсин яхшилар,  
Бўлса тинчлик доимо олач гулистон, дўстлар.

Ўиласам дўшпим олиб, дунё ажиг бозор экан,  
Моли тоза кас азизу, моли пастлар хор экан,  
Эл учун меҳнат, ижоддан бошқаси бекор экан,  
Эй Калоний, сен учун энг яхшиси ашъюр экан,  
Ёд олур ёзғаниларинг дилдағ ғазалхон, дўстлар.

## ДЎСТЛАР

Меҳрибонсиз, меҳрингиз ҳар лаҳза дарё, дўстлар,  
Яхши ниятли, жасоретли, мусавффо дўстлар,  
Судбатингиз ҳам ширин, кўнтилга оро, дўстлар,  
Сиз туфайли барча истаклар муҳайё, дўстлар,  
Тегса ёстиққа бошим теппамда пайдо, дўстлар.

Гар ўзимни қуш десам қўш қанотимсиз менинг,  
Сизга термулгим ҳамиша, коинотимсиз менинг,  
Бору йўримидир ўзингиз, бор бисотимсиз менинг,  
Шұдратим, шоним, гурурим, саботимсиз менинг,  
Не учун дил бўлмасин сизларга шайдо, дўстлар.

Кўп аҳилмиз, шу аҳиллик бир умр этсин давом,  
Битта ион топсанк агар тенгдан бўлиб ермиз мудом,  
Ажрамасмиз умримиз кундузми, тунми ёки шом,  
Этни тирноқдан жудо этмас киши, хуллас қалом  
Ҳамжиҳатмиз, бунда кўп хислат ва маъно, дўстлар.

Ёлғиз отнинг чанги чиққай, доңни чиқмас ҳеч қачон,  
Ким бўлинса бўрига ем бўлғусидир бегумон,  
Қўлни кўлга берса ким мушкуни айлар онсон,  
Бирлашиб учсан агар бизларницидир осмон,  
Мағлуб этмас ҳеч киши ҳам енга олмас, дўстлар.

Кимки ёлғиз, якка бўлса яккамоҳов дейдилар,  
Катта, улкан ишга кўнгли бермагай дов дейдилар,  
Кўпчилиқдан, лек кутулмас қося ҳам ов дейдилар,  
Кимки дўстлик риштасини узса у ён дейдилар,  
Бадреъу бадбаҳт зэрур ким қилса тавро, дўстлар,  
Ошинолик бўлса дил тўқ, хотиринг ҳар лаҳза жам,

Ошинолик бўлса бутлик, бўлмагай рўзгорда кам,  
Ошинолик бўлса ёр ҳам айлагай лутфу карам,  
Ошинолик бўлса тинчлик устивор оламда ҳам,  
Дер Калоний: ушбу шеърим сизга совро, дўстлар.

### МАНАМ ҲУР ЎЗБЕКИСТОНЛИК

Манам ҳур ўзбекистонлик, гурурим, ифтихорим бор,  
Етарли обрўйим ҳамда қозонган эътиборим бор.  
Ўзимга хос фазилат, номусим бирла орим бор,  
Ҳақиқатли, адолатли асил қатъий қарорим бор,  
Ватан мудхини куйловчи навобахш қўлда торим бор.

Шукрким, кулди иқболим, менга ҳурлик насиб этди,  
Қаро зулмат узоқлашди, ажиб нурлик насиб этди,  
Ҳукуқим қайта тикландию тенгқурлик насиб этди,  
Қаро зулмат узоқ кетди, гўзал нурлик насиб этди,  
Дилимда оташин илқим, ўзимда ихтиёrim бор.

Диёrimга боқинг, бошдан оёқ жаннатмакон боғdir,  
Қўлим чўзсан етар осмонга, кўксим энг баланд тоғdir,  
Бу дамлар энг гўзал дамдир, бу дамлар хуш ўтар чоғdir,  
Бу кун олам ҳавас қиссин, қозон ҳам чўмичим ёғdir,  
Фаҳрланмай нечун, айтинг, туганмас навбаҳорим бор.

Диёrim кўқидан ҳалқимга нур афшон таралгандир,  
Ҳалол ишлаб, ҳалол топмоқ учун имкон яралгандир,  
Бу имконлар Эгам номли нажоткордан сўралгандир,  
Бутун баҳтим уйи омад зиёсига ўралгандир.  
Ноним нимта эмас, дўстлар, барокотли шикорим бор.

Тутаб тунлар диёrimning зиёбахш тонглари отди,  
Кўролмасдан рақиблар тинмайин гийбат тошин отди,  
Гараз мақсад түфайлидан ўзиң виждонини сотди,  
Бу рафлат уйқусидан Калонийни ҳам уйғотди,  
Бўлиб отоҳ, бўлиб ҳушёр яшашликка шиорим бор.

### ҲАЁТ

Эй кўнгил, одам ўтиб кеттувчи йўлдир ҳаёт,  
Лек бу йўлда ҳар қадам бир мўъжизотдир, мўъжизот,  
Ушбу йўлдан кимки тўғри юрса унга йўқ мамот,  
Гар адашса ногаҳон асло тоғмайдир нажот,  
Шул сабабдан етти ўлаб, бир босарман бот-бот.

Ушбу йўлнинг четлари кўркам эрур зебо жуда,  
Гашти бор бу йўлда юрмоқни, эй доно, жуда,  
Завқиу шавқи унинг оламча сермаъно жуда,

Шул сабабдан мен унга бўлдим, ахир, шайдо жуда,  
Ушбу йўлда мента ҳамроҳ бўлгай ҳар доим сабот.

Ким билар ким юрганини ундан бир из қолмаса,  
Қайта унгайму дарахт қирқилса, илдиз қолмаса,  
Мақсадим ижро эмас, бу йўл туборсиз қолмаса,  
Бахтиёрман, дўстларим, мендан кўнглингиз қолмаса,  
Бор бисотим сарф этиб сизларга қилгум илтифот.

Ким унугта яхшиликни гар эсига солмасам,  
Ёки уч-тўртта гул кўчат экибму қолмасам,  
Мен инсонму йўлда ётган тошини четга олмасам,  
Тезда мақсадга етарман йўлда чарчаб толмасам,  
Эй дилим, бу йўлни обод этгани қил кашфиёт.

Ушбу йўлдан бир ўтарман, кетта қайтиш бўлмагай,  
Ушбу йўлда ўтқазиб кетган гулим ҳеч сўлмагай,  
Ушбу йўлдан беҳуда ўтсан бу кўнглим тўлмагай,  
Ушбу йўлдан яхши ўтган одам асло ўлмагай,  
Шул сабабдан, эй Калоний, қолдириб кет яхши от!

### ЎЗБЕКИСТОН БУ

Эли ўзбек, ўзи бек ҳам ўзи хон Ўзбекистон бу,  
Берунийдир, Улуғбекдир, билимдон Ўзбекистон бу,  
Навоий, Лутфий, Бобурдир, ғазалхон Ўзбекистон бу,  
Мудом дунёга ном ёйган қучиб, шон Ўзбекистон бу,  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Фахр этмоққа ҳақлидир, Амир Темур бобоси бор,  
Юсуф Ҳос Ҳожибу Маҳмуд Қошварийдек тағоси бор,  
Бухорий, Термизий, Нақшбанд, Яссавийдек даҳоси бор,  
Жаҳон тарихида олган муносиб ўз баҳоси бор,  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Самарқанду Бухоро, Хивага кимлар ҳавас қилмас,  
Қадимий Шош, Намангану Қўқонни ҳай киши билмас,  
Ки ўзбекнинг асрлардан ошишга йўли қирқилмас,  
Жўшиб турган булоқ ҷашми жаҳон тургунча беркилмас,  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон ўзбекистон бу.

Мурунтову Зарафшон тупроғи тупроқ эмас, зарку,  
Тиёншону Ҳисор. Чотқолда тошлар мисли гавҳарку,  
Шоҳимардону Бўстонлиқ асили жаннатга тенгларку,  
Ҳавоси соғ, суви гозза, гиёҳи ҳам суманбарку.  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.  
Чарогондир диёри сочгани оламга соғ нурдир,  
Йигитлар бунда Алномиш, Муқанна мисли мағрурдир.

Ахир, ҳур қизлари Барчин каби масруру машҳурдир.  
Этай Оллоҳга шукрона, бутун эл мустақил, ҳурдир,  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

Бўлиб бир жону тан ҳалқи тарин ҳам яхши бирлашди.  
Очиб кўнгил, иият айлаб, юрақдан яхши сирлашди.  
Белида қуввати ошди, Калоний, ғайрати тошди,  
Дегайлар шубҳасиз бир кун бу миллат онги төр ошди.  
Бутун олам ҳавас қилгай, ахир, жон Ўзбекистон бу.

### НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Во ажаб, ҳижронда ошиқ дилни{нг} хуррам они йўқ,  
Бир бошоқдирким, вужудида бирор бир дони йўқ,  
Муттасил чеккай азоб, рангида зарра қони йўқ,  
Ёрадиң айру кўнгугул мулкедурур султони йўқ,  
Мулким султони йўқ, жисмедерурким жони йўқ.

Ихтиёри ўздамас, ишқига бўлмиш мисли қул,  
Йўқ фароғат заррacha, ҳижрон үтидан жисми қул,  
Жисми қул бўлғониданким жони йўқдир, худди шул  
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қаро туфроқдекдурким, гулу райҳони йўқ.  
Ҳеч керакмасдир гуруру ҳам сурруу шон анга,  
Ҳеч керакмасдир қазина, мулку давлат, кон анга,  
Фарқи йўқдир паст-баландлик, ҳар тараф, тўрт ён анта,  
Бир қаро туфроқсам, йўқтур гулу райҳон анга,  
Ул қоронгу кечадекдурким, моҳи тобони йўқ.

Кўз ёши дарё ва лекин йўқ эрур ҳандон анга.  
Кеча кундуз ёр бўлмиш нолаю афрон анга,  
Толеин қучмоқ учун ҳеч қолмаган имкон анга,  
Ул қоронгу кечаким йўқдир моҳи тобон анга,  
Зулматедурким, аниңг сарчашмаи ҳайвони йўқ.

Сўнса ҳам орзу, умид, ҳижрон тикони сўлмагай,  
Шул сабабданмид, аниңг қалбига ором тўлмагай,  
Бу жаҳонда ошиқ, аҳли барҳаётдир, ғулмагай,  
Зулматеким, чашми ҳайвони онинг бўлмагай,  
Дўзахедурким, аниңг раззаи ризвони йўқ.

Ундаидир олий фазилат, ундаидир энг олий аид.  
Ёр васлига етишган кун анга энг катта ийд,  
Гарчи бу ийд, келморига заррacha йўқдир умид,  
Дўзахеким, раззаи ризвондин ўлтай ноумид,  
Бир хуморедурким, анда мастилик имкони йўқ,  
Кошки эрди, эй Калоний, бўлса омад, баҳти ёр,  
Бўлмас эрди бу жаҳоннинг устуни ҳам анга дор,

Минг жафолар чекмас эрди, йигламасди зор-зор.  
Эй Навоий, бир анга мундог укубатларки, бор  
Хажридин дарди ва лекин васлидин дармони йўқ.

## ИЗҲОРИ ИШҚ

### *Эркин Воҳидов газалига муҳакимас*

Орзуйим, кўп кутганим - дил дуторин тори ишқ,  
Хоҳиши ҳам ихтиёри, баҳти, йўғу бори ишқ,  
Покиза саклай мудом қалбимнинг номус, ори ишқ,  
Дилга илк бор тушди ногоҳ ишқ аталган кори ишқ.  
Дард дебон ким айтмиш они дардларимга дори ишқ.

Ташлаб олтии иккисидан кай бири бўлса савоб,  
Бедор ўлмок яхшидирми, ёки ғафлат, уйку-хоб,  
Айт-чи ичмасдан бўлурму турса май-гулгун шароб,  
Ошик ўлмакму азоб ё ишқсиз ўлмак изтироб,  
Зори ишқ бўлгай кўнгил гарчанд чекар озори ишқ.

Кимки ошик қалби севги оташида ёнадир,  
Кунлари кийноладир ҳам тунлари гўлғонадир,  
Хоҳ ҳажр чоғида бўлсин, хоҳ висолга конадир,  
Ишқ ўти тушган кўнгилга ўзга дард бегонадир,  
Мен бўлибман, воажаб, дардманди шеър, бемори ишқ.

Доимо мақсадга интил, турмагил бир лаҳза тек,  
Ёр қалбин болларига чин мухаббат гулин эк,  
Нози истигносидан хеч ранжима, саклама кек,  
Ишқ сўзин шеъримга солдим, ишқ билан ёндим ва лек,  
Билмам ошиклик надир, билмам надир асрори ишқ.

Бир даме хеч мижона кокмай ўлтириб чиқдим бутун,  
Тонг отиб, баҳтим кулиб аста ёришмоқда бу тун,  
Эй Калон, омад тилаб, менга қадаҳда бода сун,  
Шеър ёзилтан сахфаларга шеър ўраб келдим бу кун,  
Пайт кутиб ночор туарман килгани изҳори ишқ.



## МУСАДДАСЛАР

### ҮТМАЙ ТУРИБ

Найлайин, мен билмадым кадрин отам үтмай туриб,  
Хикматгини олмадым мушфиг онам үтмай туриб,  
Енида тиргак бүлай энди акам үтмай туриб,  
Эркалаң зөзөлдүйин эрка укам үтмай туриб.  
Хоҳарим ардоклайин бирдан у ҳам үтмай туриб,  
Ақрабо-хеш хизматин аллай бу дам үтмай туриб.

Нурни(ы) кадрига етаркан кас қүёш боттган маҳал,  
Зүр бедовнинг кадрини билгай одам соттган маҳал,  
Соглигин кадрин билур бемор бўлиб ётган маҳал,  
Босконни босганинг нафсиз метал қоттан маҳал,  
Фойдасиз чекмок надомат ёй ўқин отган маҳал,  
Ақрабо-хеш хизматин аллай бу дам үтмай туриб.

Сең экмай туриб тупроқни айла парвариш,  
Зўр таом ҳам матрасиз оғзингда бор тушганда тиш,  
Турналар кочгай эканлар келганида юрга киши,  
Дўст деганинг канчаси жуфтакни ростлар тулса иш,  
Яккаю ёлғиз киши душман учун ҳар лаҳза жиш,  
Ақрабо-хеш хизматин аллай бу дам үтмай туриб.

Тилда чин дўст, аслида ағёр одамдан коң, бекин,  
Доимо содик кадрлонлар азиз, бўлгин якин,  
Яшинатур қалбинг улар, чақнаб мисоли бир чақин,  
Айлабон бўлмас адо узган билан дўстлар ҳакин,  
Ўз танингга ботмагай шамширда гар бор бўлса кин,  
Ақрабо-хеш хизматин аллай бу дам үтмай туриб.

Бу жаҳондан канча одам ўтди тирноқларга зор,  
Хешизу дўстсиз эсанг, дунё кўзинита тангу тор,  
Ёлғиз отнинг донғи чикмас, гарчи унда чангি бор,  
Эй Худойим, дўстга зор, душманга асло этма хор,  
Сўнгги армон фойдасиз, дейдир, Калон, беихтиёр,  
Ақрабо-хеш хизматин аллай бу дам үтмай туриб.

### ТИЛАК

Дўстлар, Сизларга бул кун бир тилак айтмоқ керак,  
Бир тилак, аммо жаҳонда энг улуг, олий тилак.  
Кўксингизда муттасил месъёрида урсин юрак,  
Ҳар томондан кетма-кет келсин кувончлардан дарак,  
Доимо хуррам бўлинг, кўздан ёшингиз чикмасин,  
Тўй килинг, тўйлар килинг, тўйдан бошингиз чикмасин.

Кўрмангиз оламда ҳаргиз камлигу хор-зорлик,  
Бир умр юрсин узоқ дарлмандлигу беморлик,  
Ҳеч качон етказмасин ҳеч кимса, ҳеч озорлик.  
Бахту иқбол, толелар кипсан ҳамиша ёрлик,  
Доимо хуррам бўлинг, кўздан ёшингиз чикмасин,  
Тўй қилинг, тўйлар килинг, тўйдан бошингиз чикмасин.

Кўп меҳр кўрмокка лойик меҳрибонсиз барчангиз,  
Жонга жонлар баҳш этувчи жонажонсиз барчангиз,  
Оқибатли, ориягтили дўст-ёронсиз барчангиз,  
Бир-бирига хўб муносаб қадрдонасиз барчангиз,  
Доимо хуррам бўлинг, кўздан ёшингиз чиқмасин,  
Тўй килинг, тўйлар килинг, тўйдан бошингиз чиқмасин.

Сиз каби олийжаноб одам сира кам бўлмагай,  
Қалбига шодлик тўлиб, қайгу, алам, гам бўлмагай,  
Лабларида мавж уриб култу, кўзи нам бўлмагай,  
Эл мудом олкиш этар, ҳаргиз боши кам бўлмагай,  
Доимо хуррам бўлинг, кўздан ёшингиз чиқмасин,  
Тўй килинг, тўйлар килинг, тўйдан бошингиз чиқмасин.

Чин юракдан Сизга яхши ният изхор айладим,  
Канча хурмат, эътиборим бўлса ошкор айладим,  
Дилдаги туйгуларимнинг барин ашъор айладим,  
Кўнглинигиз ботгин, Калоний, яхши гулзор айладим,  
Доимо хуррам бўлинг, кўздан ёшингиз чиқмасин,  
Тўй килинг, тўйлар килинг, тўйдан бошингиз чиқмасин.

## БЎЛМАСИН

Мустакилмиз, эй азизлар, хеч качон гам бўлмасин,  
Ашк тўқмоқдан зилимининг кўзлари нам бўлмасин.  
Ҳалқ аро обрўси ошсин, бошлари хам бўлмасин,  
Мехнатидан гуркираб кўп яшиасин кам бўлмасин,  
Ер юзида бўлсан илғор, бунга шубҳкам бўлмасин.  
Хуррият душманлари умрида хуррам бўлмасин.

Аслида шер бўлса хам ҳалкимни гўсванд дердилар,  
Бакрайиб бездек бокиб, ош ила нонин ердилар,  
"Бу текин лукма" дейя жирканч қулоқни кердилар,  
Мустакиллик қўлта киргач "тошлирини тердилар",  
Кимки истиколол учундир, унта мотам бўлмасин,  
Хуррият душманлари умрида хуррам бўлмасин.

Хар бир элининг бойлиги ўзига бўлсин, жўралар,  
Экканини ўрсину хирмони тўлсин, жўралар,  
Ким бироннинг мулкига чант солса ўлсин, жўралар,  
Яшнаёлмай бир умр ул энди сўлсин, жўралар,  
Тенг яшацлик бўлсину боскинчи одам бўлмасин.  
Хуррият душманлари умрида хуррам бўлмасин.

Бебаҳо юргим чирогон хуррият офтобидан,  
Дил уйи равшан бўлодир шул гўзал моҳтобидан,  
Ҳалқимиз кутлуг қадам ташлар, турибдир хобидан,  
Эй Калон, хушнуд ичайлик биз қувончнинг обидан,  
Шодумонлик бўлсину ташвишли олам бўлмасин,  
Хуррият душманлари умрида хуррам бўлмасин.

## ХАЖВИЕТ

### НАСИХАТ

#### *Бир зиңнаниң деганлари*

Нечун ёт кимсага қарз бергай, одамлар ҳам аломат-да,  
Беріб қарз сүңг қолиб кетгай ўзи ағсус, надоматда.  
Еннинг бор экан ақчанг уни сандыкқа жойлаб қўй,  
Нечун нақдинг этиб насия, колурсан сүңг хижолатда.  
Ўзингниң толғанингни не учун саклашга ожизсан,  
Эрурсан ландавур, довдир, бирар бўшсанки, эй латта.  
Анов кун қарз берибдирсан фалон фоизин мўлжаллаб,  
Олурсан энди у қарзни фоизи бирлан қиёматда.  
Оларда жон кирап доим, берарда жон чикар доим,  
Бу конунни киши билмас эса чув тушгай албатта.  
Беріб онсонгина сўнгра ололмай зор қақшайсан,  
Бу корингни кўриб калбим эрур гоятда хайратда.  
Билолмайман, сенинг килмишларинингни боиси недир,  
Ва ё довруғ солай дейсанми, эй нодон, саҳоватда.  
Бутундан қарз беришдан коч, бирок олмокка кўй ихлос  
Олу лекин дегин кайтаргани имкони йўқ албатта.  
Калоний, қарз олиб бермай кочиб юрмоқни одат кил.  
Юзингни гар қалин килсанг, ўтар умринг фароғатда.

### САВАБ-САВАБ ҚЎЙИНГ-ДА

Одам бўлиш машаккать, унга чидаб қўйинг-да,  
Босган изим қалай деб gox-gox сўраб қўйинг-да.  
Дунёнинг неъматига кўз курмагур тўярми,  
Нафсингиз кўхрагига инсоф қадаб қўйинг-да.  
Билмай тиконни босган торгтай азиятин ҳам,  
Юрганда йўлнингизга бир-бир караб қўйинг-да.  
Виждоннинг иплари ҳам бўлиб кетар чигал gox,  
Чанг босмасин, авайлаб артиб, тараб қўйинг-да.  
Яхши ниятни асранг, ёмон ниятни ташланг,  
Барча ниятларингиз бир-бир элаб қўйинг-да.  
Ташлаб кетар баногох дину дийнатини из,  
Ҳар эктимолга карши жонни уладб қўйинг-да.  
Ўтган умр ўтибдир, гуноҳ кўими, савоб ё,  
Ҳалолу пок яшашда элга яраб қўйинг-да.  
Бас хажвчи экансиз, ёмонларни, Калоний,  
Ҳажя камчиси бирла саваб-саваб қўйинг-да.

### ҒАРАЗГЎЙ

Ғаразгўй уста ёлғонни кийишга,  
Уялмас гапга қалпок кийдиришга.  
Уни ундоқ, буни бундок дегай у,  
Кучи етмас забонини тийишга.  
Бирорвлар коридан айб излар, аммо  
Кўли бормайди ҳаргиз пок бир ишига.

Үзини күрсатыб осмон-фалакда,  
Дилинг овлайди, мохир ийдиришга.  
Яқин борма, узок юр ул балодан,  
Сени ҳам ўргасар афт жийдиришга.  
Асабин ўртагай, жонингни кийнар,  
Суякдек гарс этиб текканда тишга.  
Калоний, жирканиб кочгаймаң ундан,  
Килурман ор ёнида ўлтиришга.

### "КИНО" ҚҮЙИБМАН

*Ичкилик ичиг мастилик билан кинога тушган ва  
томошибинларга озор етказиб, хүшёрхонага тушган бир  
безорининг хотинига ёзган мактуби*

Кече түйиб мен пиво, винога,  
Кайф-ла тушибман ногох кинога.  
Лек кино кўрмай, "кино" қўйибман,  
Шилжимлик айлаб бир дилрабога.  
Кўпилар насиҳат айлабди, лекин  
Топмабди чора мен бедавога.  
Сўнгра милиция ходими, эвоҳ,  
Лойик кўрибди қаттиқ жазога.  
Энди ётарман маҳбусхонада,  
Арзимни айттиб боди сабога.  
Кургур ичимлик ўз ошиғининг  
Шаънии бўябди зап кот-карота.  
Сеп кўп хавотир олма, эй жоним,  
Лойик эмас бу мен мубталога.  
Аммоқи кўзим мондек очилди,  
Йўл кўймам энди бундай хатога.  
Дўстлар сўрашса айт тоби йўқ деб,  
Шояд кўл очса бари дуога.  
Лекин, Калоний, авф эт гуноҳим,  
Бу килмишмни ёй интиҳога.

### ГАДО БЎЛИНГ

*Қўшиққа ўхшатма тарзида*

Шода-шода марваридлар бўйнингизда,  
Уйланмаган йигитчалар қўйнингизда.  
Тузок қўйиб бойваччалар йўлларига,  
Юз сурасиз пул ушлаган кўлларига.  
Эркак зоти учраса, бас, кўз сузасиз,  
Хирс уйготиб, дилларини ҳам бузасиз.  
Ақча учун ҳаром-ҳариш кучок очиб,  
Тўрт томонни булагатасиз гуноҳ сочиб.  
Висол маза, маза дей уқтирасиз,  
Амалда-чи, "сифлис", "силид" юқтирасиз.  
Наҳс таратиб касни(нг) ўнгу сўлларига,  
Чўмиласиз кўз ёшларин кўлларига.

Жонга тегди килмишингиз, адо бўлинг,  
Бундан, Калон, кўча-куйда гадо бўлинг.

### "МЕРСЕДЕС" МИНГАН НИГОРИМ

"Мерседес минган нигорим ўтди кўчамдан кулиб,  
Кўл кўттарсан кўрмади. қолдим бирар мулзам бўлиб.  
Кўз тикиб турдим узок ойинадан боккайму деб,  
Бокмади, зор қақшадим, кўп йигладим ўпкам тўлиб.  
Кошки ДАНнинг ходими тўхтатса олгайдим етиб,  
Лекин ул ҳам гинг демай қолди кетидан термулиб.  
Мен газаб отига миндим, қўзғолиб рапсикм чунон,  
ДАНчани бир тепдиму кўйдим ачосия кўрсатиб.  
Ул деди: эй баччагар, нега теподирсан меги?  
Мен дедим: Ёримга боз боқсанг кетодирсан ўлиб.  
Ул деди: Ёринг билан бир тангаллик корим надир,  
Нега ул ёнимдан ўтди мошнада слдек учиб?  
Мен дедим: Номерини ёзмокка ҳам ултурмадинг,  
Энди йўл четида ўлтири, сассиқ ўт янглиғ сўлиб.  
Рашқ оловида, Калоний, шунча коврилмас эдим,  
Ёргинам мопшинни ташлаб, юрсалар ўшшак миниб.

### КЕТМАНГ СИРА ЖИРИЛЛАБ

*Ўзгатарни бошлиқка сомиб кун кўрувчи бир  
лагонбардорга*

Кўлга олиб оёкин тезроқ боринг жириллаб,  
Бошлиқ чиқибди ишга "подход" килинг жириллаб.  
Бошни эгиб, алифдек қоматни дол айлаб,  
Пойабзалининг чангин артиб кўйинг жириллаб.  
Кўймоқ учун авайлаб остига пахтангизни,  
Парвона мисли тинмай айланасиз жириллаб.  
Остонасига маҳкам боғланг-да ўзни илсиз,  
Кирган кишини тишланг Қоллон каби ириллаб.  
Захру газабга тўлгига забонингиз кесилсин,  
Бақбақалар освоболи пишқирасиз жириллаб.  
Килган чақувингиздан зор қақшади бирорвлар,  
Ишсиз қолиб отоси, болалари чириллаб.  
Балойи нафсингиз деб оқни қаро атайсиз,  
Ўқ тегди дилга, оқди кўз ёшларим тириллаб.  
Кўрганди афтингизни даҳшат босар вужудим,  
Кўрккан каби илондан оёқ-қўлни дириллаб.  
Килмишингиз, Калоний ёсса хажва боплаб,  
Ойнадан ўпка қилманг, кетманг сира жириллаб.

### ТЎЙ ҚИЛИНГ

Канча топсангиз, ёронлар, тўй қилинг,  
Ўтмасин бехуда онлар, тўй қилинг.  
Чикмасин тўйдан бошингиз ҳеч қачон,  
Эй сахию меҳрибонлар, тўй қилинг.

Яхши киймогу емок даркор змас,  
Бор пулани жамлагонлар, түй қилинг.  
Жисмингизга ёгу гүшт күп юк бўлтур,  
Колса басдир устихонлар, түй қилинг.  
"Бешиг"у, "суннат", "никоҳ"у "ош бериш"...  
Деб маросим номлағонлар, түй қилинг.  
Түй қилишининг боиси ҳеч колмаса,  
Тутса ҳам кўю қуёnlар, түй қилинг.  
Илм олиш, касбу хунарга борми вакт,  
Сиз учун түй имтиҳонлар, түй қилинг.  
Авжга чиксин ким ўзарга пойтантгиз,  
Холсираб ёнбошлиғонлар түй қилинг.  
Киссангиз бўш бўлса ҳам ном чиқса бас,  
Карз-хайола тушлағонлар, түй қилинг.  
Нози-неъмат ҳам ичимликлар катор,  
Яйрасин бир лаҳза жонлар, түй қилинг.  
Карнақо сурнай овозидан жўшиб,  
Маст бўлиб хўб ўйнағонлар, түй қилинг.  
Таклиф айланг санъат ахлин ўртага,  
Пул йигарлар киз-жувонлар, түй қилинг.  
Дер Калоний, тўйма-гўй юрмоқчиман.  
Сизга олкиш, сизга шонлар, түй қилинг.

## ҚУЛОГИН САЛ БУРАНГ

*Бир туман клубининг арзи*

Қайрилиб ахволима бир бор каранг,  
Мен клуб, омборхона деб ўйламанг.  
Дарвазамга каттакон кулф осдилар,  
Йилда бир бор очилодирман арайт.  
Қўшни клубларда концерт авжида,  
Бунда сичқонлар қилур ҳолимни танг.  
Қишида аиж олтайди роса чак-чак базм,  
Ёзда хай-хай канча тупрок, канча чант.  
Маст одамдек бир томон оғдим, петай,  
Ёнбошимга тахта ё темир тиранг.  
Кўрса ким ахволима култай роса,  
Холима, маймуналар, асло йигламанг.  
Монанд эрмас исимима жисмим менинг,  
Шул сабабдан ҳам асаб тори тараңг.  
Арз килай дейман, Калоний, лекигин  
Қўрқадирман бошланур деб катта жанг.  
Мен чиқиб кетдим хокимнинг ёдидан,  
Эътибор берсин, қулогин сал буранг.

## ҒИРИНГ-ҒИРИНГ

*Бир шумният миш-мишчиға*

Кет, кулсигим остида кўп қилмагин ғиринг-ғиринг,  
Тўхтатиб кўй "мусиқа"нгли айлама ғиринг-ғиринг.

Жонга тегди майда гаплар, мишишту пичир-пичир,  
Тинч күй энди ўзгаларни, этмагил мириң-мириң.  
Улни ундок деб атартсан, булни бундок, во ажаб,  
Бошқалар ҳолита күлма, не керак хириң-хириң.  
Ортидан хар кимсанын тошлар отарсан беаёв,  
Рұбару көлтанды дерсан: марҳамат олға юритіг.  
Айтасанким: ул фалончи писмадон бүлгай эмиш,  
Шул сабабдан бизга айланг армугон, бигте зринт.  
Ўзгалар андухидан, айт, ким бүлодир шодмон,  
Үхшаппинт битмас ярою мадда хам йириң-йириң.  
Дер Калоний: алжирақ вактимни олма, этма хеч  
Янгилишиб тушган бузук телефон каби жириң-жириң.

## ИЧИНГ

### *Ичкиликтегілерге тескары насыхат*

Майнастлар жам бўлиб, бир нени мўлжаллаб ичинг,  
"Юзта" дан деб бошласанғаз ҳам кейин мўллаб ичинг.  
Майдалаңида матра йўқдир, лиммо-лим тўлсин қадаҳ,  
Лаб-даҳан ўз йўлига, мўйлабни ҳам ҳўллаб ичинг.  
Кемага тушганини жонин дейдилар хар лахза бир,  
Бир-бирингиз терғабон "ҳа бўлу, ҳа бўллаб" ичинг.  
Гоҳи кўнгил этса "отказ", "хурмача" этмай қабул,  
"Мен учун, кел, битта ол" деб ўзаро зўрлаб ичинг.  
Ичга кирғандан кейин бошни сабия айлантирур,  
Кайфи оштган кимсани мастиларга хос қўллаб ичинг.  
Ичтали қай вақт қуляй деб сўрмангиз ҳаргиз, Калон,  
Ичкилик вақт танламайди, кунлабу ойлаб ичинг.

## ҚИЛМИШИНГ

Жонимга жабр, жафо қилмишинг,  
Офат леса кам, бало қилмишинг.  
Корингми экан нуқул касофат,  
Оҳ, шунгчами бехаё қилмишинг.  
Фахминг жуда ҳам гарип экандир,  
Ўйлаб кўр, ахир, хато қилмишинг.  
Ҳак йўлига гов бўлиб чўзилма,  
Барҳак бўладир жазо қилмишинг.  
Ўн ўлчау бир кес дегайлар,  
Ўлчаб турадир Ҳудо қилмишинг.  
Ўйлаб кетаман, бирок тушунмам,  
Мосми ниятингга ё қилмишинг?  
Ким кўрса куйиб газабланодир,  
Айт, сенга не муддао қилмишинг?  
Шаънингта ҳажв битди Калоний,  
Шояд бўладир адo қилмишинг.

## БЕТАМИЗ

Ёшлігіда худбину маккор бўлган бетамиз,  
Ҳар мақомга йўргалаб, беор бўлган бетамиз.  
Навқироналик чоғида майман бўлиб, зўрлик қилиб,  
Кексайиб қолганда беҳад хор бўлган бетамиз.  
“Оқ” ичиб, вино ичиб, жанжални ҳам пулга сотиб,  
Эл-улусдан ажралиб, абгор бўлган бетамиз.  
Тўклигига “шўх”лиги ортиб кетиб нонни телиб,  
Оқибатда бурда нонга зор бўлган бетамиз.  
Хор қилиб аҳли аёлию ширин фарзандларин,  
Сўққабош, танҳо қолиб, иочор бўлган бетамиз.  
Қиммиши деч кимсага ёқмайди, дилозор эрур,  
Турки ҳам муздан совуқ бир мор бўлган бетамиз.  
Унрида экканларининг ҳосилинг охир ўриб,  
Кўзига ёруғ жадон танг-тор бўлган бетамиз.  
Ҳолига боқсан ачинмайман, Калоний, войким,  
Хор бўлур эл беадад безор бўлган бетамиз.

## ЧАРМГА ЎХШАЙДИР ЮЗИНГИЗ

*Обрўли идоранинг мўътабар курсисини сотиб олиб,  
пораҳўрликни авж олдирган бир ебтўй маста*

Пора деб томдан ташлайсиз ўзингиз,  
Мисоли чармга ўхшайдир юзингиз.  
“Чиқмагай бекорга офтобга мушук” -  
Бу шиор “олийхиммат” дастурингиз.  
Бир нима чўзмас кишин битмас иши,  
Кедди ҳалқумга сизинг “чўз-чўз”ингиз.  
Ҳеч одам кўзига тик боқдамисиз?  
Мўлтираб қўлга қарайдир кўзингиз.  
Ол деган сўзни унугланисиз қачон?  
Ҳаммага “бер-бер” бўлодир сўзингиз.  
Киссаси шишган кириб, пучмак чиҳар,  
Хоянгизда бўлса ҳим ёлризингиз.  
Ўнта “сиз-биз”дан ҳамишса сиз учун,  
**Маъдул ўлгай битта зўр “жиз-биз”ингиз.**  
Сизга дуч этмоҳда ҳам олгай чўтал,  
Жонга тегди муовин-тўпузингиз.  
Юлдузига ўерию босқинчининг,  
Тўғри келса тонг эмас юлдузингиз.  
Биз яшармиз эл учун деб лоф деманг,  
Парда йиртилди-очилади юзингиз.  
Ойнинг ярми кундуз, тун ярмиси,  
Билсангиз, соғ бўлти бор кундузингиз.  
Тез куни чиққай пешонантиз тешиб,  
Ямламай юттан ҳаром мўл тузингиз.

## ФАРОСАТСИЗ

Улфату қариндошга бир бало фаросатсиз,  
Айлагай жағоларға мұбтало фаросатсиз.  
Сөғ десанғ эмас сөғ у, телба ҳам эмас ҳәргиз,  
Шармисор этар бўлсанг ошино фаросатсиз.  
Дўст бўлиб туриб душман корини қилиб қўйгай,  
Үйламай нетиб сўйлар доимо фаросатсиз.  
Қатралаб йигиб крган обрўйинг тўқар зумда,  
Соз бўлур узок юрса мутлақо фаросатсиз.  
Ақлидан камомадни тўлдирай демас, ножинс,  
Фаҳми кўп етишмайдир, норасо фаросатсиз.  
Файз ила тароватдан мосуво бутунлай ул,  
Покиза жамиятта нораю фаросатсиз.  
Эй Калон, агар ногоҳ бўлса бир умр йўлдош,  
Оқибат этар хор-зор эларо фаросатсиз.

## МЕНГА БОҚКИЛ

Менга боққил, дилоромим, олиб қочма қаро кўзни,  
Қулочининг керип турғин, қучорингга отай ўзни.  
Дединг: "бошимни ортима, висолимдан умид қилма",  
Менинг айтма, нечук даркор? Эшишмайман бу хил сўзни.  
Мени, жоним, қўлидан иши келурмай деб гумон этма,  
Агарчи нарвоним йўқдир, урарман кўкда юлдузни.  
Супурсам кўчани фаррош қолар қойил талантимга,  
Бироқ савдога қўл урсам қилурман икки юз юзни.  
Агар бўлса либосинг кир ювиб бермоққа хозирман,  
Қилурман сут каби оппоқ қаро дое бўлса ҳам бўзни.  
Калонийнинг сўзин тинглаб, дема, бу муичалар тузсиз,  
Тузи паст бўлса сўзимни эшиш жиндай қўшиб тузни.

## ЛАБЛАРИН ЯЛАБ ҚОЛДИ

Ул гўзал тасодифан мен томон ҳараб қолди,  
Бир нигоҳ билан дилга ишқ ўтиш қалаб қолди.  
Мен унинг жамолига суқланиб боқиб турсам,  
Ул майин қўли бирлан сочларин тараф қолди.  
Ҳеч кўзим узолмасдан бақрайиб қарайверсам,  
Қайга қочишин билмай, анча довдираб қолди.  
Бир менинг ўзим эрмас, қанча-қанча ошиқлар,  
"Дод" дебон, дебон "войдод" унга мўлтираб қолди.  
Мен-ку сўз демай ўзни кўп сипо тутиб турсам,  
Бесабр бирор ногоҳ номини сўраб қолди.  
Дарғазаб бўлиб жонон кетди-ворди бир зумда,  
Барча телба ошиқлар лабларин ялаб қолди.  
Лов этиб ёниб турған дилга барча сув сепди,  
Чўр мисол юрак бари бурқсибон тутаб қолди.  
Хусни зўр экан, нега васлинин дариг тутди  
Деб куяр кўнгилларда қаҳр ила ғазаб қолди.  
Майли, кет, кетар бўлсанг, бошқа ёр топарман деб,  
Ортидан Калоний ҳам бир ғазал атаб қолди.

## ТИЖОРАТЧИ

*(Бемаза қовунышынг уругудан ҳам күпайиб кетгөн юлгучларғагина тегишили)*

Хар қадамга, эй дүстлар, бўлди жо тижоратчи,  
Бир-биридан алдамчи, беибо тижоратчи.  
Майда-чуйда дўконлар ичра уй қуриб олган,  
Чўнтағинг шилиш дарди доимо тижоратчи.  
Паст, хасис, тарин юлгуч, кутма ҳеч саҳоватни,  
Бўлмагай сира дўсту ошино тижоратчи.  
Аввало сотиб сенга "ТУ" ми ё "ОПАЛ", сўнгра  
Битта чектиринг дейди, ё гадо тижоратчи.  
Оғзи кўп шалоқ, бадмаст ҳам қуругу олифта,  
Бунчалар қурумсоқдир баднамо тижоратчи.  
Эгнидан урар анча, бўйидан тарин шунча,  
Чўнтағинг хароб айлар бу бало тижоратчи.  
Инсофу диёнатсиз, ғиррому учар, юляич,  
Деб сотар қаро мумни мўмиё тижоратчи.  
Алдамоққа бегона кас топилмай қолганда,  
Бир-бирини алдайди, норасо тижоратчи.  
Бир тийинга ҳам қиммат молини тиқиширгай,  
Ёнидан ўтолмайсан, рўдапо тижоратчи.  
Биттасига ҳақ айтсанг ўнтаси бўлиб тўппак,  
Айлагай сени ноҳақ мутлақо, тижоратчи.  
Ҳажвига, Калон, қороз етмагай агар ёзсам,  
Битта сўз билан айтсан зўр "даҳо" тижоратчи.

## КУЛ БЎЛДИ

*(Собиқ Иштироқ тарқалиб кетиш арафасида юят қадрсизланаб, сўнггида ҳазонига айланган рубл ҳақига).*

Ажаб онлар келиб, дўстлар, ҳазон ҳам катта пул бўлди,  
Вале пул ҳам ҳазон бўлди, қадрсиз бўлди, кул бўлди.  
Одамлар дин, диёнатдан кечиб воз ақча тўплайдир,  
Ажаб дунё экан, инсон қадрсиз пулга қул бўлди.  
Шиор "ипплаб топайлик ё ҳалол ошини ошайлик" мас,  
"Текин қай жойда бор бўлса ушал борини кол" бўлди.  
Мудом гул ишқида бўлбул ёнар деб ўйламанг ҳаргиз,  
Бу кун бўлбул учун ҳам шу ҳазон пул мисли гул бўлди.  
Агар пул бўлса шўрво ҳам пишар чангальда, деб доим,  
Вафони ҳам сотиб ёрлар, нетайким, бева, тул бўлди.  
Бирорлар пулни иймон деб этиб босх саждалар қилди,  
Бироқ у ақча қул бўлди, оқибат энди шул бўлди.  
Калоний, пулга қул бўлма, томошо қил, ажиб ҳолат,  
Бугун сандиққа пул босган кипин ҳолига қул бўлди.

## **НОЛИБ КЕТДИ**

*Бир автобус қатнови йўлидага ҳангома*

Минг одамнинг бешдан бирин бир автобус олиб кетди,  
 Бешдан тўрти чиқолмасдан боз бекатда қолиб кетди.  
 Қиз боладек нозиккина келган эди ул автобус.  
 Шоп мўйлабли акам каби катта қорин солиб кетди.  
 Арғамчига боғлангандек тик турмоқдан оғрир оёқ.  
 Нафас олиш қийин, чанқаб юраклар ўт олиб кетди.  
 Елкасига қоп кўтарган поччам чарчаб "вой жоним" дер.  
 Ошхомини бошга қўйган холам кўп қийнолиб кетди.  
 Ичкарида шовқин сурон: "вой оёғим", "вой биқиним",  
 Эшикчага осилволган чолнинг қўли толиб кетди.  
 Тушмоқ бўлиб эшик томон талпинганда битта шўрлик.  
 Йигитчанинг боши ҳизнинг кўксига ишқолиб кетди.  
 "Анов тушиб қолган гумбаз ҳамёнимни олиб қочди!"  
 Деб бақиргач битта кампир миршаб ҳуштак чалиб кетди.  
 Бир вагонга лойиқ одам сириб битта автобустга  
 То манзилга еттунича, Эй Калоний, нолиб кетди.

## **ЎТМАЙДИ**

*Динна никоб қилиб олган бир кўзбўямачи фолбинга  
 қаттиқ ишониб қолган бир лақманинг деганлари*

Врачни мақтама ҳаргиз, у ҳеч фолбиндан ўтмайди,  
 Ки таъсир бобида ёлғон сира ҳам чиндан ўтмайди.  
 Дема: "дўхтири касалнинг кўп узорин тез яқин қиласай",  
 Тасаввур қил: кўзойнек ҳеч қачон дурбиндан ўтмайди.  
 Дединг: "жарроҳ олиб ўтқир пичоҳ, дардинг кесиб ташлар",  
 Пичоги бўлса ҳам ўтқир баданга қиндан ўтмайди.  
 Азиз фолбин боқиб кўзининг дардингни баён айлар,  
 Врач "аввалида қонин текшириб кўрсин"дан ўтмайди.  
 Зарар етказган жинларни қувиб фолбин этар банди,  
 Бироқ зўрлиқда дўхтиринг сира ҳам жиндан ўтмайди.  
 Сенга Оллоҳ беридир дард, шифосин бандадан сўрма,  
 Ахир, кудрагда фанлар деч муқаддас диндан ўтмайди.  
 Сен, эй, дейди Калоний, фолчини мақтама, нафсиз,  
 У очкўз "ҳар туну кун чўнгатам тўлсив"дан ўтмайди.

## **ЎЗИНГНИ БИЛ**

*Бир худбиннинг ўғлига насиҳати*

Ўзингни бил, ўзгани қўй,  
 Берма кўмак, сўйса-да қўй.  
 Бўлса аза сенга нима,  
 Бонқа йўриқ гар эса тўй.  
 Кўрдиянги ош, кўтарма бош,  
 Енг шимариб, еб-ичу тўй.  
 Киримни қил, чиқим нечун,  
 Қилма сира хотири рўй.

Ёт киши-чун қотирма бош,  
Ташвиши леб сурмагин ўй.  
Үзингни бил, ўзгани кўй,  
Ўзга учун бўйлама бўй.

### ОХ, МАЗА ҚИЛГАЙ ЭРДИК

*Дарди-ёди ейиму ичиш бўлган бир баднафснинг  
айтганлари*

Ўргатга "нимта" кўйсак, ох, маза қилгай эрдик,  
Биллур қадаҳга кўйсак, ох, маза қилгай эрдик.  
Дунёда кайфдан оргик лаззат каерда бордир,  
"Бўйни дароз"га тўйсак, ох, маза қилгай эрдик.  
"Закуска"сиз ичишга йўқ токатим, биродар,  
Битта хўроэни сўйсак, ох, маза қилгай эрдик.  
Ёз чилласида воҳ-воҳ кумда ичиш самарали,  
Нури күёшга тўйсак, ох, маза қилгай эрдик.  
Сархуш бўлиб табиат бағрида яйрашибким,  
Кўнгилга завкин туйсак, ох, маза қилгай эрдик.  
Ўткинчи бу хаётда ейиш, ичиш, майшат,  
Ишрату айшни курсак, ох, маза қилгай эрдик.  
Дейди кулиб Калоний ҳажви исказа бирлан  
Масту аластин ўйсак, ох, маза қилгай эрдик.

### НЕ КЕРАК

*Хотинини тижоратга бошқа бало-баттарларга  
юбориб, пул тонтириб, ўзи тарааллабедод кун  
кечираётган бир эрнинг деганлари*

Менига ёрнинг кипригу чашмин кароси не керак.  
Минг ўрам сумбул сочу копин кароси не керак.  
Дейдилар асли чиройни бевафо, ташлаб кетар,  
Бас экан шундок, ахир, ул дилрабоси не керак.  
Дилрабо оҳанграбоси дилни тортса соз эмиш,  
Мен учун даркор эмас, оҳанграбоси не керак.  
Майли бўлсин суврати беўхшону эркаксифат,  
Айтинг, каддии не самар, коматрасоси не керак.  
Ёр агар зебо эсв нозини бисёр айлагай,  
Ноз менга жабру жафо, жабру жафоси не керак.  
Хуснинг күшгай хусн дерлар хаёси доимо,  
Бир тийин бермас эса шарму хаёси не керак.  
Мен факир бечорани ишлатса ҳолим не кечар,  
Эрни меҳнат киз леса бундай балоси не керак.  
Гар асли ёрим эса ҳар дам тижорат айласин,  
Розиман хорижга борса ҳам, вафоси не керак.  
Берса ейман, урса ўлгум деб ётардан асрасин,  
Эр мени боксин деса бу мудлаоси не керак.  
Хоҳишим шундок, Калон, ёр пул топар бўлсин мудом,  
Топмаса пул бир чака, энг маҳликоси не керак.

## ПУЛ

### *Бир пулпастнинг хиргойиси*

Бунча хушрўй. бунча хушбуй, орзуйим ҳамрохи пул,  
Яхшиларнинг зўридир ул, тотлиларнинг шохи пул.  
Ишқпастлар жиннидирлар, майпастлар телбадир,  
Пулпастман, кимлигимнинг доимо огохи пул.  
Кўлга тутсам мингаликлар шодлигим поёни йўк.  
Гар йўқотсан кўзда ёшим, дилгинамнинг охи пул.  
Пул деган гоҳо гуҳардир. гоҳо олтин, гоҳи дур,  
Менга накди бўлса бас у, хоҳи олтин, хоҳи пул.  
Дейдилар пул доимо ширин хаётга йўл очар,  
Баъзи нодонларни, лекин мусибатли чоҳи пул.  
Ҳамма пул топган, Калоний, обрўли деб ўйлама.  
Бўлмасанг хушёр, тўқар обрўни ҳам гоҳ-гоҳо пул.

## БИР ЧЕКИМ НОСВОЙГА ҲАМ

Нияти нопокни олмам бир чеким носвойга ҳам.  
Таклиф этмайман умрбод бир пиёла чойга ҳам.  
Тонг эмас рўзгоргинамни кўнглидек килса каро.  
Бир каранг: ундан юкиблир канча додлар ойга ҳам.  
Шум ният ижросига юзсиз дучор айлар, валие  
Ўқ керак отмок учун ҳар бир камону ёйга ҳам.  
Нияти бўлса бузук ташлаб кочарман оч-наҳор,  
Яхши нияти эса ҳиммат килурман бойга ҳам.  
Максади олижаноблар бирла бирлик муддао,  
Майдо ирмоқлар кўшилгай катта анхор, сойга ҳам.  
Талпинур калбим ҳамиша меҳри дарёлар томон,  
Тозза йўл тургач кириб кетмас-ку инсон лойга ҳам.  
Доимо ҳиммат либос янглиғ зарурдир бандага,  
Ким эгар-жабдук керак учкур, чопонгич тойга ҳам.  
Бу хаётдан пойгага чопган каби ўтгай одам,  
Келтирур шармандалик гирром кўшилса пойга ҳам.  
Эй Калоний, дилни кенг кил, соғ ниятили, мард бўл,  
Шунда тўлгайдир козону чўмичинг ёғ-мойга ҳам.

## ПОРАХЎР

Порахўрдан жирканур ҳамхона ҳам,  
Жирканур ҳаттоқи ота-она ҳам.  
Ваъдасига учмагил, эй ошино,  
Бўлмагил атрофида парвона ҳам.  
Шу кадар пасту мараздир ул, валие  
Етти газ кочгай нари девона ҳам.  
Дўстлари аслин билиб қилгай ҳазар,  
Ёт бўлур ундан-да кўп бетона ҳам.  
Кирса гар титраб турар қошоналар,  
Босма пой деб зорланар остона ҳам.  
Бир куни чиққай тешиб зл маблаги,

Хор бўлур бўлса агар фарзона ҳам.  
Эй Калоний, бехисоб деб ўйлагин.  
Порахўр бўлса агар бир дона ҳам.

## ЎРГАНДИМ

### *Бир ножинсинг деганилари*

Бу кун ахли жамиятдан тиришмоқликни ўргандим,  
Куфр ишларга ор этмай киришмоқликни ўргандим.  
Дилим ҳою хавасларга уялмай йўргалаб кетди,  
Ўзим айш бирла кайфимни суришмоқликни ўргандим.  
Қаёқдан бўлдилар пайдо қалангилар, қасангилар,  
Аларига қўл бериб, яйраб кўришмоқликни ўргандим.  
Бири ундоқ десса яйраб, бири бундоқ дегай сайраб,  
Манам давра ясад сухбат куришмоқликни ўргандим.  
Шитоб бирлан қабоҳатга жаҳолат ахли одимлар,  
Қараб турмай манам ҳамдам юришмоқликни ўргандим.  
Бирор оғзи билан, боинка бирор кўл бирла жанг айлар,  
Йигитман деб кериб кўкрак уришмоқликни ўргандим.  
Дебон ҳеч яхшига кун йўқ, жиноят ахлига кун бор,  
Ҳидоят ахлини бир-бир киришмоқликни ўргандим.  
Агар оламни сув босса, Калоний, менга не ташвиш,  
Бижиб кетган вужудимдан чиришмоқликни ўргандим.

## ДОҒСАН

### *Бир мугамбир баднамога*

Тўгри гап, жисман бутунсан, согсан.  
Лекигин маънан касал - носогсан.  
Канча нодон бўлса сенга ҳамнафас,  
Тентагу ахмок ила ўргоссан.  
Гердайиб кўкракка муштлайсан, бирок  
Довлираб юргувчи бир кўркоқсан.  
Сочларинг ҳам чангу кир мўйлов билан,  
Қўзлари шилпигу ҳам сўйлоксан.  
Сиртига сув юкмагай дерлар, ажаб,  
Сен ахир, сувли змас серёгсан.  
Бетни кўп айлаб калин этдинг ҳузур,  
Нафси бад, очкўз тагин нимрогсан.  
Бўлса ҳам уч хотину тўйкиз ўғил,  
Қиз-жувонлар олдиди бўйдогсан.  
Мансаби бор кимсалардан боумид.  
Пойига кави, ёки иштонбогсан.  
Эт билан тирнокни бўлмас ажратиб,  
Кўкнори гар бўлса эт, тирногсан.  
Қилмишинги хажа этур шоир Калон,  
Сен унинг раддин тополмай догосан.

## **КҮРМАЙИН**

Ори йүк, бебурду беюз күрмайин,  
Бўлса хам мен у билан юз күрмайин.  
Чўг бўлиб ёнсин юраклар доимо,  
Одамизот қалбидаг муз күрмайин.  
Гар кишининг нияти бўлса каро,  
Умри ўтсин шурли юлдуз күрмайин.  
Ким сулув ёр кадрига гар етмаса.  
Бева ўтсин коши кундуз күрмайин.  
Хар умрниң фасли бўлсин жойида,  
Ёз ўрнида совук куз күрмайин.  
Сузида туз бўлса касиинг яхшидир,  
Манглайила лекигин туз күрмайин.  
Ёзганиң бемаъни бўлса, эй Калон.  
Тезда жон берсин у юлдуз күрмайин.

## **БОЙ БИЛАН**

Катта кетманг, ким ўзар деб ҳеч қачон сиз бой билан  
Учкур отлар пойга чопмайдир кичик бир той билан.  
Қанча сойлар бирлашиб дарсни хосил айлагай,  
Баски шундок эрса, ларё ўлчамас бўй сой билан.  
Йўл якии эрмас, тагин бўлмас равон кутганчалик,  
Шаъннингизни булагаманги чангутупроқ, лой билан.  
Элда бор шундай мақол: "если эсанг тенгингни топ",  
Нурли офтоб тенг эмасдир янги чиккан ой билан.  
Куйдирап кўқдан сочиб кучли ҳароратлар куёш.  
Сиз уни таслим этолмассиз отиб ўқ, ёй билан.  
Ҳеч қачон беллашма, коч бою қурумсок кимсадан.  
Эй Калоний, басма-бас пой ташла Хотамтой билан.

## **ЙЎЛИҚСИН**

Номардга мудом бало йўлиқсин.  
Орзусига мос жазо йўлиқсин.  
Оқ йўл тиладик нияти оқка,  
Ул коп-корага каро йўлиқсин.  
Хар кимса ўзин экканин ўргай,  
Жанжалчига кўп низо йўлиқсин.  
Юк бўлса агар у елкамизга,  
Чирк бўйнига рўдало йўлиқсин.  
Гар айласа элга таъмагирлик,  
Бахтига разил гадо йўлиқсин.  
Пок жонни ззиб, сункасд этса,  
Жонига унинг қазо йўлиқсин.  
Чоҳ қазса, Калон, равон йўлингга,  
Ўз чоҳига мутлако йўлиқсин.

## ХЕЧ ҚУВОНМАЙСАН

Нечун эй турфа одам ўз элингта ҳеч инонмайсан,  
Күролмайсанми ё халкинг, унинг ишқида ёнмайсан.  
Ватанга содик ўглонлар мудом қаҳрипгга дуч келмиш,  
Ва ё агёрга берган сўзларинидан асло тоғмайсан.  
Қўйиб берса онангни ҳам сотиб кун кургувчи қулсан,  
Қаро зулматдасан, эркинг зиёсига уланмайсан.  
"Захар сочмоқ эмиш қасби илоннинг" лейди донолар,  
Ки конкўрсан, оқар дарё каби кон оқса конмайсан.  
Киши кексайса ҳаттоқи оғочларга суюнгайдир,  
Бироқ сен не учун, айттил, улусингга суюнмайсан.  
Хаётингни диёринг тақдирига қўшмасант, эсиз  
Ўтар умринг, бу дунёю у дунё ҳам қувонмайсан.  
Сенга айтган галимнинг ростлигидан тўқмоги бордир,  
Муродим шу. Калон, қаҳринг сочиб хеч энди янмайсан!

1990 йил

## ИЛИНМАЙСАН

Ёмонларга якин юрмас эсанг ортга чекинмайсан,  
Якин юрсанг, билиб кўйким, қувонмайсан, суюнмайсан.  
Хамиша тўғри Йўлдан юр, тагин чал йўргалаб кетма,  
Тиконзорлар аро кирмас экандирсан тилинмайсан.  
Мудом инсоғли бўлгинким агар сармоядор бўлсанг,  
Диёнагли ҳалол бўлсанг, ракобат ичра синмайсан.  
Агар муҳтоҳ бўлиб колса бирор асло ялинтирма,  
Ялинтирас эсанг бир кун ўзинг ҳам ҳеч ялинмайсан.  
Диёру эл аро бурчинг билиб, койиллатиб кўйгин,  
Юзинг ёргу эса элдан яширмайсан, бекинмайсан.  
Фазилатдир севишмоклик ва лекин ишқпараст бўлма.  
Билиб кўй, ишк ўти ёккай, бирор ҳаргиз исинмайсан.  
Умр бир бор берилгандир. у ортга кайтмагай мутлок,  
Адашмасдан яшар бўлсанг хаётингга ачинмайсан.  
Калоний, етти бор йўлаб, кейин бир бора сўз айттил,  
Ахир. ўйлаб гапирсанг сўзларинидан ҳеч илинмайсан.

## НОМИ ЁМОН БЎЛУРСАН

Қўиссанг амалга хирсинг ошифта жон бўлурсан,  
Ишқида ўртанурдан кок устихон бўлурсан.  
Ўйламагил амални хузури жон бўлур деб,  
Хузури жон каёкла, кори фигон бўлурсан.  
Мансаб бедови абжир, ерга урар кўториб,  
Баски эмас чавандоз жуссаси кон бўлурсан.  
Илму амалда йўқсан, иш юритишда сусткаш,  
Ўзга ҳам, ўзингга кони зиён бўлурсан.  
Доглар солиб амалнинг покиза курсисига,  
Эл ичра ҳам бутунлай номи ёмон бўлурсан.  
Хозирдаги вўноклик оммага ёшириндири,  
Минсанг амалга, буткул ёлага аён бўлурсан.

Мансабга, эй Калоний, нияти пок керакдир,  
Баски ният гаралы қадди камон бүлурсан.

### **МЕНГА ИШДАН ГАПИРМАНГ**

Менга ишдан гапирманг, суз очинг доим зиёфатдан,  
Дуо айланг бу бошиңг чикмасин деб хеч машатдан.  
Ахир, роҳат кулиб турса машиққат не учун даркор,  
Жуло кильманг сира, меҳнат сари бошлиб, фарогатдан.  
Менсинг коримни ким олмок эса кўлни ташлайверсин,  
Ҳечам кизганмагум бундан, умид этсин саховатдан.  
Бирор чойхонада ош бўлса боргум, лекигин, дўстлар,  
Ташаккур айтиши биздан эрур, сарф бари улфатдан.  
Агар май келтириб берса эринмай "майдалайдирман".  
Қоқиб кош, кўз сузиб турса хузурим айшу инратдан.  
Ўқиб ўрган, ҳастнинг маънисин деб чекмангиз заҳмат.  
Дилим баҳра ололмайдир хечам илму синоатдан.  
Қаерға бормайин охир кочар бўлди улус мендан,  
Урай бошимни кайларга, кочай кайга маломатдан.  
Калоний, дейдики бундай текинхўрларга шафқат йўк.  
Урайми ўзни меҳнатга менам кўркиб киесатдан.

### **ЎҒЛИНГ БИЛАН**

Кеккайб кўп макстанарлинг, "шўх", "олов" ўғлинг билан,  
Бул куни бошиңг этурсан гўр, исов ўғлинг билан.  
Иш буюр, бергил ўғит, олмас сўзинг бир тангага.  
Кай томони қочгунг, ахир, монанди гов ўғлинг билан.  
Гоҳ ароқ ичгай бўқиб, тоғи гисхандик килур,  
Кўк узок, катник замин, бу бежилов ўғлинг билан.  
Ўгрилик, безорлик, шилкимлик айлар, йўқ илож  
Олга пой босмок учун бу йўлда гов ўғлинг билан.  
Бундайин мудхиш балони гопмагайсан хеч качон,  
Гар жаҳон майдонларин кезсанг яёв ўғлинг билан.  
Бул куни олдинг Калонийдан "насибан"ни, ииим,  
Тот хажв заҳрини энди беаёв ўғлинг билан.

### **СЕЗМАСИН**

#### *Бир хотинбознинг дийдиёси*

Сизни, жонон, севганимни ёр зинхор сезмасин,  
Сезса айлар иккимизни хор, ночор сезмасин.  
Кўйни боксин, молни соғсин, ул супурсин ҳовлини,  
Сиз билан биз айш килайлик, калби бедор сезмасин.  
Кирсовун исли қўлига гилла, ёқут хайф унинг,  
Ок билакка таққанимни дасти чиркбор сезмасин.  
Акчасин хам ўгрилаб мен сизга соғро килганим.  
Сезмасин хеч, сезмасин хеч хам, дилозор сезмасин.  
Ул бокай деб баччаларни ишламокка шўнгиган,  
Бермангиз ҳаргиз ҳалал, ранжиди бекор, сезмасин.  
Ушланиб кўл лолазорлар ичра отдиқ шатталоқ.

Бизнинг ках-ках кулгимизни чашми ашкбор сезмасин.  
Күзларидан раңык ўтида, майлига, кон оқса ҳам.  
Иккимизнинг ўргамизда унга не бор, сезмасин.  
Бу жаҳонда кимга қандок, менга ўйнаш яхшилар.  
Бебилис юрган йўлими ул дилафкор сезмасин.  
Кингири кийшиқ юриб ўтди, Калоний, ёшлигим,  
Энди расво бўлганимни ёр-вафодор сезмасин.

## ОПОК ҚИЗ

### *Кариб қўйилмаган ошиқ дейдиси*

Опок қиз, изларингиздан юриб сизни кидирдим ман,  
Кўзимнинг ёшини опопок соколимдан сидирдим ман.  
Ёшим етмишдан ошган бўлса ҳам ёшdir мудом қалбим  
Мухаббат ўтида лов-лов ёниб турмоқда ҳар доим.  
Отангиз кирк ёнда эрканким ани ўғил килиб олгум,  
Онангиз ёни отангиздан, бирор анга қулоқ солгум.  
Агар ор этсангиз опопок соколим олдириб ташлай,  
Ажинларни йўқотмок-чун юзимнинг терисин ошлай.  
Сочи йўқ деб сира кулманги бошимнинг каллигидан ҳам,  
Хабардор бўлсангиз баёсdir сиза маҳталлигимдан ҳам.  
Билакка таққанингиз не, билагузуми ё соат.  
Кўзим кўрмай ани ҳозир бироз бўлди дилим диккат.  
Агар кўл ушлашиб юрсан хиёбонларни хилват деб,  
Асо бордир кўлимда, ит қувишга айламас журъат.  
Куриб турмуш иковлон, ёр, делим мақсадга тез етсан,  
Бу дунёда бўлур армон куёв бўлмай ўлиб кетсан.  
Улиб кетсан умр бўйи йигиб юрган пулим колгай,  
Ани сиздан бўлаклар ўзаро тақсим қилиб олгай.  
Билиш, гарчи белимда кувватим йўқлир, кўлим титрок,  
Агар хотинлик этсангиз яшарсиз бой бўлиб мутлок.  
Менинг танмакхрамим бўлмок учун рози эсағиз гар.  
Келинг, тўй олдидан бигта ўпич бирлан килинг изхор.  
Дилим розин баён этдим, ани ҳеч кимга билдираманг,  
Тагин айтуб Калонийга ҳажвга мавзу қилдираманг.

## НЕ ЕТСИН

### *Уй зиндан, кўча ҳандоннинг деганизари*

Хотинжон уйда яхши, кўчада улфатга не етсин,  
Аларга кўрсатурга бегараз химматга не етсин.  
Хотин уйдан кочиб кетмас, умр бўйи килур хизмат,  
Гарам улфат учун чойхонада хизматга не етсин.  
Бу дунёда хотин бирла умр ўтса уволмасму,  
Ани ташлаб чикиб кетмок учун журъатга не етсин.  
Хотин ундоқ деса бундек легин, наст кетмагин зинхор,  
Уриб кўркитгани етган кучу кудратга не етсин.  
Болам-чакам демасдан кўчада уч-тўртга улфатлар,  
Кочиб оиласдан жам бўлгани фурсатга не етсин.  
Үйингда бўтка, ёвғон шўрвадан коч, ресторонларда  
Кадаҳлар "жанги" авж олган гўзал суръатга не етсин.

Агар ҳүшір зсанг ташвиш босар, зимманға бурчинг бор,  
Ичиб мастилкда килган айш ила ишратга не етсин.  
Бунингдек күча хандон, уйда зинден нусхалар ҳақда,  
Калоний, ҳажв битиб топған шараф, шұхратта не етсин.

### **БЕЛБОГЛИ МУШФИК ОНАМАН**

Хотинимга бўйсунарман, эрта-кеч парвонаман,  
Тиз чўқарман, не учунким унга чин ҳамхонаман.  
Белин ушлаб ҳўмрайиб дўк урса, қолим не кечар,  
Титрагайман, беадад куркувда, ох, тўлонаман.  
Борида амрига ҳозирман, мудом бир кул мисол,  
Йўғида бўйним чўзиб мағонаман, мардонаман.  
Жаҳлига тексам мени эрмас, каро ер ҳам килур,  
Шул сабаб ул розимас ҳар парсадан бегонаман.  
Гар якин борсам "кўнгил айнийди" деб қувлаб солар,  
Лек узок ҳам кетказиб кўймас дебон "кнзғонаман".  
Ул париваш менга "эр", фарзандларига "ота"дир.  
Беш нафар ўғлон учун белбогли мушфик отаман.  
Жон-дилим куйдирса ҳам хеч бир иложу чора йўқ.  
Оз зрур куйдим десам, ҳар лахза лов-лов ёнаман.  
Қаҳри бисёрю жаҳли истаса тог-тог қилур,  
Эй Калоний, меҳрига ёрният қачон мени қонаман?

### **НАҲОТКИ "ОВ" БЎЛАМАН?**

#### *Бир бетайиннинг дийдиёси*

Кўринса пул узоқдан чопкир улов бўламан,  
Дуч келганга қаҳрим зўр, хўб беаёв бўламан.  
Онам билан иккимиз ўртамида пул турса.  
Тукканимга шул лахза ёт ва бирор бўламан.  
Камбагалинг қизига эр бўлишдан асрасин,  
Пулли бўлса кучукни севиб қуёв бўламан.  
Ҳаттоқи пашинлар ҳам болга кўнса ажаб йўқ.  
Мулки борга хешману йўқсилга ёв бўламан.  
Чўяса "муллажиринг"дан тап тортмайман ҳар ишдан,  
Жанжал ўчогига ҳам яхши қалоғ бўламан.  
Бўлса хабар киримдан қулоқларим динг эрур,  
Бўлса хабар чикимдан кар ва сокон бўламан.  
Ис чиқса гар танишлар уйига чопқилайман,  
Хайдаса кетмагайман, мисоли гов бўламан.  
Бойликка хирсни кўйган кимсалар ичра зўру,  
Ҳамиятли одамлар йўлида гов бўламан.  
Улфатларинг борми деб хеч сўрмагин, нетайким,  
Барчасидан қувилган яккамохов бўламан.  
"Ов"га чиқиб, Калоний, ҳажв куроли бирлан,  
Тўғри нишонга олса наҳотки "ов" бўламан.

### **ЯЛҚОВ**

#### *Эркин Ваҳидов газалига назира*

Умрини ялков ҳамиша ўтказар уйқу билан,  
Турмагай ул бошига гар урмасанг у-бу билан.

Ошга бўлса тез чопар у, ишга бўлса тез кочар.  
Бирга борма ошга ҳам ҳеч, ишга ҳам ҳеч у билан.  
Гап десанг қол-қол топар, лек маънидан очмас оғиз,  
Эътироз этсанг мабодо енгадир кулгу билан.  
Эрта тонгдана чойхона жой бўлгай унга энг қулай,  
Мўйлабин сийнаб ўтиргай ўйнашиб кўзгу билан.  
Чектириинг деб кўл узатгай, ҳар кашнанде келса дуч,  
Бунчалар отир машакат ўтириш, ох, у билан.  
Узгалар ош дамласа ул сукланаб кўз узмагай.  
Ноилоз улфат килурлар дилда бир кўркув билан.  
Дер Калоний: бу газалини сиз ўкинг қах-қах отиб,  
Мен эсам ёздим уни қалбим тўла қайгу билан.

### БАЪЗИ БИР ТИНГЛОВЧИЛАР

Баъзи бир тингловчилар дарс пайтида тинглармикан?  
Ёки тинглаш ўрнига кўзин очиб ухлармикан?  
Кўпчилик айтса муҳим гапларни гар илм бобида.  
Эшифтмагай ул ҳеч вако, билмам, қулоги кармикан?  
Сургани ўю хаёл, дарс пайтида ҳар доимо,  
Фикрини жалб айлаган пулми, гавҳар, зармикан?  
Лоақал дарсдан кейин кам олмагай кўлга китоб,  
Кезгани бозорми, паркми, ё бирор булвармикан?  
Имтиҳонда берсалар домлалар унга савол,  
"Мик" утолмайдир, ажаб, боши бўш хум, шармикан?  
Холисона айт, Калон, бунлай "соков"лар оқибат  
Кўлига диплом олиб, бир соҳада ишлармикан?

### БЎЛОЛМАЙМАН

Мудом чин дўст бўлодирман, vale ағёр бўлолмайман,  
Агар ўлсам ўлодирман, бироқ маккор бўлолмайман.  
Бошимга минг ballo келса чидаб бермокка кодирман,  
Бировларни чақиб кун кўргувчи бир мор бўлолмайман.  
Амалдорлар тагни а пахта кўймоқни жиним сўймас,  
Бошимга гар килич келса лаганбарлор бўлолмайман.  
Одамнинг оддилда мақтаб кетидан каргагувчи кўя,  
Нетай, мен тўгри сўз, тилёглама айёр бўлолмайман.  
Синовдан ўтгай албатта кишининг дўсти кулфатда.  
Оғайним омади кетса кочиб бепр бўлолмайман.  
Ишинг биттунча тўнгизни тогам деб айт дегувчи бор.  
Азиз туттум ўзимни, ўзгага ҳеч хор бўлолмайман.  
Ошари а иштахоларни қилиб карнай чопувчию  
Хашар бўлса солиб кўрпа-тўшак "бемор" бўлолмайман.  
Ҳалот ишлаб, ошим ошаб, ёшимни ҳам яшайдирман,  
Вале асло текин ҳар лукмага тайёр бўлолмайман.  
Бу дунё деб у дунёни фалон минг сўмга сотмайман,  
Савоб иш бўлса хозирман, сира бадкор бўлолмайман.  
Тегирмон тоши бошпимда айланиб турса-да рост ёзгум,  
Калоний, ҳеч қачон мен шоири мурдор бўлолмайман.

## **ГАШТИН СУРАВЕРАСАН**

**Бир онанинг тарбиясиз ўсиб, жиноягчи бўлиб кетган ўслига деганлари**

Танлаган йўлингдан юраверасан,  
 Мантгайда борини кўраверасан.  
 Панду насиҳатлар кирмас кулокка.  
 Сур бўлиб, без бўлиб тураверасан.  
 Ҳаёт машинаю рули кўлингда.  
 Хохлаган томонга бураверасан.  
 Отангнинг киссаси мисоли сўргич,  
 Ўшал сўргичингни сўраверасан.  
 Разолат биносин тикламоқласан.  
 "Тўхтат" деган билан кураверасан.  
 Ётсанг керак эмас пашша кўрувчи,  
 Ўзинг пашишангни хам кўраверасан.  
 Нима эккан бўлсанг, берган хосилин.  
 Вакт келса ҳашарсиз ўраверасан.  
 Одил судлов бугун "ўн беш йил" берди,  
 Энди унинг гаштин сураверасан.

## **БЕМОРМАН**

**Нимжон гўзанинг фермер тогага арзи**

Саргайиб коддим гумай остида, кўп ночорман,  
 Заррача офтоб зисига ҳамиша зорман.  
 Итузум тур нари деб дўй киладир, бу майли-я,  
 Бўйнимга чирмашган ул зарпечакдан безорман.  
 Баргларим атрофига хам ўрмалар минг ҳашарот.  
 Жабридан ҳар лам уларнинг тортаман озор ман.  
 Ер бираам қагтики, ийдиз отгани йўклир илож.  
 Озука танқислигидан камкуват, bemorman.  
 Ўзга ерда гўзаларнинг ўнталаб кўсаги бор.  
 Менда гулдан хам асар йўк, бунчалар бадкорман.  
 Коматим ингичкаю, каддим эрур калта жуда,  
 Берсалар андак мадад ўсмокқа, лек тайёрман.  
 Куймайниму фойласис ўтса умр фермер тога,  
 Шу сабаб арзими Сизга айладим изхор ман.

## **ШОХОНА БЎЛАЙ ДЕЙМАН**

**Бир текинтамок, бўйдокнинг дейдиёси**

Бой кас кизига, воҳ-воҳ, парвона бўлай дейман.  
 Қалбига топиб йўлни парвона бўлай дейман.  
 Ҳуссини кўриб неттум, ақлини сўраб неттум.  
 Мол-мулки етар менга, фарзоша бўлай дейман.  
 Гар ҳою ҳавасларга сарф қанча керак бўлса,  
 Қайнота хисобидан мардона бўлай дейман.  
 Аслида-ку мен жезман, лек кумушу олтиндандан.  
 Минг карра баҳолирок дурдона бўлай дейман.  
 Мошинини этиб совоқ, уй-жойни куриб берса.

Мен кори машиқатдан бегона бўлай дейман.  
Ўткинчи бу дунёда жонимни нечун кийнай?  
Турмушда Калонийдек шохона бўлай дейман.

## БЕВАФО

Қалби жирканч, шалток, аммо сирти оппох бевафо.  
Жуфт топилмас унга асло, бир умр ток бевафо.  
Юзларига зеб бериндан чарчамас кўзгу тутиб,  
Лек кўнгил кўэгусига боюмайди мутлоп бевафо.  
Қош-кўзи ўйнаб туродир, бебажодир доимо,  
Нега шундок, нега шундок, нега шундок бевафо?  
Эри бордир, икки кизнинг модаридир, лекигин  
Ҳеч уялмай дейдики мен якка бўйдок, бевафо.  
Сон стишмайдир гуноҳити санаб ўтмок учун,  
Кир йигар шашнига тинмай мисли тирнок, бевафо.  
Эй Калоний, кўркмайин хажнини болглайвер унинг,  
Канча шаддод бўлса ҳамки, асли кўркок, бевафо.

## ОЁГИНГДАН ЎПАР

Гар иши тушса оёғингдан ўпар.  
Гар ишинг тушса кучук янтилг копар.  
Фойласига сўйласанг куллукла ул.  
Илтимос ўтсанг бўлар бир зумда кар.  
Унга у дер. бунга бу дер таъмагир,  
Ўлжа излаб кезадир ул дарбадар.  
Ўзага бир бурда ион кўрмас раво.  
Ўзганини иони гомон дастин чўзар.  
Чўнгагига кирса пул қах-қах отур.  
Чўнтағидан чикса пул кўз ёш тўкар.  
Бой агар тўнгиз эзур, таъзимда ул.  
Камбагал, қашишни тинмасдан сўкар.  
Бир тийин деб ташлагай томдан ўзин.  
Гар текин бўлса таом ямлаб ютар.  
Ҳажвиини ёсам, Калон, достоп бўлур,  
Гапни чўзмай айлагайман мухтасар.

## БЕМАЪНИЛАР

Колмасин юртим аро бемаънилар,  
Диллари тундек каро бемаънилар.  
Бесавод, калтафаҳм, турки совуқ,  
Бир-биридан баднамо бемаънилар.  
Кўзларида беҳаёлик боскини,  
Фиск-фужурга мубтало бемаънилар.  
Йўнмаган кийишик таёқдан фарки йўқ,  
Кўзготар кўп можаро бемаънилар.  
Тўйланиб бир-бир билан жанжаллашиб,  
Йиртадир енгу яко бемаънилар.  
Таъма айлар меҳнат ахлидан мудом,  
Беимон, юлгучнамо бемаънилар.

Дуч келар жононадан сүргай висол,  
Шилкиму мисли гадо бемаънилар.  
Не гуноху ис савоблир, фаркламас.  
Икки дунёси адо бемаънилар.  
Эй Калоний, хотирингни жам кил,  
Йўк бўлур буткул бало бемаънилар.

### ВО АЖАБ

*Текинхўрликка ўрганиб қаттган бир боқиманданинг  
деганлари*

Вой, ахир, кандай чидай, саводчи бой бўлмоқдадир.  
Ақчани пулга уриб хамёнлари тўлмоқдадир.  
Дунёга минг бор келурмикан тиним билмайди хеч.  
Во ажаб боз ҳар ишидан шод бўлиб кулмоқладир.  
Тилларидан "бизнес" у "маркет", "товар" тушмас сира.  
Хорижий тиллар луготидан ани юлмоқдадир.  
Бошқаси корхоналар курди, карант, дангиллама.  
Хеч куромасдан уни ранг-рўйларим сўлмоқдадир.  
Пул топиб жиндақ ақидан топма анму, билмадим,  
Фойласини баъзи мухтоjoslar билан бўлмоқладир.  
Эй Калоний, бул замон кўн ўзгариб кетди, нетай,  
Англаёлмасдан, каминағам чекиб ўлмоқладир.

### КЕРИЛМАСИНЛАР

Бўлдим раис деб, зй кас, харгиз керилмасинлар.  
Кибру ҳаво ёмондир, унга берилмасинлар.  
Тухмат тошини жарга отса бирор захар деб.  
Бу мен учун керак деб кўшкўллаб илмасинлар.  
Тэъна билан маломат айлайди дилни тилка,  
Ҳар бегуноҳ юракни ул бирла тилмасинлар.  
Озор бериш ҳамиша дўзахиларнинг кори,  
Жабру ситам килишини зигирча билмасинлар.  
Текин томок буюромас, тешиб чикар томоқдая,  
Хеч кимни юлмасинлар, хеч кимни шилмасинлар.  
Пора килур кишини охири пора-пора,  
Азим гуноҳ бу ишни зинхора килмасинлар.  
Бу дунёда яшармиз савоб дея, Калоний,  
Савоб ишни килишдан бир зум тийилмасинлар.

### ЮЗЛАРИ КОПКАРО КЕЛУР

Каранг, кўчада судралиб бир умри бебако келур,  
Қўлида битта шишиаси юзлари коп-каро келур.  
Костюм-шимиға кайт килиб, балчикка ювди, во ажаб.  
Ёнидан ўтса булганиб, балбўй бўлиб сабо келур.  
Тутдим ёкамни жирканиб, йўл четиға ўзни олиб,  
Кай кўз билан кўтайди, мэн томонга бир бало келур.  
Огоҳ этиб кўйинг, бориб уйига ул кабихни тез,  
Фарзанду хотини учун азобу дард жафо келур.  
Обрўисидан ажратибон, соғлигидан кетди путур,  
Ичгани "юзта-юзта"дан ўзига кўп жазо келур.

Ажралиб дўсту ёридан якка мохов бўлди ўзи,  
Юзлари сўлгию яна кўзлари бехаб келур.  
Даво топур доно элим минг турли дард, касалга, лек  
Бу каби нусхалар учун, айтинг, қачон даво келур?

## СОПҚОН ЭМАС

Ойни кас рўймол билан ёғон эмас,  
Бемурувват эътибор топғон эмас.  
Сен уни одам килишни ўйлама,  
Ҳеч бойўғли гул томон чопғон эмас.  
Кўйганинг йўлига инсоф бекуда,  
Кил тузок кашир учун копкон эмас.  
Тиг олиб ксмокни лекин ўйлама,  
Ҳар чивин чаккан жойинг чипқон эмас.  
Нега ортимдан юрибсан деб киши,  
Соясин болта билан чопғон эмас.  
Ит ҳуарар, аммо мудом карвон ўтар,  
Айт ўзинг, кимни кучук копғон эмас.  
Эй Калоний, отганим ҳажв дафтари,  
Замбаракнинг ўқимас, сопкон эмас.

## ФАРМОННИ ЭТ

### *Бир гарарқушиндага тескари насиҳат*

Қасди жои этсанг мабодо зиг асил инсонни эт,  
Тарп этар бўлсанг агар бебаҳо ичонни эт.  
Ори йўқ вижлони йўқ бебурдни мулзам айлама.  
Гар киёс этсанг ўзингга ноумид шайтонни эт.  
Жилмайиб ут ёнидан, номардга таъна отмагини,  
Айласанг бадном ҳамиши мараду чин ўғлонни эт.  
Хоҳлаан эрсанг гуноҳ, ҳар доимо ултуржи кил,  
Коп-каро айлар эсанг, бас, хуршиди тобонни эт.  
Сийлама инсонни мезбон ҳохи меҳмон бўлса ҳам,  
Колмасин эзгу фазилатлар, Калон, фармонни эт.

## УЯТ

Фиски исён айлама, эй бандай ожиз, уят,  
Кибр айлаб кўлларингни этмагил бигиз, уят.  
Ҳар кишини сенга мухтоҷ айласа қодир Эгам,  
Этмагин зулминг билан калбин унини кирмиз, уят.  
Ўз ҳалол ошинг ошаб, даврингни сур, қандингни ур,  
Бошқалар хисобидан килсанг агар "жиз-биз", уят.  
Тўғри дил бўл, тўғри сўз бўл, тўғри юргил бир умр.  
Қолса гар ортингда кийшик, эгри-буғри из, уят.  
Гар мусаффо бўлса ният, эл-улус олқиш этар,  
Ҳеч кишига бўлмагай бебоису бежиз уят.  
Эй Калоний, беғубор калбингни доим пок тут,  
Бас, асил инсон эсанг бўлмагай ҳаргиз уят.

## ЕЛГИЗ ЎЗИММАС-КУ

*Савдогарлик намига дөг түширган бир қылвирнинг  
деганлари*

Ўзин савдога урган кас бу кун ёлгиз ўзиммас-ку,  
Олиб сотгум деб этган сас бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.  
Ўтин ҳам пул, тутун ҳам пул, пүчогу хар чикит ҳам пул,  
Сотиб юрган ҳазону ҳас, бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.  
Юзинга латта, чарм қоплаб, сотиб вижданни ҳам боллаб,  
Бўяб читни дебон атлас, бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.  
Учар дерлар, юлармону шилармону олармонман,  
Тушириб чув, ўзи тушмас бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.  
Топиш-чун пул ўзин сувга, оловга урди худбинлар,  
Насихат ҳам койиш ўтмас бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.  
Караб бок деб киёфанигга, Калоний, тайна этмангиз,  
Иши шайтонданам каммас, бу кун ёлгиз ўзиммас-ку.

## ИЧИМДАН ТОП

Бу кимса лом демас асло, соқовму?  
Ўйлайму я ёки ичкуёвму?  
Галингни тинглагай, аммо галирмас,  
У бизга дуст эмас ёнки ёвму?  
Узок юрсанг писиб ёнингга келгай,  
Якин борсанг куярсан, зўр оловму?  
Сиринг олмоқни истайдир ҳамиша,  
Мудом бир ис олар маҳлук-бобовму?  
Сўзингнинг маънисидан айб кидиргай,  
Сира билмайди щафқат, беаёвму?  
Илингирсам дегай доим тузокка.  
Иши доим бирорни коя-коявму?  
Не наф бордир бирорларни сотишдан,  
Суюнчига ва ё ёглик паловму?  
Вужудидан ёғилгай кир, бу исқирт,  
Ювинмасму, кўзи шилпик, тумовму?  
Муродимни десам энди, Калоний,  
У инсон йўлида чохдирму, говму?

## КАНДАЙ ЯШАЙ ШУНДОК?

Дилим. икки нигорга бок шукр, хар иккиси ҳам ток.  
Бирининг зри йўқ мутлоч, бири мендек зрур бўйдок.  
Бирок иккви ҳам бокмас, камина негадир ёкмас,  
Менга мекри жўшиб оқмас кулиб тақсам-да кўзмунчоқ.  
Бири васлига кўп зорлар, бири хижронида хорлар,  
Узилмоқда асаб торлар, ният гар бўлса ҳам оплок.  
Бири кўнгилни ғашлайди, бири кўзимни ёштайдир,  
Азоб йўлига бошлайдир, бу йўлдан мен юрай кандоқ?  
Бири тогдан келур, эвоҳ, бири боддан келур, эвоҳ.  
Ики ёғдан келур, эвоҳ, ўлиб бўлдим-ку мен шундок.  
Бу оламдан кетай дейман, Муродимга етай дейман,  
Калон, энди нетай дейман, ахир, кандай яшай шундок.

## **ЭТДИ БУТКУЛ ТУМТАРОК**

Бир касеки турки яхдек, бадковок,  
Калби торик, дүйг пешона хам лавок.  
Егани түнгизни(нг) гушту ёгидир,  
Ичгани виною, конъяк хам арок.  
Күләларин соф корга урмас, муттахам,  
Калласи бүш хум мисоли, ошковок.  
Мустакил бир иш қилолмайдир, лаванг.  
Унда күпидир тиргагу күлтиктәэк.  
Жойлашиб катта амал курсисига.  
Камбагални менсимайдир кызталок.  
Бир нимарсан өзмасанг битмас ишиңг,  
Берганинг кам деб ҳилур токатни ток.  
Хамәннингда борини олгай шилиб,  
Супракокинг хам юлиб, аллади кок.  
Чорласанғ инсофга ҳаргиз фойда йўқ,  
Яхшилардан олмагайдир хеч сабок.  
Бесамардир устидан арз айласанг,  
Катта бошлық унта йўлдош, ҳамтоворок.  
Қасд килиб жонига, чох қазсанг агар,  
Ул ўзинг пойлаб йикиттай эртарок.  
Зулм оловида унинг куйтан эдик,  
Эри қубши йўлимизни этди ок.  
Нур сочиб ўлкамга истиклол бу кун,  
Ул маразни этди буткул тумтарок.  
Эй Калоний, эркни(нг) қадрин англагин,  
Ўтмишингга кайрилиб бир лахза бок!

## **АРОК**

*Кильмис таридан пушаймон бўлган бир пиянистанинг  
айтганлари*

Сен мени авват ўзингга ошино килдинг арок,  
Сўнгра юз турли балога мубтало килдинг арок.  
Не кабих ишларни килдим, билмайин кайфинг билан.  
Эл аро обўрмни хам охир адо килдинг арок.  
Соф кўнгил чин дўстларимнинг барчасидан ажратиб,  
Канча лидсиз, дилсиҳга ошино килдинг арок.  
Кайфигаринг курсин ўшал киссамни кок этмиш, нетай.  
Энди уч-тўрт тантага зорман, гадо килдинг арок.  
Бунчалар расво эрурсан, заррача йўқ инсофинг,  
Сенга дил берганин(нг) рухсорин каро килдинг арок.  
Энди сендан кўл ювиб, кўлтиқса артсам тонг эмас,  
Коматимни дол этиб, мотамсаро килдинг арок.

## **ЁЗАВЕРИНГ**

*Ўта бегам, вайдабоз фермернинг қишилоқ ҳадтидан ёзиши  
учун келган муҳбирга деганлари*

Кишилогимиз табиати кўп күшкаво, ёзаверинг.  
Сой бўйида сайд айламок кайфу сафо, ёзаверинг,

Бизлар килган барча ишлар доим айло, ёзаверинг,  
Уста фермер дегая менман, лебон доно, ёзаверинг,  
Хурматлиман, хурматимни этиб расо, ёзаверинг.

Түгри, хозир фермеримиз туманда энг оргда борар,  
Сергайратмиз, бир кун олга кеттганлар ҳам кетди колар.  
Пойта бўлса ахир мудом яхши отлар кейин чопар,  
Камчиликлар йўколганда менинг обрўм орта борар,  
Ганкид килиб, обрўйимдан килмай жудо, ёзаверинг.

Шу кунларда ёввойи ўт гўзалардан баланд эрур.  
Орасида канча-канча хашаротлар изгиб юрур,  
Кўрмасликка олинг, укам, йўқса бизга кайла хузур,  
Ёзганинг босилгунча на хашарот, на ўт колур,  
Ёввойи ўт, хашаротлар йўқ деб асло, ёзаверинг.

Август ойида гўзаларни зўрга-зўрга гуллатдик,  
Сувсизликдан саргайтирдик, шоналарини ташлатдик,  
Силиграни гўзагамас, сабзавотга ишлатдик,  
Ростин айтсан бу борала бир жасорат кўрсатдик,  
Муддатидан олдин режа бўлур бажо, ёзаверинг.

Агар режа тўлмай колса бир баҳона топажакмиз.  
Айбимизни хаспўлашиб, амаллашиб ёпажакмиз.  
Кимки бизни танқид килса хилват топиб қопажакмиз,  
Ишдан олиб ташласалар кейин кайга чопажакмиз.  
Шу боисдан бизга факат мақтоз рано, ёзаверинг.

## ЭТОЛМАЙДИ

Мени харгиз вафоси йўқ санамлар ром этолмайди,  
Зинони(нг) йўлига бошлаб сира бадном этолмайди,  
Қошин, киприкларни ўк-ёй сочини дом этолмайди.  
Дилимни сайд этиб, чиндан ўзи ором этолмайди,  
АЗИЗ, нурли хаётимни сира беком этолмайди.

Назокатли, вафосатли, вафодор севвалим бордир,  
Унинг васлига ҳар лахза бу кўнглим бескарор зордир,  
Агар бир кун кўролмасман юракка кўкрагим тордир,  
Куйида ўрганиб жисмим билан жоним мудом хордир.  
Шу боисдан бўлак ёр ишкинни дил ком этолмайди.  
Ву ишкимни кўролмасдан ракиблар багри куйгайдир.  
Менга турли ёмонликни басир кўнглига туйгайдир,  
Йўлимига тоҳ казиб чохлар, гоҳида говлар кўйгайдир.  
Етолмай максадига лек ўзининг багрин ўйгайдир,  
Ки чашимим ашқини дарё тутул бир жом этолмайди.

Аларнинг қалби гумроҳдир, мұхаббат нелигин билмас,  
Гўзалик қатбига етмас, ки искирт фикри оқилмас,  
Ғарәз турли надоматдан нечунким бўйни қирқилмас,  
Ўзини ишишибоз деб юрса ҳам соғи ишкни хис кильмас.  
Калонийдек ёзиб ёр таърифин том-том этолмайди.

## ТОРТАДИР ЖАЗОЛАРНИ

Келиб ҳурлиг шамоли, кувладик ул норасоларни,  
Оғизда бир фаришта, аслида чин рӯдаполарни,  
Ковушин тўғрилаб кўйдик мараз, дил, юз қароларни,  
Маншатхўр, хотинбоз, ҳам лўттишибоз ҳуднамоларни,  
Кетига, бопладик, тепдик казо ва ҳоказоларни.

Чикиб минбарга ҳар доим уриб кўксига сўзларди,  
Кези келганда қулгайли, кези келганда бўзларди,  
Тилида ўҳшатиб гўё элимга нафси кўзларди,  
Бироқ нафсини ўйлаб ул ҳалол ҳалтимни тузларди,  
Ажаб кийдик, улоктирдик бу шумният "даҳо"ларни.

Нукул жумхуриятга пахта эктириди очофатлар.  
"Оқ олтин" деб заҳар ютилди дечконга касофатлар,  
Ҳазон айлаб одам умрин нишонлар олди оғатлар,  
Сўриб элни зулук янглиғ киларди айшу ишратлар,  
Кутулдик, хайрият, даф айладик охир бу балоларни.

Уларнинг ластидан Сайхун билан Жайхун куриб колди,  
Ҳаётбахш яккаю ёлгиз Орол ўрнини туз олди,  
Машакқагдан, касалликдан одамлар чарнади, толди,  
Бу бебошлар элу юрг бошига мотам, алам солди,  
Қочиб асло қутулмас, торгадир энди жазоларни.

Қаранг, гафлат эмас мангу, забардаст ҳалким уйгонди,  
Кувонди дўсту ёронлар, ракиблар бўлса кўп ёнди,  
Чўчиб зл қаҳридан килган гуноҳ, қасб-коридан тонди.  
Адолатга эди ташна, Калоний, бул куни қонди,  
Насиб килсан, шукр, кўрдик биз кутган рўшнамоларни.

## БЎЛМАСИН

Нафси бад ҳор бўлса бўлсин, лек амалдор бўлмасин,  
Неча-неча боҳаёга асло саркор бўлмасин,  
Беимону бехаёю ҳамда беор бўлмасин,  
Элу юрг понин ейишга ташна-тайёр бўлмасин,  
Яхши сухбат даврасида хеч қачон бор бўлмасин.

Үнда нурдан йўқ асар, оламга зулмат келтирур,  
Йўқ фазилат заррача, иллатни кат-кат келтирур,  
Етказолмас наф, бирок даҳшатли оғат келтирур,  
Мусибат, кайгу, аламлар бирла кулфат келтирур,  
Окибатли барча инсон унга хамкор бўлмасин.

Хохи у бўлсин бадавлат, хохи серсавлат хам,  
Одамийлик хислати йўқ, келтира инсонга ғам.  
Корни тўйган бирла кўзи оч колодир дам-бадам,  
Нафси бадилик боисидан бўлди шунча bekaram,  
Ундин ҳеч бир одамнинг оғзи кенг тор бўлмасин.

Үнда йўқ инсоғ деган, ҳурматни хам этган унут,  
Ул куёш рўйини тўғсан тим каро кат-кат булат,  
Кай томон босса қадам кетгай барокот, барча кут,  
Кутмагин зарра саҳоват, ҳар лакиқа търма кут,  
Лахза хамкорлик килиб ҳеч кимса балкор бўлмасин.

Эй Калон, берсангт кўйиб ул филни хам ямлаб ютар,  
Шунла хам конмайди нафси, боз тагин ул-бул куттар,  
Шундайин топган таваллуд, энди у шундай ўтар,  
Таърифи битмайди харгиз, гапни айла мухтасар,  
Ёзма шеър ул ҳақда ашъор эл аро хор бўлмасин.

### СОТҚИН

Ул кимсанинг кўнгли каро,  
Ниятлари шум, бебажо.  
Ҳар соғ одамдан доимо  
Излар сиёсий бир ҳато,  
Шайгонга хосдир бу иши.

Ўзни сапар кучли даҳо,  
Ҳар кимсага бергай баҳо,  
Донони дейдир норасо.  
Аслин десам ул бехаё,  
Виждони йўқ, сотқин киши.

Чўлпонни элга ёт деди,  
Жулқун бобони от деди,  
Усмонга муналаб кот деди,  
Эл, бир-бирингни сот деди,  
Жаллодга ўхшар килмиши.

Ул кимса сафда бор ҳамон.  
Ҳар лахзада кумсайди кон.  
“Бошли!” деса бир кас нишон,  
Мардларни олгай у нишон,  
Ночор фалакнинг гардиши.

Феъли бузуқ, касби чатак,  
Көп-кора дер бүлсанг-да оқ.  
Илагаб олу афтига бок,  
Иблизга монанд қызталок,  
Фоже бүлодир "миш-миш"и.

Бошланса ногоҳ каталон,  
Ул кимсә итдек копагон,  
Бир тишиласа тишилар ёмон,  
Согу омон колмок гумоң,  
Закқумга түлгайдир тиши.

Эй сен, Калоң, бошинг кутар.  
Ит ҳурса хам карвон ўтар,  
Ўт кетса ёнгай қурук-тар,  
Давр даъватига бўлма кар,  
Елканга юртниң ташвиши.



## РУБОЙЛАР

1  
Қай одам бўлса гар хирсига банда,  
Эл аро бўлгуси албат шарманда.  
Бир умр кул килур саёқ, суюклар.  
Дузахга тушадир жохил ўлганда.

2  
Майнин табассум-ла ёрим келганда,  
Ихтиерим бериб, бўламан банда.  
Қайгуга чўкаман кетса ул ташлаб.  
Кўзларим уммонла, юрак гулханда.

3  
Кўксимда ишқ ўти олиб аланга,  
Оташ хароратин берар баданга.  
Бу не мўъжизотки. ўчирмок бўлиб,  
Кўзим сув чикариб, оқизар танга.

4  
Мехру иноятдан асар қолмаса,  
Лутфу ҳидоятдан асар қолмаса.  
Ўшал кун киёмат бошлианса не тонг,  
Сабру қаноатдан асар қолмаса.

5  
Орзуласар гар тўлиқ чикса рўёбга,  
Қўллар етар эди ою офтобга.  
Барча истак агар бўлса мухайё,  
Айланаб қоларди меҳнат саробга.

6  
Дангасанинг кўли бормас хеч ишга,  
Текин таом берсанг босадир тишга.  
Уялмайди эл олдила нобакор,  
Ҳадди қандоқ сигар бу хил қилмишга?

7  
Сендан жудо бўлсан сигмам дунёга,  
Орзулашим бари чикар рўёга.  
Заминдан висолинг тополмай ўлсан.  
Рухим излаб сени чиқар самога.

8  
Эй қаҳри жўш урган гулрў жонона,  
Кўйингда йўқ мендек мажнун, девона.  
Қалбимга ўрнашиб олдингу мангу,  
Наздингда ҳамон йўқ мендек бегона.

9  
Бойлик деб умришни совурма елга,  
Совуриб кўўл кулгу бўлмагин элга.  
Бир ҳалта олтинни бойлаган билан  
Юк бўлар, хеч кувват бўлмайди белга.

10

Бүш қоп тикка турмас, харчанд уриима,  
Құлдан кетса бойлик ёима, куйинма.  
Иложсиз хом хаәл рүёбга чикмас,  
Күчинг етмас евға харгиз күринма.

11

Фазлу хунарсизта баҳт қуши кайда?  
Ҳавас айлагудек турмушки кайда?  
Үкиш-үрганишни эп күрмас бул зот,  
Билолмам, ақслию, эс-хуши кайда?

12

Эй ўғлим, қалбимнинг күри ҳам сенга,  
Ҳар иккى күзимнинг нури ҳам сенга.  
Бу олам орому ҳаловатин ол.  
Жаннатнинг энг гузал ҳури ҳам сенга.

13

Дил ғамим тасвири түшса көгозга,  
Танбур, дутор уни олса овозга.  
Дош беролмай торлар чирт-чирт узилар,  
Нечунким, ғамларим сиғмайды созга.

14

Жаҳлнинг тошига палахмон бўлма,  
Майли, майса булу, лек тикон бўлма.  
Гар ари бўлсанг ҳам бойигари бўл,  
Хеч качон заҳарли морсимон бўлма.

15

Кириб келган эди ёрим сахар пайтида богимга,  
Дилим яйраб кетиб, колди уриб хуш бўй димогимга.  
У богимга кириб келганда қалбим яйраса шундок.  
Кувончим ичга сиғтайму ўзин урса кучогимга!

16

Кас эмас ул умрининг ҳар тўртта фаслин билмаса,  
Одам эрмас ул одам авлоду наслин билмаса.  
Ким эдинг, қайдан келиб чикдинг, сулоланг бил, ахир.  
Эл эмас ул ал агар тарихда аслин билмаса.

17

Келмадим дунёга, Оллоҳ, аслила сендан сўраб,  
Сен ўзинг оламга келтирдинг мени ишкка ўраб.  
Энди жонимни олар бўлсанг нечун охлар чекай.  
Шукр этай, имон билан кетмокни ҳам килсанг тајаб.

18

Кўрдиму қолдим жамолингга, гулим, шайдо бўлиб,  
Баҳтиёр этгин мени энт жонажон жоно бўлиб.  
Ўйлама ошиюлиги чинми ва ё ёлгон дебон,  
Мен каби ошикни олам кўрмаган пайдо бўлиб.

19

Дўстлик ният килиб, кўл чўяса бирор.  
Хайрат а шўигимай, кўл узат дарров.  
Дўстлар инок бўлиб, кўл ушлашса гар,  
Орага сукилмас шум ниятли ёв.

20

Эй гофил, ўйлаб бос босар кадаминг,  
Замин катридалир мулки адаминг.  
Бир умр хирс кўйиб ҳою ҳавасга,  
Бемахал ўчирма ўз умр шаминг.

21

Ҳаёжизовини қўлдан чикарсанг,  
Дилинг тош котади, мисоли харсанг.  
Бехаёжизовини кочар,  
Имонсизнинг жойи жаҳаннам, билсанг.

22

Сафосиз, бевафо кўхна бу дунё,  
Барча орзуларни айлайли рўё.  
Айтингиз, шунда ҳам шоирлар нечун  
Мадхини кўйлашда булбулигўё?

23

Калбингла бўлса гар заррача хаёж,  
Шаъннингни эзмасин ҳеч кибру ҳаво.  
Гар бошинг кўккача етган бўлса ҳам  
Жон чикса ер қаъри бўлур унга жо.

24

Ёмғир томчилари бирлашса-дарё,  
Дарёлар бирлашса денгизлар пайдо.  
Ҳеч качон "мен" ва "сен", "у" ҳам демагин,  
Биз" десанг енгилмас дўстлик мухайё.

25

Ким текин лукмага бўлса ишкибоз.  
Ҳаёти кун-бакун топар инкиroz.  
Нафсинг оловини ўчиролмасанг,  
Ироданг дарёси гоятда саёз.

26

Во ажаб, жонсиздан жошли бўлдик биз,  
Жон сабаб шарафли, шонли бўлдик биз.  
Жон кетиб, жонсизга айлангач, тагин  
Бугдойга айланниб, донли бўлдик биз.

27

Висолдан калбимиз зиёга тўлди.  
Кўзларга бор олам чароғон бўлди.  
Хижрон аламларин қувиб, умрбод  
Бахтимиз очилди, қах-қахслаб кулди.

28

Мехрисиз одамла ҳаёж бўлмайди,  
Умрила заррача сафо бўлмайди.  
Ҳеч качон ёргулик чикмайди, чунким  
Катбининг уйида зиё бўлмайди.

29

Гар акси бўлмаса, ҳаёж бўлмайди,  
Зиё сувларига кўнгил тўлмайди.  
Зиё билан сувга кониккан гуллар  
Кеч куз бўлмагунча харгиз сўлмайди.

30

Кип-кизил гүлгүнча калбим тымсоли,  
Чаман очилгани унинг иқболи.  
Сўлиған чоғлари кексалик рамзи,  
Тўзуб сочилгани хаётдан холи.

31

Тамом хароб этди дунё ташвиши,  
Хен кимнинг бўлмайди мен билан иши.  
Лоакал ҳол-ахвол сўрмок ўрнига,  
Баттар кайралади золимнинг тиши.

32

Ул кас ёр кўзичи кўрмасдан ўғди,  
Осмон юздузини кўрмасдан ўтди.  
Олам гўзаллиги у ёқда турсин,  
Ҳатто ўз-ўзини кўрмасдан ўтди.

33

Бу кун кулбам аро шон кириб келди,  
Мехру мухаббатга кон кириб келди.  
Жонфизо нигорим пойқадами-ла  
Жонсиз танам ичра жон кириб келди.

34

Зар кадрини дерлар, заргар билади,  
Ахир, зарни чивин нима юллади?  
Шеърим ўқиб берсан бир зукко киши,  
Дуо қилиб, узок умр тилади.

35

Ой сояси кўлда зиё сочмайди,  
Тош отганинг билан нари кочмайди.  
Бевафога кўнгил берма, хеч качон  
Садоқатли бўлиб, баҳтинг очмайди.

36

Башарият умри - шеърлар дафтари,  
Йиллари - саф турган зар мисралари.  
Унда фардан тортиб достонгача бор.  
Ўкигинг келади ўкиган сари.

37

Сочларинг торига калбим боғланди,  
Ишқинг оловида жисмим доғланди.  
Жондан тўйиб кетдим ҳажринида, дилбар  
Васлингга стомокка кўнзим чоғланди.

38

Эй калбим, жаҳялга бўлмагин банди,  
Бўл ақл, идроку шуур лилбанди.  
Ким қаҳру ғазабга қўл бўлиб колса.  
Шул заҳот инсондан итга айланди.

39

Кунидуз кун ўтмаса күёш боғмайди,  
Қаро тун кетмаса тоиг хам отмайди.  
Заррача бўлса-да идроки бор кас  
Муборак имонин харгиз сотмайди.

40

Бу дунё бизлардан карам сўрайди.  
Мехру муруватни гарам сўрайди.  
Вафо қизмаслиги ўзига аён  
Бўлса хам хамиша чидам сўрайди.

41

Бу жаҳондан ўтгуси ҳар бир киши.  
То абал колмоқ учун ўтмас тиши.  
Окибат йўклик сари сингиб кетур,  
Ортида колгай факат килган иши.

42

Мактоворига учиб дўст билма ёвни.  
Унга дучор килма қизу күёвни.  
Санамасдан саккиз демоклик като.  
Синамай миннамаслар учкур бедовни.

43

Гуллар аросидан дилрабо бокди,  
Унга меҳрим жўшиб дарёдек оқди.  
Бир карашда севги бўлмайди дерлар,  
Мўъжиза бўлдими. ишқ ўтин ёқди.

44

Эй дунё, бизларга караминг қани?  
Дилга нур бергувчи бир шамининг қани?  
Жабру ситамларинг кятма-кат, билдик,  
Бахтиёр яшашига хуш даминг қани?

45

Аёлинг олдида эр бўлсанг, яхши,  
Ракибинг олдида шер бўлсанг, яхши.  
Падару модаринг - осмон, аларинг  
Олдида муттасил ер бўлсанг, яхши.

46

Кўнгилда бўлмаса замоннинг гами.  
Демак, унда кўпdir аклдан ками.  
Цуфланган шарларга бир киёс бокқил,  
Пучмайиб колади бўлмаса дами.

47

Ёмонларнинг жабридан омон колсам кошкийди,  
Рангу рўйим бўлса хам сомон, колсам кошкийди.  
Яхшиларга ҳар доим яхши эдим, найлайнин,  
Ёмонларга бир умр ёмон бўлсам кошкийди.

48

Озлоҳни севар бўлса киши бандани севгай,  
Кудратга бўйинсунгувчи бир жандани севгай.  
Шул боисиким банда Эгам бандаси, зоро  
Подшоҳга вафо этгани арзандани севгай.

49

Зикнадан чиқмас меҳр, гар бўлса хам энг катта бой,  
Айлабон хуфтон дилинг, кўзингни эттай мисли сой.  
Соядан чиқмайди нур, харгиз илож йўқ. бунга хеч,  
Гарчи ёрут бўлса хам бермас харорат кўкли ой.

50

Номанг ўқисам, ёрим, күзимтә зис гүлгай,  
Хар сатри бағышлар шон, қалбимга наво бүлгай.  
Хар сүзи бағ ишлар жон, хар харфи берар ором,  
Хар нұктаю вергулдан баҳтим очилиб күлгай.

51

Умрингга күшиб берсам умримни килур озлик,  
Киши фасли нечун сенга, жоннингни этай ёзлик.  
Не бўлса ҳузурли, ёр, барини этай пайдо,  
Васлингни сўрап бўлсанм, сен бўлма факат нозлик.

52

Бу гамнок дунёда истасанг шодлик  
Десанг, дил богида бўлсин ободлик.  
Яхшилар сафида бўлгии жонғизо.  
Емонга кўшилсанг умринг фарёдлик.

53

Дунёв келдигу бир зумда кетдик,  
На максад, на тўлиқ ниятта етдик.  
Бас максад, ниятлар бўлмаса ижро,  
Дунёга кезиб биз, азизлар, нетдик?

54

Амалдор, амал бу улусга қуллик,  
Ҳалол ҳизмат қилу айлагин қуллук.  
Элнинг газабига дучорсан албат,  
Булмокчи зсанг гар амалдан пуллик.

55

Нигорим берсалар висолдан ларак,  
Ҳапкириб кетади бу телба юрак,  
Даракка ҳапкирса, етса висолга,  
Бир йўла қинидан чикса ҳам керак.

56

Ишк гунчे очганда яшнайди юрак.  
Ажиб хис-туйулар бўладир безак.  
Ошик дил мисоли мавж урар дарё.  
Ишки йўқ юракнинг таккоси кўлмак.

57

Дилкани ёр сухбатин тилайди кўнгил.  
Васлини сўрайди гинмай муттасил.  
Ҳажри дўзах экан, висоли-жаннаг.  
Жанинатга, эй Раббим, тез мусассар кил.

58

Атиргул шохидা сайрайди булбул.  
Ажиб хуш наюдан яйрайди кўнгил.  
Шунчалар хуябую, хушнаю бояда,  
Ёр, висол сўрайман рози бўл, кўигил.

59

"Ўзилгни эр билсанг, ўзгани шер бил",  
Шер билиб, сўнг шердек муомала кил.  
Мансабу мулкингдан кўп ҳаволанма.  
Шохлар ҳам кабрда кай ётар, кўргил.

60

Ёшликнинг нурафшон кунлари гўзал,  
Кексаликнинг торик тунлари гўзал.  
Ўткинчи умрнинг бизларга берган,  
Оллоҳнинг бу даҳри дунлари гўзал.

61

Жонгинам, қалбимга кирдинг ногаҳон бир жон мисол,  
Жон десам камлик қилур, жондан азиз жонон мисол.  
Энди сенсиз бу жаҳон дўзах ўчоги мен учун,  
Етмасам васлиштга кетгум бемаҳал қурбон мисол.

62

Кексайган чоғингда ошиклик - алам,  
Ёшликдаги ҳислар бўлмас мужассам.  
Қуриған дараҳт ҳеч куртак очолмас,  
Фарки йўқ - ёзми, куз, қишиби ё куклам.

63

Фикрлар мос бўлса дўстлик мустаҳкам.  
Мустахкам дўстликдан хотиришим жам.  
Зидлик пайдо бўлса, асрасин Худо,  
Узилгай дўстликдан ришта, кўзда нам.

64

Оллоҳи Карим хоҳишидан бор бўла колдим,  
Васлига мудом ташниаю ҳам зор бўла колдим.  
Шафқатни лариг тутмаса гар баҳтима ёрман.  
Қаҳрига дучор айласа кўп кор бўла колдим.

65

Эрга тонг кун чикса босиб келар гам,  
Кечкурун кун ботса ортар тагин ҳам.  
Мен учун кун, туннинг фарки йўқ, гулим,  
Факат сен келгандан кўнглимда байрам.

66

Хидоятда осмон бўлгин илойим.  
Камтарлиқда замин бўлгин хар доим.  
Оёғи ердаю боши кўклани  
Севиб, паноҳида асрар Ҳодойим.

67

Хуснингни бир кўриб, ёр. асир бўлдим,  
Ўгу хаёлинг-ла мудом бир бўлдим.  
Қалбимла жаҳаннам ўтини ёқдинг.  
Бир кўзи Жайхуну, бири Сир бўлдим.

68

Илм нури билан беъзанса одам,  
Кўрку чиройига ҳавасда олам.  
Илмсиз кимсанинг хаётни зулмат,  
Илмда офтобнинг нури мужассам.

69

Мева бера-бера қурир дараҳт ҳам,  
Данаги ниш уриб, боз яшнар кўркам.  
Ўзи ўлса фарзанди ўрнила ўсиб,  
Худди шу дараҳтга ўҳшайди одам.

70

Яна баҳор келди, гүллади бодом.  
Бомдод туриб эдим, зумда бўлди шом.  
Оқ-корани таниб улгурмасданок.  
Умр деганлари тугали, тамом!

71

Мехр-муҳаббатдан нур олса олам,  
Яшарип кетали баҳраманд одам.  
Нурағишон манзилда барқ уриб ўсар,  
Ўтқазилган кўчат, экилган гул ҳам.

72

Булбул навосидан уйгониб кетдим,  
Не баҳтки, оромбахш навога етдим.  
Агар шу булбулдек куйлаёлмасам.  
Еронлар, мен шўрлик шеър ёзиб нетдим?

73

Фалакнинг жабридан кўзда ёш, кон ҳам,  
Яничилиб кетди тан ҳам, устикон ҳам.  
Шунчалик ээлилиб кетсан ҳам тонг йўқ,  
Тегирмондан бутун чикмайди дон ҳам.

74

Саховат кўрсатмас порахўр ҳеч ҳам,  
Канча кўп ўмарса, дейди шунча кам.  
Мизлисинни олиб ўзга каслардан,  
Биттасини бериб дейди: "мен Хотам!".

75

Тупрокдан яралган аслида одам,  
Бу гапда шак-шубҳа йўқ дерлар ҳеч ҳам.  
Йишонсам ишонай ва лекин менинг  
Онамни зиёдан яратган Эгам.

76

Гадо бўлсан сендан сўрмасман эхсон.  
Хизмат буюрмасман гар бўлсан сұлтон.  
Сендеқ таъмагирга колмасин куним,  
Остингда бўлса ҳам тахти Сулаймон.

77

Тақдир ўзи шу: бир куни мен хок бўладирман,  
Бас шундай экан, не учун ғаминок бўладирман.  
Ғаминок бўламан ўзгага толе улашай деб,  
Хосили шароб бўлгуси бир ток бўладирман.

78

Ишқ бирла бино бўлди одам, ишқ била ўлсин,  
Калбин косаси севги олови била тўлсин.  
Гар коса синиб, севги олови йўқотилса,  
Умрин чечаги ковжирасин, майлига, сўлсин.

79

Тақдирла сафо кўп бўлибон, кайгу йўколсин,  
Ҳам сидку вафо мўл бўлибон мантуга қолсин.  
Гар сидку вафо бирла сафо бўлмаса, найтай.  
Бу умри азоб иега керак? Жоними олсин.

80

Мөхрим сенга бисердир дунёдаги бор мүлдан,  
Хажрингда күзим ёши мүл бўлди улут кўлдан.  
Умрим бўйи юргайман бир лаҳза толикмасдан  
Васлинг сари элтувчи энг яхши, равон йўлдан.

81

Бир лаҳза калбимга тушгунча хижрон,  
Майлига, минг жойдан тешисин осмон.  
Менга севгилимнинг хажридан кура.  
Хаёт буткул тугаб кетгани осон.

82

Қалбингни дарёдек жўшкин айлагин,  
Тилингни кайрама, сокин айлагин.  
Олтин сопли кесгир килич бўлсанг гар.  
Сен унга ниятини жез кин айлагин.

83

Бу кун юксалишида жумлаи жаҳон,  
Ҳаттоқи юлдузга учмокда инсон.  
Шундай кетаверса гараккиёт гар,  
Беҳиншт томон кўприк курилар онсон.

84

Ором топай десанг мулику давлатдан,  
Қўлингни узмагин ҳеч муруватдан.  
Дунёни чароғон кўриб бўлурму.  
Кўзни чикармасдан каро чимматдан.

85

Тугилмоқ бор экан, ўлмоқ ҳак бир кун,  
Кун кетидан албат келаверар тун.  
Кун билан тун мангу айланаверар,  
Уламан деб, лўстим, йигламагин хун.

86

Донишманд мисоли ятторга лўкон,  
Борини намойиш этади ҳар он.  
Нодон эса лашкар ногорасидир,  
Овози балацду ичи шип-шийдон.

87

Дейдилар мол-дунё захарли илон,  
Илонбозлик килур мулкпараст инсон.  
Оламнинг ишларин кўрингти, бир кун  
Илонбоздан илон касд олур чунон.

88

Гоҳо сув кечамиз, гоҳ ошиб довон,  
Тинмайин излаймиз бойлик, обрў, шон.  
То замин қаърига киргунча, танда  
Үрганавсрادي омонат бу жон.

89

Кундузи хаёлу, тун тушимдасан,  
Ақл-идрокиму, эс-хушимдасан.  
Сенсиз бино бўлдим, лек сенсиз йўқман,  
Энг юксак орзуму баҳт кунимдасан.

90

Тириклар ичидә тенглик йўқасло,  
Үліклар бўлсалар тенгдир мутлақо.  
Тенгликка кўннишиб улгур, эй кўнгил,  
Тенглар орасига етгуниңча то.

91

Бас, севги хислари калбингда пайдо.  
Демакки, бўлибсан ошигу шайдо.  
Энди левоналик айласанг, тонгмас,  
Ишқ ҳали аклдан бўлур мустасно.

92

Имкони йўқ ишга уринма асло,  
Кўлингдан келмайди, эмассан Худо.  
Мини йил уринсанг ҳам кеч качон чиқмас  
Буг, ҳаво ва муздан гавҳар ё тилло.

93

Томчидә кубшнинг аксиدير пайдо,  
Бас шайдо эканман, бор элим шайдо.  
Васлингти зор этма шайдоларингни,  
Эй озод Ваганим, меҳринг дилга жо.

94

Бир мурда кабрдан чикарди садо:  
- Эй инсон, бойликка қул бўлма асло.  
Бойлик колиб кетар, манзилимга бок.  
Умрни бир марта берадир Худо.

95

Тониги саболарга дил бўлур шайдо,  
Атиргул хуснига меҳр муҳайё.  
Булбуллар сайраган мазкур гулшанда  
Ишкимни кабул эт, гул юзли зебо.

96

Давлатманд касларга тиз чўкмагил кўп.  
Давлат кези келса илондир бир тўп.  
Муликдорлар оёғин влашдан кўра,  
Имонли бир каснинг изларини ўп.

97

Эртанинг ғанини ема, дейдилар,  
Ўтмишга лаънатлар дема, дейдилар.  
Дунёни дарёга менгасак агар.  
Ҳаёт унда сузган кема, дейдилар.

98

Нодоннинг қалбида гусса кам бўлур,  
Ҳою ҳавас билан хаёли тўлур.  
Бетайин сирларин англамас дунё.  
Нега келганлигин билмасдан ўлур.

99

Биз а ҳаёт узи устозлик килур,  
Толе кулиб бокса, киш - ёзлик килур.  
Фонийни ҳам бехишт этамиз деймиз,  
Аммо умр камдир, шу озлик килур.

100

Билим - зиң эзур, рохати жондир,  
Рохаги жоп билан қалбингни кондир.  
Эртага, индинга оламан дема,  
Уни олмок учун фурсат шу ондир.

101

Басир күз олдилда куну тун бирдир.  
Сезмайды ёкаси ғозами, кирдир.  
Илмсиз кимсага оддий юмуш хам  
Англаб бўлмас гоят мураккаб сирдир.

102

Ҳаволаниб кетма, эй шум амалдор,  
Ердан узилмасин обигинг энхкор.  
Ерга қадалмаса илдизи агар,  
Дараҳт хам курийди. ўтин тап-тайёр.

103

Мансабу бойликка ружу кўйсанг гар  
Асал ҳаётингни этсан заҳар.  
Шайтон даяват этса, солиб васваса,  
Тинглама, ҳар икки қулоғинг кил кар.

104

Фалончи каттакон амал сўрдилар,  
Деманг, амал олиб даврон сурдилар.  
Қўлларини ўттаю чўтларга уриб.  
Дўзахда оташдан бино курдилар.

105

Бирорвга бахш этсанг қулгу шарафдир.  
Қалбингда ишқ деган туйғу шарафдир.  
Зарар келтирувчи бадкор ҳаётдан,  
Улим соз, абадий уйку шарафдир.

106

Бунда хамма гўё ўзига бекдир,  
Қалбида надомат, ғаразу кекдир.  
Кўшинининг уйига ўт кетса ҳамки,  
Қалби локайдликдан бсхисдир, теклир.

107

Амалга минса гар худбин, ҳаромхўр,  
Ўзин хисоблайди фукародан зўр.  
Насиҳатга қулоқ солмайди, унинг  
Букрини тузатар факат совук гўр.

108

Имон деб, инсоф деб кўп лоф урдилар.  
Сўзда хидоятдан каср курдилар.  
Ўзлари ҳаром еб, зинолар килиб,  
Ўткинчи дунёда айшни сурдилар.

109

Ёзилиб битгунча токи битта шеър.  
Дил кон бўлиб, манглай тўқар канча тер.  
Дил сўзин когозга туширмок қийин,  
Худойим, сен, ўзинг менга илхом бер

110

Баъзилар дунёга бойлийка келар,  
Текин даромаду ойликка келар.  
Улар курраму тинч яшашга эмас,  
Гам чекиб, күзлари сойликка келар.

111

Бойлик мисоли бир юқдир, ёронлар,  
Месъерин күтәриш онсои хар онлар.  
Ортиги елкани эзид, пачоқлаб,  
Дилингни айлайды кип-кизил конлар.

112

Десанг фалокатта бўлмайин дучор  
Магрур, мутакаббир бўлмагин зинхор.  
Таъмагирлик юкин елкангга осма.  
Дунёдан ўтмайин десанг хору зор.

113

Бу дунё гамхона, келдинг гам босар,  
Хар кадамда чохлару хар кадамда жар.  
Гар канот чикарсанг учиб ўтарсан,  
Учолмас экансан ичасал заҳар.

114

ЭЙ Раббим, умр бер гояг беозор,  
Неклийка кор киссин, бўлмасин бекор.  
Шундай яшайнинки, умрим йўлида.  
Босган изларимда барқ урсин баҳор!

115

Бойлийка хирс кўйсанг, умринг абасдир,  
Бутун умринг бўйи дунё кафасдир.  
Борига каноат килиб яшагин,  
Корининг тўқ, устинг бут, шул ўзи басдир.

116

Бировлар чўнглагин тингиб чикканлар.  
Тарозилан уриб бойлик йиқканлар.  
Гўё чўй оташни солиб оғзига,  
Аждаҳо комига бошни тикканлар.

117

ЭЙ Тавнгрим, қалбимга зиё кайдадир,  
Чин ёру бир меҳригиё кайдадир.  
Кўзимга тўтиё этман дейман,  
Айт, ўша кўзга тўтиё кайдадир.

118

Жаҳон кайгулари қалбимга жодир,  
Шу боис коматим хар лаҳза ёлир.  
Уринмали олурга кайтум дилимдан,  
Бу ишга биргина ёргинам колир.

119

Ёр васли дилимни гулистоң килур,  
Хижрони дилимни буткул кон килур.  
Найлайки, тоҳ худман, гоҳида бехуд,  
Холимни не килса шу жонон килур.

120

Кечанинг гамидан дилим эзилар,  
Эртани ўйласам баттар беzzиллар.  
Бугунни ўтказай амал-такаллаб,  
Эртага не бўлса кейин сезилар.

121

Зебо санамим лаблари ол, сийм тани оқдир,  
Қирмиз юзининг зеби - гўзал куягичи тоқдир.  
Бир кўрдиму дил, ақли хушим булди бегона.  
Ҳажрида унинг икки кўзим икки булодир.

122

Дунёни(нг) бутун хусни, гўзал, санда бўлибдир,  
Дунёни(нг) бутун ишни эса манда бўлиблери.  
Кўркингни(нг) кўриб, ошигу шайдо бўла қолгач,  
Қалбимни жойи оташу гулханда бўлибдир.

123

Дейдиларки, рост гапнинг тўқмоғи бордир,  
Ростгўйлар оламда хор ўтэр, зордир.  
Ҳак гапни айтдиму колдим балога,  
Найлайнин, кўзимга кенг жаҳон тордир.

124

Бу ўткинчи хаёт ҳам, билсанг, мисли шаробдир.  
Телба бўлиб кайфидан канча одам ҳаробдир.  
Сархушмисан, эй шоир, жўшиб-жўшиб куйлаб қол,  
Завқинг ичингда кетса, ўтган умринг саробдир.

125

Қийнамас фарзандларин, эр тўйгазар.  
Кеча-кундуз ишлагай, дув-дув тўқиб тер, тўйгазар.  
Еб туриб ҳам маъраган хайяонга ўхшар бальзилар.  
Кўзлари ҳеч тўймагай, ўлса каро ер тўйгазар.

126

Қўшиб ёзишликни энди айла бас.  
Йўқса килмипнингдан шанд ейсал, абас.  
Сен ҳалол ишлаю мен бўлсам мудом,  
Адолат қўшигин куйлай басма-бас.

127

Манманлик биргина Яратганга хос,  
Борликка довруғин таратганга хос.  
Ўн саккиз минг оламини яратиб кўйиб,  
Дунёни ўзига каратганга хос.

128

Нокасга ўзидек буюк кўринмас,  
Нафсидек азизу суюк кўринмас.  
Елкасин тог қадар гуноҳ босса ҳам,  
Во ажаб, тарикча бир юқ кўринмас.

129

Ҳаётдан нолима, дўстим, ҳар нафас,  
Демагин дунёнинг ўзи бир кафас.  
Орзуға етолмас киши ва лекин  
Вакт етса текинга ололмас нафас.

Элимдан бошқаси менга жон эмас,  
Юртимдан ўзга юрт ҳеч макон эмас.  
Иккисига баҳшиш бўлмаса агар,  
Умримниң онлари, билинг, он эмас.

131

Она юрт тупроғи менга ҳар нафас.  
Чиқаради шундай мўъжизакор сас:  
“Биз ҳам инсон эдик бир пайтлар сендеқ,  
Бу кун тупроқ бўладик, бўладик хору ҳас”.

132

Дунёда янгилик ҳеч боқий эмас.  
Зум ўтмай эскирса, янгилик демас.  
Яп-янги ҳаводан нафасни ютсак,  
Қайтиб чиқмоғида эски бўлар, бас.

133

Дунёда ҳар нарса сабабсиз бўлмас,  
Ўзинг йўл кўймасанг паймона тўлмас.  
Гар сабаб бўлмаса жонлилар, ҳатто  
Инсонлар зоти ҳам ҳеч қачон ўлмас.

134

Дўстингта қаҳрмас, меҳр ингъом эт,  
Садоқат амирини ҳамиша ком эт.  
Эзгулик амалии ижро этмоқдан  
Ўзингта мусаффо, қутлуғ бир ном эт.

135

Эй кўнгил, шеърият бебаҳо ҳикмат,  
Жаҳонда ҳикматдан не бордир қиммат.  
Қадрингни гар ерга урмайин десанг,  
Шеърхонлик бобида ўзингни кўрсат.

136

Бошинга ёғидирса улфатлар кулфат,  
Кулфатдан халос бўл, тутмагил улфат.  
Бориб гўристонга назар сол бир-бир.  
Бу ерда ҳаммага танҳолик қисмат.

137

Оlamда не учун қайғу, ғам қат-қат.  
Азият чекишдан юрагим дикқат.  
Хамманинг бошида баробарми ғам,  
Ё менинг бошимга ёғилар фақат?

138

Муҳаббат ўрнини босса гар нафрат,  
Ғазаблар жўш урар, зулм бўлар қат-қат.  
Хидоят қавмлари бедарак кетур,  
Излагани, бироқ топилмас фурсат.

139

Ақлсиз одамда мил-милдир давлат,  
Қорни тўқ, усти бут, беўхшов савлат.  
Лек дилда имон йўқ, бас экан шундоқ,  
Савлату давлатдан айтинг, на ҳожат?

Инсоннинг кўзини босмаса ғафлат.  
Бошига тушарми кетма-кет кулфат.  
Фоилик домига иллинлас эди,  
Етари бўлса гар фаҳму фаросат.

Фарорат ўрнини эгаллаб кулфат,  
Висол маконини забт этди гурбат.  
Бахт, толе излайман, шоён кўнглимда  
Орзулар бисёру бўлмас ижобат.

Найлайки, ёронлар, хилма-хил кулфат.  
Шўрлик бошим узра чарх урап фақат.  
Бас, омад ва шодлик этмаскан насиб  
Кулфатларни енгиб топаман шуҳрат.

Нодонга лавозим теккани-кулфат,  
Рам, андуҳни этар эл учун улфат.  
Бойўли дидига вайронна мосдир,  
Бас шундоқ, оромбахш гулзор на ҳожат.

Агар бўлса оқил нодонга йўлдош,  
Кўзидан тўқилар халقا-халقا ёши.  
Ажаб йўқ ул нодон енгса донони,  
Ёкутни ҳам ззиб майдалар-ку том.

Хуррамлика бўлди ғамли дил қашшоқ,  
Сингиб кетар шодлик, дил мисли қумлоқ.  
Қалбимиз қайргуга тўлиб тошгандан,  
Тида оҳ, икки кўз қайнаган булоқ.

Бошинг кўкда бўлса, эгилгил озроқ,  
Оёгинг заминдан узилмасданоқ.  
Ахир, инсондирсан, инсонликача қол,  
Қуш! бўлсанг, майлига, қанотингни қоқ.

Нокасдан бурда нон қарз олма, ўртоқ,  
Ҳаргиз йўлдош бўлма, ўтсанг ҳамки тоқ.  
У ёғоч берса гар танбурга змас,  
Одамкуш миљиқа бўладир қўйндоқ.

Дунёга келдикми, хотиржамлик йўқ  
Қайгу, аламлардан ҳаргиз камлик йўқ.  
Гоҳ ундаи куямиз, гоҳ бундан ёниб,  
Ситамлик серобу бокарамлик йўқ.

## ТҮЮҚЛАР

1

Носми у, нашами, барибир, чекма,  
Соғлиқдан айрилиб, ғам, алам чекма.  
Гар чексанг минг тилло бераман дея  
Шартнома түзса ҳам ҳеч имзо чекма.

2

Үй курсанг, томидан ўтмасин чакка,  
Үй халта эмасдир, солиимас чакка.  
Мустаҳкам, бежирим құрмасанг агар,  
Буюртмачи зарбидан ёрилгай чакка.

3

Келсін десант гар ишиңгни ўнг,  
Оқибатин келтир күз олдиншта ўнг.  
Етти ўлчаб бир кесгин, дерлар,  
Пушаймон фойдасиз вақт ўттаңдан сүнт.

4

Үзгалар мулкига солма асло чанг,  
Донг чиқар иеклиқда, чиқарматин чанг.  
Кимки эзгуликни күйласа агар,  
Сен унга жүр бўлгин, чалиб найми, чанг.

5

Уйингда бўлмасин ҳаргиз қаро ис,  
Ис босган хонадан чиқар бадбўй ис.  
Бундайин уй-жойдан қочар фаришта,  
Тоза тут, эҳсон деб чиқар дарҳол ис.

6

Гар бўлса суҳбатдош сурбет, юзсиз, без.  
Бундайин улфатдан, эй кўнгил, тез без.  
Қассоблар корига бир назар солгин,  
Дарҳол олиб ташлар ёғдан чиқса без.

7

Юртга чирой бериб келди фасли ёз,  
Боғу тогни кезиб, хуморингни ёз.  
Табиат бағридан завқу шавқ олиб,  
Жўшқин илҳом билан зўр разаллар ёз.

8

Кўнглим, агар бўлсанг маърифатга бой,  
Ҳар қандай мулқордан ўзингсан энг бой.  
Инсонга маърифат энг катта бойлик,  
Ҳаргиз шу бойликни бериб қўйма бой.

9

Севгилим, севгимни рад этсанг жаҳондан кечаман,  
Ҳажми уммондек кўзимнинг ёшида сув кечаман.  
Айласам дардим баёни эттайму шафқат деб, нигор.  
Тун бўйи ҳеч мижжа қоқмай нома ёзdim кеча ман.

Эй күнгил, чиқарсанг эзгуликка ун,  
Меҳр орушида яйраб, яшнаб ун.  
Қабоқат пинжига ўзингни урсанг,  
Хаёт тегирмони янчиб, этар ун.

Иисонга наф бергин, майлига, бўл тўп,  
Талошиб тепсиналар бўлибон тўп-тўп.  
Эзгулик корига ярасанг агар,  
Олқишлар ёғилур шаънингта тўп-тўп.

Гарчи икки кўзинг бўлса ҳамки кўр.  
Қалбингнинг кўзи-ла ҳидоятни кўр.  
Кўзинг кўрлигига Ҳақ бермас жаёз,  
Лек қалбинг кўр бўлса ўз-ӯзингдан кўр.

Меҳмон-чун уйингни дема ҳаргиз тор,  
Кўнгилни кенг қилгин, айлама ҳеч тор.  
Уй-жойнинг торлиги айб эмас, лекин  
Кўнгилнинг торлиги мисли синиқ тор.

Сув қуийб ювилар майдон бўлса шўр.  
Иложи топилар овқат бўлса шўр.  
Тақдирдан нолийсан ўкиниб, чунки  
Фоят қишин экан манглай бўлса шўр.

Жаҳднинг устида олмагин ҳеч ўч,  
Зўр олов бўлсанг ҳам бир нафасда ўч.  
Босиқ бўл, қизишма, ҳаддингдан ошма.  
Қасос олмоқликка бўлма асло ўч.

Бунча ҳаволандинг, сал пастроққа туши.  
Лаънатлар айтмасин барча тенгу тўши.  
Камтарга камоддир, манманга завоа,  
Кўзингни катта оч, кўрма нохуш туши.

Кўлмака ўжшама, дарёдек жўш, тош,  
Ва лекин қалбингни айламагин топи.  
Меҳр, саковатли, оқ кўнгил бўлсанг,  
Излаб келадилар йўл юриб минг тош.

Шундай деган эди Юсуфжон қизик;  
Бу дунё ишлари ҳангома, қизик.  
Бир ёнда латифа, бир ён асқия,  
Кулгуталаб бўлсанг ўргантин, қизик.

19

Ектирган кишинітта ўзинг ҳам хүш ёқ,  
Қалбіда мұхаббат үтін баланд ёқ.  
У сенга, сен унға манзур бўлсанг гар,  
Жаннатдек кўринар кўзинітта ҳар ёқ.

20

Гар бўлса юрагинг покизаю оқ,  
Элингга қўшилиб, биргалиқда оқ.  
Элингга содигу ҳамнафас бўлсанг,  
Толеинг йўли ҳам оқ бўлур мутлоқ.

21

Дўстларим келдилар тахминан ўн чор,  
Лабимда табассум, кайфиятим чор.  
Шодлигимдан сифмай кетдим оламга,  
Кўкка парвоз қилгим келади шу чор.



- 1  
Дўстингдан кўзлассанг агарда фойда,  
Унга фойда етказ қийналган жойда.
- 2  
Икки душман сиғмас бутун дунёга,  
Икки дўст сиради битта бўрёга.
- 3  
Донолар ўтитин ким қилмас писанд,  
Оқибатда бир кун ейди қаттиқ панд.
- 4  
Ҳаёлига қилма ҳасад,  
Ҳаёсиз юз - жонсиз жасад.
- 5  
Юзингдан кетса гар шарм ила ҳаё,  
Дарҳол етиб келар дард ила бало.
- 6  
Оқил дўстли китин корида ривож,  
Кўзгуга йўқ эрур, зарра эҳтиёж.
- 7  
Яшнайсан гар бўлса яхши улфатинг,  
Ёмон бўлса улфат шуладир кулфатинг.
- 8  
Агар ризқим кўпайсин десанг,  
Ўзгага ҳам едиргин есанг.
- 9  
Дунё лаззатидан юма олсанг кўз,  
Жаннатроҳати-ла кўришасан юз.
- 10  
Кимки сувга ташна, ичиб қонади,  
Мол-дунёга ташна ўтда ёнади.
- 11  
Дунё ғами ўткинчи,  
Дилдан дилга кўчкинчи.
- 12  
Қуёшнинг нурида соя бўлмайди.  
Ҳақиқат енгади, ҳаргиз ўлмайди.
- 13  
Ҳалол мулкнинг бордир ҳисоби,  
Ҳаром мулкнинг бордир азоби.
- 14  
Жоҳилнинг ҳассаси узун бўлади,  
Бир учин зарбидан ўзи ўлади.
- 15  
Мансабдор ўзига тўплар мулку мол,  
Оқил эса йигар савобу камол.

16

Кимки ўз нафсига бўлиб қолса қул,  
Ёниб чўр – оташда бўлгусидир қул.

17

Жоҳилу нодондан қочгил, ҳазар қил,  
Оқилу довога ёндош, назар қил.

18

Дононинг суҳбати шифобаҳш асал,  
Нодоннинг суҳбати юқумли касал.

19

Фақат қорни учун яшаса одам,  
Ундан афзал зорур сут берар мол ҳам.

20

Ҳақиқий дўстини ранжитса доим,  
Душманини шодон этар Худойим.

21

Яхшига яхшилик қайтади мудом,  
Ёмонга ёмонлик бўлур бардавом.

22

Ўзгалар ғамини емаса одам,  
Балолар ёпишиб олади маҳкам.

23

Уэр сўраганни қабул эт оянсон,  
Қабул айламаслик мисоли шайтон.

24

Оқил бўлсанг дўстни этмагил душман,  
Душманни дўст этиб ултур дафъатан.

25

Сабрнинг сўнгига ташла кўз қирин,  
Ҳамиша бўлар у юятда ширин.

26

Таомни қорнинита сиққанча соггин  
Қўлингта сабрнинг косасин олгин.

27

Мол-дунёнг кўпайиб боргани сайин,  
Умрингнинг озайиб бориши тайин.

28

Менсимай қарама деб кичик инсон,  
Оллоҳнинг наздида у буюк ҳар он.

29

Ҳар кимки ўзига қўйибди бино,  
Ҳақилинг севгисидан бўлибди жудо.

30

Беморга Оллоҳим беради даво,  
Ва лекин табиби этади даъво.

31

Кимсаки қўрқувга бўлса мубтало,  
Қочмоқдан топади дардига даво.

- 32  
Бойлик асли бебақо,  
Үнга дил бермак хато.
- 33  
Қай одам мулкига қўйса гар бино,  
Уни ғадо этиб қўяди Худо.
- 34  
Дунёвий нафсингни енгсанг мутлақо,  
Хорликка бўлмайсан ҳаргиз мубтало.
- 35  
Дўстингнинг кўнглини ранжитсанг агар,  
Душманинг шу онда муродга етар.
- 36  
Энг оғир кунларинг ёнингда ким бор,  
Энг олий инъомга ўша сазовор.
- 37  
Ҳар кимки ўзини тутса гар камтар,  
Уни Оллоҳ севиб қолади баттар.
- 38  
Тилингни тиймасант, эй банда, зинҳор,  
Бўла олмагайсан ҳаргиз тақвадор.
- 39  
Дилдан чиқдан ҳар сўз дилга йўл олур,  
Тидан чиқдан ҳар сўз шу тида қолур.
- 40  
Бойлиқдан қилмагин ҳаргиз ифтихор,  
Қашшоқликка эса берма эътибор.
- 41  
Зиқналиқ одати қай кимсада бор,  
Унинг-чун кенг дунё бўлур доим тор.
- 42  
Икки тўнғиз урушса агар,  
Ўртасида пашша эзилар.
- 43  
Корхона раҳбари бўлса порахўр,  
Унинг ҳузурини кўрар бир кун гўр.
- 44  
Агар кимда бўлса манманлик, кибр,  
Унда мужассамдир гуноҳи кабр.
- 45  
Кимки ўзин тутса гар камтар,  
Раҳмат зиёсидан белида камар.
- 46  
Қабристонга борсанг ҳаё билан тур,  
Қабрларни босмай, йўлаклардан юр.
- 47  
Мол-дунёни йирсанг елкангни эзар,  
Шеъру ғазал ёссанг шаънингни безар.

48

Мол-дүнёга хирс қўйсанг агар,  
Жоду сиртмогига тушдинг, алҳазар!

49

Оламда бўлмайин десанг энг маккор,  
Ҳарем луқмаларга қўл урма зинҳор.

50

Қилган эҳсони-ла ҳар ким мақтанар,  
Бир кун заҳар бўлиб ўзига қайтар.

51

Кимки ўзин ғоят доно деб билар,  
Унинг нодонлиги шундан билинар.

52

Сарфлаган мол-дүнёнг ўзингникидир,  
Сарфламай йикқанинг кўзингникидир.

53

Кимки душманидан қутулмаса, бас,  
Ҳеч қачон ололмас у эркин нафас.

54

Кимда бор адоват бирла хусумат,  
Унинг мукофоти жабру машққат.

55

Аввало ўзингни яхшилаб тузат,  
Кейин ўзгаларнинг авторин кузат.

56

Дулшмандан ҳар кимки кутса мурувват,  
Ўз дўстидан кутган бўлур азият.

57

Кимки ўйламоқни қилибди одат,  
Демак, шунинг ўзи ярим ибодат.

58

Бойлик фурбатда ҳам келтирап роҳат,  
Қашшоқлик Ватанда ҳам келтирап оғат.

59

Сахийларга доим дилда муҳаббат,  
Бахилларга эса ҳамилия нафрат.

60

Бирорга этолсанг агар саховат,  
Унутиб юборгин уни шу соат.

61

Ёмонларга этсанг марҳамат,  
Яхшиларга етади заҳмат.

62

Сабаб бўлса агар дўстликка қадаҳ,  
Билгилки, у дўстмас, ашаддий аблах.

## **МУАЛЛИФ ҲАҚИДА**

### **НОЗИКТАЪ ШОИР, ЯХШИГИНА НОСИР**

Муродхон аввало шоир, қитиқламай қулдирадиган нозиктатъб шоир. Қолаверса пилатўн (илгари фельетон дейишарди) ёзиб, қилиғи совукларнинг баданини қиздирадиган яхшигина носир.

Саъдулла СИЁЕВ, ташкенти ёзувчи.  
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1988 йил

### **БУ БЎСТОНДА ҲАМ...**

Мурод Калонхон турли мавзуларда ижод қилиб келмоқда. Мақолалар, фельетонлар, ҳажвий шерлар тўпламларини ўқигансиз. Шеърлари ашула ҳам бўлган.

Мурод ака бир неча йилдирки, арузда ҳам ўзини синааб кўрмоқда. Ажабмаски, бу бўстонда ҳам ўз ўрнини топса.

“Муштум” журнали. 1994 йил

### **ИҚТИДОРЛИ ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИДАН БИРИ**

Замонавий ўзбек шеъриятида.. ўтмишдаги устозлар йўлидан бориб, қадимий оҳангларга янги мазмун берадиган иқтидорли қалам соҳибларидан бири Мурод Калонхондир. У кейинги йилларда арузда анча муваффақиятли қалам тебратмоқда. Мазкур жанрнинг табиатига хос бўлган ихчам, дилбар, ўйноқи баҳрларига мурожаат қилмоқда.

Муродхоннинг шеърларида инсоннинг гўзал руҳий олами, севги ва садоқат, дўстлик ва биродарлик, ширин орзу-армонлар, зэгулликка ишонч, умид ҳамда ижтимоий иллатларга қарши кураши оҳанглари янграйди...

Муродхоннинг латиф ғазаллари шеърият муҳлисларини курсанд этишига умидвормиз.

Барот БОЙҚОБИЛОВ,  
Алишер Навоий мукофоти лауреати.  
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1994 йил

### **ФИРИБГАРЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА**

Мурод Калонхоннинг фақат ҳуқуқ-тартибот мавзусидаги материаллари муштариyllар ўртасида шов-шув уйғотаётгани йўқ. У қайси мавзуда қалам тебратмасин, уни чуқур ўрганади. Камчилик

ва иллатларнинг илдизини, сабабларини очиб бераркан, уларни бартараф этиш йўлларини ҳам мутахассислар билан бамаслаҳат кўрсатиб ўтади, ўзининг таклифларини билдиради.

Муҳаммадомон ДАМИНОВ.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

"Матбуотимиз фидойшлари" китобицаги Мурод Калонхоннинг

журналистик фаолиятига бағишланган

"Фирибигарларни донга қолдириб" очеркидан. 1998 йил

## ИҚТИДОРИ ЖУРНАЛИСТ, ШОИР ВА ЁЗУВЧИ

Мурод Калонхон ҳажвий асарларида... ўқувчини кулдирибина қолмай, унда у ёки бу иллатларга нисбатан нафрат уйғотади, бир сўз билан айтганда, инсонни берубор кулгу билан тарбиялади, маънавий оламини бойитади.

Табиатан гўзал, қалами сулув Мурод Калонхон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам айни қирчиллама йигитлик даврини бошидан кечираётган экан, биз ундан янада нафис асарлар кутишга ҳақлимиз.

Анвар ОБИДЖОН,

Ўзбекистон халқ шоири.

Мазкур девон муаллифининг "Биз миллионермиз" китобига  
ёзилган сўзбошидан. 1999 йил

## ЕТУК ШОИР, ТАЖРИБАЛИ ЁЗУВЧИ, МОҲИР ЖУРНАЛИСТ

Мен Мурод Калонхоновни 30 йилдан ошик вақтдан бери биламан...Шу вақт мобайнида айримлар ҳануз "ёш шоир", "ёш ёзувчи" бўлиб юрибди. Аммо Мурод Калонхонов аллақачон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз ўрнини топган етук шоир, тажрибали ёзувчи, моҳир журналист даражасига еттан, кўплаб истеъоддли ёшларнинг мураббийси...

Муродхон ҳазил-мугойбага ўч ижодкор. Шундан бўлса керак, унинг ҳажвиялари, ҳажвий шеърлари, фельетонлари ва танқидий мақолалари бир пасда қўлма-қўл бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб кетади....

Муродхон бадий асарлар ёзиш билангина чегараланиб қолмайди. У республикамиздаги етук журналистлардан бири ҳамдир. Унинг суд очерклари, тўйлар, диний оқимлар, дағн маросимларига оид ўткир муаммоли мақолаларига газетхонлардан жуда кўплаб хат келаётгани муаллиф истеъоддининг нақадар юқорилигидан далолат бериб турибди.

Каримжон РИХСИЕВ.

Ўзбекистон журналистлар уюшмасиниң аъзоси.

"Адолат" газетаси, 1999 йил, 25 июнь

## "ҚАЛБИМДА МУСАФФО ИШҚ"

Ғазалда сўзининг мумтозлик руҳи, қадимият руҳи, ишқнинг муқаддаслик руҳи, туфроқнинг табаррук руҳи бўлади. Бу қалбга ўтади. Қалб руҳини ўстиради.

Мурод Калонхоннинг қалбида шундай ҳис мавжудки, бу унинг газаллари замирита сингитган. Уларга аввало қалб руҳини берган, қолаверса, сўзга дахлдор ихлос ҳақиқатини пайдо эттан. Мурод Калонхон сўзга меҳр билан, муҳаббат билан яқин келади. Қалб ихлосини шундай ифодалайди:

*Жон десам камлик қилур, жондан азиз жона Аруз.*

Худди шундай қалб ихлоси ила түрилган туфроқининг табаррук руҳига эктивор келтиради. Улуғлари руҳига таъзим қилиб, эдтиром билдиради:

*Бир мени эрмас азиз чустлик улуг'устозларим,*

*Чустийу Вахшийни ҳам айлабди хуш гўё Аруз.*

Мурод Калонхон ҳаёт ҳақиқати ўйларини, дунёнинг келишкетиши борасидаги мулоҳазаларини, муносабатлар маъноси хусусидағи кечинималарини, ишқ изтиробларига тегишли сезимларини ўз кузатувлари мисолида акс эттиради. Қалб моҳиятини ишққа йўналтиради:

*Қалбимда мусоффо ишқ оламга зиё сочди,*

*Нурига Калоний ҳам шеър ёэди, наво этди.*

Мурод Калонхон фикр ҳамда туйгу уйғуналигини самимий ва табиий ифодалашта интилади. Шоирнинг қалб руҳига йўйирлган газаллари шу жиҳати билан, яъни, қалб самимияти ҳамда қалб табиийлиги билан ибратли.

*Икрам ОТАМУРОД,*

*"Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррирининг ўринбосари,  
таниқли шоир. 2007 йил*

## САМИМИЯТ

Киши ёшлигини қумсаганда, вақтида ота-онасига арзигулик хизмат қила олмаганини ички алам билан эслаганида, қалби гўзал кишилар сұхбатига ташна бўлганида, моддий турмуш ташвишларидан ҳалос бўлганида, ўзининг кимлигини англашга эҳтиёж сезганда, кўнгил шеъриятта келади, шеърга айланади. Бу қудратни сезиш, язал ёки қўшиққа имкон даражасида гушира олиш катта баҳтдир.

Бир пайтлар ғазалхон ёшлигим, деган ибора жуда расм бўлган эди. Муродхоннинг икки жилдлик девони билан танишиб чиқар эканман, қўнглимда ғазалхон дўстим, деган фахр туйдим. Дўстимни қирқ йилдан буён биламан. Танишган пайтимиздаёқ унинг шеъриятга, ғазалга ошиклиги, назмий салоҳиятини сезганиман.

*Ўтган умридан ўзига сарҳисоб айлар киши,  
Год савол бергай ўзига, год жавоб айлар киши.*

Бу мисралар ўзимникайдай туюлди. Рост-да, олтмишга яқинлашиб қолсаю, ўтган умрига бир боқмаса, инсон инсонми? Муродхон ҳам тенгдошларимиз қатори ҳаётнинг аччиқ-чучугитни тотиб кўрган. Бу ҳаётнинг батафсила қандай кечганини билмайман, аммо шеърият унга доимо ҳамроҳ бўлганки, шунинг ўзи нималарнидир англатади.

Дўстимнинг девонида ишқ мазуидаги ғазаллар устиворлик қиласи. Бу туйгу йигитнинг қизга муҳаббатидан инсоннинг инсонга, ҳалқига муҳаббати даражасига кўтарилиганки, уни факат девон билан танишиб чиққачгина ҳис қилиш мумкин.

Муродхон шеъларида, яъни ғазалу, мухаммасу, мусаддасу, фарду-барча барчасида, таъбир жоиз бўлса, Ҳазрат Навоийга хос инсонпарварлик, юксак эътиқод, устозлари Чустий ғазалларига хос ўйноқилик, Сўфизода ижодига хос теран ҳажв сезилиб туради. Шу боис бўлса керак, бу ғазалларнинг талайтинаси кўшиқ бўлиб куйланмоқда. Шоир ишқий ғазал ёзадими, мухаммасми ёки ҳажвиями уларнинг барчасига хос бир ҳусусият бор. Бу унинг шахсияти, қон-қонига сингиб кеттан самимиятдир. Самимиятнинг бадиият билан ўйнулашуви маҳорат мевасидир. Демокчиманки, Муродхон тили бошқа, сўзи бошқа, ўзи бошқалардай, шеъриятга болпи айланиб кириб қолганилардан эмас.

Девондаги ҳажвий намуналардан бир нарса англадим, уларда ҳаётий ҳақиқатлар шундай аниқ берилганки, худди кўриб тургандайсан киши. Мана, автобусдаги бир ҳашомадаев лавҳа:

*“Анов тушиб олган гумбаз ҳамёнимни олиб қочди!”* –

*Деб бақиргач битта кампир миршаб ҳуштак чалиб кетди.*

Девонда анъанавий ўхнатишлар, кўчимлар билан бирга кашфиёт даражасидаги яшнлари ҳам бор. Муродхон шеъларининг тили-халқ тилининг ўзи. Унинг баъзи ғазалларида насиҳат оҳанглари сезилса, бу ҳам табиий. Чунки олтмиш йилча бу ҳаётда ҳалол, пок кўнгил билан яшаган кишининг маънавий жихатдан ўринли насиҳат қилишга ҳам ҳаққи бор.

Девон жилдлари “Муҳаббат гуллари”, “Кўнгил наволари” деб номланибди. Муҳаббат ҳам, кўнгил ҳам муқаддас. Сим эгизаклари

қабидир. Шундай бўлса-да, девон жиљдлари биргина сўз билан, масалан, "сарҳисоб", деб аталишини истар эдим.

Ҳамма ҳам ўз дўстини мақтайди-да, дейишингиз мумкин. Девон билан танишиб чиққач китобхон, унда менинг таърифларимдан ортиқ жуда кўп фазилатлар борлигига, менинг сўзларим жуда ғариблигига ўзи гувоҳ бўлади. Мен эса, девон нашр этилиб, китобхон қўлига етиб борса, ўзбек ғазалчилигига жуда катта бўлмаса ҳам, жиддий воқеа бўлишига ишонаман.

Асқар МУСАҚУЛОВ,  
филология фанлари доктори.

### ИСТЕДОД ҚИРРАЛАРИ

Мурод Калонхонда тұрма аruz сезгиси бор экан: ғазал ва мұхаммаслари равон, мусиқий. Арузниң асосан ўзбек халқ қўшиқларига яқин, мұмтоз шоирларимиз томонидан кўп кўлланилған жиҳатидан арузниң түркій вазнлари сифатида машхур ҳажаз ва рамал баҳрларининг турли тармоқлари (асосан рамали мусамманы мақсур)да қалам тебратади. Атойи ғазалларининг ҳам катта қисми арузниң халқ қўшиқларига яқин вазнларida ижод қилингани, Ҳусайн Бойқаро ғазалларининг зса барчаси рамали мусамманы мақсурда яратилганини зътиборга олсак, бунинг сира ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Мурод Калонхон ижодида эса ҳатто, музореъи мусамманы солим ва бошқа вазнларни ҳам учратамиз. Лекин шоирниң мураббаъ, рубоий ва тулоқлари асосан бармоқ вазнида.

Матъумки, мұмтоз адабиётшунослиқда белгилантан қоидага кўра туюқ биргина рамали мусамманы мақсур (маҳфуз)да, рубоий эса ҳажаз баҳрининг ахрам ва ахраб тармоғидаги 24 вазнда ёзилади. Шундай экан, уларни рубоий эмас, тўртлик деб атаган маъқул. Чунки рубоий деган билан уларниң нуфузи ошиб, тўртлик деганда қадри тупиб қолмайди. Шоирниң ҳажвий шеърлари мавзу доирасининг ранг-баранглиги ва долзарблиги, услугининг равон ва ўйноқилити, тилининг содда ва ўтқирлиги, зинг мұжими теран фикрлар, тагдор киноялар, нозик қочиримлар, тепса тегмаган иборалар, латиф лутфларга бойлиги билан ажralиб туради.

Мурод Калонхон қалами ўтқир журналист, истеъододли ёзувчи ва шоир сифатида аллақачон адабий жамоатчилик томонидан зътироф этилиб, эл меҳрини қозонган, ўз ўқувчиларига зга ижодкорларимиздан ҳисобланади. Бинобарин, унинг девонлари ҳам ўз мұхлисларини топиши ва ўзига муносиб қадр топишиш пубҳасиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди.

## МУНДАРИЖА

Ғазаллар.....	3
Мустағозодлар.....	287
Мураббаълар.....	289
Мухаммаслар.....	293
Мусаддаслар.....	310
Ҳажвиёт.....	312
Рубоийлар .....	340
Туюқлар .....	355
Фардлар .....	358
Муаллиф ҳакида.....	362

Адабий-бадиий нашр  
МУРОД КАЛОНХОН

**КҮНГИЛ НАВОЛАРИ  
ДЕВОН  
2**

*Ғазаллар, мустазодлар, мураббаълар, мухаммаслар,  
мусаддаслар, ҳажвиёт, рубоиёнлар, туюқлар, фардолар.*

**Муҳаррир:** Бахтиёр Карим

**Техник муҳаррир:** Шоира Нур кизи

**Мусаддих:** Гавҳар Мўминқул кизи

**Компьютер саҳифаловчиси:** Бобур Каримов

Теришга берилди: 05. 01. 2009. Босишга руҳсат этилди: 12. 01. 2009.  
Бичими 84/108 <sup>1/16</sup>. Шартли босма табоги 23,0.  
Напр босма табоги 24,5. Адади 700 (1- завод)

"STAR-POLIGRAF" ҲФ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 1-298